

МУЗАФФАРЖОН МАМАСИДДИҚОВ

**ФУҚАРОЛИК
ПРОЦЕССУАЛ
ҲУҚУҚИ**



УМУМИЙ ҚИСМ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

МУЗАФФАРЖОН МАМАСИДДИҚОВ

**ФУҚАРОЛИК
ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ**

**ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ ТАЛАБАЛАРИ
УЧУН ДАРСЛИК**

УМУМИЙ ҚИСМ

Тошкент – 2012

УДК 347.91.95 (075)(575.1)

Мазкур дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 17 июндаги 234-сонли буйруғига асосан 5380100-юриспруденция мутахассислигининг талабалари (ўқувчилари) учун тавсия этилган ва чоп этишга рухсат берилган (руйхатга олиш рақами 234-73).

Мамасиддиқов М.М.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм / Олий ўқув юрти талабалари учун дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О.Оқюлов. –Тошкент, ТДЮИ нашриёти. 2012. – 516 б.

Масъул муҳаррир: ТДЮИ “Хўжалик ҳуқуқи ва жараёни” кафедраси профессори, юридик фанлар доктори, **Омонбой Оқюлов**

Такризчилар: **Э.Эгамбердиев** – юридик фанлар доктори, Ўзбекистон Миллий университети Ҳуқуқшунослик факультети, “Фуқаролик процесси” кафедраси профессори;
З.Н.Эсанова – ТДЮИ “Фуқаролик процессуал ҳуқуқи” кафедраси мудир, юридик фанлар доктори
Д.Ю.Хабибуллаев – юридик фанлари номзоди, ТДЮИ “Фуқаролик процессуал ҳуқуқи” кафедраси доценти

Мазкур дарслик Давлат таълим стандарти асосида тузилган “Фуқаролик процессуал ҳуқуқи” фани дастурига мувофиқ ҳамда шахсга йўналтирилган, ривожлантирувчи ва мустақил таълим олиш технологиялари, тамойиллари ва талаблари асосида тайёрланган. Дарслиқда фуқаролик процессуал ҳуқуқининг умумий қисмига оид барча масалалар батафсил кўриб чиқилади.

Мазкур дарслик нафақат юридик ўқув юрти талабалари учун, балки фуқаролик ишлари бўйича судларнинг судьялари, прокуратура ходимлари, адвокатлар, шунингдек кенг китобхонлар оммаси учун ҳам мўлжалланган. Ушбу дарслиқдан фуқаролик процессуал ҳуқуқи соҳасида илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган докторант ҳамда аспирантлар ҳам фойдаланиши мумкин.

ISBN 978-9943-380-08-0

© М.М.Мамасиддиқов, 2012 йил.



Мазкур дарслик атоқли процессуалист олим, юридик фанлар доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, профессор Шо-акбар Шо-рустамович Шорахметов ҳамда фуқаролик процессуал ҳуқуқи соҳасида кўп йшлар давомида фаолият кўрсатган ва ушбу соҳанинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган профессор-ўқитувчиларнинг ёрқин хотирасига бағишланади.

К И Р И Ш

Фуқаролик процессуал ҳуқуқи юридик олий ўқув юртларида ўқитиладиган махсус фанлардан бири ҳисобланади. Мазкур фан фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларининг суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Фаннинг методологик асосини ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисаларни билишнинг фалсафий, назарий-ҳуқуқий усуллари ташкил этиб, мазкур дарсликни ёзишда юз бераётган воқеа ва ҳодисаларни чуқур таҳлил этиш, улардан тегишли хулосалар чиқариш, ҳуқуқни кўллаш амалиёти мисолларини таҳлил этиш, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий таҳлил, миллий нормаларни шарҳлаш, суд амалиётига оид материалларни умумлаштириш услубидан кенг фойдаланилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Испом Каримовнинг асарлари, сўзлаган нутқларидан методологик асос сифатида фойдаланилди, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси мазкур дарсликнинг услубий асоси сифатида олинди.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани юридик фанларнинг асосий ва муҳим бўғинларидан бири ҳисобланиб, унинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклашиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва уни амалиётда кўллаш самарадорлигини оширишга хизмат қилишдан иборатдир. Фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш борасида вужудга келадиган фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларни ўрганадиган фуқаролик процессуал ҳуқуқ фани олдида суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларда муҳим ўрин тутадиган суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, суд тизимининг қонунчилик асосларини ҳуқуқий демократик давлат талабларига

мослаштиришга қаратилган асосий йўналишларини чуқур илмий-назарий таҳлил ҳамда тадқиқ этишдан иборат устувор **вазифалар** белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш фан олдида турган айрим **долзарб муаммоларни** ҳал этишни талаб қилади. Дарҳақиқат, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида юридик фанлар олдига, хусусан фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанига нисбатан қатор талаблар қўйилдики, бу ўз навбатида, қонунчилик, ижро ҳокимияти ва айниқса, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни амалга оширишда фуқаролик процессуал ҳуқуқ фани эришган ютуқлардан янада самарали фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқи мамлакатимиз ҳуқуқ тизимининг таркибий қисми сифатида ҳуқуқнинг аксарият тармоқлари (фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой ҳуқуқи) билан **ўзаро алоқадор** ҳисобланади. Ўз навбатида моддий ҳуқуқ нормасида назарда тутилган мажбуриятлар бошқа шахслар томонидан амалга оширилмаган тақдирда ҳуқуқни суд орқали ҳимоя қилишнинг муҳим шакли сифатида фуқаролик суд ишларини юритиш эътироф этилади. Ундан ташқари, суд юзага келган фуқаролик ишини моддий ҳуқуқ нормаси асосида ҳал этади. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи соҳасида субъектив ҳуқуқларни суд орқали ҳимоя қилиш шакллари асосий ўринни эгаллайди. Субъектив ҳуқуқларни суд ёки бошқа шаклларда ҳимоя қилиш масалаларини пухта билиш бўлажак судья, прокурор, адвокатлар, юрист-маслаҳатчилар, нотариуслар, турли давлат ва нодавлат ташкилотларида меҳнат фаолиятини олиб борадиган бўлажак **мутахассисларни тайёрлашда**, уларнинг касбий фаолиятини ривожлантиришдаги муҳим шартлардан ҳисобланади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқини ўрганиш жараёнида талабада фуқаролик процесси иштирокчилари ва манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судда ҳимоя қилиш борасидаги билим ва дунёқараш ривожланади, фуқаролик ишларини судда ва суддан ташқари ҳимоя қилиш хусусиятлари билан яқиндан танишиш имконияти юзага келади, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллаш бўйича кўникмалар ҳосил бўлади, фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилишга доир қонунчилик ва судга оид процессуал ҳужжатлар билан ишлашни ўрганади. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи курсини ўрганган талаба фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал этиш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай ишни моддий-ҳуқуқ нормаларини қўллаш асосида мустақил равишда бажариш лаёқатига эга бўлади.

УМУМИЙ ҚИСМ

I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-БОБ

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА ТИЗИМИ

Бобнинг мақсади фуқаролик процессуал ҳуқуқининг тушунчаси, предмети ва тизимига оид масалаларни батафсил баён этишдан иборат. Унда мазкур ҳуқуқ соҳасининг бошқа ҳуқуқ соҳалари, хусусан, конституциявий, фуқаролик, оила, меҳнат, маъмурий ҳуқуқ, хўжалик процессуал ва жиноят процессуал ҳуқуқи ҳамда бошқа ҳуқуқ соҳалари билан алоқадорлиги аниқ мисоллар орқали тушунтириб берилган. Ундан ташқари, фуқаролик суд ишларини юритиш тушунчаси, вазифалари ва унинг турлари, улар ўртасидаги ўзига хос жиҳатлар баён этилган. Ушбу боб орқали фуқаролик процессуал ҳуқуқининг манбалари ҳамда фуқаролик процессининг босқичлари ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлиш мумкин.

1.1. Суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг илк кунлариданоқ ривожланишнинг ўзбек модели сифатида тан олинган ўзига хос ва мос тараққиёт моделини ишлаб чиқди. Бу йўлнинг моҳияти миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида акс эттирувчи, бозор муносабатларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва одил фуқаролик жамиятини қуриш, халқимизга ҳеч кимдан кам бўлмаган муносиб турмуш шароитларини яратиб беришдан иборатдир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, биз ўз мустақиллигимизни қўлга киритиб, янги тараққиёт йўлига қадам қўйганимиздан сўнг халқимизнинг хоҳиш-иродаси, асрий орзу-интилишларига таянган ҳолда, шўро давридан оғир мерос бўлиб қолган маъмурий-буйруқбозлик тизимини тубдан ислоҳ қилиш, унинг ўрнида моҳият эътибори билан бутунлай янги – эркин бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этишга азму қарор қилдик.¹

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент, "Маънавият". 2008. -102 б.

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг ривожланиши ҳамда мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларининг изчил давом эттирилиши, ўз навбатида ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш заруратини белгилаб берди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши ҳамда демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши кафолатланади.¹ Бу эса фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг самарали, таъсирчан ва қонуний демократик усуллари билан бири бўлган суд орқали ҳимояни мумкин қадар кенгайтириш, суд тизимининг демократик асосларини ислоҳ қилиш ва янада чуқурлаштириш, суд ишларининг тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга оширишни тақозо этди. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган **“Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”**да ҳам мазкур мақсадларга эришишга қаратилган қатор вазифалар ва аниқ таклифлар илгари сурилди. Хусусан, Концепцияда мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборат эканлиги назарда тутилди.²

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида фуқаролик ҳуқуқлари процессуал қонунлар ёки шартномада белгилаб қўйилганидек, ишлар қайси судга тааллуқли бўлишига қараб, суд, хўжалик суди

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент, “Ўзбекистон”. 2012. -5 б.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ишлом Қаримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган кўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2010 йил 13 ноябрь, 220 (5135)-сони.

ёки ҳакамлик суди томонидан ҳимоя қилинади. Қонунда назарда тутилган ҳоллардагина фуқаролик ҳуқуқлари маъмурий тартибда ҳимоя қилинади. Маъмурий тартибда қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилиш мумкин (Фуқаролик кодексининг 10-моддаси). Лекин Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади (44-модда). Бу эса ҳуқуқни суд орқали ҳимоя қилишнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқининг кафолатланиши ҳақидаги конституциявий қонда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 1-моддасида ҳам ўз ифодасини топган. Унга кўра, ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли. Судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақиқий эмас.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида суд – одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён¹ эканлигини алоҳида таъкидлаган. Юридик фанларнинг муҳим соҳаси ҳисобланган фуқаролик процессуал ҳуқуқи ҳам давлат-ҳуқуқий фаолиятнинг алоҳида тури сифатида фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш масалаларини ўрганади, уни ривожлантириш ва янада такомиллаштириш, жамият учун тўлиқ ва самарали хизмат қилиш йўллари белгилаб берадиган фан сифатида майдонга чиқади. Дарҳақиқат, фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанининг ёрдами ва кўмагисиз одил судловнинг моҳиятини тўғри тушуниш ва уни тўлиқ амалга ошириш, одил судлов фаолияти давомида юзага келувчи қондаларга тўлалигича риоя қилиш мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани юридик фанларнинг асосий ва муҳим бўғинларидан

¹ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. –Тошкент, Ўзбекистон, 2005. –Б. 174-222.

бири ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклашиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва уни амалиётда қўллаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани, шунингдек, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, жамиятимизда амалга оширилиб келинаётган кенг кўламдаги иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни жадаллаштиришга, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, уларнинг инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини оширишга хизмат қилувчи муҳим соҳа сифатида ҳам аҳамияти беқиёсдир. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонунига кўра, Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади. Конституциянинг 112-моддасига мувофиқ, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралаштишга йўл қўйилмайди ва бундай аралаштиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Бинобарин, мазкур дарслиқда фуқаролик ишлари бўйича суд орқали ҳимоянинг ўзига хос жиҳатлари баён этилади. Умумий юрисдикция судлари фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал этиш орқали фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилмоқдалар. Фуқаролик ишлари судлар томонидан ҳал қилинаётган ва турли ҳуқуқий муносабатлардан (фуқаролик, меҳнат, оила, уй-жой ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан) келиб чиқадиган ишлардан иборат бўлиб, суд амалиётида ушбу тоифадаги ишлар хўжалик, жиноят ишларига қараганда кўпчиликни ташкил этади.

Фуқаролик ишлари бўйича одил судлов фуқароларнинг ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига таъсир кўрсатувчи ҳуқуқий масалаларни суд мажлисида кўриш ва ҳал этиш орқали амалга оширилади. Судда фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал этиш тартиби фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги процессуал қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Юридик адабиётларда фуқаролик-процессуал шакл учун қуйидаги белгилар хослиги таъкидланади:

биринчидан, фуқаролик ишлари бўйича иш юритиш тартиби олдиндан процессуал қонун билан белгилаб қўйилган бўлади;

иккинчидан, суд ҳимояси учун қонунда белгиланган ёзма шаклда судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилади;

учинчидан, ишда иштирок этувчи шахслар процессуал ҳуқуқлардан, хусусан ишни кўришда суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқидан фойдаланадилар;

тўртинчидан, суднинг ҳал қилув қарори процессуал қонунда кўрсатилган далиллар воситаси билан аниқланган фактик маълумотларга ва қонунга асосланган бўлиши шарт қилиб қўйилади.¹

1.2. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи тушунчаси ва предмети

Фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган фуқаролик процессуал қоидаларнинг мажмуи мустақил ҳуқуқ соҳаси бўлмиш фуқаролик процессуал ҳуқуқини ҳосил қилади.

Юридик адабиётларда фуқаролик процессуал ҳуқуқи тушунчасига бир-бирига ўхшаш таърифлар берилади. Масалан, атоқли процессуалист Ш.Ш.Шорахметовнинг фикрича, фуқаролик процессуал ҳуқуқи деб, фуқаролик ишларини кўришда суднинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларини ифодалайдиган фуқаролик процесси иштирокчиларининг ҳаракатларини қонун асосида тартибга соладиган, шунингдек суд қарорларининг ижро этилиши тартибини белгилайдиган ҳуқуқ меъёрларининг мажмуига айтилади.² Машхур процессуалист олима Мария Сумбатовна Шакарян фуқаролик процессуал ҳуқуқига фуқаролик ишларини кўзгагиш, мазмунан кўриш ва ҳал этиш, суд қарорларини қайта кўриш, шунингдек суд қарорларини ижро этиш тартибини, умуман фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш тартибини белгилайдиган ҳуқуқ нормаларининг мажмуи, деб таъриф беради.³

Бир сўз билан айтганда, фуқаролик процессуал ҳуқуқи фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликлари ва манфаатларини, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзи-

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. —Тошкент: Адолат. 2001. —11 б.

² Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. —Тошкент: Адолат. 2001. —Б. 12-13.

³ Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. — М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. - 12 с.

ни ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқи ўзида фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш жараёнида суд ва процесснинг бошқа иштирокчилари ўртасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган процессуал нормалар тизимини жамлаган ҳуқуқ соҳаси ҳисобланади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқи нормалари билан фуқаролик ишларида иштирок этувчи ҳар бир шахс учун процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгиланади. Масалан, суд фуқаролик ишини мазмунан кўриш ва ҳал этиш ваколатига эга бўлади ҳамда шуниси билан процесснинг бошқа иштирокчиларига қараганда устун ҳуқуқларни тасарруф этади. Шу билан бирга суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал ҳуқуқларига қатъий амал қилиши талаб этилади. Ишда иштирок этувчи шахслар иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусхалар кўчириш, рад этиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашаётган шахсларга саволлар бериш, арз қилиш, илтимосномалар тақдим этиш, судга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, ишни судда кўриш давомида туғиладиган ҳамма масалалар бўйича ўзларининг важларини баён қилиш, бошқа шахсларнинг арзлари, илтимосномалари, важларига қарши эътирозлар билдириш, суднинг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори ва буйруғи устидан шикоят қилиш, суд чиқарган ҳал қилув қарори, ажрими, қарори ва буйруқнинг мажбурий ижросини талаб қилиш, суд ижрочисининг ҳаракатлари вақтида ҳозир бўлиш ва ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўладилар (ФПКнинг 34-моддаси).

Фуқаролик процессуал ҳуқуқ нормалари суд процессини олиб бориш тартибини белгилайди, мазкур тартибни бузувчи фуқаролик процессуал-ҳуқуқий муносабатнинг ҳар бир субъекти учун муайян чораларни назарда тутди. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи нормаларининг ҳуқуқий тартибга солиш объектини фуқаролик ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ташкил қилади. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи ҳуқуқнинг мустақил тармоғи бўлгани боис, ҳуқуқий тартибга солиш-

нинг ўзига хос махсус предметиға эға. Шу ўринда фуқаролик процессуал ҳуқуқи предметининг фуқаролик процессининг предмети билан ўзаро фарқли жиҳатларини ажрата билиш лозим. Масалан, суд томонидан одил судловни амалға ошириш мақсадида судда кўрилаётган муайян фуқаролик иши фуқаролик процессининг предмети ҳисобланади. Юридик луғатларда эътироф этилишича, фуқаролик иши – фуқаролик судида фуқаролик-ҳуқуқий қонунларда назарда тutilган тартибда кўриб чиқиладиган ҳар қандай иш. Фуқаролик ишиға қуйидагилар киради: фуқаролик ҳуқуқи тўғрисидаги келишмовчиликка доир ишлар; бошқарув органлари ёки мансабдор шахсларнинг ўз ваколатларини фуқароларнинг ҳуқуқларини чеклаб содир этган ҳаракатлари бўйича шикоятларға доир ишлар; юридик аҳамиятта эға бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар ва махсус юритиладиган бошқа ишлар.¹

Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг предметини фуқаролик суд ишларини юритиш соҳасида вужудға келадиган фуқаролик процессуал муносабатлар ташкил этиб, ушбу муносабатлар фуқаролик ишлари туфайли вужудға келадиган суд ва процесснинг бошқа иштирокчилари, суд қарорларини ижро этувчи идоралар ўртасида юзаға келади.

Шу ўринда фуқаролик процесси тушунчасиға адабиётларда турлича таъриф берилишини таъкидлаш лозим. Аксарият адабиётларда фуқаролик процесси атамаси фуқаролик суд ишларини юритиш атамаси билан бир хилда қўлланилади. Хусусан, М.С.Шакарянининг фикрича, фуқаролик суд ишларини юритиш (фуқаролик процесси) деганда, фуқаролик процессуал ҳуқуқи билан тартибға солинадиган суд, ишда иштирок этувчи шахслар ва процесснинг бошқа иштирокчилари, шунингдек суд қарорларини ижро этувчи идораларнинг фаолияти тушунилади.² Бошқа гуруҳдаги олимлар эса фуқаролик процесси деганда, учта таркибий қисм: процессуал фаолият, процессуал муносабатлар ва процессуал шаклнинг бирлигини тушунадилар.³ Ш.Шорахметов фуқаролик процессиға қонун билан белгиланган фуқаролик ишларини кўриш, ҳал қилиш ва суд қарорларини ижро этиш билан боғлиқ фаолият, деб таъриф беради.⁴

¹ Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У. Таджихановнинг умумий таҳририда. –Тошкент: «Шарқ», 2001. –413 б.

² Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. - 24 с.

³ Гагаринов А.В. Понятие гражданского процесса // Правоведение. 1988. № 4. -Б. 96-99.

⁴ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент: Адолат, 2001. -7 б.

1.3. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг тизими

Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг барча қоидалари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг тизимини ташкил қилади. Ушбу тизимда умумий, алоҳида ва махсус аҳамият касб этувчи нормалар мажуд бўлиб, улар биргаликда фуқаролик процессуал ҳуқуқининг тизимини ҳосил қилади. Процессуал нормалар суд ишларини юритиш турлари ҳамда фуқаролик процессининг барча босқичлари учун умумий бўлган нормаларга ажратилади. Улар фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаларини аниқлайди, фуқаролик процесси принципларини мустаҳкамлайди, фуқаролик ишларида иштирок этувчи шахслар доирасини, далиллар, процессуал муддатлар, суд хабарномалари, чақирувлари ва ҳоказоларни белгилайди.

Модомики, фуқаролик процесси фуқаролик ишининг бир босқичдан иккинчи босқичга ҳаракатланишидан иборат экан, процессуал нормалар биринчи инстанция судида, апелляция ва кассация тартибида иш юритиш, қонуний кучга кирган суд қарорларини назорат тартибида қайта кўриш, суд қарорларини ижро этиш босқичларини ўзида қамраб олади. Ундан ташқари, процессуал нормалар турли процессуал ҳаракатларни ҳам тартибга солади. Масалан, даъво тартибида юритиладиган ишлардаги кўплаб процессуал нормалар (фуқаролик ишини кўзгатишга доир 149-157-моддалар, фуқаролик ишини судда кўришга тайёрлашга оид 158-161-моддалар) суд ишларини юритишнинг бошқа турлари учун ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам даъво тартибида юритиладиган ишлар учун белгиланган қоидалар фуқаролик суд ишларини юритишнинг умумий қоидалари тарзида эътироф этилади. Бироқ ҳар бир суд ишларини юритиш турининг ўзига хос хусусиятлари алоҳида нормаларда акс эттирилади. Хусусан, “қарши даъво”, “даъвони таъминлаш” каби нормалар даъво тартибида юритиладиган ишлар учунгина хос ҳисобланади.

Фуқаролик процессуал кодексида, шунингдек фуқаролик, уй-жой, меҳнат, оила ва бошқа ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи кодексларда моддий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятларини назарда тутувчи махсус нормалар ўз ифодасини топади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 277-моддасида ходимлар меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чи-

қадиган талаблар бўйича судга мурожаат қилганларида суд харажатларини тўлашдан озод этилиши белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 80-моддасига кўра, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида кўриб чиқилади. Бу каби нормалар Фуқаролик процессуал кодексида назарда тутилмаган. Шунинг учун суд ишларини юритишнинг барча турларини тартибга солувчи умумий қоидалар Фуқаролик процессуал кодексида, алоҳида тоифадаги фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилишга тегишли бўлган махсус қоидалар эса моддий ҳуқуқ, яъни Меҳнат, Фуқаролик, Уй-жой кодексларида жамланиши тўғри бўлади.

Машхур процессуалист Н.А.Чечина ҳам айрим тоифадаги фуқаролик ишларини судда кўриш ва ҳал этишга хизмат қилувчи аксарият процессуал нормалар кодификацияланган ва кодификацияланмаган моддий ҳуқуқ нормаларида (хусусан, фуқаролик, меҳнат, оила, уй-жой ва ҳ.к.) мустақамлаб кўйилишининг тарафдори бўлган.¹

Шундай қилиб, фуқаролик процессуал ҳуқуқи таркибида биринчи инстанция, апелляция ва кассация тартибида иш юритиш, қонуний кучга кирган суд қарорларини назорат тартибида қайта кўриш, суд қарорларини ижро этиш босқичларини тартибга солувчи, умуман фуқаролик процессининг барча босқичлари учун хос бўлган умумий қоидаларни ажратиш мумкин. Бу эса фуқаролик процессуал ҳуқуқи тизимини қуйидаги икки қисмга: **умумий** ва **махсус қисмга** ажратиш мумкинлигини кўрсатади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг **умумий қисми**да Фуқаролик процессуал кодексининг “Умумий қоидалар” деб номланган биринчи бўлимида мустақамланган қуйидаги институтлар назарда тутилади: судья ва процесснинг бошқа иштирокчиларини рад қилиш, судга тааллуқли ишлар, процесс иштирокчилари, далиллар, суд харажатлари, суд жарималари, процессуал муддатлар, суд хабарномалари ва чақирувлари.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг **махсус қисми** – процесснинг турли босқичларини (биринчи инстанция судида иш юритиш, суд қарорлари устидан шикоят бериш ва уларни қайта кўриш, суд қарорларининг ижросини) тартибга солувчи, шунингдек фуқаро-

¹ Қаранг: Чечина Н.А. Система гражданского процессуального права и систематизация законодательства // Правоведение. 1984. № 2. -С. 34-35.

лик процессида чет эл фуқаролари ва ташкилотлари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштироки масаласини назарда тутувчи нормалар йиғиндисидан иборат. Бошқача қилиб айтганда, махсус қисмда фуқаролик ишларининг айрим туркумларини кўриш, ҳал қилиш учун ва фуқаролик жараёнининг айрим босқичлари учун махсус аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий меъёрлар баён этилади.¹

Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг юқорида баён этилган тизими ўзида Фуқаролик процессуал кодексининг тузилишини белгилаб беради.

1.4. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг конституциявий, фуқаролик, оила, меҳнат, маъмурий ҳуқуқ, хўжалик процессуал ва жиноят процессуал ҳуқуқи ҳамда бошқа ҳуқуқ соҳалари билан алоқадорлиги

Фуқаролик процессуал ҳуқуқи мамлакатимиз ҳуқуқ тизимининг таркибий қисми сифатида ҳуқуқнинг аксарият тармоқлари билан ўзаро алоқадор ҳисобланади. Айниқса, фуқаролик процессуал ҳуқуқи моддий ҳуқуқ билан узвий алоқада бўлиб, ўз навбатида моддий ҳуқуқ нормасида назарда тутилган мажбуриятлар бошқа шахслар томонидан амалга оширилмаган тақдирда ҳуқуқни суд орқали ҳимоя қилишнинг, бошқача қилиб айтганда, фуқаролик, меҳнат, оила, маъмурий ва бошқа мажбуриятларни мажбурий равишда амалга оширишнинг муҳим шакли сифатида эътироф этилади. Ундан ташқари, суд юзага келган фуқаролик иш-ини моддий ҳуқуқ нормаси асосида ҳал этади. Бироқ моддий ва процессуал ҳуқуқ соҳалари ўзаро мустақил ва тартибга солиш предмети ва услубига кўра турлича ҳисобланади. Масалан, муайян муносабат, хусусан мулкӣ, шахсий номулкӣ, меҳнат, оила ва бошқа соҳадаги иштирокчиларнинг хатти-ҳаракатлари моддий-ҳуқуқӣ соҳани тартибга солишнинг предмети ҳисобланади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқини тартибга солиш предмети фуқаролик суд ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш соҳасида вужудга келадиган ижтимоӣ муносабатлар ташкил қилади.

Фуқаролик ва бошқа моддий ҳуқуқ соҳасининг субъектлари тенг ҳуқуқли ҳисобланади. Мазкур ҳуқуқ соҳаси учун ҳуқуқни тар-

¹ Шораҳметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. —Тошкент: Адолат. 2001.-18 б.

тибга солишнинг келишув ва ҳуқуқ нормасини қўллашдаги эркин ҳуқуқлилиқ каби услублари характерли ҳисобланади. Бундан фарқли равишда фуқаролик процессида ишда иштирок этувчи шахслар муайян ваколатларга эга бўлган суд билан муносабатга киришади. Шунингдек, фуқаролик процессуал ҳуқуқининг тартибга солиш услублари моддий ҳуқуқ нормаларини эркин равишда қўллашга ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг моддий ҳуқуқ тармоқлари билан алоқаси кенг ва кўптомонламадир. Моддий ҳуқуқда фуқаролик-процессуал тусдаги нормалар, хусусан исботлаш предмети, ишнинг судга тааллуқлилиги, суд харажатларидан озод қилиш ва шунга ўхшаш нормалар мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 268-моддасида меҳнат низосини кўришни сўраб судга мурожаат қилиш ҳуқуқи, 269-моддасида бевосита туман (шаҳар) судларида кўрилиши лозим бўлган меҳнат низолари, 277-моддасида ходимларни суд харажатларидан озод қилиш масалалари баён этилган. Шунингдек, Оила кодексининг 40-моддасида никоҳдан суд тартибида ажратиш, 44-моддасида никоҳдан ажратиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариш вақтида суд томонидан ҳал этиладиган масалалар, 45-моддасида суднинг никоҳдан ажратиш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқаришида давлат божи миқдорини белгилаш, 62-моддасида оталикнинг суд тартибида белгиланиши масалалари баён этилган.

Суд муайян фуқаролик иши юзасидан ўз қарорини чиқарар экан, албатта моддий ҳуқуқ нормаларини қўллайди. Моддий ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланиши суд ҳал қилув қарорининг бекор қилинишига олиб келади. Ундан ташқари, фуқаролик процессининг вужудга келиш шартларидан бири – судга тааллуқли бўлган моддий-ҳуқуқий низонинг (даъво бўйича иш кўришда) мавжуд бўлишидир. Бошқача қилиб айтганда, моддий ҳуқуқ нормаларининг бузилиши, башарти судга ҳимоя қилиш тўғрисида мурожаат қилинадиган бўлса, фуқаролик процессуал ҳуқуқини ҳаракатга келтиради.

Мамлакатимиз ҳуқуқ тизимининг таркибий қисмларидан бири сифатида фуқаролик процессуал ҳуқуқи бошқа ҳуқуқ соҳалари, хусусан конституциявий, маъмурий, жиноят-ҳуқуқий соҳалари билан ҳам алоқадордир. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг конституциявий ҳуқуқ билан ўзаро алоқадорлиги қуйидаги икки жиҳатда кўпроқ намоён бўлади:

– ҳар икки ҳуқуқ манбаларининг умумийлиги. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси конституциявий ҳуқуқнинг асосий манбаи ҳисобланади. Шу ўринда Конституцияда одил судловнинг энг муҳим принциплари ҳам ўз ифодасини топган;

– конституциявий ҳуқуқнинг айрим кичик тармоқлар билан ўзаро боғлиқлиги. Бу ерда гап судларнинг тузилиши ва прокурор назорати ҳақида бормоқда. Судларнинг тузилиши билан фуқаролик процессуал ҳуқуқининг айрим принциплари ўртасида умумийлик мавжуд (хусусан, судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунуши, одил судловнинг фақат судлар томонидан амалга оширилиши ва ҳоказолар).

Суд тузилишига оид нормалар суд тизимининг ва одил судлов соҳасидаги ваколатли органларнинг ташкил этилишини тартибга солади. Процессуал ҳуқуқ нормалари эса суд ваколатларини амалга ошириш тартиби ва шаклларини белгилайди.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг маъмурий ҳуқуқ билан ўзаро боғлиқлиги фуқаролик суд ишларини юритишнинг муҳим тури бўлмиш давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритишда яққол кўзга ташланади. Мазкур ишларнинг судга тааллуқлилиги маъмурий ҳуқуқ манбаларига оид ҳужжатларда белгиланган (масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва бошқалар).

Фуқаролик ишлари бўйича давлат божини тўлаш масаласини тартибга солувчи нормаларнинг мавжуд бўлиши фуқаролик процессуал ҳуқуқининг молиявий ҳуқуқ билан ўзаро боғлиқлигини кўрсатади. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи жиноят-процессуал ҳуқуқи билан ҳам яқин алоқададир. Зотан, ҳар икки тармоқ процессуал ҳисобланади ва одил судловни амалга оширувчи айна бир органнинг – суднинг фаолият тартибини белгилайди. Ҳар икки тармоқ кўглаб фаолиятнинг умумий принципларига эга (бевоситалик, оғзакилик ва бошқалар). Уларнинг процессуал шакли, кўпгина ҳуқуқий институтлари (исботлаш, ишларни биринчи инстанция судида кўриб чиқиш, суд ҳужжатларини апелляция, кассация ва назорат тартибида қайта кўриш ва ҳоказо) бир-бири билан ўхшаш. Бироқ фуқаролик процессуал ҳуқуқи ва жиноят-процессуал ҳуқуқи тармоқ жиҳатидан уларнинг мустақиллигини белгиловчи бир қатор тафовутларга эга: фуқаролик суд ишларини юритишда ишни кўриб чиқишнинг предмети фуқаролик иши бўлса, жиноят

процессуал ҳуқуқида эса бундай предмет жиноят ишидан иборат. Жиноят процессуал ҳуқуқи тизими нафақат суд фаолиятини, балки дастлабки тергов органлари фаолиятини ҳам ўз ичига олади. Фуқаролик процессуал ва ҳўжалик процессуал ҳуқуқи ўртасида жуда кўп ўхшаш жиҳатлар кўзга ташланади (масалан, принципларнинг, процессуал шаклнинг умумийлиги). Жиноят процессуал ҳуқуқи билан қиёслаганда ушбу ҳуқуқ соҳаларида кўриладиган низонинг характери анчайин бир-бирига ўхшаш. Лекин фуқаролик процессуал ва ҳўжалик процессуал ҳуқуқи турли судларнинг фаолиятини тартибга солади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқ тармоқлари билан ўзаро алоқадорлиги ҳуқуқ тизимининг таржибий қисмлари ўзаро биргалиқда ишлашини назарда тутувчи мамлакатимиз ҳуқуқ тизимининг тизимлиги билан изоҳланади.


1.5. Фуқаролик суд ишларини юритиш тушунчаси ва унинг вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 110-моддасида одил судловни амалга ошириш шакллари сифатида фуқаролик, жинойий ва маъмурий суд ишларини юритиш назарда тутилган.

Фуқаролик суд ишларини юритиш деганда, фуқаролик процессуал ҳуқуқ нормалари билан белгиланган фуқаролик ишлари бўйича иш юритиш тартиби тушунилади. Фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бўйруқ тартибидаги ишларни, даъво тартибидаги ишларни, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ишларни ҳамда алоҳида тартибда юритиладиган ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартибини белгилайди (ФПКнинг 2-моддаси).

Фуқаролик суд ишларини юритишнинг вазифалари фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш ва бу билан фуқароларни қонунлар, ҳуқуқ нормаларини бажаришга онгли муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашни назарда туттади.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодекси муқаддам амалда бўлган фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларидан тубдан фарқ қилади. Мазкур фарқлар фуқаролик суд ишларини юритиш вазифаларида ҳам яқин кўзга ташлана-



ди. Хусусан, муқаддам амалда бўлган Гражданилик процессуал кодексида гражданилик суд ишларини юритиш вазифалари ижтимоий тузумни, социалистик хўжалик тизимини ва социалистик мулкни муҳофаза қилишни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясидан устун қўйган (ГПКнинг 2-моддаси).¹ Мазкур нормадан кўриниб турибдики, муқаддам фуқаролик суд ишларини юритишда энг аввало, давлат тузуми ва давлат мулкни ҳимоя қилиш биринчи даражали вазифа сифатида, ундан кейин эса фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси қўйилган. Зеро, ўша даврда барча давлат ҳокимиятининг асосий вазифаси социалистик тузумни ва социалистик мулкни ҳимоя қилиш сифатида белгиланиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари асосий эътибордан четда қолган.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 4-моддасига кўра, фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликлари ва манфаатларини, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этишдан иборат эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди. Шунингдек, фуқаролик суд ишларини юритиш қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклашиши лозимлиги ўз ифодасини тоғди.

Фуқаролик суд ишларини юритиш вазифалари фуқаролик ишларини тўғри ва ўз вақтида кўриш ҳамда ҳал этишни назарда тутди. Фуқаролик ишларини тўғри кўриш ва ҳал этиш деганда, мазкур ишни қонунлар, асослантирилган далиллар асосида кўрилиши ва ҳал этилиши тушунилади. Фуқаролик ишларини ўз вақтида кўриш ва ҳал этиш деганда эса, мазкур ишларни қонун билан белгиланган процессуал муддатларга амал қилган ҳолда ҳал этиш назарда тутилади. Шунингдек, суд фуқаролик ишларини суд мажлисида кўриш билан чекланмайди, балки ҳал қилув қарори чиқариш орқали ишни мазмунан ҳал этади. Бундай ёнда-

¹ Қаранг: Ўзбекистон ССРнинг Гражданилик кодекси. Ўзбекистон ССРнинг Гражданилик процессуал кодекси: (1986 йил 1 январгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). –Тошкент, Ўзбекистон. 1986. -214 б.

шув фуқаролик суд ишлари юритиш вазифаларини процесснинг барча босқичларда қўллаш имконини яратади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қонун чиқарувчи суд ишларини юритиш вазифаларини фуқаролик ишларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш билан, суд ишларини юритиш мақсадларини эса ишни кўриб чиқиш жараёнига жалб этилган турли субъектларнинг манфаатларини ҳимоялаш билан боғлаган.

Фуқаролик иши бўйича суд ишларини юритишнинг мақсади низоли ҳуқуқий муносабат соҳасига жалб этилган барча субъектларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 4-моддаси иккинчи қисмида фуқаролик суд ишларини юритишнинг вазифалари сифатида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклашиш назарда тутилади. Мазкур вазифани амалга ошира бориб, судлар ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берадилар.

Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича судлар томонидан амалга ошириладиган профилактик чоралар, қонун билан тартибга солинишига қараб икки турга:

1) процессуал чоралар;

2) процессуал бўлмаган чораларга бўлинади.¹

Процессуал чора сифатида суд фуқаролик ишларини кўриш жараёнида айрим мансабдор шахслар ёки фуқаролар томонидан қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот бузилганлигини аниқласа, ФПКнинг 19-моддасига мувофиқ, хусусий ажрим чиқариб, уни тегишли органлар ва мансабдор шахсларга юборишини кўрсатишимиз мумкин.

Жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклашишга қаратилган суд ишларини юритишнинг вазифасини амалга оширишдаги муҳим процессуал чора сифатида суд ишларини сайёр суд мажлисларида кўриш ва ҳал этишни кўрсатиш мумкин. Адабиётларда ҳам айрим тоифадаги фуқаролик ишлари, хусусан меҳнат низоларининг сайёр суд мажлисларида, яъни корхона, ташкилотлар-

¹ Мамасиддиқов М.М. Суд фаолияти ва меҳнат ҳуқуқлари: ёки низоли муаммолар ва уларнинг олдини олиш чоралари // –Тошкент, Ж.Ҳаёт ва қонун. 2004. 1-сон. - 47 б.

да меҳнат жамоаларининг иштирокида кўриб ҳал этилиши меҳнат қонунлари бузилишининг олдини олишдаги муҳим процессуал чора сифатида эътироф этилади.¹ Шунингдек, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи процессуал бўлмаган чора сифатида судларнинг фуқаролик ишлари бўйича умумлаштиришлар ўтказиши, мавжуд қонунчиликни тарғиб қилиш ишларини олиб бориши (аҳоли ўртасида маърузалар, суҳбатлар, учрашувлар уюштириш, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш ва ҳ.к.) кабиларни кўрсатиш мумкин.

1.6. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг манбалари

Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг манбалари фуқаролик суд ишларини юритиш тартибини белгиловчи фуқаролик процессуал нормалардан иборат бўлган Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси иштирокидаги халқаро шартномалар ҳисобланади.

Ундан ташқари, умумий юрисдикция судларида фуқаролик суд ишларини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик процессуал кодекси, “Судлар тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг асосий манбаи ўзида суд ишларини юритишнинг муҳим принципларини мустаҳкамлаган **Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси** ҳисобланади (11, 106, 107, 108, 110, 112, 113, 114, 115, 116-моддалари). Конституция фуқаролик процессуал қонунчиликнинг ривожланишидаги муҳим ҳуқуқий базадир. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизнинг ҳақиқий мустақил давлат мақомига эга эканлигига қонуний асос солди, унинг тегишли нормаларида жамият тузилишида ва давлат қурилишида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларга эришишида содир бўлган туб ўзгаришлар ўз аксини топди ва мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистон заминида яшаётган ва меҳнат қилаётган инсонлар учун муҳим бир ҳақиқат тобора аниқ ва равшан бўлиб бормоқда. Бу ҳақиқат шундан иборат

¹ Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Монография. –Тошкент: ТДЮИ. 2005. -18 б.

ратки, эришган ютуқларимизнинг, бугун кечаётган тинч ва осуда ҳаётимизнинг, эртанги кунимизга бўлган ишончимизнинг, халқаро майдонда ортиб бораётган обрў-эътиборимизнинг негизида Конституциямиз белгилаб, муҳрлаб берган қонуний ва ҳуқуқий асослар тургани ва уларни огишмай ҳаётимизга татбиқ этаётганимиз мужассамдир.¹

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси юридик фанларнинг асосий манбаи ва ўзаги сифатида муҳим аҳамият касб этади. Айнан Конституция негизида, айтиш мумкинки, унинг муайян нормалари орқали ҳам маълум бир ҳуқуқ тизимларида узлуксиз равишда давом этадиган сифат жиҳатдан туб ўзгаришлар рўй бериши, натижада янгидан-янги ҳуқуқ соҳалари шаклланиши мумкин. Шунинг учун ҳам муайян бир ҳуқуқ соҳасининг манбаларини ўрганиш жараёнида энг аввало асосий манба сифатида Конституцияни ўрганишга алоҳида эътибор бериб келинади.

Конституция муҳим ҳуқуқ соҳаларидан бири бўлган фуқаролик процессуал ҳуқуқининг ҳам асосий манбаи ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани юридик фанларнинг асосий ва муҳим соҳаларидан бири ҳисобланиб, Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга қўмаклашиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва уни амалиётда қўллаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлатимизнинг Асосий қонуни сифатида мамлакатимиздаги барча ҳуқуқ соҳалари каби фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанини ривожлантириш ҳамда янада такомиллаштиришда муҳим манба ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, Конституциямизнинг айрим боблари ва хатто моддалари ҳам фуқаролик процессуал ҳуқуқининг институтларини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Масалан, Конституциянинг 44-моддасида ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқини кафолатловчи муҳим норманинг

¹ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. –Тошкент, Ўзбекистон, 2001. -134 б.

мустаҳкамлаб қўйилиши 1997 йил 30 августда қабул қилинган Фуқаролик процессуал кодексига “Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш” деб номланган янги 3-кичик бўлимнинг киритилишига асос бўлди.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанининг ривожланишида Конституциямизнинг “Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти” деб номланган XXII боби муҳим аҳамият касб этади. Унга кўра, “Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади” (106-модда). Бу ҳақдаги махсус қонданинг киритилиши ҳам судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини оширишга хизмат қилади. Конституцияда, шунингдек судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартибини белгилашга қаратилган янги қонунларни қабул қилишга хизмат қилувчи нормалар (107-модда) ҳам ўз ифодасини топган.

Фуқаролик суд ишларини юритиш жараёнида амал қиладиган асосий принципларга доир қондаларнинг (112-115 моддалар) Бош қомусимизда белгиланиши суд ишларини тўғри, ўз вақтида кўрилиши ҳамда ҳал этилишини таъминлайди. Хусусан, Конституциянинг 112-моддасида судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунушлари тўғрисида қоида мавжуд бўлиб, уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашушга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашуш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши ўз ифодасини топган. Қайд этиш лозимки, судларнинг мустақиллиги мамлакатимизда одил судловни ҳеч кимнинг аралашувисиз, ҳолисона амалга оширишга қодир бўлган мустақил ва нуфузли суд ҳокимиятининг мавжуд бўлишининг асосий шартларидан биридир.

Бизга маълумки, одил судлов суд ҳокимиятининг асосий мазмунини ташкил этади. Чунончи, одил судлов – жамият ҳаётида, жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтиришда ҳамда инсонларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимиз қонунчилигига кўра, суд ҳокимиятидан ташқари бирон-бир органга одил судловни амалга ошириш ваколати берилмаган. Одил судлов Ўзбекистон

Республикасининг Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикасининг Олий суди ва Ўзбекистон Республикасининг Олий ҳўжалик суди томонидан амалга оширилади.

Конституциянинг 107-моддасида мамлакатимизда одил судловни амалга оширадиган судларнинг тўлиқ рўйхати берилган бўлиб, унга кўра Ўзбекистон Республикасида суд тизимини қўйидаги судлар ташкил этади: Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди, шу муддатта тайинланадиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманларо, туман, шаҳар судлари, ҳарбий ва ҳўжалик судлари.

Фавқулудда судлар тузишга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги қонданинг Асосий қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилиши эса жамиятда суд ҳокимиятининг нуфузини оширишга, ҳокимиятларнинг бир-бирини тийиб туриши тўғрисидаги тамойилнинг амалда ўз ифодасини топишига ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қўшимча равишда кафолатлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 113-моддасида ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилиши, ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилиши ҳақидаги қоидалар белгиланган. Мазкур қоида шунингдек, Фуқаролик процессуал кодексида ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, унга кўра барча судларда ишлар ошқора кўрилади, давлат ёки тижорат сирларини сақлаш манфаатларига зид бўлган ҳоллар бундан мустасно. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳаётига тааллуқли маълумотлар ошқор бўлишига йўл қўймаслик, шунингдек фарзандликка олиш сири ва ёзишмалар сири сақланишини таъминлаш мақсадида суднинг асослантирилган ажримига биноан, иш суднинг ёпиқ мажлисида кўрилишига йўл қўйилади. Суднинг ҳал қилув қарори барча ҳолларда ошқора эълон қилинади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг навбатдаги муҳим манбаи 1997 йил 30 август куни қабул қилинган ва 1998 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси ҳисобланади. Мазкур Кодексда судда фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал этиш тартибини батафсил ифода этувчи фуқаролик процессуал ҳуқуқининг нормалари

мустаҳкамланган. Унда суд ишларини юритишнинг асосий принциплари мустаҳкамлаб қўйилган, суд қарорлари устидан шикоят ва протест келтириш институтлари ўз ифодасини топган, шунингдек одатдаги суд ишларини юритишдан ўзгача бўлган, суд ишларини ихчамлаштирилган тартибда кўриш ва ҳал этиш, яъни сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш, буйруқ тартибда иш юритиш институти ўрин олган.

Жамиятимизда суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, суд орқали ҳимояланишга бўлган ҳуқуқларни қўшимча кафолатлаш, суд тизимининг қонунчилик асосларини ҳуқуқий демократик давлат талабларига мослаштириш ҳамда фуқаролик ишларини кўриб чиқиш ва ҳал этишни соддалаштиришга қаратилган нормаларни фуқаролик процессуал қонунчиликда мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига 2000 йил 14 декабрдаги 163-II-сонли Қонун, 2003 йил 12 декабрдаги 568-II-сонли Қонун, 2004 йил 27 августдаги 671-II-сонли Қонун, 2007 йил 1 августдаги ЎРҚ-106-сонли Қонун, 2008 йил 9 апрелдаги ЎРҚ-149-сонли Қонун, 2009 йил 14 январдаги ЎЗР ЎРҚ-199-сонли Қонун, 2009 йил 12 сентябрдаги ЎЗР ЎРҚ-218-сонли Қонун, 2010 йил 1 июндаги ЎРҚ-250-сонли Қонун, 2010 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-255-сонли Қонун ҳамда 2011 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-288-сонли Қонун билан муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

ФПК қуйидаги беш бўлимдан иборат:
I бўлим. Умумий қоидалар;
II бўлим. Биринчи инстанция судида иш юритиш;
III бўлим. Суд қарорлари устидан шикоят бериш ва уларни қайта кўриш;
IV бўлим. Суд қарорларининг ижроси;
V бўлим. Фуқаролик процессида чет эл фуқаролари ва ташкилотлари, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг иштироки.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқи тизими каби Фуқаролик процессуал кодекси ҳам умумий ва махсус қисмга бўлинган. Фуқаролик процессуал кодексининг умумий қисмида (биринчи бўлим) фуқаролик суд ишларини юритишнинг барча турлари ва фуқаролик процессининг босқичларига тегишли нормалар ўз ифодасини топган. Биринчи бўлимда қуйидаги боблар мавжуд: асосий қоидалар, суд қарорлари ва баённомалари, судья ва процесснинг

бошқа иштирокчиларини рад қилиш, судга тааллуқли ишлар, процесс иштирокчилари, далиллар, иш юритишни тўхтатиб туриш, аризани кўрмасдан қолдириш, иш юритишни тугатиш, суд харажатлари, суд жарималари, процессуал муддатлар, суд хабарномалари ва чақирувлари.

Фуқаролик процессуал кодексининг “Биринчи инстанция судида иш юритиш” деб номланган **иккинчи бўлими** суд ишларини юритишнинг барча турларида қўлланиладиган умумий қоидалар ва суд ишларини юритиш турлари учун татбиқ этиладиган махсус нормалар мустаҳкамланган кичик бўлимлардан иборат. 1-кичик бўлимда умумий қоидалар, 2-кичик бўлимда даъво ишларини юритиш масалалари, 3-кичик бўлимда давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш, 4-кичик бўлимда алоҳида тартибда иш юритиш, 5-кичик бўлимда эса ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишларни юритишга доир нормалар ўз ифодасини топган.

“Суд қарорлари устидан шикоят бериш ва уларни қайта кўриш” деб номланган **учинчи бўлимда** апелляция, кассация ва назорат тартибида иш юритишнинг умумий қоидалари, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан апелляция шикояти бериш (протести келтириш), биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан кассация шикояти бериш (протести келтириш), қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш ҳамда қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларни янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришга доир нормалар мустаҳкамланган.

Тўртинчи бўлимда суд қарорларининг ижросига доир нормалар ўз ифодасини топган.

Бешинчи бўлим фуқаролик процессида чет эл фуқаролари ва ташкилотлари, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг иштирокига доир нормаларни ўз ичига олади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг муҳим манбаи сифатида 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги (янги таҳрири) Қонуни¹ муҳим аҳа-

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 2001 й. 1-2-сон, 10-модда.

мият касб этади. Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши умумий юрисдикция судларининг ихтисослашувини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлади. Қонун беш бўлимдан иборат бўлиб, унда умумий қондалар, умумий юрисдикция судлари, Ўзбекистон Республикасининг хўжалик судлари, судьяларнинг мақоми ҳамда яқунловчи қондалар ўз ифодасини топган. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг манбаси сифатида фуқаролик процессининг алоҳида йўналишларини тартибга соладиган бошқа қонун ҳужжатлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг бундай манбалари сифатида Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда қабул қилинган "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги Қонунини кўрсатиш мумкин.¹ Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуни (янги таҳрири)², "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни³ шулар жумласидандир.

Айрим тоифадаги фуқаролик ишларини судда кўриш тартибини белгиловчи процессуал нормалар ўз ифодасини топган бир қатор Кодекслар ҳам фуқаролик процессуал ҳуқуқининг манбаси ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси, Оила кодекси, Уй-жой кодекси, Солиқ кодекси шулар жумласидандир. Масалан, Фуқаролик кодекси фуқаролик ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш шаклларини (10-модда), фуқарони суд тартибида муомалага лаёқатсиз деб топиш (30-модда), фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш (31-модда), фуқарони бедарак йўқолган деб топиш (33-модда), фуқарони вафот этган деб эълон қилиш (36-модда) асосларини назарда тутди.

Шунингдек, Меҳнат кодексига меҳнат низосини кўришни сўраб судга мурожаат қилиш, бевосита туман (шаҳар) судларида кўрилиши лозим бўлган меҳнат низолари, меҳнатга доир айрим

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда қабул қилинган "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 1995 й. 9-сон, 183-модда.

² Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуни (янги таҳрири), // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2001 й. 9-10-сон, 168-модда.

³ Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2001 й. 9-10-сон, 169-модда.

ишлар бўйича қарорларни ижро этиш, ходимларни суд харажатларидан озод қилиш масалалари ўз ифодасини топган.

Оила кодексида фуқаролик процесси соҳасини тартибга соладиган кўплаб нормалар мавжуд. Масалан, хотинининг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида эр хотинининг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш кўзғатишга ҳақли эмаслиги (39-модда), суд ишнинг кўрилишини кейинга қолдириб, эр-хотинга ярашиш учун олти ойгача муҳлат тайинлашга ҳақли бўлиши (40-модда) тўғрисидаги нормалар шулар жумласидандир. Юқорида баён этилган қонун ҳужжатларида фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат субъектлари таркибини, ишнинг судловлиги, судда кўриш муддатлари ва фуқаролик процессини тартибга соладиган бошқа кўплаб нормалар мавжуд.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг манбалари сифатида Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномалар ҳам эътироф этилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 22 декабрдаги “1954 йил 1 мартда имзоланган Фуқаролик процесси масалаларига доир Гаага конвенциясини ратификация қилиш тўғрисида”ги 183-I-сонли қарори¹, Ўзбекистон Республикаси ва Озарбойжон Республикаси ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида Шартнома (Тошкент, 1997 йил 18 июнь, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги 488-I-сон қарорига мувофиқ ратификация қилинган), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 30 апрелдаги 624-II-сон қарорига мувофиқ ратификация қилинган ҳамда 2004 йил 11 ноябрдан кучга кирган Ўзбекистон Республикаси билан Болгария Республикаси ўртасида фуқаролик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома (София, 2003 йил 24 ноябрь) ва бошқалар. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлиги тан олинishi назарда тутилган. Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган мазкур қоида ривожлантириш мақсадида 1995 йил 22 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган.²

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1995 й. 12-сон, 273-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1995 й. 12-сон, 262-модда.

Буйруқ тартибидаги ишлар. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш механизмининг самарадорлигини ошириш мақсадида, айрим фуқаролик ишларини ўзига хос моддий-ҳуқуқий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқишнинг янги процессуал тартиблари босқичма-босқич жорий этилмоқда. Мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан Фуқаролик процессуал кодекси “**Буйруқ тартибида иш юритиш**” деб номланган 20¹-боб билан тўлдирилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш учун қўшимча қулайликлар яратиш ва даъво аризалари ва шикоятларни қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқиш борасидаги дастлабки жараёнларни янада соддалаштириш² мақсадида фуқаролик ишларини судда кўриш ва ҳал қилишнинг бирмунча соддалаштирилган тартиби – буйруқ тартибида иш юритиш институтининг жорий этилиши фуқаролик ишлари бўйича судларга келиб тушаётган даъво аризалари, ариза ва шикоятларни кўриб чиқишнинг дастлабки жараёнларини соддалаштиришда, судьялар юритувидаги иш юктамаларининг камайишида ҳамда иш сифатининг янада яхшиланишида муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, 1998 йилнинг 1 январидан эътиборан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида барча тоифадаги фуқаролик ишларини мазмунан кўриб ҳал қилишнинг ягона процессуал тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра, фуқаролик ишлари суд мажлисида, ишда иштирок этувчи шахсларнинг иштирокида, улар томонидан судга тақдим этилган далиллар ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар бўлмиш гувоҳларнинг кўрсатмалари, экспертларнинг хулосалари асосида мазмунан кўриб ҳал қилинади. Эндиликда буйруқ тартибида иш юритиш институтининг амалга киритилиши муносабати билан низосиз ҳуқуқларнинг фуқаролик ишини қўзгатмасдан, ишни судда мазмунан кўрмай туриб, тез ва соддалаштирилган шаклда ҳимоя қилинишига эришилмоқда.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти ходимлари ҳам мазкур институтнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004, №1-2, -18-модда.

² Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. –Тошкент, Ўзбекистон. -32 б.

аҳамияти ҳақида тўхталиб, муқаддам ундирувчининг пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ёки кўчар мулкни низосиз талаблар бўйича қарздордан талаб қилиб олиш тўғрисидаги аризалар бўйича ҳам фуқаролик иши юритилганлигини, ҳар иккала тараф суд мажлисига чақирилиб иш ҳал қилинганлигини, эндиликда қонун қабул қилинган, мазкур тоифадаги аризалар бўйича судья ишни кўрмасдан суд буйруғи чиқариш ваколатига эга бўлганлигини, бу ўз навбатида, фуқаролар ўртасидаги низоли бўлмаган фуқаролик муносабатларини ортиқча сансалорликларсиз тартибга солиш имкониятини яратганлигини таъкидлайдилар.¹

Буйруқ тартибида иш юритиш институтининг амалга киритилиши муносабати билан судларда даъво тартибида кўриладиган ишларнинг сони бирмунча камайганлиги кузатила бошлади. Масалан, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларга Масалан, 2008 йилда суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризалар 289.093 тани ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2009 йилда 807.470 тани ташкил қилган. 2010 йилда фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлар томонидан жами 1.030.000 дан ортиқ суд буйруқлари чиқарилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2011 йилда 1.700.000 дан ортиб кетган.²

Фуқаролик процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш ва суд буйруғи тартибида иш юритиш доирасини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 238²-моддасига ўзгартиш ва кўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва қонунчилик ташаббуси тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилди. Мазкур қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 27 ноябрда қабул қилинди. Қонун Олий Мажлис Сенати томонидан 2008 йил 27 март куни маъқулланди ва шу йилнинг 9 апрелида матбуотда эълон қилиниб, кучга кирди.

“Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 238²-моддасига ўзгартиш ва кўшимча киритиш тўғрисида”ги Қонун билан Фуқаролик процессуал кодексининг суд буйруғини чиқариш бўйича талаблар рўйхатини белгиловчи 238²-моддаси

¹ Ёдгоров Х. Суд буйруғи: суд ислохотлари самараси. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 2003 йил 4-сон.

² Умумий юрисдикция судларининг 2010 йил давомидаги иш фаолияти тўғрисида статистик маълумотлар тўплами. Ўзбекистон Республикаси Олий суди. –Тошкент, 2011.

2-бандига ўзгартиш киритилиб, агар талаб ёзма битимга асосланган ва қарздор томонидан тан олинган бўлса, шу жумладан, агар коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса суд буйруғи чиқарилиши белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, шу кунгача ушбу тоифадаги фуқаролик ишлари даъво тартибида кўрилар ва уларни кўриш учун кўп вақт талаб қилинар эди. Чунки ушбу тоифадаги ишлар бўйича судьялар процессуал қонунчиликнинг умумий талабларига мувофиқ суд муҳокамасини ўтказишлари лозим эди. Бу эса ортиқча суд харажатларини, шу жумладан суд чақирув қоғозлари, қоғоз, ижро варақалари, почта ва бошқа харажатларни талаб этади. Ўз навбатида, таҳлиллар коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириш ҳақидаги талаблар юзасидан суд буйруғи чиқарилиши сарфланадиган харажатларни 1/3 қисмга қисқартиришини, шу билан бирга мазкур ишларни кўриш тартибини енгиллаштиришини кўрсатмоқда.

“Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 238²-моддасига ўзгартиш ва кўшимча киритиш тўғрисида”ги Қонун билан суд буйруғини чиқариш бўйича талаблар рўйхати кенгайтирилиб, агар ҳисобланган, лекин ходимга тўланмаган иш ҳақини ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳақидаги талаб билан арз қилинган бўлса, суд буйруғи чиқарилишининг белгиланиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Суд буйруқлари ўзига хос бўлган куйидаги белгилари билан суд ҳал қилув қарорларидан фарқланади:

Биринчидан, суд буйруғи ишни мазмунан кўрмасдан, мавжуд ёзма ҳужжатлар асосида чиқарилади. Судья ушбу ҳолатда гувоҳ кўрсатмаларини, эксперт хулосаларини текширмайди, тарафларнинг тушунтиришлари ва учинчи шахсларнинг баёнотларини эшитмайди;

Иккинчидан, суд буйруғини чиқариш учун қатор шартлар мавжуд бўлиши талаб этилади. Биринчи шарт шундан иборатки, ундирувчи суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза билан бирга қарздорнинг ўз зиммасига олган мажбуриятини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши шарт. Тақдим этилган ҳужжатлар ишнинг моҳиятини ўзида тўлақонли акс эттириши иккинчи шартдир. Учинчи шарт эса, низонинг мавжуд бўлмаслиги;

Учинчидан, суд буйруғи фақат қонунда белгиланган асослар (ФПКнинг 238²-моддаси) мавжуд бўлгандагина чиқарилади. Суд

буйруғи низосиз талаблар юзасидан чиқарилиб, қонунда белгиланмаган асослар юзасидан чиқарилиши мумкин эмас;

тўртинчидан, буйруқ тартибида иш юритиш жараёнида тарафлар сифатида ундирувчи ва қарздор эътироф этилади;

бешинчидан, суд буйруғи ижро ҳужжати кучига эга бўлиб, суд ҳужжатларини ижро этиш учун қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.¹

Даъво тартибида кўриладиган ишларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бунда муайян ҳуқуқ тўғрисидаги низо мавжуд бўлади. Судда даъво ишларининг юритилиши – даъво талабини қўзғатиш пайтидан эътиборан бошланади. Бузилган ёки низолашилаётган фуқаролик ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб сифатида кўриладиган даъво – судда иш кўришнинг предмети бўлиб, даъвонинг далиллар асосида исботланишига қараб суд томонидан қаноатлантирилади ёки рад қилинади. Шунингдек, даъво тартибидаги ишларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, тарафлар ўзаро тенг бўлган фуқаролик, меҳнат, оила, уй-жой ва бошқа ҳуқуқий муносабатларга доир низолар бўйича бузилган ҳуқуқ ёки қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қиладилар.

Бу турдаги фуқаролик ишларида манфаатдор шахснинг даъво аризаси ягона асос бўлиб ҳисобланади. Даъво асли арабча сўз бўлиб, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиш ҳақида суд орқали ёки бошқа йўллар билан қўйилган талабдир.³⁵ Юридик адабиётларда даъво тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: даъво – бу низоли ҳуқуқий муносабатда иштирок этувчи тарафлар ўртасидаги ҳуқуқ тўғрисидаги низони процессуал тартибда кўриб, ҳал қилиб бериш тўғрисидаги даъвогарнинг судга қилган талабидир.³⁶

Фуқаролик процессида даъволар турли хил мазмунда бўлиб, уларни бир-биридан ажратиш учун тегишли мезонлар мавжуд. Булар даъвонинг таркибий қисмлари, яъни элементлари бўлиб, улар асосан даъвонинг предмети ва даъвонинг асосига бўлина-

¹ *Батафсил қаранг:* Мамасиддиқов М.М. Буйруқ тартибида иш юритиш. Ўқув-амалий қўлланма. –Тошкент, ТДЮИ. 2007. – Б. 13-14 б.; Мамасиддиқов М.М., Мирзаев У.С. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг "Буйруқ тартибида иш юритиш" номли 20¹-бобига шарҳ. Илмий-амалий қўлланма. –Тошкент, "АЛ-ФАБА-СЕРВИС". 2008. – 126 б.

³⁵ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарспик. –Тошкент: Адолат, 2001. –180 с.

³⁶ Эгамбердиев Э. Фуқаролик суд ишларини юритиш турлари. –Тошкент: Камалак, 1997. – 13 б.

ди. Даъвонинг предмети даъвогарнинг талаби бўлиб, у суд орқали жавобгардан талаб қилинаётган нарсадан иборат. Даъвогарнинг жавобгардан муайян ҳақ ундириш тўғрисидаги талаби шунга мисол бўла олади. Даъвонинг асоси эса даъво талабини тасдиқлайдиган далиллардан иборат бўлиб, даъвогар ўз талабининг нимага асосланганлигини ва уни тасдиқлайдиган далилларни даъво аризасида кўрсатиб ўтиши лозим.

Даъво тартибида кўриладиган ишлар ўзининг куйидаги хусусиятлари билан бошқа турдаги фуқаролик ишларини юритишдан фарқланади:

– мазкур тоифадаги ишларда даъвогар ва жавобгар ҳамда айрим ҳолларда учинчи шахслар ҳам иштирок этади;

– тарафлар фуқаролик ишини ўзаро келишув битими тузиш орқали тугатишга эришишлари мумкин бўлади;

– фуқаролик процессининг муҳим институтлари: даъводан воз кечиш, даъвони тан олиш, даъвони таъминлаш, қарши даъво кўзғатиш кабилар айнан мазкур суд ишларини юритиш жараёнида қўлланилади;

– даъво тартибида кўриладиган ишлар бўйича сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш мумкин ва ҳ.к. *(даъво ишларининг ўзига хос хусусиятларига мазкур дарсликнинг 14-бобида батафсил тўхталиб ўтилади).*

Органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш. Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш тартиби ФПКнинг 3-кичик бўлими (26-29 боблар)да назарда тутилган. Бу турдаги фуқаролик ишларининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, бунда процесс иштирокчиларининг муносабатлари давлат бошқаруви органларининг фаолияти билан боғлиқ ҳолда кўрилади ва бу тўғридаги шикоятлар фақат қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардагина судга тааллуқли бўлади.

Фуқароларнинг иштироки билан бўладиган бундай ишларни кўриб ҳал этишнинг суд тартиби судсиз маъмурий тартибда кўриладиган ишларга нисбатан муайян устунликларга эга бўлиши фуқаролик ишларининг тўғри ҳал қилиниши учун муҳим кафолатлар яратилганлиги, фуқаролар, давлат ва бошқа идораларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари жиддий кўриқланиши билан фарқ-

ланади. Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш судда фуқаролик суд ишларини юритишнинг умумий қоидалари бўйича кўрилади. Фуқаролик суд ишларини юритишнинг ушбу тури ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, даъво тартибидаги ишларда суд даъвогар томонидан илгари сурилган талабни, яъни ҳуқуқ тўғрисидаги низони ҳал қилади ва бу билан манфаатдор шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари)лари устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритишда суд ҳуқуқ тўғрисидаги низони ҳал қилади, бироқ ушбу низо фуқаролик ҳуқуқига тегишли бўлмай, балки маъмурий ҳуқуққа оид низо ҳисобланади. Ҳуқуқий адабиётларда тўғри таъкидланганидек, даъво тартибидаги ишлардан фарқли равишда ушбу тоифадаги ишларда иштирок этувчи шахслар ўзаро келишув битими туза олмайдилар, қарши даъво тақдим этиш ҳуқуқидан фойдалана олмайдилар.¹ Шунингдек, мазкур ишлар ҳакамлик суди муҳокамасига берилиши мумкин эмас, келишилган судловга тааллуқлилиқ қоидалари қўлланилмайди, даъводан воз кечиш ва уни тан олиш каби процессуал ҳаракатларга йўл қўйилмайди, шунингдек иш сиртдан кўрилиши ҳам мумкин эмас.²

Суд амалиётининг таҳлили шундан далолат берадики, айрим судлар томонидан даъво тартибида юритиладиган ишлар билан маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларнинг ўзига хос хусусиятларини ажрата олмаслик каби ҳолатлар кузатилади. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг асосий моҳияти шундан иборатки, бу ҳокимият вакиллари ва фуқаролар ўртасидаги муносабат бўлиб, бундай муносабатда ҳуқуқ тўғрисида ҳеч қандай низо бўлиши мумкин эмас, чунки ҳокимият органи барча ҳолларда ўз ваколатларини ҳуқуқий муносабатнинг бошқа субъектига нисбатан мустақил тарзда амалга оширади. Шундан келиб

¹ Қаранг, масалан: Гражданский процесс / Под ред. В. В. Яркова. –М., 2000. –356 с.; Гражданский процесс: Учебник / Под ред. В. А. Мусина, Н.А. Чечиной, Д.М. Чечота. М., 2001. –339 с.; Гражданский процесс / Под ред. М. А. Треушникова. М., 2003. –С. 421-422; Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации. (Постатейный научно-практический) / Отв. ред. М.А.Викут. М., 2003. –С. 443-444.

² Гражданский процесс / Учебник. Отв. Ред. проф. В.В.Ярков. –М.: Волтерс Клувер, 2004. –364 с.

чиққан ҳолда, бундай ишлар бўйича суднинг вазифаси ҳуқуқ тўғрисидаги низони ҳал қилиш эмас, балки давлат ҳокимияти ва давлат идора органлари ҳаракатларининг қонунийлигини текшириб чиқишдан иборат. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича суд ишларини юритишда суд сайловчилар рўйхатидаги хатоликлар устидан берилган шикоятлар, маъмурий орган ва мансабдор шахсларнинг фуқароларнинг ҳуқуқларини камситишга қаратилган ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш билан боғлиқ ишларни кўриб ҳал қилади.

Мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилиги бўйича мансабдор шахслар хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоятлар бўйича ишларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

– фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоятлар;

– нотариуснинг, фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш органининг муайян ҳаракатларни бажаришни рад этганлиги ёки нотўғри бажарганлиги устидан шикоятлар;

– прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақидаги аризаси (ФПКнинг 264-моддаси).

Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг ҳайъат таркиби томонидан ҳамда яққа тартибда амалга оширилган ва пировард натижада:

– фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишига;

– фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларининг амалга оширилиши йўлида тўсқинликлар вужудга келишига;

– фуқаро зиммасига бирорта ғайриқонуний равишда бирор-бир жавобгарликка тортилишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатлари (қарорлари) судга шикоят қилиниши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар жумласига киради.

Алоҳида тартибда кўриладиган ишлар. Алоҳида иш юритиш тартибда кўриладиган ишлар шундай фуқаролик ишларидирки, булар юзасидан ҳуқуқ тўғрисидаги низо бўлмайди, аризачи судга фақат ўз муддаосини билдиради. Бу туркум ишларда иштирок этувчи шахслар аризачилар ва бошқа манфаатдор шахслар ҳисобланадилар ва алоҳида тартибда кўриладиган ишлар ҳуқуқ тўғрисидаги низони ҳал этиш билан боғлиқ бўлмайди. Агар алоҳида тартибда юритиладиган ишни кўриш вақтида судга

¹ Эгамбердиев Э. Фуқаролик суд ишларини юритиш турлари. –Тошкент: Камалак, 1997. –51 б.

тааллуқли ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиқса, суд аризани кўрмасдан қолдириб, ишда иштирок этувчи шахсларга умумий тартибда даъво тақдим этишни тақлиф қилади (ФПҚнинг 282-моддаси).

Алоҳида тартибда суд ишларини юритиш учун тегишли фуқаролик ишларида ҳуқуқ тўғрисидаги нисонинг мавжуд эмаслиги ва бунинг оқибатида тарафлар бўлмаслиги бу турдаги суд ишларини юритишни фуқаролик жараёни ҳуқуқига оид суд ишларини юритишнинг мустақил тури деб ҳисоблашга асос бўлади.¹ Алоҳида суд ишларини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари махсус тартибда судлар томонидан кўриб ҳал қилинадиган фуқаролик ишларининг табиатидан келиб чиқади ва мазкур ишлар қонунда кўрсатилган айрим истиснолар билан суд ишларини юритишнинг умумий қоидаси асосида ҳал қилинади.

Юридик адабиётларда алоҳида тартибда юритиладиган ишларда ҳал этиладиган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилган. Хусусан, А.Мельниковнинг фикрича, суд ишларини алоҳида тартибда юритишда фуқароларнинг шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқларини вужудга келтириш, ўзгартириш ва тугатиш учун хизмат қиладиган фактларни белгилаш тўғрисидаги талаблар кўрилади. П.Елисейскийнинг фикрича, алоҳида тартибда суд ишларини юритишнинг моҳияти далилий ҳамда юридик фактларни белгилаб бериш йўли билан юридик манфаатларни ҳимоя қилишдан иборат. Э.Эгамбердиевнинг фикрича ҳам алоҳида тартибда кўриб ҳал қилинадиган ишларда суд ҳеч қандай ҳуқуқ тўғрисидаги масалани ҳал қилмайди.²

Алоҳида тартибда кўриладиган ишларни суд фуқаролик процессуал ҳуқуқининг барча тамойилларига амал қилган ҳолда кўриши лозим. Бу турдаги фуқаролик ишларида низо мавжуд бўлмаса ҳам, далилларни исботлаш вазифаси арз қилувчи зиммасига юклатилган бўлади. Шунингдек, бундай фуқаролик ишларига айрим процессуал нормалар, хусусан тегишсиз тарафни тегишли тараф билан алмаштириш, келишув битимини тузиш, қарши даъво кўзғатиш ва бошқа шу каби процессуал ҳаракатлар амалга оширилмайди.

ФПҚнинг 4-қичик бўлимида келтирилган суд томонидан алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган ишларга қуйидагилар киради:

1) юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш тўғрисидаги ишлар (31-боб);

¹ Хабибуллаев Д.Ю. Алоҳида тартибда иш юритиш. Ўқув қўлланма. —Тошкент: ТДҲСИ, 2009 й. -6 бет.

² Эгамбердиев Э. Фуқаролик суд ишларини юритиш турлари. —Тошкент: Камалак, 1997. —51 б.

2) фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва фуқарони ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги ишлар (32-боб);

3) фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишлар (33-боб);

4) ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқи-зиш (33¹-боб);

5) мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш тўғрисидаги ишлар (34-боб);

6) тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқолган тақдир-да, улар бўйича ҳуқуқларни тиклаш тўғрисидаги ишлар (35-боб).

Судда алоҳида иш юритиш тартибда кўриладиган фуқаро-лик ишлари республика қонунларида белгиланган айрим истис-ноларга риоя қилган ҳолда суд ишларини юритишнинг умумий қоидалари асосида кўрилади. Суд алоҳида тартибда юритилади-ган ишларни ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилган ҳолда кўради. Аризачи, ишнинг якунидан манфаатдор шахс, про-курор, давлат бошқаруви органлари алоҳида тартибда юритила-диган ишда иштирок этувчи шахслар деб эътироф этилади. Судья бу туркумдаги ишларни судда кўришга тайёрлайди, иш учун аҳа-миятли ҳужжатларни талаб қилиб олади, иш юзасидан гувоҳлик бериши мумкин бўлган гувоҳларни, тегишли ташкилот вакиллари-ни судга таклиф қилади, лозим бўлса, экспертиза тайинлайди, иш ҳолатларини ҳар тарафлама аниқлашга ҳаракат қилади.

1.7. Фуқаролик процессининг босқичлари

Судларнинг фуқаролик ишларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш билан боғлиқ фаолияти маълум бир босқичларда амалга оши-рилади ҳамда ривожлантирилади.

Юридик адабиётларда фуқаролик процессининг босқичларига нисба-тан таърифлар берилган. Хусусан, А.А.Власовнинг фикрича, фуқаролик процессининг босқичлари деганда, суд ишларини юритиш мақсадини ўзида бирлаштирувчи процессуал ҳаракатларнинг йиғиндиси тушунилади.¹ М.С.Шакаряннинг фикрича ҳам фуқаролик процессининг босқичлари яку-ний мақсадга эришишга йўналтирилган процессуал ҳаракатларнинг йиғин-дисини ўзида бирлаштириши тушунилади.²

¹ Власов А.А. Гражданское процессуальное право: Учебник. – М.: ТК Велби, 2004. – С.28-29.

² Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В. В.Блажеев и др. Под ред. М.С.Шакарян. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. – 22 с.

Фуқаролик процессининг босқичлари фуқаролик суд ишларини юритишнинг вазифаларини амалга ошириш, фуқаролик ишларини тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқиш ҳамда ҳал этиш каби муҳим мақсадга йўналтирилган процессуал ҳаракатларнинг йиғиндиси ҳисобланади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқи назариясида фуқаролик процессининг қуйидаги босқичлари кўрсатиб ўтилган:

- фуқаролик ишини кўзғатиш;
- ишни судда кўришга тайёрлаш;
- суд муҳокамаси;
- қонуний кучга кирмаган суд ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан берилган шикоят ва протестлар бўйича иш юритиш;
- ҳал қилув қарорлари, ажрим ва қарорларни назорат тартибида қайта кўриш; янги очилган ҳолат бўйича иш юритиш;
- ижро ишларини юритиш.¹

Фуқаролик суд ишларини юритишни босқичларга ажратишда баҳсли фикр-мулоҳазалар мавжудлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, В.М.Семенов юқоридаги фуқаролик процесси босқичларининг дастлабки учтаси биринчи инстанция судларида фуқаролик ишларини мазмунан кўриб муҳокама қилиш жараёнида юз беришини эътиборга олган ҳолда, улар фуқаролик процессининг алоҳида босқичи бўла олмаслигини кўрсатади. Унинг фикрича, фуқаролик процессининг мазкур босқичи барча фуқаролик ишлари учун асосий ва мажбурий ҳисобланиб, фуқаролик суд ишларини юритиш турларидан келиб чиқиб, ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Бошқа босқичлар эса мажбурий тусга эга бўлмасдан, маълум ҳолатлар юзага келгандагина амал қилиши мумкинлигини таъкидлайди. Хусусан, иккинчи инстанция судида иш манфаатдор шахсларнинг (тарафлар, учинчи шахслар ва уларнинг вакилларининг) шикоятлари ёки прокурор протести асосида кўрилади. Қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини назорат тартибида ёки янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ва текшириш камданкам ҳолатларда, фақат қонуний асослар мавжуд бўлгандагина юритилиши мумкин. Шунингдек, суд ҳужжатлари қарздор томонидан ихтиёрий равишда ижро этилмаган тақдирдагина ижро ишла-

¹ Гражданское процессуальное право России: Учебник для вузов. П.В.Алексий, Н. Д. Эрвили, В. Н.Гулузо и др. Под ред. проф П.В.Алексия, проф. Н.Д.Амаглобели. – М.: ЮНИТИДАНА, 2005. – 5 с.

рини юритишга эҳтиёж сезилади.¹ Ю.К.Осипов фуқаролик процессини босқичларга ажратмаган ҳолда, унинг суд томонидан тегишли қарор чиқариш билан яқунланадиган ҳуқуқни қўллаш даврларига бўлинишини, ушбу даврларга биринчи инстанция судида иш юритиш, иккинчи инстанция судида иш юритиш, ишни назорат тартибида қайта кўриш, янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳамда ижро ишларини юритиш киришини, ҳар бир давр ўзида ишни кўзғатиш, тайёрлаш ва ишни мазмунан кўришдан иборат бўлган учта босқични қамраб олишини таъкидлайди.²

А.А.Власов фуқаролик процессининг босқичлари қаторига суд ҳужжатларини ижро этишни киритмайди ва фуқаролик процессининг босқичи сифатида ижро ишларини юритиш анъанага айланиб қолганлигини қайд этади. Фуқаролик процессуал ҳуқуқига оид адабиётларда ижро ишларини юритиш ҳуқуқнинг алоҳида соҳаси эканлиги ҳақидаги ғоялар ҳам илгари сурилган.³ Кўплаб олимлар ижро ишлари алоҳида ҳуқуқ соҳаси бўлмаса-да, лекин қонунчилик борасида алоҳида мустақил соҳа эканлигини кўрсатадилар. Лекин Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши ҳуқуқ тизимида ижро ишларини юритишнинг тутган ўрни билан боғлиқ айрим баҳсларга барҳам берди. Хусусан, ижро ишларини юритишнинг алоҳида жиҳатларини тартибга соладиган нормаларнинг процессуал қонунчиликда жойлашиши, ижро ишларини юритишнинг муҳим масалаларини ҳал қилишда суднинг иштирок этиши, бу жараёнда чиқариладиган муҳим суд ҳужжатлари – буларнинг барчаси ижро ишларини юритиш фуқаролик процессининг босқичи эканлигидан далолат беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, **фуқаролик процессининг куйидаги босқичларини кўрсатиш мумкин:**

- **фуқаролик ишини кўзғатиш;**
- **ишни судда кўришга тайёрлаш;**

¹ Гражданское судопризводство // Учебное пособие. Под ред. проф. В.М.Семенова. – Свердловск. 1974. – 17 с.

² Осипов Ю. К. Элементы и стадии норм советского гражданского процессуального права // Проблемы применения норм гражданского процессуального права. – Свердловск, 1976. вып. 48. – С.42-44.

³ Юков М.К. Самостоятельность норм, регулирующих исполнительное производство // Проблемы совершенствования Гражданского процессуального кодекса РСФСР. – Свердловск, 1965. – С. 191-197.

- ишни суд мажлисида кўриш ва ҳал қилиш;
- суднинг ҳал қилув қарорлари, ажрим ва қарорлари юзасидан шикоятлар бериш ва протестлар келтириш;
- суднинг ҳал қилув қарорларини ижро этиш.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи деганда нимани тушунасиз?
2. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг предмети деб нимага айтилади?
3. Фуқаролик процессига тушунча беринг?
4. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг тизими қандай қисмларга ажратилади?
5. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг конституциявий ҳуқуқ соҳаси билан алоқадорлигини нимада?
6. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг фуқаролик, оила ва меҳнат ҳуқуқи соҳалари билан алоқадорлиги ҳақида гапириб беринг.
7. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг хўжалик процессуал ва жиноят процессуал ҳуқуқи билан алоқадорлиги нималарда намоён бўлади?
8. Фуқаролик суд ишларини юритиш деганда нимани тушунасиз?
9. Фуқаролик суд ишларини юритиш тушунчаси вазифалари нималардан иборат?
10. Қонунбузилишининг олдини олиш бўйича судлар томонидан амалга ошириладиган профилактик чоралар нималардан иборат?
11. Фуқаролик процессул ҳуқуқининг манбалари деганда нимани тушунасиз?
12. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг тузилишини гапириб беринг.
13. Фуқаролик суд ишларини юритишнинг қандай турлари мавжуд ва уларнинг ўзига хос белгилари нимада?
14. Фуқаролик процессининг босқичлари ҳақида гапиринг.

МАХСУС АДАБИЁТЛАР:

1. Власов А.А. Гражданское процессуальное право: Учебник. –М.: ТК Вебли, 2004. –С. 28-29.

2. Гагаринов А.В. Понятие гражданского процесса // Правоведение. 1988. N 4. -Б. 96-99.
3. Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. –М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. - 12 с.
4. Гражданский процесс: Учебник / Под ред. В. А. Мусина, Н. А. Чечинной, Д. М. Чечота. М., 2001. -339 с.
5. Гражданский процесс / Учебник. Отв. Ред.проф.В. В. Ярков. –М.: Волтерс Клувер, 2004. -364 с.
6. Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации. (Постатейный научно-практический) / Отв. ред. М. А. Викут. М., 2003. –С. 443-444.
7. Мамасиддиқов М.М. Суд фаолияти ва меҳнат ҳуқуқлари ёки низоли муаммолар ва уларнинг олдини олиш чоралари // –Тошкент, Ж. Ҳаёт ва қонун. 2004. 1-сон. - 47 б.
8. Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани: муаммо ва унинг ечимлари. “Юридик фанларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент, ТДҶОИ, 2006. -Б. 305-316.
9. Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш масалалари хусусида. // –Тошкент, Ж. Фалсафа ва ҳуқуқ. 2006 й. № 3. –Б. 60-63.
10. Мамасиддиқов М.М. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал қонунчилигини ривожлантиришнинг замонавий йўналишлари // –Тошкент, ТДҶОИ Ахборотномаси. 2007. -№ 2. -Б. 46-49.
11. Мамасиддиқов М.М. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фуқаролик процессуал ҳуқуқининг манбаи сифатида. // Шахс дахлсизлигининг конституциявий кафолатлари (Илмий-амалий конференция материаллари тўплами). –Тошкент, ТДҶОИ. 2006.
12. Мамасиддиқов М.М. “Теоретические проблемы развития гражданского процессуального законодательства Республики Узбекистан”. Теоретические проблемы развития системы законодательства Республики Казахстан: тенденции и перспективы: Сборник материалов международной научно-практической конференции 12 апреля 2007 г. –Астана: ТОО «Институт законодательства РК» -2007. –С. 263-267.
13. Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал кодекси: ютуқлар

- ва такомиллашув сари // “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 10 йиллиги: ўтмиши, ҳозирги куни ва истиқболи” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент, ТДЮИ, 2008. –Б. 75-89.
14. Мамасиддиқов М.М. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – суд ҳокимияти мустақиллигининг ҳуқуқий кафолати. “Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий кафолати” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент, ТДЮИ, 2008 й. –Б.90-94.
 15. Мамасиддиқов М.М. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Ўқув-услубий қўлланма (ўзгартиш ва тўлдиришлар билан). Проф. Ш.Ш.Шорахметов таҳрири остида. –Тошкент.: АҚҲМИ. - 2008. – 332 б.
 16. Мамасиддиқов М.М. Теоретические проблемы развития гражданского процессуального законодательства Республики Узбекистан / “Суд-ҳуқуқ ислохотларини янада такомиллаштириш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг долзарб муаммолари” (профессор Ш.Ш.Шорахметов номини хотирлаб) мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент.: ТДЮИ. 2009. –Б. 67-74.
 17. Мамасиддиқов М.М. Марипова С.А. Концепция развития гражданского процессуального законодательства Республики Узбекистан // “Суд-ҳуқуқ ислохотларини янада такомиллаштириш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг долзарб муаммолари (профессор Ш.Ш.Шорахметов номини хотирлаб) мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент.: ТДЮИ. 2009. –Б.425-438.
 18. Мамасиддиқов М.М. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал қонунчилигининг ривожланиши. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти. Илмий-амалий қўлланма. –Тошкент: АҚҲМИ нашриёти, 2009. –124 б.
 19. Мамасиддиқов М.М. “Актуальные вопросы совершенствования гражданского процессуального законодательства Республики Узбекистан” // “Бозор ислохотлари шароитида фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. I қисм. –Тошкент: ТДЮИ. 2011. –Б. 54-65.

20. Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал кодексини такомиллаштириш – давр талаби // “Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар ва уларнинг аҳамияти” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари (Тошкент, 2011 йил 19 апрель). –Тошкент: ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти. 2011. –Б. 19–26.
21. Мамасиддиқов М.М. Суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари // “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш: Концепцияда белгиланган устувор вазифалар” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари (Тошкент, 2011 йил 2 ноябрь). –Тошкент: ТДҶОИ. 2011. –Б. 23–29.
22. Мамасиддиқов М.М., Азизов Н. Вопросы совершенствования гражданского процессуального законодательства Республики Узбекистан // “Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари шароитида фуқаролик суд ишларини юритишнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. II-қисм. –Тошкент, ТДҶОИ. 2011 й. –С. 16-22.
23. Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг долзарб масалалари // “Давлат ва ҳуқуқ назариясининг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий-назарий конференция материаллари (Тошкент, 2010 йил 26 ноябрь). –Тошкент: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети. 2011. –Б. 56–61.
24. Марипова С.А. Сборник задач и методических указаний по гражданскому процессу. Учебно-методических комплекс. –Ташкент.: ТҶОИ, 2008. -378 с.
25. Марипова С.А. Некоторые аспекты гражданского судопроизводства: современное состояние, проблемы и перспективы совершенствования // “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 10 йиллиги: ўтмиши, ҳозирги куни ва истиқболи” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент, ТДҶОИ, 2008. –Б. 75–89.
26. Марипова С.А. Гражданский процесс. Учебник для студентов высших учебных заведений. Общая часть. –Ташкент.: ТҶОИ, -2009. –с. 640.
27. Рўзиназаров Ш.Н., Мамасиддиқов М.М. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришни ҳуқуқий таъминлаш муаммолари. –Тошкент: АҚҶМИ, 2011. –180 б.

28. Рузиназаров Ш.Н. «Научно-методологическая доктрина модернизации юридической науки и правоприменительной практики» Сборник материалов научно-практической конференции на тему: «Концепция развития юридической науки». –Ташкент.: «ТГЮИ» 2012 г. –С. 46-53.
29. Тожибоев М.М. Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашда суд қарорларининг тутган ўрни ва роли // “Ўзбекистон судьялар корпусини шакллантириш ва улар мустақиллигини таъминлаш: концепцияда белгиланган устувор вазифалар” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами, 2012 й. –Тошкент: ТДЮИ. 2012 й. – Б. 128-137.
30. Чечина Н.А. Система гражданского процессуального права и систематизация законодательства // Правоведение. 1984. № 2. –С. 34-35.
31. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент.: Адолат. 2001. –512 б.
32. Шорахметов Ш.Ш. Конституциявий ҳуқуқлар ва одил судлов // –Тошкент, Ж. Ҳаёт ва қонун. 2002. –6-сон. –Б.36-37.
33. Шорахметов Ш.Ш. Суд тизимини такомиллаштириш муаммолари // –Тошкент, Қонун ҳимоясида. 2002. –5-сон.–Б. 12-14.
34. Шорахметов Ш.Ш. Кодекснинг янги жиҳатлари // –Тошкент, Ж. Ҳаёт ва қонун. –2003. –1-сон. –Б.38-40.
35. Шорахметов Ш.Ш. Фуқаролик процессуал ҳуқуқини ўрганиш услубияти ҳақида кўрсатмалар. Ўқув-услубий қўлланма. –Тошкент.: ТДЮИ, 2003. –45 б.
36. Шорахметов Ш.Ш. Суд ислохотларини чуқурлаштириш бу жараён билан боғлиқ муаммо ва ечимлар // –Тошкент, Ж.Ҳаёт ва қонун. –Тошкент, 2005.–1-сон.
37. Шорахметов Ш.Ш. Фуқаролик ишларини судда кўришга оид процессуал ҳужжат намуналарига шарҳ. –Тошкент: ТДЮИ, 2005. –361 б.
38. Шорахметов Ш.Ш. Суд ислохотларини чуқурлаштириш // Ж. –Тошкент, Ҳаёт ва қонун. 2005. 1-сон. –Б.11.
39. Шорахметов Ш.Ш. Фуқаролик процессуал ҳуқуқини ривожлантиришнинг айрим масалалари. // “Юридик фанларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент: ТДЮИ нашриёти. 2006. –Б. 284-288.
40. Эгамбердиев Э. Фуқаролик суд ишларини юритиш турлари. –Тошкент.: Камалак, 1997. – 13 б.

2-БОБ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ

Бобнинг мақсади фуқаролик процессуал ҳуқуқининг принциплари тушунчаси ва мазмун-моҳиятини, ушбу ҳуқуқ соҳасининг принциплари тизими ва таснифини баён этишдан иборат. Мазкур бобда фуқаролик процессуал ҳуқуқининг ташкилий-функционал ва функционал принципларига батафсил тўхалиб ўтилган, уларга риоя қилмаслик оқибатларига оид масалалар ўз ифодасини топган.

2.1. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг принциплари тушунчаси ва моҳияти

Мустақил давлатимизнинг ҳуқуқий доктринаси умум эътироф этилган, миллий қадриятларимиз, менталитетимизга уйғунлашган, демократик принципларга асосланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги қондаси, инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият эканлиги, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланишга бўлган ҳуқуқлари, одил судлов принциплари, суд давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи эканлиги, судларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунуши, айбсизлик презумпцияси каби қатор фундаментал, умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг мақсади ҳам энг аввало инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини оширишдир. Юртбошимизнинг давлат қурилиши ва унинг тараққиёти, жамиятимизнинг демократик янгиланиши, иқтисодиётимизни ривожлантириш ва эркинлаштириш, маънавий-маърифий ишлар билан боғлиқ бўлган, қисқача айтганда, олдимизда турган барча муаммо ва вазифаларни ечишда "Ислохот ислохот учун эмас, аввало

инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун”, деган теран маъноли фикрни асло унутмаслигимиз керак, деб таъкидлашлари бежиз эмас.¹

Шундай экан, суд-ҳуқуқ тизимида ҳам олиб борилаётган ислохотларнинг натижаси, инсон, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари суд орқали самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, фуқаролик ишлари бўйича судларнинг тарафларнинг тортишувчилик ва тенг ҳуқуқлилиги, фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги, судларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунуши каби принципларга асосланиб, қонуний, адолатли ва асосланган ҳал қилув қарори қабул қилиниши билан ўз ифодасини топади. Дарҳақиқат, муайян ҳуқуқ соҳасининг принциплари мазкур ҳуқуқ соҳасининг мавжуд бўлиши ва ривожланишида энг асосий ўринни эгаллайди. “Принцип” сўзи латинча “principium” сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида “асос”, “қоида”, “негиз” деган маъноларни англатади.² Ҳуқуқий адабиётларда тамойил ҳақида гапирилганида одатда асосий қоидалар, дунёқарашлар, назариялар, сиёсат ва фан тушунилади.³ Дарҳақиқат, принциплар ҳуқуқ соҳасининг ўзига хос хусусиятларини ва бошқа ҳуқуқ соҳаларидан мустақиллигини белгилаб беради. Айрим адабиётларда принциплар ҳуқуқ соҳасини тартибга солувчи предмет ва усулларга тенглаштирилади, муайян ҳуқуқ соҳасининг мазмунини ташкил этиши ҳақида фикрлар билдирилади.⁴ Фуқаролик процессуал ҳуқуқи мамлакатимиз ҳуқуқ тизимининг муҳим соҳаларидан ҳисобланади ва шунинг учун унинг принципларида умумҳуқуқ принципларининг бир қатор белгилари ўз ифодасини топган.

Адабиётларда фуқаролик процессуал ҳуқуқининг принципларига бир қатор таърифлар бериб ўтилган. Хусусан, В.М.Семенов фуқаролик процессуал ҳуқуқининг принципларига ҳуқуқ соҳасининг иктымий ҳуқуқий йўналтирилганлиги, фуқаролик суд ишларини юритишнинг сифат жиҳатдан ўзига хослигидир, деб таъриф беради.⁵ В.В.Ярковнинг фикрича, принциплар – бу фуқаролик процессининг узоқ тараққиёти натижасида шаклланган тарихий категориялар ҳисобланиб, улар инсоният маданияти унсурси, ғоя-

¹ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. – Тошкент: Ўзбекистон. 2005. -6 б.

² Русча-ўзбекча лугат. 2-том. Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси. – Тошкент.: 1984. -215 б.; Гражданский процесс. Кол. авторов. –М.: Спарк. 1999. -25 с.

³ Гражданский процесс. Учебник. Издание третье, переработ.и доп. / Под ред. В.А.Мусина,Н.А.Чечиной, Д.М.Чечота. –М: ПБОЮЛ Гриженко Е.М. 2001. - 22 с.

⁴ Гражданский процесс / Учебник. Отв. ред. проф. В.В. Ярков. – М.: Волтерс Клувер, 2004. -24 с.

⁵ Семенов В.М. Конституционные принципы гражданского судопроизводства. –М., 1982. -82 с.

вий кетма-кетлик қимматлиги бўлиб, ўзида ҳоқимиятлар тақсимланиши, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти, фуқаролик жамияти субъектларининг тенглиги, мустақиллиги ва эркин ҳуқуқлилиги кабиларни қамраб олади.¹

Э.Эгамбердиевнинг фикрича, ҳуқуқ тамойиллари фуқаролик ишларини судларда ҳал қилишда қонунчилиқни таъминлайди, ишларни адолатли ҳал қилиш ва кўрилган фуқаролик иши юзасидан қонуний ҳолда одил судлов ҳужжатларини қабул қилишни кафолатлайди. Судларда фуқаролик ишларини процессуал тартибда амалга ошириш тамойилига қатъий риоя қилиб ҳал этиш, суд қарорлари устидан ишда иштирок этувчи шахслар, тарафлар, арз қилувчи ва манфаатдор шахсларнинг эътирозини келтириб чиқармайди.² Ш.Ш.Шораҳметовнинг фикрича, фуқаролик жараёнининг тамойиллари деб, фуқаролик процессуал ҳуқуқининг асосий раҳбарий қоидаларига айтилади. Узининг мазмуни бўйича бу тамойиллар суднинг фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш борасидаги вазифалари ва фаолиятидаги тамойиллардир.³

Бу борада Д.Ю.Хабибуллаевнинг фикрига кўшилган ҳолда⁴ фуқаролик процессуал ҳуқуқи принципларига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

Фуқаролик процессуал ҳуқуқи принциплари – бу қонун нормаларида мустақамланган, процессуал институтларнинг барча тизимлари учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган, фуқаролик ишларининг ўз вақтида, тўғри ва тез кўриб чиқилишида одил судловни амалга оширишни таъминлайдиган асосий раҳбарий қоидалардир. Улар барча фуқаролик процесси институтларини ўз ичига олиб, қонуний, асосли ҳамда адолатли ҳал қилув қарори чиқарилишини ва уларнинг ижро этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг барча принциплари қуйидаги икки хил вазифани амалга оширишга қаратилган бўлади:

биринчидан, судларнинг ҳуқуқни кўллаш фаолиятини амалга ошириш (масалан, ишларни амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш, ишнинг ҳақиқий ҳолати, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари суд томонидан аниқланиши);

иккинчидан, ишда иштирок этувчи шахсларга берилган ҳуқуқларнинг амалга оширилшини таъминлаш (масалан, одил судлов-

¹ Арбитражный процесс. Учебник / Отв. ред. проф. В. В. Ярков. – М.: БЕК. 2001. – 32 с.

² Эгамбердиев Э. Эркин ҳуқуқлилиги ва тортишувчилик принципи // Ж. Ҳаёт ва қонун. – Тошкент, 1998. 7-сон, -45 б.

³ Шораҳметов Ш. Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. – Тошкент: Адолат. 2001. – 24 б.

⁴ Хабибуллаев Д. Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг конституциявий тамойиллари. Ўқув қўлланма // Ш. Ш. Шораҳметов тахрири остида. – Тошкент: ТДҶОИ, 2006. – 23 б.

нинг фақат суд томонидан ҳамда фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилиши, тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги) бўйича мажбуриятларини белгилайди.

Принципларнинг амалий аҳамияти ҳақида шуни айтиш керакки, улар фуқаролик ишлари бўйича қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилинишининг кафолати ҳисобланади. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг принциплари қонунлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, шунинг учун ҳам икки тарафлама хусусият касб этади. **Биринчидан**, ҳар бир принцип қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамлаб қўйилиши лозим. Зеро, қонун билан мустаҳкамланмаган принциплар процессуал-ҳуқуқий саналмайди. **Иккинчидан**, принциплар фуқаролик процессуал ҳуқуқи барча нормаларининг мантиқий бирлигини таъминлашга ва шу орқали мазкур ҳуқуқ соҳасининг барқарорлигига хизмат қилади.

2.2. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи принципларининг тизими ва таснифи

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини, хусусан Конституция, “Судлар тўғрисида”ги қонун ҳамда Фуқаролик процессуал кодексини таҳлил қилиш фуқаролик процессуал ҳуқуқининг куйидаги принципларини аниқлаш имконини беради:

- одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилиши;**
- судьяларни сайлаш ва тайинлаш;**
- судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунishi;**
- фуқаролик ишларининг якка тартибда ва ҳайъат томонидан кўрилиши;**
- қонун ва суд олдидаги тенглик;**
- суд ишлари юритиладиган тил;**
- судда иш кўришнинг ошкоралиги;**
- ишларни амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш;**
- тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги;**
- судда ишни кўришнинг бевоситалиги ва оғзакилиги.**

Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг мазкур принциплари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, биргалиқда бир тизимни ташкил қилади. Дарҳақиқат, М.К.Треушников тўғри такидлаганидек, принциплардан бирининг бузилиши бошқа принципнинг ҳам бузилишига олиб келади.¹ Принципларнинг мазмуни бўйича ўзаро алоқаси,

¹ Гражданский процесс: Учебник для юридических вузов / Под ред. д.ю.н. проф. М.К.Треушникова. -3-е изд., испр. и доп. -М.: Юриспруденция, 2001. -19 с.

боғлиқлиги ва таъсири уларнинг тизимини вужудга келтиради. Амалда ҳар бир принцип ушбу тизимнинг мустақил бўғини ва мустақил қисми сифатида эътироф этилса-да, лекин ҳар бир принцип ушбу тизимдан ажралган ҳолда мавжуд бўла олмайди.

Адабиётларда фуқаролик процессуал ҳуқуқи тамойилларининг тизими уларнинг норматив ифодаланиш шаклларига қараб тузилиши ҳақида фикрлар илгари сурилади.¹ Ш.Ш.Шорахметов мазкур принципларни амалда бўлиши, татбиқ этилишига қараб уларни суд тузилиши ҳамда суд ишларини юритишга оид умумий принципларга ва фақат суд ишларини юритишга хос принципларга ажратади.² Фуқаролик процессуал ҳуқуқи назариясида принциплар уларнинг ўзига хос белгилари ва ҳуқуқий тартибга солиш объектларига қараб қуйидаги гуруҳларга ажратилиши кенг тарқалган: биринчидан, бир вақтнинг ўзида суд тузилиши ва суд процессини белгилаб берадиган ташкилий – функционал принциплар; иккинчидан, фақатгина суд ва фуқаролик процесси бошқа иштирокчиларининг процессуал фаолиятини белгилаб берадиган функционал принциплар.³

Ташкилий-функционал принципларга фуқаролик процессуал ҳуқуқининг қуйидаги принциплари мансуб бўлади:

- одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилиши;
- судьяларни сайлаш ва тайинлаш;
- фуқаролик ишларининг яқка тартибда ва ҳайъат томонидан кўрилиши;
- судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунishi;
- қонун ва суд олдидаги тенглик;
- суд ишлари юритиладиган тил;
- судда иш кўришнинг ошкоралиги.

Функционал принципларга қуйидагилар киради:

- ишларни амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш;
- тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқчилиги;
- судда ишни кўришнинг бевоситалиги ва оғзакилиги.

¹ Қаранг: Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг конституциявий тамойиллари. Ҳуқуқ қўлланма // Ш.Ш.Шорахметов таҳрири остида. –Тошкент: ТДҶОИ, 2006. – 25 б.

² Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент: Адолат. 2001. – 25 б.

³ Масалан, қаранг: Гражданский процесс // Под. ред. проф. М.К. Треушникова. 2-е изд. испр. и доп. –М.: Спарк. Юр. бюро "Городец". 1998. - 27 с.

2.3. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг ташкилий-функционал принциплари

1. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг ташкилий-функционал принциплари қаторида одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши муҳим ўрин тутати ("Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддаси).

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мамлакатимизда суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши алоҳида белгилаб қўйилган. Суд ҳокимиятининг бошқа органлардан мустақил ҳолда иш юритишига алоҳида эътибор қаратилиши суд ҳокимиятига бошқа ҳеч қайси орган ваколатига тааллуқли бўлмаган ҳуқуқ – одил судловни амалга ошириш ҳуқуқи берилганлиги билан изоҳланади. Зеро, мамлакатимиз ҳаётида, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ таъминланишига эришишда одил судловнинг аҳамияти беқийсдир. Одил судлов жамият ҳаётида, жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтиришда, инсонларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Зотан, одил судлов ҳар қайси даврларда ҳам улуғланганлигини, қадрланганлигини ҳамда инсонлар унга интилиб яшаганликларини таъкидлаш ўринли бўлади. Хусусан, рим файласуфлари "Pereat mundus et fiat justitia", яъни "майли дунё барбод бўлсин, лекин одил судлов қарор топсин" деб таъкидлаганликлари бежиз эмас. Рим файласуфларининг мазкур мумтоз шиорлари бир қарашда муболағадан иборат бўлса-да, лекин улар одил судловга шу қадар юқори баҳо берадилар.

Судларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши каби қоидаларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (112-модда) белгилаб қўйилиши муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, "Судлар тўғрисида"ги Қонунда муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона кўришга тўсқинлик қилиш ёки ғайриқонуний суд қарори чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга қандай бўлмасин, бирон-бир тарзда таъсир этиш қонунга мувофиқ жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши белгилаб қўйилган. Масалан, ЖКнинг 236-моддасига мувофиқ, тергов қилишга ёки

суд ишларини ҳал этишга аралашмиш, яъни ишнинг ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганилишига тўқинлик қилиш мақсадида суриштирувчи, терговчи ёки прокурорга ёхуд адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиш мақсадида судьяга турли шаклда қонунга ҳилоф равишда таъсир ўтказиш учун уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Агар ўша ҳаракат мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, олти ойгача қамоқ ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши принципининг моҳияти шундан иборатки, одил судлов деганда, давлат судлари томонидан муайян ишни қонун билан белгиланган процессуал тартиб асосида кўриш ва ҳал этиш ҳамда қонуний, асосли ва адолатли суд қарорларини қабул қилиш тушунилади. Одил судлов ўз навбатида, ҳокимият ваколатларини суд ҳокимияти томонидан амалга оширишнинг фақат судларга хос шакли ҳисобланади. Суд ўз ваколати доирасида шахслар томонидан ижро этилиши мажбурий бўлган суд ҳужжатларини қабул қилади.

Бу эса куйидаги икки хулосани чиқариш имконини беради:

– бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотлари судларнинг ваколатларини бузмаслиги ва қонун билан судлар зиммасига юклатилган ишларни ҳал этмасликлари лозим;

– бошқа органлар томонидан ўз ваколатлари доирасида ҳуқуқий масалаларнинг ҳал этилиши одил судлов сифатида эътироф этилмайди (масалан, ҳакамлик судлари ва ҳ.к.).

Таъкидлаш жоизки, айрим фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш тааллуқлилик қоидаларига кўра, бошқа идораларга ҳам юборилиши мумкин. Аммо, бундай ҳолларда ҳам, Ш.Ш.Шорахметов тўғри таъкидлаганидек, суд ўзининг устунлик ҳуқуқини сақлаб қолади, чунки чиқарилган қарорлари юзасидан ижро варақалари берилишида, уларнинг қонунга мувофиқ бўлиш-бўлмаглигини текшириш вазифаси судга юклатилган бўлади.¹

2. Судьяларни сайлаш ва тайинлаш принципининг моҳияти шундан иборатки, унга кўра, фуқаролик ишлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сайланадиган ва тайинланадиган судьялар томонидан амалга оширилади. Конституцияга кўра,

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи // Дарслик. –Тошкент: Адолат. 2001. -27 б.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди судьялари беш йил муддатта сайланадилар. Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий ва ҳўжалик судлари судьялари беш йил муддатта тайинланадилар (107-модда).

“Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 63-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан сайланади. Қорақалпоғистон Республикаси судларининг судьялари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан сайланади ёки тайинланади. Мазкур масала Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг ҳулосаси асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишиш учун киритилади. Вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судларнинг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳўжалик судларининг судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади. Ҳарбий судлар судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Адабиётларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси судларни тегишли юқори турувчи халқ депутатлари Кенгашлари томонидан сайланиши тажрибасига ва шунинг оқибатида маҳаллий таъсирда қолиб кетишига чек қўйганлиги, судьяларнинг республика Президенти томонидан тайинланишининг афзаллиги судьялар ўз ваколатларини Президентдан, яъни давлат раҳбаридан олишлари билан изоҳланади. Чунки судьялар одил судловни

Ўзбекистон Республикаси номидан амалга оширишлари, ундан ташқари, судьялар маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг таъсиридан холи бўлишлари, сезиларли даражада мустақиллик ва эркинликка эга бўлишлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган.¹

Кўплаб хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳам шундан dalolat берадики, судьялар Адлия вазирлиги тавсиясига биноан давлат бошлиғи томонидан сайланади, муайян мамлакатларда давлат қурилиши тизимига мувофиқ судлар танлов (Греция, Бразилия) магистратура Олий кенгаши тавсиясига кўра (Франция, Италия) ёхуд Лорд Канцлер (Буюк Британия) ёки сенатор розилиги (АҚШ, Бельгия) асосида танланади.²

Дарҳаққат, судларнинг ҳақиқий мустақиллигини ва эркинлигини таъминлашда судьяларнинг лавозимларга Президент томонидан тайинланиши халқаро тажрибада ўзини оқлаган энг мақбул йўл ҳисобланади. Президент томонидан судьяларни тайинлаш судьяларга ўз ваколатларини бевосита давлат бошлиғидан олиш имконини беради. Бундай мақом судьялар учун одил судловни Ўзбекистон Республикаси номидан амалга ошириш кафолатини кучайтиради.

3. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг муҳим принципларидан бири сифатида фуқаролик ишларининг якка тартибда ва ҳайъат томонидан кўрилиши принципи тан олинади.

Барча биринчи инстанция судларида ишлар судьянинг якка ўзи томонидан кўрилади. Ишни судьянинг якка ўзи кўрганида у суд номидан иш юритади. Ишни апелляция ва кассация тартибда кўриш Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судида, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларида уч нафар судьядан иборат таркибда, назорат тартибда кўриш эса Раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида ишлар апелляция, кассация тартибда ва назорат тартибда уч нафар судьядан иборат таркибда, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсатида – Раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўл-

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси – мустақил давлат // - Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Тошкент, Адолат, 1994. -89 б.; Уразаев Ш.З. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси. –Тошкент, Адолат, 1994. -Б. 18-19.

² Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг конституциявий тамойиллари. Ўқув қўлланма // Ш.Ш.Шорахметов таҳрири остида. –Тошкент: ТДЮИ, 2006. -52 б.

ган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленумида – Пленум таркибининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда кўрилади.

Жиноят процессидан фарқли равишда фуқаролик процессида халқ маслаҳатчилари институтидан тўлиқ воз кечилган. Дарҳақиқат, Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида (1996 йил 29 август) суд ислохотини жадал амалга ошириш лозимлиги, бунинг учун эса, халқ маслаҳатчилари тузилмасини ислоҳ қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлаб, кўп ҳолларда ташкилотлардан иккинчи даражали одамлар судга маслаҳатчи қилиб юборилишини танқид қилган.¹

Фуқаролик ишларида халқ маслаҳатчилари иштироки юзасидан мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари ўз фикрларини билдирган. Хусусан, Ш.Ш.Шорахметов халқ маслаҳатчиларининг одил судловни амалга оширишдаги аҳамияти ҳозирги кунларда, айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида давр талабига жавоб бериш-бормаслик масаласини таҳлил қилиш лозим, ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида, яъни ҳар бир меҳнат жамоаси тийинларигача ҳисоб-китоб қилинадиган бир шароитда халқ маслаҳатчиларининг бир неча кунлар ўз хизмат вазифаларини бажармасликлари меҳнат жамоаларида салбий баҳоланмоқда, деб мазкур институтга нисбатан ўз фикрини билдирган.² Шунингдек, Д.Ю.Хабибуллаев ҳам ўз асарларида ишларнинг биринчи инстанция судларида яқка судья томонидан кўрилишини ёқлаб чиқади.³

Ҳамдўстликка аъзо бўлган аксарият давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигида ҳам фуқаролик ишлари яқка судья томонидан кўрилиши назарда тутилади. Хусусан, Россия Федерацияси ГПКнинг 7-моддасига кўра, фуқаролик ишлари биринчи инстанция судларида яқка судья томонидан ёки федерал қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳайъат таркибида кўрилиши белгиланган.⁴ Шунингдек, Беларусь Республикаси ГПКнинг 10-моддасига кўра, Беларусь Республикаси Олий суди патент ишлари бўйича судлов ҳайъатида кўриладиган фуқаролик ишларидан

¹ Каримов И.А. Янгиликлар ва ишлар – давр талаби. Т.5. –Тошкент: Ўзбекистон. 1997. -127 б.

² Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал кодексини такомиллаштиришнинг айрим масалалари. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. –Тошкент: 1994. –Б. 37-38.

³ Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг конституциявий тамойиллари. Ўқув қўлланма // Ш.Ш.Шорахметов тахрири остида. –Тошкент: ТДҲОИ, 2006. –44 б.

⁴ Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации. –М.: Юристь, 2003. статья 7.

ташқари, бошқа барча ишлар биринчи инстанция судларида якка судья томонидан кўрилади.¹ Шунингдек, Қозоғистон Республикаси ГПКнинг 37-моддасига кўра, фуқаролик ишлари биринчи инстанция судларида якка судья томонидан кўрилади.²

4. Судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунishi принципи фуқаролик процессуал ҳуқуқининг муҳим принципларидан бири ҳисобланади. Мазкур принцип Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, унга кўра, судьялар мустақилдир, фақат қонунга бўйсунадилар. Судларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунishi таъминлашда судлар томонидан иш юритишнинг тартиб-таомиллари қонунларда белгилаб қўйилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Фуқаролик процессуал кодекси, Хўжалик процессуал кодекси, Жиноят процессуал кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда суд ишларини юритишнинг тартиб-таомиллари мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, судлар фуқаролик, хўжалик, жиноят ва маъмурий ишларни кўриш ва ҳал этиш жараёнида мавжуд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган процессуал тартиб ҳамда процессуал ҳуқуқ нормаларига қатъий риоя қилишлари талаб этилади. Акс ҳолда суд томонидан чиқарилган қарорлар юқори инстанция судлари томонидан бекор қилинади.

Таъкидлаш жоизки, суд ишларини юритиш учун муайян тартиб-таомилларнинг белгилаб қўйилганлиги манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқ ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш билан бир вақтда суд ишларига четдан аралашиларнинг олдини олади, судлар томонидан ишларнинг ҳолис ва объектив кўрилиши ва ҳал этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Судларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунishi таъминлашда уларнинг дахлсизлиги муҳим аҳамият касб этади. Судьяларнинг дахлсизлиги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда "Судлар тўғрисида"ги Қонун билан кафолатланади. Унга кўра, судьянинг шахси дахлсиз бўлиб, судьянинг дахлсизлиги унинг турар жойига, хизмат хонасига, фойдаланадиган транспорти ва алоқа воситаларига, хат-хабарларига, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга ҳам тааллуқлидир. Судьяга нисбатан

¹ Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь от 11 января 1999 года, Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь, 1999 г., № 18-19, 2/13.

² Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан от 13 июля 1999 года. Ведомости Парламента Республики Казахстан, 1999 г. № 18, ст. 644.

жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин. Судья тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ёки Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг розилигисиз жинойий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши мумкин эмас. Шунингдек, судья судьяларнинг тегишли малака ҳайъатининг розилигисиз маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Судьянинг турар жойига ёки хизмат хонасига, фойдаланадиган транспортга кириш, уларни кўздан кечириш, уларда тинтув ўтказиш ёки улардан ашёни олиш, телефондаги сўзлашувларини эшитиш, судьяни шахсан кўздан кечириш ва уни шахсий тинтув қилиш, шунингдек унинг хат-хабарларини, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни кўздан кечириш, олиб қўйиш ёки олишга фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоят, Тошкент шаҳар прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг рухсати ёки суднинг қарори билан йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида судьяларнинг нафақат эркинлиги, балки уларнинг холислигини таъминлашга қаратилган меъёрлар ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, судьялар сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутати бўлиши мумкин эмас. Улар сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши, сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши, шунингдек илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин эмас. Судья ваколат муддати тугагунга қадар судьялик вазифасидан қонунда кўрсатилган асослар бўлгандагина озод этилиши мумкин.

Ундан ташқари, судларнинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида қонунчилик судьядан кўрилган ёки юритувидаги ишлар моҳияти бўйича бирон-бир тушунтиришлар беришни, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари, кимга бўлмасин, танишиб чиқиш учун ишларни тақдим этишни талаб қилишни тақиқлайди. Оммавий ахборот воситалари ўз хабарларида муайян иш юзасидан суд муҳокамаси натижаларини олдиндан ўзича ҳал қилиб қўйишга ёки судга бошқача тарзда таъсир этишга ҳақли бўлмайди ("Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 69-моддаси).

5. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг биринчи гуруҳга мансуб бўлган принциплари ичида **фуқароларнинг қонун ва суд олдидаги тенглиги принципи** муҳим ўрин эгаллайди. Фуқароларнинг

қонун ва суд олдида тенглиги принципи умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 7-моддасида белгила-нишича, барча одамлар қонун олдида тенгдир ва сира айирмачиликсиз, қонун томонидан баббаравар муҳофаза этилиш ҳуқуқига эгадир. Барча одамлар мазкур Декларацияни бузадиган ҳар қандай камситишдан тенг муҳофаза қилиниш ҳуқуқига ва ана шундай камситишга гиж-гижлашдан тенг муҳофаза қилиниш ҳуқуқига эгадирлар.¹

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 26-моддасига кўра, барча кишилар қонун олдида тенгдир ва ҳеч бир камситишсиз қонун орқали тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга. Бу борада ҳар қандай турдаги камситиш қонун орқали тақиқлаб қўйилиши ва қонун барча шахсларга ҳеч бир камситишсиз, жумладан ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ва бошқа эътиқоди, миллий ёки иқтимоий келиб чиқиши, мулкый аҳволи, туғилиши (насаби)дан ва бошқа ҳолатидан қатъи назар, камситишга қарши тенг ва самарали муҳофазага кафолат бериши керак.²

Мазкур принциплар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида мустақамалаб қўйилган бўлиб, унга кўра, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, иқтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва иқтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Ундан ташқари, мазкур принцип ФПКнинг 6-моддасида ва "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасида ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, мазкур нормаларга кўра, фуқаролик ишлари бўйича одил судлов фақат суд томонидан ҳамда барча фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, иқтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва иқтимоий мавқеи, шунингдек бошқа ҳолатлардан қатъи назар, қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилади. Бу эса мазкур принцип бир вақтнинг ўзида суд тузилиши ва суд процессини белгилаб берадиган ташкилий – функционал принцип эканлигидан далолат бериб, нафақат фуқаролик суд ишларини юритишда, балки хўжалик, жиноят суд ишларини юритишга ҳам хос бўлган принцип эканлигини кўрсатади.

Юридик адабиётларда фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги

¹ Инсон ҳуқуқлари: Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. Иқтисодий, иқтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт. Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва факультатив протокол. –Тошкент: Адолат. 1992. -12 б.

² Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар // Масъул муҳаррир проф. А.Х.Самидов. –Тошкент: Адолат. 2002. -64 б.

принципи икки турдаги мазмунга эга эканлиги ҳақида фикрлар илгари сурилади. Бунда биринчидан, ягона, яъни ҳаммага бирдай бўлган суд тўғрисидаги қоида ифодаланса, иккинчидан, ҳаммага баробар татбиқ қилинадиган ҳуқуқнинг ягоналиги тўғрисидаги қоида ўз ифодасини топган. Ягона суд тўғрисидаги қоида шундан иборатки, республикада миллат, жинс, ижтимоий аҳвол ва бошқа ҳолатларга қараб айрим шахсларга муайян имтиёзлар берадиган ёки ҳуқуқларни камситадиган судлар йўқ. Конституциямизда, судлар тўғрисидаги қонунларда белгиланганидек, суд тизими ягона ҳисобланади ва судлар фуқаролар учун бир хилда иш кўрадилар. Ҳуқуқларнинг, жумладан процессуал ҳуқуқларнинг ҳам ягоналиги тўғрисидаги қоида қонунларнинг ҳаммага тенг татбиқ этилишини билдиради.

6. Суд ишлари юритиладиган тил принципи Конституциянинг 115-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Бу эса Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилиши, суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланиши тўғрисидаги конституциявий норманинг фуқаролик суд ишларини юритиш соҳасида ривожланиши ва амал қилишини кўрсатади. Шунингдек, суд ишлари юритиладиган тил принципи Фуқаролик процессуал кодексининг 9-моддаси ҳамда “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Ундан ташқари, 1995 йил 12 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисида”ги (янги таҳрири) Қонуни 11-моддасига кўра, судлов ишларини юритиш давлат тилида ёки ўша жойдаги кўпчилик аҳоли тилида олиб борилади. Ишда иштирок этаётган, суд ишлари юритиладиган тилни билмайдиган шахсларга таржимон орқали ишга оид материаллар билан танишиш, суд жараёнида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланиши белгиланган.²

Сўнги вақтларда чоп этиладиган адабиётларда мазкур принцип “давлат тили принципи” ёки “суд ишларини юритишнинг давлат тили принципи”, “суд ишларининг миллий тилда юритилиши принципи” тарзида баён эти-

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент: Адолат. 2001. –28 б.

² Ўзбекистон Республикасининг 1989 йил 21 октябрдаги “Давлат тили ҳақида”ги 3561-ХI-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Аxbоротномаси, 1989 й. 26-28-сон, 453-модда // Мазкур Қонуннинг янги таҳрири 1995 йил 21 декабрдаги 167-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган // Ўзбекистон Республикаси Олий Махлис Аxbоротномаси 1995 й. 12-сон, 257-модда.

лишини кузатиш мумкин.¹ Фикримизча, "суд ишлари юритиладиган тил принципи" атамаси мазкур принципнинг мазмун-моҳиятини тўлароқ очиб беради.

Адабиётларда тўғри таъкидланганидек, суд иш юритуви тили нафақат фуқаролик суд тизимини, балки кенг маънода бутун мамлакатда мавжуд, яъни конституциявий, ҳўжалик, маъмурий ва жиний суд тизими фаолиятини ташкил қилишнинг муҳим асосларидан биридир.² Қолаверса, суд ишлари юритиладиган тил суд жараёнида тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг нафақат бир-бирларини яхшироқ тушунишлари, балки ушбу жараёнда ўзларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга ошириш учун тенг имкониятларга эга бўлишлари мақсадида алоқанинг бундай қоидаларини қонун билан мустаҳкамлаш муҳим ҳисобланади.³

Суд ишлари юритиладиган тилни билмайдиган шахсларга ишга тааллуқли материаллар билан ўз она тилида тўлиқ танишиб чиқиш, она тилида кўрсатув ва тушунтиришлар бериш, судда сўзлаш, арз билан мурожаат этиш ва илтимосномалар тақдим этиш, шунингдек Кодексда белгиланган тартибда таржимоннинг хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи таъминланади. Суд ҳужжатлари ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг она тилларига ёки улар биладиган бошқа тилга таржима қилиб топширилади (ФПКнинг 9-моддаси).

Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг бошқа принциплари каби суд ишлари юритиладиган тилга доир қоидаларга қатъий амал қилиш талаб этилади. Агар иш кўрилаётганида иш юритиладиган тилга доир қоидалар бузилиб, ишнинг нотўғри ҳал этилишига сабаб бўлган ёки сабаб бўлиши мумкин бўлган тақдирда суд томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорй, ажрим ёки қарорлар апелляция, кассация ва назорат тартибида бекор қилинади (ФПКнинг 314-моддаси).

¹ Қаране: Гражданский процесс: Учебник / Под ред. В.А.Мусина, Н.А.Чечной, Д.М. Чечота. –М., 2000. –38 с.; Шорахметов Ш.Ш. Узбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. –Тошкент: Адолат. 2001. –27 б.; Гражданский процесс // Учебник. Под ред. д.ю.н, проф., заслуженного деятеля науки РФ М.К. Треушников. –М.: Юриспруденция. 2001. –23 с.; Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг конституциявий тамойиллари. Ўқув қўлланма // Ш.Ш.Шорахметов таҳрири остида. –Тошкент: ТДЮИ, 2006. –57 б.

² Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг конституциявий тамойиллари. Ўқув қўлланма // Ш.Ш.Шорахметов таҳрири остида. –Тошкент: ТДЮИ, 2006. –59 б.

³ Кузнецов О.Ю. Понятие «язык судопроизводства» в системе российского процессуального законодательства // Ж. Современное право. 2005. №4, –46 с.

7. Ошкоралик принципи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 113-моддаси, Фуқаролик процессуал кодексининг 10-моддаси, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасида мустаҳкамланган. Унга кўра, барча судларда ишлар ошкора кўрилади, давлат ёки тижорат сирларини сақлаш манфаатларига зид бўлган ҳоллар бундан мустасно. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳаётига тааллуқли маълумотлар ошкор бўлишига йўл қўймаслик, шунингдек фарзандликка олиш сири ва ёзишмалар сири сақланишини таъминлаш мақсадида суднинг асослантирилган ажримига биноан иш суднинг ёпиқ мажлисида кўрилиши мумкин.

Ошкоралик суд ишларини юритишнинг демократик процессуал шакллариининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланиб, одил судловдаги қонунийликни амалга ошириш ҳамда фуқаролик процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда муҳим юридик кафолат вазифасини бажаради. Судда иш кўришнинг ошкоралиги – инсонларнинг суд ҳокимиятига бўлган

да ошкоралик принципи деганда, фуқаролик ишларининг суд мажлисида кўрилишида барча шахсларнинг, шу жумладан оммавий ахборот воситалари вакилларининг ҳам иштирок этиши тушунилади.¹ Ошкоралик принципи орқали фуқаролик ишлари материалларини оммавий ахборот воситалари, хусусан газета, журналларда чоп этиш, радио, телевидениеда эшиттириш ва намойиш этиш имконияти яратилади. Лекин 2007 йил 15 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонунининг (янги таҳрири) 6-моддасига кўра, оммавий ахборот воситаларининг муайян иш бўйича суд қарори чиқмасдан туриб ёки суднинг қарори қонуний кучга кирмай туриб, унинг натижаларини тахмин қилиши ёхуд судга бошқача йўл билан таъсир кўрсатиши тақиқланади.²

Адабиётларда таъкидланишича, фуқаролик процессида ошкоралик принципи куйидаги икки ҳолатда чекланиши мумкин:

1) судья ва процесснинг бошқа иштирокчилари ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолда қонун ҳужжатларида ишларнинг ёпиқ суд мажлисларида кўрилишининг назарда тутилиши билан боғлиқ чекловлар;

2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига ҳамда судьянинг ташаббусига мувофиқ ишларнинг ёпиқ суд мажлисларида кўрилишининг назарда тутилиши билан боғлиқ чекловлар.³

ФПКнинг 10-моддасига мувофиқ, барча судларда ишлар ошкора кўрилади, давлат ёки тижорат сирларини сақлаш манфаатларига зид бўлган ҳолларда ишлар ёпиқ суд мажлисида кўрилади. Шу ўринда 1993 йил 7 майдаги Ўзбекистон Республикасининг "Давлат сирларини сақлаш тўғрисида"ги Қонуни 1-моддасига кўра, давлат томонидан кўриқланадиган ва махсус рўйхатлар билан чегаралаб қўйиладиган алоҳида аҳамиятли, мутлақо махфий ва махфий ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва ўзга хил маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг давлат сирлари ҳисобланади. Мазкур Қонунга мувофиқ, давлат сирларини сақлаш – бундай сирларга эга бўлган барча давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек Ўзбекис-

¹ Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. –47 с.

² Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 15 январдаги "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги янги таҳрирдаги Қонуни // "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2007 й. 3-сон, 20-модда.

³ Гражданский процесс // Учебник. Под ред. д.ю.н, проф., заслуженного деятеля науки РФ М.К.Треушников. –М.: Юриспруденция. 2001. –24 с.

тон Республикасининг мансабдор шахслари ва фуқароларининг бурчидир. Давлат сирларидан фойдаланиш билан боғлиқ бирон-бир ишлар бундай сирларни сақлаш юзасидан чоралар кўрилганидан кейингина амалга оширилади. Давлат сирларини сақлаш бўйича масъулият давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бирлашмаларнинг раҳбарлари зиммасига юклатилади (10-модда).¹

Ундан ташқари, миллий қонунчилигимизда тижорат сирларини сақлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги УРҚ-328-сонли Қонуни билан тасдиқланган янги таҳрирдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 37-моддасига мувофиқ, ошкор этилмаган ахборотни қонуний асосларсиз олган ёки тарқатган ёхуд ундан фойдаланган шахс ахборотдан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик оқибатида бу ахборотнинг қонуний эгасига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.²

ФПКнинг 10-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳаётига тааллуқли маълумотлар ошкор бўлишига йўл қўймаслик, шунингдек фарзандликка олиш сири ва ёзишмалар сири сақланишини таъминлаш мақсадида суднинг асослантирилган ажримига биноан, иш суднинг ёпиқ мажлисида кўрилишига йўл қўйилади. Дарҳақиқат, фуқароларнинг шахсий дахлсизлик ҳуқуқи Конституциянинг 17-моддасида ҳам кафолатлаб қўйилган. Унга кўра, ҳеч ким қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиш ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас. Юқоридаги қонунда риоя қилган ҳолда ФПКнинг 188-моддасида фуқароларнинг ёзишмалари, телеграф ва бошқа хил маълумотларни сир сақлаш мақсадида уларнинг шахсий ёзишмалари, телеграф ва бошқа хил маълумотлари шу ёзишма, телеграф ва бошқа хил маълумотларни ўзаро ал-

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1993 й. 5-сон, 232-модда.

² “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикасининг 02.05.2012 й. УРҚ-328-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 й. 5-сон, 133-модда // Биринчи марта “Халқ сўзи” рўзномасида 2012 йил 3 майда нашр этилган.

машған шахсларнинг розилиғи билан суднинг очиқ мажлисида ўқиб эшиттирилиши мумкинлиғи, акс ҳолда бундай ёзишма, телеграф ва бошқа хил маълумотлар ёпиқ суд мажлисида ўқиб эшиттирилиши ва текширилиши назарда тутилади.

Шунингдек, Оила кодексининг “Фарзандликка олишни сир сақлаш” деб номланган 153-моддасига кўра, фуқаролик ҳолати даволатномаларини қайд этиш дафтаридаги ва бошқа ҳужжатлардаги фарзандликка олувчилар фарзандликка олинганларнинг ота-онаси эмаслигини билдирадиган мазмундаги ёзувлар билан таништириш, бу ёзувлардан кўчирмалар ва бошқа маълумотларни фарзандликка олувчиларнинг розилиғисиз, агар улар вафот этган бўлса, васийлик ва ҳомийлик органининг розилиғисиз бериш тақиқланади. Фарзандликка олувчининг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг эркига ҳилоф равишда фарзандликка олиш сирини ошкор қилган шахслар қонун билан белгиланган жавобгарликка тортиладилар.¹

Суд ишларининг ёпиқ мажлисларда кўрилишига доир нормалар халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларида ҳам ўз ифодасини топганлигини таъкидлаш ўринли бўлади.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактнинг 14-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, матбуот ходимлари ва халойиқ демократик жамиятдаги ахлоқ-одоб юзасидан, жамоат тартиби ёки давлат ҳафвсизлиги мулоҳазаларини инобатга олиб ё буни томонларнинг шахсий ҳаётий манфаатлари талаб этган ёхуд суднинг фикрига кўра, бу бирон бир даражада қатъиян зарур бўлганида, яъни алоҳида ҳолларда – халойиқ кўзи ўнгида бўладиган жараён одил судлов манфаатларига ҳалал берганида суднинг барча мажлисларига ёки бу мажлиснинг бир қисмига киритилмаслиги мумкин.²

Ёпиқ суд мажлисларини ўтказишда қонунийликни таъминлаш мақсадида иш судлов ишлари юритишнинг барча қоидаларига риоя қилинган ҳолда кўрилади. Мазкур жараёнда ишда иштирок этаётган шахслар, зарур ҳолларда эса, гувоҳ, эксперт, мутахассис ва таржимонлар қатнашадилар. Иш суднинг ёпиқ мажлисида кўрилишидан қатъи назар иш юзасидан суднинг ҳал қилув қарори барча ҳолларда ошкора эълон қилинади. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг муҳим принципи бўлмиш ошкораликни таъминлаш-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. –Тошкент, Адолат, 2011.

² Инсон ҳуқуқлари: Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт. Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва факультатив протокол. –Тошкент: Адолат. 1992. –40 б.

нинг самарали усулларида бири сифатида ишларни зарур ҳолларда, жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоалари вакиллари-нинг иштирокида, сайёр суд мажлисларида кўриш муҳим аҳамият касб этади. Адабиётларда ҳам суд ишларини ошкора олиб бориш тамойилини амалга ошириш мақсадида сайёр суд мажлислари ўтказилишини кўпроқ фуқаролик суд ишларини амалга оширишга татбиқ этиб бориш лозимлиги, қонунбузилишларга йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорларида меҳнат жамоалари ва жамоат ташкилотлари билан алоқаларни ўрнатиш ва кенгайтиришни муҳим деб ҳисоблаш ҳозирги куннинг талаби эканлиги таъкидлаб келинади.¹

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумнинг бир қатор қарорларида ишларнинг сайёр судларда кўрилиши юзасидан тушунтириш берилган. Масалан, Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги "Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги қарорининг 31-бандида судлар болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган масалаларни тартибга солувчи қонунлар бузилишининг олдини олиш учун фаол иш олиб боришлари лозимлиги, судларга ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишларни, зарур ҳолларда, жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоалари вакиллари-нинг иштирокида, сайёр суд мажлисларида кўриш тавсия этилиши таъкидланган.²

2.4. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг функционал принциплари

Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг функционал принциплари суд ва фуқаролик процесси бошқа иштирокчиларининг процессуал фаолиятини белгилаб беришда муҳим ўрин эгаллайди.

8. Ишларни амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш принципи (қонунийлик принципи). Қонунийлик принципи Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топган бўлиб, унга кўра, Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинishi, давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўришлари кафолатлаб қўйилган (15-модда).

¹ Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг конституциявий тамойиллари. Ўқув қўлланма // Ш.Ш.Шорахметов таҳрири остида. –Тошкент: ТДЮИ, 2006. –69 б.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами 1991-1998: 2-жилд// Таҳрир ҳайъати: У.Қ.Мингбоев ва бошқ. –Тошкент: "Шарқ", 1999. –126 б.

Ундан ташқари, Жиноят процессуал кодексида қонунийлик принципи ҳақида махсус модда мавжуд бўлиб, унга кўра, судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, ҳимоячи, шунингдек жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Кодекс ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари шартлиги, қонунларнинг аниқ бажаришдан ва уларга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, қандай сабабларга кўра юз берганидан қатъи назар, жиноят процессида қонунийликни бузиш ҳисобланиши ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлиши назарда тутилган (11-модда).¹ Худди шунга ўхшаш норма Фуқаролик процессуал кодексида ҳам мустақамланган бўлиб, унга кўра, суд ишларни Ўзбекистон Республикасининг қонунлари асосида ҳал қилиши шартлиги, суд, агар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларига зид бўлмаса, бошқа норматив ҳужжатларни, қонунга ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига мувофиқ чет давлатнинг ҳуқуқ нормаларини қўллаши назарда тутилган. Шунингдек, агар низоли муносабатни тартибга соладиган қонун бўлмаган тақдирда, суд шунга ўхшаш муносабатларни тартибга соладиган қонунни татбиқ этади, борди-ю, бундай қонун ҳам бўлмаса, республика қонун ҳужжатларининг умумий асослари ва маъносига таянади ("Ишларни амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш", 12-модда).

Юридик адабиётларда ишларни амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш принципига нисбатан таъриф ишлаб чиқилмаган. Бироқ, МДХга аъзо давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилиги ҳамда дарсликларда мазкур принцип қонунийлик принципи сифатида талқин этилган. Ҳатто, мамлакатимизда мустақилликка эришганимиздан сўнг амалга оширилган тадқиқот ишларида ҳам ишларни амалдаги қонунлар асосида ҳал қилиниши тамойилига қараганда қонунийлик тамойилининг мазмуни нисбатан кенг тушунча эканлиги, шунингдек ушбу тамойилнинг суд амалиётида тутган ўрни таҳлил қилиниб, фуқаролик процессуал қонунчилигига қонунийлик тамойилини алоҳида модда сифатида киритиш лозимлиги таклифи илгари сурилган.²

Шу ўринда адабиётларда қонунийлик принципига турлича таърифлар ишлаб чиқилганлигини таъкидлаш ўринли бўлади. Хусусан, И.М.Зайцев-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси. —Тошкент, Адолат. 2011. -8 б.

² Қаранг: Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг тамойиллари ва уларни суд амалиётида татбиқ этиш муаммолари. Юрид. фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат. —Тошкент, ТДЮИ. 2007, -16 б.

нинг фикрича, қонунийлик принципи суд ва фуқаролик процессининг бошқа иштирокчилари ҳуқуқий ҳолатини, ишни кўриб чиқиш ва ҳал қилишни, фуқаролар ва ташкилотлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни тартибга солиб туриш вазифасини бажаради.¹ М.С.Шакарян эса қонунийлик принципи барча ҳуқуқ соҳасига оид принцип эканлигини ва шу билан бир қаторда ҳар бир ҳуқуқ соҳаси ушбу принципнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, ўзига хос жиҳатларини намоён қилишини кўрсатади.²

Маълумки, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан қонунларнинг тўғри татбиқ этилиши алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, фуқаролик суд ишларини тўғри ва ўз вақтида кўриш ҳамда ҳал қилишда бир қатор қонун ҳужжатларини, хусусан фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой ва бошқа қонун ҳужжатларининг тўғри татбиқ этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун ҳам фуқаролик суд ишларини юритишда қонунийлик принципи деганда, фуқаролик ишларини моддий ҳуқуқ нормалари асосида ҳамда процессуал ҳуқуқ нормаларига қатъий амал қилган ҳолда кўриш ва ҳал қилиш тушунилади. Қонунийлик принципининг муҳим жиҳатлари Фуқаролик процессуал кодексининг бошқа нормаларида ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, ФПКнинг 18-моддасида суд ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари қонуний бўлиши лозимлиги каби муҳим талаб кўйилган. Шунингдек, моддий ҳуқуқ нормалари ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланганлиги суднинг қарорини апелляция, кассация ва назорат тартибида бекор қилиш учун асос бўлиши белгилаб кўйилган (ФПКнинг 312-моддаси). Шундай қилиб, қонунийлик фуқаролик процессуал ҳуқуқининг принципи сифатида ФПКнинг 4-моддасида мустаҳкамлаб кўйилган суд ишларини юритиш вазифаларини амалга ошириш мақсадида суд ва процесс бошқа иштирокчиларининг ўз фаолиятлари давомида моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига қатъий риоя қилишларини таъминлашга хизмат қилади.

9. Тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги фуқаролик процессуал ҳуқуқининг муҳим принципларидан ҳисобланади. Дарҳақиқат, бугунги кунда суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий вазифасидан бири ҳам суд процессларида тортишувчилик принципини кучайтириш, тарафларнинг суд процессидаги фаоллигини ошириш, уларга иш бўйича далиллар тўплаш ва уни судга тақ-

¹ Вилут М.А., Зайцев И.М. Гражданский процесс России. —М.: Юрист. 2001. —С. 38-39.

² Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. — М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. —53 с.

дим этиш бўйича кенг имкониятлар яратишдан иборатдир. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов ўз асарларида фуқаролик ишларини кўриб чиқишда, бу жараённинг истисносиз барча босқичларда тарафларнинг ҳақиқий тенглигини ва ўзаро тортиша олиши учун шароит яратиши лозимлигини алоҳида таъкидлаган.¹

*Фуқаролик жараёнида тортишувчилик принципи кўйидагилардан иборат: биринчидан, ишда иштирок этувчи ҳар қандай шахс фуқаролик иши тўғрисида арз қилиши, баёнотлар бериши, эътироз билдириши, илтимослар қилиши, судга далиллар топшириш билан ўзининг ҳақлигини исботлаши, иш мазмуни бўйича ўз фикрларини айтиши мумкин; иккинчидан, прокурор иш ҳолатларини исботлаши, ишнинг айрим масалалари юзасидан, шунингдек ҳамма иш бўйича судга ўз фикрини бериши мумкин; учинчидан, суд ҳолисона усул билан ҳақиқатни белгилаш мақсадига ўз ташаббуси билан далиллар тўплаш ҳуқуқига эгадир.*²

Адабиётларда тарафларнинг тортишувчилик принцигига турлича таърифлар берилади. Хусусан, Д.Ю.Хабибуллаевнинг фикрича, тортишувчилик тамойили – бу ишда иштирок этувчи шахсларнинг иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни исботлаш йўли билан ўз талаб ва эътирозларини суд олдида билдириш, барча процессуал ҳаракатларда иштирок этиш ва ҳал қилиниши лозим бўлган барча масалалар юзасидан ўз фикрларини баён қилиш, шунингдек судга иш ҳолатларини аниқлаш ҳамда тегишли далилларни тўплашга фаол ёрдам кўрсатишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари йиғиндисиدير.³

Тортишувчилик принципи ишда иштирок этувчи шахсларнинг иш юзасидан ўз талаб ва эътирозларини исботлашдаги фаоллигини, улар томонидан иш материалларини тузиш тартибини белгилайди, процессда суднинг ролини оширади ва шу орқали суд томонидан қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилинишини таъминлайди. Тортишувчилик принципининг моҳияти шундан иборатки, фуқаролик суд ишларини юритишда тарафлар ўз манфаатлари юзасидан бир-бирларига қарама-қарши бўладилар ҳамда ишларни судда муҳокама қилиш улар ўртасидаги низоли масалани ҳал қилиш асосида олиб борилади. Адабиётларда тўғ-

¹ Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. –Тошкент: Ўзбекистон. 2003. -13 б.

² Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. –Тошкент: Адолат. 2001. –Б. 40-41.

³ Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг тамойиллари ва уларни суд амалиётида татбиқ этиш муаммолари. Юрид. фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат. –Тошкент, ТДЮИ. 2007, -18 б.

ри таъкидланганидек, фуқаролик процессида тортишувчилик принципи ишда иштирок этувчи шахсларнинг фаоллиги асосига тузилган бўлиб, у ўз табиатига кўра демократик ва унинг натижалари ишонарлидир.¹

Тортишувчилик принципи тарафларнинг ўз талаб ва эътирозларини исботлаш жараёнида кўпроқ намоён бўлади. Мазкур принципга мувофиқ ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатилган ҳолатларни исботлаши керак, шунинг учун тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар зарур далилларни судга келтирадилар. Агар тақдим этилган далиллар етарли бўлмаса, суд тарафларга ва ишда иштирок қилувчи бошқа шахсларга қўшимча далиллар тақдим этишни таклиф қилади. Қўшимча далиллар тақдим этиш тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар учун қийинчилик туғдирса, суд уларнинг илтимосига кўра, далилларни тўплашда уларга ёрдам бериши мумкин (ФПКнинг 57-моддаси).

Тортишувчилик принципига мувофиқ тарафлар қуйидаги процессуал ҳуқуқларга эга бўладилар:

– даъвогар ўзининг талабларига асос қилиб кўрсатаётган ҳолатлар ва бу ҳолатларни тасдиқлайдиган далилларни кўрсатиш имкониятига эга бўлади (ФПКнинг 149-моддаси);

– судга чақирув қозғолари, зарур ҳолларда эса, телефонограммалар, телеграммалар ва бошқа алоқа воситалари орқали чақирилиш ҳуқуқига эга бўладилар ҳамда суднинг айрим процессуал ҳаракатлари тўғрисида хабардор қилинадилар (ФПКнинг 132-моддаси биринчи қисми);

– иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусхалар кўчириш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашаётган шахсларга саволлар бериш, арз қилиш, илтимосномалар тақдим этиш, судга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, ишни судда кўриш давомида туғиладиган ҳамма масалалар бўйича ўзларининг важларини баён қилиш, бошқа шахсларнинг арзлари, илтимосномалари, важларига қарши эътирозлар билдириш ҳуқуқига эга бўладилар (ФПКнинг 34-моддаси биринчи қисми);

¹ Власов А.А. Гражданское процессуальное право. Учебник. –М.: Верховный суд Российской Федерации, Высший Арбитражный суд Российской Федерации, Российская Академия правосудия. 2003. –29 с.

– судда вакилнинг ёрдамидан фойдаланиш (ФПКнинг 50-моддаси);

– қарама-қарши тараф томонидан судга тақдим этилган даъво аризаси нусхасини ҳамда унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаларини олиш ва ўз эътирозларини асословчи далилларни тўплаш (ФПКнинг 150-моддаси), апелляция, кассация шикоятларини ва уларга илова қилинадиган ёзма далилларни бериш (ФПКнинг 322, 348³-моддалари).

Тортишувчилик принципи фуқаролик процессининг судда иш кўзғатиш босқичидан ташқари, барча босқичларида амал қилади. Масалан, ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида ҳам тарафлар ўз талаб ва эътирозларини асословчи фактларни, шунингдек низони тўғри ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа фактларни судга тақдим этишларининг ўзи ёки судьянинг ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида тарафлар билан суҳбатлашиши ҳам мазкур босқичда тортишувчилик принципининг амал қилишини кўрсатади. Айниқса, тортишувчилик принципи судда иш кўриш жараёнида ёрқин намоён бўлади. Суд мажлисида иштирок этаётган тарафлар ва ишнинг ҳал этилишидан манфаатдор бўлган бошқа шахслар далилларнинг текширилишида иштирок этиш, бошқа шахсларга саволлар бериш, арз қилиш, илтимосномалар тақдим этиш, судга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, ишни судда кўриш давомида туғиладиган ҳамма масалалар бўйича ўзларининг важларини баён қилиш, бошқа шахсларнинг арзлари, илтимосномалари, важларига қарши эътирозлар билдириш каби ҳуқуқлардан фойдаланиб, амалда тортишувчилик принципини намоён қиладилар.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг тортишувчилик принципи тенг ҳуқуқлилиги принципи билан ёнма-ён келади. Зеро, тарафлар тенг ҳуқуқли бўлмас экан, улар ўртасида тортишувнинг бўлиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги Конституциянинг 18-моддаси билан ҳам кафолатлаб қўйилган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Мазкур конституциявий принцип ФПКнинг 8-моддасида ривожлантирилган ва фуқаролик суд ишларини юритиш тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилиши белгиланган.

Процессда тарафларнинг ҳуқуқий имкониятлари ўзаро уйғун ва бир-бирини тўлдиради. Масалан, даъвогар ўз арзида баён қилинган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини оширишга ёки камайтиришга, улардан бутунлай ёки қисман воз кечишга ҳақли бўлса, жавобгар ҳам даъвогарнинг талабини тўлиқ ёки қисман тан олишга ёхуд уларга нисбатан ўз эътирозини билдиришга, қарши даъво тақдим этишга ҳақли бўлади. Шунингдек, даъво ишининг тарафлари процесснинг исталган босқичида келишув битими тузиш орқали ишни яқунлашга ҳақли бўладилар.

10. Судда иш кўришнинг бевоситалиги ва оғзакилиги принципига кўра, судда иш юритиш бевосита ва оғзаки олиб борилади. Бевоситалик принципи шундан иборатки, унга кўра, фуқаролик ишини ҳал қилаётган судья иш юзасидан тўпланган далилларни шахсан ўзи қабул қилиб олиши, судда иш кўриш суд мажлисида текширилган далилларга асосланиши лозим. ФПКнинг 67-моддасида суд далилларга ишнинг ҳамма ҳолатларини жамлаб, уларни суд мажлисида қонунга амал қилган ҳолда, ҳар тарафлама тўлиқ ва холис кўриб чиқиш асосида ички ишонч бўйича баҳо бериши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, бевоситалик принципи қуйидагиларда намоён бўлади: судья суд мажлисида даъвогар ва унинг томонида иштирок этувчи учинчи шахснинг, жавобгар ва унинг томонида иштирок этувчи учинчи шахснинг, шунингдек ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг тушунтиришларини эшитади; ишда иштирок этувчи шахсларнинг ёзма тушунтиришларини ўқиб эшиттиради; ишда иштирок этувчи шахслар бир-бирларига савол берадилар; гувоҳлар сўроқ қилинади; фуқароларнинг ёзишмалари, телеграф ва бошқа хил маълумотларини сир сақлаш мақсадида уларнинг шахсий ёзишмалари, телеграф ва бошқа хил маълумотлари шу ёзишма, телеграф ва бошқа хил маълумотларни ўзаро алмашган шахсларнинг розилиги билан суднинг очиқ мажлисида ўқиб эшиттирилади, ашёвий далиллар суд томонидан кўздан кечирилади ва ишда иштирок этувчи шахсларга, зарур ҳолларда эса, эксперт, мутахассис ва гувоҳларга ҳам кўрсатилади ва ҳоказо.

Дарҳақиқат, ишни мазмунан ҳал қилишга хизмат қилувчи далилларнинг судлар томонидан бевосита қабул қилиниши иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни тўлиқ аниқлашнинг ҳамда судларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунилишининг муҳим

кафолати ҳисобланади. Лекин шу билан бир қаторда фуқаролик процессуал қонунчилик айрим ҳолатларда далилларни бевосита қабул қилишдаги истисно ҳолатларни ҳам назарда тутати. Масалан, далилларни таъминлаш (ФПКнинг 61-моддаси), суд топшириғи (ФПКнинг 64-моддаси) институти шулар жумласидандир.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг оғзакилик принципи ФПКнинг 11-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра, ишни кўриш оғзаки равишда ўтади. Ишни кўриш жараёнида судья алмаштирилган тақдирда, иш бошидан қайта кўрилиши керак. Оғзакилик принципига мувофиқ суд тарафларнинг тушунтиришларини, учинчи шахсларнинг баёнотларини, илтимосномаларини, гувоҳларнинг кўрсатувларини, эксперт ва мутахассисларнинг хулоса ва фикрларини эшитади. Суд мажлисида кўриладиган барча масалалар оғзаки муҳокама қилинади. Бундай усул судьяларга иш ҳолатларини ойдинлаштиришларига ва уларда иш юзасидан тўғри ички тушунча пайдо бўлишига имкон беради.

Суд мажлисида оғзаки текширилган вақтда аниқланган ва тасдиқланган материалларгина суд қарорига асос қилиб олинади. Суд мажлисида айтилган сўзларнинг ҳаммаси суд мажлисининг баённомасига ёзилиши оғзакилик принципига хилоф келмайди. Аксинча, суд мажлисида айтилган сўзларнинг баённомага ёзилмаслиги суд қарорининг қонуний ва асосли бўлишини текшириш имкониятидан маҳрум қилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг принциплари деганда нимани тушунасиз?
2. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи принципларининг моҳияти нимада?
3. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг принциплари қандай вазифани амалга оширишга қаратилган?
4. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи принципларининг қандай тизими мавжуд?
5. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг ташкилий-функционал принциплари ҳақида гапиринг.
6. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг функционал принциплари ҳақида гапиринг.

МАХСУС АДАБИЁТЛАР:

1. Агеева Ю. Принципы объективной истины и состязательности: взаимоисключение или дополнение? // Арбитражный и гражданский процесс. 2001. № 3.
2. Акишева Ж.Л. Гарантии реализации принципа независимости судей и подчинения их только закону в гражданском судопроизводстве: Автореф. дисс. ... канд.юрид. наук. —М., 1991. — 26с.
3. Алиэскеров М.А., Шпинев Ю.С. О принципах гражданского процессуального права // Арбитражный и гражданский процесс. 2001. № 6.
4. Афанасьев С.Ф. К вопросу о содержании истины в современном гражданском процессе // Вестник Саратовской Государственной академии права. 2000. № 1.
5. Берг О.В. Некоторые проблемы реализации принципа свободы распоряжения процессуальными правами // Арбитражный и гражданский процесс. 2002. № 12.
6. Бурмагин С. Принцип состязательности в теории и судебной практике // Российская юстиция. 2001. № 5.
7. Воложанин В.П. Судебная реформа и принципы судопроизводства // РЮЖ. 1996. № 4.
8. Громов Н. Рассмотрение гражданских дел по вновь открывшимся обстоятельствам на основе принципа состязательности и равноправия сторон // Законность. 1997. № 3.
9. Ермошин Г. Язык судопроизводства: правовые вопросы и решения // Российская юстиция. 1998. № 9. С. 37-39.
10. Инсон ҳуқуқлари: Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт. Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва факультатив протокол. —Тошкент.: Адолат. 1992. -12 б.
11. Кузнецов О.Ю. Понятие «язык судопроизводства» в системе российского процессуального законодательства // Ж. Современное право. 2005. №4, -46 с.
12. Мамасиддиқов М.М., Хабибуллаев Д.Ю. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. (Схема ва жадваллар). Ўқув услубий қўлланма. —Тошкент.: ТДЮИ, 2006. -168 б.
13. Мамасиддиқов М.М. Инсон ҳуқуқлари суд ҳимоясида // Ж. «Қонун ҳимоясида» 1997. 10-сон.

14. Мамасиддиқов М.М. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал қонунчилигининг ривожланиши. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари Мониторинги институти. Илмий-амалий қўлланма. –Тошкент: АҚҲМИ нашриёти, 2009. –124 б.
15. Мамасиддиқов М.М. Суд-ҳуқуқ ислохотларининг конституциявий асослари // “Конституция – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш асоси” мавзусидаги давра суҳбати материаллари. –Тошкент, ТДҲОИ. 2011 й. –Б. 27-34
16. Мурадян Э.М. О принципах гражданского судопроизводства // Современное право. 2000. № 6.
17. Основные принципы гражданского процесса / Под ред. М.К. Треушникова, З. Чешки. –М.: Изд-во МГУ, 1991.
18. Олимова К.К. Гражданский процесс в схемах. Учебно-методическое пособие. –Тошкент.: ТПҲОИ, 2006.-143 с.
19. Приходько И. А. Состав суда и доступность правосудия в гражданском и арбитражном судопроизводстве. Проблемы законодательства // Арбитражный и гражданский процесс. 2001. № 2.
20. Самсонов В. В. Состязательность как правовой обычай в гражданском судопроизводстве // Арбитражный и гражданский процесс. 1999. № 2.
21. Самсонов В.В. Состязательность в гражданском процессуальном праве: Автореф. дисс... канд. юрид. наук. –Саратов, 1999. – 26с.
22. Сидоренко В.М. Принцип доступности правосудия и проблемы его реализации в гражданском и арбитражном процессе: Автореф....дисс.канд.юрид.наук.Екатеринбург, 2002.
23. Трунов И. Л., Трунова Л. К. О гласности в российской правосудии // Арбитражный и гражданский процесс. 2002. № 6.
24. Ференс-Сороцкий А.А. Принцип состязательности гражданского процесса и новейшее гражданское процессуальное законодательство // Правоведение. 1995. № 6.
25. Фокина М.А. Состязательный гражданский процесс в феодальной России // Правоведение. 1999. № 1.
26. Фокина М.А. Состязательность в гражданском судопроизводстве: история и современность. РҮОЖ. 1996. № 2.
27. Францифоров А.Ю., Францифоров Ю.В. Принципы граждан

- данского процессуального права // Арбитражный и гражданский процесс. 2003. № 4.
28. Чесовский Е. Действует ли принцип объективной истины в гражданском процессе // Российская юстиция. 2001. № 5.
29. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал кодексини такомиллаштиришнинг айрим масалалари. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборот-номаси. –Тошкент.: 1994. –Б. 37-38.
30. Шорахметов Ш.Ш. Суд тизимида ислоҳ // Ж. «Давлат ва ҳуқуқ». 2000, 1-сон, 27-31-бетлар.
31. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент: Адолат. 2001. -512 б.
32. Шорахметов Ш.Ш. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини процессуал воситалар билан судда ҳимоялаш. Рисола, ТДЮИ. 2002 йил. 4 б.т.
33. Шорахметов Ш.Ш. Конституция ва инсон ҳуқуқлари // «Қонун ҳимоясида» газ., 2002 йил 25 ноябр сони.
34. Шорахметов Ш.Ш. Суд тизимини такомиллаштириш муаммолари // Ж. Қонун ҳимоясида. 2002, 5-сон.
35. Шорахметов Ш.Ш. Суд тизимини такомиллаштириш муаммолари. «Давлат ва жамиятнинг демократик янгиланиш босқичида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги илмий амалий конференция материаллари. –Тошкент.: 2002 йил 27 ноябр. 58-74-бет.
36. Шорахметов Ш.Ш. Конституциявий ҳуқуқлар ва одил судлов // Ж.«Ҳаёт ва қонун». 2002, 6-сон, –Б. 36-37.
37. Шорахметов Ш.Ш. Фуқаролик ишларини судда кўришга оид процессуал ҳужжат намуналарига шарҳ. Дарслик. –Тошкент: ТДЮИ, 2005. -361 б.
38. Эгамбердиев Э.Э. Фуқаролик ишларида эркин ҳуқуққа оид қоидалар. // Ж. Ҳаёт ва қонун, 1998, 7-сон.
39. Эгамбердиев. Э. Эркин ҳуқуқ ва тортишувчилик принципи. // Ж.Ҳаёт ва қонун. -1998. -7-сон. –Б. 45-49.
40. Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессида холислик тамойилига амал қилмасликнинг ҳуқуқий оқибатлари // ТДЮИ ёш олимлар илмий мақолалар тўплами. –Тошкент, 2004. –Б.29.
41. Хабибуллаев Д.Ю. Тортишувчилик тамойили // Ж. Ҳаёт ва қонун. 2004. №2. -Б.49-50.

42. Хабибуллаев Д.Ю. Бевоситалик тамойили // Ж. Ҳаёт ва қонун. –2004. №4. -Б.37-38.
43. Хабибуллаев Д.Ю. Одил судлов маданияти фуқаролик суд ишларини юритиш тамойиллари хусусида // Ж. Ҳаёт ва қонун. –Тошкент, 2004. №5. -Б.30.
44. Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессининг демократик тамойилларга асосланиши. Ж.:ТДЮИ проф-ўқитувчиларнинг илмий мақолалар тўплами. –Тошкент, 2005. №1. -Б.103-106.
45. Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи тамойилларини таснифлашнинг айрим масалалари // “Фуқаролик процессуал қонунчилиги ва суд ислохотлари”мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. –Тошкент, 2005. -Б.41-47.
46. Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик суд ишларини юритишда эркин ҳуқуқлилик тамойили // Ж. Давлат ва ҳуқуқ. 2005. №2. -Б.25-27.
47. Хабибуллаев Д.Ю. Судьяларнинг мустақиллиги тамойилини таъминлашнинг айрим масалалари // «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – жамиятни янгилаш ва мамлакатни модернизация қилиш асоси» мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Тошкент, 2005. -Б.282-285.
48. Хабибуллаев Д.Ю. Суд ишларини юритишда тарафларнинг процессуал тенг ҳуқуқлилиги тамойилини таъминлашнинг айрим масалалари // “Фуқаролик қонунчилигининг ривожланиши ва долзарб муаммолари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Тошкент.: ТДЮИ, 2006. -Б.390-395.
49. Хабибуллаев Д.Ю. Ошкоралик тамойили // Ж. Ҳуқуқ ва бурч. 2006. №2. -Б.24-26.
50. Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик суд ишларини юритишда тил тамойилига риоя қилмасликнинг ҳуқуқий оқибатлари // Ж. ТДЮИ Ахборотномаси. 2006. №3. –Б.51-54.
51. Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик суд ишларини юритишда фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги тамойили. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 2006. № 3. -Б.25-26.
52. Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик ишларини судда кўришда одил судловни самарадорлигини оширишнинг айрим масалалари. ТДЮИ Ахборотномаси. 2006. № 6.

53. Хабибуллаев Д.Ю. Ишларни амалдаги қонунлар асосида ҳал этиш тамойили // Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллиги муносабати билан ўтказилган илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Тошкент, ТДҶОИ нашриёти, 2006.
54. Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг конституциявий тамойиллари. Ўқув қўлланма // Ш.Ш.Шорахметов тахрири остида. –Тошкент.: ТДҶОИ, 2006. -69 б.
55. Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик суд ишларини юритишда тортишувчилик тамойилини таъминлашнинг айрим масалалари. ТДҶОИ ёш олимлар илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: ТДҶОИ нашриёти, 2007. №13.
56. Хабибуллаев Д.Ю. Қонунийлик тамойили: муаммо ва ечим. ТДҶОИ ёш олимлар илмий мақолалар тўплами. – Тошкент: ТДҶОИ нашриёти, 2007.
57. Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг тамойиллари ва уларни суд амалиётида татбиқ этиш муаммолари. Юрид. фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат. –Тошкент: ТДҶОИ. 2007, -18 б.
58. Ўзбекистон Республикаси – мустақил давлат // Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Тошкент.: Адолат, 1994. -89 б.
59. Ўразаев Ш.З. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси. –Тошкент.: Адолат, 1994, -Б. 18-19.
60. Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар // Масъул муҳаррир проф. А.Х.Саидов. –Тошкент: Адолат. 2002. -64 б.

3-БОБ

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР ВА УЛАРНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ

Бобнинг мақсади фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг ўзига хос белгиларини ифода этиш ҳисобланади. Қолаверса, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиш асосларини тушутириш, ушбу муносабатда иштирок этувчи субъектлар ҳақида батафсил маълумот беришдан иборат. Мазкур бобда ишда иштирок этувчи шахслар ҳамда одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар, уларнинг процессуал ҳуқуқий ҳолатига доир масалалар ҳам баён этилган.

3.1. Фуқаролик процессига оид ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси

Фуқаролик иши бўйича одил судловни амалга ошириш жараёнида суд ва процесс иштирокчилари ўртасида фуқаролик процессуал ҳуқуқи билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар юзага келади ва ривожланади. Мазкур муносабатлар фуқаролик процессуал ҳуқуқ нормаси билан тартибга солинганлиги учун ҳам фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар деб юритилади. Қонун суд ва фуқаролик процессининг бошқа иштирокчилари зиммасига бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятлар юклайди. Ўз навбатида, уларни амалга ошириш охир-оқибат фуқаролик ишларининг ҳал қилинишига олиб келади. Шунинг учун ҳам фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар фуқаролик процессуал ҳуқуқ нормаларини татбиқ этиш билан боғлиқ масалани ўрганиш учун ҳам хизмат қилади ва айни пайтда процесснинг динамикасини ифодаб беради. Шундай экан, юридик адабиётларда тўғри таъкидланганидек, процессуал ҳуқуқий муносабатларсиз фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга ошириб бўлмайди.¹

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар моддий ҳуқуқий муносабатлардан, хусусан фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан жиддий фарқ қилади. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келишидаги асосий шарт бу – процессуал қонун асосида, мазкур муносабатлар ҳуқуқий шаклдагина мавжуд бўлтидир.

¹ Эгамбердиев Э. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар. – Тошкент, Адолат. 2000. – 7 б.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар қуйидаги ўзига хос белгиларга эга:

1) *Процессуал ҳуқуқий муносабатнинг мажбурий субъекти одил судловни амалга ошириш ваколати берилган суд ҳисобланади.* Суд маълум бир фуқаролик иши бўйича процессга раҳбарлик қилади, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари рўёбга чиқишини таъминлайди ва иш юзасидан қонуний, адолатли, асослантирилган қарор қабул қилади.

Адабиётларда ҳам фуқаролик процессуал муносабатларда барча ҳолларда фақат икки субъект бўлиб, уларнинг бири албатта суд бўлиши эътироф этилади.¹ Э.Эгамбердиев тўғри таъкидлаганидек, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар судни четлаб ўтиб, бевосита ишда иштирок этувчи шахслар ва процессда иштирок этувчи шахслар ўртасида келмайди.² Бироқ процессуал адабиётларда процесс иштирокчилари ўртасидаги процессуал муносабатлар суддан ташқари ҳам юзага келиши мумкинлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар илгари сурилади.³ Лекин, мазкур фикр билан аксарият олимлар келишмайдилар.⁴ Хусусан, А.А.Власовнинг фикрича, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, ҳар бир ҳуқуқий муносабатда мажбурий субъект сифатида суд иштирок этади (суд-тарафлар, суд-прокурор ва ҳоказо).⁵

2) *Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг асосий субъектлари сифатида суд билан бир қаторда фуқаролик ишини кўзга тиш ҳақида ариза берган шахслар ҳам эътироф этилади.*

Мазкур шахслар иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусхалар кўчириш, рад этиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашаётган шахсларга саволлар бериш, арз қилиш, илтимосномалар тақдим этиш, судга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, ишни судда кўриш давомида туғиладиган ҳамма масалалар бўйича ўзларининг ваҳжларини баён қилиш, бошқа шахсларнинг арзлари, илтимосномалари, ваҳжларига қарши эътирозлар билдириш, суднинг ҳал қилув қарори, ажрими,

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент: Адолат. 2001. –46 б.

² Эгамбердиев Э. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар. –Тошкент, Адолат. 2000. –58 б.

³ Масалан, қаранг: Гражданский процесс. Учебник. – Харьков, 2001. –5 с.

⁴ Гражданский процесс: Учебник / Под ред. В. А. Мусина, Н. А. Чечиной, Д. М. Чечота. М., 2000. –С 48-49, Гражданский процесс: Учебник / Под ред. М. К. Треушников. М., 2000. –С. 64-65; 2003. –85 с.; Викут М. А., Зайцев И. М.Гражданский процесс России. М, 1999. –52 с.

⁵ Власов А.А. Гражданское процессуальное право: Учебник. –М.: ТК Велби, 2004. –59 с.

қарори ва буйруғи устидан шикоят қилиш, суд чиқарган ҳал қилув қарори, ажрими, қарори ва буйруқнинг мажбурий ижросини талаб қилиш, суд ижрочисининг ҳаракатлари вақтида ҳозир бўлиш ва ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўладилар. Ўз навбатида, судга аризанинг тақдим этилиши судья томонидан аризани қабул қилиш ва иш юритишни кўзғатиш ёки аризани қабул қилишни рад этиш масаласини ҳал қилиш бурчини юзага келтиради. Фуқаролик ишининг кўзғатилиши эса суд зиммасига ишни мазмунан кўриб чиқиб, талабни қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилиш мажбуриятини юклайди;

3) Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланиши суд ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширишдаги фаоллигига кўпроқ боғлиқ бўлади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар борасида махсус тадқиқот ишларини олиб борган процессуалист олим Э.Эгамбердиев ўз асарларида фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларга қуйидагича кенг таъриф беради: Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар бу – шахсларнинг бузилган шахсий ҳамда мулкӣй ҳаракетдаги субъектив ҳуқуқлари ва уларнинг қонун билан кўриқланадиган қонуний манфаатларини процессуал қонунчилиқда белгилаб қўйилган тартибда суд орқали ҳимоя қилиш борасида судга мурожаат қилган шахснинг талаби ва бу талаб бўйича фуқаролик ишини судда кўриб ҳал қилиш юзасидан суднинг иш кўзғатиши натижасида суд билан процесснинг бошқа барча иштирокчилари ўртасида ҳуқуқ нормаларига асосланган ҳолда вужудга келадиган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган ва суд ишларини юритишнинг олдидан турган мақсадга эришишга йўналтирилган процесснинг босқичларига қараб бир-бири билан узвий равишда боғлиқ ҳолда ривожланиб борадиган бир қатор оддий ҳуқуқий муносабатлар тизимидан иборат муносабатлардир.¹ М.С.Шакаряннинг фикрича, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар – муайян фуқаролик иши натижасида вужудга келадиган суд ва ишда иштирок этувчи шахслар ўртасидаги фуқаролик процессуал ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган муносабатлар ҳисобланади.²

Дарҳақиқат, суд томонидан фуқаролик иши кўзғатилгач (айрим ҳолларда, фуқаролик иши кўзғатилгунига қадар ҳам, масалан, аризани ҳаракатсиз қолдириш, аризани қабул қилишни рад

¹ Эгамбердиев Э. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар. – Тошкент, Адолат. 2000. – Б. 28-29.

² Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. – 84 с.

этиш ҳолларида), суд билан процесснинг бошқа барча иштирокчилари ўртасида ҳуқуқий муносабатлар юзага келади. Бундай ҳуқуқий муносабатлар суд билан фуқаролик иши юзасидан бўлган даъвогар ўртасида, суд билан жавобгар ўртасида, суд билан прокурор ва бошқа органлар ўртасида, суд билан тарафларнинг вакиллари ўртасида бўлиб, фуқаролик процессуал ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинганлиги туфайли фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар бўлиб ҳисобланади.

3.2. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиш асослари

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар маълум асослар ва омиллар мавжуд бўлганида вужудга келади. Адабиётларда мазкур муносабатлар вужудга келишининг қуйидаги учта шартин назарда тутилади: – **процессуал ҳуқуқ нормалари**; – **юримдик фактлар**; – **ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ лаёқати**.¹

Дарҳақиқат, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирувчи асосий омил сифатида процессуал ҳуқуқ нормалари эътироф этилади. Фуқаролик процессига киришиш ёки суд томонидан процессга жалб этилиш тартиби фуқаролик процессуал ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган бўлади. Шу ўринда бир мисол. Яқин кунларгача фуқаролик процессуал ҳуқуқ учун буйруқ тартибида иш юритиш институти маълум бўлмаган. Мазкур институт мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигига “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрдаги Қонуни билан киритилди² ва ҳозирда суд амалиётида самарали тарзда қўлланиб келинмоқда. Буйруқ тартибида иш юритиш институтининг киритилиши муносабати билан суд ва суд буйруғини чиқариш ҳақида мурожаат қилган аризачи (ундирувчи) ўртасида фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат вужудга келди, Ш.Ш.Шорахметов ҳам

¹ Қарана: Эгамбердиев Э. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар. –Тошкент, Адолат. 2000. –30 б.; Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент: Адолат. 2001. –53 б.; Власов А.А. Гражданское процессуальное право. Верховный суд Российской Федерации, Высший Арбитражный Суд Российской Федерации, Российская Академия правосудия. Учебник. –М.: 2003. –33 с.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004, № 1-2, 18-модда.

ўз дарслигида фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг вужудга келиши учун биринчидан, тегишли фуқаролик процессуал ҳуқуқ меъёри мавжуд бўлиши керак, чунки фуқаролик процессуал муносабатлар фақат ҳуқуқий муносабат шаклидагина вужудга келади, ривожланади ва бекор бўлади, деб тўғри таъкидлаган.¹

Шундай қилиб, фуқаролик процессуал ҳуқуқ нормалари муайян фуқаролик иши юзасидан фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг вужудга келишидаги асосий шартлардан бири ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фуқаролик процессуал ҳуқуқ нормалари мавжуд бўлишининг ўзи етарли бўлмайди. Ҳуқуқий нормалар муайян шахслар томонидан содир этиладиган ҳаракатлар натижасида амалга оширилади. Адабиётларда фуқаролик процесси иштирокчиларининг ҳаракатсизлиги ҳам процессуал ҳуқуқий оқибатни келтириб чиқарувчи процессуал тусдаги юридик фактлар таркибига кириши юзасидан фикрлар илгари сурилади.² Мазкур ҳаракатлар (ҳаракатсизликлар) ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириши учун албатта ҳуқуқий тусга эга бўлиши, яъни юридик факт мавжуд бўлиши талаб этилади. Чунки юридик фактлар маълум ҳуқуқий оқибатларни юзага келтиради. Бундай ҳуқуқий оқибатларни юзага келтирувчи юридик фактлар фуқаролик процессуал ҳуқуқ нормалари асосида ва унда назарда тутилган тартиб ҳамда шаклларда суд ва процесснинг бошқа иштирокчилари томонидан амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлар натижасида вужудга келади. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирадиган юридик фактлар ичида суд томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар муҳим ўрин тутати. Масалан, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар тизими юзага келиши учун аввало суд аризани қабул қилиши ва иш юритишни қўзғатиши шарт бўлади.

Шундай қилиб, процессуал ҳуқуқий муносабатлар муайян юридик фактлар мавжуд бўлганида вужудга келади.

Моддий ҳуқуқий муносабатлардан фарқли равишда процессуал-ҳуқуқий муносабатларни ўзгартириш ёки тугатишга суд ва

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. —Тошкент: Адолат. 2001. —54 б.

² Эгамбердиев Э. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар. —Тошкент, Адолат. 2000. —32 б.; Власов А.А. Гражданское процессуальное право. Верховный суд Российской Федерации, Высший Арбитражный суд Российской Федерации, Российская Академия правосудия. Учебник. —М.: 2003. —33 с.

процесс иштирокчилари ўртасидаги шартнома асос бўла олмайди. Бироқ тарафлар ўртасида ёки учинчи шахслар билан ўзаро битимларнинг тузилиши (масалан, келишув битими) фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келишига асос бўлиши мумкин (ФПКнинг 100-моддаси).

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг вужудга келишидаги навбатдаги шартлардан бири мазкур муносабат субъектларининг фуқаролик процессуал ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлиши ҳисобланади.

М.С.Шакаряннинг фикрича, фуқаролик процессуал ҳуқуқ лаёқати деб, қонунда белгиланган тартибда фуқаролик процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишга айтилади.¹

Бизнингча, фуқаролик процессуал ҳуқуқ лаёқати бу – шахсларга қонун билан фуқаролик суд ишларини юритиш жараёнида процессуал ҳуқуқларга эга бўлиш ва процессуал мажбуриятларни бажариш бўйича берилган имконият ҳисобланади.

Ҳуқуқий муносабатнинг ҳар бир субъектига тегишли процессуал ҳуқуқ ва бурчларнинг мазмуни ва ҳажми унинг фуқаролик жараёнида иштирок этиш роли ва мақсадига қараб ҳар хил бўлади.² Фуқаролик процессуал кодексининг 37-моддасига кўра, барча фуқаролар ва ташкилотларнинг фуқаролик процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш лаёқати (ҳуқуқ лаёқати) тенглиги эътироф этилади. Ҳуқуқ лаёқатидан фарқли равишда фуқаролик процессуал муомала лаёқати деганда, судда ўз ҳуқуқларини шахсан ҳимоя қилиш ва мажбуриятларни бажариш, шунингдек иш юритишни вақилга топшириш имкониятига эга бўлиш тушунилади. ФПКнинг 38-моддасига мувофиқ, судда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш лаёқати вояга етган фуқаролар ва ташкилотларга тегишлидир.

Фуқаролик процессуал муомала лаёқатининг вужудга келиш вақти жисмоний ва юридик шахслар учун турлича бўлади. Юридик шахслар учун ҳуқуқ ва муомала лаёқати бир вақтда вужудга келади ва унинг давлат рўйхатидан ўтган пайтига тўғри келади (Фуқаролик кодексининг 41, 44-моддалари).

¹ Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. –80 с.

² Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент: Адолат. 2001. –54 б.; Власов А.А. Гражданское процессуальное право. Верховный суд Российской Федерации, Высший Арбитражный суд Российской Федерации, Российская Академия правосудия. Учебник. –М.: 2003. –33 с.

Фуқаролик ҳуқуқида фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати (муомала лаёқати) у вояга етгач, яъни ўн саккиз ёшга тўлгач тўла ҳажмда вужудга келади. Академик Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг таъкидлашича, фуқаролик муомала лаёқатига эга бўлиш фуқарога субъектив ҳуқуқларини амалга ошириш учун имконият яратади, фуқаро томонидан маълум хатти-ҳаракатларни бажариш мумкинлигидан дарак беради.¹ Фуқароларнинг процессуал муомала лаёқати ҳам фуқаро вояга етгач вужудга келади.

Вояга етмаган, яъни ёши ўн тўртдан ўн саккизгача бўлган фуқароларнинг, шунингдек муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари судда уларнинг ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийлар томонидан ҳимоя қилинади. Аммо бу ҳол вояга етмаганларни ва муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларни бундай ишларда шахсан иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Шу ўринда бир мисолни келтираемиз.

Л.Босимова уй-жойдан қўчириш ҳақида М.Босимовга нисбатан даъво билан судга мурожаат қилган. Суд даъвони қўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқарган. Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят суди раёсати қуйидаги асосларга кўра суд ажримини бекор қилиб, ишни янгидан биринчи инстанция судида қўриш учун юборган. ФПКнинг 38-моддаси иккинчи қисми талабига мувофиқ, вояга етмаган, яъни ёши ўн тўртдан ўн саккизгача бўлган фуқароларнинг, шунингдек муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари судда уларнинг ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийлар томонидан ҳимоя қилинади. Аммо бу ҳол фуқароларни бундай ишларда шахсан иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Суд 15 ёшда бўлган Л.Босимованинг вояга етмаганлигини асос қилиб, аризани қўрмасдан қолдириш ҳақида қонунга зид хулосага келган.²

Айрим ҳолларда вояга етмаган шахслар ҳам фуқаролик процессуал муомала лаёқатига эга бўладилар. Масалан, меҳнат билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлардан ва олинган иш ҳақини ёки бошқа даромадни тасарруф этиш билан боғлиқ битимлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича вояга етмаганлар судда ўз ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини шахсан ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бироқ бундай ишларда вояга ет-

¹ Раҳмонқулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. —Тошкент, Ўзбекистон, 2008. -24 б.

² Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 2002 йил, 3-4-сонлари, 42-бет.

маганларга ёрдам бериш учун суд уларнинг ота-оналарини, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийларини жалб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Шунингдек, ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муомалага тўла лаёқатли деб эълон қилинган (эмансипация) тақдирда судда ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини шахсан амалга ошириши мумкин. Ёш болаларнинг, яъни ўн тўрт ёшга тўлмаган фуқароларнинг, шунингдек руҳий касаллик ёки ақли заифлиги туфайли муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини судда уларнинг қонуний вакиллари – ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийлар ҳимоя қиладилар. Фуқароларнинг процессуал ҳуқуқ лаёқати фуқаронинг вафот этиши билан ёки суд тартибида вафот этган деб эълон қилиниши билан тугайди.

3.3. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат субъектлари ва уларнинг таснифи

Фуқаролик процессуал ҳуқуқи назариясида фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар субъектлари қуйидаги уч гуруҳга бўлинади: суд, судья; ишда иштирок этувчи шахслар; одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар.

Процессуалист олим Э.Эгамбердиев ҳам ўз асарларида фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар субъектларини қуйидаги турга бўлиб ўрғанади: 1. Фуқаролик ишини кўриш ваколатига эга бўлган субъектлар: биринчи инстанция суди, кассация ва назорат инстанция суди; 2. Кўриладиган фуқаролик ишининг оқибатидан бевосита манфаатдор бўлган субъектлар: тарафлар – даъвогар ва жавобгар, учинчи шахслар; 3. Суд ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларга яқиндан ёрдам берадиган субъектлар: гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, ёзма ва ашёвий далилларни сақловчилар, ҳолислар ва ижро ишларини юритишда мол-мулкни сақловчилар.¹ М.К.Треушников ҳам фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар субъектларини юқоридаги каби уч гуруҳга ажратиш ҳақида ўз фикрини билдирар экан, фуқаролик ишини ҳал қиладиган шахслар деб аталувчи биринчи гуруҳга суд билан бирга суд қарорларини ижро этувчи органларни ҳам киритади.² Бизнингча, олимнинг мазкур фикри бирмунча баҳс талабдир. Зеро, суд қарорларини ижро этувчи органлар зиммасига судлар каби фуқаролик ишини ҳал қилиш, бошқача қилиб айтганда, одил судловни амалга ошириш ваколати берилмаган. Шунинг учун ҳам аксарият юридик

¹ Эгамбердиев Э. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар. –Тошкент, Адолат. 2000. –64 б.

² Гражданский процесс // Учебник. Под ред. д.ю.н., профессора, заслуженного деятеля науки РФ М.К.Треушникова. –М.: Юриспруденция. 2001. –37 с.

адабиётларда суд қарорларини ихро этувчи органлар фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг мажбурий субъекти сифатида эътироф этилмайди.¹

С.А.Якубов ўз асарларида Фуқаролик процессуал кодекси фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат субъектларини икки гуруҳга: ишда иштирок этувчи шахслар (ФПКнинг 33-моддаси) ҳамда одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахсларга (ФПКнинг 35-моддаси) ажратишни кўрсатади.²

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат субъектларини гуруҳларга ажратиш борасида ҳам турли фикрлар илгари сурилади. Хусусан, М.С.Шакарян мазкур ҳуқуқий муносабатларнинг барча субъектларини қуйидаги икки гуруҳга:

судлар: а) ишни ҳайъат тартибида ҳамда б) якка тартибда кўрадиган судья;

1) процесс иштирокчилари: а) ишда иштирок этувчи шахслар; б) одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахсларга ажратади. Унинг фикрича, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг мажбурий субъектлари бўлиб суд, даъво тартибидаги, органлар ва масабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ишларда тарафлар, шунингдек алоҳида тартибда юритиладиган ишларда аризачи ва манфаатдор шахслар ҳисобланади.

Қонунда кўрсатилган ҳолларда фуқаролик процессининг мажбурий субъектлари бўлиб, прокурор, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар ҳам эътироф этилади. Процесснинг бошқа иштирокчилари эса фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг номажбурий субъектлари ҳисобланади.³ Таъкидлаш жоизки, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат субъектларининг таркиби ўзгарувчан бўлиб, доимий саналмайди. Адабиётларда тўғри таъкидланганидек, фуқаролик процессуал муносабат субъектлари доираси уларнинг процессда иштирок этиш мақсадлари ва вазифалари билан белгиланади.⁴ Қолаверса, субъект

¹ Эгамбердиев Э. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар. –Тошкент, Адолат. 2000. –64 б. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент: Адолат. 2001. –Б. 48–49.; Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. –М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. –75 с.

² Якубов С.А. Стороны в гражданском процессе. –Ташкент.: KONSAUDITINFORM-NASHR. 2006. –6 с.

³ Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С. Шакарян. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. – 46 с.

⁴ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент: Адолат. 2001. –49 с.

ектлар доирасининг ўзгариб бориши процесс бошқичлари ва ишга у ёки бу шахсларнинг жалб этилишига сабаб бўладиган процессуал ҳаракатларнинг амалга оширилиши ҳамда низоли ҳуқуқий муносабат характери ҳамда унинг субъектив таркибига ҳам кўпроқ боғлиқ бўлади.

Суд фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг мажбурий субъекти ҳисобланади. Давлат ҳокимиятининг муҳим органи сифатида суд одил судловни амалга оширади, суд процессига бошчилик қилади, суд ишларини юритишда энг муҳим (устун) вазиятни эгаллайди. Чунки фақат судья томонидан даъво аризаси қабул қилинган тақдирдагина фуқаролик иши кўзгатилади, иш юзасидан муайян процессуал ҳаракатлар амалга оширилади, иш мазмунан ҳал қилинади ва ҳ.к. Бундай вақолатга эга бўлмасдан туриб судлар одил судловни ҳамда фуқаролик ишлари бўйича суд ишларини юритиш олдида турган вазифаларни бажара олмайди.

Қуйидаги шартлар мавжуд бўлгандагина судья ишни кўриши мумкин бўлади:

– ишнинг мазмунан ҳал қилинишида қонун билан белгиланган тартибда тайинланган, сайланган судьялар қатнашишлари шарт, бошқача қилиб айтганда, иш суд томонидан ғайриқонуний таркибда кўрилмаслиги талаб этилади (ФПКнинг 314-моддаси);

– судья ишнинг пировард натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлмаслиги ёхуд унинг ҳолислигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаслиги талаб этилади;

– судья шу иш илгари кўрилганида гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон, вакил, прокурор, суд мажлисининг котиби сифатида қатнашмаган бўлиши керак;

– судья ишда иштирок этувчи тарафнинг ёки бошқа шахсларнинг қариндоши бўлмаслиги шарт (ФПКнинг 25-моддаси).

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат субъектларининг кейинги асосий гуруҳини ишда иштирок этувчи шахслар ташкил қилади. Тарафлар, учинчи шахслар, тарафлар ва учинчи шахсларнинг вакиллари, прокурор, процессда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этадиган давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар ишда иштирок этувчи шахслар ҳисобланади (ФПКнинг 33-моддаси).

¹ Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид етказилган моддий ва маънавий зарарни судда ундиришнинг назарий ва амалий муаммолари. Монография. –Тошкент: АҚҲМИ, 2008. -102 б.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат субъектларининг кейинги гуруҳини одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар ташкил этади. Гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, ёзма ва ашёвий далилларни сақловчилар, холислар, ижро ишларини юритишда мол-мулкни сақловчилар одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар ҳисобланади (ФПКнинг 35-моддаси).

3.4. Ишда иштирок этувчи шахслар тушунчаси, таркиби ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Фуқаролик суд ишларини юритиш иштирокчиларининг асосий гуруҳини ишда иштирок этувчи шахслар ташкил қилади. Хусусан, Фуқаролик процессуал кодексининг “Процесс иштирокчилари” деб номланган 5-бобида ишда иштирок этувчи шахслар алоҳида моддада (33-модда) баён этилган. Бу эса процесс иштирокчиларининг доираси ишда иштирок этувчи шахслар доирасидан бирмунча кенг эканлигини кўрсатади.

Юридик адабиётларда ҳам ишда иштирок этувчи шахсларнинг доираси процесс иштирокчилари доираси билан бир хил эмаслиги эътироф этилади.¹ Лекин шундай бўлса-да, М.С.Шакарян тўғри таъкидлаганидек, ишда иштирок этувчи шахслар суд билан бирга фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг асосий субъектлари сифатида эътироф этилади.

Шунинг учун ҳам процесс иштирокчиларининг мазкур гуруҳига фуқаролик процессуал қонунчиликда кенг ўрин берилади. Хусусан Фуқаролик процессуал кодексининг 5-боби (35, 36-моддаларидан ташқари) асосан ишда иштирок этувчи шахслар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид нормалардан иборат.

Ҳуқуқшунос олим М.А.Викут тўғри таъкидлаганидек, ишда иштирок этувчи шахслар тушунчаси фуқаролик процессида иштирок этувчи шахслар тушунчаси билан бир хил эмас ва фуқаролик процесси иштирокчиси сифатида ишда иштирок этувчи шахслар бўлмаган бошқа шахслар ҳам иштирок этиши мумкин (масалан, гувоҳ, эксперт, мутахассис ва бошқалар). Унинг фикрича, ишда иштирок этувчи шахслар сифатида судда кўрилаётган ишнинг якунидан манфаатдор бўлган шахслар эътироф этилади.²

Юридик адабиётларда ишда иштирок этувчи шахсларнинг ўзини ҳам

¹ Власов А.А. Гражданское процессуальное право. –М.: 2004. –70 с.

² Комментарий к гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации (постатейный, научно-практический) / Под ред. М.А.Викут. –М., 2003. –С. 100-101.

гуруҳларга ажратиш ҳақида фикрлар билдирилади. Хусусан, Ш.Ш.Шорахметов, Н.М.Кострова ва М.С.Шакарян ўз асарларида фуқаролик процессининг муҳим иштирокчиларини ишнинг ҳал этилишидан манфаатдор бўлишига қараб, қуйидаги икки гуруҳга ажратиш лозимлигини кўрсатадилар:

1) ўзининг субъектив ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар. Ушбу шахсларга тарафлар ва учинчи шахслар киритилади.

2) процесда бошқа шахсларнинг субъектив ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар. Мазкур шахслар қаторига бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилиш ваколатига эга бўлган прокурор ва давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар киритилади¹.

Ушбу ўринда мазкур масала Ҳамдўстлик таркибига кирувчи давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилиги доирасида ўрганилиб, таҳлил қилинди. Масалан, Беларусь Республикаси ГПКнинг 54-моддасида фуқаролик суд ишларини юритишда иштирок этувчи шахслар қуйидаги икки гуруҳга ажратилади:

1) ишнинг ҳал этилишидан манфаатдор бўлган шахслар;

2) ишнинг ҳал этилишидан манфаатдор бўлмаган шахслар.

Биринчи гуруҳга ишнинг ҳал этилишидан бевосита манфаатдор бўлган тараф, учинчи шахслар, аризачилар, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят берилган давлат органлари, юридик шахслар ва бошқа органлар, мансабдор шахслар, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича манфаатдор фуқаролар ва юридик шахслар киритилган. Ишнинг ҳал қилинишидан давлат, жамоат ва бошқа хил манфаатдор бўлган шахсларга прокурор, давлат бошқарув органлари, юридик шахслар ва фуқаролар, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат органлари киритилган. Ишнинг ҳал этилишидан ҳуқуқий жиҳатдан манфаатдор бўлмаган шахсларга гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, холислар, рўйхатта олинган низоли мулкни сақловчилар киритилган.²

Шу ўринда, мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексининг “Процесс иштирокчилари” деб номланган бобини такомиллаштириш ҳамда унда фуқаролик суд ишларини юритиш турла-

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент, Адолат. 2001. Б. 49-50.; Кострова Н. М. Проблемы гражданского судопроизводства: Учебное пособие. – Махачкала: ИПЦ ДГУ, 2002. -44 с.; Гражданское процессуальное право: Учебник / С. А. Алехина, В. В. Блажеев и др.; Под. ред. М. С. Шакарян. – М.: ТК. Вебли. Изд-во Проспект, 2004. -46 с.

² Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь от 11 января 1999 года, Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь, 1999 г., № 18-19, 2/13.

рининг барча иштирокчиларига доир қоидаларни бир тизимга солиш мақсадида қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш лозим бўлади: “Процесс иштирокчилари” деб номланган боб Фуқаролик процессуал кодексининг “Умумий қоидалар” деб номланган 4-бўлимида жойлаштирилганлигини инобатга олган ҳолда шуни алоҳида қайд қилиш керакки, мазкур бобдаги қоидалар нафақат даъво тартибидаги ишларда, балки буйруқ тартибидаги ишларда, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ҳамда алоҳида тартибда юритиладиган ишларда иштирок этувчи шахсларнинг процессдаги иштирокига оид умумий қоидаларни белгилаши лозим. Лекин ФПКнинг 33-моддаси фақатгина даъво тартибидаги ишларда иштирок этувчи шахсларни қамраб олиш билан чекланади. Ваҳоланки, буйруқ тартибидаги ишларда, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ва алоҳида тартибда юритиладиган ишларда иштирок этувчи шахслар сифатида ундирувчи, қарздор, фуқаро, мансабдор шахслар, давлат бошқаруви органлари, аризачи ва ишнинг якунидан манфаатдор бўлган шахслар эътироф этилади. Таъкидлаш жоизки, ҳозирда давлат органлари, бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритишда иштирок этувчи шахслар сифатида кимлар эътироф этилиши мунозаралигича қолмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири ФПКнинг 33-моддасида ва 3-кичик бўлимида ишда иштирок этувчи шахслар сифатида кимлар тан олиниши ўз ифодасини топмаганлигидадир.

Юридик адабиётларда эса суд ишларини юритишнинг мазкур турида икки тараф иштирок этиши ва уларни даъво тартибидаги ишлардаги каби тарафлар сифатида эътироф этилиши юзасидан фикрлар билдирилади¹. Ҳуқуқшунос олим А.Т.Боннер эса М.С.Шакаряннинг юқоридаги фикрларига қисман қўшилиб, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларда иштирок этувчи фуқаро ва давлат органлари (мансабдор шахс) расман тарафлар сифатида эътироф этилмаса-да, лекин ушбу шахслар низоли ишдаги тарафларнинг процессуал ҳуқуқларидан айрим истиснолар ва қонунда белгиланган алоҳида ҳолатларни эътиборга олган ҳолда фойдаланишлари мумкинлигини кўрсатади.²

¹ Гражданское процессуальное право: Учебник / С. А. Алехина, В. В. Блажеев и др.: Под. ред. М. С. Шакарян. – М.: ТК. Вебли. Изд-во Проспект, 2004. –46 с.

² Гражданское процессуальное право: Учебник / С. А. Алехина, В. В. Блажеев и др.: Под. ред. М. С. Шакарян. – М.: ТК. Вебли. Изд-во Проспект, 2004. -193 с.

Бизнингча, давлат органлари, бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритишда иштирок этувчи фуқаро ва давлат органларини (мансабдор шахслар) даъво тартибида кўриладиган тарафларнинг процессуал ҳуқуқий ҳолати билан тенглаш ва уларни ҳам тарафлар сифатида эътироф этиш мунозарали масалалардандир. Зеро, ушбу шахслар фуқаролик процессидаги ҳуқуқий ҳолати билан тарафлардан фарқланади. Дарҳақиқат, юридик адабиётларда тўғри таъкидланганидек, даъво тартибидаги ишлардан фарқли равишда ушбу тоифадаги ишларда иштирок этувчи шахслар ўзаро келишув битими тузиш, қарши даъво тақдим этиш ҳуқуқидан фойдалана олмайдилар.¹ Шунингдек, мазкур ишлар ҳакамлик суди муҳокамасига берилиши мумкин эмас, келишилган судловга тааллуқлилиқ қоидалари қўлланилмайди, даъводан воз кечиш ва уни тан олиш каби процессуал ҳаракатларга йўл қўйилмайди, шунингдек иш сиртдан кўрилиши ҳам мумкин эмас.² Шундай экан, буйруқ тартибидаги ишларда, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ҳамда алоҳида тартибда юритиладиган ишларда иштирок этувчи шахслар рўйхати ФПКнинг 33-моддасида ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳамдўстликдаги давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилиги тизимли таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Ҳамдўстликдаги аксарият давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигида ҳам "Ишда иштирок этувчи шахслар" деб номланган алоҳида модда мавжуд бўлиб, мазкур модда Фуқаролик процессуал кодексининг "Умумий қоидалар" деб номланган бўлимида жойлаштирилган. Мазкур моддада даъво тартибидаги ишларда иштирок этувчи шахслар билан бир қаторда маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларда ҳамда алоҳида тартибда юритиладиган ишларда ишда иштирок этувчи шахслар ҳам ўз ифодасини топганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, Россия Феде-

¹ Қаранг, масалан: Гражданский процесс / Под ред. В.В.Яркова. —М., 2000. —356 с.; Гражданский процесс: Учебник / Под ред. В.А.Мусина, Н.А.Чечиной, Д.М.Чечота. —М., 2001. —339 с.; Гражданский процесс / Под ред. М. А. Треушниковой. М., 2003. —С. 421-422; Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации. (Постатейный научно-практический) / Отв. ред. М. А. Вкут. —М., 2003. —С. 443-444.

² Гражданский процесс / Учебник. Отв. Ред. проф. В. В. Яков. —М.: Волтерс Клувер, 2004. —364 с.

рацияси ГПКнинг 34-моддаси,¹ Беларусь Республикаси ГПКнинг 54-моддаси,² Қозоғистон Республикаси ГПКнинг 44-моддаси,³ Арманистон Республикаси ГПКнинг 27-моддаси,⁴ Озарбойжон Республикаси ГПКнинг 46-моддаси⁵ шулар жумласидандир.

3.5. Одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар, уларнинг процессуал ҳуқуқий ҳолати

Одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида шуни айтиш керакки, ушбу шахслар ишда иштирок этувчи шахслардан фарқли равишда ФПКда кўрсатилган ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал ҳуқуқларидан фойдалана олмайдилар. Айнан улар ишнинг ҳал этилишидан моддий манфаатдор бўлмаганликлари туфайли ҳам, масалан, тарафларнинг процессуал ҳуқуқларидан (даъвогарнинг ўз арзида баён қилинган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартириши, даъво талабларининг миқдорини ошириши ёки камайтириши, улардан бутунлай ёки қисман воз кечиши, жавобгарнинг даъвогар талабини тўлиқ ёки қисман тан олиши, ҳар иккала тарафнинг процесснинг исталган босқичида келишув битими тузиш орқали ишни якунлаш ҳуқуқи шулар жумласидандир) фойдалана олмайдилар. Одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар ўз тушунтиришларини оғзаки ёки ёзма равишда баён қилишга, ёзувлардан фойдаланишга ҳақлидирлар. Қолаверса, ушбу шахсларнинг процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиши процессда ким сифатида иштирок этишига ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, эксперт иш материаллари билан танишиш, ишда иштирок этаётган шахслар ва гувоҳларга саволлар бериш, жойга бориб кўздан кечиришда иштирок этиш ва эксперт сифатида ўзини қизиқтираётган ҳолатларни аниқлаш учун ўзига қўшимча мате-

¹ Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации. –Новосибирск: Сиб. унив. Изд-во, 2008.-158 с.

² Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь от 11 января 1999 года, Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь, 1999 г., № 18-19, 2/13.

³ Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан от 13 июля 1999 года. Ведомости Парламента Республики Казахстан, 1999 г. № 18, ст. 644.

⁴ Гражданский процессуальный кодекс Республики Армения от 7 августа 1998 года (с изм. и дополн. на 01.12.2003 г.). - Ер. 2003.- 88 с.

⁵ Гражданский процессуальный кодекс Азербайджанской Республики. Утвержден Законом от 28 декабря 1999 года №780-ІГ. В соответствии с Законом от 26 мая 2000 года №886-ІГ. Собрание законодательства Азербайджанской Республики, 2000 год, № 1, статья 17.

риаллар беришни суддан илтимос қилишга ҳақли бўлади. Шунингдек, эксперт, башарти ўзига берилган материаллар етарли бўлмаса ёки ўз зиммасига юклатилган мажбуриятни бажариш учун етарли билимга эга бўлмаса, хулоса беришдан бош тортиши ҳам мумкин.

Эксперт қилиб тайинланган шахс суднинг чақируви бўйича келиши ва ўз олдига қўйилган масалалар юзасидан холис хулоса бериши шарт. Агар эксперт суд узрсиз деб топган сабабларга кўра суднинг чақируви бўйича келмаса, унга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солинади. Била туриб ёлғон хулоса берганлик, суд узрсиз деб топган сабабга кўра хулоса беришдан бош тортганлик учун эксперт Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишинча 238 ва 240-моддалари бўйича жавобгар бўлади (ФПКнинг 86-моддаси).

Ишда иштирок этаётган мутахассис эса ўзининг нима мақсадда судга чақирилаётганини билиш, агар зиммасига юклатилган вазифани бажариш учун зарур билим ва малакага эга бўлмаса, ишни юритишда қатнашишдан бош тортиш ҳуқуқига эга бўлади. Фуқаролик процессал қонунчилик мутахассис зиммасига ҳам бир қатор мажбуриятларни юклайди. Масалан, мутахассис суднинг чақируви бўйича келиши, ишни кўришда қатнашиши, фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасидаги билим ва малакасига асосланиб, ўз фикрини билдириши шарт. Агар мутахассис суд узрсиз деб топган сабабларга кўра суд чақируви бўйича келмаса, унга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин (ФПКнинг 91-моддаси). Фуқаролик ишларининг кўрилишида гувоҳларнинг процессуал ҳуқуқий ҳолати ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Масалан, ФПКнинг 69-моддасига кўра, ишга доир бирор ҳолатдан хабардор бўлган ҳар қандай шахс гувоҳ бўла олади. Гувоҳ сифатида чақирилган шахс судга келиши ва тўғри кўрсатув бериши шарт. Била туриб ёлғон кўрсатувлар берганлик, суд узрсиз деб топган сабабларга кўра кўрсатув беришни рад этганлик ёки ундан бўйин товлаганлик учун гувоҳ Жиноят кодексининг 238, 240-моддаларига мувофиқ жавобгар бўлади.¹

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилиги гувоҳларга айрим ҳуқуқлардан фойдаланиш имконини беради. Масалан, гувоҳ кўрсатув беришда кўрсатув бирон-бир

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996 й. 9-сон, 144-модда.

ҳисоблар ёки хотирада сақлаб қолиш қийин бошқа маълумотлар билан боғлиқ бўлган ҳолларда, ёзма хотиралардан фойдаланиши мумкин. Бу ёзма хотиралар судга ва ишда иштирок этувчи шахсларга кўрсатилади ва суднинг ажрими билан ишга қўшиб қўйилиши мумкин. Шунингдек, қонун гувоҳ сифатида чақирилиши ва сўроқ қилиниши мумкин бўлмаган шахслар рўйхатини белгилайди. Унга кўра, вакил ёки ҳимоячи вазифаларини бажаришлари муносабати билан ўзларига маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида – фуқаролик ишлари бўйича вакиллар ёки жиноят ишлари бўйича ҳимоячилар; жисмоний ёки руҳий нуқсонлари сабабли фактларни тўғри идрок қилишга ёки улар ҳақида тўғри кўрсатув беришга лаёқатсиз шахслар гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмас (ФПКнинг 69-моддаси).

Одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар ўз зиммаларига юклатилган процессуал мажбуриятларни бажаришлари лозим. Масалан, гувоҳ, эксперт ёки мутахассиснинг суд мажлисига келиш мажбурияти шулар жумласидандир. Агар ушбу шахслар суд мажлисига суд узрсиз деб топган сабабларга кўра келмаса, суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг ишни гувоҳ, эксперт ёки мутахассис келмаса ҳам кўриш мумкинлиги ҳақидаги фикрини эшитиб, ишни судда кўришни давом эттириш ёки ишни кўришни кейинга қолдириш тўғрисида ажрим чиқаради. Агар чақирилган гувоҳ суд узрсиз деб топган сабабларга кўра суд мажлисига келмаса, у судга ҳурматсизлик қилганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини 180-моддасига асосан жавобгарликка тортилиши мумкин. Агар чақирилган гувоҳ иккинчи чақирув бўйича ҳам суд мажлисига келмаса, у суднинг ажримига биноан мажбурий тартибда келтирилиши мумкин. Эксперт ёки мутахассиснинг суд мажлисига келмаганлиги ФПКнинг 86 ва 91-моддаларида назарда тутилган оқибатларга сабаб бўлади.

Кўриб турганимиздек, Фуқаролик процессуал кодексини одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар ва уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларига алоҳида эътибор берилди. Лекин ушбу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар ва уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари Фуқаролик процессуал кодексини бир тизимга солинмаган ва ушбу шахсларга оид нормалар Кодекснинг турли боблари ва бўлимларида тарқоқ ҳолда

белгиланган. Шундай экан фикримизча, одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар ва уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир тарқоқ ҳолдаги нормалар бир тизимга келтирилиши ва “Одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар” деб номланган алоҳида бобда ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бу борада Ҳамдўстлик давлатларининг фуқаролик процессуал қонунчилиги ўрганилиб, таҳлил этилганида, Беларусь Республикаси ГПКда “Одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар” деб номланган алоҳида 17 боб мавжудлиги, ушбу боб ўзида процесс иштирокчилари бўлган гувоҳ, эксперт, мутахассис, холис ва таржимонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир нормаларни бирлаштирганлиги аниқланди.¹

Дарҳақиқат, одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар, уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир тарқоқ ҳолдаги нормалар бир тизимга келтирилиши ва алоҳида бобда белгиланиши, ўз навбатида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида судлар ва процесснинг бошқа иштирокчилари томонидан Фуқаролик процессуал кодексини қўллашда бирмунча қулайликлар яратади, одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахсларнинг суд процессидаги ўзига хос жиҳатларини белгилаб беради ҳамда ушбу шахсларнинг иштирокига доир қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар деганда нимани тушунаси?
2. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос белгилари нималарда намоён бўлади?
3. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши учун нималар асос бўлади?
4. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат субъектлари неча гуруҳга бўлинади?
5. Ишда иштирок этувчи шахслар деганда кимлар назарда тутилади?
6. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг қандай процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавжуд?

¹ Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь от 11 января 1999 года, Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь, 1999 г., № 18-19, 2/13.

7. Одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар деганда кимлар назарда тутилади?
8. Одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахсларнинг қандай процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавжуд?

МАХСУС АДАБИЁТЛАР:

1. Жилин Г.А. Субъекты целевых установок гражданского судопроизводства и их процессуальные функции // Журнал российского права. 2000. № 1.
2. Комментарий к гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации (постатейный, научно-практический) / Под ред. М.А.Викун. М., 2003.
3. Мамасиддиқов М.М. Меҳнат ишлари бўйича етказилган зарарни судда ундириш. Ўқув қўлланма. –Тошкент.: Адолат. 2001.
4. Мамасиддиқов М.М. Меҳнат ишлари бўйича судга муурожаат қилишга бўлган ҳуқуқи. «Ўзбекистон ёшларининг ҳуқуқий тарбиясини юксалтиришнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги Республика илмий конференцияси материаллари. 1-қисм. –Самарқанд. 2002. 24-25 май, –Б. 85-90.
5. Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Ўқув қўлланма. –Тошкент.: ТДЮИ. 2004 йил.
6. Мамасиддиқов М.М., Хабибуллаев Д.Ю. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. (Схема ва жадваллар). Ўқув услубий қўлланма. –Тошкент.: ТДЮИ, 2006. –168 б.
7. Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процесси иштирокчилари таркибини такомиллаштиришнинг амалий масалалари // ТДЮИ Ахборотномаси. –Тошкент, 2007. –№ 4. –Б. 36-39.
8. Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид етказилган моддий ва маънавий зарарни судда ундиришнинг назарий ва амалий муаммолари. Монография. –Тошкент: АҚҲМИ, 2008. –340 б.
9. Осокина Г. Гражданская процессуальная право и дееспособность // Российская юстиция. 1997. № 5.
10. Олимова К.К. Гражданский процесс в схемах. Учебно-методическое пособие. –Тошкент.: ТДЮИ, 2006.–143 с.
11. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент.: Адолат. 2001. –512 б.

12. Шорахметов Ш.Ш. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари-ни процессуал воситалар билан судда ҳимоялаш. Рисола, – Тошкент.: ТДҶОИ, 2002.
13. Шорахметов Ш.Ш. Фуқаролик ишларини судда кўришга оид процессуал ҳужжат намуналарига шарҳ. Дарслик. –Тошкент: ТДҶОИ, 2005. -361 б.
14. Эгамбердиев Э. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат-лар. Ўқув қўлланма. –Тошкент.: Адолат, 2000. -92 б.
15. Якубов С.А. Стороны в гражданском процессе. –Ташкент.: KONSAUDITINFORM-NASHR. 2006. -6 с.

4-БОБ

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ТАРАФЛАР

Бобнинг мақсади фуқаролик процессида иштирок этувчи тарафлар, яъни даъвогар ва жавобгарлар ҳақида батафсил маълумот бериш, уларнинг фуқаролик процессидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини баён этишдан иборатдир. Ундан ташқари, мазкур бобда фуқаролик процессида биргаликда иштирок этиш, ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш, процессуал ҳуқуқий ворилик каби процессуал институтларнинг мазмун-моҳияти очиқ берилган, уларнинг процессдаги мақсади, асослари ва процессуал жиҳатлари ўз ифодасини топган.

4.1. Фуқаролик процессида тарафлар тушунчаси ва турлари

Даъво тартибида кўриладиган фуқаролик ишларида тарафлар процесс иштирокчилари ичида марказий ва асосий ўринни эгаллайди. Айнан тарафлар фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган келишмовчиликларнинг манбаи ҳисобланади, уларнинг ташаббуси билан фуқаролик суд ишларини юритиш кўзгатилади, айнан улар ўртасида келишув битимининг тузилиши иш юритишни тугатишга олиб келади ва ҳоказо. Юридик адабиётларда ҳам тарафларнинг низоли ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги фуқаролик иши бўйича иштирок этувчи шахслар ичида асосий шахслардан иборат эканлиги эътироф этилади (М.С.Шакарян).¹

Тарафлар ҳуқуқ ёки қонун томонидан муҳофаза қилинадиган манфаат ҳақидаги баҳслар бўйича фуқаролик ишларида иштирок этувчи шахсларнинг асосий гуруҳи ҳисобланади. ФПКнинг 39-моддаси биринчи қисмига биноан даъвогар ва жавобгар фуқаролик процессининг тарафларидир. Демак, фуқаролик процессида икки тараф: даъвогар ва жавобгар иштирок этади. Бу ўринда ҳар икки томонда неча шахс иштирок этиши аҳамиятга эга эмас. Масалан, ишга тиклаш, мажбурий бекор юрган вақти учун иш ҳақи

¹ Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Албихина, В.В.Бланев и др. Под ред. М.С.Шакарян. –М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. -51 с.

ундириш тўғрисида бир неча шахс судга даъво тақдим этган тақдирда ҳам уларнинг барчаси бир тараф, яъни даъвогар ҳисобланади. Қонунга мувофиқ фуқаролик процессида тарафлар фуқаро ва ташкилотлар бўлиши мумкин. Фуқаролик кодексининг 39-моддасига кўра, ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.¹

Одатда, ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли бўлади (ФПКнинг 1-моддаси иккинчи қисми). Унинг номидан судга тегишли ваколатларга эга бўлган вакил мурожаат қилиши ҳам мумкин (ФПКнинг 50, 51, 52-моддалари). Шунингдек, фуқаролик иши прокурор, давлат органлари ва бошқа ваколатли шахслар томонидан кўзғатилиши ҳам мумкин (ФПКнинг 46, 48-моддалари). Бироқ фуқаролик иши кимнинг томонидан кўзғатганидан қатъи назар, манфаати ҳимоя қилиниб иш кўзғатилган шахс даъвогар ҳисобланади.

Даъвогар деганда, ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этган ёинки манфаатини кўзлаб иш кўзғатилган шахсга айтилади.

Мазкур таъриф даъвогарнинг фуқаролик процессидаги иштирокининг икки шакли мавжудлигини кўрсатади: *биринчидан*, даъвогар деганда, ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этган шахс тушунилса, *иккинчидан*, даъвогар деб бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилувчи шахсларнинг аризасига кўра иш кўзғатилган шахс тушунилади. Биринчи ҳолатда даъвогар процессни бошлаб беради, иккинчисида эса, суд процесси бошланганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда суд томонидан жалб

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. –Тошкент: Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги. 2008.

этилади. Шунинг учун ҳам адабиётларда даъвогар билан фуқаролик ишини кўзга ташлаган шахслар тушунчаси ҳар доим ҳам бирига тўғри келмади. Ҳақиқат, фуқаролик процессида бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишини прокурор (ФПКнинг 46-моддаси), шунингдек бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар томонидан (ФПКнинг 48-моддаси) кўзга ташлаганга йўл қўйилади. Масалан, "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасига мувофиқ, касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, даъво ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли ҳисобланади.² Ёки "Истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасига мувофиқ, товар (иш, хизмат)лар хавфсиз бўлиши ва уларнинг сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат органлари, истеъмомчиларнинг жамоат бирлашмалари истеъмомчининг (истеъмомчилар номуайян доирасининг) манфаатларини кўзлаб, судга даъво аризаси билан мурожаат қилишга ҳақли бўлади.³ Мазкур ҳолатларда ходимларнинг ёки истеъмомчиларнинг ҳуқуқлари бузилган бўлиб, улар низоли ҳуқуқий муносабат субъектлари ҳисобланади ва шунинг учун ҳам ушбу шахслар фуқаролик ишида даъвогар сифатида эътироф этиладилар. ФПКнинг 39-моддасидаги мавжуд нормаларни таҳлил қилиш, ўз навбатида, даъвогарни низоли ҳуқуқий муносабат ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатнинг субъекти эканлиги ҳақида ҳулоса қилишга олиб келади. Шунинг учун ҳам даъвогарларни бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилувчи шахслардан фарқлаш лозим бўлади. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанида ушбу шахс-

¹ Гражданский процесс / Учебник. Отв. ред. проф. В.В. Ярков. —М.: Волтерс Клувер, 2004. — с. 59.

² "Касаба уюшмалари, ҳуқуқлари ва уларнинг фаолияти кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги 638-ХII-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси 1992 й. 9-сон, 344-модда // Ўзбекистон Республикаси 07.12.2001 й. 320-II-сон Қонуни билан ўзгартиришлар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 2002 й. 1-сон, 20-модда.

³ Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги "Истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги 221-I-сон Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1996 й. 5-6-сон, 59-модда.

лар процессуал даъвогар, деб юритилади. Фуқаролик процессининг иккинчи тарафи жавобгар ҳисобланади.

Жавобгар даъвогар талабига мувофиқ суд томонидан даъвогарнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари юзасидан жавоб бериш учун жалб этилган шахсдир.

Даъвогарнинг фикрича, жавобгар бу унинг субъектив ҳуқуқларини ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатини бузган шахс ҳисобланади.

Шундай қилиб, даъвогар ва жавобгар низоли ҳуқуқий муносабат субъеклари ҳисобланиб, уларнинг процессуал манфаатлари бир-бири билан зид. Суд ҳал қилув қарори ҳам биринчи навбатда уларга нисбатан татбиқ этилади. Тарафлар зиммасига суд харажатларини тўлаш мажбурияти юклатилади.

Таъкидлаш кераки, тарафлар фуқаролик процесси иштирокчилари ичида марказий ва асосий ўринни эгаллайди. Чунончи, тарафлар фуқаролик – ҳуқуқий келишмовчиликларнинг манбаи ҳисобланиб, бундай низоларни суд тартибидан ўзгача тартибда ҳал этиш мумкин бўлмайди. Бу эса тарафларнинг фуқаролик процессуал муносабатлари субъектлари ҳисобланган шахслар тизимида асосий ўринни эгаллаши ҳақида ҳулоса қилишга асос бўлади. Чунки айнан тарафларнинг ташаббуси билан фуқаролик суд ишларини юритиш кўзгатилади, айнан улар ўртасида келишув битимининг тузилиши иш юритишни тугатишга олиб келади ва ҳоказо.

Ҳуқуқий адабиётларда ҳам тарафлар уларнинг низоли ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги фуқаролик иши бўйича иштирок этувчи шахслар ичида асосий гуруҳ шахслардан эканлиги эътироф этиб келинган (М.С.Шакарян).¹ Ҳозирги кунда фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанида "тарафлар" тушунчасига нисбатан назарий фикрлар билдириб ўтилган ва мазкур масала мамлакатимизнинг айрим ҳуқуқшунос олимларининг ишларида у ёки бу даражада илмий тадқиқ қилинган. Айниқса, тарафлар ва уларнинг процессуал ҳуқуқий ҳолатига доир мавзудаги махсус тадқиқот ишлари МДҲ таркибига кирувчи давлатларда кўплаб амалга оширилаётганлигини таъкидлаш ўринли бўлади.²

¹ Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Бланев и др. Под ред. М.С.Шакарян. –М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. –51 с.

² Михайлова Е.В. Правовой статус сторон в гражданском процессе Российской Федерации: Автореф. дис. канд. юрид. наук. –М., 2004. –26 с.; Балашов А.Н. Процессуальные права и обязанность сторон при рассмотрении гражданских дел в суде первой инстанции: Автореф. дис. канд. юрид. наук. –Саратов, 2005. –26 с.

Дарҳақиқат, тарафлар тушунчасини ва уларнинг ҳуқуқий мақомини тўғри белгилаш, шунингдек унга алоқадор бўлган масалаларни тўғри ҳал қилиш судларнинг одил судловни амалга ошириш бўйича вазифалари муваффақиятли бажарилишига замин яратади. Юридик адабиётларда тўғри таъкидланганидек, ишда иштирок этувчи шахсларни, айниқса, тарафларни тўғри белгилаш барча фуқаролик-ҳуқуқий низо бўйича қонунийлик, адолатлилик каби процессуал кафолатларнинг зарурий шарти ҳисобланади.¹ Юридик адабиётларда тарафларнинг тушунчасига турлича ёндашувлар мавжуд. Бинобарин, “тарафлар” тушунчасини белгилашга қаратилган замонавий концепцияларни ўрганиш уни икки гуруҳга ажратишга имкон беради. Биринчи гуруҳ олимларининг нуқтаи назарига кўра, фуқаролик суд ишларини юритишдаги тарафлар низоли моддий – ҳуқуқий муносабатларнинг тахмин қилинган субъектлари ҳисобланади (М.А.Викут, Д.Р. Джалилов, А.А.Мельников, В.В.Ярков, Е.В.Михайлова).²

Тарафлар тушунчаси даъво тартибида юритиладиган ишларда иштирок этувчи шахсларга нисбатан қўлланилса-да, лекин тарафлар тушунчасига нисбатан бошқа ёндашувлар ҳам борки, унга кўра, тарафлар сифатида ўзининг моддий – ҳуқуқий ва процессуал манфаатларини ҳимоя қилишга киришган ва суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори таъсир кўрсатадиган моддий – ҳуқуқий муносабат субъектлари ҳам эътироф этилади. М.С. Шакаряннинг фикрича, тарафларнинг тушунчасини бундай белгилаш, даъво тартибида иш юритиш каби маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар, шунингдек айрим ҳолларда алоҳида тартибда кўриладиган ишларни ҳам қамраб олади. Унинг фикрича, тарафлар суд ҳал қилиши лозим бўлган субъектив ҳуқуқ ва қонуний манфаатлар тўғрисидаги низода иштирок этувчи шахс сифатида белгиланиши лозим.³

Айтиш жоизки, тарафлар тушунчасини кенг маънода тушун-

¹ Попова Ю.А. Судопроизводства по делам, возникающим из публично-правовых отношений (теоритические проблемы). –Краснодар, 2002. –90 с.

² Викут М.А. Страны – основные лица искового производства. Саратов, 1968. – 4 с.; Джалилов Д.Р. Лица, участвующие в гражданских делах искового производства. Душанбе, 1965. – 13 с.; Мельников А.А. Правовое положение личности в советском гражданском процессе. –М., 1969. –С.126-138.; Гражданский процесс/ Учебник. Отв. ред. проф. В.В.Ярков. –М.: Волтерс Клувер, 2004. –С. 58-60.; Михайлова Е.В. Понятие, процессуальные права и обязанности сторон в гражданском судопроизводстве. // Юридический аналитический журнал. 2003 №2 (6) – С. 78-79.

³ Шакарян М.С. Учение о сторонах в советском гражданском процессе. –М., 1983. –С. 9-10.

тириш, ўз навбатида, турли суд ишларини юритиш турларида иштирок этувчи тарафларга аниқ таъриф беришни тақозо этади. Хусусан, даъво тартибидаги ишларда тарафлар сифатида даъвогар ва жавобгар эътироф этилади. Лекин А.А.Власовнинг фикрича, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича иш юритишда эса суд орқали ҳимояланиш мақсадида муурожаат қилган шахсларни аризачи ёки шикоятчи, ариза ёки шикоят кимга нисбатан берилган бўлса, уларни жавобгар деб номлаш мумкин. Чунки мазкур суд ишларини юритишда иштирок этувчи шахс ўзига нисбатан берилган шикоят (ариза) бўйича жавоб беради. Олим худди шундай атамани алоҳида тартибда юритиладиган айрим ишларга нисбатан қўллаш мумкинлигини кўрсатади.¹

Айтиш мумкинки, фуқаролик процессуал қонунчилигида низосиз ишларда иштирок этувчи шахсларнинг аниқ аломатларини белгилаб берувчи шартли атамаларнинг ишлаб чиқилмаганлиги юқорида билдирилган фикр-мулоҳазаларга олиб келади. Хусусан, ФПКнинг "Алоҳида тартибда иш юритиш" деб номланган 4-кичик бўлимидаги айрим моддаларда "аризачи" (даъвогар) жумлалари ишлатилишини кўришимиз мумкин. Масалан, ФПКнинг 281-моддаси иккинчи қисми, 284-моддаси биринчи қисми, 294-моддаси биринчи қисми шулар жумласидандир. Бу эса ўз ўзидан барча суд ишларини юритиш турларида ишнинг якунидан ҳуқуқий жиҳатдан манфаатдор бўлган икки қарама-қарши томон иштироки ҳақидаги хулосаларни келтириб чиқаради. Хусусан, А.А.Власовнинг фикрича, ишнинг якунидан шахсан ҳуқуқий манфаатдор бўлишнинг ўзи ишда иштирок этувчи шахслар орасидан тарафларни аниқлаб берувчи асосий белгилардан ҳисобланади.² Лекин назаримизда тарафлар тушунчаси фақатгина даъво тартибида юритиладиган ишларгагина хос бўлганлиги боис, мазкур олимнинг фикри баҳсли ҳисобланади. Чунки судда даъво тартибидаги ишларнинг кўзгатилиши учун асос бўлмиш тарафлар ўртасида ҳуқуқ тўғрисидаги низонинг мавжуд бўлиши унинг бошқа суд ишларини юритиш турларидан (алоҳида тартибда юритиладиган ҳамда маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлардан) фарқлайдиган муҳим жиҳатлардан ҳисобланади ва судга муурожаат қилган шахсни даъвогар деб тан олиш учун унинг низо-

¹ Власов А.А. Гражданское процессуальное право: Учебник. – М.: ТК Велби, 2004. – С.74-75.

² Власов А.А. Гражданское процессуальное право: Учебник. – М.: ТК Велби, 2004. – 75 с.

ли-моддий ҳуқуқий муносабат билан боғлиқ эканлигининг ўзи етарли бўлади. Қолаверса, маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларда аризачи (шикоятчи) ва давлат бошқарув органи бир-бирлари билан фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда эмас, балки маъмурий-ҳуқуқий ёки молиявий муносабатларда бўладилар. Бу эса уларни тарафлар дейиш учун тўла асос бўлмаслигини кўрсатади.¹

4.2. Тарафларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Фуқаролик процессуал қонунчилик тарафлар учун кенг доирада процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиш ва мажбуриятларни ўз зиммасига олишни белгилайди.

Тарафларнинг процессуал ҳуқуқлари умумий ва махсус ҳуқуқларга ажратилади.

ФПКнинг 34-моддасида ҳамда бошқа моддаларда назарда тутилган ҳамда ишда иштирок этувчи бошқа шахслар ҳам фойдаланиши мумкин бўлган ҳуқуқлар тарафларнинг умумий ҳуқуқлари ҳисобланади. ФПКнинг 40-моддаси ҳамда бошқа моддаларда назарда тутилган ҳамда фақат тарафларгина фойдаланиши мумкин бўлган ҳуқуқлар махсус ҳуқуқлар саналади.² Адабиётларда ҳам низоли ҳуқуқ тўғрисидаги масалалар судда кўрилиши ва ҳал қилинишида тарафлар жараённинг бошқа иштирокчиларидан фарқ қилиб, ўзларига хос ҳуқуқларга эга бўлишлари ҳақида фикрлар илгари сурилади. Тарафларнинг махсус ҳуқуқлари сифатида даъвогарнинг даъво асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини кўпайтириш ёки камайтиришга ёхуд даъводан воз кечишга бўлган ҳуқуқини, жавобгарнинг эса даъвога қарши эътироз билдириш, қарши даъво тақдим этиш ёки даъвога иқдор бўлиш каби ҳуқуқларини кўрсатиш мумкин. Ундан ташқари, тарафлар жараённинг ҳар қандай босқичида ишни келишув битими билан тамомлашлари мумкин (ФПКнинг 40-моддаси).

Суд даъвогарнинг даъводан воз кечишини, жавобгарнинг даъвога иқдорлигини башарти, бу ҳаракатлар қонунга хилоф бўл-

¹ Қарағ: Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процесси иштирокчилари таркибини такомиллаштиришнинг амалий масалалари // Ж. ТДҶОИ Ахборотномаси. 2007, 4-сон. –Б. 36-39.

² Мамасиддиқов М.М., Хабибуллаев Д.Ю. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи (Схема ва жадваллар). Уқув-услубий қўлланма. –Тошкент: ТДҶОИ, 2006. –168 б.

са ёки кимнинг бўлмасин ҳуқуқини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузса, қабул қилмайди ва тарафларнинг келишув битимини тасдиқламайди. Шунингдек, агар даъводан воз кечиш, даъвога иқрор бўлиш, келишув битими тарафларнинг эркига, қонунга, давлат манфаатларига хилоф бўлса, тарафлардан бирининг ёки бошқа шахсларнинг манфаатларига зарар келтирадиган бўлса, суд иш юзасидан тўпланган далилларни текширишни давом эттиради ва мазкур ишнинг ҳолатларига мувофиқ тарзда қарор чиқаради. Фуқаролик процессида тарафлар тенг процессуал ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Тарафлар ўзларига берилган барча процессуал ҳуқуқлардан виждонан, инсофли равишда фойдаланишга мажбурлар. Жараёни чўзиш ёки бузиш мақсадида ҳар қандай ғайриқонуний ҳаракатлар қилинишига суд йўл қўймайди. Тарафларнинг процессуал ҳуқуқлари уларнинг процессуал мажбуриятлари билан боғлиқ. Тарафлар процессуал мажбуриятларини сидқидилдан бажаришлари лозим. Ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт (ФПКнинг 56-моддаси). Тарафлар иш юритилаётган вақтда ўз манзили ўзгаргани ҳақида судга маълум қилишлари шарт (ФПКнинг 138-моддаси), улар қонунда назарда тутилган суд харажатлари ва қонунда назарда тутилган бошқа бир қатор мажбуриятларни ўз зиммаларига оладилар. Процессуал ҳуқуқлардан нотўғри фойдаланиш ёки процессуал мажбуриятларни бажармаслик тарафлар учун салбий оқибатларни юзага келтиради (масалан, даъво аризасининг ҳаракатсиз қолдирилиши, ариза берилмаган деб топилиб, даъвогарга қайтарилиши, аризани кўрмасдан қолдириш, ишнинг кейинга қолдирилиши, ишни сиртдан кўриб чиқиш ва ҳоказо).

Қонунда назарда тутилган ҳолатларда процессуал мажбуриятларни бажармаганлиги учун айбдор тараф жавобгарликка тортилиши, масалан, суд алимент ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича жавобгарнинг судга келишини шарт деб топиши мумкин. Агар бундай ҳолда жавобгар суд мажлисига суд узрсиз деб топган сабабларга кўра келмаса, у мажбурий тартибда келтирилади ва унга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солинади (ФПКнинг 261-моддаси). Ундан ташқари, суд инсофсизлик билан асоссиз талабларни қўйган ёки арз қилинган талабларга қарши низолашган ёхуд ишнинг тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилиши ва ҳал этилишига мунтазам қаршилиқ қилиб келган тараф

зиммасига амалда йўқотилган вақт учун иккинчи тараф фойдасига ҳақ тўлаш мажбуриятини юклаши мумкин (ФПКнинг 115-моддаси). Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларида тушунтириш берилишича, айрим тоифадаги ишларда суд жавобгарларнинг ишда шахсан ўзлари иштирок этишини шарт қилиб қўйиши ҳам мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги "Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги қарорининг 12-бандида тушунтириш берилишича, иш ҳолатларини, ота-онанинг болаларига муносабатлари хусусиятларини ҳар тарафлама аниқлаш мақсадида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар, қоидага кўра, суд мажлисида жавобгарлар иштирокида кўрилиши лозим.

4.3. Фуқаролик процессида биргаликда иштирок этишнинг мақсади, асослари ва унинг турлари

Даъво тартибида юритиладиган ишларда ҳар доим икки тараф иштирок этади. Бироқ процессда бир вақтнинг ўзида ҳар тарафда бир неча шахслар иштирок этиши мумкин. Судга бир неча даъвогар (шерик даъвогарлар) томонидан биргаликда ёки бир неча жавобгарга (шерик жавобгарларга) нисбатан талаб қўйилган ариза берилиши мумкин (ФПКнинг 41-моддаси). Адабиётларда бу хилдаги иштирокчилик процессуал шерик иштирокчилик деб номланади ва уларга бир хилда таърифлар берилган.

Процессда биргаликда иштирок этиш деб, муайян фуқаролик ишининг судда кўрилишида ҳар икки тарафдан ҳам бир неча даъвогарлар ёки бир неча жавобгарлар иштирок этишига айтилади.

Фуқаролик процессида биргаликда иштирок этишнинг асосий мақсади суд томонидан фуқаролик ишларининг кўрилишини енгиллаштириш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тез ва самарали ҳимоя қилишдан иборатдир.

Мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида процессда биргаликда иштирок этиш қандай асосларда юзага келиши ўз ифодасини топмаган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1998: Икки жилдли. 2-жилд // таҳрир ҳайъати: У.Қ.Мингбоев (раҳбар) ва бошқ. –Тошкент, "Шарқ", 1999. -116 б.

Ушбу масала юзасидан адабиётларда турлича фикрлар илгари сурилади. Хусусан, Л.А.Гроснинг фикрича, процессуал шерик иштирокчилигининг асоси сифатида даъвонинг предмети бўлмиш моддий-ҳуқуқий муносабатнинг бир хилда, низоли ҳуқуқнинг ёки низоли мажбуриятнинг бир неча шахсларга тегишли бўлиши, суд фаолияти ва суд ҳал қилув қарорининг ягона бўлиши эътироф этилади.¹ Айнан шерик иштирокчилик институтининг учинчи шахслардан ва процессда вақтинча иштирок этувчи ишга дахлдор бўлмаган тарафлардан фарқи улар ўртасида ўзаро қарама-қаршиликнинг бўлмаслиги, улар талаб ва эътирозларининг бир хиллигидадир. М.С.Шакаряннинг фикрича ҳам, шерик иштирокчилик деганда, бир процессда ўзаро талаб қилиш ҳуқуқи ёки мажбурияти бир-бирига қарама-қарши бўлмаган бир неча даъвогар ёки жавобгарнинг иштирок этиши тушунилади.² С.А.Иванов ва И.К.Пискаревлар фуқаролик ишини тез ва тўғри кўриб ҳал қилишга ёрдам берса, ҳар қандай ҳолатда ҳам шерик иштирокчиликка йўл қўйилиши мумкин, деган фикрни илгари сурадилар.³ Лекин фикримизча, улар томонидан берилган фикр шерик иштирокчиликка йўл қўйиш асосларини тўла очиб бермайди. Чунки шерик иштирокчилар бир-бирлари билан ўзаро низолашмайди. Т.Е.Абованинг фикрича ҳам, агар шерик иштирокчилар ўртасида, масалан, зарар миқдорини ҳисоблаш жараёнида ўзаро келишмовчиликлар юзага келган тақдирда ҳам, уларнинг талаблари бирга қўшилиши мумкин ва бир-бирини истисно этмайди. Бу эса шерик иштирокчилигининг асосий белгиларидан бири ҳисобланади.⁴

Айнан шерик иштирокчилик институтининг учинчи шахслардан ва ишга дахлдор бўлмаган тарафлардан фарқи шерик иштирокчилар ўртасида манфаатдорлик борасида ўзаро қарама-қаршиликнинг бўлмаслиги, улар талаб ва эътирозларининг бир хилда эканлигидадир. Ушбу хусусиятлар процессда биргаликда иштирок этишга йўл қўйишнинг асосий талабларидан бири ҳисобланади.

Процессда биргаликда иштирок этишга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилиши ҳақида ҳулоса қилиш мумкин:

- бир неча даъвогар ва жавобгарларнинг умумий ҳуқуқ ва мажбуриятлари низоинг предмети ни ташкил этса;
- бир неча даъвогар ва жавобгарларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари битта асосга эга бўлса;
- низоинг предмети бир турдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлардан ташкил топган бўлса;

¹ Грось Л.А. Процессуальные особенности рассмотрения и разрешения трудовых дел. –М.: ВЮЗИ. 1985 г.


² Гражданское процессуальное право: Учебник / С. А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. –М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. –89 с.

³ Гражданский процесс. Учебник. Под. ред. Треушниковой М.К. 2-изд. –М.: СПАРК. 1998. –82 с.

⁴ Абова Т.Е. Соучастие в гражданском процессе: Автореф. дис. канд. юрид. наук. –М., 1952. –7 с.

– суд фаолияти ва суд ҳал қилув қарорининг яғоналиги.

Процессда биргалиқда иштирок этиш процессуал-ҳуқуқий ва моддий-ҳуқуқий асосларга кўра туркумлаштирилади.



Процессуал-ҳуқуқий мезонларга кўра иштирокчилик куйидаги уч турга ажратилади:

– **фаол шерик иштирокчилик** – даъвогар тарафдан бир вақтнинг ўзида бир неча шахсларнинг иштирокига айтилади;

– **фаол бўлмаган иштирокчилик** – жавобгар томонида бир вақтнинг ўзида бир неча шахсларнинг иштирокига айтилади;

– **аралаш шерик иштирокчилик** – бир вақтнинг ўзида даъвогар ва жавобгар тарафда бир неча шахсларнинг иштирок этишига айтилади.

Таъкидлаш керакки, мазкур номланиш шартли бўлиб, у ёки бу шахсларнинг фаол ёки фаол эмаслигини англатмайди. Тарафлар процессда тенг ҳуқуқли ҳисобланиб, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда қонунда белгиланган барча процессуал воситалардан фойдаланиш имкониятига эгадирлар. Процессда биргалиқда иштирок этувчиларнинг кўп бўлиши тарафлар тузилмасини ўзгартирмайди. Жараёнда ҳар доим иккита тараф мавжуд бўлади. Улар биргалиқда иштирок этувчи даъвогар ёки биргалиқда иштирок этувчи жавобгар ҳисобланадилар.

Низоли ҳуқуқий муносабат субъектлари ўртасидаги моддий-ҳуқуқий алоқалар уларнинг характерига боғлиқ равишда куйи-

¹ Қаранг: Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент, Адолат, -60 б.; Гражданский процесс / Учебник. Отв. ред. проф. В.В. Ярков. –М.: Волтерс Клувер, 2004. -62 с.; Гражданское процессуальное право: Учебник / С. А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. –М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. -88 с.; Власов А.А. Гражданское процессуальное право: Учебник. –М.: ТК Велби, 2004. -44 с.

даги икки турга ажратилади: мажбурий шерик иштирокчилик; номажбурий шерик иштирокчилик.

Мажбурий шерик иштирокчилик процессда бир неча даъвогар ва бир неча жавобгарнинг иштироки ҳисобланиб, улардан бири мавжуд бўлмаган тақдирда фуқаролик ишини ҳал қилиш имкони бўлмайди. Мазкур иштирокчилик субъектлари кўп бўлган низоли-моддий ҳуқуқий муносабатларнинг хусусиятлари билан боғлиқ ҳисобланади. Масалан, ордерни ҳақиқий эмас деб тан олиш ҳақидаги даъво бўйича жавобгарлар сифатида оиланинг барча аъзолари жалб этилиши лозим; умумий мулкдан улушни ажратиш ёки бўлиш ҳақидаги даъвои барча мулкдорларнинг иштирокисиз кўриб чиқиш мумкин эмас, меросга доир ҳуқуқ ёхуд меросни ҳақиқий эмас, деб тан олиш ҳақидаги талаб қонун бўйича барча меросхўрлар иштирокида кўриб чиқилиши лозим ва ҳоказо.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг бир қатор қарорларида ҳам мажбурий шерик иштирокчилик борасида тушунтиришлар берилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1992 йил 19 июндаги (*Мазкур қарорга Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги 24-сонли Қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган*) "Суд амалиётида фуқаро ва ташкилотларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунларни қўллаш тўғрисида"ти қарорнинг 10-бандига кўра, ишни суд мажлисида кўришга тайёрлаш вақтида тегишли жавобгарларни аниқлаб олиш лозим. Аризада оммавий ахборот воситаларида тарқатилган маълумотларга раддия бериш талаб этилган бўлса, жавобгар сифатида муаллиф ва тегишли оммавий ахборот идораси жалб этилади. Маълумотлар расмий хабарлардан олинган ҳолларда ("Оммавий ахборот воситалари ҳақида"ти Қонуннинг 28-моддаси) суд ёлгон маълумотларни дастлаб тарқатган шахсни ҳам жавобгар сифатида ишга жалб этилган. Агар бадном қилувчи маълумотлар хизмат таърифномаларида кўрсатилган бўлса, бундай даъволар бўйича уни имзолаган шахслар ҳамда таърифномани берган корхона, муассаса ёки ташкилот ишга жавобгар тариқасида жалб этилади. Бадном қилувчи маълумотлар деворий ёки процессуал ҳуқуқ лаёқатига эга бўлмаган кўп нусхали рўнозаларда зълон қилинган бўлса, зълон қилинган мақола муаллифи билан бир қаторда мазкур рўзномани чиқарувчи ташкилот жавобгар бўлади.¹

Шундай қилиб, низоли ҳуқуқий муносабат субъектлари кўп бўлганда ишни алоҳида кўриш мумкин эмас. Амалиётда мажбурий шерик иштирокчиларни жалб этиш ҳақидаги талабга риоя қилмаслик асоссиз бўлган қарорларнинг чиқарилиши ва кейин-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўлғам. 1991-1998: Икки жилдги. 2-жилд // таҳрир ҳайъати: У.Қ.Мингбоев (раҳбар) ва бошқ. —Тошент, "Шарқ", 1999. -20 б.

чалик уларнинг бекор қилинишига олиб келади. Агарда бир нечта даъвогар ёки бир даъвогарнинг бир нечта жавобгарларга нисбатан илгари сурилган талаблари бир-биридан мустақил равишда алоҳида кўриб чиқилиши мумкин бўлса, бундай иштирокчилик **номажбурий** ҳисобланади. Масалан, ота-оналарнинг болаларга нисбатан алимент ундириш ҳақидаги даъволари биргаликда (бир ишда), болаларнинг ҳар бирига алоҳида ёки барчасига бир пайтда берилиши мумкин.

Номажбурий иштирокчилик иштирокчилар ўртасидаги моддий-ҳуқуқий алоқа бўлган-бўлмаганидан қатъи назар мавжуд бўлади. Бунда мақсадга мувофиқлик ҳисобга олинади (масалан, улуш мажбуриятларидан ҳамда бир хил талаблардан ташкил топган даъволар бўйича). Номажбурий иштирокчилик у процессуал тежамкорлик талабига мувофиқ бўлиб, ишни кўриб чиқиш учун сарфланадиган вақт ва воситаларнинг қисқаришига кўмаклашиб, низонинг ўз вақтида ва тўғри ҳал қилинишини таъминлагандагина мумкин бўлади. Судья шу судда айнан бир тарафлар иштирок этаётган бир турдаги бир неча иш юритилаётганлигини ёхуд бир шахснинг турли жавобгарларга ёки бир неча даъвогарнинг айнан битта жавобгарга нисбатан аризалари бўйича бир неча иш юритилаётганлигини аниқласа, агар бу ишларни бирлаштириш ишнинг ўз вақтида ва тўғри ҳал қилинишига ёрдам берса, уларни биргаликда кўриш учун битта ишга бирлаштиришга ҳақли (ФПКнинг 156-моддаси).

Шерик иштирокчилар процессда тарафларнинг ҳуқуқларидан фойдаланадилар ва мажбуриятларга эга бўладилар (ФПКнинг 34, 40-моддалари). Даъвогарлар ва жавобгарлардан ҳар бири бошқа тарафга нисбатан процессда мустақил равишда иштирок этади ва бошқа иштирокчиларга тобе бўлмайди, масалан, у даъвони тан олиш ёки уни рад этиш борасида мустақил қарорга келиши мумкин. Биргаликда иштирок этувчилар ишни олиб боришни шерик иштирокчилардан бирига топширишлари ҳам мумкин (ФПКнинг 41-моддаси). Мазкур қоида суд ва тарафларнинг вақтини тежашда аҳамиятли ҳисобланади. Адабиётларда таъкидланишича, ишни олиб бориш даъвогарлар томонидан даъвогарлардан бирига, жавобгарлар томонидан жавобгарлардан бирига топширилиши мумкин бўлади.¹ Процессда биргаликда иштирок этиш-

¹ Гражданский процесс // Учебник. Под ред. д.ю.н., проф., заслуженного деятеля науки РФ М.К.Треушниковой. –М.: Юриспруденция. 2001. –67 с.

га нафақат даъво ишларида, балки давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ҳамда аризалар бўйича ишларда ва алоҳида тартибда кўриладиган ишларда ҳам йўл қўйилади. Процессда биргаликда иштирок этишда суд чиқарган ҳал қилув қарори умумий ҳисобланади, унда ҳар бир иштирокчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқланади.

4.4. Ишга дахлдор бўлмаган тарафлар тушунчаси ва уларни алмаштириш тартиби

Судга мурожаат этган даъвогар низоли ҳуқуқий муносабатнинг мавжуд эканлигини ҳамда низоли ҳуқуқнинг айнан ўзига тегишли эканлигини исботлаши талаб этилади. Судда иш кўзгатилаганида эса тарафлар низоли ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари эканлиги тахмин қилинади, яъни улар мазкур ишга дахлдор деб ҳисобланади. Бироқ, баъзан ишни судда кўришга тайёрлаш давомида ёки судда иш кўриш жараёнида у ёки бу томон ёки ҳар иккала томон ҳам низоли ҳуқуқий муносабатнинг субъекти эмаслиги аниқланиши мумкин. Бундай ҳолатда ушбу тарафлар ишга дахлдор бўлмаган шахслар, деб топилади.

Суд арз қилинган талаб уни илгари суриш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан тақдим этилганлигини ёки даъвогарнинг аризаси бўйича жавоб бериши лозим бўлмаган шахсга нисбатан тақдим этилганлигини аниқласа, даъвогарнинг розилиги билан дастлабки даъвогар ёки жавобгар ишга дахлдор даъвогар ёки жавобгар билан алмаштирилишига йўл қўйиши мумкин (ФПКнинг 42-моддаси).

Адабиётларда бундай шахсларга турлича таърифлар берилади. Масалан, В.В.Ярковнинг фикрича, ишга дахлдор бўлмаган тараф – бу шундай шахси, дастлаб низоли ҳуқуқий муносабат субъекти деб тахмин қилинган, бироқ аслида ишга умуман дахли бўлмаган шахслардир.¹ М.С.Шакарян эса дахлдор бўлмаган тарафга иш материаллари бўйича низоли ҳуқуқий муносабатнинг субъекти эканлиги ҳақида тахмин истисно қилинаётган шахсдир, деб таъриф беради.² Ш.Ш.Шорахметовнинг фикрича, тегишсиз, дахлсиз даъвогар деб низоли ҳуқуқнинг ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатнинг ўзига тегишли бўлиши тўғрисида даъво кўзгатиш ҳуқуқига эга бўлмаган даъвогарга айтилади.³

¹ Гражданский процесс / Учебник. Отв. ред. проф. В.В.Ярков. – М.: Волтерс Клувер, 2004. – с. 63.

² Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. – 88 с.

³ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. – Тошкент, Адолат, – 62 б.

Иш ҳолатларига кўра, қайси шахсга нисбатан айнан у низоли ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти деб топилган бўлса, ушбу шахс дахлдор бўлган тараф деб аталади.

Шундай қилиб, тарафларнинг ишга дахлдор бўлиш ёки бўлмаслиги ҳақидаги масала низоли ҳуқуқий муносабат субъектларининг таркибига боғлиқ бўлади.

Аксарият ҳолларда ишга дахлдор бўлган тараф моддий ҳуқуқ нормалари асосида аниқланиши мумкин. Масалан, Фуқаролик кодексининг 989-моддасига кўра, юридик шахс ёхуд фуқаро ўз ходими меҳнат (хизмат, лавозим) мажбуриятларини бажариб турган вақтида ётказган зарарни қоплайди.¹ Бу эса ишга жавобгар сифатида зарар ётказган ходим эмас, балки юридик шахс ёки фуқаро жалб этилиши лозимлигини кўрсатади. Ишга дахлдор бўлган тараф процессуал ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган шахс ҳисобланади ҳамда тарафнинг барча процессуал ҳуқуқларидан фойдаланади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

1964 йилдаги Гражданик процессуал кодексидан² фарқли равишда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал кодексига мувофиқ, дахлдор бўлмаган даъвогар арз қилган талабларидан воз кечмаса, уни алмаштиришга йўл қўйилмайди. Масалан, ФПКнинг 42-моддаси олтинчи қисмига мувофиқ, агар процессга мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс киришмаса, ишга дахлдор бўлмаган даъвогар эса, арз қилган талабларидан воз кечмаса, иш мазмунан кўрилиши белгиланган. Ҳатто дахлдор бўлмаган даъвогар ўз даъво аризасини қабул қилишни ва ишни кўриб чиқишни талаб қилса, судья аризани қабул қилиши ва ишни кўришни бошлаши лозим. Ишни кўриб чиқиш натижасида даъвогар ҳақиқатда дахлдор бўлмаган тараф эканлиги аниқланса, ушбу ҳолатда суд унинг даъвосини қондиришни рад этиш ҳақида ҳал қилув қарорини қабул қилади.

ФПКнинг 42-моддасига биноан биринчи инстанция суди даъвогарнинг розилиги билан ишга дахлдор бўлмаган жавобгарнинг алмаштирилишига йўл қўяди. Бундан келиб чиқадики, суд даъвогар рози бўлгандагина ишга дахлдор бўлмаган жавобгарни

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Расмий нашр. —Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2008. —395 б.

² Ўзбекистон ССРнинг Гражданик кодекси, Ўзбекистон ССРнинг Гражданик процессуал кодекси: (1986 йил 4 январгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). —Тошкент: Ўзбекистон, 1986. —229 б.

дахлдор бўлган жавобгар билан алмаштириши мумкин. Агар даъвогар жавобгарнинг бошқа шахс билан алмаштирилишига рози бўлмаса, суд бу шахсни иккинчи жавобгар сифатида ишга жалб қилишга ҳақли.

Г.Содиқова судга даъво билан мурожаат қилиб, 1989 йилда В.Содиқов билан никоҳ тузиб, бирга яшаб келганликларини, никоҳ давомида А.Қодирий кўчасидаги 4-уйни биргаликда қуришганлигини, 1999 йилда никоҳдан ажрашиб, ҳозирда икки нафар фарзанди билан ота-онасининг уйида яшаётганлигини кўрсатиб, мазкур уйни эр-хотиннинг умумий мулки деб топиб, ўзига тегишли улушни ажратиб беришни сўраган. Суд ажрими билан ариза кўрмасдан қолдирилган. Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилоят суди раёсати куйидаги асосларга кўра суд ажримини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборган: суднинг низоли уй-жой даъвогарнинг қайнотаси Н.Содиқов номида бўлиб, даъво арзада жавобгар сифатида В.Содиқов кўрсатилганлигини асос қилиб, аризани кўрмасдан қолдирган. ФПКнинг 42-моддасига мувофиқ, суд арз қилинган талаб уни илгари суриш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан ёки даъвогарнинг аризаси бўйича жавоб бериши лозим бўлмаган шахсга нисбатан тақдим этилганлигини аниқласа, ишга дахлдор даъвогар ёки жавобгар билан алмаштирилишига йўл қўйиши мумкин. Агар даъвогар жавобгарнинг бошқа шахс билан алмаштирилишига рози бўлмаса, суд бу шахсни иккинчи жавобгар сифатида ишга жалб этишга ҳақли. Суд бу ҳолда қонун талабига амал қилиб, ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириши ёки даъвогар рози бўлмаганда уни иккинчи жавобгар сифатида жалб қилиб, ишни мазмунан ҳал қилиши лозим эди.¹

Ишга дахли бўлмаган тарафни алмаштириш суднинг ажримига кўра амалга оширилади.

Тараф алмаштирилганидан ёки низо предмети юзасидан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс ишга киришганидан ёхуд иккинчи жавобгар жалб қилинганидан кейин ишни кўриш янгидан бошланади (ФПКнинг 42-моддаси бешинчи қисми). Чунки процессда дахлдор бўлмаган жавобгар томонидан амалга оширилган ҳаракатлар ишга жалб этилган дахлдор бўлган жавобгар учун ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди ва унинг учун ҳеч қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларни юзага келтирмайди. Бундай ҳолда дахлдор бўлган жавобгарнинг иштирокида янги процессуал ҳуқуқий муносабат юзага келади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 2003 йил, 1-2-сонлари, 53-бет.

4.5. Процессуал ҳуқуқий ворислик тушунчаси, асослари ва процессга киришиш тартиби

Фуқаролик суд ишларини юритишда шахсларнинг ўзгариши нафақат ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш орқали, балки процессуал ҳуқуқий вориснинг процессга киришиши орқали ҳам амалга оширилади.

Процессуал ҳуқуқий ворислик деганда, низоли ёки суд қарори билан белгиланган ҳуқуқий муносабатлардан тарафлардан бирининг процессдан чиқиб кетиши сабабли тараф ёки учинчи шахсни бошқа шахс (ҳуқуқий ворис) билан алмаштириш тушунилади.

Процессуал маънода ҳуқуқнинг қабул қилиниши (ҳуқуқий ворислик) – судда даъво предмети бўлган моддий ҳуқуқнинг қабул қилиниши муносабати билан рўй беради.¹

Низоли ёки суднинг ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳуқуқий муносабатдан тарафларнинг бири, учинчи шахс ёки уларнинг қонуний вакили чиқиб кетган тақдирда (фуқаронинг ўлими, юридик шахснинг қайта ташкил этилиши, бошқа шахс фойдасига талабдан воз кечиш, қарзнинг бошқа шахсга ўтказилиши ва ҳ.к.) суд бу шахслар уларнинг ҳуқуқий ворислари билан алмаштирилишига йўл қўяди (ФПКнинг 43-моддаси). Процессуал ҳуқуқий ворисликнинг ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш билан ўзаро ўхшашлик жиҳатлари мавжуд. Масалан, бунда ҳам даъвогар ёки жавобгарнинг ўрнини процессда аввал иштирок этмаган шахс эгаллайди. Бироқ ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштиришда процессга ундан олдинги шахслар олдида моддий-ҳуқуқий мажбуриятга эга бўлмаган бутунлай янги тараф кириб келади. Аксинча, процессуал ҳуқуқий ворислик моддий ҳуқуқни қабул қилишга асосланади. Моддий ҳуқуқни қабул қилиш турли кўринишларда бўлиши мумкин. Масалан, ворислик ҳуқуқининг вужудга келиши, юридик шахснинг қайта ташкил этилиши, бошқа шахс фойдасига талабдан воз кечиш, қарзнинг бошқа шахсга ўтказилиши ва ҳоказо.). Бироқ талаб даъвогар ёки жавобгарнинг шахси билан бевосита боғлиқ бўлганида (никоҳдан ажратиш, алимент ундириш, ишга тиклаш каби даъволар бўйича) процессуал ҳуқу-

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент, Адолат, -64 б.

қий ворисликка йўл қўйилмайди. Масалан, агарда ишга тиклаш ҳақидаги даъво берилганидан сўнг жавобгар – юридик шахс қайта ташкил этилган бўлса, жавобгар сифатида ҳуқуқий ворис бўлган ташкилот жалб этилади. Агарда даъвогар вафот этгудек бўлса, низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймайди ва иш юритиш тугатилади. Чунки ишга тиклаш ҳақидаги талаб жавобгарнинг шахси билан бевосита боғлиқ бўлиб, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқий ворисликка йўл қўйилмайди. Бироқ ойлик иш ҳақини ундириш тўғрисидаги талаб илгари сурилган бўлса, даъвонинг мазкур қисми бўйича ҳуқуқий ворисликка йўл қўйилади.

Ҳуқуқий ворислик процесснинг ҳар қандай босқичида амалга оширилиши мумкин. Ҳуқуқий вориснинг процессга киришганлиги ҳақида суд ажрим чиқаради ва мазкур ажрим устидан шикоят қилиш мумкин эмас. Ҳуқуқий вориснинг процессга киришини рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан хусусий шикоят бериш ёки унга нисбатан хусусий протест келтириш мумкин. Чунки ФПКнинг 346-моддасига мувофиқ, суднинг ажрими ишнинг кейинги ҳаракатланишига тўсқинлик қиладиган ҳолларда, суд томонидан ажрим топширилган кундан эътиборан ўн кун ичида тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар апелляция инстанцияси судига суднинг ҳал қилув қароридан алоҳида шикоят беришлари, прокурор эса, протест келтириши мумкинлиги белгиланган. Процессуал ҳуқуқнинг қабул қилиниши ҳолларида ишда иштирок этиш учун янги даъвогар ёки жавобгар жалб этилишига қадар фуқаролик ишинининг кўрилиши вақтинча тўхтатилади. Процессга киратган ҳуқуқий ворис ўз ворислигини асослаб бериши талаб этилади. Масалан, мерос ҳуқуқи ҳақидаги гувоҳнома, юридик шахснинг қайта ташкил қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжат, қарзнинг бошқа шахсга ўтказилганлиги ёки бошқа шахс фойдасига талабдан воз кечилганлиги ҳақидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим.

Ҳуқуқий ворис процессга киришганига қадар амалга оширилган барча ҳаракатлар ҳуқуқий ворисга ўрнини бўшатиб берган шахсга қай даражада мажбурий бўлган бўлса, ҳуқуқий ворисга ҳам шу даражада мажбурийдир (ФПКнинг 42-моддаси иккинчи қисми). Мисол учун, өтказилган зарарни ундириш тўғрисидаги иш бўйича жавобгар вафот этган бўлиб, бироқ у ҳаётлигида суд процессида даъвони тан олиб, ушбу тан олиш тегишлича судда расмийлаштирилган бўлса, унинг ҳуқуқий вориси мазкур даъвони тан

олиш юзасидан низолашишга ҳақли бўлмади, чунки вафот этган шахс томонидан амалга оширилган барча ҳаракатлар ҳуқуқий ворис учун мажбурийдир.

Процессуал ҳуқуқий ворисликнинг ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш билан қуйидаги фарқли жиҳатлари мавжуд:

биринчидан, процессуал ҳуқуқий ворислик процесс давомида юзага келадиган асосларга кўра вужудга келса, ишга дахлдор бўлмаган жавобгарни алмаштириш эса фуқаролик процессини кўзғатишга қадар юзага келган асосларга кўра вужудга келади;

иккинчидан, процессуал ҳуқуқий ворисликда ҳуқуқни қабул қилувчи процессдан чиқиб кетган шахснинг барча процессуал ҳуқуқларига эга бўлади ва мажбуриятларини ўз зиммасига олади. Ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштиришда эса бундай ҳолат юз бермайди;

учинчидан, агар жараёнда тарафлардан бири, масалан, тегишсиз, дахлсиз тараф тегишли тараф билан алмаштирилишида фуқаролик ишининг кўрилиши янгидан бошланса, процессуал ҳуқуқнинг бошқа шахс томонидан қабул қилинишида унга иш материаллари билан танишиш учун вақт ва имконият берилиб, ишни кўриш давом эттирилаверади, янгитдан бошланмайди.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Фуқаролик процессида тарафлар сифатида кимлар этироф этилади ва уларга таъриф беринг?
2. Тарафларнинг қандай процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари бор?
3. Фуқаролик процессида биргалиқда иштирок этиш деганда нимани тушунасиш?
4. Фуқаролик процессида биргалиқда иштирок этишга қайси ҳолларда йўл қўйилади?
5. Фуқаролик процессида биргалиқда иштирок этишнинг турлари ҳақида гапиринг.
6. Ишга дахлдор бўлмаган тараф деганда нима тушунилади?
7. Ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш тартиби ҳақида гапиринг.
8. Процессуал ҳуқуқий ворислик деганда нимани тушунасиш?
9. Процессуал ҳуқуқий ворисликнинг ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш билан фарқли жиҳатлари нимада?

МАХСУС АДАБИЁТЛАР:

1. Абова Т.Е. Соучастие в гражданском процессе: Автореф. дис. канд. юрид. наук. -М., 1952. -7 с.
2. Бабаков В.А. Особенности гражданской процессуальной обязанности // Журнал российского права. 1998. № 12.
3. Балашов А.Н. Процессуальные права и обязанность сторон при рассмотрении гражданских дел в суде первой инстанции: Автореф. дис. канд. юрид. наук. -Саратов, 2005. -26 с.
4. Воложанин В.П., Русинова Е.Р. Изменение предмета и основания иска участниками процесса // Арбитражный и гражданский процесс. 2002. № 5.
5. Грось Л. Институт процессуального соучастия: связь между процессуальным и материальным правом // Российская юстиция. 1998. № 3.
6. Джалилов Д.Р. Лица, участвующие в гражданских делах искового производства. Душанбе, 1965. - 13 с.
7. Зайцев И.М. Надо ли суду заменять ненадлежащую сторону? // Российская юстиция. 1999. № 8.
8. Исмаилов О.Х. Суд процессида адвокат иштирокини такомиллаштириш масалалари // "Адвокатлик фаолияти: назария ва амалиёт масалалари" мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. 2010 йил 16 февраль. ЎзР Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги ин-ти. - Тошкент, 2010. - Б. 303-308.
11. Исмаилов О.Х. Фуқаролик процессида биргалиқда иштирок этиш // "Суд-ҳуқуқ ислохотларининг истиқболлари: кеча ва бугун" мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. 2010 йил 27 май. -Тошкент, ТДҶОИ. 2010 й. -Б. 34-38.
12. Исмаилов О.Х. Фуқаролик процессида тарафлар ва уларнинг ҳуқуқий талаби// "Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар ва уларнинг аҳамияти" мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари (Тошкент, 2011 йил 19 апрель). -Тошкент: ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти. 2011. -Б. 132-134.
13. Исмаилов О.Х. Фуқаролик процессида биргалиқда иштирок этишнинг турлари // "Суд-ҳуқуқ ислохотлари шароитида фуқаролик суд ишларини юритишнинг долзарб муаммолари" мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. 2011 йил 22 ноябрь. -Тошкент, ТДҶОИ. 2011 й. - Б. 62-68.

14. Исмаилов О.Х. Биргаликда иштирок этувчиларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларидаги ўзига хос хусусиятлар // –Тошкент, ТДЮИ Ахборотномаси. 2011 й., 6-сон. – Б. 64-67.
15. Кулаков Г., Орловская Я. Обязанности сторон в гражданском процессе // Российская юстиция. 2001. № 4.
16. Мамасиддиқов М.М. Меҳнат ишлари бўйича етказилган зарарни судда ундириш. Ўқув қўлланма. –Т.: Адолат. 2001.
17. Мамасиддиқов М.М. Меҳнат ишлари бўйича судга мурожаат қилишга бўлган ҳуқуқ. «Ўзбекистон ёшларининг ҳуқуқий тарбиясини юксалтиришнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги Республика илмий конференцияси материаллари. 1-қисм. –Самарқанд., 2002. 24-25 май, –Б. 85-90.
18. Мамасиддиқов М.М. Меҳнатта оид низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Ўқув қўлланма. –Тошкент.: ТДЮИ. 2004 йил.
19. Мамасиддиқов М.М. Меҳнатта оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Монография \ Ю.ф.д., проф. Ш.Ш.Шорахметовнинг умумий таҳрири остида. –Тошкент.: ТДЮИ. 2005. -174 б.
20. Мамасиддиқов М.М., Хабибуллаев Д.Ю. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. (Схема ва жадваллар). Ўқув услубий қўлланма. –Тошкент.:ТДЮИ, 2006.
21. Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процесси иштирокчилари таркибини такомиллаштиришнинг амалий масалалари // Ж. ТДЮИ Ахборотномаси. 2007, 4-сон. –Б. 36-39.
22. Мамасиддиқов М.М. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Ўқув-услубий қўлланма. –Тошкент.: АҚҲМИ, 2008. -332 б.
23. Мамасиддиқов М.М. Меҳнатта оид етказилган моддий ва маънавий зарарни судда ундиришнинг назарий ва амалий муаммолари. Монография. –Тошкент: АҚҲМИ, 2008. -340 б.
24. Мамасиддиқов М.М., Исмаилов О.Х. Фуқаролик процесси: унда тарафларнинг иштироки// "Нуқуқ ва бurch". –Тошкент, 2010. 6-сон (54). –Б. 41-42.
25. Михайлова Е.В. Понятие, процессуальные права и обязанности сторон в гражданском судопроизводстве. // Юридический аналитический журнал. 2003 №2 (6) – 78 с.

26. Михайлова Е.В. Правовой статус сторон в гражданском процессе Российской Федерации: Автореф. дис. канд. юрид. наук. –М., 2004. -26 с.
27. Осокина Г. Гражданская процессуальная право и дееспособность // Российская юстиция. 1997. № 5.
28. Олимова К.К. Гражданский процесс в схемах. Учебно-методическое пособие. –Т.: ТПУОИ, 2006.-143 с.
29. Русинова Е.Р. Распорядительные права сторон в гражданском процессе. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. –Екатеринбург, 2003.
30. Русинова Е.Р. Распорядительные действия сторон в проекте ГПК РФ // Российский ежегодник гражданского и арбитражного процесса – 2001 год. М., 2002.
31. Ченцов Н.В. Российская Федерация как сторона в исковом производстве // Заметки о современном гражданском и арбитражном процессуальном праве / Под ред. М.К. Треушникова. М., 2004.
32. Шорахметов Ш.Ш. Хўжалик процесси иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари // Ж. «Хўжалик ва ҳуқуқ». 2000, 11-сон, -Б. 32-37.
33. Эсанова З.Н. Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Монография \–Тошкент.: ТДЮИ. 2005. -220 б.
34. Эгамбердиев Э. Жавобгар манфаатини ҳимоя қилиш // Ж. –Тошкент.: Ҳаёт ва қонун, 1997. 2-сон.
35. Эгамбердиев Э. Процессуал иштирокчилик // Ж. –Тошкент.: Ҳаёт ва қонун, 1997. 12-сон.
36. Якубов С.А. Стороны в гражданском процессе. –Ташкент.: Konsauditinform-nashr. 2006. -6 с.

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА УЧИНЧИ ШАХСЛАРНИНГ ИШТИРОКИ

Бобнинг мақсади фуқаролик процессида учинчи шахсларнинг иштирокига оид масалаларни баён этиш, мустақил талаб билан арз қилувчи ҳамда мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахсларнинг ишга киришиш асослари, процессуал тартиби, уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришдан иборатдир. Мазкур бобда, шунингдек мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахсларнинг шерик даъвогарлардан фарқи, ишга тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича учинчи шахсларнинг судда иштирок этиш хусусиятлари ўз ифодасини топган.

5.1. Фуқаролик процессида учинчи шахслар тушунчаси ва уларнинг турлари

Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар судда ўзининг ҳуқуқи ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилган шахснинг, прокурорнинг ҳамда агар давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар қонунга мувофиқ бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этишга ҳақли бўлсалар, уларнинг берган аризалари бўйича қўзғатилган ишлар натижасида юзага келади. Процессда яна шундай шахслар ҳам борки, улар бошқа шахслар томонидан бошланган жараёнга кириб келадилар ва фуқаролик-ҳуқуқий низоларнинг ҳал этилишидан тарафлар каби манфаатдор бўладилар. Даъвогар ва жавобгарга нисбатан ушбу шахслар (ҳисоб бўйича) учинчи шахслар деб эътироф этилади ва шунинг учун ҳам ушбу шахслар фуқаролик процессида учинчи шахслар деб номланади.¹

Юридик энциклопедияларда учинчи шахсларга куйидагича таъриф берилади: **учинчи шахслар** – фуқаролик процессида бошқа шахслар (томонлар) даъвоси бўйича қўзғатилган фуқаролик ишида ўз ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар.²

¹ Мамасиддиқов М.М. Мехнатга оид низоли ишларни судда қўришда учинчи шахслар иштироки // Ж. "Хўжалик ва ҳуқуқ", 2000, 7-сон, -Б. 28-32.

² Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У.Тадридхановнинг умумий таҳририда. –Тошкент: «Шарқ», 2001. -294 б.; Юридический энциклопедический словарь / Под. общ. Ред. В.Е.Крутких. 3-е изд., прераб. и доп. –М.: ИНФРА-М, 2003. -399 б.

ФПКнинг 33-моддасига мувофиқ, учинчи шахслар ишда иштирок этувчи шахслар таркибига киради. Учинчи шахслар фуқаролик процессида тарафларга тенглаштирилади. Профессор Ш.Ш.Шорахметов ўз дарслигида бундай шахсларнинг манфаати ҳуқуқий манфаат бўлиб кўрилади, чунки иш юзасидан чиқарилган суд қарори маълум даражада уларнинг фуқаролик моддий ҳуқуқига таъсир этиши, ишнинг судда ҳал этилиши натижасида уларга нисбатан муайян ҳуқуқ ёки мажбурият вужудга келтирилиши, шу туфайли бу шахслар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадларида бошланган фуқаролик ишига кириб бориши (аралашилари) ёки бошланган процессда иштирок қилиш учун суд томонидан жалб этилишлари мумкин, деган фикрни билдиради.

Фуқаролик процессида иштирок этувчи учинчи шахслар ишнинг ҳал этилишидан қандай мазмунда манфаатдор эканликлари ҳамда иш юзасидан чиқариладиган ҳал қилув қарори билан қандай оқибатлар юзага келишига қараб, қуйидаги икки турга ажратилади:

1) мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахслар;

2) мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслар.

Таъкидлаш керакки, учинчи шахсларнинг ҳар бир тури ўзига хос фарқли хусусиятлари билан бирга, умумий жиҳатларга ҳам эга ҳисобланади. Учинчи шахсларнинг **умумий жиҳатлари** қуйидагилардан иборат:

биринчидан, учинчи шахслар ишнинг ҳал этилишидан манфаатдорлик даражаси турлича бўлса-да, бироқ юридик жиҳатдан манфаатдор эканлиги боис, ишда иштирок этувчи шахслар таркибига киритилган. Хусусан, низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар, ўз номидан кўриниб турибдики, низо предметиға нисбатан бевосита даъво қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар эса низоли моддий ҳуқуқий муносабат иштирокчиси бўлмайди. Унинг ишнинг ҳал этилишидаги манфаатдорлиги, масалан, кейинчалик ўзига нисбатан регресс даъво кўзгатилишини олдини олишда намоён бўлади. Иш юзасидан чиқариладиган суднинг ҳал қилув қарори учинчи шахслар учун турли даражада таъсир кўрсатади. Суд низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахсларнинг талабларини ҳал қилади. Низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган

учинчи шахслар учун суднинг ҳал қилув қарори преюдициал аҳамият касб этади;

иккинчидан, учинчи шахслар ҳар доим бошқа шахслар томонидан бошланган процессга киришади. Эркин ҳуқуқлилиқ принципдан келиб чиқиб, низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар бошланган процессга ўз ташаббуслари билан киришадилар. Уларни ўз ихтиёрларига зид равишда процессга жалб этиш мумкин эмас. Аксинча, низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар ўз ташаббуслари билан процессга киришишлари, шунингдек тарафларнинг, прокурорнинг, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномаси бўйича ёки суднинг ташаббуси билан ишда иштирок этишга жалб қилинишлари мумкин.

Учинчи шахслар бошқа шахслар томонидан бошланган процессга киришиб, иш юзасидан чиқарилган суд ҳал қилув қарори маълум даражада уларнинг фуқаролик моддий ҳуқуқларига таъсир этиб, ишнинг судда ҳал этилиши натижасида уларга нисбатан муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келадиган шахслар ҳисобланади.

Фуқаролик процессида **учинчи шахслар иштирок этишининг аҳамияти** куйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, иш учун аҳамиятта эга бўлган ҳолатларнинг тўлиқ аниқланишига ҳамда фуқаролик ишининг тўғри ҳал этилишига олиб келади. Бунда иш юзасидан барча ҳолатни аниқлашга, барча далилларни бирлаштириб кўриб чиқишга имконият яратилади;

иккинчидан, суд ва тарафларнинг вақтларини тежаш имконияти яратилади. Бошқача қилиб айтганда, бу процессуал тежамкорлик воситасидир, чунки регресс даъволарни кўриб чиқиш жараёнида дастлабки даъво бўйича ишда кўриб чиқилган фактларни яна қайта кўришга эҳтиёж қолмайди;

учинчидан, агар дастлабки мулкӣй низо алоҳида кўрилса, бу тўғрида чиқарилган қарорга мувофиқ низоли мулкнинг кейинчалик сотилиши ёки ишлатиб юборилишининг олди олинади;

тўртинчидан, дастлабки даъво билан учинчи шахс даъвоси алоҳида-алоҳида кўрилгудек бўлса, келажакда бир-бирига мувофиқ келмайдиган суд ҳал қилув қарорлари чиқарилиши каби ҳолатлар юз бериши мумкин.

5.2. Мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахслар

Низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахсларға нисбатан юридик адабиётларда қўлаб таърифлар ишлаб чиқилган.

М.К.Треушниковнинг фикрича, низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар деганда, бошланган процессда даъвогарға ҳамда жавобгарға нисбатан даъво қўзғатиб кириб келган шахслар тушунилади.¹ М.С.Шакаряянинг фикрича, низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар даъвогар ва жавобгар ўртасида юз берган процессда ўзининг низо предметиға нисбатан мустақил ҳуқуқини ҳимоя қилиб иштирок этувчи шахс ҳисобланади.² Ш.Ш.Шорахметовнинг фикрича, даъвогар билан жавобгар ўртасидаги низонинг предмети ўзига тегишли бўлиши тўғрисида арз қилувчи шахс – мустақил даъво қилувчи учинчи шахс деб аталади.³ Агар эътибор берадиган бўлсак, адабиётларда низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахсларға нисбатан билдирилаётган таърифларда жиддий қарама-қаршилиқлар учрамайди.

ФПКнинг 44-моддасиға асосан низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар суд ҳал қилув қарорини чиқарғунига қадар ишға киришишлари мумкин. Улар даъвогарнинг ҳамма ҳуқуқларидан фойдаланадилар ва унинг ҳамма мажбуриятларини ўз зиммаларига оладилар. Хусусан, учинчи шахслар ўз арзида баён қилинган талабларнинг асосини ёки предметиғни ўзгартиришға, даъво талабларининг миқдорини оширишға ёки камайтиришға, улардан бутунлай ёки қисман воз кечишға ҳақли. Ундан ташқари, процесснинг исталган босқичида келишув битими тузиш орқали ишни яқунлашға ҳақлидирлар. Мазкур шахсларнинг даъвогарлардан биргина фарқи мавжуд бўлиб, у ҳам бўлса, процессға киришиш вақтида намоён бўлади.

Учинчи шахснинг низо предметиға ўзининг мустақил ҳаққи борлигини билдириши унинг мустақил даъво билан процессда иштирок қилиши учун асос бўлади. Низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахсларнинг процессда иштироки қуйидаги ҳолларда юз беради:

¹ Гражданский процесс // Учебник. Под ред. д.ю.н., проф. М.К.Треушникова. –М.: Юриспруденция. 2001. -70 с.

² Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. –М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. -92 с.

³ Шорахметов Ш.Ш.Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент, Адолат. 2001. – 66 б.

а) агар даъвогар процессда ўзининг бошқа шахс билан алмаштирилишига рози бўлмаса, бу шахс низо предмети юзасидан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс сифатида ишга киришишга ҳақли бўлади (ФПКнинг 42-моддаси иккинчи қисми);

б) суд ҳал қилув қарорини чиқаргунига қадар низонинг предметиға нисбатан ўзларининг мустақил талаблари билан арз қилиб кириб келадилар (ФПКнинг 44-моддаси).

Юқоридаги икки ҳолатда ҳам учинчи шахслар даъво тақдим этишнинг барча талабларига риоя қилиш лозим бўлади. Учинчи шахснинг ишга киришиши умумий асосларга (ФПКнинг 148-150-моддаларига) биноан судга ариза бериш билан кўзғатилади. Ушбу шахслар ўз аризасига тегишли ҳужжатларни илова қилиши, аризани тарафларнинг сонига мутаносиб миқдорда нусхалари билан бериши, агар давлат божини тўлашдан озод қилинмаган бўлса, тегишли боғни тўлаши лозим бўлади.

Низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахсларнинг ишга кириб келишлари процессда иштирок этувчи бошқа шахсларга нисбатан ҳам ҳуқуқий оқибат келтириб чиқаради. Мазкур шахслар даъвогарлар билан бир хилда ҳуқуқий мақомга эга бўлганликлари сабабли уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши талаб этилади. Масалан, агар учинчи шахс суд мажлиси бошланганидан кейин процессга киришадиган бўлса, ишни кўриш янғидан бошланади.

Фуқаролик процессуал кодексда учинчи шахс айнан қайси тарафга нисбатан даъво кўзғатиши мумкинлиги назарда тутилмаган. Учинчи шахс даъвони фақат бир тарафга нисбатан ёки бир вақтнинг ўзида ҳар иккала тарафга нисбатан ҳам тақдим этиши мумкин. Суд амалиётида учинчи шахслар кўпроқ даъвони ҳар иккала шахсга қаратиши ва ушбу шахслар учинчи шахсга нисбатан шерик жавобгар ҳолатини эгаллаши каби ҳолатлар кузатилади.

М.судга никоҳдан ажратиш ва никоҳ давомида орттирилган мулкни, шу жумладан жавобгарнинг номига расмийлаштирилган турар-жойни бўлиш ҳақида Н. га нисбатан даъво тақдим этади. Жавобгарнинг онаси К. эса судга уйга бўлган мулк ҳуқуқини эътироф этиш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилган. К. ўз даъво аризасида уй ўғлининг номига расмийлаштирилган бўлса-да, бироқ унинг маблағи эвазига сотиб олинганлигини кўрсатади. Мазкур ҳолатда жавобгарнинг онаси К. ҳар иккала тарафга нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахс ҳисобланади.

Юридик адабиётларда учинчи шахслар фақат тарафлардан

бирига нисбатан даъво тақдим этиши мумкинлиги ҳақида фикрлар илгари сурилади. М.С.Шакаряннинг фикрича, учинчи шахсларнинг бундай даъволари кўпинча дастлабки даъвогарга ёки айрим ҳолларда фақат жавобгарга нисбатан тақдим этилади.¹ Бизнинг назаримизда, учинчи шахслар даъвони бир вақтнинг ўзида ҳар иккала тарафга ҳам қаратишлари мумкин. Ш.Ш.Шорахметов ҳам процессда учинчи шахс ариза берувчи ёки даъвогар бўлиб ҳисобланиши, дастлабки тарафлар эса унга нисбатан жавобгар сифатида кўрилишини таъкидлаган.²

Юқорида таъкидланганидек, низоининг предметида нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар суд ҳал қилув қарорини чиқаргунига қадар, янада аниқлаштириладиган бўлса, суд ҳал қилув қарори чиқариш учун алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киргунига қадар ишга киришишлари мумкин.

Ишга учинчи шахснинг киришиши ҳақидаги масалани ҳал қилар экан, судья бу ҳақда ажрим қабул қилади. ФПКнинг 346-моддаси мазмунидан келиб чиқиб, процессда учинчи шахснинг иштирок этишига йўл қўйилиши тўғрисида судьянинг чиқарган ажрими ишнинг кейинги ҳаракатланишига тўсқинлик қилмаслиги учун унинг устидан шикоят берилмайди. Учинчи шахснинг ишда иштирок этиши тўғрисидаги илтимосини рад қилиш тўғрисидаги ажрим устидан эса шикоят берилиши ёки протест келтирилиши мумкин.

Ишда иштирок этишга йўл қўйилмаган учинчи шахс алоҳида мустақил даъво тақдим этиш йўли билан низоли предметга нисбатан бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилишга ҳақли бўлади. Низо предметида нисбатан мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахслар низо предметида нисбатан мустақил талаблари бўлмаган учинчи шахсдан фарқли равишда қуйидаги ўзига хос махсус хусусиятларга эга бўлади:

биринчидан, низо предметида нисбатан мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахслар даъвогар томонидан илгари сурилган предметга нисбатан мустақил даъво қиладилар. Юқорида келтирилган уйга эгалик қилиш ҳуқуқи ҳақидаги низо мисолида тарафлар билан бир қаторда учинчи шахс ҳам судга мустақил даъво талабини илгари суради;

¹ Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. –92 с.

² Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқ. Дарслик. –Тошкент, Адолат, 2001, -67 б.

иккинчидан, низо предметиға нисбатан мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахслар процессға даъво аризаси бериш йўли билан киришади. Айтиб ўтилганидек, бу турдаги учинчи шахсни ўз ихтиёрига қарши процессға жалб қилиш мумкин эмас;

учинчидан, низо предметиға нисбатан мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахслар доимо бошланган процессға суд ҳал қилув қарори чиқаргунга қадар киришади. Учинчи шахслар амалда процессға ишни суда кўришга тайёрлаш босқичидан то суд ҳал қилув қарори чиқариш учун алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киргунига қадар киришиши мумкин;

тўртинчидан, низо предметиға нисбатан мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахслар низоли предметга тўлиқ ёки қисман даъво қилишлари мумкин. Юқорида келтирилган мисолда учинчи шахс уйнинг бир қисмига даъво қилиши ҳам мумкин эди;

бешинчидан, учинчи шахс манфаати ҳар иккала тараф манфаатиға қарши бўлиши ёки фақат бир тарафға қарши бўлиши мумкин. Юқорида келтирилган мисолда учинчи шахснинг манфаати иккала тараф манфаатиға қарама-қарши ҳисобланади. Бироқ баъзан учинчи шахс манфаати фақат бир томоннинг манфаатиға қарама-қарши бўлиши мумкин. Масалан, даъвогар жавобгарни уйдан чиқариши ҳақида даъво аризаси беради. Низо предметиға нисбатан мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахс эса жавобгарга даъво тақдим қилмай, фақат даъвогарни уйдан кўчириш ҳақидаги талаб билан процессға киришади. Ушбу ҳолатда учинчи шахс билан жавобгарнинг манфаатлари бир-бирига зид бўлмаса-да, лекин бир ҳилда эмас. Шундай қилиб, низо предметиға нисбатан мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахс бошқа шахслар томонидан бошланган ишга киришиб, низо предметиға нисбатан мустақил талабини илгари сурадиган ва уни ҳимоя қиладиган шахсдир.

Ушбу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, агар учинчи шахс даъвогар томонидан бошланган процесс ҳақида хабардор бўлмай, бу ҳақда суд ҳал қилув қарори чиқарилганидан кейин хабар топадиган бўлса, у ҳолда мазкур шахс умумий асосларда судга даъво аризаси билан мурожаат қилишга ҳақли бўлади. Мазкур процессда учинчи шахс даъвогар мақомига эга бўлса, жавобгар сифатида эса олдинги процессда иштирок этган даъвогар ва жавобгарлар эътироф этилади.

Мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахсларнинг шерик даъвогарлардан фарқи. Шерик даъвогарлар судга бир-галикда даъво тақдим этишлари ёки бошқа даъвогар томонидан бошланган процессга киришиши мумкин. Учинчи шахс эса фақат бошланган процессга киришади. Низо предметиға нисбатан мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахсларнинг шерик даъвогарлардан муҳим фарқланувчи жиҳатларидан бири улар манфаатининг ўзаро қарама-қаршилигидадир. Зеро, учинчи шахсларнинг ҳам, даъвогарнинг ҳам даъво предмети бир хилда бўлади ва суд уларнинг ёки жавобгарнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳал қилув қарори чиқариши мумкин. Низо предметиға нисбатан мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахсларнинг даъвоси бўйича дастлабки даъвогар ва жавобгар ишда жавобгарнинг ҳолатини эгаллайди.

Шерик даъвогарларнинг талаби ҳар доим жавобгарларга нисбатан қаратилади.

Шерик даъвогарлар	Мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахслар
1. Бошланган процессга кириб келиши ва ишни кўзгайтиш мақсадида даъво тақдим этиши мумкин; 2. Шерик даъвогарларнинг манфаатлари ўзаро муштарак; 3. Шерик даъвогарларнинг суд процессида жавобгар қарама-қарши позицияда туради.	1. Бошланган процессга кириб келади; 2. Мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахсларнинг манфаатлари тарафларнинг манфаатларига қарама-қарши; 3. Учинчи шахсларга даъвогар ҳам, жавобгар ҳам қарама-қарши позицияда туради.

5.3. Мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслар

Учинчи шахсларнинг навбатдаги турига оид нормалар ФПКнинг 45-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра, низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар, агар иш бўйича чиқариладиган ҳал қилув қарори уларнинг тарафлардан бириға нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир этадиган бўлса, суд ҳал қилув қарори чиқаргуниға қадар даъвогар ёки жавобгар томонида ишга киришишлари мумкин. Шунингдек, улар тарафларнинг, прокурорнинг, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномаси бўйича ёки суднинг ташаббуси билан ишда иштирок этишга жалб қилинишлари мумкин. Бундан шундай ҳулоса қилиш мумкинки, учинчи шахсларнинг мазкур тури, биринчидан, шартли равишда тараф-

ларнинг бири (даъвогар ёки жавобгар) томонида туриб иштирок этади. Иккинчидан, улар ўртасидаги ҳуқуқий муносабат суд муҳокамасининг предмети бўлмайди. Учинчидан, иш бўйича чиқариладиган ҳал қилув қарори учинчи шахсларнинг тарафлардан бирига нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир этади.

Театр гардеробидан пальто йўқоладиган бўлса, гардероб хизматчиси томошабиннинг – пальто эгасининг театрга нисбатан йўқолган мулкнинг қийматини ундириш ҳақида судга тақдим этган даъво ишида иштирок этишдан манфаатдор ҳисобланади. Мазкур ҳолатда гардероб хизматчисининг манфаатдорлиги шу билан изоҳланадими, агар суд даъвогарнинг даъвосини қаноатлантирадиган бўлса, театр ўз навбатида, суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида пальто эгасига тўланган суммани гардероб хизматчисидан регресс даъво тақдим этишорқали ундириб олиши мумкин.

Мазкур ҳолатда гардероб хизматчиси (учинчи шахс) процессда томошабинга (даъвогарга) ва театрга (жавобгарга) нисбатан ҳеч қандай талабни илгари сургани йўқ. Унга нисбатан ҳам йўқолган пальтонинг қийматини ундириш ҳақида даъво талаби билдирилиши мумкин эмас. Чунки мазкур ишда тарафлар ўртасидаги низонинг предмети мулкни сақлаш ҳақидаги шартномадир ва ушбу шартнома томонлари театр ва томошабин ҳисобланади. Бироқ бошқа шахслар томонидан бошланган процессда иштирок этиш баробарида гардероб хизматчиси (учинчи шахс) пальтонинг йўқолишида ўзининг айби йўқлигини исботловчи далилларни келтириш орқали ўзининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши ва келажақда унга нисбатан бўладиган регресс даъвонинг қаноатлантирилиши рад этилишига эришиши мумкин. Шундай қилиб, ушбу турдаги учинчи шахсларнинг манфаатдорлиги низо предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахсларнинг манфаатдорлигидан фарқланади.

Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахсларни процессга жалб қилиш (киришиш)нинг юридик асосларидан бири регресс ҳуқуқининг рўй бериши ҳисобланади. Ундан ташқари, низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахсларни процессга жалб қилиш ҳар доим ҳам унинг регресс ҳуқуқи билан боғлиқ бўлавермайди. Масалан, агар болалар таъминоти учун алимент ундириш ҳақида даъво тақдим этилган бўлиб, жавобгар бошқа никоҳдан туғилган фарзандларига алимент тўлаётганлиги аниқланса, у ҳолда фойдасига алимент ундирилаётган манфаатдор шахслар жавобгар томонида туриб ишда иштирок

этувчи учинчи шахс сифатида жалб этилиши лозим. Мазкур ҳолатда учинчи шахснинг регресс ҳуқуқи юзага келмаса-да, бироқ агар даъво талаби қаноатлантирилгудек бўлса, бу ҳол бошқа никоҳда бўлган фарзандларга туланаётган алимент миқдориغا, яъни учинчи шахснинг манфаатларига таъсир кўрсатади.

Низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахсларни процессға жалб қилишни талаб қилувчи нормалар айрим қонун ҳужжатларида ҳам мустаҳкамлаб қўйилади. Масалан, Фуқаролик кодексининг 394-моддаси биринчи қисмиға кўра, агар учинчи шахс олди-сотди шартномаси бажарилгунға қадар юзага келган асос бўйича товарни олиб қўйиш тўғрисида сотиб олувчиға даъво қилса, сотиб олувчи сотувчини ишда қатнашишға жалб қилиши, сотувчи эса бу ишда сотиб олувчи томонида қатнашиши шарт. Ундан ташқари, юридик шахснинг ёки фуқаронинг ўз ходими томонидан ётказилган зарар учун жавобгарлиги назарда тутилган Фуқаролик кодексининг 989-моддасиға мувофиқ юридик шахсға нисбатан даъво кўзғатилган тақдирда унинг ўз ходими жавобгар томонида туриб иштирок этувчи учинчи шахс сифатида эътироф этилади.

Юридик адабиётларда низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар "тарафларнинг ҳамкорлари" деб аталганлиги, бу эса ушбу шахсларнинг ишдаги иштирокининг характерини аниқ белгилаб бериши ҳақида фикрлар билдирилган.² Дарҳақиқат, мазкур шахслар тарафлар (даъвогар ёки жавобгар)дан қайси бири томонида туриб иштирок этса, унинг фойдасиға ҳал қилув қарори чиқарилишиға кўмаклашди ва шу билан бир қаторда ўзининг қонуний манфаатларини ҳам ҳимоя қилишға эришади. Ш.Ш.Шорахметов ҳам мустақил талаблари бўлмаган учинчи шахс тарафлардан бирининг ёрдамчиси сифатида ишда иштирок этиб, ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида унга ёрдам беришини, учинчи шахс билан процессдаги тарафлардан бирининг манфаатлари фақат иш юзасидан қарор чиқарилгунча бир-бириға тўғри келиб, кейинчалик буларнинг манфаатлари бир-бириға зид келишини таъкидлайди.³

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Расмий нашр. –Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2008 й.

² Гражданский процесс / Учебник. Отв. ред. проф. В.В. Ярков. – М.: Волтерс Клувер, 2004. -71 с.

³ Шорахметов Ш.Ш.Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент, Адолат. 2001. – 70 б.

Адабиётларда эътироф этилишича, учинчи шахсларнинг регресс даъволари асосий даъво бўйича суд ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейингина тақдим этилиши мумкин.¹ Ш.Ш.Шорахметовнинг фикрича ҳам бир процесснинг ўзида асосий ва регресс даъволарнинг қўрилиши мумкин эмас. Бунга сабаб шуки, биринчидан, чиқарилган қарор юзасидан учинчи шахсда ёки тарафлардан бирида пайдо бўладиган ҳуқуқларни мажбурий равишда амалга ошириш керак бўлиш-бўлмаслиги дастлабки даъво талаби бўйича қарор чиқарилганда ҳали маълум бўлмайди; иккинчидан, суднинг ҳал қилув қарори то қонуний кучга киргунча қатъий бўлмайди, бинобарин, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг пайдо бўлиши тўғрисида ҳануз гапириб бўлмайди; учинчидан, тарафлар ўртасидаги муносабатлар тўғрисида қатъий бир хулосага келмасдан туриб, тарафлардан бирининг учинчи шахс билан бўлган муносабатини аниқлаш ҳам қийин бўлади.² Бироқ қонунчилик бир процесснинг ўзида асосий даъво билан регресс даъвонинг қўриб ҳал этилишини ҳам назарда тутаяди (*Бу ҳақда маъқур бобнинг 4-параграфида батафсил тўхталиб ўтилган*).

Мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслар тарафларнинг процессуал ҳуқуқларидан фойдаланадилар ва уларнинг процессуал мажбуриятларини ўз зиммаларига оладилар. Бироқ арз қилинган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартириш, миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш, улардан воз кечиш каби ҳуқуқлардан фойдалана олмадилар. Бошқача қилиб айтганда, низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар ФПКнинг 34-моддасида кўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Низо предметига мустақил даъво қилмайдиган учинчи шахслар низоли моддий ҳуқуқий муносабатлар субъекти бўлмаганлиги сабабли уларга қарши даъво қилинмайди ҳамда улар ҳам қарши даъво тақдим эта олмайди.

Агар мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида даъвогарнинг ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисида арз қилинган талабларни тан олса, суд мажбуриятни бажаришни учинчи шахс зиммасига юклаш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқаришга ҳақли. Айнан шундай ҳолларда, даъвогар ва мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс ўртасида келишув битими тузилишига йўл қўйилади (ФПКнинг 45-моддаси учинчи қисми).

¹ Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. –94 с.

² Қаранг: Шорахметов Ш.Ш. Ўша жойда. –71 б.

5.4. Ишга тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича учинчи шахсларнинг судда иштирок этиш хусусиятлари

Иш берувчиларнинг ҳамда ходимларнинг меҳнатта оид ҳуқуқларини, шунингдек жамоатчилик манфаатини ҳимоя қилиш учун суд бошқа шахсларнинг илтимосисиз, ўз ташаббуси билан ишда иштирок этиш учун корхонанинг мансабдор шахсини жалб қилиш ва унинг зиммасига ходимга мажбурий бекор юрган вақти учун иш ҳақи тўлаши муносабати билан иш берувчига ётказилган зарарни қоплаш мажбуриятини юклаши мумкин. ФПКнинг 259-моддасида меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ёки ноқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходимларни аввалги ишига тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича суд ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга ёки бошқа ишга ўтказишга фармойиш берган мансабдор шахсни учинчи шахс сифатида ишда иштирок этиш учун жавобгар томонидан жалб қилиши шартлиги ўз ифодасини топган. Ушбу қонданинг киритилишидан кўзланган мақсад меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ёки бошқа ишга ўтказиш очикдан-очик қонунга хилоф бўлганлигини аниқлаган суд шу процесснинг ўзидаёқ, мансабдор шахс зиммасига мажбурий проғул ёки кам ҳақ тўланадиган иш берилган вақт учун ходимга иш ҳақи тўлаш натижасида иш берувчига ётказилган зарар ўрнини қоплаш мажбуриятини юклашдан иборатдир.

Мансабдор шахснинг иш берувчи олдидаги мазкур жавобгарлиги фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликнинг бир кўриниши бўлмай, балки меҳнатта оид ҳуқуқий нормаларда назарда тутилган мустақил жавобгарлик тури ҳисобланади. Мазкур жавобгарлик масаласини ҳал қилар экан, судлар, башарти меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки бошқа ишга ўтказиш қонунни очик-ойдин бузган ҳолда амалга оширилган бўлсагина, йўл қўйилишига алоҳида эътибор беришлари лозим бўлади.

ФПКнинг 259-моддаси мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахсларнинг иштироки билан боғлиқ қондалардан қуйидаги иккита истисно ҳолатни назарда тутлади:

а) бир вақтнинг ўзида асосий даъво билан бирга регресс даъво ҳал қилинади;

б) регресс даъво ҳақида жавобгар ёки прокурорнинг талаби маъжуд бўлмаса-да, ушбу даъво суд ташаббуси билан кўриб чиқилиши мумкин.

Фуқаролик процессуал қонун талабларидан келиб чиқиб учинчи шахс сифатида суд мажлисига жалб этилган мансабдор шахс ҳам албатта ишнинг кўрилиши вақти ва жойи тўғрисида тегишлича хабардор қилиниши лозим. Мансабдор шахс судга узрсиз сабабларга кўра келмаса ёки унинг ҳозир бўлмаслик сабаблари ҳақида маълумот бўлмаган тақдирда, суд унинг иштирокисиз ҳам ишни кўришга ҳақли бўлади.

Меҳнат ишлари бўйича учинчи шахс сифатида мансабдор шахсларни процессга жалб қилиш, ўз навбатида меҳнатга оид низоли ишларнинг тез ва тўлиқ кўриб ҳал қилинишига, мансабдор шахсларнинг меҳнат қонунчилигини кўпол равишда бузиши ҳолатларига қарши самарали кураш олиб боришнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Ходимнинг меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилган ёки бошқа ишга ўтказиш тўғрисида буйруқ берган мансабдор шахсларнинг ишга тиклаш тўғрисидаги низолар бўйича процессга жалб қилиниши ва улар зиммасига моддий жавобгарлик юклатилиши ҳақидаги қоидалар амалиётда ташкилот раҳбарларига нисбатан масъулият юклайдиган чоралардан ҳисобланишига қарамаздан, мансабдор шахслар томонидан ходимларни ишдан бўшатиш ёки бошқа ишга ўтказиш ҳолатлари кўплаб содир этилмоқда. Натижада иш берувчига нисбатан отказилган зарарни қоплаш мақсадида кўзғатилган даъволар ва ундириладиган сумма миқдори йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Мансабдор шахс иш берувчига отказилган моддий зарар учун меҳнат қонунчилигида белгиланган ўзининг уч ойлик иш ҳақи миқдорида жавобгар бўлади (МКнинг 274-моддаси). Шу ўринда нима учун мансабдор шахснинг моддий жавобгарлиги қонунда чегаралаб қўйилган, деган савол туғилади. Адабиётларда мансабдор шахсларнинг иш берувчи олдидаги моддий жавобгарлигининг чегараси ушбу жавобгарликнинг мақсадидан келиб чиқиши ва мансабдор шахсларнинг моддий жавобгарлиги кўпроқ тарбиявий вазифаларни амалга оширишдан иборат бўлиши таъкидланади.¹ Лекин фикримизча, меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш, ходимларни ғайриқонуний равишда ишдан бўшатиш ва бошқа ишга ўтказиш ҳамда иш берувчиларга нисбатан отказилган зарар миқдорини камайтириш ва шу асосда корхона таш-

¹ Калужный С.А. Ответственность должностных лиц за нарушения законодательств о труде. –Уфа. 1981. 15 с.

килотларнинг иш фаолиятини нормаллаштириш мақсадида ҳодимни ғайриқонуний равишда ишдан бўшатган ёки бошқа ишга ўтказган мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш лозим.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Фуқаролик процессида учинчи шахслар деганда кимлар тушунилади ва уларнинг қандай турлари мавжуд?
2. Фуқаролик процессида учинчи шахслар иштирок этишининг аҳамияти нимада?
3. Мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахслар кимлар ва уларнинг ишга киришиш асослари ҳақида гапиринг?
4. Мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахсларнинг қандай процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари бор?
5. Мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахсларнинг шерик даъвогарлардан фарқи нимада?
6. Мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслар деганда нимани тушунаси?
7. Мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахсларни ишга жалб қилиш (киришиш)нинг қандай асослари мавжуд?
8. Мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахсларнинг қандай процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари бор?
9. Учинчи шахсларнинг умумий жиҳатлари ва ўзаро фарқлари нималарда намоён бўлади?
10. Ишга тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича учинчи шахсларнинг судда иштирок этишининг қандай хусусиятларини биласиз?

МАХСУС АДАБИЁТЛАР:

1. Гапеев В.Н., Джаникян М.В. Третьи лица без самостоятельных требований и их участие в гражданском процессе // Реализация процессуальных норм органами гражданской юрисдикции: Сб. науч. тр. –Свердловск, 1988.
2. Грицанов А.С. К вопросу о понятии третьих лиц, не заявляющих самостоятельных требований на предмет спора // Проблемы гражданского и трудового права и гражданского процесса. –Томск, 1978. Вып. 2.
3. Грось Л. О третьих лицах в гражданском и арбитражном процессах // Хозяйство и право. 1999. № 12.

4. Калужный С.А. Ответственность должностных лиц за нарушения законодательств о труде. —Уфа. 1981. 15 с.
5. Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид низоли ишларни судда кўришда учинчи шахслар иштироки // Ж. Хўжалик ва ҳуқук. 2000. 7-сон. -Б. 28-32.
6. Мамасиддиқов М.М. Меҳнат ишлари бўйича етказилган зарарни судда ундириш. Ўқув кўлланма. —Тошкент.: Адолат. 2001.
7. Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Ўқув кўлланма. —Тошкент.: ТДЮИ. 2004 йил.
8. Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Монография \ \ Ю.ф.д., проф. Ш.Ш. Шорахметовнинг умумий таҳрири остида. —Тошкент.: ТДЮИ. 2005. -174 б.
9. Мамасиддиқов М.М., Хабибуллаев Д.Ю. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. (Схема ва жадваллар). Ўқув услубий кўлланма. —Тошкент.:ТДЮИ, 2006.
10. Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процесси иштирокчилари таркибини такомиллаштиришнинг амалий масалалари // Ж. ТДЮИ Ахборотномаси. 2007, 4-сон. —Б. 36-39.
11. Мамасиддиқов М.М. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Ўқув-услубий кўлланма. Проф. Ш.Ш. Шорахметов таҳрири остида. —Тошкент.: АҚҲМИ, 2008. -332 б.
12. Туманова Л. В. Актуальные проблемы участия в гражданском судопроизводстве третьих лиц, не заявляющих самостоятельных требований на предмет спора, и органов Государственного управления, дающих заключение по делу: Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. —Саратов, 1985.

6-БОБ

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИ

Бобнинг мақсади фуқаролик процессида прокурор иштирокининг ўзига хос хусусиятлари, унинг биринчи инстанция судида иштирок этиш асослари ва шаклларига доир масалаларни батафсил тушунтиришдан иборатдир. Мазкур бобда, шунингдек прокурорнинг фуқаролик процессидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, унинг бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш, бошқа шахслар ташаббуси билан кўзғатилган ишни кўришда бошидан иштирок этиш билан боғлиқ масалалар ҳам ёритиб берилган.

6.1. Фуқаролик процессида прокурорнинг вазифалари

Мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида муҳим ҳисобланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига қаратилган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгариш ва янгилликлар мамлакат тараққиётида алоҳида ўрин эгаллайди. Мамлакатимизда кенг кўламда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари мазкур ислоҳотларнинг ажралмас қисми сифатида прокуратура идоралари вазифаларининг аниқ белгиланишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Адолат – қонун устуворлигида”, деб номланган иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясидаги маърузасида (2001 йил 29 август) прокуратура фаолиятига алоҳида тўхталиб, прокуратура ваколатининг доирасини, унинг фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини халққа хизмат қилиш нўқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда белгилаш зарурлигини таъкидлаган.¹ Дарҳақиқат, жамиятни демократлаштиришнинг ҳозирги босқичида, яъни мамлакатда бозор муносабатларини тартибга солишнинг муҳим ҳуқуқий асослари, фуқароларни ва хўжалик субъектларини суд-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш институти барпо этилаётган бир пайтда прокурорлик назорати тизимига ҳам ўзгаришлар киритиш вақти келган эди. Бу эса замон талабларидан келиб чи-

¹ Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. –Тошкент, Ўзбекистон. 2002. –Б. 46-49.

қиб, "Прокуратура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрири лойиҳасини ишлаб чиқишни тақозо қилди. 2001 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги янги таҳрирдаги Қонуни қабул қилинди ва унга прокурор ваколатига аниқлик киритадиган бир қанча ўзгартишлар киритилди. Хусусан, қонун билан белгиланган прокурорлик назорати объектлари қаторидан фуқаролар чиқарилди. Бинобарин, демократик жамиятда алоҳида фуқаролар эмас, балки уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қандай ҳимоя қилинаётгани прокурорлик назоратининг объекти ҳисобланиши таъкидланди. Шунингдек, янги таҳрирдаги Қонунга кўра, прокурорларнинг ижро этиш учун мажбурий бўлган амрнома киритиш ваколатига барҳам берилди. Эндиликда Қонуннинг 37-моддасига кўра, протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирув прокурор назорати ҳужжатлари сифатида белгиланди.

Прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари борасида ҳам ўзгаришлар юз берди. Эндиликда вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар халқ депутатлари тегишли Кенгашларига, зарурат бўлган ҳолларда эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қонунийликнинг ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида ҳар йили ахборот берадилар (Қонуннинг 5-моддаси). Янги таҳрирдаги Қонунда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига зид бўлса, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарори асосида бекор қилиниши илк бор мустаҳкамлаб қўйилди. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан чиқариладиган буйруқ ва бошқа ҳужжатларнинг қонунийлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш шароитида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, шубҳасиз, фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокига оид қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилишига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Фуқаролик процессуал кодексига Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги Қонунига асосан ўзгартириш ва

қўшимча киритилиши¹ муносабати билан прокурорнинг фуқаролик процессидаги ҳуқуқий ҳолатида бирмунча ўзгаришлар юз берди. Хусусан, ФПКнинг 47-моддаси биринчи қисмидаги “ҳар бир ишнинг мазмуни юзасидан, шунингдек ишни кўриш вақтида келиб чиққан айрим масалалар бўйича ёзма ва оғзаки хулоса бериш”, деган сўзлар “иш мазмуни юзасидан, шунингдек ишни кўриш вақтида келиб чиққан айрим масалалар бўйича ўз фикрини баён этиш”, деган сўзлар билан алмаштирилди. Эндиликда прокурор фуқаролик процессида иштирок этар экан, ҳар бир фуқаролик иши юзасидан ёзма ва оғзаки хулоса эмас, балки ўз фикрини баён этиши белгиланди. Бу эса мамлакатимизда суд тизимининг нуфузини оширишга қаратилган амалий чоралардан бири сифатида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, иш юзасидан хулосани, яъни якуний тўхтамни фақат судгина чиқаришга ҳақли бўлади. Шунга мувофиқ равишда ФПКнинг “Прокурорнинг хулосаси” деб номланган 199-моддаси “Прокурорнинг фикри” деб номланди. Шунингдек, Фуқаролик процессуал кодексига прокурор ваколатларини чеклашга қаратилган бир қатор нормалар ҳам киритилди. Хусусан, ФПКнинг 352-моддасига кўра, назорат тартибида протест келтириш ваколатига эга бўлган прокурор ва унинг ўринбосарлари суд қарорлари ижросини тўхтатиш ҳуқуқига эга бўлмасликлари белгиланди. Бундай қоида бошқа янги ўзгартишлар қаторида судларнинг мустақиллигини таъминлаб, суд ва прокуратура ваколатлари ўртасидаги тегишли мувозанатни ўрнатишга ёрдам беради. Ундан ташқари, мазкур қоида суд процессида прокурор билан адвокатнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга ҳам замин яратади. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари ўзининг 2005 йил 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишга бағишланган дастурий маърузаларида прокуратура органларининг суд жараёнига аралашувини жиддий чеклаш бўйича қонунчилик нормаларига зарур ўзгартишлар киритилганлигини, бугунги кунда суд жараёнида тортишув тамойили, яъни прокурор билан адвокат ҳуқуқларининг тенглиги таъминланаётганлигини алоҳида таъкидлаган.²

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 4-2-сон, 11-модда.

² Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. –Тошкент, Ўзбекистон, 2005. –174-222.

Ўзбекистон Республикасида прокуратура Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадиган, давлатнинг мустақил органи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш вазифасини Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар зиммасига юклайди (118-модда).¹

Прокуратура идораларининг асосий вазифалари ҳақида Президентимиз И.А.Каримов алоҳида тўхталиб, улар фуқароларнинг ҳуқуқлари камситилиши ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида бошқарув ва назорат органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари қонунийлигини назорат қилиб боришлари зарурлиги, бу прокурорларнинг асосий вазифаси ва бурчи эканлигига алоҳида урғу бериб, фуқаро ва унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг устунлик даражасини таъкидлаб ўтади.² Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги (янги таҳрири) Қонуни 2-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборатдир.³

Юридик адабиётларда прокурор назорати деганда, давлат номидан махсус ваколатга эга бўлган мансабдор шахслар – прокурорлар томонидан қонунбузилиш ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф қилиш, айбдор шахсларни қонун билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш билан қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлашга қаратилган қоғолият тушунилиши таъкидланади.⁴ Профессор Ш.Ш.Шорахметовнинг таъкидлашича, прокурор назорати ҳеч қандай маъмурий ҳокимиятга эга бўлмаганлигини, ҳар қандай маъмурий ҳокимиятдан фарқ қилишлигини ва бирорта маъмурий масала бўйича ҳеч қандай ҳал қилувчи овозга эга эмаслигини эсда тутиш керак. Прокурор фақат биргина нарсага ҳаққи бор ва мажбур, у ҳам бўлса ҳеч қандай маҳаллий хусусиятларга ва маҳаллий таъсирларга қарамасдан бутун Республикада қонунни ва бошқа ҳуқуқий меъёрларни бир хилда тушунишнинг татбиқ этилишини кузатиб боришга қаратил-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент, Ўзбекистон. 2011. –Б. 32-33.

² Каримов И.А. Адолат - қонун устуворлигида. Ҳавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. –Тошкент, Ўзбекистон. 2002.

³ Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги (янги таҳрири) Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 2001. 9-10-сон, 168-модда.

⁴ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва прокуратура. Мусул муҳаррир: ю.ф.д., проф. А.Х.Саидов. –Тошкент, ТДЮИ, 2005, -8 б.

ган. Прокурорнинг бирдан-бир ҳуқуқ ва бурчи масалани суд ҳукмига топшириш лозимлиги юридик адабиётлардан маълум.¹

Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги (янги тахрири) Қонунига кўра, прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири судларда фуқаролик ишларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш ҳисобланади (4-модда).² Шу ўринда, фуқаролик процессида прокурор иштирокининг муҳим аҳамият касб этишини эътироф этган ҳолда, ҳуқуқий адабиётларда фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштироки баҳс-мунозарали масалалардан ҳисобланишини таъкидлаш ўринли бўлади. Айрим муаллифлар фуқаролик процессида прокурор иштирокини ва ваколатларини кучайтириш тарафдорлари бўлсалар,³ айримлари эса, аксинча, фуқаролик процессида прокурор иштирокини чеклаш ёки тўлиқ чиқариб ташлашни таклиф қиладилар.⁴ Бу борада аксарият олимлар прокурорнинг фуқаролик процессидаги назорат предмети суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилиги ҳамда уларни ижро этишда қонун ҳужжатларига амал қилинишидир, деган ягона хулосага келганлар.⁵ Дарҳақиқат, прокуратура органларининг ташкилий фаолиятидаги муҳим хусусияти унинг ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари, маҳаллий органлар ва мансабдор шахслардан мустақил эканлигидадир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 120-моддасига кўра, прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширадилар. Шунингдек, прокурорлар ўз ваколатлари даврида сиёсий партиялар

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи: Дарслик. —Тошкент: Адолат 2001. -72 б.

² Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги (янги тахрири) Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 2001. 9-10-сон, 168-модда.

³ Назаров Ф.И. Прокурорнинг ҳуқуқлари. // Ж. "Қонун ҳимоясида". 2000. № 3, -Б. 10-14.; Назаров Ф.И. Шахсларнинг манфаатларини кўзлаб прокурорнинг фуқаролик ишларини кўзатишига бўлган ҳуқуқи. // Ж. "Ҳаёт ва қонун". 2000, № 5.; Назаров Ф.И. Шахс манфаатлари ва прокурор ҳуқуқи. // Ж. "Ҳаёт ва қонун". 2000, № 5-6. - 77 б.; Назаров Ф.И. Мақсадимиз — қонунийлик. "Қонун ҳимоясида". 2001, № 5-6.; Степина Л. Проект ГТК РФ и роль прокуратура в гражданском судопроизводстве // Законность. 2001, № 7.; Власов А. Катакста на "око государево" // Российская юстиция, 2001. № 8. - 35 с.

⁴ Похмелкин В. Участие прокуратуры в рассмотрении гражданских дел — юридический атавизм // Российская юстиция, 2001. № 5. - 6 с.

⁵ Савицкий В.М. Государственное обвинение в суде. —М., 1971. С. 13-36; Божьев В.П. Уголовно-процессуальные правоотношения. М., 1975. С.154-155; Научно-практический комментарий к ГТК РСФСР. М., 1976. С. 24; Трубинов П.Я. Пересмотр решений в порядке судебного надзора. М., 1974. С. 16.

ва бошқа жамоат бирлашмаларига аъзоликни тўхтатиб туриши тўғрисида қоида белгиланган. Ўзбекистон Республикасидаги барча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, давлат назорати идоралари, ҳокимлар, кимга бўйсинишидан, кимнинг тасаруфида бўлишидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ҳарбий қисмлар, мансабдор шахслар, шунингдек фуқаролар томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи қўйи прокурорлар томонидан амалга оширилади. Қонунларни тўғри татбиқ қилиш борасида прокуратура органларининг фаолияти судларга бирмунча ўхшаш бўлса-да, судлар ўз фаолиятини одил судловни амалга оширишга қаратадилар, прокурор эса, одил судловни амалга ошириш учун ҳар томонлама кўмаклашувчи орган бўлиб ҳисобланади.

Демак, суд ва прокуратура органларининг қонунларни тўғри татбиқ қилиш юзасидан назорат этиш вазифасида ўхшашликлар мавжуд бўлса-да, бироқ уларни амалга оширишда суд ва прокурор ўзига хос турли усул ва шакллардан фойдаланади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси қабул қилиниши муносабати билан прокурорнинг фуқаролик процессидаги вазифаси ҳам замон талабларидан келиб чиқиб ўзгарди. Эндиликда фуқаролик суд ишларини юритишда прокуратура органлари ўз олдига қўйилган ва қонунда кўрсатилган қатор вазифаларни амалга ошириш билан бирга суд процессида фаол қатнашиб, иш юзасидан қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор чиқарилишини таъминлашга кўмаклашади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 11 майдаги “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида”ги 22-сонли буйруғида ҳам фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судларда прокурор ваколатини малакали таъминлаш, судларнинг қонунга зид бўлган қарорлари устидан протест келтириш бу соҳадаги прокурор фаолиятининг асосий вазифаси эканлиги таъкидланди.¹ Фуқаролик

¹ Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари фаолиятини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Бош прокурорнинг буйруқлари тўплами (2006 йил 5 апрелгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан). —Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси. 2006. — Б. 295-296.

суд ишлари юритилишида прокурор ваколатлари фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамланган шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, давлат, жамоат ва хусусий мулк эгаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунда назарда тутилган ёки суд ишда прокурорнинг қатнашишини зарур деб топган ҳамда Бош прокурор буйруғида белгиланган ҳолларда барча суд инстанцияларида прокурор ваколатини самарали таъминлаш, прокурор иштирокисиз кўрилган ишлар юзасидан суд қарорларининг қонунийлигини апелляция муддатига ўрганиб, ноқонуний суд қарорларини шу босқичда қонунга мувофиқлаштириш чораларини кўриш, қонуний кучга кирган суд қарорларининг қонунийлигини аризаларга асосан ўрганиш ва аниқланган қонунбузилишларни бартараф этишга йўналтирилади.

2. Прокурорнинг фуқаролик процессида иштирок этиш асослари

Фуқаролик ишларининг кўрилишида прокурор ўз ваколатини куйидаги **тўрт усулда** амалга оширади:

1) *бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга муурожаат этиш;*

2) *бошқа шахслар ташаббуси билан кўзғатилган ишни кўришда бошидан иштирок этиш;*

3) *ўзи иштирок этган ва этмаган фуқаролик ишлари юзасидан чиқарилган суд ҳал қилув қарори устидан апелляция, кассация протестларини келтириш ва ишларнинг апелляция, кассация тартибида кўриб чиқилишида иштирок этиш;*

4) *қонуний кучга кирган суд қарорлари устидан назорат протести келтириш ва ишнинг назорат тартибида қайта кўрилишида иштирок этиш.*¹

Фуқаролик процессуал қонунчилик прокурорнинг фуқаролик процессида иштирок этишининг куйидаги учта асосини белгилайди:

¹ Қаранг: Мамасиддиқов М.М., Каримов М.Х. Фуқаролик процессида прокурор иштироки: қонунчиликдаги ютуқлар ва айрим муаммолар хусусида // "Мустақиллик йилларида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг янги асосларда шаклланиши: ютуқлар ва муаммолар" мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. 2007 йил 29 ноябрь. –Тошкент: ТДҶОИ. 2007. –Б. 112-117.

- 1) қонунда назарда тутилган ҳолларда;
- 2) суд ишда прокурорнинг қатнашишини зарур деб топган ҳолларда;
- 3) прокурорнинг аризаси билан кўзғатилган ишларда (ФПК-нинг 46-моддаси иккинчи қисми).

Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 11 майдаги “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида”ги 22-сонли буйруғида ҳам прокурорнинг фуқаролик ишларида иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлар баён этилган. Шу ўринда фуқаролик процессида прокурорнинг иштирок этиш асосларини тўғри белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “Прокуратура” деб номланган XXIV бобида мустаҳкамлаб қўйилган нормалар прокурорга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширишга ваколат беради. Шунингдек, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкинлигининг белгиланиши ҳам прокурорларнинг фуқаролик суд ишларини юритишда иштирок этишига асос бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизнинг кўплаб қонунларида прокурорнинг фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиб, судга мурожаат қилиш ҳуқуқ мустаҳкамлаб қўйилганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, Меҳнат кодексининг 9-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан амалга оширилиши белгиланган. Мазкур Кодекснинг “Меҳнат низосини кўришни сўраб судга мурожаат қилиш ҳуқуқи” деб номланган 268-моддасига кўра, прокурор ходим, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи, меҳнатнинг ҳуқуқ бўйича инспектори ҳамда иш берувчи билан бир қаторда меҳнат низосини кўриш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. Оила кодексининг 51-моддасига кўра эса, никоҳ ёшига етмаган шахс билан тузилган никоҳ ҳали никоҳ ёшига етмай никоҳга кирган шахснинг манфаатлари талаб қилган ҳолларда ҳақиқий

эмас деб топилиши мумкин. Бундай никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни никоҳ ёшига етмай никоҳга кирган шахс, унинг ота-онаси ёки ҳомийси, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда прокурор талаб қилишга ҳақлидир. Шунингдек, прокурор никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиб судга муурожаат қилишга ҳақли бўлади. Прокурор муомаллага лаёқатсиз деб топилган шахс билан тузилган никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги иш-ни суд васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда прокурорнинг ишти-рокида кўриб чиқади. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғри-сидаги ишлар прокурорнинг даъвосига биноан ҳам кўрилади. Шунингдек, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги иш-лар прокурор иштирокида кўриб чиқилади. Агар суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги ишларни кўришда ота-она (улардан бири)нинг ҳаракатида жиноят аломатлари мавжудли-гини аниқласа, бу ҳақда прокурорга хабар бериши шартлиги оила қонунчилигида ўз ифодасини топган.¹

Прокурорнинг фуқаролик суд ишларини юритишда иштирок этиши асослари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 11 май-даги 22-сонли буйруғида ўз ифодасини топган. Унга кўра, Фуқаролик про-цессуал ва Оила кодексларида назарда тутилган куйидаги ишлар судлар-да кўрилишида прокурор иштироки мажбурий экнлиги белгилаб кўйилган:

- суд ишда прокурорнинг қатнашишини зарур деб топган ҳолларда;
 - прокурорнинг аризаси билан кўзғатилган ишлар;
 - сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ишлар;
 - прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни гайриқонуний деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича ишлар;
 - фуқарони бедарек йўқолган деб топиш ёки ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги ишлар;
 - фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомаллага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишлар;
 - ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, шу ҳуқуқни тиклаш ёки чеклаш тўғрисидаги ишлар;
 - шахсни гайримуқотиб тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ишлар;
 - апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида кўрилаётган ишлар.
- Шунингдек, мазкур буйруқда белгиланишича, фуқароларни ишга тик-лаш, мулкни рўйхатдан чиқариш, фуқароларни бошқа турар жой бермас-дан яшаш жойидан кўчириш тўғрисидаги ишлар, Олий суд вилоят судлари

¹ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. –Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Расмий нашр. 2008.

ва уларга тенглаштирилган судларнинг биринчи инстанциясида кўриладиган ишларда прокурор иштироки қатъий таъминланиши юзасидан кўрсатмалар берилади.

Мамлакатимиз қонунчилиги прокурорнинг ҳар қандай фуқаролик ишларида иштирок этиши мумкинлигини белгилайди. Прокурор қонунда назарда тутилмаган ишларда иштирок этиши мазкур фуқаролик ишларининг долзарблиги, мураккаблиги, ижтимоий аҳамияти ва тумандаги қонунийлик аҳволидан келиб чиқиши лозим бўлади. Зеро, Бош прокурорнинг юқорида қайд этилган буйруғида ҳам бошқа турдаги фуқаролик ишларини судда кўришда уларнинг долзарблиги, мураккаблиги, ижтимоий аҳамияти ва тумандаги қонунийлик аҳволидан келиб чиқиб прокурор иштирок этиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Прокурорнинг ишда иштирок этиш асослари бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролардан ажралиб туради. Масалан, юқорида қайд этилган давлат бошқарув органлари бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиб, фақатгина қонунда кўрсатилган ҳоллардагина судда даъво кўзғата оладилар. Прокурор эса бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлади (ФПКнинг 46-моддаси). Ундан ташқари, давлат бошқарув органлари процесга қонунда кўрсатилган ҳолларда ўз ваколатлари доирасида иш юзасидан хулоса бериш мақсадида жалб қилинишлари ёки суд ташаббуси билан кириб келишлари мумкин. Прокурор эса бошқа шахслар ташаббуси билан кўзғатилган ишни кўришда ишнинг моҳияти бўйича ўз фикрини баён этиш мақсадида бошидан иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Фуқаролик процессида прокурор суддаги вакилдан ҳам ажралиб туради. Прокурор кимнингдир “шахсий” манфаатларини ҳимоя қилувчи вакил бўлиб эмас, балки қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат қилувчи Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ваколатларини таъминлаб, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиб иштирок этади. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиб иш кўзғатар экан, прокурорга бошқа шахслар томонидан ваколатлар берилиши талаб этилмайди, у даъвони ўз номидан тақдим этиб, ўз ҳаракатларини фақат қонунга асосланган

ҳолда олиб боради. Судга тегишли бўлган барча фуқаролик ишлари прокурорнинг даъвоси бўйича кўзғатилиши мумкин. Лекин прокурор айрим тоифадаги ишлар бўйича судда даъво кўзғатиши учун бир қатор талаблар белгиланиши мумкин.

Юридик адабиётларда айрим тоифадаги ишлар бўйича прокурорнинг судга даъво аризаси билан муносабат қилиши мумкин эмаслиги таъкидлаб келинган. Масалан, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги,¹ ота-оналик тўғрисидаги ёзувлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги,² маъмурий жаримани солиш тўғрисидаги қарорнинг қонунийлигини текшириш тўғрисидаги³ ишлар шулар жумласидандир. Мазкур ишларнинг прокурор томонидан кўзғатилиши мақсадга мувофиқ эмаслигини оила муносабатлари бошқа муносабатларга қараганда шахсий эканлиги ва уларни ошкор қилиб бўлмалиги билан,⁴ маъмурий жаримани солиш тўғрисидаги қарор устидан эса прокурор умумий назорат тартибда протест келтириши мумкинлиги билан асослашга ҳаракат қилинган.

Лекин мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида қандай ҳуқуқ ва қонуний манфаатлар бузилганда прокурор судда фуқаролик ишини кўзғатиш ҳуқуқига эга бўлиши белгилаб қўйилмаган. Процессуал адабиётларда фуқаролик ишларини кўзғатиш бўйича прокурор ишларини яхши йўлга қўйиш, ўз фаолиятини аниқ бир мақсадга йўналтиришни таъминлаш учун прокурорнинг судда қандай тоифадаги ишларни кўзғатишга ваколатли бўлиши ҳақидаги қоида қонунчиликка киритилиши таклиф қилинади.⁵ Лекин ҳуқуқшунос олим В.Н.Аргунов мазкур фикр билан келишмайди ва прокурор ҳар доим фуқаролик ишини кўзғатиш ҳуқуқига эга бўлиши лозимлиги ва бу прокурор ваколатининг ажралмас элементи эканлигини билдиради.⁶ Лекин фикримизча, прокурорнинг судда фуқаролик ишларини кўзғатиш бўйича ваколатлари доирасининг белгиланмаслиги судда ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш ҳолатларининг кўпайишига, суд процессларида тарафлар фойдаланадиган эркин ҳуқуқ принципларининг у ёки бу даражада чекланишига олиб келиши мумкин. Бу борада МДҲга аъзо давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилигининг

¹Тертышников В.К. Процессуальные средства укрепления семьи в производстве о расторжении брака: Автореф. дис. канд. юрид. наук. Харьков, 1972. – 11 с.

²Комментарий к Кодексу о браке и семье РСФСР. –М., 1971. -89 с.

³Боннер А.Т., Квиткин В.Т. Судебный контроль в области государственного управления. –М., 1973. -39 с.

⁴Чечот Д.М. Социология брака и развода. Л., 1973. -6 с.

⁵Кравцов Б.В. Предъявление прокурорами исков – важная форма защиты прав и интересов граждан // Сов. государство и право, 1966, № 1. -С. 67-68.

⁶Аргунов В.Н. Участие прокурора в гражданском процессе. – М.: МГУ, 1991. -91 с.

тахлили шуни кўрсатадики, аксарият давлатлар қонунчилиги прокурор томонидан тақдим этилаётган даъво аризаларига манфаати ҳимоя қилинаётган шахснинг маълум бир сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаслигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинишини белгилайди.

Россия Федерацияси ГПКнинг 45-моддасига кўра, агар фуқаро соғлиги, ёши, муомалага лаёқатсизлиги ва бошқа узрли сабабларга кўра судга ўзи шахсан мурожаат қила олмасагина, ариза прокурор томонидан тақдим этилиши ҳақидаги қоида мустаҳкамлаб кўйилган.¹ Шу ўринда россиялик ҳуқуқшунос олимлар мазкур қондани шарҳлаб, фуқаронинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги прокурор аризасида фуқаронинг ўзи судга мурожаат қила олмаслигини асословчи ҳолатлар мавжуд бўлиши лозимлигини, Кодексда фуқаронинг судга шахсан ўзи мурожаат қила олмаслигининг узрли сабаблари белгиланган рўйхатнинг мавжуд эмаслиги прокурорнинг даъво аризани тайёрлаш жараёнида қонуннинг юқоридаги талабларини бажариш мажбуриятидан озод қилмаслигини, мазкур ҳолатларнинг узрли ёки узрсиз эканлигини баҳолаш ҳуқуқи судларга берилган бўлиб, прокурор томонидан қонуннинг ушбу талабига риоя қилмаслик унинг аризаси суд томонидан ҳаракатсиз қолдирилишига олиб келишини таъкидлайдилар.²

Фуқаролик ишини кўзғатиш борасидаги прокурор ҳуқуқларининг чекланиши Беларусь Республикаси ГПКда ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, ГПКнинг 81-моддасига кўра, агар Беларусь Республикасини, унинг маъмурий-худудий бирлигини, шунингдек юридик шахслари ва фуқароларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун талаб этиладиган бўлса, прокурор фуқаролик ишини кўзғатиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақли бўлиши белгиланади.³ Шунингдек, Қозоғистон Республикаси ГПКнинг 55-моддасига мувофиқ, прокурор томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги даъво манфаатдор шахснинг илтимосига кўра, агар у узрли сабабларга кўра судга ўзи шахсан мурожаат қила олмасагина, тақдим этилиши мумкин.⁴

¹ Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации. –М.: Юристъ, 2003. –С.36-37.

² Тихонова Ю.В. К вопросу о процессуальном положении прокурора как участника гражданско-го процесса. // Юридический аналитический журнал. 2003. № 2. -84 с.; Садовщикова А.И. Участие прокурора в гражданском процессе, для защиты прав и интересов других лиц. // Право: Теория и Практика. 2003, № 4.; Ярыгин А.Ю. К вопросу о правовых возможностях прокурора в гражданском судопроизводстве. // Ж. "Право:Теория и Практика" 2003. № 16.

³ Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь от 11 января 1999 года, Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь, 1999 г., № 18-19, 2/13.

⁴ Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан от 13 июля 1999 года. Ведомости Парламента Республики Казахстан, 1999 г. № 18, ст. 644.

Худди шундай қоида Молдова Республикаси ГПКнинг 71-моддасида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.¹

Мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилиги эса юқоридаги қоидалардан фарқли равишда прокурорнинг бошқа шахслар ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳар қандай ҳолатда ҳам судга ариза билан мурожаат қилиши мумкинлигини белгилайди (ФПКнинг 46-моддаси). Лекин 2001 йил 29 августдаги "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 26-моддасида фуқаронинг суд тартибида ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва эркинликлари бузилса, лекин фуқаро соғлиғига, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, даъво ни прокурор тақдим этиши ва судда қувватлаши белгиланган. Кўриб турганимиздек, "Прокуратура тўғрисида"ги Қонун фуқаро соғлиғига, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмасани прокурорнинг судга даъво билан мурожаат қилиши каби талабларни белгиламоқда. Бу эса прокурорнинг фуқаролик процессидаги иштироки доирасини аниқлаб берадиган норма ҳисобланади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари шароитида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шундай экан, фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш вазифаси юклатилган прокурорларнинг фуқаролик ишларини судда кўриш ва ҳал этиш жараёнидаги иштироки муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги ва "Судлар тўғрисида"ги қонунларининг қабул қилиниши, фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчилигидаги ўзгаришлар, шу жумладан, судларнинг ихтисослашуви ва суд қарорларини текширишда апелляция институтининг жорий қилинганлиги фуқаролик ишларини кўришда про-

¹ Гражданский процессуальный кодекс Республики Молдова. от 30 мая 2003 года N225-XV. (В редакции Законов РМ N399-XV от 16.10.2003 г., N544-XV от 19.12.2003 г., Постановления КС N 2 от 19.02.2004 г., Законов N573-XV от 26.12.2003 г., N303-XV от 23.09.2004 г., №60-XVI от 28.04.2005 г., №154-XVI от 21.07.2005 г., №205-XVI от 28.07.2005 г., №335-XVI от 18.12.2005 г., N244-XVI от 21.07.2006 г.) (Monitorul Oficial N 111-115 от 12 июня 2003 года) Гражданский процессуальный кодекс Республики Молдова № 225-XV от 30 мая 2003 года вводится в действие с 12 июня 2003 года.

курор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширишни тақозо этмоқда. Шундай экан, бизнинг фикримизча, судларда прокурор ваколатини малакали таъминлаш ҳамда унинг мазкур жараёндаги вазифаларини аниқ белгилаш мақсадида фуқаролик процессуал қонунчилигида прокурор кўзғатиши мумкин бўлган фуқаролик ишларининг рўйхатини белгилаш ва бу борада чет эл давлатлари, хусусан МДҲга аъзо мамлакатлар қонунчилик тажрибасини ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

Айрим давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигида, хусусан, Молдова Республикаси ФПКнинг 71-моддасида прокурор томонидан кўзғатиши мумкин бўлган фуқаролик ишларининг рўйхати белгиланган. Мазкур рўйхатта давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишни талаб этдиган ишлар киритилганлиги ҳам прокурорнинг фуқаролар ўртасидаги муносабатларга имкон даражасида аралашмаслигидан далолат беради. Унга кўра, прокурор: а) бюджетни шакллантириш ва ижро этиш; б) давлат эгаллигида бўлган мутлақ мулкни ҳимоя қилиш; в) давлат манфаатларини чеклашга қаратилган шартномаларни бекор қилиш; г) устав капиталида давлат ҳиссаси бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар фойдасига пул суммаларини ундириш; д) давлат органлари, бошқа органлар, давлат хизматчилари томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қонунга мувофиқ ҳақиқий эмас деб топиш; е) ноқонуний эгалланган мулкни давлат фойдасига мусодара қилиш; ж) белгиланган тартибни бузган ҳолда ташкил этилган юридик шахсларнинг рўйхатдан ўтганлигини бекор қилиш, шунингдек ноқонуний фойда олган юридик шахсларни тугатиш; и) атроф-табиий муҳитни муҳофаза этиш каби ишларни кўзғатишга ҳақли бўлади.¹

6.3. Прокурорнинг фуқаролик процессида иштирок этиш шакллари

Прокурор биринчи инстанция судларида қуйидаги икки шаклда иштирок этади: – *бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш;* – *бошқа шахслар ташаббуси билан кўзғатилган ишни қўришда бошидан иштирок этиш (ФПКнинг 46-моддаси биринчи қисми).*

Юридик адабиётларда прокурорнинг фуқаролик процессида иштирок этиш асослари юзасидан бир хил нуқтаи назарлар мавжудлигини кўрсатган ҳолда, унинг ишда иштирок этиш шакллари борасида турли баҳс-мунозалар мавжудлигини таъкидлаш ўринли бўлади. Хусусан, бир гуруҳ олимлар прокурорнинг фуқаролик процессида иштирок этишининг икки шакли

¹ Гражданский процессуальный кодекс Республики Молдова. N 225-хv от 30.05.2003.

мавжудлигини кўрсатсалар,¹ айрим ҳуқуқшунос олимлар эса прокурорнинг уч шаклда иштирок этишини кўрсатадилар.² Уларнинг фикрича, прокурорнинг ишда иштирок этишининг учинчи шакли унинг суд қарори устидан протест келтиришидир.

Юқоридаги биринчи гуруҳ олимларининг фикрига қўшилган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, прокурорнинг бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиши ҳамда бошқа шахслар ташаббуси билан кўзғатилган ишни кўришда бошидан иштирок этиши унинг биринчи инстанция судида иштирок этиш шакли сифатида эътироф этилади. Прокурорнинг суд қарори устидан протест келтириши эса унинг юқори инстанция судида иштирок этишининг алоҳида шакли эканлигини айтиш мумкин. ФПКнинг 46-моддаси мазмунидан келиб чиқиб, прокурорнинг биринчи инстанция судида иштирок этишининг икки шакли мавжуд.³ Прокурорнинг фуқаролик процессида қандай процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиши унинг қайси шаклда иштирок этаётганлигига боғлиқ эканлигини ҳам таъкидлаш лозим. Масалан, прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат қилган тақдирда, даъво аризаси учун давлат божини тўлашдан озод қилинади, даъвогарнинг розилиги билан ўзи арз қилган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартириш, даъво талабларининг миқдорини кўпайтириш ёхуд камайтириш, ўз аризасидан воз кечиш каби ҳуқуққа эга бўлади.

Прокурор фуқаролик процессининг иккинчи шаклида, яъни бошқа шахслар ташаббуси билан кўзғатилган ишни кўришда фикр бериш мақсадида бошидан иштирок этган тақдирда эса, даъводан воз кечиш, даъво талабларининг асоси ёки предметини ўзгартириш, даъво талабларининг миқдорини кўпайтириш ёхуд камайтириш каби ҳуқуқлардан фойдалана олмайди. Демак, прокурор фуқа-

¹ Масалан, Вихут М.А., Зайцев И.М. Гражданский процесс России: Учебник. –М.: Юрист, 1999, –С. 98-102; Гражданский процесс: Учебник / Под ред. В.В. Яркова. 3-е изд. перераб. и доп. –М.: Изд-во БЕК, 1999, –С. 82-83.; Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. –Тошкент, Адолат. 2001. 74-б.; Власов А.А. Гражданское процессуальное право: Учебник. –М.: -ТК Велби, 2003, С.98 -102.

² Мельников Н. Роль и возможности прокурора в гражданском и арбитражном судопроизводстве // Ж. Закон. 2003. –С.89-91.; Ярыгин А.Ю. К вопросу о правовых возможностях прокурора в гражданском судопроизводстве. // Ж. "Право:Теория и Практика" № 16. 2003.

³ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи: Дарслик. –Тошкент: Адолат 2001. –Б. 74-75.

ролик процессининг иккинчи шаклида иштирок этар экан, биринчи шаклда иштирок этиш жараёнидаги қатор ҳуқуқлардан фойдалана олмайди. Лекин шундай бўлса-да, прокурорлар қайси шаклда иштирок этишидан қатъи назар ФПКнинг 34-моддасида назарда тутилган процессуал ҳуқуқлардан, яъни иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусхалар кўчириш, рад этиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашаётган шахсларга саволлар бериш, арз қилиш, илтимосномалар тақдим этиш, судга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, ишни судда кўриш давомида туғиладиган ҳамма масалалар бўйича ўзларининг важларини баён қилиш, бошқа шахсларнинг арзлари, илтимосномалари, важларига қарши эътирозлар билдириш, суднинг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори ва буйруғи устидан шикоят қилиш, суд чиқарган ҳал қилув қарори, ажрими, қарори ва буйруқнинг мажбурий ижросини талаб қилиш, суд ижросисининг ҳаракатлари вақтида ҳозир бўлиш ва ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

6.4. Прокурорнинг фуқаролик процессидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ҳуқуқий демократик давлат куриш учун қонун устуворлигини таъминлашда қонунларнинг аниқ ва оғишмай бажариш фуқаролар, ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларининг ҳимоя қилинишидек, муҳим вазифаларни амалга оширишда прокуратура идораларининг аҳамияти катта. Прокуратура идораларининг фаолияти "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунда кўрсатилганидек, қонуннинг устунлигини ҳар томонлама қарор топтиришга, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан мустаҳкамланган инсон ва фуқаронинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, шунингдек давлат мустақиллигини, ижтимоий давлат тузумининг сиёсий ва иқтисодий тизимларни, миллий гуруҳлар ва ҳудудий тузилмаларнинг ҳуқуқларини ғайриқонуний тажовузлардан муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилгандир.¹ Фуқаролик суд ишларини юритиш билан боғлиқ бўлган қонунларнинг бажарилиши юзасидан прокурор ваколатини

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2001 й. 9-10-сон, 168-модда.

таъминлаш мақсадида прокурор судларнинг мустақиллиги ва фақатгина қонунга бўйсунуш тамойилига қатъий риоя этиб, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан одил судловни амалга оширишга кўмаклашади. Қонунда (ФПКнинг 46-моддаси) прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга ариза билан мурожаат қилишга ҳақли эканлиги ўз аксини топган. Шунингдек, прокурор бошқа шахслар ташаббуси билан кўзгатишган ишни кўришда процесснинг бошидан бошлаб иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. Демак, прокурор ФПКнинг 5-моддасига мувофиқ ўз ташаббуси билан ишга киришишдан ташқари, суд ташаббуси (қарори) бўйича ҳам, шунингдек қонуннинг махсус, тўғридан тўғри кўрсатмасига биноан ҳам ишга жалб қилиниши мумкин. Фуқаролик жараёнида қонунчиликка риоя қилиниши юзасидан ва одил судловни амалга оширишда судга кўмаклашиш мақсадида прокурор қатор процессуал ҳуқуқлардан фойдаланади. Унинг бу ҳуқуқлари ФПКнинг 34, 46, 47 ва бошқа моддаларида белгиланган.

Прокурор бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этишга, жараённинг бошланишида кўзгатишган ишга киришишга, иш материаллари билан танишишга, улардан кўчирмалар ва нусхалар олишга, четлатиш тўғрисида арз билдиришга, далиллар тақдим этишга, гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга, таржимонларга, даъвогар, жавобгарларга ва ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга одил судловни амалга оширишда кўмаклашувчи шахсларга саволлар беришга, далилларнинг текширилишида иштирок этишга, илтимослар қилишга, судга оғзаки ва ёзма баёнотлар беришга, иш мазмуни бўйича, шунингдек ишни кўриш вақтида келиб чиққан айрим масалалар бўйича судга ёзма ва оғзаки хулоса беришга, ваз ва мулоҳазаларни баён қилишга, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимос, ваз ва мулоҳазаларига қарши эътирозлар билдиришга, суд мажлиси баёни билан танишишга, баёнга изоҳлар беришга, суднинг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан кассация протестини билдиришга ва кассация инстанция ишга оид янги материаллар топширишга, кассация инстанцияда фикрларни беришга, протестни қувватлашга, протестни қайтиб олишга, ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари қонуний кучга кирган ишларни назорат тартибида кўриш

учун талаб қилиб олишга, ишнинг назорат тартибида кўрилишида прокурорнинг протестини қувватлашга, суд раислари томонидан келтирилган протестлар юзасидан хулоса беришга, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорларини, ажримлар ва қарорларни янгидан очилган ҳолатлар бўйича қайтадан кўриш тўғрисида илтимослар қилишга, суд ижрочисининг ва қарорларни ижро этувчи бошқа органларнинг нотўғри ҳаракатларни протест қилишга, шунингдек ФПКнинг 19, 310, 330, 346, 349, 351, 364-моддалари ва “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун бўйича берилган бошқа процессуал ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақлидир.¹

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.² Одатда, манфаатдор шахс ўзининг ҳуқуқини бузилган деб ҳисобласа, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ўзи судга мурожаат қилиб, фуқаролик ишини кўзғатади. Лекин, шу билан бирга, қонунчилигимиз ҳуқуқи бузилган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, бошқа шахсларнинг ҳам судга мурожаат қилиши мумкинлигини назарда тутаяди. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилувчи органлардан фарқли равишда, қонун прокурорнинг ҳар қандай фуқаролик ишини кўзғатиш ҳуқуқига эга эканлигини белгилайди. Демак, прокурорнинг аризасини қабул қилиш суд томонидан манфаатдор шахс номидан аризани иш юритиш ваколатига эга бўлмаган шахс берганлиги асосида (ФПКнинг 152-моддаси 7-банди) рад қилиниши мумкин эмас. Лекин бу прокурор томонидан берилган даъво аризасини суд ҳар қандай ҳолатда ҳам қабул қилиши лозимлигидан далолат бермайди. Бошқа шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, судга мурожаат қилаётган прокурорнинг аризаси судда кўришга тегишли бўлганида ёки судловга тааллуқли бўлганидагина қабул қилиниши мумкин. Акс ҳолда прокурор томонидан берилган ариза суд томонидан иш юритиш учун қабул қилинмаслиги лозим. Ундан ташқари, прокурор ҳам бошқа шахслар каби судга даъво аризаси тақдим этиши учун ФПКнинг 148,

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент, Адолат, 2001. – 75 б.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент, Ўзбекистон. 2008 йил.

149-моддалари талабларига риоя қилиши талаб этилади.

Прокурор томонидан берилган аризанинг мазмуни қонун талабларига жавоб бермаса, суд ушбу аризани ҳаракатсиз қолдиради ва прокурорни бу ҳақда хабардор қилиб, камчиликларни тузатиш учун унга муҳлат беради (ФПКнинг 154-моддаси). Прокуратура идораларининг жамият ҳаётида тутган ўрни алоҳида эътиборга лойиқ. Прокурор ақсарият ҳолларда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилиш имконияти чекланган шахслар манфаатлари юзасидан судга мурожаат қилади. Айниқса, оилада фарзанднинг манфаатларини ҳимоя қилиб, прокурорнинг судга мурожаат қилиш ҳоқлари суд амалиётида кўплаб учрайди. Бинобарин, Оила кодексининг 80-моддасига мувофиқ, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш суд тартибида амалга оширилиб, бу тўғридаги ишлар прокурорнинг даъвосига биноан ҳам кўзғатилиши мумкин. Прокурорнинг даъвоси бўйича кўзғатилган ишда вояга етмаган шахс даъвогар сифатида эътироф этилади. Мазкур ҳолатда суд мажлисида вояга етмаган шахснинг қонуний вакиллари сифатида кимлар иштирок этиши борасида савол туғилади. Чунки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича вояга етмаган шахсларнинг қонуний вакиллари унинг ота-оналари жавобгарнинг процессуал ҳолатини эгаллайдилар. Шу ўринда ишни кўраётган суд ишда иштирок этиш учун васийлик ва ҳомийлик органи вакилларини жалб қилиши шарт ва ушбу органлар прокурор билан биргаликда вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилдилар.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқ назариясида ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида прокурор томонидан кўзғатилган фуқаролик ишларининг судда кўрилишида унинг процессуал ҳуқуқий ҳолатини белгилаш билан боғлиқ масала бирмунча мураккаблик туғдиради. Юридик адабиётларда бу борада турли нуқтаи назарлар билдирилади. Бир гуруҳ олимларнинг фикрича, муайян шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб судда фуқаролик ишини кўзғатган прокурор процессда тарафнинг ҳуқуқий ҳолатини эгаллайди. Чунки у бузилган моддий ҳуқуқни ҳимоя қилиш мақсадида худди даъвогар каби суд муҳокамасида фаол иштирок этади, жавобгар билан тортишади, ўз талабларини асослайдиган далиллар тақдим қилади. Прокурор процессга бузилган моддий ҳуқуқни ҳимоя қилиш учун киришади ва бу борада даъвогарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олади.¹ Бошқа бир гуруҳ

¹ Полянский Н.Н., Страгович М.С., Сивицкий В.М., Мельников А.А. Проблемы судебного права. —М.: Юрлит. 1983. —С. 49-51.; Ференц-Сороцкий А.А. Прокурор в гражданском судопроизводстве // Известия высших учебных заведений. Правоведение. 1992. № 4. С. 91-95.

олимлар эса, прокурорнинг “процессуал маънода” тараф сифатида иштирок этишини кўрсатиб, ўз нуқтаи назарларини прокурорнинг моддий-манфаатдор шахс бўлмай, суд ҳал қилув қарори унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир кўрсатмаси-да, лекин у судга ариза билан мурожаат қилаётганда ҳам, суд процессида иштирок этаётганда ҳам даъвогарнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланиши, ўз талабларини исботловчи субъект бўлиб ҳисобланиши билан асослашга ҳаракат қиладилар. Ушбу нуқтаи назарнинг тарафдорлари прокурор субъектив моддий-ҳуқуқий манфаатдор шахс бўлмаси-да, лекин судга даъво аризаси билан мурожаат қилаётганда даъвогарнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланади, деган фикрларни илгари сурадилар.¹ Илмий адабиётларда айрим муаллифлар томонидан юқоридаги икки хил нуқтаи назардан фарқли бўлган бошқа фикрлар, яъни прокурор процессда мустақил процессуал ҳолатни эгаллаши, энг аввало қонунийликни назорат қилиш вазифаси юклатилган давлат органининг вакили сифатида иштирок этиши билдирилади. Ушбу гуруҳ олимларининг фикрича, прокурор ҳеч қачон процессда тараф ҳам, процессуал маънода даъвогар ҳам бўлмайди. Прокурор ишда иштирок этувчи шахслардан фарқли равишда процессда алоҳида мустақил ҳуқуқий мақомни эгаллайди ва бир вақтнинг ўзида қонунийликни таъминлаш каби вазифани амалга оширади.²

Юқоридаги омилларнинг барчаси фуқаролик процессида прокурор алоҳида вазифани, яъни қонунийлик устидан назорат олиб боришини, ишда иштирок этувчи барча шахслар ҳаракатларида қонунийликни таъминланишига, суд қарорларининг тўғри қабул қилинишига, суд томонидан одил судловнинг амалга оширилишига кўмаклашишини таъкидлаб ўтадилар. Юқоридаги биринчи ва иккинчи гуруҳ олимларнинг нуқтаи назарлари билан келишиб бўлмасликнинг сабаби шундаки, фуқаролик процессида тарафлар ишнинг якунидан фақат моддий ва процессуал манфаатдор бўладилар, процессда ўз номлари билан иштирок этадилар ва чиқариладиган суд ҳал қилув қарори уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир кўрсатади. Бизнинг фикримизча, прокурор зиммасидаги вазифанинг хусусиятидан келиб чиқиб, фуқаролик процессида иштирок этувчи бошқа шахслардан мустақил равишда ҳаракат қилади. Шунингдек, прокурорнинг фуқаролик процессида тараф ёки процессуал маънода даъвогар деган нуқтаи назарни илгари сурган муаллифларнинг фикри билан қуйидаги асосларга

¹ Аргунов В.Н. Участие прокурора в гражданском процессе. –М.: Изд-во МГУ, 1991. –114 с.; Назаров Ф.И. Прокурорнинг ҳуқуқлари // Ж. Қонун ҳимоясида. 2000, №3. –Б. 10-12.

² Викут М.А. Правовое положение прокурора, предъявившего иск в интересах другого лица // Вопросы теории и практики прокурорского надзора. –Саратов, 1974. –С. 135-136.; Банченко-Любимова К.С. Участие прокурора в суде 1 и 2 инстанции. –М.: Юрлит. 1963. –С. 10-11.

кўра келишиб бўлмайди: процессдаги тарафлар – даъвогар ва жавобгар тушунчаси – фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанида муайян мазмун ва ўзига хос белгиларга эга. Ишнинг якунидан моддий ва процессуал манфаатдор шахслар Тарафлар бўлиб ҳисобланади, улар процессда ўз номидан, ўзларининг субъектив ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиб иштирок этадилар. М.А.Викут тўғри таъкидлаганидек, “тарафлар – ҳуқуқ тўғрисидаги низонинг мажбурий субъекти, асосида процессга нисбатан моддий-ҳуқуқий, шахсий манфаат ётадиган низоли ҳуқуқий муносабат субъектидир”.¹ Тарафларга тааллуқли бўлган юқоридаги белгилар эса прокурорларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас. Шубҳасиз, фуқаролик процессида прокурор мустақил юридик манфаатларга эга бўлади. Лекин унинг ушбу манфаатдорлиги ўз характериға кўра давлат-ҳуқуқий ҳисобланади. Прокурор ишда иштирок этар экан, ўзининг субъектив ҳуқуқларини эмас, балки жамият (давлат) манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадини кўзлайди.

Профессор Ш.Ш.Шорахметовнинг фикрича ҳам прокурор ишда қандай шаклда иштирок этса ҳам, у ҳамма вақт суд фаолиятини эмас, балки судда қонуннинг бажарилиши устидан ўз ваколатини таъминлайди ва одил судловни амалга оширишда кўмаклашувчи шахс бўлиб қолаверади. Шу сабабли прокурор процессда қайси томоннинг ҳуқуқини ҳимоя қилишга қарамай, процессда қайси тарафнинг ҳуқуқи бузилса, барча ҳолларда ана шу бузилишга қарши чиқиши лозим. Бундан ташқари прокурор, даставвал тутган йўлидан қатъи назар, судда низо кўрилганидан сўнг оқибатда ҳақли чиққан тарафнинг манфаатини ҳимоя қилади.²

Э.Эгамбердиевнинг фикрича ҳам, ФПКнинг 5, 46, 47, 48, 49-моддаларида кўрсатилган ҳолларда бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар судга даъво кўзгатган бўлсалар, улар ҳам ўз даъволаридан воз кечишлари мумкин. Лекин уларнинг ўз даъволаридан воз кечишлари манфаати ҳимояланаётган шахсни ишни судда кўриб ҳал қилиб беришни талаб этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Чунки юқоридаги шахслар гарчанд бошқа шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга даъво тақдим этган бўлсалар ҳам, улар ишда тараф бўлиб ҳисобланмайдилар. Ишда манфаати ҳимоя қилинаётган шахс судга даъво тақдим этмаган бўлса ҳам ўша шахс тараф бўлиб ҳисобланади.³ Ю.В.Сирик ҳам

¹ Қаранг: масалан, Викут М.А. Ўша жойда. С. 135-136.

² Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи: (Дарслик). –Тошкент, Адолат, 2001. – 76 б.

³ Эгамбердиев Э. “Фуқаролик жараяни ҳуқуқида даъво муаммолари” мавзусидаги юридик фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Тошкент, ЎзМУ. 2007.

прокурорнинг қонун бузилишини бартараф этиш ва қонунийликни таъминлаш ваколатидан келиб чиқиб, унинг ишни ҳал этилишидан манфаатдорлиги нафақат процессуал, балки жамоат тусига эга эканлигини таъкидлайди.¹

Прокурорни ишда иштирок этувчи тарафлардан фарқловчи яна бир жиҳати улар томонидан фойдаланиладиган процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳажмининг ўзаро мувофиқ келмаслигидадир. Прокурор фуқаролик процесси иштирокчиси сифатида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш вазифасидан келиб чиқиб, тарафлар фойдалана олмайдиган айрим процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Прокурор ўз аризасида илгари сурилган талабларни асосли эканлигини исботлаши шартлиги шулар жумласидандир.

Прокурор фуқаролик процессида тараф ёки процессул маънода давогар, деган нуқтаи назарни илгари сурган муаллифлар процесснинг ҳар қандай иштирокчисининг ҳуқуқий ҳолати унинг фуқаролик суд ишларини юритишдаги иштирокининг моҳияти ва мақсадидан келиб чиқиб белгиланишига эътибор бермайдилар. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судга мурожаат қилган прокурор бир вақтнинг ўзида ҳам ишда иштирок этувчи шахс, ҳам қонунийлик устидан назоратни амалга ошириш вазифаси юклатилган мансабдор шахс ҳисобланади. Процессда прокурор қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган қоидаларга қатъий риоя қилади, хусусан ўзи арз қилган талаблар бўйича судга тушунтириш беради, далиллар тақдим этади, процесс иштирокчиларига саволлар беради ва ҳоказо. Қонунда прокурорга қонунлар бажарилиши устидан назорат қилиш вазифаси юклатилганлиги назарда тутилиб, берган аризасидан бутунлай ёки қисман воз кечиш каби ҳуқуқлар белгиланган.

Фуқаролик ишини кўзгатган прокурор низоли моддий-ҳуқуқий муносабат субъекти ҳисобланмайди ва моддий-ҳуқуқий талаб ҳақидаги даъвои судга тақдим этиши мумкин эмас. Ушбу ҳолатда моддий манфаатдор шахс манфаати кўзлаб иш кўзғатилган шахс, яъни даъвогар ҳисобланади. Шунингдек, прокурор кўзгатган фуқаролик иши бўйича аризадан даъвогар воз кечадиган бўлса, қандай ҳуқуқий оқибат юзага келиши Фуқаролик процессуал кодексида ўз ечимини топмаган. Ҳуқуқий адабиётларда мазкур ҳолатда прокурорнинг талаби суд томонидан кўриб чиқилиши ва

¹ Сирик Ю.В. Практика применения законодательства, регулирующего участие прокурора в гражданском процессе // Юридический аналитический журнал. 2004. № 2-3 (10-11) -176 с.

тегишлича ҳал қилув қарори қабул қилиниши айтиб ўтилади.¹

Бундай нуқтаи назар, бизнинг фикримизча, баҳсли ҳисобланади. Сабаби, айнан субъектив ҳуқуқ ва қонун билан кўриқладиган манфаат эгасининг хоҳиш-истаги процесснинг кейинги ҳаракатини, тақдирини белгилаб беради. Даъвогар процесснинг ҳар қандай босқичида даъводан воз кечиш ҳуқуқига эга эканлигини инобатга оладиган бўлсак, унинг даъводан воз кечиши прокурор томонидан тақдим этилган даъво аризаси асосида бошланган суд процессининг тугатилишига олиб келиши лозим. Шунинг учун ҳам прокурор томонидан кўзғатилган даъводан даъвогарнинг воз кечишини қабул қилиш жараёнида судья энг аввало низоли ҳуқуқий муносабат субъектининг, яъни даъвогарнинг хоҳиш-иродасини эътиборга олиши лозим. Агар бундай воз кечиш ҳақиқатан ҳам унинг ўз эркига боғлиқ бўлса, бошқа шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказмаса, суд унинг даъводан воз кечишини қабул қилиши ва иш юритишни ФПКнинг 100-моддаси асосида тугатиши шарт бўлади. Акс ҳолда суднинг даъвогарнинг даъвосидан воз кечишини қабул қилмаслиги фуқаролик процессининг диспозитивлик (эркин ҳуқуқлилиқ) принципига номувофиқ бўлади.

Бу борада ҳамдўстликка аъзо бўлган айрим давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилиги ўрганилиб, таҳлил этилди. Хусусан, Беларусь Республикаси ГПКнинг 84-моддаси иккинчи қисмида агар даъвогар прокурор томонидан арз қилинган даъводан воз кечса, суд мазкур Кодекснинг 61-моддаси тўртинчи қисми талабларидан келиб чиқиб, иш юритишни тугатишга ҳақли бўлиши белгилаб қўйилган.²

Прокурор фуқаролик процессида иштирок этар экан, процесснинг айрим иштирокчилари фойдалана олмайдиган процессуал ҳуқуқлардан фойдаланади. Прокурорлар уларнинг иштироки билан кўриладиган фуқаролик ишлари юзасидан суд мажлиси бошлангунга қадар низога оид ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар ҳамда иш материалларини ўрганиб чиқиш ваколатига эга бўлишлари шулар жумласидандир. Прокурор иш материаллари билан танишиш жараёнида аввало мазкур ишнинг судга тааллуқли бўлиши масаласига, бошқа шахс номидан аризани берган шахснинг бу ҳақда қонуний ваколатга эга эканлиги, даъвогар томонидан дав-

¹ Грось Л. Анализ практики рассмотрения дел о материальной ответственности рабочих и служащих // Соц. законность, 1982. № 7. -С. 44-45.

² Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь от 11 января 1999 года, Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь, 1999 г., № 18-19, 2/13.

лат божи тўланганлиги, низо бўйича жавобгар тўғри жалб қилинганлиги, ишда иштирок этувчи шахслар, хусусан учинчи шахсларнинг суд мажлисига тўлиқ жалб этилганлиги каби низонинг қонуний ҳал этилиши учун муҳим аҳамиятта эга бўлган ҳолатларга алоҳида эътибор бериши талаб этилади.

Масалан, фуқароларнинг меҳнатга доир ҳуқуқларининг ҳимояси, шу жумладан уларни ғайриқонуний равишда ишдан бўшатиш ёки бошқа ишга ўтказиш билан боғлиқ низоларнинг судларда кўрилишида ФПКнинг 259-моддасида белгиланган хусусиятларга риоя этилиши, айниқса, суд томонидан процесснинг ўзидаёқ мансабдор шахс зиммасига мажбурий прогул ёки кам ҳақ тўланадиган иш бажарилган вақт учун ҳақ тўлаш натижасида ташкилотга ётказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбурияти юкланишига процессуал ваколатлар доирасида эришилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 11 майдаги 22-сонли буйруғидаги кўрсатмалар фикримизнинг ёрқин ифодасидир.¹

Прокурорнинг айниқса, ишга доир далилларни текшириш ва уларга баҳо бериш жараёнидаги иштироки муҳим аҳамият касб этади. Зеро, прокурор профессионал ҳуқуқшунос сифатида исботлаш воситалари тўғрисида, исботлаш воситаларига йўл қўйилиши тўғрисида, шунингдек далилларнинг дахлдорлиги борасида етарли билим ва тажрибага эга бўлади. Шундай экан, прокурор ишни ҳал этиш учун зарур бўлган далилларнинг мавжудлиги масалаларида, судда иштирок этувчи прокурор тарафларнинг тортишуви принципига амал қилган ҳолда, далил-исботларни текшириш ва уларга баҳо беришда фаол қатнашиб, қўшимча далиллар тўплашда ташаббус кўрсатиб, ҳар бир далилни ишга алоқадорлиги нуқтаи назаридан баҳолаб, ишнинг моҳияти бўйича асосли фикр билдириб, ишнинг ҳар тарафлама, тўлиқ ва ҳолисона кўрилишига, қонуний ва адолатли қарор қабул қилинишига кўмаклашиши лозим бўлади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Прокурорнинг фуқаролик процессида вазифалари нималардан иборат?
2. "Прокуратура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси (янги таҳрири) Қонунининг ўзига хос жиҳатлари нимада?

¹ Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари фаолиятини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Бош прокурорнинг буйруқлари тўплами (2006 йил 5 апрелгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан). –Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси. 2006. – Б. 298-299.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 11 майдаги "Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида"ги 22-сонли буйруғининг аҳамияти ҳақида гапиринг.
4. Прокурорнинг фуқаролик процессида иштирок этиш асослари нималардан иборат?
5. Прокурорнинг фуқаролик процессида иштирок этиш шакллари ҳақида гапиринг.
6. Прокурорнинг фуқаролик процессида қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавжуд?

МАХСУС АДАБИЁТЛАР:

1. Абрамов Д., Берковский Е. Предъявление прокурором заявлений в интересах неопределенного круга лиц // Российская юстиция. 2001. № 9.
2. Власов А.А. Не ограничивать права прокурора в гражданском процессе // Законность. 2000. № 8.
3. Диордиева О. Возбуждение прокурором гражданских дел в интересах граждан // Законность. 1998. № 8.
4. Дониёров М.А. Прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги аризаси бўйича ишларни кўриш учун асослар// ТДҶОИ Ёш олимлар илмий мақолалари тўплами. –ТДҶОИ, 2004.- 6-сон. –Б.232-237.
5. Жуйков В. Участие прокурора в гражданском судопроизводстве // Российская юстиция. 2003. № 2.
6. Жуков В. Рассмотрение судами дел по заявлению прокурора о признании незаконными правовых актов // Российская юстиция. 1996. № 5.
7. Мамасиддиқов М.М. Прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги аризаси бўйича судда иш юритиш // Ж. Хўжалик ва ҳуқуқ. 2004, 2-сон, -Б. 29-30.
8. Мамасиддиқов М.М. Прокурор ваколати, уни таъминлашнинг айрим масалалари // Ж. "Ҳаёт ва қонун". 2004. 4-сон. -Б. 39-40.
9. Мамасиддиқов М.М., Каримов М.Ҳ. Фуқаролик процессида прокурор иштироки: қонунчиликдаги ютуқлар ва айрим муаммолар ҳусусида // "Мустақиллик йилларида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг янги асосларда шаклланиши: ютуқлар ва муаммолар" мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. 2007 йил 29 ноябрь. –Тошкент.: ТДҶОИ. 2007.-Б. 112-117.

10. Мамасиддиқов М.М., Қаримов М.Х. Фуқаролик процессида прокурор иштироки. Ўқув-амалий кўлланма. —Тошкент.: АҚҲМИ. 2008. — 170 б.
11. Мамасиддиқов М.М. Давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш // “Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти устидан жамоатчилик назорати” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари (Тошкент, 2011 йил 18 апрель). —Тошкент: ТДЮИ. 2011. —Б. 29-33.
12. Мананников О.В. Участие прокурора в гражданском и арбитражном процессе в современных условиях // Арбитражный и гражданский процесс. 2004. № 11.
13. Меркин Н. Г. Вопросы реализации прокурором права на иск в порядке гражданского судопроизводства: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. Свердловск, 1974.
14. Назаров Ф.И. Прокурорнинг ҳуқуқлари // Ж. Қонун ҳимоясида. 2000. 3-сон, -Б. 10-14.
15. Назаров Ф.И. Шахсларнинг манфаатларини кўзлаб прокурорнинг фуқаролик ишларини кўзғатишга бўлган ҳуқуқи. // Ж. Ҳаёт ва қонун. 2000, 5-сон.
16. Назаров Ф.И. Шахс манфаатлари ва прокурор ҳуқуқи. Ж. Ҳаёт ва қонун. 2000, 5-6-сонлари, 77-бет.
17. Назаров Ф.И. Мақсадимиз-қонунийлик // Ж. Қонун ҳимоясида. 2001, 5-6-сонлар.
18. Осокина Г.Л. Иск прокурора в гражданском судопроизводстве: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. —Томск, 1980.
19. Похмалкин В. Участие прокуратуры в рассмотрении гражданских дел — юридический атавизм // Российская юстиция. 2001. № 4.
20. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва прокуратура. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. А.Х.Саидов. —Тошкент.: ТДЮИ нашриёти, 2005, -8 б.
21. Скуратов Ю.И. Полномочия прокуратуры во взаимоотношениях е судебной властью // Российская юстиция. 1999. № 3. -С. 13.
22. Титова А., Прокудина Л. Прокурор и мировой судья в гражданском судопроизводстве // Законность 2000. № 12.
23. Тойжонов Б. Суд-ҳуқуқ ислохотлари ва прокуратура // Ж. Қонун ҳимоясида. - 2005. -2-сон. —Б. 8-9.
24. Ференс-Сороцкий А.А. Прокурор в гражданском судопроизводстве // Правоведение. 1992. № 4.

25. Қодиров Р.Ҳ. Суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим босқичи // Ж. Фуқаролик жамияти. 2006, № 1 (5), -Б. 24-26.
26. Қодиров Р.Ҳ. Инсон манфаатлари йўлида // "Халқ сўзи" газ. 2007 йил 21 декабрь, № 251 (4404).
27. Шорахметов Ш.Ш. Прокурор фақат қораловчимми? «Халқ сўзи», 1998.
28. Шорахметов Ш.Ш. Прокуратура тўғрисидаги янги таҳрирдаги қонуннинг моҳияти // Ж. Қонун ҳимоясида. - 2001. 3-сон. -Б.12-15.
29. Шорахметов Ш.Ш. Фуқаролик процессида бошқа шахслар билан прокурорнинг субъект сифатида қатнашишга бўлган ҳуқуқи // Ж. Давлат ва ҳуқуқ. 2002. 1-сон, -Б.8-12.
30. Эгамбердиев Э.Э. Фуқаролик процессида прокурорнинг иштироки // Ж.Қонун ҳимоясида. 1997. -10-сон. -Б.23-26.

7-БОБ

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА БОШҚА ШАХСЛАР- НИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ, ТАШКИЛОТЛАР ВА АЙРИМ ФУҚАРОЛАРНИНГ ИШТИРОКИ

Бобнинг мақсади бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессидаги иштирокини баён этишдан иборатдир. Ундан ташқари, мазкур бобда ушбу шахсларнинг фуқаролик процессида иштирок этиш асослари ва мақсади, иштирок этиш шакллари ҳамда процессуал ҳуқуқий ҳолати билан боғлиқ масалалар ўрин олган. Давлат бошқаруви идораларининг ишда иштирок этувчи бошқа шахслар (прокурор, учинчи шахслар, эксперт, вакил ва процесснинг бошқа иштирокчилари)дан фарқи-га доир масалаларга ҳам кенг ўрин берилган.

7.1. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессида иштирокининг аҳамияти

Ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлини танлаган Ўзбекистонда ҳозирги кунда фуқаролик жамиятини қуриш, демократияни ривожлантириш ва такомиллаштириш, тараққиёт йўлидан илдам одимлаб бориш учун барча ҳуқуқий асослар яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдидан масъул эканлиги ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаб қўйилган. Шунингдек, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи бўлиб, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилingan қонунлар ваколат берган идоралар томонидан амалга оширилади (7-модда).¹

Давлат ҳокимияти фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб, Конституцияда назарда тутилган вазифаларни амалга оширар

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2011. –4 б.

экан, юқорида таъкидланганидек, ушбу вазифани қонун билан ваколатлар берилган идоралари орқали амалга оширади. Айтиш мумкинки, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давлат органларининг ўз зиммаларига юклатилган конституциявий вазифаларни амалга оширишнинг муҳим усулларидан бири судда бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб иштирок этишидир. Шунинг учун ҳам бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органларининг фуқаролик процессида иштирок этишини демократиянинг тантанаси ёки муҳим кўриниши деб баҳолашимиз мумкин. Шу маънода бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессида иштирок этишининг аҳамияти бекиёс.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳамда шу асосда қабул қилинаётган қонунларимизда давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида судларда иштирок этишининг мустаҳкамлаб қўйилиши, аввало, одил судловни амалга оширувчи суд ҳокимияти билан фуқаролар ўртасидаги муносабатга асос бўлади. Қолаверса, судларда иштирок этиш орқали давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар амалда қонунларнинг ижросини, яъни қонунларнинг устуворлигини таъминлашга хизмат қиладилар. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органларининг фуқаролик процессида иштирок этишининг яна муҳим аҳамиятта эга бўлган томони шундан иборатки, ушбу органлар ўз иштироклари орқали, иш юзасидан холисона ўз хулосаларини бериш билан иши бўйича қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилув қарорларининг чиқарилишида судларга кўмаклашадилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, фуқаролик ишларининг судда кўриб ҳал этилиши жараёнида бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органларининг иштироки фуқаролик процессуал ҳуқуқида муҳим институт ҳисобланади. Суд амалиётидаги мавжуд низоли ишларни умумлаштириш шундан далолат бермоқдаки, аксарият қонунчиликнинг бузилиши, низоларнинг юзага келиши жамоатчиликнинг бу нарсага эътиборсиз муносабатда бўлиш оқибатида содир этилмоқда. Қолаверса, туманлараро судлар биринчи инстанция тарихида фуқаролик ишларни мазмунан кўриб ҳал қилиш давомида

бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органлари иштирокининг муҳим аҳамият касб этишини чуқур англамаган ҳолда уларнинг иштирокисиз фуқаролик ишларини ҳал этиш ҳолатларига йўл қўймоқдалар. Ваҳоланки, қонунларимиз айрим тоифадаги фуқаролик ишларини суда кўриб ҳал этишда албатта бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органларининг иштирокини мажбурий қилиб қўйган.¹

Ҳатто Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг бир қатор қарорларида мазкур органларнинг фуқаролик процессида иштирокининг муҳим аҳамият касб этиши ва низоли ишларнинг судлар томонидан кўриб ҳал этилишида албатта ушбу органлар иштироки юзасидан тушунтиришлар бериб ўтилади. Хусусан, Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги "Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги 6-сонли қарорининг 2-бандига кўра, эр ва хотин ҳаётлигида никоҳ улардан бири ёки ҳар иккаласининг аризасига кўра никоҳдан ажратиш йўли билан тугатилиши мумкин. Зарур ҳолларда, агар буни муомалага лаёқатсиз эр ёки хотин манфаатлари ҳимояси тақрзо этса, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ариза унинг васийси томонидан берилиши мумкин.

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги "Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги 23-сонли қарорининг 5-бандига кўра, агар ота-онанинг ҳам, бола ихтиёрларида бўлган шахсларнинг ҳам уни тегишлича тарбиялашни таъминлай олмагликлари аниқланса, суд васийлик ва ҳомийлик органларининг ёки прокурорнинг даъвосига асосан болани васийлик ва ҳомийлик органларининг қарамонига олиб бериши лозимлиги кўрсатилади. Пленум қарорининг 9-бандига кўра, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган орган ёки муассасаларнинг (васийлик ва ҳомийлик органи, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, етим болалар ва ота-она қарамонидан маҳрум бўлган болалар муассасалари ҳамда бошқа муассасаларнинг) даъвосига биноан кўрилиши лозимлиги юзасидан тушунтиришлар берилмиши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органларининг фуқаролик процессида муҳим ўрин эгаллашидан далолат беради.²

Таъкидлаш керакки, болалар тўғрисидаги масаланинг ҳал қилиниши билан боғлиқ фуқаролик иши юзасидан васийлик ва ҳомийлик органларининг процесста киришишларидан асосий мақсад судга ишнинг тўғри ва тўла ҳал қилинишга ҳар томонлама

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессал кодекси. –Тошкент: Адолат, 2003.; Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. –Тошкент: Адолат, 2003.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1998. II-жилд // Таҳрир ҳайъати: У.Қ.Мингбоев (раҳбар) ва бошқалар. –Тошкент: "Шарқ", 1999. –Б. 114-115.

ёрдам кўрсатиш йўли билан болаларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш бўйича ўз бурчларини бажаришдан иборатдир. Фуқаролик процессига киришишда васийлик идоралари боланинг тарбияси тўғрисидаги манфаатларнигина кўзламасдан, балки жамоатчилик ва давлат манфаатларини ҳам кўзлайди. Шунинг учун ҳам болалар тарбияси билан боғлиқ низоли ишларни судда кўриб ҳал этиш жараёнида судлар албатта ишда иштирок этиш учун васийлик ва ҳомийлик органларини жалб қилишлари ва низоли ишни албатта уларнинг иштирокида мазмунан кўриб ҳал этишлари талаб этилади. Акс ҳолда иш юзасидан чиқарилган суд ҳал қилув қарорлари ва ажримлар процесуал ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўллаш асосида апелляция, кассация ва назорат тартибида бекор қилиниши шарт.

Шу ўринда қуйидаги мисолни келтириб ўтаемиз. М. судга даъво аризаси билан муружот этиб, И. билан тузилган никоҳдан ажратиш ва болаларнинг яшаш жойини белгилашни сўраган. Суд тарафларни никоҳдан ажратиб, уларнинг 1990 йилда туғилган қизи А.ни отаси И.нинг тарбиясида, 1992 йилда туғилган ўгли Б.ни онаси М.нинг тарбиясида қолдирган. Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати 2002 йил 19 июлда ҳал қилув қарорининг болалар тарбиясига оид қисмини бекор қилиб, ишнинг шу қисмини янғидан кўриш учун юборди. Ажримда қуйидагилар кўрсатилган: Оила кодексининг 88-моддасига кўра, болалар тарбияси билан боғлиқ низоли ишлар судда кўрилаётганида ишда иштирок этиш учун васийлик ва ҳомийлик органлари жалб қилиниши керак. Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги "Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоли ишларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги 23-сонли қарорининг 26-бандида кўрсатилишича, бундай ҳолларда васийлик ва ҳомийлик органи бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органи сифатида ўзига тегишли вазифалар нўқтаи назаридан келиб чиқиб иш юзасидан хулоса беради.

Биринчи инстанция суди мазкур ишни кўришда васийлик ва ҳомийлик органини ишда иштирок этиш учун жалб қилмаган ҳамда ундан низо моҳиятига оид хулосани талаб қилиб олмаган.¹

Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органларининг фуқаролик процессида иштирок этиши муҳим аҳамият касб этади. Айтиш мумкинки, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини суд органларида ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органларининг иштирокини тартибга солувчи мавжуд қонунларни ўрганиш ва уларни давр талабларидан келиб

¹ Суд амалиёти // Ўзбекистон Республикаси Олий суди. № 1. 2002. Ўзбекистон Республикаси Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2-502 Д-сонли ажрими.

чиқиб, халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

7.2. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессида иштирок этиши асослари ва мақсади

Умумий қоидага кўра, эркин ҳуқуқлилик принципига асосан бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларни ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишлари манфаатдор шахслар – низоли моддий ҳуқуқий муносабат иштирокчилари томонидан кўзғатилади. Бироқ ФПКнинг 48-моддаси қонунда назарда тутилган ҳолларда давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлишлари ҳақида махсус қоидаги назарда тутлади. ФПКнинг 48-моддаси тартибида фуқаролик процессида асосан давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари иштирок этадилар. Мазкур органлар қоидага мувофиқ юридик шахс ҳисобланадилар ва фуқаролик процессида ўзларининг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишлари ҳам мумкин. Мисол учун, ташкилотта нисбатан жисмоний шахслар томонидан етказилган зарарни ундириш ҳақидаги низоли ишлар шулар жумласидандир. Бундай ишларда мазкур органлар низоли моддий ҳуқуқий муносабат субъектлари сифатида процессда даъвогар, жавобгар, учинчи шахснинг ҳуқуқий ҳолатини эгаллайдилар.

Бироқ ФПКнинг 48-моддасига мувофиқ, фуқаролик процессида мазкур шахслар бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун иштирок этишларига йўл кўйилади. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессида иштирок этиши, энг аввало жамият манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутлади. Мазкур органларнинг фуқаролик процессидаги иштироки кўп жиҳатдан уларнинг бошқарувининг муайян соҳасидаги ваколатлари билан боғлиқ ҳисобланади.

Масалан, Оила кодексининг 11-моддасида оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш суд томонидан фуқаролик суд ишларини юритиш қоидалари буйича,

ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда эса, васийлик ва ҳомийлик органлари ёки бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилиши мустаҳкамлаб қўйилган. Ундан ташқари, васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига белгиланган тартибда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида даъво тақдим этиш, судларда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки уларнинг ҳуқуқини чеклаш тўғрисида, шунингдек ота-оналик ҳуқуқларини тиклаш тўғрисидаги ишлар кўриб чиқиладиганда иштирок этиш вазифаси юклатилади (Оила кодексининг 80, 82, 83-моддалари).

Қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолларда фуқаролик процессида бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун даъво тақдим этиш йўли билан жамоат ташкилотлари, шунингдек корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг вакиллари ва айрим фуқаролар ҳам иштирок этишлари мумкин.

Масалан, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-моддасига кўра, фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) ваколатларидан бири сифатида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, судда, юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фуқароларнинг манфаатларини ифодалаш баён этилади.¹ Фуқаролик кодексининг 123-моддасида кўрсатилганидек, алдаш, зўрлик, кўрқитиш таъсири остида ёки бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишуви туфайли тузилган битим, шунингдек бошқа баъзи ғайриқонуний битимлар фақат жабрланган шахснинг даъвоси бўйичагина эмас, давлат ёки жамоат ташкилотининг даъвоси бўйича ҳам қонунда кўрсатилган органларда ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Бирон-бир фуқаронинг спиртли ичимликлар ёки наркотик моддаларни суиcътемом қилиши туфайли муомала лаёқатини чеклаш тўғрисида ёки рухий касаллиги ёхуд ақли заифлиги сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилиши тўғрисидаги фуқаролик ишининг оила аъзолари аризаси бўйича касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотларининг, даволаш муассасасининг аризаси бўйича судда васий, ҳомий органларининг вакиллари иштирокида кўриб ҳал этилади.

Муаллифлик ҳуқуқидан келиб чиқадиган низоларда муаллифнинг шахсий ва мулкый ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадларида суд ишида муаллиф ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича республикадаги Агентликнинг вакили иштирок этиши мумкинлиги қонунда ўз ифодасини топган. Фуқаролик кодексининг 1054-моддасида муал-

¹ "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги (Янги таҳрири) Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 1999 й. 5-сон, 110-модда.

лиф вафот этганидан сўнг унинг шахсий ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши муаллифлар ҳуқуқларини муҳофаза қиладиган ташкилоларнинг даъвоси бўйича амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Баъзи ҳолларда фуқаролик йшнинг тўғри ҳал қилинишидан манфаатдор бўлган жамоат ташкилотлари ҳам судда қатнашишлари мумкин. Чунончи, касаба уюшмалари меҳнат тўғрисидаги қонунларга риоя қилиш, ходимларнинг меҳнатга оид ва бошқа ҳуқуқ ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш каби муҳим вазифаларни бажарадилар. 1992 йил 2 июлдаги "Касаба уюшмалари, ҳуқуқлари ва уларнинг фаолияти кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни¹ 11-моддасига кўра, касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, даъво ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Шу мақсадда касаба уюшмалари ҳуқуқий ёрдам хизматлари ва бошқа зарур идораларга эга бўлиши мумкин. Ходимларнинг вакиллик органлари бошқа ишлар билан бир қаторда меҳнат низоларини кўрувчи органларда ходимлар манфаатини ҳимоя қилишда қатнашишлари мумкин.

Меҳнатга оид ишларни судда кўришда ходимларга ишлаб чиқаришда етказилган зарарларни ундириш ва бахтсизлик ҳодисасининг рўй бериши сабаблари тўғрисида ходимлар вакиллик органларининг фикр бериши (ФПКнинг 48,49-моддалари, МКнинг 259-моддасида) кўрсатилган. Яқка меҳнат низоларини судда кўришда ходим манфаатини ифода этувчи тараф сифатида ходимларнинг вакиллик органи иштирок этиши қонунда ўз ифодасини топган. Меҳнат низоларини кўриш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар қаторида Меҳнат ҳуқуқи бўйича инспекторлари ҳам эътироф этиладилар (МКнинг 268-моддаси). Меҳнат ҳуқуқи инспекциясининг фаолияти ва унинг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 29 июлдаги 378-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси тўғрисида"ги Низом² ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил

¹ "Касаба уюшмалари, ҳуқуқлари ва уларнинг фаолияти кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси 1992 й. 9-сон, 344-модда // Ўзбекистон Республикаси 07.12.2001 й. 320-II-сон Қонуни билан ўзгартиришлар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2002 й. 1-сон, 20-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари. 1993. 7-сон, 29-модда.

11 февралдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган "Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш қоидалари"¹ тартибга солинади.

Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессида иштирок этишининг асосий мақсади соғлиқнинг ёмонлиги, меҳнатга лаёқатсизлиги, ёши ва бошқа сабабларга кўра ўзларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаган шахсларга суд орқали ҳимоя қилишда кўмаклашиш ва ёрдамлашишдан иборатдир. Шу маънода фуқаролик процессида бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи институтларнинг мавжудлиги ўзини ижтимоий жиҳатдан тўлиқ оқлайди ва Конституциянинг 44-моддасида² мустаҳкамланган ҳар бир шахсларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқининг амалга оширилишини кафолатлашга хизмат қилади.

Давлат бошқаруви идоралари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессида иштирок этиш мақсадлари уларнинг олдига қўйилган вазифалар билан белгиланади. Бу вазифаларни, яъни хўжалик масалалари, тарбия, соғлиқни сақлаш, молия ва бошқа соҳалардаги вазифаларни амалга оширишда юқорида кўрсатилганидек, давлат органлари, бошқа ташкилотлар даъво кўзгатадилар ва баъзи ҳолларда ўз фикрларини берадилар. Уларнинг махсус билимлар ва тажрибаларига асосланган фикрлари фуқаролик ишини тўғри ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Юқорида кўрсатилган ташкилотлар ва айрим шахслар (фақат қонун билан назарда тутилган айрим ҳоллардагина) низоли фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти бўлмасдан, ишнинг ҳал этилиши натижасидан, ўзларининг моддий субъектив ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан манфаатдор бўлмасдан, уларга берилган ҳуқуқ доирасида бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб процессда иштирок этадилар. Улар ўзларига юклатилган ҳуқуқ ва бурчларни амалга ошириш билан судда қонуний ва асослантирилган ҳал қилув қарори чиқарилишидангина

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й. 5-6-сон, 34-модда.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон. 2011. -10 б.

манфаатдор бўладилар. Бу идораларнинг манфаатдорлиги процессуал тусга эга эканлигига аҳамият бериш лозим.¹

Давлат бошқаруви идоралари, ташкилотлар ва муассасаларнинг фуқаролик процессида иштирок этишларининг ҳуқуқий асослари ФПКнинг 48 ва 49-моддаларида ҳам берилган. Бундай асос ФПКнинг 160-моддасининг 3 ва 4-бандларида кўрсатилган қоидалар билан ҳам белгиланган. Бу қонунда кўрсатилишича, ишда қатнашишга жалб қилинмаган давлат муассасаси, корхона, ташкилотлар ёки айрим фуқаролар ишининг оқибатларидан манфаатдорлиги судда аниқланса, юритилаётган иш тўғрисида ёки уни кўриш вақти ҳақида улар хабардор қилинишлари лозим.

7.3. Давлат бошқаруви органларининг фуқаролик процессида иштирок этиш шакллари


ФПКнинг 48-моддаси давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессида иштирок этишининг куйидаги шаклларини назарда тутди:

– қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат этиш;

– ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш, фуқаролар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида иш юзасидан ҳулосалар бериш учун процессда иштирок этиш.

Давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессидаги иштирокининг асосий шакли даъво тақдим этиш ҳисобланади. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат этишга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади. Юридик адабиётларда таъкидланишича, мавжуд ҳуқуқни амалга оширишга, биринчидан, манфаати ҳимоя қилиниб иш кўзғатилган шахс узрли сабабларга кўра (муомалага лаёқатсизлиги, меҳнатга лаёқатсизлиги ва бошқалар) суд орқали ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаган ҳолларда йўл қўйилади.

¹ Гражданский процесс: Учебник для юридических вузов / Под ред. М.К. Треушников. -3-е изд., испр. и доп. – М.: Юриспруденция, 2001. – 95 с.



Иккинчидан, судга мурожаат қилишда белгиланган тартибга риоя қилиш талаб этилади.¹ М.С.Шакаряннинг фикрича, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат этиш мақсадида қуйидаги икки шарт, яъни:

- мазкур ҳуқуқ қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлиши лозим;
- манфаати ҳимоя қилиниб иш кўзга тилаётган шахснинг (фуқаронинг) илтимосномаси бўлиши лозим.²

ФПКнинг 48-моддаси биринчи қисми ҳамда ҳуқуқшунос олимлар билдирган юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат этишнинг энг асосий шартларидан бири – **фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ариза билан мурожаат қилишга йўл қўйилишидир.**

Ҳар қандай фуқаролик ишини кўзга тиш ҳуқуқига эга бўлган прокурордан фарқ қилган ҳолда давлат бошқаруви органлари фақат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина фуқаролик ишини кўзга тиш ҳуқуқига эга бўладилар. Шунинг учун мазкур органлар томонидан берилган аризани қабул қилишдан аввал суд ушбу фуқаролик ишини кўзга тишга мазкур давлат бошқаруви органлари ваколатли бўлиши ёки бўлмаслигини текширади. Шундай қилиб, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиб

¹ Гражданский процесс // Учебник. Под ред. д.ю.н., проф. М.К.Треушников. –М.: Юриспруденция. 2001. –75 с.

² Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. – 104 с.

иш кўзғатиш учун нафақат манфаатдор шахсда (даъвогарда даъво тақдим этишхуқуқи), балки судга мурожаат қилаётган органининг ўзида ҳам мазкур хуқуқнинг мавжудлиги қонунда назарда тутилган бўлиши керак. Агар қонунда давлат бошқаруви органига бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб фуқаролик ишини кўзғатиш хуқуқи мавжуд бўлмаса, суд аризани қабул қилишни рад этади (ФПКнинг 152-моддаси). Фуқаролик иши кўзғатилгандан кейин ушбу органларнинг судга мурожаат қилиш хуқуқи мавжуд эмаслиги аниқланса, берилган ариза суд томонидан кўрмасдан қолдирилади (ФПКнинг 97-моддаси).

Давлат бошқаруви органи қонунда назарда тутилган ҳолларда, даъволи ишлар билан бир қаторда алоҳида тартибда кўриладиган ишларни ҳам кўзғатиши эътироф этилади. ФПК нинг 281-моддасига кўра, давлат бошқаруви органлари алоҳида тартибда кўриладиган ишларда иштирок этувчи шахслар қаторига киритилган. Айтиш мумкинки, ФПКнинг 291, 296-моддаларида фуқарони муомала лаёқатини чеклаш ёки уни муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишлар, шунингдек, фуқарони муомалага лаёқатли деб топиш ёки фуқаронинг муомала лаёқатини чеклашни олиб ташлаш тўғрисидаги ишлар ҳомийлик ёки васийлик органи аризаси билан кўзғатилиши мумкинлиги аниқ белгиланган. Шунингдек, мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш тўғрисидаги ариза молия органи ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилиши мумкинлиги ФПКнинг 298-моддасида ўз ифодасини топган. Фуқаролик процессида бошқа шахсларнинг хуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан васийлик ва ҳомийлик органларининг мурожаат этиши кўп учрайди. Хусусан, Оила кодексининг 80-моддаси иккинчи қисмига кўра, ота-оналик хуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар ота (она)нинг (уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг), прокурорнинг, шунингдек вояга етмаган болаларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган орган ёки муассасаларнинг (васийлик ва ҳомийлик органи, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар муассасалари ҳамда бошқа муассасаларнинг) даъвосига биноан кўрилади. Шунингдек, Оила кодексининг 96-моддаси учинчи қисмига кўра, вояга етмаган болаларга алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаганда ёки алимент ихтиёрий равишда тўланмаганда ва ота-онадан бирортаси ҳам

алимент ундириш тўғрисида судга даъво ёхуд ариза билан мурожаат қилмаган ҳолларда, васийлик ва ҳомийлик органлари вояга етмаган боланинг таъминоти учун ота ёки онадан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво кўзғатишга ҳақлидир. Оила кодексининг 170-моддасида васийлик ва ҳомийлик органлари фарзандликка олишни суд тартибида бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Ундан ташқари, 1993 йил 2 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни 25-моддасига кўра, вилоят, туман ва шаҳар ҳокими уй-жой мулкдорлари ва уй-жойдан фойдаланувчилар коммунал хизматлар тўлови ва мажбурий бадалларни тўлашга доир талабларни кўпол равишда бузган ҳолларда туманларнинг, шаҳарларнинг (шаҳарлар таркибига кирувчи туманларнинг) ҳокимлари коммунал хизматлар тўлови ва мажбурий бадалларни тўлаш бўйича қарзларни ундириш тўғрисида коммунал хизмат кўрсатувчилар ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг тақдимномасига мувофиқ даъволар билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади.¹

Судга мурожаат қилувчи ҳар қандай шахслар каби бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, судга даъво аризаси билан мурожаат қилувчи давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар ҳам судга мурожаат қилиш тартиби ва шартларига риоя қилиши талаб этилади. Хусусан, судга мурожаат қилиш ФПКнинг 148-149-моддалари талабларига риоя этган ҳолда амалга оширилади. Мазкур қоидаларга риоя этмаган давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар томонидан берилган ариза суднинг ажримига кўра ҳаракатсиз қолдирилади (ФПКнинг 154-моддаси). Шунингдек, давлат бошқаруви органлари судловлилик қоидаларига риоя қилишлари, судга таллуқли бўлган ишлар юзасидан судга мурожаат қилишлари лозим. Бироқ давлат бошқаруви органи томонидан манфаатлари кўзланиб, даъво кўзғатилган шахс муомалага лаёқатсиз бўлса, суд аризани ФПКнинг 152-моддасига асосан қабул қилишни рад этиш мумкин эмас. Чунки муомалага лаёқатсиз шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини давлат бошқаруви органи томонидан ҳимоя қилиш назарда тутилгани боис, бу масалани бошқача ҳал

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси 1993 й. 9-сон, 320-модда.

қилиш ҳуқуқ меъёрларига зид бўлади. Давлат бошқаруви органи процесда ўзининг вакиллари орқали иштирок этиши учун, вакиллар иш юритишга ваколатли бўлишлари талаб қилинади. Бундай ваколатга эга бўлмаслик ФПКнинг 152-модданинг 7-бандига кўра, аризани қабул қилишни рад этиш ёки қабул қилинган аризани кўрмасдан қолдириш (ФПКнинг 97-моддаси) учун асос бўлади. Чунки бу ерда даъвогар вакилининг процессуал маънода ваколати йўқлиги ҳақида сўз боради.

Давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар томонидан судга мурожаат этиш қоидаларига риоя этмаслик айрим ҳуқуқий оқибатларга олиб келиши мумкин. Агар иш судловлилик қондасига риоя этилмаган ҳолда қабул қилинган бўлса, бу иш бошқа судга юборилиши мумкин (ФПКнинг 146-моддаси 4-банди). Бундай ҳолларда давлат бошқаруви органи судловлилик қоидаларига кўра, ишни қабул қилиб олган судда ишнинг кўрилишида иштирок этиши керак бўлади.

Юридик адабиётларда қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, судга мурожаат қилиш учун манфаати ҳимоя қилинаётган шахсларнинг илтимосномаси мавжуд бўлганда йўл кўйилиши ҳақида фикрлар илгари сурилади.¹ В.В.Ярковнинг фикрича, бундай илтимоснома ёзма шаклда берилиши лозим.

Таъкидлаш кераки, мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг бошқа шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, судга мурожаат қилиши учун манфаати ҳимоя қилинаётган шахсларнинг илтимосномаси мавжуд бўлиши назарда тутилмаган. Бироқ бундай илтимосноманинг мавжуд бўлиши ҳақидаги талаб фуқаролик процессида ишнинг манфаатдор шахслар хоҳиш-иродаси асосида кўзғатилишини назарда тутувчи эркин ҳуқуқ принципининг кенгайтирилишига олиб келади. Бироқ айрим ҳолларда, хусусан муомалага лаёқатсиз ёки вояга етмаган фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш талаб этилганида бу тўғридаги аризалар судга манфаатдор шахсларнинг ёки уларнинг қонуний вакиллари илтимосномасидан қатъи назар тақдим этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Солиқ кодексининг 329-моддаси 10-бандига мувофиқ, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳол-

¹ Гражданский процесс / Учебник. Отв. ред. проф. В.В. Ярков. — М.: Волтерс Клувер, 2004. — 85 с.; Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др. Под ред. М.С.Шакарян. — М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. — 104 с.

ларда бошқа шахсларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга ариза билан мурожаат этган юридик ва жисмоний шахслар умумий юрисдикция судларида давлат божини тўлашдан озод қилинади.¹ Мазкур шахслар фуқаролик ишини ўз номларидан кўзғатсаларда, бироқ улар низоли моддий ҳуқуқий муносабат субъектлари ҳисобланмайдилар, уларда талаб қилиш ҳуқуқи мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам ушбу шахслар процессда алоҳида ҳуқуқий мақомга эга бўладилар. Бошқа шахсларнинг субъектив ҳуқуқларини қонунга муофиқ ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этган давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар даъвогарга тегишли бўлган айрим процессуал ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва мажбуриятларни ўз зиммаларига оладилар (хусусан, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун арз қилинган талабларни тўлиқ ёки қисман қўллаб-қувватлаш, улардан воз кечиш, ўзлари арз қилган талаблар бўйича тушунтиришлар бериш ҳуқуқи шулар жумласидандир). Шунингдек, ушбу шахсларга нисбатан қарши даъво тақдим этилмайди, давлат божини тўлаш мажбурияти юклатилиши мумкин эмас.

МДҲга аъзо айрим давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигида мазкур шахслар ўзлари арз қилган талабларнинг асосини ёки предмети ўзгартириш, даъво талабларининг миқдорини кўпайтириш ёхуд камайтириш каби ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Хусусан, Россия Федерацияси ГПКнинг 46-моддаси иккинчи қисмига кўра ҳамда Қозоғистон Республикаси ГПКнинг 56-моддасига кўра, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органлари келишув битимини тузишдан ташқари, даъвогарнинг барча ҳуқуқларидан фойдалана оладилар.² Ҳатто Беларусь Республикаси ГПКнинг 89-моддасига кўра, мазкур шахслар ишнинг ҳал этилишидан ҳуқуқий жиҳатдан манфаатдор бўлган шахслар қаторига киритилиб, улар фойдаланадиган процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиши кўрсатилган.³

Ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида судья бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатини кўзлаб даъво кўзғатган давлат бошқаруви органи вакилига унинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52-сон, (I).

² Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации. —М.: Юристь, 2003. —30 с.; Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан от 13 июля 1999 года. Ведомости Парламента Республики Казахстан, 1999 г. № 18, ст. 644.

³ Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь от 11 января 1999 года, Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь, 1999 г., № 18-19, 2/13.

ни тушунтиради (ФПКнинг 160-моддаси). Бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво аризаси берган давлат бошқаруви органлари арз қилинган талаблари бўйича тушунтиришлар бериш ёки уларни асослаш учун биринчи бўлиб сўзга чиқадилар (ФПКнинг 181-моддаси).

Давлат бошқаруви органи вакили, одатда, бошқа шахсларнинг манфаатини кўзлаб берилган аризадаги талабларни қўллаб-қувватлайди. Бироқ унинг процессдаги ҳуқуқий позицияси манфаати кўзланиб, даъво кўзғатилган шахснинг дастлабки позициясига боғлиқ бўлмайди. Чунки давлат бошқаруви органи номидан ҳаракат қилаётган вакил қонунга риоя қилиши керак. Шунинг учун ҳам суд муҳокамаси жараёнида кўйилган талаблар тўла ёки қисман асосланмаганлиги аниқланса, у даъво талабларидан тўла ёки қисман воз кечишга ҳақли бўлади. Бироқ, давлат бошқаруви органи вакилининг келтирилган даъводан воз кечиши, манфаати ҳимоя қилиниб иш кўзғатилган шахсни ишни мазмунан кўриб чиқиш талабини кўйиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Манфаати ҳимоя қилиниб иш кўзғатилган шахсларнинг талаблари шу процесснинг ўзида ҳал қилиниши лозим бўлади. Чунки мазкур шахслар ишда иштирок этувчи шахслар қаторига кириб, иш бошқа шахслар томонидан кўзғатилган бўлишига қарамай, суд манфаати ҳимоя қилиниб иш кўзғатилган шахсларни ишда иштирок этиш учун албатта жалб этади. ФПКнинг 49-моддасига кўра, кўрсатилган органлар, ташкилотлар ва фуқароларнинг бошқа шахснинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга берган ўз аризаларидан воз кечишлари ана шу шахсни ФПКнинг 104-моддаси талабларига риоя қилган ҳолда ишни мазмунан кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Фуқаролик процессида бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар иштирок этишининг иккинчи шакли ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш, фуқаролар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида иш юзасидан хулосалар бериш учун процессда иштирок этиш ҳисобланади.

ФПКнинг 48-моддасига кўра, давлат бошқаруви органлари:

– *биринчидан, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар ўз ташаббуслари билан;*

– иккинчидан, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ташаббуси билан;

– учинчидан, суд томонидан жалб этилганда ишда иштирок этишлари мумкин.

Мазкур ҳолатда давлат бошқаруви органлари нафақат қонунда назарда тутилган ҳолларда, балки ФПКнинг 48-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган мақсадларга эришиш учун суднинг ихтиёрига мувофиқ ҳам процессга жалб этилиши мумкин. Давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессида ушбу шаклда иштирок этиши учун асос уларнинг зиммаларига юклатилган ваколатлардан келиб чиқиб, ишнинг тўғри ҳал этилишидан манфаатдорлик ҳисобланади. Шунинг учун мазкур шахсларнинг фуқаролик процессида иштирок этишининг ушбу шакли уларнинг ваколатлари ва муайян соҳани бошқаришдаги функцияларидан келиб чиқади. Одатда, судья давлат бошқаруви органларини фуқаролик процессида иштирок этиши учун жалб қилиш масаласини ишни суда кўришга тайёрлаш босқичида ҳал қилади (ФПКнинг 160-моддаси).

Фуқаролик процессида хулоса бериш мақсадида васийлик ва ҳомийлик органларининг иштироки кўп учрайди. Хусусан, Оила кодексининг 88-моддасига кўра, суд томонидан болалар тарбияси билан боғлиқ низолар кўрилаётганда боланинг ҳимояси учун ким даъво тақдим қилганлигидан қатъи назар, ишда иштирок этиш учун васийлик ва ҳомийлик органи жалб қилиниши керак. Шунингдек, васийлик ва ҳомийлик органи боланинг ҳамда уни ўз тарбиясига беришни талаб қилаётган шахс (шахслар) нинг турмуш шароитларини текшириши ва текшириш натижаларини ҳамда унга асосланган низо моҳиятига оид хулосасини судга тақдим қилиши шартлиги ҳам мустаҳкамлаб қўйилган.¹

Оила кодексига мувофиқ, васийлик ва ҳомийлик органлари қуйидаги ишларда иштирок этиши шарт:

– ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишларда (Оила кодексининг 80-моддаси учинчи қисми);

– ота-оналик ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги ишларда (Оила кодексининг 82-моддаси иккинчи қисми);

– ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги ишларда (Оила кодексининг 83-моддаси бешинчи қисми);

¹ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. –Тошкент, Адолат. 2011.

– болалар тарбияси билан боғлиқ низоларда (Оила кодексининг 88-моддаси бешинчи қисми);

– ота-она ва вояга етмаган болалар ўртасида келиб чиққан мулкӣ низоларда (Оила кодексининг 95-моддаси).

Шунингдек, болани олиш ва уни бошқа шахс (шахслар)га бериш билан боғлиқ суднинг ҳал қилув қарорларини мажбурий тартибда ижро этиш албатта васийлик ва ҳомийлик органининг ҳамда бола тарбиялашга берилаётган шахс иштирокида, зарур ҳолларда эса, ички ишлар органи вакили иштирокида амалга оширилиши лозим (Оила кодексининг 89-моддаси).

Судга давлат бошқаруви органларининг хулосаси ёзма равишда тақдим этилади ва суд мажлисида ўқиб эшиттирилади, кейин хулосани ойдинлаштириш ва тўлдириш мақсадида суд, ишда иштирок этувчи шахслар мазкур органларнинг вакилларига саволлар беришлари мумкин (ФПКнинг 196-моддаси). Ушбу хулосалар иш бўйича ҳақиқӣ ҳолатни аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Давлат бошқаруви органларининг хулосалари иш материалларидан бири ҳисобланиб, ушбу хулоса умумий қоидаларга кўра, суд томонидан баҳоланади ва судлар томонидан судьяларнинг мустақиллиги, объектив ҳақиқат ва қонунийлик тамойилларига асосланган ҳолда баҳоланади. Бироқ давлат бошқаруви органларининг хулосаси суд учун мажбурий эмас ва аввалдан белгилаб қўйилган кучга эга эмас. Лекин шундай бўлса-да, агар суд томонидан ушбу хулосалар эътиборга олинмаса, суд ўз ажримидан унинг сабабларини албатта асослаб бериши керак.

Давлат бошқаруви органининг хулосаси, одатда, муайян орган ёки судга келиб тушган материалларни дастлабки текшириш ва ўрганиб чиқиш асосида бўлим нозир томонидан тузилиб, бўлим бошлиғи ва нозир томонидан имзоланади. Баъзи бир ҳолларда хулосалар ҳатто ишни судда кўзғатишдан аввал давлат бошқаруви органларининг ўз ташаббусига кўра ҳам тузилиши мумкин (масалан, васийлик ва ҳомийлик органининг хулосаси).

Давлат бошқарув органларининг вакили ёки ходимларининг вакиллик органи эса ишда процесс иштирокчиси сифатидан қатнашиб, ўзининг хизмат бурчи туфайли ишнинг ҳал бўлишидан, асосли ва қонуний қарор чиқарилишидан манфаатдор шахс бўлади. Бундай органлар ўз хулосасини беришда фақат фактларга баҳо бериш билангина чекланмайдилар. Улар суд мажлисида текширилган барча маълумотларга асосланиб, суднинг қандай

қарори уларнинг фикрича тўғри бўлиши тўғрисида ўз мулоҳазаларини ҳам айтишлари лозим.¹

Давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг хулосаларини эксперт хулосаларидан фарқлай билиш лозим. Экспертларнинг ишда иштирок этиши иш ҳолатларидан келиб чиқади, давлат бошқаруви органлари эса қонунда назарда тутилган ҳолларда ишда иштирок этадилар. Экспертлар ишда иштирок этувчи шахслар таркибига киритилмаган. Эксперт суд ажрими билан тайинланади ва унинг мажбурияти суднинг экспертиза тайинлаш ҳақидаги ажримида кўрсатилган саволларга жавоб беришдан иборат бўлади. Қолаверса, эксперт ишнинг ҳал қилинишидан манфаатдор бўлиши мумкин эмас. Эксперт била туриб ёлгон хулоса берган, хулоса беришдан бош тортган тақдирда ЖКнинг 238 ва 240-моддаларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Давлат бошқарув органлари ва эксперт хулосасининг фарқи:

Давлат бошқарув органлари	Фуқаролик процессида эксперт
1. Ёлгон хулоса берганлиги учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайди.	1. Ёлгон хулоса берганлиги учун жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилади.
2. Ушбу органларнинг хулосалари исботлаш воситаси ҳисобланмайди.	2. Эксперт хулосаси исботлаш воситаси сифатида эътироф этилади.

Давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг хулосаларини прокурорнинг ишни кўриш вақтида келиб чиққан айрим масалалар бўйича ўз фикрини баён этиши билан ҳам фарқлаш лозим. Давлат бошқаруви органлари вакиллари-дан фарқли равишда прокурор қонунийлик устидан назорат олиб боровчи орган вакили сифатида ҳар қандай ишни кўриш вақтида келиб чиққан айрим масалалар бўйича ўз фикрини баён этиши мумкин. Давлат бошқаруви органларининг вакиллари эса фақат маълум бир туркумдаги ишлар бўйича иштирок этиб, ўз ваколатлари ва соҳалари доирасидагина хулосалар беради.

Давлат бошқаруви органларининг хулосаси иш материалларидан ҳисобланиб, суд мажлиси давомида уни тушунтириш, аниқлаш ва тўлдириш талаб этилади. Давлат бошқаруви органларининг хулосаси иш бўйича ҳамма далиллар ўрганиб чиқилган

¹ Шорахматов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент, Адалат. 2001. – Б. 89-90.

нидан сўнг эълон қилинади. Ишда иштирок этувчи шахслар ҳамда уларнинг вакиллари давлат бошқаруви органлари ваколат берган шахсларга хулосани ойдинлаштириш ва тўлдириш мақсадида саволлар беришлари мумкин (ФПКнинг 196-моддаси). Ишни кўриш вақтида келиб чиққан айрим масалалар бўйича ўз фикрини баён этувчи прокурорга нисбатан эса бундай ҳуқуқ берилмаган. Давлат бошқаруви органлари вакилларининг тортишувларда иштирок этиши билан уларнинг суд муҳокамасидаги иштироки яқунланади. Суд тортишувларидан сўнг прокурор фикри суд муҳокамасига яқун ясайди.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Фуқаролик процессида бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг иштирокининг аҳамияти нимада?
2. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессида иштирок этиш асослари ва унинг фуқаролик процессида прокурор иштироки этиш асосларидан фарқи ҳақида гапиринг.
3. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессида иштирок этишнинг қандай шакллари мавжуд?
4. Давлат бошқаруви идораларининг ишда иштирок этувчи бошқа шахслар (учинчи шахслар, эксперт, вакил ва процесснинг бошқа иштирокчилари)дан фарқи нимада?

МАХСУС АДАБИЁТЛАР:

1. Алиева И.Д. Гражданско-процессуальная защита прав и охраняемых законом интересов других лиц по законодательству РФ: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. М., 2000.
2. Бархевский М. О праве органов исполнительной власти на обращение в суд. // Российская юстиция. 2003. № 5.
3. Батаева Н.С. Судебная защита прав и интересов неопределенного круга лиц: Автореф. дисс...канд.юр.наук. М., 1999.
4. Бахарева О.А. Субъекты, защищающие от своего имени права других лиц в гражданском судопроизводстве (на при-

- мере участия органов местного самоуправления): Автореф. дисс... канд. юрид. наук. -Саратов, 2000.
5. Гукасян Р., Ченцов Н. Защита чужого интереса: старые правила и новые подходы // Российская юстиция. 1994. №5. 28 с.
 6. Жильцова И.А. Проблемы участия органов милиции общественной безопасности в гражданском судопроизводстве: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. -Саратов, 2001.
 7. Жумабоев А.Х. Фуқаролик процессида бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи органлар: уларнинг суддаги вакилликдан фарқли жиҳатлари // "Адвокатлик фаолияти: назария ва амалиёт масалалари" мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. 2010 йил 16 февраль. ЎзР Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги ин-ти. -Тошкент, 2010. - Б. 284-293.
 8. Жумабоев А.Х. Давлат бошқарув органларининг фуқаролик ишларини қўзғатиш асослари, шартлари ва уларнинг процессуал ҳуқуқий ҳолати // "Суд-ҳуқуқ ислохотларининг истиқболлари: кеча ва бугун" мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. 2010 йил 27 май. -Тошкент.: ТДЮИ. 2010 й. - Б. 234-242.
 9. Жумабоев А.Х. Фуқаролик процесси: унда бошқа шахслар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи давлат бошқарув органларининг иштироки// O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi Axborotnomasi. 2010 й., 4-сон. - Б. 15-18 .
 10. Жумабоев А.Х. Фуқаролик процессида давлат бошқарув органлари иштирокининг конституциявий асослари. Судга мурожаат қилиш ҳуқуқи. Рисола. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О.Ф.Зокирова. -Тошкент: ТДЮИ, 2010. -154 бет. - Б. 133-140.
 11. Жумабоев А.Х. Фуқаролик ишларида давлат бошқарув органларининг иш юзасидан ҳулоса бериш хусусиятлари // "Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар ва уларнинг аҳамияти" мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари (Тошкент, 2011 йил 19 апрель). -Тошкент: ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти. 2011. -Б. 141-143.
 12. Жумабоев А.Х. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини судда ҳимоя қилишга оид фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти: ҳуқуқий асослар ва унинг ривожланиши// ТДЮИ Аxborotnomasi. -Тошкент, 2011 йил, 1-сон. -Б. 175-176.

13. Жумабоев А.Х. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг айрим тоифадаги фуқаролик ишларида иштирок этиш хусусиятлари// “Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари шароитида фуқаролик суд ишларини юритишнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари (Тошкент, 2011 йил ноябрь). –Тошкент: ТДЮИ. 2011. –Б. 215-225.
14. Костиков С. Защита прав неопределенного круга лиц // Законность. 2000. № 5.
15. Кулакова В.Ю. Участие в гражданском процессе Государственных органов и органов местного самоуправления: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. М., 2001.
16. Мананников О. Процессуальное положение учреждений юстиции по регистрации прав на недвижимость. // Российская юстиция. 2000. № 8.
17. Олимова К.К. Гражданский процесс в схемах. Учебно-методическое пособие. –Тошкент.: ТПЮИ, 2006.-143 с.
18. Рождественская Л.А. Гражданско-процессуальная защита интересов других лиц в суде первой инстанции: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. Свердловск, 1982.
19. Туманова Л.В. Актуальные проблемы участия в гражданском судопроизводстве третьих лиц, не заявляющих самостоятельных требований на предмет спора, и органов Государственного управления, дающих заключение по делу: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. –Саратов, 1985.
20. Туманова Л.В. Вопросы участия органов местного самоуправления в гражданском процессе // Проблемы доступности и эффективности правосудия в арбитражном и гражданском судопроизводстве. М., 2001. –С. 341-345.
21. Шорахметов Ш.Ш. Хўжалик процесси иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари // Ж. Хўжалик ва ҳуқуқ. 2000. 11-сон. –Б.32-37.
22. Шорахметов Ш.Ш. Хўжалик процессида бошқа шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар. // Ж. Хўжалик ва ҳуқуқ. – 2001. -5-сон. –Б.36-42.
23. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент.: Адолат. 2001. -512 б.

8-БОБ

СУДДА ВАКИЛЛИК ҚИЛИШ

Бобнинг мақсади суддаги вакиллик тушунчасини, унинг аҳамияти ва асосларини батафсил баён этишдан иборат. Мазкур бобда судда вакиллик қилишнинг турлари, яъни қонуний вакиллик, шартнома бўйича (ихтиёрий) вакиллик, юридик шахс вакиллиги, уставли вакиллик, касаба уюшмаларининг ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллиги билан боғлиқ масалалар баён этилган. Шунингдек, суддаги вакилнинг ваколатлари (ҳажми ва уни расмийлаштириш тартиби), процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда судда вакил бўла олмайдиган шахслар масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилади.

8.1. Суддаги вакиллик тушунчаси, аҳамияти ва асослари

Умумий юрисдикция судларида вакиллик масалалари асосан Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги ҳамда “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасида суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатлаб қўйилган бўлиб, ўз навбатида, фуқаролар учун малакали юридик ёрдам турли шаклларда берилиши мумкин. Айнан суддаги вакиллик малакали юридик ёрдам кўрсатишнинг муҳим кўринишларидан бири ҳисобланади. ФПК-нинг 50-моддасида фуқаролар ўз ишларини судда шахсан ва ўз вакиллари орқали юритишлари мумкинлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Фуқаронинг ишда шахсан қатнашуви уни шу иш бўйича вакилга эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Юридик адабиётларда суддаги вакиллик тушунчасига турлича таъриф берилади. Л.В.Войтович ва Н.А.Ефремовлар фуқаролик процессуал вакилликни вакил томонидан фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларда вакиллик остида бўлган шахснинг манфаатлари юзасидан амалга ошириладиган процессуал фаолият, деб ҳисоблайдилар.¹ М.К.Треушниковнинг фикрича, суддаги вакиллик деганда, бир шахснинг бошқа шахс манфаати юзасидан суда бошқа шахс томонидан берилган ваколат асоси-

¹ Войтович Л.В., Ефремов Н.А. Представительство в гражданском и арбитражном процессе: Учебное пособие. –Хабаровск: Хабаровский пограничный институт ФСБ России, 2005. –41 с.

да амалга оширадиган фаолияти тушунилади.¹ Ш.Ш.Шорахметовнинг фикрича, судда вакиллик қилиш деб, манфаатдор шахснинг топшириғи бўйича ёки қонунда назарда тутилган барча асосларга кўра процессуал ҳаракатларни амалга оширишга айтилади.² К.К.Олимованинг фикрича, суддаги вакиллик институти вакиллик остидаги шахс номидан унга мақбул бўлган ҳал қилув қарори чиқаришга эришиш мақсадида амалга оширилаётган фаолият, шунингдек вакиллик остидаги шахснинг ҳуқуқларини рўёбга оширишга ва судда унинг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга ёрдамлашувчи ҳамда фуқаролик ишлари бўйича судларга одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахс сифатида таъриф бериш тўғри бўлади.³

Таҳлиллар суддаги вакилликнинг қуйидаги белгилари мавжудлигини кўрсатади:

1. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат субъектлари сифатида суд каби вакил ҳам (моддий ва (ёки) процессуал) қонунда назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади;

2. Вакил ҳар доим вакиллик остида бўлган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиб ҳаракат қилади. Суддаги вакил низоли моддий-ҳуқуқий муносабат субъекти бўла олмайди. Бироқ қонунчилик мазкур қондан истисно этувчи ҳолатни ҳам назарда тутати. Масалан, биргалиқда иштирок этувчилар иккинчисининг топшириғига кўра унинг вакили бўлиб судда иштирок этгудек бўлса, у ҳолда вакил низоли моддий-ҳуқуқий муносабат субъекти ҳисобланади. Шундай экан, вакил иш давомида мустақил процессуал манфаатга эга бўлади;

3. Вакил судда ҳар доим ҳам бошқа шахсларнинг топшириғига кўра ҳаракатланавермайди. Масалан, вояга етмаган шахслар ўз ота-оналарига ишда иштирок этиш юзасидан топшириқ бөрмейдилар. Мазкур ҳолатда вакиллар қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилганлиги муносабати билан судда иштирок этиш ваколатига эга бўладилар;

4. Вакил судда ҳар доим ҳам вакиллик остидаги шахснинг номидан иш юритавермайди. Масалан, судда иш юритилиши вақтида процессуал вакил қонунни қўллаш масаласида ўзининг мустақил фикрини баён этиш ҳуқуқига эга бўлади. Процессуал қонунчилик бир процессда бир вақтнинг ўзида вакилнинг ва вакиллик остида бўлган шахснинг биргалиқдаги иштирокини ҳам назарда тутати. Мазкур ҳолатда суд уларни икки мустақил процессуал шахс сифатида кўради;

5. Суддаги вакил ўз вакиллиги остидаги шахснинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажаришига кўмаклашади. Шу ўринда суддаги вакил ҳам моддий-ҳуқуқий ва процессуал-ҳуқуқий оқибатларни юзага келтиради-

¹ Гражданский процесс // Учебник. Под ред. д.ю.н, проф. М.К. Треушникова. –М.: Юриспруденция. 2001. –78 с.

² Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент: Адолат. 2001. –92 б.

³ Олимова К.К. Суддаги вакиллик тушунчаси, ҳуқуқий табиати ва белгилари.

ган бир қатор процессуал ҳаракатларни амалга ошириши мумкин. Бунинг асосий шarti мазкур процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун унга вакиллик остидаги шахс тегишли тартибда тасдиқланган ваколат бериши ҳисобланади. Чунки вакилнинг ушбу ҳаракатлари оқибатида манфаатдор шахснинг ҳуқуқ ёки мажбуриятларига таъсир кўрсатилади. Бироқ шундай ҳаракатлар ҳам мавжудки, уларни амалга ошириш натижасида юзага келадиган оқибатлар фақат суддаги вакилгагина тааллуқли саналади. Масалан, вакил томонидан суд мажлисида ўрнатилган тартибга риоя қилмаслик, унинг ўзига нисбатан тегишли чора кўрилишига сабаб бўлади.

Аксарият процессуалист олимларнинг фикрича, фуқаролик процессуал вакиллик ўзига хос, мустақил белгилари билан фуқаролик ҳуқуқидаги вакилликдан ажралиб туради. Бироқ айрим олимларнинг фикрича, фуқаролик процессидаги вакиллик фуқаролик ҳуқуқидаги вакилликнинг бир тури ҳисобланади. Айрим олимлар эса фуқаролик процессидаги вакиллик соҳалараро (комплекс) институт эканлиги ҳақидаги фикрни илгари суради. Шу билан бир қаторда, адабиётларда суддаги вакиллик фуқаролик процессуал ҳуқуқининг мустақил институти ҳисобланиб, ўзида моддий-ҳуқуқий ва процессуал-ҳуқуқий белгиларни қамраб олиши ҳақида фикрлар билдирилади. Мазкур белгилар вакил билан вакиллик остидаги шахс ўртасидаги, вакил билан суд ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий институтнинг мавжудлигини кўрсатиб туради. Шундай экан, юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, суддаги вакиллик институти мустақил институт ҳисобланиб, бир вақтнинг ўзида икки хил ҳуқуқий муносабатни: процессуал-ҳуқуқий ва моддий-ҳуқуқий муносабатни тартибга солади.

Фуқаролик процессидаги вакилликни фуқаролик ҳуқуқидаги вакилликнинг бир тури деб эътироф этган олимларнинг фикрига қўшилиб бўлмайди. Чунки фуқаролик процессидаги вакилни фуқаролик ҳуқуқидаги вакил билан қиёсий таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг бир-биридан фарқ қилувчи қуйидаги белгилари мавжудлиги кўзга ташланади:

биринчидан, мазкур ҳуқуқий институтларни тартибга солишнинг предметлари турлича бўлади. Фуқаролик ҳуқуқидаги вакиллик моддий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади, фуқаролик процессидаги вакиллик эса процессуал ҳуқуқий муносабатни тартибга солади ва ушбу муносабат вакил билан суд ўртасида юзага келади;

иккинчидан, фуқаролик ҳуқуқидаги вакиллик билан фуқаролик процессидаги вакиллик бошқа-бошқа мақсадларни назарда

тутади. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатдаги вакилликнинг мақсади – бу бошқа бир шахснинг номидан битим тузиш ҳисобланади (ФКнинг 129-моддаси биринчи қисми). Айрим олимларнинг таъкидлашича, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардаги вакил ваколат берган шахс номидан бошқа ҳуқуқий ҳаракатларни амалга ошириши мумкин. Бироқ фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларда вакил олдида турган мақсадлар ўзига хос хусусиятларга эга, яъни биринчидан, вакил ваколат берган шахсга малакали юридик ёрдам кўрсатади, иккинчидан эса, судлар томонидан одил судловнинг амалга оширилишига кўмаклашади.

Адабиётларда тўғри таъкидланганидек, мазкур мақсадларга эришиш йўллари ва усуллари ҳам турличадир. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда ушбу мақсадга эришиш воситаларини ваколат берган шахс ёки вакилнинг ўзи белгилайди. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларда эса процессуал қонунда назарда тутилган воситалардангина, яъни қарши даъво кўзғатиш, эътироз билдириш, илтимоснома билдириш кабилардан фойдаланиш мумкин. Навбатдаги фарқ қилувчи белги бу – фуқаролик ҳуқуқи ва фуқаролик процессида вакилликнинг юзага келиш асослари турлича эканлигидадир. А.Я.Розенберг ва В.М.Шерстюкнинг фикрича, суддаги вакилликнинг юзага келиш асосларида процессуал фактлар билан бир қаторда моддий-ҳуқуқий фактлар ҳам ётади. Фикримизча, вакиллик масаласида фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатнинг вужудга келиши, ўзгариши ҳамда тугатилиши борасида процессуал-ҳуқуқий фактлар биринчи даражада аҳамият касб этади.

Судда вакиллик қилиш мустақил институт ҳисобланиб, уни фуқаролик ҳуқуқидаги вакилликдан вакил ва унга ишонч билдирувчи шахс ўрта сидаги муносабатларнинг характери ва мақсади, субъект таркиби, маълум юридик ҳаракатларни бажаришга берилган топшириқлар, келтириб чиқарувчи оқибатлари ва асослари бўйича фарқлаш мумкин.

Д.М.Чечотнинг фикрига қўшилган ҳолда, судда вакиллик қилиш институтинг, фуқаролик ҳуқуқидаги вакилликдан авваламбор, унинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб фарқлаш мумкинлигини айтиб ўтмоқчимиз.¹ Агар фуқаролик ҳуқуқидаги вакилликнинг мақсади битимлар тузиш ва бошқа юридик ҳаракатлар-

¹ Чечот Д.М. Участники гражданского процесса. – М.: Госюриздат, 1960 г. С. 136.

ни бажариш, яъни вакил ишонч билдирувчи учун фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтирса ҳамда амалга оширса, судда вакиллик қилишнинг мақсади – фуқаролар ва юридик шахсларга ҳуқуқларини судда ҳимоя қилишда ёрдам бериш ҳамда судга иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлашда ва низо-нинг тўғри ҳал қилинишида ёрдам бериш ҳисобланади. Шунинг учун суддаги вакил билан ишонч билдирувчи ўртасидаги моддий – ҳуқуқий муносабатларнинг мавжудлиги процессуал муносабатларнинг келиб чиқиши учун асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 14 майдаги 5-сонли "Вакилликка доир фуқаролик процессуал қонунчилиги нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида"ги қарорининг 2-бандида суддаги вакил – ишонч билдирувчи шахс номидан ва унинг манфаатлари учун берилган ваколат доирасида процессуал ҳаракатлар содир этадиган ҳамда ҳуқуқларини амалга оширишда унга ёрдам берадиган жисмоний шахсдир, деб тушунтириш берилилади.¹

8.2. Судда вакиллик қилиш турлари

Фуқаролик процессуал ҳуқуқ фанида судда вакилликни турларга ажратишда унинг қайси белгилари асосий мезон бўлиши ҳақида яқдил фикрга келинмаган. М.С.Шакаряннинг фикрича, таклиф қилинаётган ҳар бир мезон нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам мустақил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам улар суддаги вакиллик институтини ўрганиш ва қўллашда албатта эътиборга олинishi лозим.²

Суддаги вакилликни турларга ажратишдаги муҳим мезонлардан бири унинг вужудга келиш асослари ҳисобланади. Мазкур мезонни эътиборга олган ҳолда суддаги вакилликни турларга ажратиш борасида ҳам турли баҳс-мунозаралар юритилади.

М.С.Шакарян ва В.В.Ярков суддаги вакилликни юзага келиш асослари-га қараб қонуний, ихтиёрий, суд томонидан тайинланган ҳамда ташкилот номидан иш юритадиган вакиллик турларига ажратадилар.³ Ш.Ш.Шорахметов судда вакилликни қонуний вакиллик; ихтиёрий (шартномали) вакил-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 14 майдаги 5-сонли "Вакилликка доир фуқаролик процессуал қонунчилиги нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида"ги қарори. "Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси", 2010 й., 3-сон.

² Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алёхина, В.В.Бланев и др. Под ред. М.С.Шакарян. –М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. -116 с.

³ Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алёхина, В.В.Бланев и др. Под ред. М.С.Шакарян. –М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. -116 с.; Гражданский процесс / Учебник. Отв. ред. проф. В.В. Ярков. – М.: Волтерс Клувер, 2004. -93 с.

лик; касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари; юридик шахсларнинг вакиллиги ва уставли вакиллик каби турларга ажратади.¹ Бошқа гуруҳ олимлар эса суддаги вакилликни ихтиёрий ва мажбурий турларга ажратиб ўрганадилар.²

Вакилликни турларга бўлишда уларнинг бир-биридан нафақат вужудга келиш асослари бўйича, балки вакиллик қилишнинг мақсадлари, вакил бўла оладиган шахсларнинг доираси, вакил ваколатларининг характери ва уларни тасдиқлаш шаклидаги фарқлар ҳам эътиборга олинади.

Судда вакиллик қилиш турлари қуйидагиларга ажратилади:

– **қонуний вакиллик;**

– **шартнома бўйича (ихтиёрий) вакиллик;**

– **юридик шахс вакиллиги;**

– **уставли вакиллик;**

– **касаба уюшмаларининг ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллиги.**

Қонуний вакиллик. Маълумки, вакилликнинг барча турлари вужудга келишининг умумий асоси ҳуқуқ нормасидир. Бу маънода вакилликнинг барча турлари қонунийдир. Бошқача қилиб айтганда, қонуний вакиллик – қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолларда юзага келадиган вакилликдир. Ишонч билдирувчи муомалага лаёқатсизлиги ёки қисман муомалага лаёқатлилиги сабабли, ўз ихтиёри бўйича ўзига вакил танлай олмайди, шунинг учун вакилни қонун белгилайди. Муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини судда уларнинг қонуний вакиллари ҳимоя қиладилар. ФПКнинг 51-моддасига мувофиқ, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахсларнинг оналари, уларни фарзандликка олганлар, васийлар ёки ҳомийлар қонуний вакиллар ҳисобланади.

Суддаги вакилликнинг мазкур турининг вужудга келиши учун қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган қуйидаги ҳолатлар асос бўлиб ҳисобланади: фуқаро муомалага лаёқатсиз деб топилса ёки

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент, Адолат. 2001. – 94 б.

² Гражданский процесс // Учебник. Под ред. д.ю.н. проф., М.К. Треушникова. –М.: Юриспруденция. 2001. -79 с.; Власов А.А. Гражданское процессуальное право. Верховный суд Российской Федерации, Высший Арбитражный суд Российской Федерации, Российская Академия правосудия. Учебник. –М.: 2003. -64 с.

муомала лаёқати чекланса, унга нисбатан васий ёки ҳомий тайинланади, бодарак йўқолган деб топилган фуқаронинг мол-мулкани доимий суратда бошқариб туриш зарурати мавжуд бўлса, васийлик ва ҳомийлик органи билан тузиладиган ишончли бошқарув тўғрисидаги шартнома асосида иш олиб борадиган шахс тайинланади ва ҳоказо (ФКнинг 29-34, 36-моддалари). Қонуний вакиллик асосан қариндошлик муносабатлари асосида юзага келади. Бироқ, айрим ҳолларда, хусусан, васий ва ҳомий тайинланганда туман ҳокимининг қарори асос бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида Низомга кўра, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига биноан васийлик ёки ҳомийлик ота-она вафот этганда, улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда, уларнинг ота-оналик ҳуқуқи чекланганда, ота-она муомалага лаёқатсиз деб топилганда, улар касал бўлганда, ота-она узоқ муддат бўлмаганда, ота-она болаларни тарбиялаш ёки уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин толаганда, жумладан, ота-она тарбиялаш, даволаш муассасалари ва аҳолини иқтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасадаги ўзининг боласини олишдан бош тортганда, болалар ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда, шунингдек, вояга етган, суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан уларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш мақсадида, шунингдек, уларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун белгиланади. Васийлик ва ҳомийлик туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади.¹

Суддаги вакилликнинг навбатдаги тури шартнома бўйича (ихтиёрий) вакиллик ҳисобланиб, ФПКнинг 52-моддасида назарда тутилган. Шартнома бўйича (ихтиёрий) вакилликка биноан ишонч билдирувчи ўз ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича судда иш юритишни вакилга топширади.

Қуйидагилар шартнома бўйича (ихтиёрий) вакил бўла оладилар:

1) адвокатлар;

¹ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 1999 й., N 4, 18-модда.

2) насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган ёки ён шажара бўйича қариндошлар, шунингдек эр (хотин) ёхуд унинг қариндошлари;

3) юридик шасхларнинг ходимлари – шу юридик шасхларнинг ишлари бўйича;

4) нотижорат ташкилотларининг ваколатли вакиллари – шу ташкилотлар аъзоларининг ишлари бўйича;

5) қонунга биноан бошқа шасхларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилган нотижорат ташкилотларининг ваколатли вакиллари;

6) биргалиқда иштирок этувчилардан бири бошқа иштирокчиларнинг топшириғи бўйича;

7) ишни кўраётган суд томонидан ишда жисмоний шасхларнинг вакиллари сифатида қатнашишга руҳсат берилган шасхлар.

Судда иш юритиш бўйича вакил сифатида профессионал фаолият билан фақат адвокатлар шуғулланишлари мумкин (ФПКнинг 52-моддаси).

Шартнома бўйича (ихтиёрий) вакиллик суд амалиётида вакилликнинг бошқа турларига қараганда кўп учрайди. Шартнома бўйича вакиллик тарафларнинг, яъни вакил ва ишонч билдирувчининг эрқлари бўйича белгиланиб, кўпинча топшириқ шартнома-си билан расмийлаштирилади.¹

Амалиёт шуни кўрсатадики, судда шартнома бўйича вакил сифатида кўпинча адвокатлар иштирок этмоқдалар. Чунки фуқаролар ва ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишда, уларга малакали юридик ёрдам кўрсатишда шартнома бўйича (ихтиёрий) вакил сифатида адвокат иштироки муҳим ўрин эгаллайди. Шартнома бўйича (ихтиёрий) вакилликнинг ушбу турининг юзага келиши учун асос вакил билан ишонч билдирувчи шахс ўртасида тузилган битим ҳисобланади. “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг “Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома)” деб номланган 9¹-моддасига мувофиқ, юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома) ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) билан адвокат ўртасида ишонч билдирувчи шахснинг (ҳимоя остидаги шахснинг) ўзига ёки у тайинлаган шахсга юридик ёрдам кўрсатиш учун оддий ёзма

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент: Адолат. 2001. -72 б.

шаклда тузиладиган фуқаролик-ҳуқуқий шартномадан иборатдир.¹ Фуқаролик кодексининг 353-моддасига кўра, асосан икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади. Шу сабабли юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битим (шартнома)га Фуқаролик кодексининг битимларга оид (ФКнинг 9-боби) ҳамда шартнома тўғрисидаги умумий қоидалар (ФКнинг 353-385 моддалари) қўлланилади. Шунингдек, ушбу шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларга нисбатан мажбурият тўғрисидаги умумий қоидалар (ФКнинг 234-352 моддалари) ҳам қўлланилиши мумкин.

Шартноманинг яна бир муҳим шarti топшириқнинг предметидир. Яъни, топшириққа асосан адвокат қандай ҳаракатларни амалга ошириши кераклиги кўрсатилади. Топшириқнинг предмети номоддий хизматлар ташкил этади. Бунда юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимнинг (шартноманинг) икки хусусияти ҳақида тўхталиш лозим. Ушбу икки хусусият адвокатнинг ишонч билдирувчи шахсга (ҳимоя остидаги шахсга) юридик ёрдам кўрсатиш турларидан келиб чиққан. Яъни, адвокат ишонч билдирувчи шахсга (ҳимоя остидаги шахсга) фуқаролик, жиноят, хўжалик, маъмурий жавобгарликка оид ишларда вакил бўлиб қатнашаётганида юқоридаги битим топшириқ шартномаси хусусиятига эга бўлса (ФКнинг 46-боби), иккинчи хусусияти ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг хусусиятларидир, яъни ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида ижрочи (адвокат) буюртмачининг (ишонч билдирувчи шахснинг) топшириғи билан ашёвий шаклда бўлмаган хизматни бажариш (муайян ҳаракатларни қилиш ёки муайян фаолиятни амалга ошириш), буюртмачи эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Бунда адвокат томонидан кўрсатилаётган хизматлар бевосита вакиллик билан боғлиқ бўлмайди (мисол учун, юридик маслаҳат бериш, судга топшириладиган ҳужжат лойиҳасини тайёрлаб бериш, ҳуқуқий масалалар бўйича ёзма хулоса-

¹ Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги 1996 й. 27 декабрдаги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1997 й. 2-сон, 48-модда // Ўзбекистон Республикаси 15.12.2000 й. 175-II-сон, 25.04.2003 й. 482-II-сон, 12.12.2003 й. 568-II-сон, 23.09.2005 й. ЎРҚ-8-сон, 31.12.2008 й. ЎРҚ-198-сон Қонунлар билан ўзгартиришлар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2001 й. 1-2-сон, 23-модда, 2003 й. 5-сон, 67-модда, 2004 й. 1-2-сон, 18-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари Ахборотномаси. 2005 й. 9-сон, 312-модда, 2008 й. 12-сон, 641-модда.

лар тайёрлаш ва ҳ.к). Кўрсатилаётган юридик ёрдам учун ҳақ тўлаш томонлар келишуви билан шартномада кўрсатилади. Бу ҳолатда муайян давр учун (соатлик, суткалик, ойлик) ёки маълум бир ҳаракат амалга оширилганида ҳақ тўлаш тартиби белгиланиши мумкин. Ҳақ белгилашда албатта ишнинг мураккаблиги ва ҳажми, ишнинг қанча муддат давом этиши, адвокатнинг малакаси, таҷрибаси ва бошқа ҳолатлар ҳисобга олиниши мумкин. Адвокат фаолиятининг натижаси, яъни муайян натижага эришиш бўйича жавоб бერмайди. Лекин адвокат шартнома бўйича топшириқни етарли даражада ёки тўла бажармаганлиги учун жавобгар бўлади. Адвокат топшириқни бажариш билан боғлиқ харажатларини компенсация қилиш тартиби ва миқдори ҳақида ишонч билдирувчи шахс билан шартномада келишиши керак.

Шартномада ишонч билдирувчи шахснинг адвокатни топшириқни бажариш билан боғлиқ воситалар (бошқа жойга бориши муносабати билан йўл харажатлари ва суткалик яшаши учун тўловлар, судга тўланадиган давлат божи ва ҳ.к) ёки келгусидаги харажатларни (ҳужжатлардан нусха кўчириш харажатлари ва уларни нотариал гувоҳлаништириш учун нотариусга тўланадиган пул миқдори ва ҳ.к.) қоплашни олдиндан ҳам таъминлаши белгилаб қўйилиши мумкин. Топшириқни бажаришни ўз зиммасига олган адвокат жавобгарлигининг миқдори ва хусусиятини белгилаш ҳам шартноманинг муҳим шarti қаторига киритилган.

Шартнома бўйича (ихтиёрий) вакилликнинг яна бир тури биргаликда иштирок этувчилардан бири бошқа иштирок этувчиларнинг топшириғи бўйича вакилликни амалга ошириши ҳисобланади. Вакилликнинг мазкур тури ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, унга кўра процессда биргаликда иштирок этувчи шахс манфаатларини ҳимоя қилувчи шахс бир вақтнинг ўзида процессда тарафнинг ва вакилнинг процессуал ҳуқуқий ҳолатини эгаллайди. Вакилликнинг мазкур турига шерик иштирокчиларнинг манфаатлари ўзaro бир-бирлари билан қарама-қарши бўлмаганида йўл қўйилади.

Касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллиги. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 59-моддасига кўра, касаба уюшмалари ходимларнинг ихтимойий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар.¹ Ўз навбатида, мазкур ҳуқуқни таъминлаш чоралари, уни

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи. –Тошкент, Адолат, 1998. –178 б.

амалга ошириш усуллари Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги¹ ҳамда “Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунларида² белгилаб қўйилган. Қасаба уюшмаларининг вазифаларидан бири ўз ходимларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судда ҳимоя қилишдан иборат бўлганлиги сабабли, қасаба уюшмалари судда жамоатчилик асосида вакиллик қиладилар.

Судда қасаба уюшмаси вакилининг тарафлар ёки учинчи шахслар вакили сифатида иштирок этиши ихтиёрий вакилликнинг бир кўриниши саналади. Вакилликнинг ушбу тури вужудга келишига иккита юридик факт асос бўлади: биринчидан, манфаатлари судда ҳимоя қилинаётган шахснинг қасаба уюшмаларига аъзо бўлганлиги, иккинчидан, ишонч билдирувчининг жамоат ташкилоти вакиллик қилишга бўлган розилиги. Бироқ, адабиётларда тўғри таъкидланганидек, қасаба уюшмалари фақат уюшма аъзоларининг ишлари бўйичагина эмас, балки мазкур ташкилотнинг ҳамма ходимларининг ишлари бўйича ҳам судда вакилликни амалга оширишлари мумкин.³ Бу эса қасаба уюшмалари вакилликнинг суддаги бошқа вакилликдан фарқ қилувчи хусусиятларидан бири ҳисобланади. Қасаба уюшмаларининг судда меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган низолар бўйича ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқлари меҳнат қонунчилигида кўрсатилган. Меҳнатта оид низоли ишларда ходимнинг вакили сифатида ходим ишлаётган корхонанинг қасаба уюшмаси кўмитаси иштирок этиши мазкур туркумдаги ишларнинг ўзига хос процессуал хусусиятлари сифатида эътироф этилади.⁴ Меҳнат кодексининг 20-моддасига мувофиқ, қасаба уюшмалари, уларнинг корхонадаги сайлаб қўйиладиган органлари, ходимлар томонидан сайлаб қўйиладиган органлари, иш бевурачиларнинг вакиллик органлари меҳнатта оид муносабатларнинг субъектлари сифатида қатнаша оладилар. Ундан ташқари, меҳнат низолини кўришни сўраб судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991. №4, -76 модда.

² Ўзбекистон Республикасининг “Қасаба уюшмалари, ҳуқуқлари ва уларнинг фаолияти кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси. 1992. 9-сон, 344-модда.

³ Решетникова И.В., Ярков В.В. Гражданский процесс. –М.: Норма. 2000. -79 с.

⁴ Батафсил қаранг: Мамасиддиқов М.М. Меҳнатта оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Монография. –Тошкент: ТДЮИ, 2005. -46 б.

шахслар рўйхати Меҳнат кодексининг 268-моддасида ҳам кўрсатилган бўлиб, унга кўра касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи меҳнат низосини кўриш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.¹

Ходимнинг вакиллик органи бўлмиш касаба уюшмалари меҳнат низоларини кўрувчи органларда ходимлар манфаатини ҳимоя қилишга доир ҳуқуқларини ўз вакиллари орқали бажарадилар. Касаба уюшмаси кўмитасининг умумий мажлисида ходимнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун сайланган вакил кўмита раиси томонидан берилган ваколатнома асосида меҳнатта оид ишнинг судда кўриб ҳал этилишида иштирок этади. Меҳнат муносабатларида қонунийликни таъминлашда жамоатчилик назоратини кучайтириш, ходимларга уларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва ролини ошириш мақсадида фуқаролик процессида касаба уюшмалари иштироки муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрдаги Қонунига кўра “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритилиб, унга кўра, касаба уюшмаларининг ходимлар меҳнатининг муҳофаза қилинишига доир ҳуқуқини ҳимоя этиш борасидаги ҳуқуқлари аниқлаштирилди ва кенгайтирилди.² Эндиликда ушбу Қонунга мувофиқ, касаба уюшмалари меҳнатни муҳофаза қилишга доир норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда ва қўлиниб олишда белгиланган тартибда иштирок этадилар.

Касаба уюшмалари ишлаб чиқариш воситаларини синаш ва фойдаланишга қабул қилиш давлат комиссиялари ишида, ишлаб чиқаришдаги касб касалликларини текширишда, тиббий-меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) мажлисларида иштирок этишлари белгиланган қўйилди. Айниқса, ходимларнинг соғлиғига меҳнатда майиб бўлиш оқибатида ёки ўз меҳнат вазифаларини бажаришлари билан боғлиқ ҳолда улар соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли етказилган зарар қопланиши учун ҳамда уларнинг соғлиғи ва меҳнати муҳофаза қилинишига доир ҳуқуқ-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. – Тошкент, Адолат. 2008.

² Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 1993 й. 6 майдаги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси 1993 й. 5-сон, 225-модда // Ўзбекистон Республикаси 01.05.1998 й. 621-қ-сонли Қонуни, 12.05.2001 й. 220-II-сонли Қонуни, 07.12.2001 й. 320-II-сонли Қонуни билан ўзгартиришлар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. 1998 й. 5-6-сон, 102-модда, 2001 й. 5-сон, 89-модда, 2002 й. 1-сон, 20-модда.

лари камситилган бошқа ҳолларда касаба уюшмалари ўз ташаббуси билан ёки ходимларнинг аризаларига биноан уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, даъво аризалари билан судга мурожаат этишлари мумкинлигининг белгилаб қўйилиши ходимларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятларини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этди. Касаба уюшмаси кўмиталари ўзларига қонун билан берилган бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ваколатларидан келиб чиқиб, судга мурожаат қиладилар.

1992 йил 2 июлдаги Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни 11-моддасига кўра, касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, даъво аризаси билан судга мурожаат қилишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Касаба уюшмаси кўмитасининг ваколатлари тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун суд даъво аризаси тегишли касаба уюшмаси кўмитаси номидан берилганлигини, манфаати ҳимоя қилинаётган ходим касаба уюшмаси кўмитаси фаолият кўрсатаётган жамоа аъзоси эканлигини аниқлашининг ўзи етарли. Мазкур ҳолатда касаба уюшмаси кўмитаси ишончнома берувчининг номидан ёки унинг топшириғи бўйича эмас, балки бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ўз номидан судга мурожаат қилади.

Юридик шахсларнинг вакиллиги. Юридик шахслар ташкил қилинган пайтдан бошлаб фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади, бинобарин, улар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни судда ҳимоя қилиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни амалга ошира оладилар. Юридик шахсларнинг фуқаролик ишларини судда уларнинг қонун, устав ёки низом бўйича берилган ваколат доирасида ҳаракат қилувчи органлари ёки уларнинг вакиллари юритадилар. Юридик шахс органи сифатида қатнашаётган ташкилотларнинг раҳбарлари, ўзларининг хизмат лавозимлари ёки ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатларни судга тақдим этадилар (ФПКнинг 53-моддаси). Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ташкилот раҳбарларининг ўз муассасаси ёки корхонасининг иши бўйича бевосита шахсан иштирок этишини, шунингдек ҳайъат аъзоларидан бирининг иштирок этишини юридик шахс вакилининг иштирок этиши сифатида кўриш мумкин эмас. Юридик шахсларнинг ихтиёрий вакиллиги – вакилларнинг процессда юридик шахс

органининг эрки бўйича ҳам иштирок этишини фараз қилади, аммо юридик шахсларнинг ихтиёрий равишда вакиллик қилишларига асос кўпинча топшириқ шартномаси бўлмасдан, балки меҳнат шартномаси бўлади. Аксарият корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ходимлари таркибида ҳуқуқий маслаҳатчилар ҳам бўлади. Юридик шахсларнинг ишлари бўйича судда вакиллик қилиш мажбурияти кўпинча уларга юклатилади. Баъзи ҳолларда юридик шахс вакили топшириқ шартномаси бўйича фуқаролик ишларида иштирок этиши мумкин. Бундай ҳолда вакилга тегишли ваколат юридик шахс органи томонидан берилган бўлиши керак. Процессда юридик шахс вакилининг иштирок этиши суд мажлисида ташкилот раҳбарининг бевосита иштирок этишини истисно қилмайди. Бинобарин, юридик шахснинг вакилидан (юридик шахсга нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мустақил субъекти бўлган) фарқли ўлароқ, юридик шахс органи ва юридик шахснинг ўзи ҳуқуқнинг умумий (яхлит) субъекти ҳисобланади.

Устав бўйича вакиллик деганда, коллегиял идораларни аъзоларидан бирининг фуқаролик процессида юридик шахсларнинг ишларини олиб бориши тушунилади. Демак, устав бўйича вакилликда коллегиял идорани бошқарувчи юридик шахслар ишонч билдирувчи ҳисобланади, вакиллар сифатида эса мазкур коллегиял идораларнинг аъзолари қатнашадилар. Маълумки, коллегиялик давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари, уларнинг бирлашмаларига хосдир. Шунинг айтиб ўтиш керакки, коллегиял идораларни бошқарувчи юридик шахслар учун устав бўйича вакиллик судда ишларни олиб боришнинг ягона усули эмас. Улар барча юридик шахслар каби шартнома бўйича вакиллик туридан фойдаланишлари мумкин.

8.3. Суддаги вакилнинг ваколатлари (ҳажми ва уни расмийлаштириш тартиби)

Процесс иштирокчиси сифатида суддаги вакил судда ўзига хос, махсус процессуал ҳуқуқий ҳолатга эга ҳисобланади.

Суддаги вакил процессуал ҳаракатларни ваколат берувчининг номидан ва унинг топшириғига кўра амалга оширар экан, ваколатлар доираси тарафлар (даъвогар, жавобгар), учинчи шахслар томонидан берилган ваколатномада ифода этилган бўлиши керак. Вакилнинг ваколатлари ўз мазмунига кўра умумий ва махсус ваколатларга ажратилади.

Умумий ваколатлар ваколат бевувчининг номидан иштирок этаётган ва ваколатномадан назарда тутилган-тутилмаганлигидан қатъи назар ҳар қандай вакил амалга ошириши мумкин бўлган процессуал ҳаракатлардир. Мазкур процессуал ҳаракатлар жумласига иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусхалар кўчириш, рад этиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашаётган шахсларга саволлар бериш, арз қилиш, илтимосномалар тақдим этиш, судга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, ишни судда кўриш давомида туғиладиган ҳамма масалалар бўйича ўзларининг вазларини баён қилиш, бошқа шахсларнинг арзлари, илтимосномалари, вазларига қарши эътирозлар билдириш кабиларни киритиш мумкин (ФПКнинг 34-моддаси).

Махсус ваколатлар шундай ваколатларки, унга кўра вакил муайян процессуал ҳаракатларни бу ҳақда ваколатномада махсус кўрсатилган бўлсагина амалга ошириши мумкин бўлади.

ФПКнинг 54-моддасига кўра, шартнома ва устав бўйича вакиллик қилувчининг арз қилинган талаблардан бутунлай ёки қисман воз кечиш, уларнинг асосини ёки предметини ўзгартириш, миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш, даъвогарнинг талабларини тан олиш, келишув битими тузиш, ваколатларни бошқа шахсга ўтказиш (бошқа шахсга ишониб топшириш), суднинг ҳал қилув қарори (ажрими) устидан шикоят бериш, юкро варақасини ундирувга қаратиш, даъво кўзғатувчига тегишли деб қарор чиқарилган мол-мулк ёки пулни олиш ваколати тўғрисида ҳар бир алоҳида ҳолда ваколат бевувчи томонидан топширилган ваколатномада махсус изоҳ берилиши керак.

Шу ўринда таъкидлаш кераки, айрим ҳаракатларни амалга оширишда қонуний вакиллар моддий ҳуқуқ нормасида назарда тутилган чекловларга амал қилишлари талаб этилади. Масалан, Оила кодексининг 184-моддасига кўра, васий васийлик ва ҳомийлик органларининг розилиги билан: васийликдаги шахс номидан нотариал тартибда тасдиқланиши лозим бўлган битим (шартнома)лар тузишга; васийликдаги шахсга қарашли бўлган мол-мулкни тақсимлаш, бир йилдан ортиқ муддатга гаровга қўйиш ёки ижарага беришга; васийликдаги шахс номидан мерос ва (ёки) ҳадя олишдан воз кечишга; васийликдаги шахсга қарашли турар жойни айирбошлашга; васийликдаги шахсга тегишли ҳар қандай ҳуқуқдан воз

кечишга ҳақлидир.¹ Ундан ташқари, Оила кодексининг 185-моддасига кўра, васий ва ҳомий, уларнинг эри (хотини) ва яқин қариндош васийлик ва ҳомийликдаги шахс билан битимлар тузишга, шунингдек васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахс билан васий ёки ҳомийнинг эри (хотини) ва яқин қариндошлари ўртасидаги суд ишларини юритишда васийлик ёки ҳомийликдаги шахснинг вакили бўлишга ҳақли эмас. Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 857-моддаси учинчи қисмига кўра, ишончли бошқарувчи бошқарувга топширилган кўчмас мол-мулкни бошқа шахсга беришни ва гаровга қўйишни фақат бу ҳол мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида назарда тутилган ҳолларда амалга оширишга ҳақлидир.²

Суддаги вакилларнинг ваколатларини расмийлаштириш вакилликнинг қайси турга мансублигидан келиб чиқиб, турли тартибда амалга оширилади:

1) ота-оналар фарзандларининг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномани ҳамда ўз паспортларини тақдим этадилар. Фарзандликка олганлар қўшимча равишда фарзандликка олганлиги ҳақида ҳужжатни ҳам тақдим этадилар. Оила кодексининг 151-моддасига мувофиқ, фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг аризасига биноан ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи тавсиясига кўра туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга оширилади. Васийлик ва ҳомийлик туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади (Оила кодексининг 174-моддаси). Шундай экан, улар судга бу ҳақдаги ҳужжатни тақдим этишлари талаб этилади;

2) Фуқаролик кодексининг 134-моддасига кўра, бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ишончнома ҳисобланади. Ишончли вакил ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида иш олиб боради. ФПКнинг 53-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, судда вакил сифатида иштирок этиш учун фуқаролар берадиган ишончномалар нотариуслар ёки нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахслар томонидан тасдиқланиши та-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси. –Тошкент, Адолат. 2008.; “Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Низомнинг 18-банди. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 1999 й., N 4, 18-модда.

² Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Расмий нашр. –Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2008. - б.

лаб этилади. Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги Қонуни “Нотариал ҳаракатлар” деб номланган 5-бобида давлат нотариал идораларида ишловчи нотариуслар, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари), мансабдор шахслар ҳамда консуллар томонидан амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар назарда тутилган. Унга кўра, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколати берилган юқоридаги шахслар фуқаролар берадиган ишончномаларни тасдиқлайдилар. Ишончнома кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди. Берилган куни кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий эмас.

Нотариус томонидан тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ҳаракатларни амалга оширишга мўлжалланган, амал қилиш муддати кўрсатилмаган ишончнома уни берган шахс томонидан бекор қилингунича ўз кучини сақлайди (ФКнинг 139-моддаси);

3) қонун ихтиёрий вакилликнинг ваколатларини расмийлаштиришнинг соддалаштирилган усулини назарда тутди. Унга кўра, фуқаролар вакилларининг судда иш юритиш ваколатлари ишонч билдираётган шахснинг оғзаки аризаси билан ҳам тасдиқланиши мумкин, бу ҳол суд мажлисининг баённомасига киритилиши лозим (ФПКнинг 53-моддаси учинчи қисми);

4) Фуқаролик кодексининг 138-моддасига кўра, юридик шахс номидан бериладиган ишончнома раҳбар томонидан имзоланиб, унга ушбу юридик шахснинг муҳри босилади.

Ташкилотларнинг раҳбарлари судга ўзларининг хизмат лавозимлари ёки ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар тақдим этадилар (ФПКнинг 53-моддаси олтинчи қисми);

5) “Ўзбекистон Республикасининг адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги 1998 йил 25 декабрдаги Қонунининг 4-моддасига мувофиқ, муайян ишни олиб боришга адвокатнинг ваколатли эканлиги ордер билан тасдиқланади.¹ “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўз ваколат-

¹ “Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида” ги 1998 йил 25 декабрдаги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1999 й. 1-сон, 12-модда // Ўзбекистон Республикаси 31.12.2008 й. ЎРҚ-198-сон Қонуни билан ўзгартиришлар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Ахборотномаси 2008 й. 12-сон, 641-модда.

лари доирасида адвокатлик гувоҳномасининг шаклини ва уни бериш тартибини, ордер шаклини тасдиқлайди.¹

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 8 апрелда рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2009 йил 8 апрелдаги "Адвокат томонидан ишни олиб боришга ордер шаклини тасдиқлаш тўғрисида"ги 91-мх-сонли буйруғига мувофиқ, адвокат томонидан ишни олиб боришга ордер шакли тасдиқланган. Унга кўра, ордер бланкалари адвокатлик тузилмаларининг, шунингдек тегишли юридик маслаҳатхоналар учун Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармаларининг буюртмалари бўйича босмахона усулида тайёрланади. Ордер бланкалари улар сарфланишининг қатъий ҳисоби юритиладиган тартиб рақамига эга бўлади, адвокатлик тузилмасининг раҳбари ордер бланкаларининг ҳисобга олиниши, сақланиши ва мақсадли фойдаланилиши учун масъул ҳисобланади ва ордернинг бошқа шахслар томонидан имзоланишига йўл қўйилмайди. Лозим тарзда расмийлаштирилмаган, доғ туширилган ва ёзувлари ўчирилган ордерлар ҳақиқий бўлмайди. Ордер адвокатлик тузилмасининг раҳбари томонидан имзоланади, у ордерда акс эттирилган маълумотлар учун шахсан жавобгар ҳисобланади. Шунингдек, ордер адвокатлик гувоҳномаси тақдим этилганда ҳақиқий ҳисобланиши белгилаб қўйилган.²

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 14 майдаги "Вакилликка доир фуқаролик процессуал қонунчилиги нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида"ги 5-сонли қарори 12-бандига кўра, қонуний вакиллар ишга киришиши учун ҳуқуқ берувчи ҳужжатлар жумласига қуйидагилар киради: боланинг тегишли ота-онадан пайдо бўлганлиги, болаликка олинганлик фактларини тасдиқловчи ҳужжатлар; васий ёки ҳомийни, мерос мулкани асровчини тайинлаш тўғрисида қарорлар.

Шунингдек, мазкур Пленум қарорининг 13-бандига кўра, шартнома бўйича (ихтиёрий) вакиллар ишга киришиши учун ҳуқуқ берувчи ҳужжатлар ФПК 53-моддасига мувофиқ, берилган ишончномалар ҳисобланади, адвокатлар, юридик шахс раҳбари, шунингдек ишонч билдирувчи суд мажли-

¹ Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги 1996 йил 27 декабрдаги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1997 й. 2-сон, 48-модда // Ўзбекистон Республикаси 15.12.2000 й. 175-II-сон, 25.04.2003 й. 482-II-сон, 12.12.2003 й. 568-II-сон, 23.09.2005 й. ЎРҚ-8-сон, 31.12.2008 й. ЎРҚ-198-сон Қонунлар билан ўзгартиришлар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2001 й. 1-2-сон, 23-модда, 2003 й. 5-сон, 67-модда, 2004 й. 1-2-сон, 18-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари Ахборотномаси 2005 й. 9-сон, 312-модда, 2008 й. 12-сон, 641-модда.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й. 15-сон, 195-модда.

сида берган аризага (оғзаки ёки ёзма) биноан шартнома бўйича вакил сифатида ишда қатнашиши учун ФПК 53-моддаси учинчи қисмига мувофиқ, ижозат берилган жисмоний шахснинг қариндошлари ва бошқа вакиллари бундан мустасно.

Шартнома бўйича айрим вакиллар ишга киришишига ижозат берилиши учун қонун судга, ишончномадан ташқари, яна бошқа ҳужжатлар тақдим этилишини талаб қилади, жумладан: ишонч билдирувчининг қариндошлари учун – ишонч билдирувчи ва вакил орасида қариндошлик алоқаларини тасдиқловчи ҳужжатлар; юридик шахснинг раҳбари учун – унинг мансаб мавқеини тасдиқловчи ҳужжат.

Адвокат ишга киришиши учун адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатлар тузилмаси томонидан берилган ордёр тақдим этилиши кифоя бўлиб, у адвокатга юридик ёрдам сўраб мурожаат этган шахс манфаатларини судда ҳимоя қилиш ҳуқуқини (ФПК 54-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқлардан ташқари) беради.¹

8.4. Судда вакил бўла олмайдиган шахслар

Фуқаролик процессуал қонунчилик судда вакиллик қилиши мумкин бўлмаган шахслар рўйхатини белгилайди. Унга кўра, қуйидагилар судда вакиллик қилиши мумкин эмас:

- 1) вояга етмаган шахслар;
- 2) васийлик ёки ҳомийлик белгиланган шахслар;
- 3) судьялар, прокурорлар, терговчилар, суриштирувчилар, улар қонуний вакил (ота-оналар, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар) сифатида, шунингдек тегишли суд, прокуратура, суриштирув ва тергов органининг вакили сифатида қатнашган ҳоллар бундан мустасно.

Маълумки, умумий қоидага кўра, суддаги вакилларнинг ўзи вояга етган, яъни муомалага лаёқатли бўлиши талаб этилади. Вояга етмаган шахсларнинг судда вакил бўла олмаслиги мамлакатимиз қонунчилигидан ташқари МДХга аъзо айрим давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилигида ҳам назарда тутилган. Хусусан, Беларусь Республикаси ГПКнинг 73-моддасида вояга етмаган шахслар судда вакил бўла олмаслиги назарда тутилган.² Бироқ мазкур моддада кўрсатилишича, вояга етмаган ота-оналар

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 14 майдаги 5-сонли "Вакилликка доир фуқаролик процессуал қонунчилиги нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида"ги қарори. "Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси", 2010 й., 3-сон.

² Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь от 11 января 1999 года, Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь, 1999 г., № 18-19, 2/13.

ўз фарзандларига нисбатан қонуний вакил сифатида иштирок этишлари мумкинлиги назарда тутилган. ФПКнинг 55-моддасида эса вояга етмаган ота-оналар ўз фарзандларига нисбатан қонуний вакил сифатида судда иштирок этишлари назарда тутилмаган. Бироқ айнан ушбу масалада Оила кодекси ва Фуқаролик кодекси нормаларининг бир-бирига номувофиқлигини кузатиш мумкин. Масалан, Оила кодексининг 74-моддаси иккинчи қисмида ота-она ўз болаларининг қонуний вакиллари эканлиги қайд этилган. Фуқаролик кодексининг 22-моддаси иккинчи қисмида эса вояга етмаган шахслар қонуний асосда қонуний никоҳдан ўтган кундан эътиборан тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлиши белгиланган. Лекин ФПКнинг 55-моддасида вояга етмаган шахслар судда вакиллик қилиши мумкин эмаслиги кўрсатилади. Бизнинг назаримизда, ФПКнинг 55-моддаси биринчи банди “вояга етмаган ота-оналар ўз фарзандларига нисбатан қонуний вакил сифатида иштирок этишлари бундан мустасно” тарзидаги норма билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Судда вакил сифатида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслардан яна бири васийлик ёки ҳомийлик белгиланган шахслар ҳисобланади.

МДҲга аъзо давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилигида судда вакил бўла олмайдиган шахсларнинг рўйхати кенгроқ берилганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, Украина ГПКнинг 41-моддасига мувофиқ, мазкур процессда суд мажлиси котиби, таржимон, эксперт, мутахассис, гувоҳ сифатида иштирок этаётган шахслар судда вакил бўла олмайдилар.¹ Озарбайжон Республикаси ГПКнинг 71-моддаси иккинчи қисмига кўра, Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси ва Нахчиван Автоном Республикаси Олий Мажлиси депутатлари улар қонуний вакил сифатида, шунингдек тегишли органининг вакили сифатида қатнашган ҳоллардан ташқари, судда вакил сифатида иштирок этишга ҳақли бўлмаслиги белгилаб қўйилган. Ундан ташқари, агар шахс иш бўйича қарама-қарши тарафнинг вакили сифатида аввал унга юридик ёрдам кўрсатган бўлса ёки мазкур ишнинг кўрилишида аввал судья, прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон, гувоҳ, ҳолис ёхуд суд мажлиси котиби бўлиб иштирок этган бўлса, шунингдек, ишда иштирок этувчи мансабдор шахсларга нисбатан қариндошлик муносабатларида бўлса ҳам, судда вакил сифатида иштирок этиши мумкин эмаслиги мустаҳкамлаб қўйилган.²

¹ Гражданский процессуальный кодекс Украины от 18 марта 2004 года // ВВР. – 2004. – № 40 – 41, 42. – Ст. 492.

² Гражданский процессуальный кодекс Азербайджанской Республики. Утвержден Законом от 28 декабря 1999 года №780-Г. В соответствии с Законом от 26 мая 2000 года №886-Г. Собрание законодательства Азербайджанской Республики, 2000 год, № 1, статья 17.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида назарда тутилган судда вакил бўла олмайдиган шахслар рўйхатини хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасидан келиб чиқиб кенгайтириш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Масалан, мазкур рўйхатга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати ва доимий асосда ишловчи Сенат аъзосининг киритилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 88-моддаси иккинчи қисми талабларининг амалга оширилишини таъминлайди. Чунки мазкур нормада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати ва доимий асосда ишловчи Сенат аъзоси ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шугулланишлари мумкин эмаслиги назарда тутилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Судда вакиллик деб нимага айтилади?
2. Суддаги вакилликнинг қандай белгилари мавжуд?
3. Фуқаролик процессидаги вакилни фуқаролик ҳуқуқидаги вакилдан фарқловчи қандай белгиларни биласиз?
4. Судда вакиллик қилиш учун нималар асос бўлади?
5. Судда вакиллик қилишнинг турларини айтинг.
6. Қонуний вакилларнинг судда иштирок этишининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
7. Суда шартнома бўйича (ихтиёрий) вакилликнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида гапиринг.
8. Суддаги вакилнинг ваколатлари ҳажми ва уни расмийлаштириш тартиби ҳақида гапиринг.
9. Кимлар судда вакил бўла олмайдилар?

МАХСУС АДАБИЁТЛАР:

1. Власов А. Адвоката надо считать лицом, участвующим в деле // Российская юстиция. 2001. № 6.
2. Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. –Тошкент.: Адолат, 1996.
3. Ивакин В.Н. Процессуальное положение судебных представителей // Правоведение. 1985. № 5.
4. Маринова С.А. Судебное представительство. Учебное пособие. –Т.: ТҒОИ, 2009 г. -144 с

5. Мамасиддиқов М.М., Хабибуллаев Д.Ю. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. (Схема ва жадваллар). Ўқув услубий қўлланма. –Тошкент.: ТДҶОИ, 2006. -168 б.
6. Мамасиддиқов М.М. Суд ҳимояси // Қонун ҳимоясида. –Тошкент, 2005. № 1.(109), -Б. 29-30.
7. Насретдинова К.К. В адвокаты - с безукоризненной репутации // Адвокат. –Ташкент, 2001. № 4. –С. 25-26.
8. Осокина Г. Понятие, виды и основания законного представительства // Российская юстиция. 1998. № 1.
9. Олимова К.К. Вакиллик муносабатлари // Адвокат. –Тошкент, 1999. № 2. –Б. 23-24.
10. Олимова К.К. Қонуний вакиллик асослари // Ҳаёт ва қонун. –Тошкент, 2003. № 3. –30 б.
11. Олимова К.К. Фуқароларнинг судда ўз ишларини вакил орқали юриштишга бўлган ҳуқуқи. // Илмий-назарий анжуман маърузалари тўплами. 2004 йил 27 ноябрь. –Тошкент.: ТДҶОИ, -2004. –Б.162-163.
12. Олимова К.К. Реализация гражданами права на юридическую помощь // Давлат ва ҳуқуқ. –Ташкент, 2004. № 5. –С.46-47.
13. Олимова К.К. Адвокатнинг мажбуриятлари // Ҳаёт ва қонун. –Тошкент, 2004. № 6. –36 б.
14. Олимова К.К. Жаҳон таҷрибаси: Швецарияда адвокатлик фаолияти // “Инсон ва қонун” газ. май. -2005.
15. Олимова К.К. Суддаги вакилни иштироки // Ҳаёт ва қонун. –Тошкент, 2005. № 3. –Б. 39-40.
16. Олимова К.К. Гражданский процесс в схемах. Учебно-методическое пособие. –Ташкент.: ТПҶОИ, 2006. -143 с.
17. Олимова К.К. Адвокатнинг фуқаролик процессида иштирок этиш асослари ва унинг процессуал ҳуқуқий ҳолати // ТДҶОИ Ахборотномаси. –Тошкент, 2008. № 8. -Б. 67-70.
18. Олимова К.К., Насретдинова М.К. Понятие относимости доказательств в гражданском процессе. // “Фуқаролик процессуал қонунчилиги ва суд ислохотлари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент: ТДҶОИ, 2005. –Б. 37-41.
19. Олимова К.К. Адвокатнинг фуқаролик процессида иштирок этиш асослари ва унинг процессуал ҳуқуқий ҳолати. // ТДҶОИ Ахборотномаси. –Тошкент, 2008. № 8. -Б. 67-70.

20. Олимова К.К. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига вакиллик институтини такомиллаштиришнинг айрим масалалари. “Суд-ҳуқуқ ислохотларини янада такомиллаштириш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент.: ТДЮИ. 2009. –Б. 228-234.
21. Олимова К.К. Фуқаролик процессида тарафларнинг вакилиги хориж тажрибаси мисолида. *Huquq va burch* № 4, 2009 йил, -Б. 58-59.
22. Пелевин С.М. Участники гражданского процесса и проект ГПК // *Правоведение*. 1994. № 4.
23. Рой Е.Б. Дискуссионные вопросы процессуального положения судебного представителя // *Арбитражный и гражданский процесс*. 2004. №3.
24. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент.: Адолат. 2001.
25. Шорахметов Ш.Ш. Фуқаролик ишларини судда кўришга оид процессуал ҳужжат намуналарига шарҳ. Дарслик. –Тошкент.: ТДЮИ, 2005. -361 б.
26. Эсанова З.Н. Фуқаролик ишларини судда кўриш жараёнида вакиллик муносабатлари. // *Илмий-назарий анжуман маъруза матн*. 2003. –Тошкент.: ТДЮИ, 2003. –Б.153-157.
27. Эсанова З.Н. Фуқаролик процессуал ҳуқуқини ўрганиш бўйича масалалар тўплами. –Тошкент.: Кўхинур. 2004.

9-БОБ

ПРОЦЕССУАЛ МУДДАТЛАР

Бобнинг мақсади фуқаролик процессида муддатларга оид масалаларни батафсил баён этиш, қонунда белгиланган процессуал муддатлар ва суд томонидан тайинланадиган муддатлар ҳақида маълумот бериш, процессуал муддатларни ҳисоблаш, тўхтатиб туриш, кечиктириш ва тиклаш, ўтказиб юбориш оқибатларини тушунтиришдан иборат.

9.1. Процессуал муддатлар тушунчаси ва аҳамияти

Қонун фуқаролик ишларининг нафақат тўғри, шу билан бир қаторда қонунда белгиланган муддатларда кўрилишини ҳам назарда тутати. Шунинг учун ҳам фуқаролик ишларини ўз вақтида кўриш ҳамда ҳал этиш фуқаролик суд ишларини юритишнинг вазифаларидан бири ҳисобланади (ФПКнинг 4-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатлари тўғрисида"ги 1999 йил 24 сентябрдаги қароридан ҳам фуқаролик ишларини кўриш муддатларига оғишмай риоя этиш одил судловни амалга оширишда қонунчиликни мустаҳкамлашга, суд иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим омиллardan бири бўлиб ҳисобланишига Ўзбекистон Республикаси судларининг эътибори қаратилиши ҳақида тушунтириш берилади.¹

Судларда фуқаролик ишларини юритишда процессуал муддатларга риоя этиш суд ҳокимиятини амалга оширувчи барча босқичдаги судлар учун ҳам, ишда иштирок этувчи шахслар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ана шу нуқтаи назардан фуқаролик ишларини юритишни ўз вақтида таъминлаш мақсадида процессуал муддатлар қонуний тарзда ифода этилди.²

Процессуал муддатлар деганда фуқаролик ишларини судда кўриш ва ҳал қилиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун лозим бўлган вақт тушунилади. Мазкур муддатлар суд, ишда иштирок этувчи шахс-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатлари тўғрисида»ги 1999 йил 24 сентябрдаги қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси, 1999, 3-4 сонлар.

² Эгамбердиев Э. Фуқаролик ишини юритишда процессуал муддатлар // Ҳаёт ва қонун. —Тошкент, 1999. № 3, -32 б.

лар, одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар, шунингдек айрим ҳолларда ишда иштирок этмайдиган шахсларга нисбатан ҳам белгиланади.

Профессор Ш.Ш.Шорахметов ўз асарида процессуал муддатлар деб, фуқаролик ишларини судда кўриш ва ҳал қилиш учун қонун билан белгиланган ёки суд томонидан тайинланган муддатларга айтилишини таъкидлайди.¹

Э.Эгамбердиев эса процессуал муддатларга қуйидагича таъриф беради: процессуал муддатлар – бу бажариладиган ёки бажарилиши керак бўлган процессуал ҳаракатлар ижроси учун қонун билан белгиланган ёки суд идораси томонидан белгиланган вақт.³ Кўриниб турибдики, процессуал муддатларга таъриф бериш борасида мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари томонидан билдирилган фикрлар деярли бир хил. Ҳатто МДХга аъзо давлатларда яшаб ижод қилаётган процессуалист олимлар ҳам бу борада бир-биридан жиддий фарқ қиладиган фикрларни билдирмайдилар. Масалан, А.А.Власовнинг фикрича, процессуал муддатлар деганда, процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун қонун билан белгиланган ёки суд томонидан тайинланадиган вақтнинг бўлаги тушунилади.²

Таъкидлаш керакки, “муддат” атамаси моддий-ҳуқуқ (фуқаролик, оила, меҳнат, уй-жой ва ҳ.к.) соҳасида кенг қўлланилади. Шунинг учун процессуал муддатларнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш ва уларни кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Биринчи фарқ. Процессуал муддатларнинг асосий ўзига хос жиҳати шундан иборатки, мазкур муддатлар айнан процессуал ҳаракатларни амалга ошириш вақтини белгилайди. Процессуал муддатлар низоли моддий-ҳуқуқий муносабатга таъсир кўрсатмайди. Процессуал муддатларнинг даъво муддатидан ҳам фарқини аниқлаб олиш лозим. Мамлакатимиз қонунчилигига кўра, даъво муддатининг ўтиши моддий ҳуқуқнинг тугатилишига олиб келмайди ва шахснинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқидан маҳрум

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. – Тошкент, Адолат. 2001. – 120 б.

³ Эгамбердиев Э. Фуқаролик ишини юритишда процессуал муддатлар // Ҳаёт ва қонун. – Тошкент, 1999. № 3, – 32 б.

² Власов А.А. Гражданское процессуальное право. Верховный суд Российской Федерации, Высший Арбитражный суд Российской Федерации, Российская Академия правосудия. Учебник. – М.: 2003. – 79 с.

этмайди. Масалан, Фуқаролик кодексининг 153-моддасига кўра, бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш талаби даъво муддатининг ўтган лигидан қатъи назар судда кўриб чиқиш учун қабул қилинади. Даъво муддати – шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво кўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддатдир.¹

Лекин шундай бўлса-да, қўлланиш тўғрисида низодаги тараф баён қилган даъво муддатининг ўтиши суднинг даъвони рад этиш ҳақида қарор чиқариши учун асос бўлади (ФКнинг 153-моддаси учинчи қисми). Мазкур норманинг мавжудлиги ўз навбатида, даъво муддатини процессуал муддатлар тоифасига киритишга асос бўладими, деган саволни юзага келтиради. Бизнингча, йўқ. Чунки даъво муддати мазкур ҳолатда суд учун қандайдир муайян бир вақтнинг ўтишини ёки процессуал ҳаракатларни амалга ошириш вақтини белгиламайди. Даъво муддати мазкур ҳолатда суд томонидан даъво талабини рад этиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариш учунгина асос бўлади холос. Бу эса даъво муддатининг даъво талабларини қаноатлантиришни рад этишга асос бўладиган жавобгарнинг бошқа моддий-ҳуқуқий эътирозларидан деярли фарқ қилмаслигини кўрсатади.

Иккинчи фарқи. Процессуал муддатлар қонун билан белгиланади ёки суд томонидан тайинланади (ФПКнинг 126-моддаси). Ишда иштирок этувчи шахслар ҳам, шунингдек одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар ҳам ўз келишувлари орқали процессуал муддатларни ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

9.2. Фуқаролик процессида муддатларнинг турлари

Процессуал ҳаракат фуқаролик процессуал қонунчилиги билан белгилаб қўйилган, ишда иштирок этувчи тарафлар, фуқаролик ишларини кўрувчи судлар, айрим ҳолларда ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан амалга ошираладиган хатти-ҳаракатлардир.

Процессуал ҳаракатни бажариш учун процессуал меъёрларда белгиланган процессуал муддатлар асосан икки турга бўлинади:

- қонун билан белгилаб қўйилган процессуал муддатлар;
- суд томонидан тайинланадиган процессуал муддатлар.

Адабиётларда таъкидланишича, процессуал муддатлар умумий ёки махсус нормада белгиланишига қараб уларни умумий

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. –Тошкент, Адолат, 2011.

ва махсус процессуал муддатлар турига ажратиш мумкинлиги таъкидланади.¹ Масалан, ФПКнинг 131-моддаси биринчи ва иккинчи қисмида ишни судда кўришга тайёрлаш ва кўриш муддатлари умумий муддатларга ажратилади. Унга кўра, фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ариза қабул қилинган кундан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай амалга оширилиши лозим. Ундан ташқари, фуқаролик ишлари судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўрилиши умумий муддатларга мисол бўлади. Шунингдек, мазкур моддада ишни судда кўришга тайёрлаш ва кўриш учун махсус муддатлар белгиланган. Унга кўра, фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш муддати алоҳида ҳолларда ўта мураккаб ишлар бўйича судьянинг асослантирилган ажримига биноан кечиктирилиб, йигирма кунга етказилиши мумкин (ФПКнинг 131-моддаси биринчи қисми). Бироқ алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлиги, шунингдек боқувчининг ўлими натижасида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ишлар ҳамда меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича қўзғатилган ишлар бўйича ушбу муддатни узайтиришга қонун йўл қўймайди. Шунингдек, ушбу тоифадаги ишлар башарти тарафлар бир туман ёки шаҳарда жойлашган бўлса, биринчи инстанция суди томонидан судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай, бошқа ҳолларда эса, йигирма кундан кечиктирмай кўрилиши лозим. Ш.Ш.Шорахметов ҳам иш кўриш билан боғлиқ бўлган процессуал муддатларнинг турларини умумий ва махсусга ажратади. М.С.Шакарян эса процессуал муддатларнинг қуйидаги икки турини кўрсатади: норматив, яъни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар ҳамда суд томонидан тайинланган процессуал муддатлар.

Бироқ адабиётларда процессуал муддатларни у йўналтирилган субъектларга қараб турларга ажратишга кўпроқ қизиқиш билдирилади. Бундай муддатлар қуйидаги турларга ажратилади:

- 1) суд томонидан амалга ошириладиган ҳаракат учун белгиланган муддатлар;
- 2) суднинг топшириғини бажариш шарт бўлган ишда иштирок этувчи шахслар учун белгиланган муддатлар;

¹ Гражданский процесс / Учебник. Отв. ред. проф. В.В. Ярков. —М.: Волтерс Клувер, 2004. -103 с.

3) бир вақтнинг ўзида суд ва процесс иштирокчилари учун белгиланган муддатлар.

Бизнинг фикримизча, процессуал муддатлар қуйидаги икки турга ажратилиши тўғри бўлади. Булар:

- қонун билан белгилаб қўйилган процессуал муддатлар;
- суд томонидан тайинланадиган процессуал муддатлар.

Қонун билан белгилаб қўйилган процессуал муддатлар қуйидаги ўзига хос хусусиятларга ажратилади:

– *биринчидан*, суд амалга ошириши мумкин бўлган процессуал муддатлар фақат қонун билан белгиланади. Бу ўринда миллий қонунчилик Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясининг 6-моддаси биринчи бандида кўрсатилган талаблардан келиб чиқади. Мазкур моддада кўрсатилишича, ҳар бир инсон ўзининг фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгиловчи ишларни одиллона ва ошкора суд муҳокамасида оқиллона муддатда олиб борилиши ҳуқуқига эга;

– *иккинчидан*, мазкур муддат хизмат тусига эга, бошқача қилиб айтганда, мазкур муддатнинг ўтказиб юборилиши фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларга нисбатан ҳуқуқий таъсир кўрсатмайди: суд қонунда белгилаб қўйилган процессуал ҳаракатларни амалга оширишга мажбур ҳисобланади;


– *учинчидан*, мазкур муддатларни кечиктиришга истисно ҳолатларда, қонунда бевосита назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади (масалан, қаранг: ФПКнинг 131-моддаси).

9.3. Процессуал муддатларни ҳисоблаш, тўхтатиб туриш, кечиктириш ва тиклаш, ўтказиб юбориш оқибатлари

Процессуал муддатлар йиллар, ойлар ва кунлар билан ҳисобланади. Процессуал муддатлар процессуал ҳаракатлар бажарилиши мумкин бўлган давр эътиборга олиниб, аниқ календарь куни билан белгиланади. Муддатнинг ўтиши календарь сананинг ёки муддатнинг бошланиши деб белгиланган воқеа юз берган куннинг эртасидан бошланади. Йиллар билан ҳисобланадиган муддат унинг охириги йилининг тегишли оyi ва кунда тамом бўлади. Ойлар билан ҳисобланадиган муддат тегишли ойда ва муддат охириги ойининг тегишли кунда тамом бўлади.

Агар ойлар билан ҳисобланадиган муддатнинг охири тегишли куни бўлмаган ойда тўғри келса, муддат шу ойнинг охириги кунда тамом бўлади. Бу муддатнинг охириги куни иш куни бўлмаган кун-

га тўғри келган тақдирда ундан кейинги биринчи иш куни муддатнинг тамом бўлиш куни ҳисобланади. Муддати белгиланган процессуал ҳаракат муддатнинг охири куни соат йигирма тўртгача бажарилиши мумкин. Шу билан бирга муддат бошқача тарзда ҳам, масалан, ФПКнинг 127-моддаси учинчи қисмида кўрсатилганидек, албатта содир бўлиши мумкин бўлган воқеани ёки ҳаракатни кўрсатиб ёхуд муайян даврни кўрсатиб ҳам белгиланиши мумкин. Агар процессуал ҳаракат судда бажарилиши лозим бўлса, белгиланган қоидаларга мувофиқ судда иш тутаган соатда муддат тамом бўлган ҳисобланади. Агар ариза, шикоят, хужжатлар ёки пул суммаси муддатнинг охири куни соат йигирма тўртгача алоқа ташкилотига топширилган бўлса, муддат ўтмаган ҳисобланади.



Баъзи ҳолларда процессуал ҳаракатларни бажариш учун қонунда белгиланган ёки суд тайинлаган муддатларни ишда иштирок этувчи шахслар турли сабаблар билан ўтказиб юбордилар. Бундай ҳолларда ишда иштирок этувчи шахслар процессуал ҳаракатни бажариш учун ўтказиб юборилган процессуал муддат-

ни узайтириб ёки тиклаб бериш тўғрисида тегишли судга ариза бериши мумкин. Ўтказиб юборилган процессуал муддатларни узайтириш ёки тиклаш борасида шуни айтиш керакки, қонун билан белгиланган процессуал муддатлар фақат тикланиши, суд томонидан тайинланган муддатлар эса фақат узайтирилиши мумкин. Процессуал муддатларни узайтириш ёки тиклаш, бу муддатларни ўтказиб юборганликнинг сабабига боғлиқ бўлади. Агар унинг сабаблари узрли бўлса (касал бўлиб қолиш, узоқ муддатга хизмат сафарига кетиб қолиш ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатлар) қонун билан белгиланган муддат тикланиши, суд томонидан тайинланган муддат эса узайтирилиши лозим.

Суд томонидан тайинланган муддатлар тарафларнинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимоси бўйича, прокурорнинг аризаси бўйича ва суднинг ўз ташабуси билан ҳам узайтирилиши мумкин. Процессуал муддатнинг узайтирилиши муайян процессуал ҳаракатлар қилиш учун янги муддатнинг тайинланишидир, суд томонидан тайинланган муддатлар ҳам узайтирилиши мумкин. Суд томонидан муддатнинг узайтирилиши (кечиктирилиши), масалан, ФПКнинг 140-моддасида кўрсатилганидек, жавобгарни қидириш назарда тутилган ҳолларда, ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш суд мажлисида тарафларнинг иштирокида ҳал қилинади.

Даъво муддати ўтиб кетганлигини асос қилиб, даъво аризасини қабул қилиб олишни рад этиш қонунга ҳилофдир. Даъво муддатининг ўтиб кетиши даъво аризасини қабул қилиб олишни рад этиш учун асос бўлмайди. Бундай ҳолда суд даъво аризасини қабул қилиб олишдан олдин уни ўтказиб юборганлик сабабларини текшириб чиқиши лозим. Агар даъво муддати узрсиз равишда ўтказиб юборилган бўлса, суд даъвогарнинг даъво талабини рад этиши керак. Агар суд даъво муддатининг ўтказиб юборилганлиги сабабини узрли деб топса, шахсларнинг бузилган субъектив ҳуқуқини ҳимоя қилиши лозим.

Суд амалиётида ишни етарли даражада кўришга тайёрлаш босқичида тайёрламасдан судда кўришга тайёрлаш, ишни кўриш муддатини судьялар томонидан ўз хохишича белгилаш, суд топшириқлари бўйича далилларни ўз вақтида тўплаб тегишли судга юбормаслик, қонун бўйича белгиланган процессуал ҳаракатларни бажариш муддатларнинг бузилишига сабаб бўлади. Шу билан биргаликда фуқароларни ўз ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш

кафолатларини амалга ошириш имкониятларидан маҳрум қилади, ҳуқуқи бузилган шахсни асосиз равишда бузилган ҳуқуқини суд орқали ҳимоя қилиш борасида сарсон-саргардон бўлиб юришига сабаб бўлади, фуқаролик суд ишларини юритиш борасидаги амалдаги қонунчиликнинг бузилишига олиб келади. Бундай камчиликларга йўл қўймаслик учун барча бўғиндаги судлар ва иш бўйича ишда иштирок этувчи шахслар процессуал ҳаракатларни бажариш борасида ўрнатилган процессуал муддатларга қатъий риоя қилишлари лозим.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Процессуал муддатлар деб нимага айтилади?
2. Процессуал муддатларнинг ўзига хос жиҳатлари нималарда намоён бўлади?
3. Фуқаролик процессида муддатларнинг қандай турлари мавжуд?
4. Қонунда белгиланган процессуал муддатларга мисоллар келтиринг.
5. Суд томонидан тайинланган муддатларга мисоллар келтиринг.
6. Процессуал муддатлар қандай тартибда ҳисобланади?
7. Процессуал муддатларни тўхтатиб туриш, кечиктириш, тиклаш тартиби қандай ва уни ўтказиб юборишнинг қандай оқибатлари мавжуд?

МАХСУС АДАБИЁТЛАР:

1. Верин В.О. соблюдении процессуальных сроков рассмотрения уголовных и гражданских дел // БВС РФ. 1994. № 1.
2. Верин В. О проблеме соблюдения процессуальных сроков рассмотрения уголовных и гражданских дел // БВС РФ. 1996. № 9; № 10.
3. Гусева М. А. Сроки в делах о лишении родительских прав // Вопросы Государства, права и социального управления: Сб. науч. тр. -Свердловск. 1983.
4. Дониёров М.А. Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича судга шикоят қилишнинг процессуал муддатлари. // ТДЮИ Ахборотномаси. 2006 й. №2.

5. Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. –Тошкент.: Адолат, 1996.
6. Имомов Н.Ф. Фуқаролик ҳуқуқида муддатлар ва даъво муддати. –Тошкент.: ТДҶОИ, 2005. –132 бет.
7. Комментарий к ГПК России. –М.: Спарк, 1996.
8. Мамасиддиқов М.М. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Ўқув-услубий қўлланма. –Фарғона, 2005. –184 б.
9. Мамасиддиқов М.М., Хабибуллаев Д.Ю. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. (Схема ва жадваллар). Ўқув услубий қўлланма. –Тошкент.: ТДҶОИ, 2006.168 б.
10. Смирнова Н.Н. Гражданский процесс. –Санкт-Петербург. Альфа. 2000.
11. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент.: Адолат. 2001. –512 б.
12. Шорахметов Ш.Ш. Инсон ҳуқуқлари. Ўқув қўлланма, муаллифлар жамоаси. –Тошкент.: Ўзбекистон. 1997.
13. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. (Қорақалпоқ тилида). –Тошкент.:ТДҶОИ, 2005. –448 б.
14. Шорахметов Ш.Ш. Фуқаролик ишларини судда кўришга оид процессуал ҳужжат намуналарига шарҳ. Дарслик. –Тошкент: ТДҶОИ, 2005. –361 б.
15. Эрделевский А. О сроке принятия искового заявления // Законность. 1999. № 4.
16. Эгамбердиев Э.Э. Фуқаролик ишларини юритишда процессуал муддатлар // Ҳаёт ва қонун. -1997. № 5. –Б.15-17.

10-БОБ

СУД ХАРАЖАТЛАРИ. СУД ЖАРИМАЛАРИ

Бобнинг мақсади фуқаролик процессида суд харажатлари ва суд жарималари билан боғлиқ масалаларни батафсил баён этишдан иборатдир. Мазкур бобда суд харажатлари тушунчаси ва турлари, давлат божи ва унинг турлари, даъвонинг баҳоси, иш юритиш билан боғлиқ бўлган чиқимлар, суд харажатларини тўлашдан озод қилиш асослари ва тартиби, тарафлар ўртасида суд харажатларини тақсимлаш, суд харажатларини қайтариш учун асослар ҳақида маълумотлар ўрин олган. Шунингдек, суд жарималари тушунчаси, суд жарималарини солиш учун асослар ва уни тартибига доир масалалар ҳам ёритиб берилган.

10.1. Фуқаролик процессида суд харажатлари тушунчаси ва турлари

Одил судловни амалга ошириш давлат томонидан молиялаштиришни талаб қиладиган фаолият ҳисобланади. Шунинг учун ҳам фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга оширишда давлат томонидан сарфланадиган маблағларнинг муайян қисми ишда манфаатдор бўлган шахслар томонидан тўланади.¹

Суд харажатлари деганда, фуқаролик ишини кўриш ва ҳал қилиш билан боғлиқ ишда иштирок этувчи шахслар томонидан қилинадиган қонунда назарда тутилган харажатлар тушунилади.

Суд харажатларининг жорий этилиши бир қатор мақсадларни кўзда тутаяди. Давлат божи натижасида олинадиган маблағлар унчалик аҳамият касб этмасанда, бироқ суд фаолиятини давом эттириш жараёнидаги харажатларни қоплашга қаратилади.

Юридик адабиётларда суд харажатларини манфаатдор шахслар зиммасига юклаш давлатнинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларини қоплаш мақсадини кўзлаши ҳақида фикрлар илгари суриб келинган.² Бироқ Ш.Ш.Шорахметов ишда манфаатдор бўлган шахслар то-

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент: Адолат. 2001. -105 б.

² Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. -161 с.

монидан суд ҳаражатлари тўлатилишининг аҳамияти давлат учун маблағ олишда эмас, балки тарафларнинг ўзларининг фуқаролик ҳуқуқий бурчларини ихтиёрий равишда бажаришга рағбатлантириш ва асоссиз низоларнинг кўзгатилишига йўл қўймаслиқдир, деб тўғри таъкидлайди.¹ Дарҳақиқат, суд ҳаражатларининг жорий этилишидан кўзланган асосий мақсад давлатнинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаражатларини қоплаш эмас, аксинча, судларда асоссиз низолар кўзгатилишининг олдини олиш ҳисобланади. Ундан ташқари, суд ҳаражатлари моддий – ҳуқуқий муносабат иштирокчиларини интизомли бўлишга ундайди ва ўз зиммасидаги мажбуриятларни бажаришдан бош тортиш юзасидан огоҳлантириш каби хусусиятларга эга. Шунинг учун ҳам В.В.Ярков давлат божи институтининг жорий этилиши низоларнинг олдини олиш мақсадини кўзлаши ҳақида фикр билдирган.²

Суд ҳаражатларининг белгиланиши фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш каби муҳим конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишларига таъсир кўрсатмаслиги лозим. Шу мақсадда фуқаролик процессуал ҳуқуқда махсус институтлар мавжудки, улар фуқароларнинг ҳуқуқларининг суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади. Акс ҳолда фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи қўпол равишда бузилиши мумкин.

Бугунги кунда суд ҳаражатлари мулкӣ аҳволи заифроқ бўлган фуқароларнинг судга мурожаат қилишига монелик қилмайди, деб айтиш учун барча асосларимиз мавжуд. Масалан, даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган шахс томонидан сарфланган суд ҳаражатлари қайтарилмайди. Агар даъвогарнинг даъво талаблари қаноатлантириладиган бўлса, унинг томонидан сарфланган суд ҳаражатлари жавобгар томонидан ундирилади. Ундан ташқари, фуқаролик ишларининг судда кўрилиши учун тўланадиган давлат божи ҳамда ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чиқимлар оз миқдорда белгиланади, ишнинг хусусияти ва фуқаро манфатларини ҳисобга олган ҳолда айрим тоифадаги ишлар бўйича судга мурожаат қилган шахслар давлат божи тўлашдан озод қилинади, суд тарафларнинг мулкӣ аҳволига қараб, улардан бирининг ёки иккаласининг давлат даромадига ундириладиган суд ҳаражатларини тўлашни кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлашга йўл қўяди, шунингдек бу ҳаражатларнинг миқдорини

¹ Шораҳметов Ш.Ш. *Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи*. Дарслик. –Тошкент: Адолат, 2001. -106 б.

² *Гражданский процесс / Учебник*. Отв. ред. проф. В.В.Ярков. –М.: Волтерс Клувер, 2004. -163 с.

камайтириши ҳам мумкин. Мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилиги суд ҳаракатларининг қуйидаги икки турини назарда тутати: – давлат божи; – ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлар.

10.2. Давлат божи ва унинг турлари: оддий ва пропорционал давлат божлари

Фуқаролик ишлари бўйича ундириладиган давлат божи фуқаролик ишини кўриб ҳал қилганлик учун давлат даромадига ундириладиган пул суммаси ҳисобланади.

Қонун давлат божи деганда, нафақат одил судловни амалга ошириш учун, балки нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этганлик ва шу кабилар учун олинадиган тўловни ҳам назарда тутати.

Давлат божи юридик аҳамиятта молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан хужжатлар берганлик учун олинадиган мажбурий тўловдир (Солиқ кодексининг 326–моддаси).¹

Солиқ кодексининг 328–моддасига кўра, умумий юрисдикция судларида давлат божи қуйидагилардан ундирилади:

- судларга бериладиган даъво аризаларидан;
- органларнинг ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлардан;
- алоҳида тартибда юритиладиган ишларга доир аризалардан;
- судларнинг қарорлари устидан бериладиган апелляция, кассация шикоятларидан ва аризаларидан, назорат тартибида протест келтириш тўғрисидаги шикоятлар ва аризалардан;
- ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги аризалардан, ҳакамлик судининг қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалардан;
- судлар томонидан хужжатларнинг нусхаларини берганлик учун.

Давлат божлари даъвогар томонидан тақдим этилган даъво аризаларидан ташқари, жавобгар тақдим этган қарши даъво аризаларидан, шунингдек учинчи шахсларнинг ишга мустақил даъво талаблари билан киришганлиги тўғрисидаги аризалардан ҳам умумий асосларда ундирилади. Шунингдек, суд дастлабки даъ-

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52-сон, (I).

вогарни унинг розилиги билан бошқа шахс билан алмаштирганда, бу шахс давлат божини умумий асосларда тўлаши керак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги "Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида"ги 14-сонли қарорининг 5-бандида тушунтириш берилишича, давлат божи ариза, даъво аризаси шикоят судга берилгунга қадар тўланади, агар қонунда бошқача белгиланмаган бўлса (масалан, тўловчи давлат божини тўлашдан озод қилинган, давлат божи тўлаш кечиктирилган ёки бўлиб-бўлиб тўланадиган ҳолларида). Давлат божи нақд пулсиз шаклда тўланганлиги факти банкнинг тўлов қабул қилинганлиги тўғрисидаги белгиси бўлган тўлов топшириқномаси билан тасдиқланиши шарт.

Давлат божи нақд пул шаклида тўланганлиги факти банк томонидан тўловчига бериладиган белгиланган шаклдаги квитанция билан ёки Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ кўмитаси белгиланган шаклда давлат божини қабул қилган ташкилот ёки мансабдор шахс томонидан тўловчига бериладиган квитанция билан тасдиқланиши керак. Судга мулкий низо бўйича даъво баҳоси чет эл валютасида кўрсатилган даъво аризаси берилганда, давлат божи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ставкалар ва тартибда чет эл валютасида ундирилади.

Агар муайян судда кўрилиши керак бўлган бир неча аризалар бўйича давлат божи бир тўлов топшириқномаси билан тўланган бўлса, тўлов топшириқномаси ишлардан бирига илова қилинади. Қолган ишларга судья томонидан тўлов топшириқномаси санаси ва рақами кўрсатилган ҳамда тўлов топшириқномаси кўшиб қўйилган ишга ҳавола қилинган ҳолда давлат божи тўланганлиги тўғрисида, белги қўйилади (маълумотнома тузилади).

Ишдан дастлабки даъвогар чиқиб кетган ва у ҳуқуқий ворис билан алмаштирилган ҳолларда давлат божи, агар у дастлабки даъвогар томонидан тўланмаган бўлса, ҳуқуқий ворисдан ундирилади. Судья бир ёки бир нечта бирлашган даъво талабларини алоҳида иш юритиш учун ажратган тақдирда, даъво тақдим этилганда тўланган давлат божи қайта ҳисоблаб чиқилмайди ва қайтарилмайди. Алоҳида иш юритувга ажратганлик юзасидан давлат божи иккинчи бор тўланмайди.

Илгари кўрмасдан қолдирилган тақдоран берилган аризалар бўйича давлат божи қайтадан умумий асосларда тўланади. Агар ариза кўрмасдан қолдирилганлиги муносабати билан давлат божи қайтарилиши керак бўлган, лекин қайтарилмаган бўлса, агар давлат божи бюджетга ўтказилган кундан эътиборан фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ даъво муддати тугамаган бўлса, давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги дастлабки ҳужжат тақро-

ран берилган аризага илова қилиниши мумкин. Давлат божи, агар Солиқ кодексда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, давлат божи ундириладиган ҳаракатлар амалга оширилгунига қадар нақд пулли ёки нақд пулсиз шаклда тўланади. Тўловчининг давлат божини нақд пулсиз шаклда тўлаганлиги факти банкнинг тўлов ижро этилганлиги тўғрисидаги белгиси бўлган тўлов топшириқномаси билан тасдиқланади.

Тўловчининг давлат божини нақд пул шаклида тўлаганлиги факти банк томонидан тўловчига бериладиган белгиланган шаклдаги квитанция ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси белгиланган шаклда тўловни амалга оширган мансабдор шахс ёхуд давлат органи ва ташкилотнинг кассаси томонидан тўловчига бериладиган квитанция билан тасдиқланади.

Юридик адабиётларда давлат божини турларга ажратиш борасида аксарият олимлар яқдил фикрни билдирадilar. Масалан, Ш.Ш.Шорахметов, М.С.Шакарян, М.К.Треушников ва бошқа бир қатор процессуалист олимлар давлат божини оддий ва пропорционал (мутаносиб) турларга ажратадилар. Бироқ айрим олимлар давлат божининг учинчи тури ҳам мавжуд эканлигини таъкидлайдилар. Хусусан, А.А.Власов ҳозирги кунда оддий ва пропорционал давлат божларининг ўзаро қўшилган, комбинацияланган тури мавжудлигини кўрсатади.¹ Дарҳақиқат, судга мурожаат қилган шахслардан қонунга кўра бир вақтнинг ўзида ҳам оддий, ҳам пропорционал давлат божи ундирилиши мумкин. Масалан, Солиқ кодексининг 337-моддасига кўра, никоҳни бекор қилиш билан бир вақтда мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги даъво аризаларидан никоҳни бекор қилганлик учун ва мол-мулкни бўлганлик учун давлат божи ундирилади.

Бизнингча, давлат божини тўловни амалга ошириш тартибига қараб турларга ажратиш тўғри бўлади. Шунинг учун ҳам биринчи гуруҳ олимларнинг фикрини қўллаб-қувватлаган ҳолда давлат божини икки турга ажратиш мумкин;

оддий давлат божи қатъий, аввалдан белгиланган ставкада ундирилади. Ҳозирги кунда оддий давлат божининг миқдори энг кам иш ҳақи миқдори билан боғлиқ. Масалан, никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризаларидан энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида давлат божи ундирилади;

пропорционал давлат божи даъво баҳосига нисбатан фоиз

¹ Власов А.А. Гражданское процессуальное право. Верховный суд Российской Федерации, Высший Арбитражный суд Российской Федерации, Российская Академия правосудия. Учебник. –М.: 2003. –83 с.

билан ҳисоблаб ундирилади. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган "Давлат божи ставкалари"га мувофиқ, даъво аризаларидан агар даъво баҳоси энг кам иш ҳақининг 20 бараваригача бўлганда даъво баҳосининг 5 фоизи миқдориди; 20 дан 40 бараваригача бўлганда даъво баҳосининг 10 фоизи миқдориди; 40 дан 80 бараваригача бўлганда даъво баҳосининг 15 фоизи миқдориди; 80 бараваридан кўп бўлганда даъво баҳосининг 20 фоизи миқдориди давлат божи ундирилади.¹ Давлат божининг миқдори ФПКнинг 105-моддаси ва "Давлат божи ставкалари тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланади. Даъвогар томонидан даъво талаблари камайтирилган тақдирда, тўланган давлат божи қайта ҳисоблаб чиқилмайди. Даъво суммаси кўпайтирилган тақдирда, давлат божининг өтишмаётган суммаси даъвонинг кўпайтирилган суммасига мувофиқ ундирилади. Даъво биргалиқда бир нечта даъвогар томонидан бир ёки бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилганда, давлат божи даъвонинг умумий суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади ва даъвогарлар томонидан улар кўйган талаблар улушига мутаносиб тарзда тўланади.

Давлат божини тўлашдан озод этилган бир ёки бир нечта даъвогар томонидан бир нечта жавобгарга нисбатан тақдим этилган даъво тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганда давлат божини ундириш суднинг ҳал қилув қарорига биноан ҳар бир жавобгардан белгиланган қарз суммасидан келиб чиққан ҳолда алоҳида-алоҳида амалга оширилади. Агар бундай даъво бир нечта даъвогарлар томонидан бир жавобгарга нисбатан тақдим этилган бўлса, давлат божи жавобгардан умумий белгиланган қарз суммасидан келиб чиққан ҳолда бюджетга ундирилади.

Суд бошқа шахсни иккинчи жавобгар сифатида жалб қилган ва даъво суммасининг бир қисмини бир жавобгардан, қолган қисмини эса иккинчисидан ундиришга ҳукм қилган тақдирда ва, агар бунда даъвогар давлат божини тўлашдан озод қилинган бўлса, давлат божи даъвонинг қаноатлантирилган умумий суммасидан ҳисоблаб чиқарилади ҳамда ҳар бир жавобгардан унга белгиланган даъво суммаси миқдорига мутаносиб равишда бюджетга ундирилади. Давлат божини тўлашдан озод қилинган даъвогар ўз талабларини даъво берилганидан кейин улар жавобгар томони-

¹ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 1994 й., 11-сон, 49-модда.

дан ихтиёрий равишда тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилганлиги туфайли қўллаб-қувватламаган ҳолларда давлат божининг суммаси жавобгардан суд ажрими бўйича бюджетта ундирилиши лозим. Даъвогар аризада даъво суммасини кўрсатмаган ҳолларда судья даъво аризасини қабул қилиш асносида, даъвонинг тахминий баҳосидан келиб чиққан ҳолда тўланиши лозим бўлган давлат божининг миқдорини дастлабки тарзда белгилайди. Суд ҳал қилув қарорини чиқарганда даъвонинг умумий суммаси ошса, давлат божи даъвонинг ошган суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Бунда вужудга келган фарқ даъвогардан ёки даъво тўлиқ қаноатлантирилган тақдирда – жавобгардан бюджет даромадига ундирилиши лозим. Суд қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда иш ҳолатларига боғлиқ равишда даъвогар аризада кўрсатган талаблар доирасидан чиқиб кетганда, давлат божи шундай тартибда ҳисоблаб чиқарилади. Бундай ҳолларда даъво қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи жавобгардан даъвонинг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади, давлат божининг қолган қисми эса даъвогардан ундирилиши лозим. Суд мол-мулкни мерос қилиб олиш ҳуқуқи тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган тақдирда, давлат божи мол-мулкнинг умумий қийматидан келиб чиққан ҳолда суд томонидан ҳисоблаб чиқарилади ва ҳар бир меросхўрдан унинг улушига мутаносиб равишда ундирилади.

Мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги, мол-мулкни бошқа шахсга беришга доир шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги, мол-мулкдаги улушга бўлган ҳуқуқни эътироф этиш тўғрисидаги, умумий мол-мулкдан улуш ажратиш тўғрисидаги ва меросхўрларнинг ўзларига тегишли мол-мулк улушини талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъво аризалари учун давлат божи ушбу мол-мулк ёки унинг улуши қийматидан келиб чиққан ҳолда тўланиши лозим. Бир вақтнинг ўзида мулккий ва номулкий хусусиятга эга бўлган даъво аризалари учун мулккий хусусиятдаги даъво аризалари учун белгиланган ставкалар бўйича ва номулкий хусусиятдаги даъво аризалари учун белгиланган ставкаларга кўра ҳар бир талаб бўйича алоҳида-алоҳида давлат божи тўланади. Қиймат жиҳатидан баҳоланмайдиган талаблар (ўзбошимчалик билан эгалланган жойларни бўшатиш тўғрисидаги, натура шаклида майдон бериш тўғрисидаги, топшириш балансини қабул қилишга мажбурлаш билан боғлиқ низолар ва бошқалар) номулкий

хусусиятдаги даъво аризалари жумласига киради. Аризани (илтимосномани) қабул қилишни рад этишга ёки иш юритишни тугатишга асос бўлган шароитлар бартараф этилганидан сўнг такроран бериладиган аризаларга, давлат божи такроран тўланишининг олдини олиш учун давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги дастлабки ҳужжат илова қилиниши мумкин. Давлат божи миқдорини аниқ белгилаш учун аввало даъво баҳосини аниқлаб олиш лозим бўлади.

10.3. Даъвонинг баҳоси

Даъво баҳоси низоли мулкнинг пул кўринишидаги ифодаси ҳисобланади. Даъво баҳосидан келиб чиқиб давлат божининг миқдори аниқланади.

Даъвонинг баҳоси қуйидагича белгиланади:

1) пул ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича – ундириладиган суммага қараб;

2) мулк талаб қилиш тўғрисидаги даъволар бўйича – даъво қилинаётган мулкнинг қийматига қараб;

3) бир қанча мустақил талаблардан иборат даъволар бўйича – ҳамма талабларнинг умумий суммасига қараб;

4) алимент ундириш тўғрисидаги даъволар бўйича – бир йиллик тўловларнинг йиғиндисига қараб;

5) муддатли тўловлар ва пул бериш тўғрисидаги даъволар бўйича – тўловларнинг ёки бериладиган пулларнинг йиғиндисига қараб, лекин кўпи билан уч йиллик йиғиндисига қараб;

6) муддатсиз ёки умрбод тўловлар ва пул бериш тўғрисидаги даъволар бўйича – тўловларнинг ёки пулларнинг уч йил ичидаги йиғиндисига қараб;

7) тўловларни ёки пул беришни камайтириш ёхуд кўпайтириш тўғрисидаги даъволар бўйича – тўловлар ёки бериладиган пуллар камайтириладиган ёки кўпайтириладиган суммага, лекин кўпи билан бир йиллик суммага қараб;

8) тўловларни ёки пул беришни тўхтатиш тўғрисидаги даъволар бўйича – қолган тўловлар ёки пуллар йиғиндисига, лекин кўпи билан бир йиллик йиғиндисига қараб;

9) мулк ижараси шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш ҳақидаги даъволар бўйича – шартнома амал қилишининг қолган муддатида мулкдан фойдаланиш учун тўланадиган тўловларнинг, лекин кўпи билан уч йил ичидаги тўловларнинг йиғиндисига қараб;

10) хусусий мулк ҳуқуқи асосида фуқароларга тегишли иморатларга эгаллик ҳуқуқи тўғрисидаги даъволар бўйича – иморатнинг ҳақиқий қийматига қараб, лекин бу миқдор инвентаризация баҳосидан, инвентаризация баҳоси бўлмаганида эса, мажбурий суғурта баҳосидан кам бўлмаслиги керак, ташкилотларга қарашли иморатларга доир даъволар бўйича эса, иморатларнинг ҳақиқий баҳосидан кам бўлмаслиги керак (ФПКнинг 105-моддаси).

Даъвонинг баҳоси даъвогар томонидан кўрсатилади. Бироқ даъвогар кўрсатган даъво баҳоси суд орқали талаб қилинаётган нарсанинг ҳақиқий қийматига мувофиқ бўлмаса, судья даъво аризасини қабул қиш пайтида даъвонинг баҳосини белгилайди. Солиқ кодексининг 337-моддасига кўра, даъвогар аризада даъво суммасини кўрсатмаган ҳолларда судья даъво аризасини қабул қилиш асносида, даъвонинг тахминий баҳосидан келиб чиққан ҳолда тўланиши лозим бўлган давлат божининг миқдорини дастлабки тарзда белгилайди. Агар суд ҳал қилув қарорини чиқарганда даъвонинг умумий суммаси ошса, давлат божи даъвонинг ошган суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Бунда вужудга келган фарқ даъвогардан ёки даъво тўлиқ қаноатлантирилган тақдирда – жавобгардан бюджет даромадига ундирилиши лозим. Суд қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда иш ҳолатларига боғлиқ равишда даъвогар аризада кўрсатган талаблар доирасидан чиқиб кетганда, давлат божи шундай тартибда ҳисоблаб чиқарилади. Бундай ҳолларда даъво қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи жавобгардан даъвонинг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда ундирилади, давлат божининг қолган қисми эса даъвогардан ундирилиши лозим. Суд мол-мулкни мерос қилиб олиш ҳуқуқи тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган тақдирда, давлат божи мол-мулкнинг умумий қийматидан келиб чиққан ҳолда суд томонидан ҳисоблаб чиқарилади ва ҳар бир меросхўрдан унинг улушига мутаносиб равишда ундирилади.

Мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги, мол-мулкни бошқа шахсга беришга доир шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги, мол-мулкдаги улушга бўлган ҳуқуқни эътироф этиш тўғрисидаги, умумий мол-мулкдан улуш ажратиш тўғрисидаги ва меросхўрларнинг ўзларига тегишли мол-мулк улушини талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъво аризалари учун давлат божи ушбу мол-мулк ёки унинг улуши қийматидан келиб чиққан ҳолда тўла-

ниши лозим. Бир вақтнинг ўзида мулкӣ ва номулкӣ хусусиятга эга бўлган даъво аризалари учун мулкӣ хусусиятдаги даъво аризалари учун белгиланган ставкалар бўйича ва номулкӣ хусусиятдаги даъво аризалари учун белгиланган ставкаларга кўра ҳар бир талаб бўйича алоҳида-алоҳида давлат божи тўланади.

Қиймат жиҳатидан баҳоланмайдиган талаблар (ўзбошимчалик билан эгалланган жойларни бўшатиш тўғрисидаги, натура шаклида майдон бериш тўғрисидаги, топшириш балансини қабул қилишга мажбурлаш билан боғлиқ низолар ва бошқалар) номулкӣ хусусиятдаги даъво аризалари жумласига киради.

Никоҳни бекор қилиш билан бир вақтда мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги даъво аризаларидан никоҳни бекор қилганлик учун ва мол-мулкни бўлганлик учун давлат божи ундирилади.

Аризани (илтимосномани) қабул қилишни рад этишга ёки иш юритишни тугатишга асос бўлган шароитлар бартараф этилганидан сўнг такроран бериладиган аризаларга давлат божи такроран тўланишининг олдини олиш учун давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги дастлабки хужжат илова қилиниши мумкин. Аризачи давлат божини тўлашдан озод қилинган ҳолларда даъво қаноатлантирилган тақдирда давлат божи, агар жавобгар давлат божини тўлашдан озод қилинмаган бўлса, қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда жавобгардан ундирилади.

Муайян судда кўрилиши керак бўлган бир неча ишлар учун бир тўлов топшириқномаси бўйича давлат божи ўтказилган ҳолларда топшириқнома ишларнинг бирига илова қилинади. Мазкур иш бўйича тўланган давлат божининг суммаси тўғрисида қолган ишларга белги қўйилади ва тўлов топшириқномаси қўшиб қўйилган иш кўрсатилади. Шартномаларни ҳақиқӣ эмас деб топиш тўғрисидаги, шартномаларни бекор қилиш тўғрисидаги ёки уларнинг шартларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги судларга бериладиган даъво аризаларидан, мазкур даъволар бўйича суднинг ҳал қилув қарорларини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги аризалардан давлат божи, шартнома тўлиқ ёки қисман низолашилаётганлигидан қатъи назар, шартнома олди низолари бўйича аризалар учун белгиланган ставкалар бўйича ундирилади. Суд буйруғи бекор қилинган тақдирда, ундирувчи томонидан тўланган давлат божи қайтарилмайди. Даъво ундирувчи томонидан қарздорга нисбатан даъво ишини юритиш тартибиде қўзғатилган тақдирда у тўланиши лозим бўлган давлат божи ҳисобига

олинади. Давлат божи нақд пулсиз ўтказилганлигига доир тўлов топшириқномалари, банкнинг давлат божини тўлаш учун пул қабул қилиб олинганлиги тўғрисидаги қвитанцияси давлат божини ундирадиган давлат органларида қоладиган тегишли материалларга қўшиб қўйилади.

Давлат божи тушумлари бўйича ҳисобот давлат божини ундирувчи давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ўзлари жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига йилнинг ҳар чорагида, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунидан кечиктирмасдан тақдим этилади.

10.4. Иш юритиш билан боғлиқ бўлган чиқимлар

Суд харажатлари давлат божидан ташқари ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чиқимларга бўлинади.

Ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чиқимларга қуйидагилар қиради:

– гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар;

– жойга бориб кўздан кечириш билан боғлиқ бўлган харажатлар;

– ФПКнинг 140-моддасида назарда тутилган ҳолларда, жавобгарни қидириш учун қилинган харажатлар;

– суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш билан боғлиқ харажатлар.

Гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммаларни ундириш миқдори ва тартиби Фуқаролик процессуал кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва ҳолисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида”ги 1992 йил 3 июлдаги Қонуни билан тартибга солинади.¹

“Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва ҳолисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунга кўра, гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва ҳолислар ўзлари-

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва ҳолисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида”ги 1992 йил 3 июлдаги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси 1992 й. 9-сон, 359-модда // Ўзбекистон Республикаси 23.09.1994 й. 2022-ХII-сон Қонуни, 06.05.1995 й. 70-сон Қонуни билан ўзгартиришлар киритилган // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси 1994 й. 11-12-сон, 285-модда // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1995 й. 6-сон, 118-модда.

нинг доимий яшаш жойларидан ташқаридаги суриштирув органига, терговчи, прокурор ҳузурига ёки судга чақирилганда ва улар шу чақирилган жойда бир суткадан ортиқ туришлари лозим бўлганда уларга турар жой биносини ижарага олганлик учун қилинган харажатлар ва суткалик харажатлар, шунингдек хизмат сафари билан боғлиқ қўшимча харажатлар корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг хизмат сафари билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш учун белгиланган тартибда ва миқдорда тўланади.

Экспертлар, мутахассислар бажарган иш учун энг кам иш ҳақига нисбатан – ишнинг бир соатига 0,015 - 0,020 коэффиценти бўйича ҳақ тўланади. Таржимонлар ёзма таржимага – ҳар 1000 босма (кўлёзма) белги учун энг кам иш ҳақига нисбатан – 0,010-0,015 коэффиценти бўйича ҳақ оладилар. Суд мажлисларида ёки суриштирув органлари ва дастлабки тергов органлари ўтказадиган сўроқларда таржимон сифатида қатнашганлик учун таржимонлар энг кам иш ҳақига нисбатан – ишнинг бир соатига 0,015-0,020 коэффиценти бўйича ҳақ оладилар.

Экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар бажарган ишлари учун суднинг ажримига биноан ҳақ оладилар. Ушбу ҳақнинг миқдори эксперт, мутахассис ёки таржимонни чақирган идора томонидан уларнинг малакаси ва ишнинг мураккаблиги, шунингдек бажарилган иш учун сарфланган вақтни ҳисобга олиб белгиланади. Шунингдек, Меҳнат кодекси ҳам судга гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, мутахассис, таржимон, ҳолис тариқасида чақирилган ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Хусусан, Меҳнат кодексининг 165-моддасига кўра, ходим давлат ёки жамоат вазифаларини бажарётган вақтида иш бёрувчи уни иш жойини (лавозимини) сақлаган ҳолда ишдан озод қилиши шарт. Ана шу вазифаларни бажариш вақтида ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланади.¹

Гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонларга тегишли бўлган суммалар улар ўз вазифаларини бажариб бўлганларидан сўнг, харажат тарафлардан ундириб олинган-олинмаганидан қатъи назар, суд томонидан тўланади. Экспертлар ва мутахассислар суднинг топшириғига мувофиқ бажарган ишлари учун ҳақни бу иш уларнинг хизмат бурчлари доирасига кирмаган тақдирда оладилар. Меҳнат муносабатларига киришмаган гувоҳларга одатдаги машғулотларидан қолдирилганликлари учун амалда сарфлаган вақтларини ва жорий этилган энг кам иш ҳақини ҳисобга олиб ҳақ тўланади (ФПКнинг 112-моддаси).

Гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга, таржимонларга тўланиши лозим бўлган пулни ёки жойга бориб кўздан кечиришга кетадиган харажатлар учун зарур бўлган пулни тегишли илтимос билан мурожаат қилган тараф олдиндан тўлаб қўяди. Агар

¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. –Тошкент, Адолат. 2008.

бу илтимосни иккала тараф қилган бўлса ёки гувоҳларни, экспертларни, мутахассисларни, таржимонларни чақириш, жойга бориб кўздан кечириш суднинг ташаббуси билан амалга оширилса, бунинг учун керакли суммани тарафлар баб-баравар тўлайдилар. Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларга ҳақ уларни чақирган орган томондан бу шахслар ўз вазифаларини бажариб бўлганларидан кейин, тегишли пуллар иш юзасидан қилинган харажатлар тарзида ёки ҳукм этилганлардан суд харажатлари тарзида ташқаридан олинган ва ундириб олинган ёки олинмаганлигидан қатъи назар дарҳол тўланиши керак. Судга гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва холислар сифатида чақириладиган ҳарбий хизматчиларнинг харажатларини (йўлқира ҳақи, суткалик ҳақ ва квартира ҳақи) суд ҳарбий қисмларнинг талабига биноан ва ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминоти тўғрисидаги Низомда белгиланган нормалар бўйича тўлайди.

Таъкидлаш керакки, амалдаги Фуқаролик процессуал кодексида ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чиқимлар 1963 йил 23 мартдаги Гражданлик процессуал кодексидагига қараганда бирмунча кенгроқ берилган. Масалан, ушбу Кодекснинг 93-моддасида ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чиқимларга мутахассислар, таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар назарда тутилмаган.¹ Лекин шундай бўлса-да, амалдаги Фуқаролик процессуал кодексида гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар нималардан иборат эканлиги ҳақида аниқ норма мавжуд эмас. Бироқ ЖПКнинг 318-моддаси биринчи қисмида гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимонларга, шунингдек холисларга тўланиши лозим бўлган суммалар сифатида қуйидагилар аниқ кўрсатиб ўтилган:

- уларнинг процессуал ҳаракатлар ўтказиладиган жойга келиб кетиши учун бериладиган сумма;
- турар жойни ижарага олиш харажатларини қоплаш учун бериладиган сумма;
- суткалик харажат пули тариқасида бериладиган сумма;
- доимий иш ҳақи олмайдиган гувоҳларга, холисларга уларни одатдаги машғулотида чалғитганлик учун тўланадиган сумма;

¹ Қаранг: Ўзбекистон ССРнинг гражданлик кодекси. Ўзбекистон ССРнинг гражданлик процессуал кодекси: (1986 йил 1 январгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). –Тошкент, Ўзбекистон, 1986. –251 б. (93-модда).

– экспертларга, таржимонларга, мутахассисларга улар суриштирув, дастлабки тергов ёки судда ўз вазифаларини бажарганлиги учун тўланадиган ҳақдан, ама шу вазифалар хизмат топшириғи тартибда бажарилган ҳоллар бундан мустасно.¹

Ишни кўриш билан боғлиқ чикимларнинг яна бир турини жойга бориб кўздан кечириш билан боғлиқ бўлган харажатлар ташкил қилади. Фуқаролик процессуал қонунчилик жойга бориб кўздан кечириш билан боғлиқ бўлган бир қатор ҳолатларни назарда тутати. Хусусан, ФПКнинг 192-моддасига кўра, судга келтириш мумкин бўлмаган ёзма ва ашёвий далиллар уларнинг турган жойида кўздан кечирилади ва текширилади. Жойида кўздан кечиришни ўтказиш тўғрисида суд ажрим чиқаради. Далилларни жойида кўздан кечириш суднинг бутун таркиби томонидан ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинган, зарур ҳолларда эса, экспертлар, мутахассислар ва гувоҳлар чақирилган ҳолда ўтказилади. Кўздан кечириш жойига борганда, раислик қилувчи суд иш кўришни давом эттириши тўғрисида эълон қилади, ишни кўриш Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган қоидаларга биноан олиб борилади. Кўздан кечириш натижалари суд мажлисининг баённомасига киритилади. Баённомага кўздан кечириш пайтида тузилган ёки текширилган барча режалар, чизмалар, суратлар илова қилиниши мумкин. Шунингдек, ФПКнинг 82-моддасига кўра, озиқ-овқатлар ва тез бузиладиган бошқа ашёлар ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилган ҳолда суд томонидан дарҳол кўздан кечирилади.

Жавобгарни қидириш учун қилинган харажатлар ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чикимлар турига мансуб ҳисобланади. ФПКнинг 140-моддасига кўра, алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлиги, шунингдек боқувчисининг ўлими натижасида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги даъволар бўйича жавобгарнинг (қарздорнинг) амалдаги яшаш жойи номаълум бўлса, жавобгар (қарздор) қидирилиши шарт. Бундай ҳолларда суд ички ишлар органлари жавобгарни (қарздорни) қидириши тўғрисида ажрим чиқаради.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 12 январдаги 2/1, 2-сон қарори билан тасдиқланган “Судга келишдан бош тортган шахсларни маж-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. –Тошкент, Адолат. 2011.

бурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш тартиби тўғрисида”ги йўриқномада ҳам судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимлари томонидан амалга оширилиши назарда тутилган. Судга келишдан бош тортган шахсларни келтириш Фуқаролик процессуал кодексига мувофиқ мажбурлов чораси ҳисобланади. Мазкур йўриқномага мувофиқ, мажбурий келтириш билан боғлиқ бўлган ҳаражатларни қоплаш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.¹

Ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чиқимлар ичида суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш билан боғлиқ ҳаражатлар алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги “Фуқаролик ишлари бўйича суд ҳаражатларига оид қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти ҳақида”ги қарорининг 15-бандига кўра, суд қарорларини ижро қилиш билан боғлиқ ҳаражатларга мулкни ташиш, сақлаш ва сотиш; таржимонлар, мутахассислар ва белгиланган тартибда ижро ҳаракатларини амалга оширишга жалб қилинган бошқа шахсларнинг ишига ҳақ тўлаш; почта орқали ундирувчига ундирилган суммаларни ўтказиш (жўнатиш); қарздорни, унинг мулкни ёки қарздордан суд қарорига асосан олиб берилган болани қидириш; ижро ҳужжатини ижро қилиш жараёнида амалга ошириладиган бошқа зарурий ижро ҳаракатлари киради.

Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунининг 75-моддасига кўра, ижро ҳаракатларини амалга ошириш ҳаражатларига қуйидагилар киради:

қарздорнинг мол-мулкни ташиш, сақлаш ва реализация қилишга сарфланган маблағлар;

ижро ҳаракатларини амалга оширишга белгиланган тартибда жалб этилган таржимонлар, мутахассислар ва бошқа шахсларга ҳақ тўлашга сарфланган маблағлар;

ундирилган суммаларни ундирувчига почта орқали ўтказишга (жўнатишга) сарфланган маблағлар;

қарздорни, унинг мол-мулкни ёки қарздордан суднинг қарори бўйича олиб қўйилган болани қидиришга сарфланган маблағлар;

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 3-сон, 30-модда.

ижро ҳужжати ижро этиш жараёнида амалга ошириладиган бошқа зарур ижро ҳаракатларига сарфланган маблағлар.¹

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, МДҲга аъзо бўлган аксарият давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилигида ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чиқимлар рўйхати мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигига нисбатан кенгроқ берилган. Хусусан, Россия Федерацияси ГПКнинг 94-моддаси, Беларусь Республикаси ГПКнинг 116-моддасига кўра, тарафлар ва учинчи шахсларнинг судга келиб-кетиши ва бошқа жойда яшаганлиги билан боғлиқ қилган чиқимлари, вакилнинг ёрдами учун ҳақ тўлашга кетадиган харажатлар, йўқотилган вақт учун ундириладиган ҳақ, ишни кўриш билан боғлиқ тарафлар томонидан қилинган почта харажатлари ҳамда суд томонидан тан олинган бошқа харажатлар ҳам ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлар жумласига киради.² Украина ГПКнинг 79-моддасига кўра, ҳатто информатсион-техник таъминлаш бўйича харажатлар ҳам ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлар қаторига киритилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, миллий қонунчилигимизда ҳам ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чиқимлар рўйхатини кенгайтириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

10.5. Суд харажатларини тўлашдан озод қилиш ва унинг асослари

ФПКнинг 110-моддасида давлат божини тўлашдан озод қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Солиқ кодексининг 329-моддасида умумий юрисдикция судларида давлат божини тўлашдан қуйидагилар озод қилиниши назарда тутилади:

Умумий юрисдикция судларида давлат божини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади:

1) даъвогарлар – иш ҳақини ундириб олиш тўғрисидаги даъволар ва меҳнат ҳуқуқлари муносабатларидан келиб чиқадиган бошқа талаблар юзасидан;

2) даъвогарлар – муаллифлик ҳуқуқлари ва тўрдош ҳуқуқлардан, шунингдек ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар келиб чиққан жой номига, селекция ютуғига бўлган ҳуқуқдан келиб чиқадиган даъволар юзасидан;

3) даъвогарлар – ағиментлар ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

4) даъвогарлар – меҳнатда майиб бўлганлиги ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланганлиги, шунингдек боқувчиси вафот этганлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги 258-II сонли Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, N 9-10, 169-модда.

² Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации / Под общ. ред. Первого заместителя Председателя Верховного суда РФ В.И.Радченко. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Норма, 2006. – 270 с.

5) даъвогарлар – ноқонуний ҳукм этиш, жиноий жавобгарликка тортиш, маъмурий жазо бериш туфайли жисмоний шахсга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ низолар юзасидан;

6) даъвогарлар – жиноят туфайли етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

7) жиноят туфайли етказилган моддий зарарнинг ундириб олиниши тўғри ёки нотўғри эканлиги низолашилаётган жиноят ишлари бўйича апелляция ва кассация шикоятлари билан мурожаат қилган шахслар;

8) никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги мол-мулкни бўлиш билан боғлиқ бўлмаган ишлар бўйича апелляция ва кассация шикоятлари билан мурожаат қилган шахслар;

9) юридик ва жисмоний шахслар – жиноят ишлари ва алиментларни ундиришга доир фуқаролик ишлари билан боғлиқ ҳужжатларни уларга берганлик учун;

10) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилинишини сураб судга ариза билан мурожаат этган юридик ва жисмоний шахслар;

11) юридик ва жисмоний шахслар:

суднинг ишни тугатиш ёки уни кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажримни бекор қилиш тўғрисидаги ариза бўйича;

суднинг ҳал қилув қарори ижросини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги ариза бўйича;

даъвои таъминлаш ёки даъвои таъминлашнинг бир турини бошқаси билан алмаштириш тўғрисидаги ариза бўйича;

суднинг янги очилган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарорини, ажримини ёки қарорини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги ариза бўйича;

суд томонидан белгиланган жаримани бекор қилиш ёки камайтириш тўғрисидаги, суднинг ҳал қилув қарори ижросини ўзгартириш тўғрисидаги, ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза бўйича;

12) юридик ва жисмоний шахслар – суд ижросисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятлар юзасидан, суднинг жаримани бекор қилиш ёки камайтиришни рад этиш тўғрисидаги ажримни устидан хусусий шикоятлар ҳамда суд ажримни устидан бошқа хусусий шикоятлар юзасидан;

13) тадбиркорлик субъектлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган давлат органлари ҳамда бошқа органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда;

14) истеъмолчилар – ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ даъволар юзасидан; товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хавфсиз бўлиши ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат органлари; истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари – истеъмолчиларнинг (истеъмолчилар номуайян доирасининг) манфаатларини кўзлаб кўзатилган даъволар юзасидан;

15) даъвогарлар – ўрмон дарахтларини ўзбошимчалик билан кесиш ҳамда ўрмондан фойдаланиш, ўрмонни кўриқлаш ва муҳофаза қилишнинг тартиби ва шартларини бошқача тарзда бузиш тўғрисидаги ўрмон фондига etkazилган зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар юзасидан;

16) давлат органилари – ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни бузиш тўғрисидаги даъволар юзасидан, шунингдек жисмоний шахсларга тегишли бўлган, тарихий, бадий қимматга ёки жамият учун бошқа қимматга эга бўлган мол-мулкни жисмоний шахслар бу мол-мулкка хўжасизларча муносабатда бўлган ҳолларда жисмоний шахслардан давлат мулкига олиб кўйиш тўғрисидаги ишлар юзасидан;

17) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари – палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар бўйича, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан палата аъзоларининг манфаатларини кўзлаб қилинган шикоятлар юзасидан;

18) нодавлат нотижорат ташкилотлари – ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузётган давлат органларининг гайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда;

19) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, шунингдек уларнинг муассасалари, ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари – барча даъволар юзасидан;

20) хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари, коммунал-фойдаланиш ташкилотлари – мажбурий бадалларни киритиш ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича қарзни ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

21) хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари, коммунал-фойдаланиш ташкилотлари, шунингдек фуқаролар – тузилган шартномалар шартлари аҳолига уй-жой-коммунал хизматлари кўрсатувчи корхоналар томонидан бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги тўғрисидаги etkazилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

22) туманлар, шаҳарлар (шаҳарлар таркибига кирувчи туманлар) ҳокимликлари – коммунал хизматлар кўрсатувчилар ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг коммунал хизматлар ҳақини тўлаш ва мажбурий бадалларни киритиш бўйича қарзни ундириш тўғрисидаги тақдимномасига мувофиқ киритиладиган даъволар юзасидан;

23) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари – зарар etkazувчидан қуйидаги суммаларни ундириб олиш тўғрисидаги регресс даъволар бўйича:

жабрланувчига ёки унинг оила аъзоларига тўланган пенсиялар ва нафақалар суммаларини;

бензинга, автомобилотранспорт воситаларини таъмирлашга, уларга техник хизмат кўрсатиш ва эҳтиёт қисмлар олишга, ногиронларни автомо-

транспорт воситаларини ҳайдашга ўргатишга кетадиган харажатларни қоплаш суммаларини, шунингдек нотўғри тўланган пенсиялар ва нафақаларнинг суммаларини ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

24) Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини иқтисомий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда унинг жойлардаги органлари – кўчиш жойига бормаган ёки кўчиб борган жойларини ўзбошимчалик билан тарқ этган кўчириб келтирилувчиларга нисбатан кўчиш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг ўрнини қоплаш тўғрисида тақдим этилган даъволар юзасидан;

25) Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари – атроф-муҳитни ифлослантирганлик, табиатдан ўзбошимчалик билан фойдаланганлик ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда уларнинг муҳофаза қилишнинг тартиби ва шартларини бошқача тарзда бузганлик туфайли табиий объектларга ва комплексларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

26) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг жойлардаги органлари – сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик туфайли давлатта етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун маблағларни давлат даромадига ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

27) суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш органлари - мажбурий суғурта операциялари билан боғлиқ ишлар юзасидан;

28) қимматли қозғалар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи – инвесторларнинг, шунингдек давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир даъволар юзасидан;

29) давлат солиқ хизмати органлари, молия ҳамда божхона органлари, шунингдек монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш органлари – барча ишлар ва ҳужжатлар юзасидан, шунингдек алоҳида юритиладиган ишлар бўйича судга аризалар берганлик учун;

30) ички ишлар органлари – алиментлар ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаётган шахсларни қидириш учун қилинган харажатларни ундириш тўғрисидаги ишлар юзасидан;

31) прокуратура органлари – давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда берилган аризалар юзасидан;

32) адлия органлари – давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда берилган аризалар юзасидан;

33) ундирувчи ёки суд ижрочиси – қарздорни ёки унинг мол-мулкани қидириш бўйича харажатларнинг ўрнини қарздор томонидан қоплаш тўғрисидаги ишлар юзасидан.

34) Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги – интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кўзлаб қилинадиган даъволар юзасидан.¹

¹ Ўзбекистон Республикасининг Салиқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52-сон, (I).

Агар ишни муҳокамага тайёрлаш пайтида даъвогар алиментларни ундириш тўғрисидаги ишни тугатиш ҳақида ариза берган бўлса, бундай ҳолларда жавобгардан давлат божи ундирилмайди. Фуқаролик процессуал кодексига мувофиқ, суд фуқаронинг мулкӣ аҳволига қараб, уни давлат даромадига ундириладиган суд харажатларини тўлашдан озод қилишга ҳам ҳақли бўлади. Бундан ташқари, суд ёки судья ҳам, айрим ҳолларда, фуқароларнинг мулкӣ аҳволига қараб, агар тўловларни тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш ёхуд унинг миқдорини камайтириш имконияти бўлмаса, уни давлат фойдасига ундириладиган давлат божи ва бошқа суд харажатларини тўлашдан озод қилишга ҳақли. ФПКнинг 110-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, фақатгина жисмоний шахс давлат божини тўлашдан озод қилиниши мумкин. Давлат даромадига ундириладиган суд харажатларини тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш, шунингдек уларнинг миқдорини камайтириш эса жисмоний шахсларга ҳам, юридик шахсларга ҳам қўлланилиши мумкин.

Судлар тарафлардан бири фойдасига ундирилиши лозим бўлган суд харажатларини тўлашдан даъвогар ёки жавобгарни озод қилишга ҳақли эмасликларини назарда тутишлари керак. Ушбу қоида кўрсатилган шахслар суд харажатларини давлат фойдасига тўлашдан озод этилган ҳолларда ҳам татбиқ этилади. Солиқ кодексининг 328-моддаси ва 336-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, ушбу Кодексда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, судларга бериладиган аризалардан давлат божи ариза берилгунга қадар тўланади. Шунга кўра фуқаролик ишлари бўйича тарафларни суд харажатларини тўлашдан озод қилиш масаласи судья томонидан даъво аризасини қабул қилиш вақтида, зарур ҳолларда эса ҳал қилув қарори чиқаришда ҳал қилинади.

Даъвогар бож тўлашдан озод этилган тақдирда, агар даъво қаноатлантирилса, бож даъвонинг ундирилган миқдорига мувофиқ жавобгардан (агар у бож тўлашдан озод этилмаган бўлса) давлат фойдасига ундирилади.

10.6. Суд харажатларини қайтариш учун асослар

Давлат божи қуйидаги ҳолларда тўлиқ ёки қисман қайтарилиши керак:

– давлат божи қонун ҳужжатларида талаб қилинганидан ортиқча миқдорда тўланганида;

– суд аризани (шикоятни) қабул қилишни рад этганида, шунингдек давлат нотариал идоралари ёки шаҳарча, қишлоқ ва овуллар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) нотариал ҳаракатларни амалга оширишни рад этганда;

– аризаси (шикоят) ҳаракатсиз қолдирилганлиги муносабати билан даъвогарга қайтариб берилганда;

– агар иш судга тааллуқли бўлмаса, ишни юритиш тугатилганда;

– ариза кўрмасдан қолдирилганда, агар у муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса;

– ишда қатнашган шахс вафот этганида, агар низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса;

– даъвогар низоли судга қадар ҳал этиш (претензия билдириш) тартибига риоя этмаганида, агар бу ҳол қонунда ушбу тоифадаги низолар учун ёки тарафларнинг шартномасида назарда тутилган ҳамда бундай ҳал этиш имконияти бой берилган бўлса;

– вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотиннинг никоҳи ўзaro розилик асосида бекор қилинганлигини қайд этиш учун давлат божи тўланганда, агар эр-хотиннинг ярашиши ёки улардан бирининг судга келмаганлиги туфайли никоҳни бекор қилиш амалга оширилмаган бўлса;

– агар ишда қатнашаётган юридик шахс тугатилган бўлса;

– суд буйруғи чиқариш тўғрисидаги аризани қабул қилиш рад этилганда;

– Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элга чиқиш ҳуқуқи учун ҳужжат бериш рад этилганда (Солиқ кодексининг 342-моддаси, ФПКнинг 108-моддаси).

Давлат божи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган бошқа ҳолларда ҳам тўлиқ ёки қисман қайтарилиши мумкин. Давлат божи суммаларини қайтариш тўловчининг ёзма аризасига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарорлари асосида амалга оширилади. Давлат божи суммасини қайтариш учун аризачи давлат божини ундирган тегишли давлат органига ёки ташкилотга мурожаат қилиши керак. Давлат божини ундирган давлат органи ёки ташкилотнинг раҳбари уни қайтариш қонунийлигини тасдиқлаган тақдирда, давлат органи ёки ташкилот ва давлат божининг бошқа олувчилари илгари ўз ҳисобварақларига ўтказилган давлат божи суммаларининг тегишли қисмларини қонун ҳужжатларига мувофиқ қайтардилар. Ўз навбатида,

давлат органи ёки ташкилот қайтарилиши лозим бўлган, илгари давлат бюджетни даромадига ўтказилган давлат божи суммасининг бир қисмини қайтариш тўғрисида давлат солиқ хизмати органига ёзма шаклда хабар юборади. Давлат божи суммасини қайтариш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги "Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида"ги 14-сонли қарорининг 12-бандида тушунтириш берилишича, давлат божини қайтариш ФПКнинг 119 ва Солиқ кодексининг 342-моддаларида кўрсатилган асосларга мувофиқ амалга оширилади. Бож қонунда талаб қилинганидан ортиқча миқдорда тўланган бўлса, шу ортиқча тўланган қисми қайтарилади. Қонунда қайд этилган бошқа ҳолларда бож тўлиқ миқдорда қайтарилиши лозим.

Бож судьянинг ажрими асосида, агар бож бюджетга ўтказилган кундан бошлаб бир йиллик муддат ўтмаган бўлса, молия органлари томонидан қайтарилади. Агар даъвогар божни тўлаб, судга ариза билан мурожаат қилмаган бўлса, суднинг ушбу ҳолатни тасдиқловчи маълумотномаси божни қайтариб бериш учун асос бўлади.

10.7. Тарафлар ўртасида суд харажатларини тақсимлаш

Суд иш бўйича ҳал қилув қарори чиқариш вақтида суд харажатларини тақсимлаш масаласини ҳам ҳал қилиши талаб этилади. Акс ҳолда суд ФПКнинг 214-моддасига мувофиқ, қўшимча ҳал қилув қарори чиқаришига тўғри келади.

Умумий қоидага кўра, ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан, гарчи бу тараф давлат даромадига тушадиган суд харажатларини тўлашдан озод этилган бўлса-да, иш бўйича қилинган ҳамма харажатларни ундириб беради (ФПКнинг 116-моддаси). Агар арз қилинган талаблар қисман қаноатлантирилган бўлса, ушбу моддада кўрсатилган суммалар жавобгардан даъвогарга талабларнинг суд қаноатлантирган қисмига мутаносиб равишда, жавобгарга эса, даъвогардан у арз қилган талабларнинг рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундириб берилади.

Юқорида баён этилган қоидалар апелляция, кассация шикоят ва назорат тартибда протест келтиришни сўраб ариза берганда тарафлар тўлаган давлат божига ҳам тааллуқли ҳисобланади. Масалан, агар юқори инстанция суди ишни янгидан кўриш учун юбормасдан ҳал қилув қарорини ўзгартирса ёхуд бутунлай ёки қисман бекор қилса ва янги ҳал қилув қарори чиқарса, шунга

мутониб равишда суд харажатларининг тақсимооти ҳам тегишлича ўзгаради. Агар даъвогар арз қилган талабларидан воз кечса, унинг харажатларини жавобгар тўламайди. Лекин талаб қўйилгандан сўнг уларни жавобгар ихтиёрий равишда қаноатлантирилганлиги натижасида даъвогар ўз талабларидан воз кечган бўлса, суд даъвогарнинг илтимоси бўйича унинг иш юзасидан қилган ҳамма суд харажатларини жавобгардан ундириб беради.

Даъвогар давлат божини тўлашдан озод этилган тақдирда даъво қаноатлантирилса, давлат божи жавобгардан (агар у давлат божини тўлашдан озод этилмаган бўлса) давлат даромадига белгиланган даъво суммасига мувофиқ ундирилади. Тарафлар келишув битими тузиш вақтида суд харажатларини тақсимлаш тартибини назарда тутишлари мумкин. Агар улар ўртасида суд харажатларини тақсимлаш борасида келишувга эришилмаган бўлса, у ҳолда суд бу масалани ФПКнинг 114, 116 ва 120-моддаларига мувофиқ равишда ҳал қилади. Прокурорнинг, шунингдек бошқа шахслар ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб судга мурожаат қилган давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг арз талаблари бутунлай ёки қисман рад этилганда, жавобгарнинг суд харажатлари унга бюджет маблағлари ҳисобидан тўлиқ ёки даъвогар арз қилган талабларнинг рад этилган қисмига мутаносиб равишда қайтариб берилади. Талабларни қаноатлантириш рад этилганида, суд томонидан жалб этилган жавобгарнинг суд харажатлари унга бюджет маблағлари ҳисобидан қайтарилади. Мол-мулкни хатлашни бекор қилиш тўғрисидаги даъво қаноатлантирилган тақдирда, даъвогарнинг суд харажатлари унга бюджет маблағлари ҳисобидан қайтарилади. Ишни кўриш билан боғлиқ бўлган ва даъвогар тўлашдан озод қилинган суд чиқимлари ҳамда давлат божи жавобгардан арз қилинган талабларнинг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда давлат даромадига ундирилади.

Арз қилинган талабларни қаноатлантириш рад этилган тақдирда суднинг ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлари даъвогардан давлат даромадига ундирилади. Агар арз қилинган талаблар қисман қаноатлантирилган, жавобгар эса, суд харажатларини тўлашдан озод қилинган бўлса, суднинг ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлари суд харажатларини тўлашдан озод қилинмаган даъвогардан талабларининг рад этилган қисмига мутаносиб равишда давлат даромадига ундирилади. Агар ҳар икки тараф ҳам суд

харажатларини тўлашдан озод қилинган бўлса, суднинг ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлари давлат ҳисобига ўтказилади. Жавобгарни қидириш эълон қилинган бўлса (ФПКнинг 140-моддаси), суд қидирув иши бўйича қилинган харажатларни жавобгардан давлат даромадига ундиради.

10.8. Суд жарималари, уларни солиш асослари ва тартиби

Фуқаролик процесси иштирокчилари ва судда кўрилаётган фуқаролик ишларига алоқаси бўлган бошқа шахслар ҳам суд томонидан жаримага тортилишлари мумкин. Суд жарималарини солишдан кўзланган асосий мақсад судда фуқаролик ишларини ўз вақтида ва тўғри кўрилишини таъминлаш, суд процессида белгиланган тартибни сақлаш ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларнинг ўз зиммаларидаги процессуал бурчларни бажарилишини таъминлашдан иборатдир. Суд жарималари давлат ҳисобига ундирилади ва процесс иштирокчилари ҳамда процессга жалб этилган бошқа шахслар томонидан тартиб-интизомга риоя қилинишини таъминлаш ва шу орқали фуқаро ва ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутади.

Юридик адабиётларда суд жарималарига нисбатан бир қатор таърифлар ишлаб чиқилган. Хусусан, В.В.Ярковнинг фикрича, суд жарималари – бу қонун ҳужжатлари билан белгиланган суд тартибида қўлланиладиган юридик жавобгарлик чораси сифатидаги мулкӣ жарима ҳисобланади.¹ Суд жарималарига Ш.Ш.Шорахметов ва М.К.Треушников томонидан билдирилган таъриф унинг моҳиятини кенгроқ тушунишга олиб келади. Хусусан, Ш.Ш.Шорахметовнинг фикрича, суд жарималари деб, процессуал бурчларни ёки суд мажлисидаги тартибни бузишда айбли бўлган шахсларга, қонунда кўрсатилган ҳолларда пул билан белгиланган процессуал таъсир этиш чорасига айтилади.² М.К.Треушников ҳам суд жарималарига шунга ўхшаш таъриф беради экан, суд жарималарини процесс иштирокчилари ва бошқа шахслар томонидан процессуал мажбуриятларни ёки суд топшириқларини бажаришдан бош тортганлик, шунингдек суд мажлиси залида белгиланган тартибни бузган, судга ҳурматсизлик қилганлик учун ундириладиган пул тўлови эканлигини таъкидлайди.³

¹ Гражданский процесс / Учебник. Отв. ред. проф. В.В. Ярков. –М.: Волтерс Клувер, 2004. –175 с.

² Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент, Адолат. 2001. –117 б.

³ Гражданский процесс // Учебник. Под ред. д.ю.н., проф. М.К.Треушникова. –М.: Юриспруденция. 2001. –96 с.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, суд жарималари фақат Фуқаролик процессуал кодексида назарда тутилган ҳоллардагина ундирилади. Суд жарималарини солиш асолари ва унинг миқдори ФПКнинг 75, 81, 86, 166, 176, 253-моддаларида кўрсатилган. Хусусан, ишда иштирок этмаётган ташкилотлар ва фуқаролар суд талаб қилган ёзма ёки ашёвий далилларни тақдим этиш имконига эга эмасликларини судга маълум қилмаган тақдирда, шунингдек ёзма ёки ашёвий далил тақдим этиш узрли сабабсиз рад қилинган тақдирда, суд бунда айбдор бўлган ташкилотларнинг мансабдор шахсларига, шунингдек фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солиши мумкин. Жарима солиш тегишли мансабдор шахсларни ва фуқароларни суд талаб қилаётган ёзма далилни тақдим этиш мажбуриятидан озод қилмайди. Суд жарималари эксперт ёки мутахассисларга нисбатан ҳам солиниши мумкин. Масалан, агар эксперт суд узрсиз деб топган сабабларга кўра суднинг чақируви бўйича келмаса, унга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солинади. Шунингдек, агар мутахассис суд узрсиз деб топган сабабларга кўра суд чақируви бўйича келмаса, унга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин.

Суд жарималари, юқорида таъкидланганидек, суд ишини кўришда ҳозир бўлган суд мажлисида белгиланган тартибни бузган фуқароларга ҳам солиниши мумкин. Даъвони таъминлаш чораларини, хусусан жавобгарнинг муайян ҳаракатларни амалга оширишини тақиқлаш, бошқа шахсларнинг жавобгарга мол-мулк беришини ёки унга нисбатан бошқа мажбуриятларни бажаришини тақиқлаш кабиларга роя қилмаган шахсларга ҳам суд жарималари солинади. Ташкилотларнинг мансабдор шахсларига суд томонидан солинган жарималар уларнинг шахсий маблағларидан ундирилади. Жарима солиш тўғрисида ажрим чиқарилади ва унинг нухаси дарҳол жарима солинган шахсга жўнатилади. Суднинг жарима солиш тўғрисидаги ажрими устидан ўн кунлик муддат ичида хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

Жарима солинган шахс суд ажримининг нухасини олгандан кейин беш кун ичида жарима солган суддан жаримадан озод қилиш ёки унинг миқдорини камайтиришни илтимос қилиши мумкин. Бу ариза жарима солинган шахсни чақирган ҳолда суд мажлисида кўриб чиқилади. Бироқ унинг судга келмаслиги аризани

кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди. Суднинг жаримадан озод қилиш ёки унинг миқдорини камайтиришни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин (ФПКнинг 125-моддаси).

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Суд харажатлари деб нимага айтилади?
3. Суд харажатларини жорий этишдан кўзланган мақсад нимада?
4. Суд харажатларининг қандай турлари мавжуд?
5. Оддий давлат божига мисоллар келтиринг.
6. Пропорционал давлат божига мисоллар келтиринг.
7. Давлат божи нима ва унинг қандай турлари мавжуд?
8. Умумий юрисдикция судларида давлат божи нималардан ундирилади?
9. Даъвонинг баҳоси қандай белгиланади?
10. Ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чиқимларга нималар киради?
11. Кимлар суд харажатларини тўлашдан озод қилинади?
12. Суд харажатларини қайтариш учун нималар асос бўлади?
13. Тарафлар ўртасида суд харажатларини тақсимлаш деганда нимани тушунасиз?
14. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги "Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларига оид қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти ҳақида"ги қарорининг аҳамияти ва моҳияти ҳақида гапиринг.
15. Суд жарималари деб нимага айтилади?
16. Суд жарималарини солиш учун нималар асос бўлади ва уни солиш тартиби қандай?

МАХСУС АДАБИЁТЛАР:

1. Назаров С. Возместят ли свидетелям расходы // Законность. 1992. № 2.
2. Трофимов А. Распределение судебной пошлины между бюджетами // Российская юстиция. 2000. № 1.
3. Трофимов А.А. Проблемные вопросы взимания и распределения государственной пошлины в приказном производстве // Арбитражный и гражданский процесс. 2001. № 1.
4. Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Ўқув қўлланма. –Тошкент.: ТДҶОИ. 2004 йил.

5. Мамасиддиқов М.М., Хабибуллаев Д.Ю. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. (Схема ва жадваллар). Ўқув услубий қўлланма. –Тошкент.: ТДЮИ, 2006. -168 б.
6. Шакарян М.С. Взыскание пошлины с надзорных жалоб по гражданским делам // Российская юстиция. 1998. № 11.
7. Шуляева Г. Новый закон о госпошлине. Комментарий. // Хозяйство и право. 1996. № 5.
8. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент.: Адолат. 2001. - 512 б.
9. Шорахметов Ш.Ш. Фуқаролик ишларини судда кўришга оид процессуал ҳужжат намуналарига шарҳ. Дарслик. –Тошкент: ТДЮИ, 2005. -361 б.
10. Эгамбердиев Э.Э. Суд харажатлари. // Ж. Ҳаёт ва қонун. 1999. 3-сон.

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИНГ ТААЛЛУҚЛИЛИГИ

Бобнинг мақсади фуқаролик ишларининг тааллуқлилиги билан боғлиқ масалаларни тушунтириш, тааллуқлилик турлари, фуқароларнинг ва ташкилотларнинг субъектив ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи идоралар ҳақида атрофлича маълумот бериш ҳисобланади. Мазкур бобда фуқаролик ишларининг тааллуқлилигини белгилаш қоидалари ва умумий мезонлари, фуқаролик ишларининг судга тааллуқлилиги ҳақидаги умумий қоидалар ҳам ўз ифодасини топган. Шунингдек, фуқаролик, меҳнат, оила, турар-жой ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг судга тааллуқлилиги, давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят, аризалар бўйича юритиладиган ишларнинг судга тааллуқлилиги, алоҳида тартибда кўриладиган ишларнинг судга тааллуқлилиги ҳамда бир-бири билан боғлиқ бир қанча талабларнинг судга тааллуқлилиги масалалари атрофлича баён этилган.

11.1. Тааллуқлилик тушунчаси ва турлари

Таъкидлаш жоизки, юридик адабиётларда тааллуқлилик тушунчасига аниқлик киритиш борасида ягона қарашлар мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам айрим ҳуқуқшунос олимлар юридик лугатлар ва бошқа ўқув адабиётларида тааллуқлилик тушунчасига камдан-кам таърифлар бериб ўтилишининг сабабини бу борада ягона қарашларнинг мавжуд эмаслигида, деб биладилар.¹

Ш.Ш.Шорахметовнинг фикрича, тааллуқлилик деганда, фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш вазифаси қонун билан муайян давлат органи ёки жамоат ташкилоти зиммасига юклатилганлиги тушунилади.² Ж.Т.Холмўминов, А.Х.Дусманов, Т.Н.Тиллаевларнинг фикрича эса, тааллуқлилик деб, суд ва бошқа органлар ўртасида фуқаролик ишларини юритиш ва уларни ҳал этишдаги берилган ваколатга (ҳуқуқига), яъни аниқловчи ва чегараловчи институтга айтилади. Ушбу олимлар Ш.Ш. Шорахметов

¹ Рожкова М.А. Защита интеллектуальной собственности в арбитражном суде (проблемы подведомственности и обеспечения иска): Автореф. канд. дисс... –М.: 1991. –13 с.

² Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент: Адолат. 2001. –124 б.

томонидан юқорида билдирилган фикрга қўшилган ҳолда, фуқаролик ишларининг қандай турлари судга ва қайси бири бошқа органга тааллуқли бўлишини қонун белгилашини эътироф этадилар.¹

Мазкур таърифдан кўринадики, тааллуқлилик ҳақидаги қоидалар фақат қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилиши ҳамда фуқаролик ишлари муайян давлат органи ёки жамоат ташкилоти зиммасига юклатилиши мумкинлиги назарда тутилмоқда.

Тааллуқлилик мавзусига доир кўплаб тадқиқот ишларини олиб борган таниқли олим Ю.К.Осипов эса тааллуқлиликни у ёки бу давлат органи, жамоат ёки бошқа *аралаш* тусдаги органлар томонидан ҳал этилиши лозим бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги низолар ва бошқа алоҳида аҳамият касб этадиган моддий-ҳуқуқий масалаларнинг доираси сифатида талқин қилса, бошқа бир асариде тааллуқлиликка бошқача, яъни у ёки бу ҳуқуқий масалалар тўғрисидаги низоларни ҳал этиш бўйича турли давлат органлари ўртасидаги ваколатлар, деб таъриф беради.² П.С.Дружков эса тааллуқлиликни қонун бўйича ҳал этиш ваколати маълум бир давлат органи ёхуд бошқа жамоат органига юклатилган ҳуқуқ тўғрисидаги низолар доираси ёки бошқа ҳуқуқий масалалар сифатида эътироф этади.³ П.Ф.Елисейкин тааллуқлиликни субъектив ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларни ҳимоя қилишнинг алоҳида шаклини ажратиб турадиган ишларнинг хусусияти” деб тушунтиришга ҳаракат қилади.⁴ И.М.Зайцев эса тааллуқлиликни маълум бир юрисдикцияли органларга қонун бўйича кўриш ва ҳал этиш мақсадида берилган ишларнинг хусусияти сифатида эътироф этади.⁵

Таъкидлаш жоизки, тааллуқлилик суд ҳокимияти билан бошқа давлат органлари ўртасидаги ваколатларнинг бўлинишида муҳим ҳисобланиб, ушбу ваколатларнинг амалда қўлланилишига шароит яратади. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда тааллуқлилик бу фақатгина фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанининг предмети бўлибгина қолмай, балки бошқа моддий ҳуқуқ соҳаларининг ҳам предмети сифатида ўрганилмоқда, илмий тадқиқ қилинмоқда. Хусусан, Меҳнат кодексининг 269-моддасида бевосита судларга тааллуқли бўлган

¹ Холмўминов Ж.Т., Дустанов А.Х., Тиллаев Т.Н. Фуқаролик процесси: Маърузалар курси. —Тошкент, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. —47 б.

² Осипов Ю.К. Подведомственность юридических дел. —Свердловск, 1973, —31 с.; Подведомственность и подсудность гражданских дел. —М., 1962. —С. 6-7.

³ Дружков П.С. Судебная подведомственность споров о праве и иных правовых вопросов, рассматриваемых в порядке гражданского судопроизводства: Автореф. канд. дисс... —Свердловск, 1966. —5 с.

⁴ Елисейкин П.Ф. Защита субъективных прав и интересов и компетенция судьи в советском гражданском процессе // Вопросы государства и права: Учен. записки. Т. 31. Ч.1. Владивосток, 1969. —75 с.

⁵ Вукот М.А., Зайцев И.М. Гражданский процесс России. —М., 1999. —127 с.

меҳнат низолари, 276-моддада айрим тоифадаги давлат хизматчиларига тааллуқли меҳнат низоларини кўриб чиқиш хусусиятларига оид нормалар мустаҳкамлаб қўйилган.¹ Бу эса олимлар ўртасида тааллуқлиликнинг қайси институтга оид эканлиги, яъни моддий, моддий-процессуал ёки фақат процессуал тусга эга эканлиги тўғрисидаги баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Хусусан, Ю.К.Осиповнинг фикрича, тааллуқлилик ҳуқуқий ишларни турли хил юрисдикция органлари ўртасида тақсимлаш механизми вазифасини бажарувчи соҳалараро институт сифатида намоён бўлади.² Ю.К.Осиповнинг фикрини давом эттирган ҳолда бошқа бир ҳуқуқшунос олим В.В.Ярков тааллуқлилик кўп қиррали аҳамият касб этишини, ҳокимиятнинг бўлиниш принципига асосланган давлат ҳокимияти тизимида тааллуқлилик муҳим вазифа, яъни юридик механизм вазифасини бажаришини таъкидлаб ўтади.³

Бошқа бир гуруҳ олимлар тааллуқлилик процессуал ҳуқуқнинг институти эканлигини, тааллуқлилик тушунчаси асосан фуқаролик процесси фанида ишлаб чиқилганлигини эътироф этадилар. Масалан, Н.М.Кострова тааллуқлилик институтини сўнгги йилларда тез суръатларда ривожланиб бораётган процессуал ҳуқуқнинг марказий институтларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтса,⁴ бошқа бир ҳуқуқшунос олим М.В.Боровский, тааллуқлилик тушунчаси асосан фуқаролик процесси фанида ишлаб чиқилганлигини эътироф этиб, у ёки бу ҳуқуқий масалалар юзасидан келиб чиққан ҳуқуқ тўғрисидаги низоларни ҳал этувчи суд ва бошқа органларнинг ваколатларини белгилашда намоён бўлишини, яъни суд юрисдикциясининг “ташқи чегараси”ни белгилаб беришини таъкидлайди.⁵

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тааллуқлилик масалалари бошқа моддий ҳуқуқ соҳаларининг ҳам предмети сифатида ўрғанилса-да, лекин фикримизча, соҳалараро институт сифатида та-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. –Тошкент, Адолат, 2008.

² Осипов Ю.К. Подведомственность юридических дел. –Свердловск, 1973. –83 с.

³ Ярков В.В. Современные проблемы подведомственности гражданских дел. // Журнал российского права. № 10/11 – 1998. –С.101-102.

⁴ Кострова Н.М. Проблемы гражданского судопроизводства: Учебное пособие. –Махачкала: ИПЦ ДГУ, 2002. –99 с.

⁵ Боровский М.В. Суды общей юрисдикции в Российской Федерации: проблемы и перспективы. Корпоративный менеджмент, <http://www.cfln.ru>. Адрес документа: http://www.cfln.ru/press/black/2001-1/01_01_borovsky2.shtml.

аллуқлилик фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани тизимида мустақкам ўрин олган.

Тааллуқлилик шахсларнинг судга мурожаат қилишга бўлган ҳуқуқларини юзага келтирадиган юридик шартлардан бири эканлиги унинг фуқаролик процессуал ҳуқуқнинг асосий институтларидан бири ҳисобланишини кўрсатади.

Ҳуқуқий адабиётлардаги тааллуқлиликнинг процессуал ҳуқуқ лаёқати сифатида ҳосила юридик факт эканлиги тўғрисида билдирилган мулоҳазалар ҳам ушбу фикримизни тасдиқлайди.¹ Шундай экан, ҳуқуқни амалга ошириш нуқтаи назаридан тааллуқлиликни фуқаролик процессининг юзага келишини белгилаб берувчи асосий юридик фактлардан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Чунки фуқаролик ишларини кўзғатишнинг муҳим шартларидан бири бўлган тааллуқлилик мазкур масалани ҳал қилиш давомида судья томонидан аниқланиши лозим бўлган юридик факт сифатида намоён бўлади. Хусусан, ФПКнинг 152-моддасига кўра, агар ариза судда кўришга тегишли бўлмаса, судья аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақли бўлади. Айнан ушбу жиҳати орқали тааллуқлилик суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва иқро ҳокимияти билан ўзаро муносабатлари чегарасини белгилаб бериш баробарида фуқаролик процессуал ҳуқуқ соҳасининг ҳам амал қилиш доирасини аниқлаб беради. Шунингдек, тааллуқлилик суд ҳокимияти органлари тизимидаги ўзаро муносабатларни чегаралашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тааллуқлилик турли ваколатли органлар ўртасида ҳуқуқий ишларни унинг туси ва бошқа хил белгилари орқали ажратиб берадиган мустақил ҳуқуқий ва илмий тоифа сифатида ҳам эътироф этилади. Шунинг учун ҳам В.М.Жуйковнинг турли судлар ўртасида улар ваколатига тегишли бўлган ишларнинг чегарасини белгилашда тааллуқлиликдан кўра, судловлилик институтига мурожаат қилиш афзалроқ деган фикри баҳслидир. Чунки тааллуқлилик нафақат турли суд тизимидаги суд ҳокимияти ваколатига берилган ишлар доирасини белгилаб беришда, шунингдек ишларни кўриш ва ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа ваколатли органлар (масалан, прокуратура, нотариат, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идоралари, меҳнат низолари комис-

¹ Ярков В.В. Юридические факты в механизме реализации норма гражданского процессуального права. — Екатеринбург, 1992. — С.47-48.

сияси ва ҳоказо) ўртасидаги ҳуқуқий ишларнинг чегарасини аниқлашда ҳам муҳим ҳисобланади.

Фуқаролик ишларининг тааллуқлилиги тушунчасига нисбатан ўз нуқтаи назаримизни билдиришдан аввал шуни алоҳида қайд этиш лозимки, сўнги йилларда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ҳамда ислоҳ қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти асоссиз чекланишига йўл қўймаслик, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси талабларига сўзсиз риоя этиш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги хўжалик низолари хўжалик суди билан бир қаторда ҳакамлар судлари томонидан ҳам кўриб чиқилиши, тадбиркорлик субъектлари ҳамда бирлашмаларининг ўзлари томонидан ҳакамлар суди ташкил этилиши назарда тутилиши белгилаб қўйилди.¹ Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 8 февралда қабул қилиниб, Сенатнинг 2006 йил 25 августда бўлиб ўтган еттинчи ялпи мажлисида маъқулланган ва 2006 йил 16 октябрда эълон қилинган "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2007 йил 1 январдан эътиборан кучга кирди.²

Таъкидлаш жоизки, хўжалик судларидан фарқли равишда ҳакамлик судлари одил судловни амалга оширувчи давлат органи (ваколатли суд) эмас, балки тарафларнинг келишувига асосан ташкил этилган суд тарзида намоён бўлади.³

Демак, фуқаролик ишлари нафақат давлат судлари, шу билан биргаликда ҳакамлик судлари ва бошқа тузилмалар томонидан ҳам кўриб чиқилиши қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топмоқда. Шундай экан, тааллуқлилиқ тушунчасига таъриф беришда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й. 23-24-сон, 167-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й. 42-сон, 416-модда.

³ Мамасиддиқов М., Мухторов Н. Ҳакамлик судлари, унинг ташкилий-ҳуқуқий асослари нимадан иборат? // "Инсон ва қонун" газ., 2006 й. 28 ноябрь, № 47 (502); Мамасиддиқов М.М. Ҳакамлик судлари. // *Низоқ ва бurch*. 2006 й. 8-9 сонлари. –Б. 17-21.

ислохотлар нуқтаи назаридан ёндашиш, фуқаролик ишларининг давлат органлари ва жамоат ташкилотларидан ташқари, “бошқа аралаш тусдаги органлар” томонидан кўрилишига ҳам эътибор қаратиш талаб этилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фикримизча, тааллуқчиликка қуйидагича кенг ва тор маънода таъриф бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кенг маънодаги тааллуқчилик қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга кўра юзага келган ҳуқуқий ишларни у ёки бу давлат ҳокимияти органлари ёхуд маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида ҳал қилинишини белгилаб берувчи механизм вазифасини бажарувчи соҳалараро институт ҳисобланади.

Тор маънодаги тааллуқчилик деганда эса, субъектив ҳуқуқнинг мазмуни ва ишда иштирок этувчи шахслар таркиби ҳусусиятидан келиб чиқиб, фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш вазифаси қонун ҳужжатлари билан муайян давлат органлари, жамоат ташкилотлари ёки бошқа ваколатли органлар зиммасига юклатилганлиги тушуниладиган фуқаролик процессуал ҳуқуқ фанига оид илмий тоифа ҳисобланади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқ назариясида тааллуқчилик қуйидаги турларга ажратилиши баён этилади:

- мустасно;
- альтернатив;
- шартномавий;
- шартли (императив) тааллуқчилик.

Мустасно тааллуқчилик. Фуқаролик, оила, уй-жой ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган аксарият низоли ишлар бевосита судларга тааллуқчи бўлиб, бошқа органлар томонидан мазмунан кўрилиши мумкин эмас. Тааллуқчиликнинг бундай тури мустасно тааллуқчилик деб номланади. Мустасно тааллуқчиликка мувофиқ, низоли ишни судда кўриб ҳал қилиш учун судга қадар у ёки бу органларда мазкур ишнинг кўрилиши талаб этилмайди. Масалан, ходимни ишга тиклаш, вояга етмаган фарзандлари бўлган эр ва хотинни никоҳдан ажратиш, турар жойга нисбатан берилган ордери ҳақиқий эмас деб топиш ва шу каби қўлаб фуқаролик ишлари мустасно тааллуқчиликка мисол бўла олади.

Альтернатив тааллуқчиликка кўра, субъектив ҳуқуқ тўғрисидаги низо манфаатдор шахсларнинг хоҳишига кўра судда ёки

бошқа давлат органлари ёки жамоат ташкилотларида кўрилиши мумкин. Масалан, ФПКнинг 269-моддасига кўра, фуқаро ўзининг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан бевосита судга ёки бўйсунув тартибида юқори органга, мансабдор шахсга мурожаат қилишга ҳақли бўлади. Шу ўринда фуқаронинг шикоятини маъмурий тартибда кўрилиши уни судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Юридик адабиётларда охир-оқибат фуқароларнинг суд орқали ҳимоя ҳуқуқи сақланар экан, ҳозирги кунда альтернатив тааллуқлилиқ тааллуқлилиқнинг алоҳида тури сифатидаги мустақил ҳуқуқий аҳамияти йўқолиб боради ва у аралаш тааллуқлилиқка ўзгаради, деган фикрлар илгари сурилмоқда.¹

Шартномавий тааллуқлилиқ альтернатив тааллуқлилиқка ўхшаб кетади. Бунда ҳам тарафлар низои ҳал этиш ваколатига эга бўлган органни танлаш имкониятига эга бўладилар. Фақат бу ерда низои қайси органда кўрилишини тарафлар ўзаро келишиб белгилайдилар. Масалан, тарафлар юзага келган низои ҳал қилишни ҳакамлик судига топшириш ҳақида ҳакамлик битимини тузишлари шулар жумласидандир.

Қонун ҳужжатларида ёки шартномаларда назарда тутилган айрим ҳолларда ишлар даставвал судга қадарли бошқа органларда кўрилганидан кейингина судга тааллуқли бўлади. Бундай тааллуқлилиқ тури **шартли тааллуқлилиқ** деб номланади.

11.2. Фуқароларнинг ва ташкилотларнинг субъектив ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи идоралар

Ҳуқуқий ишларни, хусусан ҳуқуқ тўғрисидаги низоли ишларни ва бошқа ҳуқуқий масалаларни (у ёки бу юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш тўғрисидаги ишларни) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ турли органлар кўриб ҳал қилиш ваколатига эга ҳисобланади. **Биринчидан**, суд ҳокимиятини амалга оширувчи давлат органлари: Ўзбекистон Республикасининг умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судлари. **Иккинчидан**, қонун ҳужжатларида назарда тутилган алоҳида ҳолларда – ижро ҳокимияти органлари. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99-моддасига кўра, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек

¹ Решетникова И. В., Ярков В. В. Гражданское право и гражданский процесс в современной России. –Екатеринбург, 1999. -90 с.

шаҳар таржибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар. Ундан ташқари, 1993 йил 2 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуни 24-моддасига кўра, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир ўз ваколатларига берилган масалаларни, ташкилий масалалар ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ назорат этишга доир бошқа масалаларни ҳал этади. Ҳоким эса режалаштириш, бюджет, молия, ҳисоб-китоб, вилоят, туман, шаҳар мулкани бошқариш, мулкчиликнинг турли шаклига мансуб корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан ҳамжиҳатлик қилиш, қишлоқ хўжалиги, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, қурилиш, транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа, аҳолига коммунал, савдо ва ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳасида қонун ҳужжатларида ўз ваколатига берилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этади.¹ Учинчидан, низодаги тарафларнинг ўзлари томонидан ташкил этилган, тайинланган ёки сайланган органлар, масалан, ҳакамлик судлари, меҳнат низолари комиссияси ва ҳ.к.

Ҳуқуқий ишлар бу борада ваколатга эга бўлган бошқа органлар томонидан, масалан, нотариуслар томонидан ҳам кўриб ҳал этилиши мумкин. Юқорида санаб ўтилган органлар, хусусан умумий юрисдикция судлари ҳам қонун ҳужжатлари билан ўзига тааллуқли бўлган ишларнигина кўриш ваколатига эга бўлади.

11.3. Фуқаролик ишларининг тааллуқлилигини белгилаш қоидалари ва умумий мезонлари

У ёки бу органларга ишларнинг тааллуқли бўлиши қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади. Мазкур қонун ҳужжатларида ишларнинг қайси органларга таал-

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси 1993 й. 9-сон, 320-модда.

луқли бўлишини белгилловчи умумий қоидалар ва айрим истисно этувчи қоидалар назарда тутилади. Айнан мана шу қоидалар ёрдамида ҳуқуқий ишларнинг умумий юрисдикция судларига, хўжалик судларига, ижро ҳокимияти, нотариат, ҳакамлик судлари ва бошқаларга тааллуқли бўлишини аниқлаш имкони яратилади.

Фуқаролик ишларининг тааллуқлилигини белгилашдаги мезонлар сифатида юридик адабиётларда куйидагилар эътироф этилади:

- **биринчидан**, низоли ҳуқуқий муносабатнинг характери;
- **иккинчидан**, субъектлар таркиби (низода иштирок этувчи шахсларнинг таркиби);
- **учинчидан**, ҳуқуқнинг низоли ёки низосиз эканлиги;
- **тўртинчидан**, низодаги тарафлар ўртасида шартноманинг мавжудлиги;
- **бешинчидан**, ҳуқуқий ҳужжатнинг характери (унинг норматив ёки норматив эмаслиги);
- **олтинчидан**, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган органнинг тури (шу ўринда, давлат бошқарув органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг тузилиши ва улар томонидан чиқарилган қарорларнинг устуворлиги ҳам назарда тутилади).¹

Ш.Ш.Шорахметов ҳам ўз дарслигида фуқаролик ишларининг суд, хўжалик суди ва маъмурий идораларга тааллуқли бўлиши фуқаролик ҳуқуқий низоли вужудга келтирган ҳуқуқий муносабатлар ва низолашувчи шахсларнинг таркибига қараб белгиланишини кўрсатади.²


Меҳнат ҳуқуқининг йирик намоёндалари К.Н.Гусов ва В.Н.Толкуновлар меҳнатта оид ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низоли ишларнинг тааллуқлилигини белгилаш мезонлари сифатида низолининг мазмуни ва уни юзага келтирувчи ҳуқуқий муносабатларни, шунингдек низолашувчи субъектларни кўрсатадилар.³

Фуқаролик ишларининг, хусусан меҳнат низолиларининг тааллуқлилигини белгилашда, аввало, низолининг қайси турда эканлигини, яққа тартибдаги низо бўлса, унинг хусусиятини; меҳнат қонунчилигини қўллаш ёки янги меҳнат шартларини белгилаш бўйча ва яна қайси ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққанини ҳам эътиборга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

¹ Ярков В.В. Современные проблемы подведомственности гражданских дел // Журнал российского права. № 10/11 – 1998. –С.100-101.; Гражданский процесс / Учебник. Отв. ред. проф. В.В.Ярков.- М.: Волтерс Клувер, 2004. –128 с.

² Шорахметов Ш.Ш. Узбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент, Адолат. 2001. – 127 б.

³ Гусов К.Н. Толкунова В.Н. Трудовое право Россия. Учебник. 2-изд. –М.: Юристъ, 2000. –С.380-381.



ФПКнинг 31-моддасига мувофиқ, умумий юрисдикция судларига қуйидаги ишлар тааллуқли бўлади:

1) тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлган низо-ларга доир ишлар, қонунда бундай низоларни ҳал қилиш хўжалик суди ёки бошқа органларга топширилган ҳоллар бундан мустасно;

2) ФПКнинг 279-моддасида санаб ўтилган алоҳида тартибда кўриладиган ишлар;

3) қонун билан судларнинг ваколатига берилган бошқа ишлар.

Шундай қилиб, тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлган низоларга доир ишлар фуқаролик ишлари бўйича судларга тааллуқли ҳисобланади. Бу борада Олий суд ва Олий хўжалик суди томонидан қабул қилинаётган Пленум қарорларида ҳам тушунтиришлар бериб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди қўшма Пленумининг 2005 йил 31 мартдаги "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги қарорида тушунтириш берилишича, арз қилинган талабнинг фуқаролик ишлари бўйича суд ёки хўжалик суди судловига тааллуқлилиги масаласи ушбу судларнинг Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларида белгиланган ваколатларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Бунда жамият фаолиятидан келиб чиқадиغان низолар хўжалик судлари судловига тааллуқлидир, бир тараф яқка тартибдаги тадбиркор мақомига эга бўлмаган фуқаро бўлган ишлар бундан мустасно.

Шу ўринда таъкидлаш кераки, фуқаролик ишининг судга тааллуқли бўлмаслиги аризани суд томонидан қабул қилишни рад этишга (ФПКнинг 152-моддаси) ҳамда иш юритишни тугатишга (ФПКнинг 100-моддаси) асос ҳисобланади. Худди шунга ўхшаш қоида Хўжалик процессуал кодексда ҳам мавжуд. Унга кўра, хўжалик низолари бўйича иш юритишни тугатиш шартларидан бири ушбу нисонинг хўжалик судига тегишли эмаслиги ҳисобланади. Судга тегишлиликни белгилаш пайтида иккита асосий мезондан: низо қилаётган тарафлар ўртасида юзага келадиغان ҳуқуқий муносабатлар тусидан ва низо қилувчи субъектлар таркибидан келиб чиқиш зарур. Агар

ушбу мезонлардан бири мавжуд бўлмаса, низо хўжалик судига тегишли бўлмайди (ХПКнинг 23-моддаси).¹

Фуқаролик ишларининг тааллуқлилигини белгилашдаги муҳим мезонлардан бири сифатида низоли ҳуқуқий муносабатнинг характери муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Олий суд ва Олий хўжалик суди Пленуми қарорларида бир қатор тушунтиришлар ҳам бериб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг Олий суди ва Олий хўжалик суди қўшма Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги "Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунларни суд амалиётида қўлланишининг айрим масалалари ҳақида"ги қарорининг 3-бандига кўра, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари иштирокидаги ишларнинг судловга тааллуқлилиги масаласини ҳал этишда судларнинг эътибори низоли муносабатларнинг хусусияти ва субъектлар таркибини ифодаловчи асосий мезонларга қаратилиши лозим. Иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар хўжалик судларига тааллуқлидир. Айнан шу турдаги низоларда бир тараф қонунда белгиланган тарзда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтмаган ёки юридик шахс мақомига эга бўлмаган фуқаролар (оила пудратчилари) бўлса, бундай даъволар тааллуқлилиги бўйича умумий юрисдикция судларида кўрилади. Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни 11-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ, тадбиркорлик фаолиятининг субъекти тариқасида давлат рўйхатидан ўтказишни рад этганлик, шунингдек рўйхатдан ўтказиш муддатини бузганлик устидан келтирилган шикоятлар умумий юрисдикция судларига тааллуқли бўлади.²

Яқка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб эътироф этиш билан боғлиқ ишлар хўжалик судларига тааллуқлидир. Агар, яқка тартибдаги тадбиркор хўжалик суди томонидан банкрот деб эътироф этилган ва фаолияти қонунда белгиланган тартибда тугатилган бўлса, унинг иштирокида вужудга келган барча низолар умумий юрисдикция судларига тааллуқлидир.

Судлар тадбиркорлик фаолияти субъектларининг даъвоси бўйича ишларни кўриб чиқишда ишчанлик обрўсига етказилган

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг 1999 йил 27 майдаги қарори билан тасдиқланган "Иш юритишни тугатишга доир суд амалиёти умумлашмаси"дан.

² Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2000 й. 5-8-сон, 140-модда.

маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги талабни ҳам асосий даъвога қўшиб кўришга ҳақлидирлар. Бундай талабни бошқа судга тааллуқли, деган важ билан ишни тугатишга ёки даъво аризасини қабул қилишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар натижасида ҳуқуқий муносабатлар субъеклари ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал этиш учун суд органларига мурожаат қилиш тўлиқ кафолатлаб қўйилди, суд орқали ҳимояланиш борасидаги чекловларга барҳам берилди. Бу эса тааллуқлиликни белгилашнинг муҳим мезонларидан бири бўлган низоли ҳуқуқий муносабат хусусиятининг мазмун-моҳиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Ҳуқуқий адабиётларда тўғри таъкидланганидек, тааллуқлиликни белгилашнинг дастлабки мезони бўлмиш низоли ҳуқуқий муносабат хусусиятлари суд ҳокимияти органларига тааллуқли бўлган ишларни аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.¹ Дарҳақиқат, эндиликда мазкур мезон нафақат ҳуқуқий ишларни кўриш ваколатига эга бўлган идоралар ўртасидаги, балки умумий юрисдикция судлари билан хўжалик судлари ўртасидаги ишларнинг тааллуқлилигини белгилашда ҳам кенг қўлланилиб келинаётганлигини алоҳида таъкидламоқ жоиз.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 мартдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Мەҳнат кодекси 269-моддаси қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилди: "Мансабдор шахслар томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш тўғрисидаги меҳнат низолари, агар мансабдор шахслар етказган зарар хўжалик низосини кўриб чиқиш пайтида аниқланган бўлса, хўжалик суди томонидан ҳам кўриб чиқилади."² Шунингдек, 1998 йил 9 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги "Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида"ги Фармони³ татбиқ этиш билан боғлиқ масалалар тўғрисида"ги 72-сонли қарорнинг 4-бандига кўра, юридик шахсга зарар келтирган мансабдор ёки бошқа шахснинг ҳаракатида (ҳаракатсизлигида) жи-

¹ Осипов Ю.К. Подведомственность юридических дел. —Свердловск. 1972. -109 с.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998 й. 5-6-сон, 102-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги "Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида"ги Фармони. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 1998 й. 3-сон, 43-модда.

ноят аломатлари мавжуд бўлмаган ҳолларда, зарар етказувчи зарар етказилган пайтда юридик шахс билан меҳнат муносабатларида бўлган бўлса, у ҳолда етказилган зарар Меҳнат кодексининг 202, 205, 208-моддаларида белгиланган миқдорда зарар етказган мансабдор ёки бошқа шахс ҳисобидан қопланиши кўрсатилади.

Қонун ҳужжатларидаги мазкур қоидадан кўриниб турибдики, иш берувчига етказилган зарар учун ходимнинг моддий жавобгарлигини белгиловчи меҳнат қонунчилиги нормалари асосида ҳўжалик суди етказилган зарарни корхонанинг мансабдор шахсидан ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқаради. Демак, меҳнатта оид ҳўқуқий муносабат билан тартибга солинадиган битта объект Меҳнат кодексини қўллаган ҳолда алоҳида процессуал кодекс асосида фаолият кўрсатувчи икки хил суд ишларини юритиш тартибида, яъни фуқаролик ва ҳўжалик судлари томонидан кўрилиши мумкин. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу борада ҳўқуқий манбааларда турлича мунозарали фикр-мулоҳазалар билдирилади.

МДҲга аъзо давлатлар Парламентлараро Ассамблеясининг "Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари учун фуқаролик суд ишларини юритиш Моделли кодексининг концепцияси ва тузилиши тўғрисида"ги Қарорида таъкидланишича, МДҲга аъзо давлатларининг процессуал ҳўқуқида юзага келган нисбатан мунозарали ҳамда долзарб бўлган масала бу – умумий юрисдикция судлари, шунингдек ҳўжалик судлари ваколатига кирувчи ишларни бир вақтнинг ўзида ҳар иккала суд томонидан кўриб, ҳал этиш тартибини белгиловчи бир неча процессуал кодексларни миллий ҳўқуқ тизимига киритишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳисобланади. Бунинг натижасида бир хил ҳўқуқий муносабат билан тартибга солинадиган битта объект алоҳида процессуал кодекс асосида фаолият кўрсатувчи икки хил суд, яъни фуқаролик ва ҳўжалик судлари томонидан кўриб ҳал этилишига оид бўлган ҳолатнинг юз беришига олиб келмоқда.¹

Қайд этилган Қарорда умумий юрисдикция судлари ва ҳўжалик судлари томонидан фуқаролик ҳўқуқини қўллаш борасида бир-бирини такрорлашга йўл қўйилаётганлиги, бу эса улар ўртасида рақобатнинг юзага келишига сабаб бўлиши, шунингдек умумий юрисдикция ва ҳўжалик судлари томонидан қонун ҳужжатларининг турлича тушунтирилиши ҳар иккала суд органлари тизимида ҳамда ҳўқуқни қўллаш амалиётида ихтилоф юзага келишига олиб келиши мумкинлиги кўрсатилади.

¹ Постановление Межпарламентской Ассамблеи государств – участников Содружества Независимых Государств. "О концепции и структуре модельного кодекса гражданского судопроизводства для государств – участников содружества независимых государств". 16 июня 2003 г. № 21-6 г. – Санкт-Петербург. <http://pravo.levonevsky.org/bazaby/mdogov/magd0988.htm>.

Бизнингча, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш мақсадида кейинчалик фуқаролик ҳамда хўжалик ишларини кўриш ва ҳал этиш ваколатига эга бўлган судларни ихтисослаштириш масалаларига эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан кўзланган мақсад, энг аввало, ҳуқуқий ишлар юзасидан одил судлов сифатини ошириш бўлса, иккинчидан, судларни ягона процессуал кодекс доирасида ягона суд юрисдикциясига бирлаштиришни назарда тутати.

Шу ўринда судларни ягона процессуал кодекс доирасида битта суд юрисдикциясига бирлаштириш масаласи бўйича МДХ таркибига кирувчи Арманистон, Озарбойжон, Грузия, Қозоғистон ва Молдова давлатларида олиб борилаётган ишлар диққатга савозордир. Қолаверса, фуқаролик ҳамда тижорат ишлари бўйича одил судлов ягона процессуал кодекс асосида амалга оширилиши хорижий тажрибада ўз тасдиғини топганлигини ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Бинобарин, фуқаролик суд ишларини юритиш бирмунча барқарор ривожланган Франция, Германия, Австрия, Греция, Италия, Швейцария, Булок Британия ва АҚШда мазкур суд юрисдикцияси ягона кодекс асосида амалга оширилади.¹

11.4. Фуқаролик, меҳнат, оила, турар-жой ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг судга тааллуқлилиги

Оила ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг судга тааллуқлилиги Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси қоидалари бўйича белгиланади. Оила кодексининг 11-моддасига кўра, оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш суд томонидан фуқаролик суд ишларини юритиш қоидалари бўйича, ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда эса, васийлик ва ҳомийлик органлари ёки бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади. Хусусан, Оила кодексининг 38-моддасига кўра, никоҳдан ажратиш суд тартибида, ушбу Кодекснинг 42 ва 43-моддаларида назарда тутилган ҳолларда эса, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида амалга оширилади. Вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотин никоҳдан ажратишга ўзаро рози бўлсалар, улар никоҳдан фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида ажратилади. Шунингдек, эр-хотин ўртасида меҳнатга лаёқатсиз муҳтож эр ёки хотинга моддий таъминот бериш тўғрисида ёки уларнинг биргаликдаги умумий мулки бўл-

¹ Елисеев Н.Г. Гражданское процессуальное право зарубежных стран: Источники, судоустройство, подсудность: Учебное пособие. —М., 2000. —С.19, 27, 31 и сл.

ган мол-мулкни бўлиш тўғрисида низо бўлган тақдирда эр-хотин ёки улардан бири никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этишга ҳақли.

Ундан ташқари, агар эр-хотиндан бири суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган бўлса; суд томонидан руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли эр-хотиндан бири муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса; агар эр-хотиндан бири содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, ўртада вояга етмаган болалари борлигидан қатъи назар, эр-хотиндан бирининг аризасига кўра улар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳдан ажратилади.

Агар болалар ҳақида, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мол-мулкни бўлиш ҳақида ёки ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр (хотин)га таъминот бериш учун маблағ тўлаш ҳақида низо мавжуд бўлса, улар никоҳдан суд тартибида ажратилади.

Оила кодексининг 27-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни эр ва хотин ўртасида ўзаро келишув асосида бўлиб олиниши мумкин. Эр ва хотиннинг хоҳиши билан уларнинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги ўзаро келишуви нотариал тартибда тасдиқланиши мумкин. Мободо, улар ўртасида низо туғилган ҳолларда эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш, шунингдек эр ва хотиннинг бу мол-мулкдаги улушини аниқлаш суд тартибида амалга оширилади. Оила қонунчилиги аксарият оила ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларнинг судларга тааллуқли бўлишини назарда тутди. Масалан, никоҳ шартномасини Фуқаролик кодексида назарда тутилган асослар бўйича тўла ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш суд томонидан амалга оширилади. Шунингдек, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳам фақат суд тартибида амалга оширилади.

Боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган шахснинг оталиги ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс ва онанинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органига биргаликда топширган аризасига биноан белгиланади. Она вафот этганда, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда, онанинг қаердалигини аниқлаш имконияти бўлмаганида ёки у оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда, оталик васийлик ва ҳомийлик органи билан келишилган ҳолда ўзини боланинг отаси деб тан олаётган шахснинг аризасига биноан белгиланади.

Оила ҳуқуқини суддан ташқари тартибда ҳимоя қилиш фақат қонунда назарда тутилган ҳоллардагина амалга оширилади. Хусусан, Оила кодексининг 87-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, боланинг ҳаёти ва соғлиғи бевосита хавф остида қолганда васийлик ва ҳомийлик органи болани ота-онадан (уларнинг биридан) ёки болани ўз қарамоғига олган бошқа шахслардан зудлик билан олишга ҳақлидир. Болани зудлик билан олиш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг тегишли ҳужжатиغا асосан амалга оширилади. Айрим ҳолларда қонун оилавий ҳуқуқларнинг нотариал идоралар томонидан ҳимоя қилинишини назарда тутлади. Масалан, Оила кодексининг 131-моддасига кўра, алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ёзма шаклда тузилиб, нотариал тартибда тасдиқланиши лозим. Нотариал тартибда тасдиқланган алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ижро варақаси кучига эга бўлади.

Оила кодексининг 33-моддасига кўра, никоҳ шартномасини Фуқаролик кодексида назарда тутилган асослар бўйича тўла ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш суд томонидан амалга оширилади. Шунингдек, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш фақат суд тартибда амалга оширилади (Оила кодексининг 50-моддаси).

Ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан бола туғилган тақдирда, ота-онанинг биргаликдаги аризаси ёки бола отасининг аризаси бўлмаса, Оила кодексининг 61-моддасида кўрсатилган ҳолларда оталик суд тартибда белгиланиши мумкин. Шунингдек, боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган, лекин ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс вафот этган тақдирда унинг оталик факти суд томонидан белгиланиши мумкин. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш суд тартибда амалга оширилади (Оила кодексининг 80-моддаси). Шунингдек, ота-она (улардан бири) ўз хулқ-атворини, турмуш тарзини (ёки) бола тарбиясига бўлган муносабатини ўзгартирган ҳолларда ота-оналик ҳуқуқи тикланиши мумкин. Ота-оналик ҳуқуқини тиклаш ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онанинг (улардан бирининг) даъвосига биноан суд тартибда амалга оширилади (Оила кодексининг 82-моддаси).

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг судга тааллуқчилиги. Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларнинг тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилиши ҳамда ҳал қилиниши ходимлар ва меҳнат жамоаларининг меҳнат ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишига, бузилган ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларнинг тикланиши-

га асос бўлади. Бу борада меҳнат низоларининг қандай органлар томонидан кўриб чиқилиши масаласини тўғри ҳал этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Меҳнат низоларининг тааллуқлигига таъриф бериш борасида ҳуқуқшунос олимларнинг фикрида жиддий қарама-қаршиликлар мавжуд эмас. Жумладан, К.Н.Гусов ва В.Н.Толкунованинг фикрича, тааллуқлилик – бу меҳнат низосининг мазмуни ва хусусиятига қараб, дастлаб қайси органда кўриб ҳал қилиниши демақдир.¹ И.О.Снигирева эса, меҳнат низоларининг тааллуқлигига у ёки бу турдаги меҳнат низоларини кўриб ҳал қилувчи органларнинг ваколатлари деб таъриф беради.²

Фикримизча, меҳнат низоларининг тааллуқлиги деганда, меҳнат низолари мазмуни бўйича қайси орган томонидан кўриб ҳал қилиниши англашилади. Меҳнат низоларининг тааллуқлиги, яъни уларнинг қаерда кўриб чиқилиши лозимлиги Меҳнат кодексининг 269 ва 276-моддалари ҳамда ФПКнинг 31-моддаси билан тартибга солинади. Яқка тартибдаги меҳнат низоларида низонинг хусусияти ва уни келтириб чиқарувчи ҳуқуқий муносабат ҳамда низолашувчи шахсларнинг таркиби, айрим ҳолларда эса низонинг предмети тааллуқлиликни белгиловчи асосий мезон сифатида эътироф этилади. К.Н.Гусов ва В.Н.Толкуновалар ҳам тааллуқлиликни белгилаш учун асослар сифатида низонинг мазмуни ва уни юзага келтирувчи ҳуқуқий муносабатларни, шунингдек низонинг субъектларини кўрсатадилар.³ Бизнинг фикримизча, меҳнат низосининг тааллуқлигини белгилашда, аввало, низонинг қайси турда эканлигини, яқка тартибдаги низо бўлса, унинг хусусиятини; меҳнат қонунчилигини қўллаш ёки янги меҳнат шартларини белгилаш бўйича ва яна қайси ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққанини ҳам эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, меҳнатта оид ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ бўлган, аммо бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган меҳнат ишларининг тааллуқлигини белгилаш шулар жумласидандир. Масалан, ишга жойлаштириш, ишга қабул қилишни рад этиш билан боғлиқ меҳнат низолари меҳнат низолари комиссиясида кўриш учун тааллуқли бўлмайди. Шунингдек, мазкур комиссия нафақа тўлаш билан боғлиқ меҳнат низоларини ҳам кўриб, ҳал қилиш ваколатига эга эмас. Шунинг учун ҳам меҳнат низола-

¹ Гусов К.Н., Толкунова В.Н. Трудовое право России. Учебник. 2-изд. –М.: Юристь, 2000. С.380-381.

² Трудовое право. Учебник. 3-изд. –М.: Проспект. 1999. 432 с.

³ Гусов К.Н., Толкунова В.Н. Ўша асар. С. 380-381.

рининг юқоридаги хусусиятларига алоҳида эътибор бериш талаб этилади, акс ҳолда меҳнат ишларининг тааллуқлилиги нотўғри белгиланиши ҳамда иш кўришга ваколатли бўлмаган орган томонидан чиқарилган қарор бекор қилиниши мумкин.

Меҳнат низоларининг тааллуқлилиги масаласини фуқароларнинг меҳнатта оид ишларни ҳал қилишни сўраб юқори турувчи органларга шикоят қилишидан фарқлай билиш керак. Меҳнат низоларини кўриб, ҳал қилиш тартиби ҳамда низонинг тааллуқлилиги тўғрисидаги қоидалар, ўз навбатида, ходимларни мансабдор шахннинг хатти-ҳаракатлари устидан юқори турувчи органга ёки иш берувчига шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Масалан, ходимлар сони (штати)нинг қисқартирилиши муносабати билан ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги меҳнат низоси бевосита судга тааллуқли бўлсада, лекин ходим тегишли юқори турувчи органга ишдан бўшатирилганининг ноқонуний эканлиги тўғрисида шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги 1995 йил 30 августдаги Қонунига мувофиқ, тобелик тартибда юқори турувчи орган, мансабдор шахслар шикоятни бир ойлик муддатда кўриб чиқишлари шарт. Агар фуқаронинг шикоятини қаноатлантириш рад қилинган бўлса ёки у шикоят берган кундан бошлаб бир ой мобайнида жавоб олмаган бўлса, судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли бўлади.¹

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан келтирилган шикоятларни судларда кўриш амалиёти тўғрисида"ги 18-сонли қарорининг 6-бандига мувофиқ, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, уй-жой қурилиш кооперативлари, акциядорлик жамиятлари, касаба уюшмаси ташкилотлари ва шу кабиларнинг умумий мажлислари ҳамда уларнинг бошқарув органлари ва мансабдор шахсларининг қарорлари устидан ҳам судга шикоят қилиниши мумкинлиги юзасидан судларга тушунтиришлар бериб ўтилади.² Шу ўринда ходим томонидан судга мансабдор

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1995 й. 9-сон, 183-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан келтирилган шикоятларни судларда кўриш амалиёти тўғрисида"ги 18-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1998. II-жилд. –Тошкент: Шаҳр, 1999. Б.42.

шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоятларни низоли тартибда бериладиган даъво аризалардан фарқлай билиш керак. Судларга берилаётган шикоятлар ҳуқуқ тўғрисидаги низонинг мавжуд эмаслиги билан даъво аризаларидан ажралиб туради ва судда иш кўришнинг процессуал тартибда ҳам қатор ўзига хос фарқлар мавжуд.

Меҳнат низолари у ёки бу орган томонидан кўриб чиқишга тааллуқли бўлишига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1) меҳнат низолари комиссиялари томонидан кўриб, ҳал қилинадиган меҳнат низолари;

2) фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлар томонидан кўриб ҳал қилинадиган меҳнат низолари;

3) айрим тоифадаги давлат хизматчиларига алоқадор бўлган, махсус тартибда кўриб чиқиладиган меҳнат низолари.¹

Меҳнатта оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган мазкур низоли ишларни кўриб ҳал қилиш ваколатига эга бўлган органлар сифатида қуйидагилар эътироф этилади:

1) меҳнат низолари комиссияси;

2) суд органлари;

3) бўйсунув тартибда юқори турувчи органлар.

Якка тартибдаги меҳнат низоларининг юқоридаги органларнинг қайси бирига тааллуқли бўлишини белгилаш ушбу низонинг мазмунига, ҳуқуқий муносабатларнинг турига, унда иштирок этувчи субъектлар таркибига боғлиқ бўлади.

Меҳнат кодексининг 260-моддасида кўрсатилганидек, меҳнат низолари бўйича ходим меҳнат низолари комиссиясига ёки бевосита туман (шаҳар) судларига мурожаат этишга ҳақлидир. Меҳнат низолари комиссияси ўн кунлик муддат ичида меҳнат низосини кўриб чиқмаса ёки ҳал этмаса, манфаатдор ходим ушбу низоли кўришни туман (шаҳар) судига ўтказишга ҳақлидир (МКнинг 267-моддаси). Илгариги меҳнат қонунчилигидан фарқли ўлароқ, амалдаги меҳнат қонунчилиги ходимга меҳнат низосини ҳал қилиш учун ўз хоҳишига кўра, меҳнат низолари комиссиясига ёки бевосита судга мурожаат этиш ҳуқуқларини кафолатлайди. Меҳнат кодексининг 269-моддасига кўра, меҳнат низоси меҳнат низолари комиссиясида кўрилмаган деган важ билан ходимнинг аризасини судда кўриб чиқишни рад этишга йўл қўйилмайди.² Амалдаги бу ҳуқуқий норма-

¹ Сароватская Л.А. Трудовое право. Учебник. 2-изд. –М.: Юристь. 1998.-273 с.

² Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. –Тошкент: Адолат. 2008.

нинг афзалликлари хусусида ҳуқуқшунос олимлар ўз қарашларини баён этишган. Уларга кўра, ходим биринчи навбатда меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этмай, тўғридан-тўғри судга даъво аризаси билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

Ҳуқуқий адабиётларда айрим меҳнат низоларининг судларга тааллуқли бўлмаслиги тўғрисида ҳам фикрлар мавжуд. Баъзи муаллифлар иш берувчи билан корхонадаги касаба уюшма кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари ўртасида меҳнат шартларини ўрнатиш ва ўзгартириш каби масалаларда юзага келган келишмовчиликлар судларда кўриш учун тааллуқли эмаслигини, бу туркумдаги низолар тегишли қонунлар ёки бошқа айрим норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан ҳал этилмаган масалалар юзасидан келиб чиқишини таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича, бундай вақтда низо бевосита корхонада иш берувчи билан ходимнинг вакиллик органи ўртасида келишиш йўли билан ҳал этилади.¹ Лекин айрим муаллифлар судларнинг корхонада ишлаб чиқариш нормасини белгилаш, ходимга нисбатан мансаб маоши ёки таъриф ставкаси миқдорини белгилаш тўғрисидаги низоларни кўришга ваколатли эмаслиги юзасидан фикр бийдирар эканлар, агар ходим иш берувчи томонидан меҳнатга ҳақ тўлашдаги камситиш ва ҳақ-ҳуқуқларнинг чекланиши билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар содир этилганлигини асос қилиб низолашавтган бўлса, у ҳолда мазкур низо судда кўриб ҳал этилиши лозимлигини эътироф этадилар.²

Фуқаролик процессуал кодексида судга тааллуқли бўлган меҳнат низоларининг рўйхати берилмаган. Лекин фуқаролик ишларининг судларга тааллуқлилиги ҳақида умумий қоида мавжуд бўлиб, унга кўра, тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлган низоларга доир ишлар, агар уларни ҳал қилиш ҳўжалик суди ёки бошқа органларга топширилган бўлмаса, судларга тааллуқли бўлади. Бевосита фуқаролик ишлари бўйича туманлараро (шаҳар) судларида кўрилиши лозим бўлган меҳнат низоларининг рўйхати Меҳнат кодексининг 269-моддасида ўз ифодасини топган. Унга кўра меҳнат низолари куйидаги ҳолларда бевосита туман (шаҳар) судларида кўриб чиқилади: – агар ходимнинг иш жойида меҳнат низолари комиссияси тузилмаган бўлса; – меҳнат низолари меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларидан қатъи назар, ишга тиклаш тўғрисида, меҳнат шартномасини бекор қилиш вақти ва асослари таърифини ўзгартириш тўғрисида, мажуррий проғул ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақт учун ҳақ

¹ Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи. Олий ўқув юртлири учун дарслик А.А.Иноятов. –Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 2002. -351 б.

² Головина С.Ю. Рассмотрение судами дел по спором, возникающим из трудовых правоотношений. Арбитражный и гражданский процесс. Юрист. –М.: 2000. № 4. 7 с.

тўлашга доир бўлса; – меҳнат низолари ходим томонидан иш берувчига ётказилган зарарнинг тўланиши ҳақида бўлса; – меҳнат низолари меҳнат вазифаларини бажараётганда ходимнинг соғлиғига шикаст ётказилгани оқибатидаги зарарни (шу жумладан, маънавий зарарни) ёки унинг мол-мулкига ётказилган зарарнинг иш берувчи томонидан тўланиши ҳақида бўлса; – иш берувчи томонидан таклиф қилинган шахсларни ишга қабул қилмаслик, иш берувчи қонунга мувофиқ меҳнат шартномаси тузиши шарт бўлган (белгиланган квота ҳисобидан ишга юборилган ногиронлар ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни; ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларни тегишинча уларнинг ҳомиладорлиги ёки боласи борлигини важ қилиб) ишга қабул қилмаслик юзасидан келиб чиққан низолар ҳам бевосита судларда кўриб ҳал қилинади (Меҳнат кодексининг 78-моддаси).

Шунингдек, иш берувчи ва касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан олдиндан келишиб ҳал этилган масалалар юзасидан келиб чиққан меҳнат низолари ҳам бевосита судлар томонидан кўриб чиқишига алоҳида эътибор бериш лозим. Меҳнат қонунчилигида айрим тоифадаги хизматчиларга тааллуқли бўлган меҳнат низоларини кўриб ҳал қилиш масаласи мунозарали ҳисобланади. Меҳнат кодексининг 276-моддасига мувофиқ, айрим тоифадаги давлат хизматчиларининг меҳнат шартномасини бекор қилиш, бошқа ишга ўтказиш, асоссиз равишда бошқа ишга ўтказиш ёки меҳнатта оид муносабатларни бекор қилиш билан боғлиқ ҳолда ётказилган зарарни ундириш ва интизомий жазо бериш масалаларига тааллуқли меҳнат низолари қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

11.5. Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят, аризалар бўйича юритиладиган ишларнинг судга тааллуқлилиги

Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар махсус тоифадаги фуқаролик ишларидан ҳисобланиб, мазкур тоифадаги ишларни кўриб чиқиш орқали суд маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари)нинг қонунийлигини таъминлайди. ФПКнинг 2-моддасида белгиланганидек, судлар органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан бери-

ладиган шикоятлар бўйича ишларни ҳам кўриш ваколатига эга. Умумий қоида бўйича, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан бериладиган шикоятлар асосан маъмурий тартибда иш юритиш қондасига амал қилган ҳолда кўрилади.¹ Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 1-моддасида кўра, ушбу Кодекс қоидалари мазкур Кодексга киритилмаган қонун ҳужжатларида содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларга ҳам тааллуқли эканлиги белгиланган. Бироқ маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган айрим тоифадаги ишлар фуқаролик ишлари бўйича судларга ҳам тааллуқли эканлигини кўришимиз мумкин. Шу ўринда, давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан бериладиган шикоятлар фақат қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардагина судларга тааллуқли бўлишини ҳамда судга шикоят қилишнинг ўзгача тартиби белгиланганлигини назарда тутиш лозим. Шу ўринда, органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан судга шикоят қилишнинг ўзгача тартиби дейилганда, тегишли қонун билан ўрнатилган махсус тартибни тушунмоқ лозим. Суд, судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришга ваколатли бўлган органлар учун Жиноят-процессуал ва Фуқаролик процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда судга шикоят қилишнинг ўзгача тартиби белгиланган.

Фуқаролик процессуал кодексининг “Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш”, деб номланган учинчи кичик бўлимида ушбу тоифадаги ишларга қуйидагилар кириши кўрсатилган:

– *фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан берилган шикоятлар;*

– *нотариуснинг, фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш органларининг ҳаракатларни бажаришни рад этганлиги ёхуд уларни нотўғри бажарганлиги устидан берилган шикоятлар;*

– *прокурорнинг ҳуқуқий актни ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги аризаси бўйича ишлар (ФПКнинг 264-моддаси).*

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент, Адолат. - 307 б.

Таъқидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда қабул қилинган "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги Қонуни фуқароларнинг давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларни фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузувчи ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан судга мурожаат қилиш имкониятини анча кенгайтирди.¹

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан келтирилган шикоятларни судларда кўриш амалиёти тўғрисида"ги қароридан судларнинг эътибори Конституциясининг 44-моддасига ва "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 1, 3-моддаларига мувофиқ, фуқаролар текширилиши қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мутлақ ваколатлари доирасига киритилган ёхуд судга шикоят қилишнинг ўзгача тартиби белгиланган хатти-ҳаракатлар (қарорлар)дан бошқа давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ҳар қандай хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан судга шикоят қилишлари мумкинлигига қаратилиши юзасидан тушунтириш берилган.²

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан берилган шикоятлар бўйича ишлар учун тааллуқлилиқнинг альтернатив тури қўлланилади. Чунки фуқаро ўзининг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар (қарорлар) устидан ўз хоҳишига кўра бевосита судга ёки бўйсунув тартибида юқори органга, мансабдор шахсга мурожаат қилишга ҳақли бўлади. Бўйсунув тартибидаги юқори орган ва мансабдор шахслар шикоятни бир ой муддат ичида кўриб чиқиши шарт. Агар фуқаронинг шикоятига рад жавоби берилса ёки у шикоят берган кунидан эътиборан бир ой ичида жавоб олмаса, шикоят билан судга мурожаат қилишга ҳақли (ФПКнинг 269-моддаси).

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. 1995 й. 9-сон, 183-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан келтирилган шикоятларни судларда кўриш амалиёти тўғрисида"ги қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1998. II-жилд // Таҳрир ҳайъати: У.Қ.Мингбоев (раҳбар) ва бошқалар. —Тошкент: "Шарқ", 1999, - 40 б.

“Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасига мувофиқ, ҳарбий хизматчилар уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган ҳарбий бошқарув органлари ва ҳарбий мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан ҳарбий судга шикоят қилишга ҳақли. Ушбу модда мазмунига кўра, ҳарбий хизматчи бўлмасда, ҳарбий бошқарув органларида эгаллаб турган лавозими бўйича ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига тааллуқли масалаларни ҳал этиш ваколатига эга бўлган шахсларнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан ҳам ҳарбий судга шикоят қилиниши мумкин.

Мазкур Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ, давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахсларнинг:

– фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишига сабабчи бўлган;

– фуқаронинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқаришига монелик тугдирган;

– фуқаро зиммасига қонунга хилоф равишда қандайдир мажбурият юклатилишига сабабчи бўлган коллегиял ёки яқка тартибдаги хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, ҳам яқка тартибдаги ҳам умумий хусусиятга эга бўлган ҳар қандай қарорлар устидан юқорида кўрсатилган қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиш мумкин. Жумладан, тегишли органларнинг паспортдаги миллат ҳақидаги ёзувини ўзгартиришни, чет элга чиқишга рухсат беришни рад этганлиги, давлат органларининг ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг маъмурий ҳудуд ташқарисига товарлар ва маҳсулотларни олиб чиқишни чеклаш тўғрисидаги, кўшимча бож ва йиғимлар белгилаш тўғрисидаги қарорлари, маъмурий жазога тортиш ваколатига эга бўлмаган шахснинг жарима солиш ва бошқа маъмурий жазоларга тортиш ҳақидаги қарори ва ҳоказолар судга шикоят қилиниши мумкин.

Шунингдек, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, уй-жой қурилиш кооперативлари, ҳиссадорлик жамиятлари, касаба уюшмаси ташкилотлари ва шу кабиларнинг умумий мажлислари

ҳамда уларнинг бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг қарорлари ҳам судга шикоят қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий ҳўжалик суди Пленумнинг 2000 йил 28 апрелдаги "Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллаш суд амалиёти тўғрисида"ги 2 ва 84-сонли қарорининг 5-бандига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциясинининг 44-моддасига ва "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 1, 3-моддаларига мувофиқ яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари, текширилиши қонунчиликда Конституциявий судининг мутлақ ваколатлари доирасига киритилган ёхуд судга шикоят қилишнинг ўзгача тартиби белгиланган хатти-ҳаракатлар (қарорлар)дан ташқари, давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ҳар қандай хатти-ҳаракатлари устида судга шикоят қилишлари мумкин. Бундай шикоятларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг 1996 йил 19 майдаги "Фуқароларнинг ҳуқуқларини ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан келтирилган шикоятларни судларда кўриш амалиёти тўғрисида"ги қарорига амал қилмоқлари зарур.

11.6. Алоҳида тартибда кўриладиган ишларнинг судга тааллуқлилиги

Судларга ҳуқуқ тўғрисида низо бўлмаган – алоҳида тартибда юритиладиган фуқаролик ишлари ҳам тааллуқли бўлади. Суд томонидан алоҳида иш юритиш тартибда кўриладиган ишларга кўйидагилар киради: юридик аҳамиятта эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар; фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва фуқарони ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги ишлар; фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишлар; мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш тўғрисидаги ишлар; тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқолган тақдирда, улар бўйича ҳуқуқларни тиклаш тўғрисидаги ишлар (чақириб иш юритиш); шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги ишлар.

Судга тааллуқли бўлган алоҳида тартибда юритиладиган ишларда юқорида таъкидланганидек, ҳуқуқ тўғрисида низо бўлмасда, бироқ мазкур ишларда ҳам қонун билан кўриқланадиган манфатлар ҳимоя қилинади. Хусусан, суд алоҳида тартибда фуқаролар ёки ташкилотларнинг шахсий, мулкый ҳуқуқлари вужудга келиши, ўзгариши ёки тугашига сабаб бўладиган фактларни белгилайди.

Суд қуйидаги фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишларни кўради:

- 1) шахсларнинг қариндошлик алоқаларини;
- 2) шахс бировнинг қарамоғида эканлиги фактини;
- 3) оталикни тан олиш (белгилаш) фактини, боланинг у ёки бу онадан туғилганлиги фактини, шунингдек туғилган вақтини;
- 4) болаликка олиш, никоҳ, ажралиш ва ўлимнинг қайд этилганлик фактини;
- 5) эр-хотиндан бирининг ўлими натижасида фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш органларида никоҳни рўйхатдан ўтказиш мумкин бўлмай қолса, қонуңда белгиланган ҳолларда уларнинг ҳақиқатда эр-хотинлик муносабатларида бўлганлик фактини;
- 6) шахснинг ҳуқуқни вуҳудга келтирувчи ҳужжатларда (жамоат бирлашмаларига аъзолик билетлари, ҳарбий ҳужжатлар, паспортлар, фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш органлари берадиган гувоҳномалардан ташқари) кўрсатилган исми, отасининг исми ва фамилияси унинг паспортидаги ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасидаги исми, отасининг исми ва фамилияси билан мос келмаган тақдирда, мазкур ҳужжатларнинг унга тегишлилиги ёки тегишли эмаслиги фактини;
- 7) бахтсиз ҳодиса фактини;
- 8) иморатта хусусий мулк ҳуқуқи асосида эгаллик қилиш фактини;
- 9) меросни қабул қилиш ва мероснинг очилиш жойи фактини;
- 10) юридик аҳамиятта эга бўлган бошқа фактларни, агар қонун ҳужжатларида уларни белгилашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Юридик аҳамиятта эга бўлган фактларни белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарорида тушунтириш берилишича, судлар ФПКнинг 283-моддасида кўзда тутилган суд йўли билан белгиланадиган фактлар рўйхати қатъий эмаслигини эътиборга олган ҳолда, юридик аҳамиятта эга бўлган фактларни белгилаш тўғрисидаги ишларнинг судларга тааллуқчилиги ҳақидаги қонун талабларини аниқ баҳаришлари лозим.

Судлар юридик аҳамиятта эга бўлган бошқа фактларни ҳам, жумладан:

– оталик фактларини, оталикни қайд қилиш фактларини, 1968 йил 1 октябргача туғилган болаларга нисбатан оталикни тан олганлик (белгиланганлик) фактларини;

- ихтирони жорий этиш фактларини, таклифнинг рационализаторлик сифатида тавсифланганлик фактларини;
- бинога, пайга, автомобилга ва бошқа махсус рўйхатдан ўтказиладиган мулкка эғалик қилиш фактларини;
- никоҳдан ажралишмасдан, лекин оилавий муносабатлар тугатилганидан сўнг иморатнинг эр-хотиндан бирининг маблағларига қурилганлик фактларини;
- суғурта гувоҳномасининг қарашлилиги фактларини;
- фуқаронинг ёки унинг ота-онасининг Иккинчи жаҳон уруши даврида эвакуация қилинганлик фактларини ҳам белгилашга ҳақлидирлар.¹

Амалдаги қонунларда белгилашнинг бошқача (судсиз) тартиби назарда тутилган фактларни белгилаш тўғрисидаги аризалар суд тартибида кўрилиши мумкин эмас. Жумладан, меҳнат стажини (пенсия тайинлаш учун, вақтинча меҳнатта лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва бола туғилиши муносабати билан нафақа тайинлаш учун, иш ҳақиға фоиз қўшимчаларни қўшиб ҳисоблаш учун, узоқ йиллар қилган хизмати учун бир йўла мукофот пули тўлаш учун ва ҳ.к.), фуқароларнинг ёшини белгилаш тўғрисидаги, ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаганлик, партизан отрядида бўлганлик, жангларда яраланганлик, олий ўқув юртини, техникумни, ўрта мактабни ва бошқа ўқув юртларини битирганлик фактларини белгилаш тўғрисидаги, партия, касаба уюшмалари ҳужжатларини, паспорт ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан бериладиган гувоҳномаларнинг тегишлилиги фактларини белгилаш тўғрисидаги аризалар судда кўрилмайди.

Юридик аҳамиятга эга бўлган фактни белгилаш тўғрисидаги аризалар ФПКнинг 280, 283-моддаларига биноан алоҳида иш юритиш тартибида кўришда қуйидаги шартларга риоя қилинган тақдирдагина суд томонидан қабул қилиниши мумкин:

а) агар бу фактни белгилаш фуқаролар ёки ташкилотларнинг шахсий ёки мулкый ҳуқуқларини бевосита келтириб чиқарса, ўзгартирса ёки тугатса;

б) агар манфаатдор шахслар ўртасида ҳуқуқ ҳақида судга тааллуқли низо бўлмаса, фактни белгилаш шу фактдан келиб чи-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарори Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-1998. II-жилд // Таҳрир ҳайъати: У.Қ.Мингбоев (раҳбар) ва бошқалар. – Тошкент: "Шарқ", 1999. – 4 б.

қадиган (фуқаронинг насабини, келиб чиқиши, меросни қабул қилиш муддатини узайтириш, мерос ҳақидаги гувоҳнома берилишининг асослилиги, шартномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида) ҳуқуқ ҳақидаги низони келгусида ҳал қилиш билан боғлиқ бўлмаса, қачонки манфаатдор шахсларда тегишли даъво билан судга мурожаат қилиш имконияти бўлса;

в) агар ариза берувчи шу фактни тасдиқлайдиган тегишли ҳужжатларни бошқача йўл билан олиш ёки тиклаш имкониятига эга бўлмаса. Судга мурожаат қилаётган аризачи муайян фактни аниқлаш аризачига қандай мақсадлар учун зарур эканлигини кўрсатиши, шунингдек, аризачининг тегишли ҳужжатларни олиш имкониятига эга эмаслигини ёхуд йўқолган ҳужжатларнинг тиклаб бўлмалигини тасдиқловчи далиллар келтириши кераклиги белгиланган (ФПКнинг 284-моддаси). Акс ҳолда суд аризани ҳаракатсиз қолдириш ҳақида ажрим чиқаришга ҳақли бўлади.

11.7. Бир-бири билан боғлиқ бир қанча талабларнинг судга тааллуқлиги

ФПКнинг 32-моддасида бир-бири билан боғлиқ бўлиб, баъзилари судга, баъзилари эса, хўжалик судларига тааллуқли бўлган бир қанча талаблар бирлаштирилганида, бу талабларнинг ҳаммаси судда кўрилиши кераклиги ҳақида норма мустаҳкамлаб кўйилган. Худди шунга ўхшаш қоида ХПКнинг 23-моддаси тўртинчи қисмида мустаҳкамлаб кўйилган бўлиб, унга кўра, ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари хўжалик судига, бошқалари эса умумий юрисдикция судига тааллуқли бўлган бир неча талаб бирлаштирилган тақдирда, ҳамма талаблар умумий юрисдикция судида кўрилиши керак. Шу ўринда қонунчилик бир-бири билан боғлиқ талаблар бирлаштирилганида ҳамма талаблар умумий юрисдикция судида кўрилиши кераклигини белгилаб, бу борада умумий юрисдикция судига устуворлик бермоқда. Бироқ яққа (хусусий) тадбиркорлар иштирокидаги ишларни кўриб чиқиш давомида судлар томонидан мазкур қонунчилик қўллаш борасида муайян қийинчиликлар юзага келмоқда. Қуйида бу билан боғлиқ бир мисолни келтирамиз. Хусусий фирма хўжалик судига фуқарога берилган, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчасига эгаллик қилиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ордерни ҳақиқий эмас, деб топиш ва автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчасини фирма мулкига бериш тўғрисидаги даъво билан мурожаат қилган, бунда мулкдор фуқаро вафот

этгани, хусусийлаштириш чоғида сотиб олиш тўловлари эса фирманинг ҳисоб-китоб варағидан амалга оширилгани асос қилиб кўрсатилган. Хўжалик судининг қарори билан даъво қондирилган. Иш апелляция тартибида кўрилмаган. Мазкур қарорга рози бўлмаган марҳумнинг беваси чиқарилган қарорни бекор қилиш тўғрисида кассация шикоятни билан мурожаат қилди, бу қарор эрининг вафотидан кейин қолган мол-мулкни, хусусан автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчасини мерос қилиб олиш ҳуқуқини бузади, деб асослади ва ишни кўриб чиқиш учун тегишлилик бўйича умумий судга оширишни илтимос қилди. Биринчи инстанциядаги суд низони ҳал этиш чоғида жисмоний шахсга берилган автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчасига доир давлат ордерини бекор қилганда меросхўрлар сифатида бева ва унинг болаларини уларсиз низонинг моҳиятига кўра ҳал этиб бўлмайдиган ишга жалб этмасдан, уларнинг қонуний ҳуқуқлари бузилганлигини ҳисобга олмаган. Суд ҳайъати фуқаро вафотидан кейин низога муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қуйишдан, ХГКнинг 23-моддаси учинчи қисмига мувофиқ эса, ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари хўжалик судига, бошқалари эса умумий судга тааллуқли бўлган бир неча талаб бирлаштирилган тақдирда, ҳамма талаблар умумий юрисдикция судида кўрилиши кераклигидан келиб чиқиб, илгари чиқарилган қарорларни бекор қилган ва иш юритишни тугатган.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Тааллуқлилиқ деганда нимани тушунасиз?
2. Тааллуқлилиқнинг қандай турлари мавжуд?
3. Фуқаролик ишларининг тааллуқлилигини белгилаш қоидалари ҳақида гапиринг.
4. Фуқаролик ишларининг тааллуқлилигини белгилашдаги мезонлар сифатида нималар эътироф этилади?
5. Оила ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг судга тааллуқлилигини ўзига хос қандай хусусиятлари мавжуд?
6. Мехнатта оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг судга тааллуқлилиги ҳақида гапиринг.
7. Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсатининг 1999 йил 27 майдаги қарори билан тасдиқланган "Иш юритишни тугатишга доир суд амалиёти умумлашмаси" дан.

берилган шикоят, аризалар бўйича юритиладиган ишларнинг судга тааллуқчилигининг ўзига хос қандай хусусиятлари мавжуд?

8. Алоҳида тартибда кўриладиган ишларнинг судга тааллуқчилиги ҳақида гапиринг.
9. Бир-бири билан боғлиқ бир қанча талабларнинг судга тааллуқчилиги деганда нимани тушунасиз?

МАХСУС АДАБИЁТЛАР:

1. Андреева Т.К. Вопросы компетенции арбитражных судов в новом Арбитражном процессуальном кодексе Российской Федерации // Хозяйство и право. 2002. № 9. С.46–50.
2. Дониёров М.А. Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритишнинг тааллуқчилиги // Давлат ва ҳуқуқ. 2005 й. №6.
3. Дружков П.С. Судебная подведомственность споров о праве и иных правовых вопрос рассматриваемых в порядке гражданского судопроизводства: Автореф. дисс. ...юрид. наук. –Свердловск, 1966.
4. Зоммер Бертольд. Защита прав человека: прерогатива Конституционного суда и компетенция судов общей юрисдикции // Российская юстиция. 1999. № 2. –С. 13-14.
5. Лазарев Л. Разграничение юрисдикции и взаимодействие судов в защите прав и свобод личности // Российская юстиция. 1996. № 4. –С. 14–16.
6. Музюкин В.Я. Подведомственность гражданско-правовых споров с участием граждан: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. –Томск, 1985.
7. Мамасиддиқов М.М. Мехнат ишлари бўйича етказилган зарарни судда ундириш. Ўқув кўлланма. –Тошкент.: Адолат. 2001.
8. Мамасиддиқов М.М. Мехнатта оид низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Ўқув кўлланма. –Тошкент.: ТДЮИ. 2004.
9. Мамасиддиқов М.М. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Ўқув-услубий кўлланма. –Фарғона, 2005. –184 б.

10. Мамасиддиқов М.М., Хабибуллаев Д.Ю. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. (Схема ва жадваллар). Ўқув услубий қўлланма. —Тошкент.: ТДҶОИ, 2006. —168 б.
11. Мамасиддиқов М.М. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Ўқув-услубий қўлланма Проф. Ш.Ш.Шорахметов таҳрири остида. —Тошкент.: АҚҲМИ. — 2008. — 332 б.
12. Мамасиддиқов М.М., Якубов Д. Фуқаролик процессуал қонунчиликда тааллуқлилиқ тушунчаси ва унинг айрим масалалари. —Тошкент.: Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. 2006. № 2. —Б. 93—95.
13. М.Мамасиддиқов. Низоли иш: зарарни ундиришнинг судга тааллуқлилиги ёки иш берувчининг ходимга етказилган зарар учун моддий жавобгарлиги тўғрисидаги ишларнинг судловга тааллуқлилигига оид баъзи масалалар. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси // 2006 й. № 4 (71). —Б. 62-64.
14. Мамасиддиқов М.М. Низолар судгача ҳал этилиши лозим. “Инсон ва қонун” газ., 2007 йил 13 март, № 10 (517).
15. Невоструев А.Г. Подведомственность суду жилищных дел о предоставлении жилого помещения // Арбитражный и гражданский процесс. 2004. №7.
16. Осокина Г.Л. Проблемы нормоконтроля в деятельности Федеральных судов // Современные проблемы юриспруденции / Под ред. А.В. Цихоцкого. —Новосибирск, 1999. Вып. 1. С. 74—87.
17. Пелевин С.М. Критерии подведомственности гражданских дел // Правоведение. 1990. № 1.С. 80—84.
18. Полуяхтов И.А. О некоторых проблемах подведомственности разрешения гражданских дел с участием юридических лиц в современном процессуальном законодательстве //Гражданский и арбитражный процесс. 2003. № 4.
19. Трушников С.С. Институт подведомственности в гражданском процессуальном праве Австрии // Система гражданской юрисдикции в канун XXI века: современное состояние и перспективы развития. —Екатеринбург, 2000.
20. Олимова К.К. Гражданский процесс в схемах. Учебно-методическое пособие. —Тошкент.: ТПҶОИ, 2006. —143 с.
21. Филановский В.А. Понятие подведомственности в российском процессуальном законодательстве // Правоведение. 2001. №6. —155 с.

22. Чудиновских К.А. Подведомственность в системе гражданского и арбитражного процессуального права: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. –Екатеринбург, 2002.
23. Чудиновских К.А. Соотношение частноправовых и публично-правовых начал в регулировании института подведомственности // Система гражданской юрисдикции в канун XXI века: современное состояние и перспективы развития. –Екатеринбург, 2000.
24. Холмўминов Ж.Т., Дусманов А.Х., Тиллаев Т.Н. Фуқаролик процесси: Маърузалар курси. –Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. –47 б.
25. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент.: Адолат. 2001. –512 б.
26. Эгамбердиев Э.Э. Фуқаролик ишлари қайси судга тааллуқлиги. // Ж. Ҳаёт ва қонун. –1996. 10–11 сон. –Б.14–15.
27. Эсанова З.Н. Оталикни белгилаш тўғрисидаги фуқаролик ишларининг тааллуқчилиги ва судловчилиги // Ж. Адвокат. –2002. 3-сон. –Б. 23–25.
28. Ярков В.В. Современные проблемы подведомственности гражданских дел. // Журнал российского права. № 10/11. 1998. –С.100–101.
29. Якубов Д.А. Фуқаролик ишларининг судларга тааллуқчилиги турлари // Ж. Қонун ҳимоясида. 2003. 10-сон. –Б.26–27.
30. Якубов Д.А. Тааллуқчилик – фуқаролик суд ишларини юртишга доир айрим муаммолар. // Ж.Ҳаёт ва қонун. 2003. 5-сон. –31 б.

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИНГ СУДЛОВЛИЛИГИ

Бобнинг мақсади фуқаролик ишларининг судловлилигига доир масалаларни ёритиш, унинг тушунчаси ва турларига оид масалаларни баён этишдан иборат. Мазкур бобда турдош ва ҳудудий судловликнинг ўзига хос жиҳатлари, ишни бир суддан бошқа судга ўтказиш асослари ва тартиби, фуқаролик ишлари судловлилигининг хўжалик ва жинойий ишларнинг судловлилигидан фарқи ҳамда фуқаролик ишлари бўйича судловлик ҳақидаги қоидаларга риоя қилмаслик оқибатларига ҳам батафсил тўхталиб ўтилади.

12.1. Фуқаролик ишларининг судловлилиги тушунчаси

Маълумки, фуқаролик ишларининг судловлилиги гарчи процессуал институт сифатида тааллуқлиликка яқин бўлса-да, лекин мутлақо мустақил ва ўзига хос фарқли жиҳатлари билан тавсифланади. *Ҳуқуқий адабиётларда "судловга тааллуқлилик", "судловга тегишлилик" ва "судловлик" тушунчалари айни бир маънода қўлланилади.*

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига "судловга тааллуқлилик" тушунчаси қўлланилган. Ҳуқуқий адабиётларда судловга тааллуқлилик умумий юрисдикция судларига тааллуқли бўлган фуқаролик ишларининг судлар ўртасидаги тақсимотини тартибга солидиган процессуал институт сифатида эътироф этилади.¹ Ю.К.Осипов судловга тааллуқлилик деганда, судга тааллуқли ҳуқуқий ишларнинг (ҳуқуқ тўғрисидаги низоли ёки бошқа ҳуқуқий масалаларнинг) муайян суд ихтиёрига берилганлигини назарда тутди.² Шунга ўхшаш таърифлар фуқаролик процессига оид бошқа адабиётларда ҳам учрайди.³

Сўнги йилларда МДҲ таркибига кирувчи давлатлар, хусусан, Россия Федерациясининг ҳуқуқшунос олимлари томонидан яратилган дарслик ва қонунларга берилган шарҳларда судловлилик тушунчасига унинг ҳуқуқий институт сифатида судга тегишли фуқаролик ишларининг суд тизимидаги муайян судлар ўртасида

¹ Кострова Н.М. Проблемы гражданского судопроизводства: Учебное пособие. –Махачкала: ИПЦ ДГУ, 2002.

² Курс советского гражданского процессуального права. –М.: Наука, 1981. 2 – том. –19 с; Гражданский процесс. Учебник. –М.: Юрлит, 1988. –169 с.; Гражданское процессуальное законодательство. Комментарий. Отв. ред. М.К.Ююев. –М.: «Юридическая литература». 1991. –209 с.

³ Гражданское судопроизводство. Учебное пособие. Под ред. проф. В.М.Семенова. –Свердловск. 1974. –136 с.;

тақсимланиши ифодаланади.¹ Судловлилик тушунчасига нисбатан берилган ушбу таърифлар ўта қисқа ва бир томонлама бўлиб, у судловга тааллуқлилик тушунчасининг моҳиятини тўла очиб бермайди. Юқоридаги таърифларда фуқаролик ишларининг хусусиятлари (мураккаблик даражаси, ижтимоий аҳамияти, субъектларнинг мақоми) ўз аксини топмаган, шунингдек худудга оид қоидалар ҳам эътиборга олинмаган.² Ш.Ш.Шорахметовнинг фикрича, судлов биринчидан, айрим фуқаролик ишларининг кўрилиши ва ҳал қилиниши суд органларига тааллуқли бўлишини, иккинчидан, судлов ягона суд тизимига кирадиган судларнинг туманлараро, туман (шаҳар), вилоят, республика Олий судларининг) қайси бири муайян фуқаролик ишини кўриш ва ҳал қилишга ваколатли бўлишини билдиради. Унинг фикрича, судлов деб, судларга тааллуқли бўлган ҳамма ишларнинг суд тизими бўгинлари ўртасида тақсимланишига айтилади.³

Фуқаролик ишларининг судловлиги деганда, судларга тааллуқли бўлган ишларнинг турлари ҳамда жойлашган худудига қараб бир тизимдаги суд бўгинлари ўртасида тақсимланишини белгилаб берувчи фуқаролик процессал ҳуқуқи нормалари мажмуига айтилади.

12.2. Судловлиқнинг турлари: турдош ва ҳудудий

Фуқаролик процессуал қонунчилик судловга тааллуқлиликнинг қуйидаги икки турини белгилайди:

- турдош;
- ҳудудий.

Аксарият ҳуқуқий адабиётларда ҳам муайян ишни ҳал қилиш қайси суднинг ваколатида бўлишига қараб судловлик икки турга, яъни турдош судловлик ва ҳудудий судловликка бўлиниши таъкидланади.⁴

Ҳуқуқий адабиётларда фуқаролик ишларининг хусусиятларига кўра, суд тизимининг турли бўгинлари ўртасида тақсимланиши турдош судлов-

¹ Гражданский процесс, курс лекция, -Санкт – Петербург, Питер, 2001, -с.137; Гражданский процесс, учебник. –М.: Проспект, 2001, -с. 115; Научно – практический комментарий к гражданскому процессуальному кодексу РСФСР. –М.: Городец, 1999, -с.160.

² Мамасиддиқов М.М. Мехнатта оид етказилган моддий ва маънавий зарарни судда ўндиришнинг назарий ва амалий муаммолари. Монография. –Тошкент: АҚҲМИ, 2008. -63 б.

³ Қаранг: Ўша жойда. -141 б.

⁴ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент, Адолат, 2001. -125 б.

лилик сифатида эътироф этилади (Ю.К.Осипов).¹ Таъкидлаш жоизки, ушбу таъриф а фуқаролик ишларининг қандай хусусиятлари ва қайси бўғин судлари назарда тутилганлиги кўринмайди. Ҳатто айрим Ҳамдўстлик давлатлари ҳуқуқшунос олимларининг фуқаролик процессуал ҳуқуқига оид асарларида² ҳам турдош судловлик моҳияти тўла очиб берилмаган, уларда ишларнинг турларига қараб суд тизими ўртасида тақсимланиши асосий мезон қилиб олинган.

Турдош судловлилик деганда, судларга тааллуқли бўлган фуқаролик ишларининг ижтимоий аҳамияти, мураккаблик даражаси ва субъектлар таркибига қараб фуқаролик ишлари бўйича судлар ўртасида тақсимланишини тушуниш лозим.

Мамлакатимиздаги фуқаролик процессуал ҳуқуқига оид дарсликларда ҳам турдош судловлилик деганда ишнинг турига, низонинг предмети нимадан иборат бўлиши ва тарафларнинг кимлар бўлишига қараб чегараланиши тушунилади.³

Дарҳақиқат, муайян бир фуқаролик иши учун турдош судловлилик қоидаларини белгилаш жараёнида ушбу ҳуқуқий муносабатни тартибга солувчи моддий ҳуқуқ нормасида белгиланган хусусиятлар муҳим ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамият касб этиши, унда иштирок этувчи шахсларнинг таркиби эътиборга олинishi талаб этилади.

Адабиётларда таъкидланишича, турдош судловлилик қоидаларини белгилашда кўриладиган ишнинг тури, низонинг предмети нимадан иборат бўлиши ва тарафларнинг кимлар бўлишига қаралади.⁴ Турдош судловлилик қоидаларини белгилашдаги мазкур мезонларга кўшимча сифатида ҳуқуқий муносабатни тартибга солувчи моддий ҳуқуқ нормасида белгиланган хусусиятлар, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамият касб этишини ҳам таъкидлаш ўринли бўлади.

Сўнги йилларда Ҳамдўстликка аъзо давлатлар ҳуқуқшунос олимлари томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларида айрим тоифадаги фуқаролик ишлари, хусусан меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишлар учун турдош судловлилик қоидаларининг белги-

¹ Курс гражданского процессуального права, Том. II. — М.: Наука, 1981, — 19 с.; Гражданский процесс. Учебник. — М.: Юрлит, 1988. — 169 с.

² Гражданский процесс. Учебник. — М.: Проспект, 2001, — 116 с.; Гражданский процессуальное законодательство. Комментарий. — М.: Юрлит, 1999, — 209 с.; Научно — практический Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу РСФСР. — М.: Городец, 1999, — 160 с.

³ Шорахметов Ш.Ш. Узбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи: Дарслик. — Тошкент: Адолат, 2001. — 141 б.

⁴ Шорахметов Ш.Ш. Ўша жойда. — 141 б.

ланиши ҳақида фикрлар илгари сурилмоқда. Масалан, Ю.В.Моисеевнинг фикрича, иш ташлашни ноқонуний деб топиш ҳақидаги ишлар учун турдош судловга тааллуқлилиқ қоидаларини белгилаш лозим ва бунда ходим меҳнат қилаётган корхона фаолиятининг даражаси эътиборга олиниши керак. Агар корхонанинг фаолияти фақат маҳаллий (локал) тусга эга бўлса, у ҳолда бундай ишлар туман судларида, агар корхонанинг фаолияти федерация даражасида бўлса, у ҳолда мазкур низоли иш юқори турувчи суд инстанцияларида кўрилиши лозим.¹

Турдош судловлиқ икки хил мезон билан, яъни ишнинг тури ва даъво талабининг миқдорига қараб белгиланиши ҳақида фикрлар ҳам илгари сурилади.² Турдош судловлиқнинг бу хилдаги мезонлар билан белгиланиши хорижий давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигида кўплаб учрайди.

Италия ГПКнинг 7-моддасига кўра, яраштирувчи судлар 2 582,28 евродан кўп бўлмаган миқдордаги низоларни кўришга ҳақли бўлади, Германияда участка судлари 5 000 евродан кўп бўлмаган миқдордаги низоларни, Австрияда туман судлари 10 000 евродан ортиқ бўлмаган мулкый талаблардан келиб чиқадиган низоли ишларни, Швейцария Конфедерациясида яраштирувчи судлар 500 Fr (франк)гача бўлган миқдордаги низоли ишларни кўриш ваколатига эга.³ Даъво ундаги талабларнинг миқдорига қараб турдош судловга тааллуқли бўлиши Европанинг яна бир қатор давлатлари фуқаролик процессуал қонунчилигида ҳам ўз ифодасини топган.

Мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, қонунчиликда фуқаролик ишлари учун турдош судловга тааллуқлилиқ қоидалари назарда тутилмаган. Айрим тоифадаги фуқаролик ишлари бўйича турдош судловлиқ қоидаларининг фуқаролик процессуал қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйилиши ходимлар ҳуқуқларининг суд орқали ҳимоя қилинишини кучайтиришнинг муҳим усулларида бири ҳисобланади. Судловлиқнинг ҳудудий судловга тааллуқлилиқ тури ҳақида процессуал ҳуқуққа оид адабиётларда бир-бирига ўхшаш нуқтаи назарлар билдирилади.

Ш.Ш.Шорахметовнинг фикрича, тегишли бўғиндаги тенг бўлган туман (шаҳар) судларининг қайси бири фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилиши лозим бўлишига ҳудудий судловлик дейилади.⁴ Худди шунга ўхшаш таъ-

¹ Моисеева Ю.В. Гражданско-процессуальные особенности рассмотрения коллективных трудовых споров: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. –С.-Петербург, 2000. –10с.

² Елисеев А.Г. Гражданское процессуальное право зарубежных стран: учеб. –2-е изд., перераб. и доп. –М.: ТК Велби, Изд-во проспект, 2006. –82 с.

³ Елисеев А.Г. Ўша жойда. –82, 122, 146, 164 б.

⁴ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи / Дарслик. –Тошкент: Адопат. 2001. –143 б.

риф Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг фуқаролик процессуал ҳуқуқига оид адавийликларида ҳам эътироф этилади. Хусусан, М.К.Треушниковнинг фикрича, ҳудудий судловга тааллуқлилиқ қоидалари фуқаролик ишларини биринчи инстанция тарихида кўрувчи бир бўйидаги судлар ўртасида тақсимлашга имкон беради. Ҳудудий судловлилиқ мазкур суд фаолият юритаётган маъмурий ҳудудга боғлиқ бўлади.¹

Ҳудудий судловга тааллуқлилиқ тушунчасига таъриф беришдаги бир хилликдан фарқли равишда унинг турлари юзасидан ҳуқуқшунос олимлар ўртасида турлича нуқтаи назарлар мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Ш.Ш.Шорехметов ҳудудий судловга тааллуқлилиқнинг альтернатив, мустасно, келишилган ва бир-бири билан боғлиқ ишларнинг судловлиги каби турларини кўрсатади.² М.К.Треушников ва В.В.Ярковларнинг фикрича, фуқаролик процессуал ҳуқуқ назариясида ҳудудий судловлилиқнинг умумий ҳудудий судловлилиқ, даъвогарнинг танлаши бўйича судловлилиқ (альтернатив), мустасно судловлилиқ, келишилган судловлилиқ ва даъво талабларининг ўзаро алоқаси бўйича судловлилиқ каби турлари кўрсатилади. Мазкур олимлар умумий ҳудудий судловлилиқ қоидаларига кўра, даъвогар жавобгар яшаб турган жойдаги судда, юридик шахсларга нисбатан даъвогарнинг эса улар ёки унинг мол-мулки жойлашган ҳудуддаги судда кўзгатилишини кўрсатадилар.

ФПКнинг “Судловга тааллуқлилиқнинг умумий қоидалари” деб номланган 145-моддасида кўрсатилган нормаларни ҳудудий судловлик қоидалари сифатида эътироф этиш лозим. Чунки ушбу нормада фуқаролик ишларининг ҳудуд бўйича судловга тааллуқлилиги ҳақидаги умумий қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, аризаларнинг жавобгар доимий яшаб турган ёки доимий машғул бўлган жойдаги судга берилиши, ташкилотларга нисбатан аризалар эса уларнинг органлари жойлашган ҳудуддаги судга берилиши ҳақидаги қоидалар шундан далолат беради. Шундай экан, бизнинг фикримизча, ФПКнинг 145-моддаси “Ҳудудий судловга тааллуқлилиқнинг умумий қоидалари” деб номланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Фуқаролик ишларининг судловга тааллуқлилиги ҳақида гапирганда, албатта мазкур институтнинг Фуқаролик процессуал кодекси тизимида жойлашиши тўғрисидаги айрим фикр-мулоҳазаларимизни бил-дириб ўтмоқчимиз. Дар-

¹ Гражданский процесс: Учебник для юридических вузов / Под ред. М.К.Треушникова. -3-е изд., испр. и доп. - М.: Юриспруденция, 2001. - 140 с.

² Шорехметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи / Дарслик. -Тошкент: Адолат. 2001. -144 б.

ҳақиқат, фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган нормаларнинг тизимлилигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади, унинг қўлланилишида қулайлик яратади.

Судловга тааллуқлилиқ масалалари Фуқаролик процессуал кодексининг “Биринчи инстанция судида иш юритиш”, деб номланган II бўлимида 14 боб сифатида мустаҳкамлаб қўйилган. Шу ўринда айтиш жоизки, мазкур бобда судловга тааллуқлилиқнинг фақатгина турдош судловлиқ тури кўрсатилган бўлиб, ҳудудий судловга тааллуқлилиқ қоидалари бошқа бобда, яъни “Даъво ишларини юритишнинг судловга тааллуқлилиги” деб номланган 22-бобда ўз ифодасини топади. Айрим давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилиги ўрганилиб, таҳлил қилиниши шундан далолат берадики, судловга тааллуқлилиқ қоидалари Фуқаролик процессуал кодексининг “Умумий қоидалар”, деб номланган биринчи бўлимида ўз ифодасини топган.

Беларусь Республикаси ГПКнинг “Умумий қоидалар”, деб номланган биринчи бўлими бешинчи боби “Судловга тааллуқлилиқ” ҳақида бўлиб, ушбу боб 12 та моддадан иборат. Мазкур моддаларда турдош судловга тааллуқлилиқ қоидалари билан бирга, ҳудудий судловга тааллуқлилиқ қоидалари, хусусан даъвогарнинг танлаши бўйича, мустасно, шартнома бўйича, қарши даъвонинг ва жиноят ишлари бўйича фуқаровий даъволарнинг судловга тааллуқлилиги ҳамда ишни бир суддан бошқасига ўтказишга доир қоидалар ўз ифодасини топган.¹ Озарбойжон Республикаси ГПКда ҳам судловга тааллуқлилиқ қоидалари бу ҳақдаги алоҳида 4-боб сифатида келтирилган бўлиб, унда ҳам турдош судловга тааллуқлилиқ билан бирга, ҳудудий судловга тааллуқлилиқ қоидалари ўз ифодасини топган.² Шунингдек, Латвия ГПКнинг “Умумий қоидалар”, деб номланувчи “А” қисми 1-бўлими (“Фуқаролик суд ишларини юритишнинг асосий қоидалари”)нинг “Фуқаролик-ҳуқуқий низоларнинг тааллуқлилиги ва судловлиги” деб номланган 3-бобда фуқаролик ишларининг тааллуқлилиги ҳақидаги қоидалар билан бирга судловга тааллуқлилиққа оид барча қоидалар ўз ифодасини топган.³ Фуқаролик ишларининг тааллуқлилиги ва судловга тааллуқлилигига оид қоидаларнинг битта бобда ифодаланиши бошқа айрим давлатларнинг қонунчилиқ тажрибасида ҳам учрайди. Хусусан, Россия Федерацияси⁴ ҳам-

¹ Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь от 11 января 1999 года, Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь, 1999 г., № 18-19, 2/13.

² Гражданский процессуальный кодекс Азербайджанской Республики. Утвержден Законом от 28 декабря 1999 года №780-ІГ. В соответствии с Законом от 26 мая 2000 года № 886-ІГ. Собрание законодательства Азербайджанской Республики, 2000 год, № 1, статья 17.

³ Гражданский процессуальный закон Латвии. Закон, принятый Сеймом 14 октября 1998 года и одобренный Президентом государства 3 ноября 1998 года. jurifektmsluu7.page=pol

⁴ Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации (по состоянию на 20 сентября 2008 года). –Новосибирск: Сиб. унив. Изд-во, 2008. -158 с.

да Қозоғистон Республикаси¹ ГПКнинг "Умумий қоидалар" деб юритилган биринчи бўлимнинг "Тааллуқлилиқ ва судловлилиқ" деб номланган учинчи бобда ҳам фуқаролик ишларининг тааллуқлилиғига доир қоидалар билан бирга турдош ва ҳудудий судловлилиққа оид қоидалар биргалиқда ифодаланган.

Ҳуқуқий адабиётларда ҳам судловга тааллуқлилиқ қоидаларини мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилиғидаги умумий қисмга ўтказиш, ушбу бобни фуқаролик ишларининг тааллуқлилиғи тўғрисидаги бобдан кейин жойлаштириш юзасидан фикрлар билдирилган.

Ш.Ш.Шораҳметов фуқаролик ишларининг судловга тааллуқлилиғи ҳақидаги қоидалар фуқаролик процессуал қонуннинг махсус қисми билан тартибга солинишини танқидий баҳолаб, ушбу қоидаларнинг "Даъво ишларини юритиш", деб номланган кичик бўлимда ифодаланиши мақсадга мувофиқ эмаслигини, чунки унда белгиланган қоидалар нафақат даъволи, балки даъвосиз ишлар учун ҳам татдиқ этилиши мумкинлигини, иккинчи томондан эса, фуқаролик ишлари юқори судларнинг судловига ҳам тааллуқли бўлишини кўрсатиб, судловга тааллуқлилиқ қоидаларини Кодекснинг махсус қисмидан олиб, унинг умумий қисмига ўтказиш лозимлиғи ҳақида фикр билдирган.²

Бизнингча ҳам, ҳудудий судловга тааллуқлилиқ ҳақидаги қоидалар Фуқаролик процессуал кодексининг махсус қисмида белгиланиши мақсадга мувофиқ эмас. Юқорида кўрсатилганидек, айрим хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибаси шуни кўрсатадики, судловга тааллуқлилиққа оид барча қоидалар, хусусан турдош ва ҳудудий тааллуқлилиқ масалалари битта бобда ифодаланади. Бу эса алоҳида қонунчиликдаги бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган қоидаларни бир тизимга келтириш, уларни қўллашда қулайлиқлар яратиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.

12.3. Ишни бир суддан бошқа судга ўтказиш асослари ва тартиби

Маълумки, фуқаролар ва ташкилотлар томонидан судга тақдим этилган даъво аризаси, ариза ва шикоятларни судья қабул қилгач, фуқаролик иши кўзғатилади. Фуқаролик ишининг судовлиғи тўғрисидаги масала даъво аризасининг қабул қилинишида судьянинг яққа ўзи томонидан ҳал этилади. Фуқаролик процес-

¹ Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан от 13 июля 1999 года. Ведомости Парламента Республики Казахстан, 1999 г. № 18, ст. 644.

² Шораҳметов Ш.Ш. Проблемы гражданского судопроизводства по защите прав и законных интересов граждан Республики Узбекистан. Автореф. док. дисс... –Ташкент, 1995. –29 с.

суал қонунчиликка мувофиқ, суд судловга тааллуқлилик қондаларига риоя қилган ҳолда ўзининг юритишига қабул қилиб олган ишни, гарчи кейинчалик бу иш бошқа суднинг судловига тааллуқли бўлиб қолса ҳам, мазмунан ҳал қилиши лозим (ФПКнинг 146-моддаси). Бироқ, истисно тарзида, фақат қонунда назарда тутилган ҳолатларда суд ўз юритишига қабул қилиб олган ишни бошқа судга ўтказиши мумкин.

Суд куйидаги ҳолларда ишни кўриш учун бошқа судга ўтказади:

- *муайян иш бошқа судда, хусусан далилларнинг кўпчилик қисми жойлашган ердаги судда ўз вақтида ва ҳар томонлама кўриб чиқилади деб ҳисобласа;*

- *илгари турар жойи номаълум бўлган жавобгар ишни ўзи яшаб турган жойдаги судга ўтказишни илтимос қилса;*

- *бир ёки бир неча судья четлатилгач, бу судда уларни алмаштириш мумкин бўлмай қолса;*

- *иш муайян судда кўрилаётганида бу иш судловга тааллуқлилик қондалари бузилган ҳолда юритишга қабул қилинганлиги маълум бўлиб қолса (ФПКнинг 146-моддаси иккинчи қисми).*

Ишни бир суддан бошқасига ўтказиш фуқаролик иши қайси суднинг иш юритишида бўлса, ўша суднинг асослантирилган ажримига асосан амалга оширилади. Суднинг мазкур ажрими устидан шикоят бериш ёки унга нисбатан протест келтириш муддати ўтганидан кейин, шикоят берилган ёки протест келтирилган тақдирда эса, шикоятни ёки протестни қаноатлантирмай қолдириш ҳақида ажрим чиқарилганидан кейин ўтказилади.

Ишни бир суддан бошқасига ўтказиш ишларнинг ўз ечимини тўғри топишида ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, иш бўйича мавжуд далилларнинг тўлиқ текширилишини, суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишини таъминлайди. Бир суддан бошқа судга юборилган иш суд томонидан кўриш учун қабул қилиниши керак. Судловга тааллуқлилик тўғрисида низолаarga йўл қўйилмайди.

12.4. Фуқаролик ишлари судловлигининг хўжалик ва жиноий ишларнинг судловлигидан фарқи

Фуқаролик ишларининг судловлиги ўзига хос хусусиятлари билан хўжалик ва жиноят ишларининг судловлигидан ажралиб туради. Ушбу ўзига хослик шундан иборатки, фуқаролик суд ишларини юритишда фақат жисмоний шахслар иштирок этибгина қолмасдан, даъвогар ёки жавобгар сифатида корхона, муассаса,

ташкilotлар ҳам эътироф этилади. Мазкур субъектларнинг иштироки, ўз навбатида судловлилик қоидаларига ҳам таъсир кўрсатади. Хусусан, ФПКнинг 31-моддасига мувофиқ, тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлган низоларга доир ишлар умумий юрисдикция судларига тегишли бўлади.

ХПКнинг 23-моддасига кўра, хўжалик судига қуйидаги ишлар тааллуқли:

1) иқтисодийёт соҳасида юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар;

2) иқтисодийёт соҳасида ташкilotлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун аҳамиятта эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар;

3) ташкilotлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар.

Хўжалик суди ўзига тааллуқли ишларни, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси ташкilotлари ва фуқаролари, шунингдек чет эл ташкilotлари, чет эл инвестициялари иштирокидаги ташкilotлар, халқаро ташкilotлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида кўради.

Ундан ташқари, фуқаролик процессуал қонунчиликдан фарқли ўлароқ, хўжалик процессида Олий хўжалик суди судловига тааллуқли бўлган ишларнинг рўйхати берилган.

Олий хўжалик суди қуйидаги ишларни кўради:

республика бошқарув органлари билан вакиллик ва ижроия ҳокимияти маҳаллий органлари ўртасидаги иқтисодий битимлардан келиб чиқадиган низолар;

ҳокимият олий органларининг норматив характерга эга бўлмаган ҳужжатларини (бу тунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар.

Олий хўжалик суди алоҳида ҳолатларни эътиборга олган ҳолда ҳар қандай ишни исталган хўжалик судидан олиб қўйиш ва уни биринчи инстанция бўйича ўзининг иш юритишига қабул қилишга, ишни бир хўжалик судидан бошқасига ўтказишга ҳақли (ХПКнинг 26-моддаси иккинчи қисми).

Шунингдек, ишни бир суддан бошқасига ўтказиш борасида ҳам бир қатор фарқлар кўзга ташланади.

ЖПКнинг 33-моддасига кўра, хўжалик суди ишни бошқа хўжалик судига куйидаги ҳолларда ўтказлади:

1) агар иш судловга тегишлилик қондасини бузиб қабул қилинганлиги шу судда ишни кўриш вақтида маълум бўлса;

2) агар бир ёки бир неча судьялар рад қилинганидан кейин уларни ушбу судда алмаштириш мумкин бўлмай қолса, шунингдек ишни ушбу судда кўриш мумкин бўлмай қолган бошқа ҳолларда.

Жиноий ишларининг судловлиги ҳам ўзига хос хусусиятлари билан фуқаролик судловликидан фарқ қилади.

Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судловига юқори судларнинг ва ҳарбий судларнинг судловига тегишли бўлган ишлардан ташқари ҳамма жиноят ишлари тегишли бўлади. Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судловига ЖПКнинг 97-моддаси иккинчи қисми, 118-моддасининг тўртинчи қисми, 150, 153, 155, 157, 158-моддалари, 159-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмлари, 160, 161-моддалари, 210-моддасининг учинчи қисми, 230, 231, 242, 244-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар тегишли бўлади. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судловига ўта мураккаб ва аҳамиятли ишлар тегишли бўлади.

Жиноят ишининг ҳудудий жиҳатдан судловга тегишлилиги борасида ҳам бир қатор фарқлар кўзга ташланади. Масалан, жиноят иши жиноят содир этилган жойдаги судда кўрилади. Жиноят содир этилган жойни аниқлаш имконияти бўлмаса, иш дастлабки тергов тамом бўлган ҳудуддаги суд томонидан кўрилади. Узоққа чўзилган ёки давомли жиноятларга доир ишлар жиноят қайси ҳудудда тамомланган ёки тўхтатилган бўлса, шу ҳудуддаги суднинг судловига тегишли бўлади (ЖПКнинг 391-моддаси).

Шунингдек, бир неча шахсни турли ҳудудларда содир этган жиноятлари учун айблаш тўғрисидаги жиноят ишлари, шунингдек бир шахсни бир неча жиноятни содир этишда айблаш тўғрисидаги жиноят ишлари бирлаштирилганда, агар бу ишлар бир хил даражадаги икки ёки бир неча суднинг судловига тегишли бўлса, иш дастлабки тергов қайси ҳудудда тамомланган бўлса, шу ҳудуддаги суд томонидан кўрилади. Ундан ташқари, бир шахс ёки бир гуруҳ шахслар турли даражадаги судларнинг судловига тегишли бир неча жиноятни содир этишда айбланган бўлса, бундай ишлар юқори суд томонидан кўрилади. Башарти иш бўйича бир шахс ёки бир гуруҳ шахслар бир неча жиноятни содир этишда айблансалар ва бу шахслардан лоақал бири ёки жиноятлардан бири ҳақидаги иш ҳарбий суднинг судловига тегишли бўлса, барча жиноятлар ва

барча шахсларга доир иш ҳарбий суд томонидан кўрилади. Жинсий ишлар судловлигининг фуқаролик ишларининг судловлигидан фарқи ишни бир суддан бошқасига ўтказиш каби ҳолатларда ҳам кўзга ташланади. Масалан, жиноят иши тўла, холисона ва ўз вақтида кўрилишини таъминлаш мақсадида ишни бир суддан бошқа судга юқори суд раиси қарори билан ўтказиш мумкин. Ишни бошқа вилоятдаги ёки Қорақалпоғистон Республикасидаги судга ўтказиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси томонидан ҳал этилади. Фуқаролик процессуал кодексида эса ишнинг бир суддан бошқа судга ўтказиш суднинг ажримига асосан ўтказилишини белгилаш билан чекланган.

12.5. Фуқаролик ишлари бўйича судловлик ҳақидаги қоидаларга риоя қилмаслик оқибатлари

Фуқаролик ишларини қайси судда кўриб ҳал қилишни олдиндан билиб олиш даъвогар учун айнан ўша судга мурожаат қилиш учун муҳим аҳамият касб этади. Унинг бузилган ёки низолашилаётган субъектив ҳуқуқни тез ва тўғри ҳал қилиш учун кафолат беради, процессуал вақтни тежайди, кўриб ҳал қилинган фуқаролик иши юзасидан қонуний, асослантирилган ва адолатли суд ҳал қилув қарори чиқаришга хизмат қилади ва ишни бир суддан бошқа судга ўтказиш борасидаги масала бўйича хатоликка йўл қўйишнинг олдини олади ва судловлилик масаласини ижобий тўғри ҳал қилиш учун кафолат беради. Судловлилик қоидаларига риоя қилмаслик ўзига хос ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқаради. Масалан, даъво аризаси, ариза судловлилик қоидаларига риоя қилинмасдан берилса, **ФПКнинг 152-моддасининг 5-бандига асосан, яъни иш шу суднинг судловига тааллуқли бўлмаганлиги учун аризани қабул қилиш рад этилади.** Бироқ шу ўринда таъкидлаш керакки, судьянинг ушбу бандда назарда тутилган асос бўйича аризани қабул қилишни рад этиши, башарти йўл қўйилган хатолар бартараф этилса, шу иш бўйича судга иккинчи марта ариза билан мурожаат этишга тўсқинлик қилмайди.

Фуқаролик ишлари бўйича судловлик ҳақидаги қоидаларга риоя қилмасликнинг наевбатдаги оқибати ФПКнинг 146-моддасида назарда тутилган. Унга кўра, иш муайян судда кўрилаётганида бу иш судловга тааллуқлилиқ қоидалари бузилган ҳолда юритишга қабул қилинганлиги маълум бўлиб қолса, иш кўриш бошқа судга ўтказилади.

Судловлилик қоидаларига риоя қилинмасдан чиқарилган ҳал қилув қарори бекор бўлишига олиб келмасдан, балки судьяга нисбатан юқори суд томонидан хусусий ажрим чиқарилишига олиб келиши мумкин. Хусусан, ФПКнинг 316-моддасида апелляция, кассация, назорат инстанциялари ишни кўрган суд томонидан йўл қўйилган қонунни бузиш ҳоллари ҳал қилув қарорини бекор қилиш, ўзгартиришга ёхуд янги ҳал қилув қарори чиқаришга асос бўлмайди деб топсалар, бу ҳақда ажримда, қарорда ёки махсус қабул қилинадиган хусусий ажримда кўрсатишлари лозимлиги белгилаб қўйилган.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Фуқаролик ишларининг судловлиги деганда нимани тушунасиз?
2. Судловлиликнинг қандай турлари мавжуд?
3. Турдош судловлилик ҳақида гапиринг.
4. Худудий судловлилик нима ва унинг қандай турлари мавжуд?
5. Ишни бир суддан бошқа судга ўтказишнинг қандай асослари мавжуд?
6. Ишни бир суддан бошқа судга ўтказиш тартиби ҳақида гапиринг.
7. Фуқаролик ишлари судловлигининг хўжалик ишларининг судловлигидан қандай фарқи бор?
8. Фуқаролик ишлари судловлигининг жиноий ишларнинг судловлигидан фарқини айтинг.
9. Фуқаролик ишлари бўйича судловлик ҳақидаги қоидаларга риоя қилмасликнинг қандай оқибатлари бор?

МАХСУС АДАБИЁТЛАР:

1. Грось Л.А. К вопросу о подсудности гражданских дел и надлежащих ответчиках по делам о восстановлении на работе //Арбитражный и гражданский процесс. 2004. № 1.
2. Гражданское процессуальное законодательство. Комментарий. Отв. ред. М.К.Юков. –М.: Юридическая литература. 1991. -209 с.
3. Гражданский процесс: Учебник для юридических вузов / Под ред. д.ю.н., проф. М.К. Треушникова. 3-е изд., испр. и доп. – М.: Юриспруденция, 2001. -51 с.
4. Гражданский процесс, курс лекция. –Санкт-Петербург, Питер, 2001, -с.137.

5. Гражданский процесс / Учебник. Отв. ред. проф. В.В. Ярков. –М.: Волтерс Клувер, 2004. -149 с.
6. Елисеев А.Г. Гражданское процессуальное право зарубежных стран: учеб. -2-е изд., перераб. и доп. –М.: ТК Велби, Изд-во проспект, 2006. -82 с.
7. Ерохина Т.П. Новеллы института подсудности в ГПК РФ // Современные проблемы гражданского права и процесса // Проблемы гражданской юрисдикции в свете нового законодательства / Под ред. А.И.Зайцева, Т.А. Савельевой. –Саратов, 2003.
8. Киселева Л. Подсудность дел, возникающих в ходе выборов депутатов Государственной Думы // Российская юстиция. 1999. № 1.
9. Кострова Н. М. Проблемы подсудности гражданских дел // Проблемы защиты прав и законных интересов граждан и организаций. –Краснодар, 2002.
10. Кострова Н.М. Проблемы гражданского судопроизводства: Учебное пособие. –Махачкала: ИПЦ ДГУ, 2002.
11. Мамасиддиқов М.М. Меҳнат ишлари бўйича етказилган зарарни судда ундириш. Ўқув қўлланма. –Тошкент.: Адолат. 2001.
12. Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Ўқув қўлланма. –Тошкент.: ТДЮИ. 2004.
13. Мамасиддиқов М.М., Хабибуллаев Д.Ю. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Схема ва жадваллар. Ўқув услубий қўлланма. –Тошкент.: ТДЮИ. 2006. -168 б.
14. Мамасиддиқов М.М. Низоли иш: зарарни ундиришнинг судга тааллуқлилиги ёки иш берувчининг ходимга етказилган зарар учун моддий жавобгарлиги тўғрисидаги ишларнинг судловга тааллуқлилигига оид баъзи масалалар // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. –Тошкент, 2006. -№ 4. -Б. 62-64.
15. Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик ишларининг судловлилиги: уни такомиллаштиришнинг айрим масалалари // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. –Тошкент, 2007. -№ 2. –Б. 107-110.
16. Мамасиддиқов М.М. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал қонунчилигини ривожлантиришнинг замонавий йўналишлари // ТДЮИ Ахборотномаси. –Тошкент, 2007. -№ 2. -Б. 46-49.

17. Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал кодекси: ютуқлар ва тақомиллашув сари // "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 10 йиллиги: ўтмиши, ҳозирги куни ва истиқболи" мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент: ТДҶОИ, 2008. –Б. 75-89.
18. Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид етказилган моддий ва маънавий зарарни судда ундиришнинг назарий ва амалий муаммолари. Монография. –Тошкент: АҚҶМИ, 2008. –340 б.
19. Моисеева Ю.В. Гражданско-процессуальные особенности рассмотрения коллективных трудовых споров: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. –С. -Петербург, 2000. -10 с.
20. Научно-практический комментарий к гражданскому процессуальному кодексу РСФСР. –М.: Городец, 1999, -с.160.
21. Петухов Н., Жудро К. Разграничение подсудности дел военным судам и иным федеральным судам общей юрисдикции // Российская юстиция. 2000. № 2.
22. Тимофеев О. М. Подсудность исков и защите чести, достоинства и деловой репутации // Арбитражный и гражданский процесс. 2000. №3.
23. Устюжанинов В., Сапожников С. Компетенция мирового судьи по рассмотрению гражданских дел // Российская юстиция. 2000. № 12. С. 11-12.
24. Чечина Н. А. Мировые судьи в Российской Федерации: судебная реформа и новое законодательство // Правоведение. 1999. № 4.
25. Шорахметов Ш.Ш. Проблемы гражданского судопроизводства по защите прав и законных интересов граждан Республики Узбекистан. Автореф. док. дисс... –Ташкент, 1995. -29 с.
26. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик –Тошкент.: Адолат. 2001. -512 б.
27. Шорахметов Ш.Ш. Фуқаролик ишларини судда кўришга оид процессуал ҳужжат намуналарига шарҳ. Дарслик. –Тошкент: ТДҶОИ, 2005. -361 б.
28. Эгамбердиев Э.Э. Фуқаролик ишлари қайси судга тааллуқлиги // Ж. Ҳаёт ва қонун, 10-11 сонлар, 1996.
29. Эсанова З.Н. Оталикни белгилаш тўғрисидаги фуқаролик ишларининг тааллуқлиги ва судловлиги // Ж. Адвокат. 2002. 3-сон. –Б.23-25.

13-БОБ

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ИСБОТЛАШ ВА ДАЛИЛЛАР

Бобнинг мақсади фуқаролик процессида исботлаш ва далиллар билан боғлиқ масалаларни атрофлича ёритиб беришдан иборат. Мазкур бобда исботлаш тушунчаси ва предмети, судга оид далиллар, исботлашдан озод қилиш асослари, далилларнинг дахлдорлиги ва исботлаш воситаларига йўл қўйилиши, тарафлар ўртасида исботлаш бурчининг тақсимланишига оид масалалар ҳам ўрин олган. Ундан ташқари, далилларнинг таснифи, исботлаш воситалари ва уларнинг турларига алоҳида тўхталиб ўтилган. Ушбу бобда далилларни таъминлаш учун асослар ва суд топшириқлари билан боғлиқ масалалар ҳам атрофлича баён этилган.

13.1. Фуқаролик процессида исботлаш тушунчаси

Фуқаролик суд ишларини юритишнинг муҳим таркибий қисми қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилув қарори қабул қилиш мақсадида кўрилаётган ишдаги ҳолатлар ва фактларнинг ҳаққонийлигини исботлаш масалалари ҳисобланади. Маълумки, судда далиллардан фактик ҳолатларни белгилаш мақсадида фойдаланилади. Суд бирон-бир фуқаролик ишини ундаги мавжуд ҳолатларни аниқламасдан туриб ҳал этиши мумкин эмас.

Юридик адабиётларда ҳам қатъий процессуал шаклда амалга ошириладиган фаолият бўлмиш одил судловнинг зарурий шarti суд ҳал қилув қарорининг суд мажлисида исботлаш воситалари орқали аниқланган ҳолатларгагина асосланишида эканлиги таъкидланади.¹

Фуқаролик процессида исботлаш ва далиллар масаласининг долзарблигини Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан 2007 йил 2 октябрда "Фуқаролик ишларини кўришда судлар томонидан далилларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарорнинг қабул қилинганлигида ҳам кўриш мумкин. Мазкур Пленум қарорида фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишга қаратилган муурожаатлари кескин ошиб бораётган бир

¹ Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. –173 с.

пайтда низоларни бевосита далилларга таянган ҳолда ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида таъкидланади.¹

Маълумки, далил воқеликнинг ҳақиқий (фактик) ҳолатини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Суд ишнинг ҳолатини аниқламай туриб, бирон бир фуқаролик ишни мазмунан ҳал қила олмайди. Суд фуқаролар ва ташкилотнинг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби асосий вазифасини тўлиқ амалга ошириши учун, аввало, даъвогар талаб қилаётган даъвосида ҳақиқатан ҳам унинг ҳуқуқи мавжудлигини; унинг айнан нимада ифодаланишини; маълум бир мажбурият жавобгарга тегишлилиги тўғрисидаги ҳуқуқ мавжуд эканлигини белгилаши, яъни низолашувчининг ҳуқуқий муносабатларини аниқлаши керак. Бироқ ҳуқуқ ва мажбурият ўз-ўзидан вужудга келмайди. Уларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши қонунда маълум юридик фактларнинг мавжудлиги билан боғланади. Шу сабабли, низоли ҳуқуқий муносабатларни аниқлаш учун ҳақиқатда қандай юридик фактлар содир бўлганлигини белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Одил судлов – маълум процессуал тартиб(шакл)да амалга ошириладиган фаолият ва унинг асосий талабларидан бири бу суд ўз қарорларини суд муҳокамасида исботланган далиллар, яъни процесс давомида исботланган ҳамда суд далиллари ёрдамида суд муҳокамасида белгиланган фактлар билан асослаши лозим. Фуқаролик процессуал қонун судда йўл қўйиладиган далиллар рўйхатинигина эмас, балки улардан фойдаланишнинг процессуал тартибини ҳам белгилайди. Кодексда исботлашнинг ҳар бир тури учун бир қатор қоидалар берилган бўлиб, ушбу қоидалар далилларни текшириш ва уларни олиш тартибини назарда тутди. Масалан, иш юзасидан гувоҳ бўла олиши мумкин бўлган шахслар рўйхати, экспертизани тайинлаш тартиби, судга олиб келиш мумкин бўлмаган ашёвий далилларни кўриб чиқиш шулар жумласидандир.

Фуқаролик процессида ҳам иш учун муҳим бўлган далилларни аниқлаш борасидаги фаолият суд орқали амалга оширилади ва у “далилларни исботлаш”, деб номланади. Ўз навбатида, суд томонидан аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар исботлаш предмети деб аталса, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни исботлаш амалга ошириладиган воситалар судга оид далиллар дейилади.

¹ “NORMA” Ахборот ҳуқуқий тизими. <http://www.norma.uz>.

Юридик адабиётларда фуқаролик процессида исботлаш тушунчаси бўйича икки хил нуқтаи назар илгари суриб келинади. Ш.Ш.Шорахметов ва А.А.Власовнинг фикрича, исботлаш деб, фуқаролик процесси субъектлари бўлган тарафлар, суд, прокурор ва бошқа шахсларнинг фуқаролик ишини ҳал қилиш учун зарур бўлган фактларнинг мавжуд бўлиш-бўлмаглигини аниқлашга қаратилган фаолиятларига айтилади.¹ И.В.Решетникова ва З.Н.Эсановаларнинг фикрича, фуқаролик процессуал ҳуқуқ назариясида исботлаш тушунчаси негизида суд ва бошқа субъектларнинг фаолияти ётади. Бу фаолият ўзида исботлаш предметини аниқлаш, ишга тегишли далилларни тўплаш, суд жараёнида далилларни ўрганиш ва баҳолаш каби ҳаракатларни ифодалайди.² Худди шу каби нуқтаи назар мамлакатимизнинг бошқа ҳуқуқшуно олимлари томонидан ҳам билдирилган.³ Лекин бошқа бир гуруҳ олимларнинг фикрича, суддаги исботлашнинг субъекти сифатида суд эътироф этилмайди. Хусусан, А.Ф.Клейнманнинг фикрича, фуқаролик процессида исботлаш фақат тарафларнинг процессуал фаолияти ҳисобланиб, ушбу фаолият ўзида далилларни тақдим этиш, қарама-қарши томонинг далилларини рад этиш, илтимосномалар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш кабиларда намоён бўлади. К.С.Юдельсон эса судга доир исботлашни процесс иштирокчиларининг қонун ҳужжатларини назарда тутилган воситалар ёрдамида тарафлар ўртасидаги низоли масалани ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига қаратилган фаолияти, деб таъриф беради. А.К.Сергуниннинг фикрича, исботлаш – бу судга оид далиллар ёрдамида иш ҳолатларини аниқлаш бўйича фаолият ҳисобланиб, иш бўйича далиллар ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилади, суд ушбу далилларни тўплайди, уларнинг илтимосномасига кўра иш бўйича гувоҳларни процессга жалб этади, ёзма ёки ашёвий далилларни талаб қилиб олади. Суд тарафларга қўшимча далиллар тақдим қилишни таклиф этиши, агар қўшимча далиллар тақдим этиш тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар учун қийинчилик туғдирса, уларнинг илтимосномасига кўра далиллар тўплашда уларга ёрдам кўрсатиши мумкин.⁴

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент, Адолат. -167 б.; Власов А.А. Гражданское процессуальное право. Верховный суд Российской Федерации, Высший Арбитражный Суд Российской Федерации, Российская Академия правосудия. Учебник. –М.: 2003. -86 с.

² Решетникова И.В. Доказательственное право в гражданском судопроизводстве. –Екатеринбург. 1997. –С. 56-59. Комментарий к гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации / Отв. ред. Г.А.Жилин, –М., 2003. -134 с.; Эсанова З.Н. Оталиқни белгилаш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Монография / Масьул муҳаррир проф. Ш.Ш.Шорахметов. –Тошкент: ТДЮИ. 2005. -79 б.; Эсанова З.Н. Оталиқни белгилаш тўғрисидаги фуқаролик ишларини судда кўриш. Уқув қўлланма / Масьул муҳаррир проф. Ш.Ш.Шорахметов. –Тошкент: ТДЮИ. 2006.-Б. 39-40.

³ Холмўминов Ж.Т., Дусманов А.Х., Тиллаев Т.Н. Фуқаролик процесси: Маърузалар курси. –Тошкент, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. -74 б.

⁴ Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др.: Под ред. М.С.Шакарян. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. –173 с.

Дарҳақиқат, тортишувчилик принципига мувофиқ, суд тарафларга иш бўйича далиллар тўплашга кўмаклашади, агар кўшимча далиллар тақдим этиш тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар учун қийинчилик тугдирса, суд уларнинг илтимосномасига кўра далиллар тўплашда уларга ёрдам кўрсатади.

Исботлаш судга оид далиллар ёрдамида иш ҳолатларини аниқлаш бўйича фаолият ҳисобланиб, тарафларнинг ва манфаатдор шахсларнинг ишга доир далилларни тўплаш, судга тақдим этиш, уни текшириш ва баҳолаш жараёнларида иштирок этиши каби процессуал ҳаракатлари натижасида юзага келади.

Суддаги исботлашнинг субъектлари сифатида фақат тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар эътироф этилади.

13.2. Исботлаш предмети

Судга оид далиллар ва умуман, исботлашнинг барча жараёнлари иш юзасидан моддий-ҳуқуқий ва процессуал-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқлашга қаратилган бўлади. Шу маънода исботлаш предмети фуқаролик ишини кўриш ва мазмунан ҳал қилиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган юридик фактлар ҳисобланади.

Ш.Ш.Шорахметов ўз дарслигида исботлаш предметиға бирмунча кенг таъриф берган. Унга кўра, исботлаш предмети деб, муайян ҳуқуқни вужудга келтирадиган ёки ўзгартирадиган ёхуд бекор қиладиган ёники ҳуқуқнинг амалга оширилишиға тўсқинлик қиладиган фактларға айтилади.

Фуқаролик процесси тарафларнинг тортишуви асосида қурилганлигини эътиборға оладиган бўлсак, ҳар бир тараф ўзининг талаб ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши, судга мурожаат қилган даъвогар ўз талабларига асос қилиб кўрсатаётган ҳолатлар ва бу ҳолатларни тасдиқлайдиган далилларни тақдим этиши шарт (ФПКнинг 57-моддаси биринчи қисми, 149-модданинг биринчи қисми). Айнан мазкур фактлардан иш бўйича исботлаш предмети юзага келади.

А.А.Власовнинг фикрича, фуқаролик процессида исботлаш предмети-нинг аҳамияти куйидагиларда намоён бўлади:

– судда исботлашни йўналтирувчи вазифасини бажаради, суд, тарафлар ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг иш учун муҳим аҳамиятга эга

бўлган фактларни билиш фаолиятини мақсадга мувофиқлигини кучайтиришга хизмат қилади;

- судга оид билишнинг доираси ва чегарасини белгилаб беради;
- ишда мавжуд бўлган далилларнинг дахлдорлигини аниқлаш бўйича мезон вазифасини бажаради.¹

Суд исботлаш предметини тарафларнинг талаб ва эътирозлари ҳамда ишда қўлланилиши лозим бўлган моддий ҳуқуқ нормаларига амал қилган ҳолда белгилайди. Юридик адабиётларда исботлаш предметига даъво талабига ҳамда мазкур талабга нисбатан билдирилган эътирозларга асос бўладиган моддий ҳуқуқ нормасида белгиланган ва қўлланилиши лозим бўлган юридик фактлар қўшилади, деган нуқтаи назарлар илгари сурилган (А.Ф. Клейнман, С.В.Курылев ва бошқалар).² Шунга ўхшаш фикр В.В.Ярков томонидан ҳам билдирилади. Унинг фикрича, фуқаролик ишлари бўйича исботлаш предмети даъво ва унга бўлган эътирознинг асоси, шунингдек моддий ҳуқуқ нормаси асосида шаклланади.³

Исботлаш предметига мансуб бўлган фактлар таркиби ҳар бир фуқаролик иши бўйича турлича бўлади. Масалан, Е.В.Козыреванинг фикрича, биргина маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича исботлаш предмети, ўзида маънавий зарар учун тўлов миқдори, жавобгарнинг айб даражаси ва унинг ҳуқуққа хилоф ҳаракати (ҳаракатсизлиги), жавобгарнинг жисмоний ва рухий азоблари ва уларнинг нималарда ифода этилишини мужассам этувчи мураккаб юридик таркиб ҳисобланади.⁴ В.В.Ярков ва И.В.Решетниковалар маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ишлар бўйича исботлаш предметига қуйидаги юридик фактларни киритади:

1) даъвогарга жисмоний ва маънавий азоб етказишда жавобгарнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) сабаб бўлганлиги, у нималарда ифодаланиши, қачон содир этилганлиги;

2) жавобгарнинг мазкур ҳаракати (ҳаракатсизлиги) билан даъвогарнинг қандай шахсий номулкий ҳуқуқлари бузилганлиги ва қандай номоддий неъматларга тажовуз қилинганлиги;

¹ Власов А.А. Гражданское процессуальное право. Верховный суд Российской Федерации, Высший Арбитражный суд Российской Федерации, Российская Академия правосудия. Учебник. –М.: 2003. -90 с.

² Козырева Е.В. Процессуальные особенности рассмотрения судами гражданских дел о компенсации морального вреда: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. –Саратов, 2003. -17 с.

³ Гражданское судопроизводство: особенности рассмотрения отдельных категорий дел: Учебно-практическое пособие/ Отв. ред. В.В. Ярков. – М.: Юрист, 2001. – 381 с.

⁴ Козырева Е.В. Процессуальные особенности рассмотрения судами гражданских дел о компенсации морального вреда: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. –Саратов, 2003. -24 с.

3) даъвогарнинг жисмоний ва маънавий азоблари нималарда ифодаланганлиги;

4) зарар етказувчининг айб даражаси;

5) тўлов миқдори.¹

М.А.Степанов ва А.М.Эрделевскийнинг фикрича, маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича жабрланувчининг шахсий хусусиятлари ҳам исботлаш предмети бўлиши лозим.² Юқорида билдирилган фикрларни умумлаштириб таҳлил этиш асосида шундай хулосага келиш мумкинки, маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ишларда исботлаш предмети маънавий зарар тўлови миқдорини, айб даражаси ва жавобгар ҳаракати (ҳаракатсизлиги)нинг ҳуқуққа хилоф эканлигини, даъвогарнинг жисмоний ва маънавий азобининг даражасини, унинг нималарда ифодаланишини, жабрланувчининг шахсий хусусиятларини ҳамда ҳуқуққа хилоф ҳаракати (ҳаракатсизлиги) содир этилган вақтни ўзида акс эттирадиган мураккаб юридик таркиб ҳисобланади.³

Айрим олимлар оталикни даъво тартибида белгилаш ҳақидаги ишларда исботлаш предмети сифатида боланинг онаси билан жавобгарнинг бирга яшаганлиги ва умумий рўзгор юритганлиги ёки уларнинг болани биргалиқда тарбиялаганликлари ёхуд моддий жиҳатдан таъминлаб турганликларини аниқ тасдиқловчи далилларни назарда тутадилар.⁴

Меҳнат низолари бўйича исботлаш предметини нималар ташкил этиши юзасидан фуқаролик ишлари бўйича 38 нафар судьялар ўртасида ижтимоий сўровлар олиб борилганда уларнинг аксарияти исботлаш предмети сифатида қуйидагиларни кўрсатганлар:

- даъвогарнинг руҳий азобланиши;
- тиббий маълумотнома;
- иш берувчи ёки ходимнинг ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги исботланганлиги;

¹ Гражданское судопроизводство: особенности рассмотрения отдельных категорий дел: Учебно-практическое пособие / Отв. ред. В.В. Ярков. – М.: Юристъ, 2001. – 381 с.; Решетникова И.В. Справочник по доказыванию в гражданском судопроизводстве. 4-е изд. Под ред. профессора И.В.Решетниковой. – М.: НОРМА, 2008. – С. 130-138.

² Степанов М.А. Предмет доказывания по гражданским делам о компенсации морального вреда. // Закон и право. 2000. № 12, -35 с.; Эрделевский А.М. Компенсация морального вреда в России и за рубежом. – М.: 1997. – 177 с.

³ Мамасиддиқов М.М. Меҳнатта оид етказилган моддий ва маънавий зарарни судда ундиришнинг назарий ва амалий муаммолари / Монография. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. Ш.Ш.Шорахметов. –Тошкент. АҚҶМИ нашриёти, 2008, -169 б.

⁴ Эсанова З.Н. Оталикни белгилаш тўғрисидаги фуқаролик ишларини судда кўриш. Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир проф. Ш.Ш.Шорахметов. –Тошкент: ТДҶОИ. 2006. –39 б.

- иш берувчининг гайриқонуний ҳаракати тўғрисида қабул қилинган буйруқ ва ҳужжатлар;
- суд-тиббий экспертиза ҳулосаси;
- ногиронлик варақаси;
- гувоҳ кўрсатмалари;
- турли ёзишмалар;
- касаллик тарихидан кўчирма ва ҳ.к.¹

Исботлаш предметиға, биринчи навбатда, даъвонинг асосиға қўйилган фактлар, яъни даъвогар ўзининг талабларига асос қилиб кўрсатаётган ҳолатлар ва бу ҳолатларни тасдиқлайдиган далиллар мансуб бўлади. Исботлаш предметиға, шунингдек жавобгар томонидан даъвоға қарши билдирилган эътирозларни асослайдиган фактлар ҳам киради.

Агарда процессға мустақил даъво билан муружаат қилувчи учинчи шахс киришадиган бўлса ёки жавобгар даъвогарға қарши даъво тақдим қиладиган бўлса, у ҳолда исботлаш предмети бундай даъволарнинг асосиға қўйилган фактлар ҳисобланади.

Айрим ҳолларда тарафлар ўз талаб ва эърозларига асос қилиб кўрсатаётган ҳолатларда ҳатоликка ҳам йўл қўйиши мумкин. Масалан, тарафлар иш учун юридик аҳамиятға эға бўлмаган далилларни тақдим этиш ҳолатлари учрайди. Айрим ҳолларда тарафлар, аксинча, ҳуқуқий оқибат юзаға келтирадиган ҳамма далилларни ҳам судға тақдим этавермайдилар. Шунинг учун ҳам исботлаш предметиға кирадиган фактик ҳолатлар доирасини охир-оқибат суд белгилайди. Шунинг учун суд фақат иш учун аҳамиятға эға бўлган далилларнигина кўришға қабул қилади; раислик қилувчи суд мажлисини бошқариб, ишнинг барча ҳолатлари, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ, ҳар тарафлама ва ҳолисона аниқланишини, суд процессининг тарбиявий таъсирини таъминлайди, кўрилаётган ишға алоқаси бўлмаган ҳамма нарса-ни суд муҳокамасидан четлатади (ФПКнинг 58-моддаси, 164-моддаси иккинчи қисми).

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 2 октябрдаги “Фуқаролик ишларини кўришда судлар томонидан далилларға оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қароридан ҳам тушунтиришлар берилган. Унга кўра, айрим фактлар исботлаш предметиға кирамайди ва исботлашға муҳтож эмас, чунончи, суд ҳаммага маълум деб

¹ Фуқаролик ишлари бўйича Ферғона ва Наманган вилояти туманлараро судлари судьялари билан 2008 йилнинг 25-26 октябрда ҳамда Республика юристлар малакасини ошириш маркази тренинглари бўлган судьялар билан 2008 йилнинг ноябрда ўтказилган сўров натижаларидан.

топган ҳолатлар, суднинг қонуний кучга кирган фуқаролик иши бўйича ҳал қилув қарори ва жиноят иши бўйича суднинг ҳукми бўйича аниқланган фактлар шулар жумласидандир. Иш учун аҳамиятта эга бўлмаган далилларни қабул қилишга, шунингдек келиб чиққан низо бўйича исботлаш воситалари бўла олмайдиган маълумотлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.¹

Ҳар бир конкрет иш бўйича исботлаш предметини тўғри белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Агар иш учун аҳамиятта эга бўлган барча ҳолатлар аниқланмас экан, бу иш юзасидан асослантирилмаган ҳал қилув қарори қабул қилинишига олиб келади.

13.3. Судга оид далиллар

Суд фаолиятида иш бўйича ҳақиқий ҳолатларнинг мавжуд бўлиш ёки бўлмаслиги исботланади. Судга оид далиллар фактик маълумотлар ҳисобланиб, суднинг ҳақиқий билимга асосланган фактлари асосида шаклланади. ФПКнинг 56-моддасида далиллар тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра, *тарафларнинг талаблари ва эътирозларини асослайдиган ҳолатлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай фактик маълумот ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар фуқаролик иши бўйича далил ҳисобланади.*

Бу маълумотлар куйидаги воситалар, яъни:

- тарафлар ва учинчи шахслар ҳамда уларнинг қонуний вакилларининг тушунтиришлари,
- гувоҳларнинг кўрсатувлари,
- ёзма ва ашёвий далиллар,
- экспертларнинг хулосаси билан аниқланади (ФПКнинг 56-моддаси биринчи қисми).

Муаллифи кўрсатилмаган хатлар ва манбаи номаълум бўлган ёки ғайриқонуний тарзда олинган бошқа маълумотлар далил бўла олмайди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, ФПКнинг 56-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган далилларнинг рўйхати тугал ҳисобланади. Судга оид далиллар борасида ҳам адабиётларда турли фикр-мулоҳазалар илгари суриб келинади.

М.К.Треушниковнинг фикрича, судга оид далиллар ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларнинг мавжуд эканлигини бевосита ёки билвосита тасдиқлайдиган, қонунда назарда тутилган процессуал шаклда намоён бўлган, қонун ҳужжатларида белгиланган процессуал тартибга

¹ "NORMA" Ахборот ҳуқуқий тизими. <http://www.norma.uz>.

қатъий амал қилинган ҳолда олинган ва текширилган фактик ҳолатлардир.¹

Айрим муаллифлар, жумладан С.В.Курылев судга оид далилларни қонунда кўрсатилган усуллар ва манбалардан олинган ва объектив ҳақиқатни ўрнатишга ёрдам берувчи фактдир деб ёзади. М.Х.Хутызнинг фикрича, фактлар ҳақидаги маълумотлар исботлаш усулларидан алоҳида далил бўлиши мумкин эмас. Чунки агар қонунчилик далилларни факт сифатида назарда тутганида, қонунга далилларнинг дахлдорлиги тўғрисидаги нормани киритиш мумкин бўлмас эди.

ФПКнинг 58-моддасида берилган қоидага кўра, суд фақат иш учун аҳамиятли бўлган далилларнигина кўриш учун қабул қилади.

Ш.Ш.Шораҳметов фуқаролик процессида далилларнинг куйидаги белгиларини кўрсатади:

биринчидан, далиллар аввало – фактик маълумотлар, яъни ишни ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни ўз мазмунида акс эттирувчи маълумотлар бўлиши билан характерланади;

иккинчидан, далиллар – тарафларнинг талаблари ва эътирозларини асослайдиган ҳолатларни ҳамда ишга доир бошқа ҳолатларнинг мавжуд бўлиш-бўлмаслигини белгилайдиган фактик маълумотлар бўлади;

учинчидан, далиллар – процессуал қонун билан белгиланган тартибга риоя қилиниб, суд томонидан олинган фактик маълумотлар бўлади;

тўртинчидан, далиллар суд томонидан назарда тутилган исботлаш воситаларидан олинган маълумотлар бўлиб кўрилади. Қонунда назарда тутилмаган манбалардан олинган фактик маълумотлар, чунончи: аноним хатлар, миш-миш гаплар ва шу қабилар далил бўлиб ҳисобланмайди.²

Судга оид далиллар, биринчидан, фактик маълумотлар ҳисобланиб, ўз мазмунига, иккинчидан, процессуал шаклга, учинчидан, исботлаш воситаларини олиш ва текширишнинг маълум процессуал тартибига эга бўлади. Мазкур белгилар судга оид далилларнинг ҳақиқий табиатини очиб беради.

Далилнинг юқоридаги белгиларидан бирортасининг мавжуд бўлмаслиги далилнинг бир бутунлигини истисно қилади. Процессуал шаклга эга бўлмаган далил эса далил бўла олмайди.

13.4. Исботлашдан озод қилиш асослари

Исботлашдан озод қилинадиган ҳолатлар фуқаролик процессуал ҳуқуқида иккита асосга: ҳаммага маълум деб топилган ҳолатларга ва преюдициал (аввалдан аниқланган фактлар, лотинча «*praejudicium*» – дастлабки ҳал қилув

¹ Гражданский процесс // Учебник. Под ред. М.К.Треушников. –М.: Юриспруденция, 2001. –120 с.

² Шораҳметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик, –Тошкент, Адолат, 2001. –Б. 170-171.

қарори) асосларга бўлинади. ФПКнинг 60-моддасига кўра, суд ҳаммага маълум деб топган ҳолатлар исботлашга муҳтож эмас. Дарҳақиқат, ҳаммага маълум бўлган, шу жумладан судьяларга ҳам маълум бўлган шундай фактлар борки, уларнинг бўлган-бўлмаганлигини исботлаш мутлақо талаб қилинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Фуқаролик ишларини кўришда судлар томонидан далилларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарори 4-бандида шундай тушунтириш берилади: ҳаммага маълум бўлган факт деганда, тарафларга, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар ва судьяларнинг ўзига маълум бўлган маълумотларни тушуниш лозим. Бундай факт ҳаммага маълум бўлганлиги сабабли, уни исботлаш шарт эмас, бироқ тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларни тегишли фактларни исботлашдан озод этиш учун, суд уни ҳаммага маълум ҳолат деб эътироф этиши лозим. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, фактнинг ҳаммага маълумлиги тўғрисида асосланган ҳулоса ҳар қандай суд инстанцияси ташаббусига кўра суд жараёнининг ҳар қандай босқичида ёки ўз талаб ва эътирозларини исботлаш мақсадида ушбу фактга мурожаат қилган шахснинг илтимосига кўра амалга оширилиши мумкин.

Шундай қилиб, ҳаммага маълум фактлар исботлашга муҳтож эмаслиги боис, фактларни ҳаммага маълум фактлар деб топиш тўғрисидаги ваколат судларга тақдим этилган.

Таъкидлаш кераки, маълумотларнинг тарқалганлик кўламига кўра ҳаммага маълумлик даражаси турлича бўлади, яъни: мамлакат ҳудудидан ташқарига чиқиши, яъни дунё бўйича маълум фактлар. Дунё бўйича маълум бўлган фактларга мисол қилиб Чернобиль АЭСда юз берган авария ва унинг содир бўлган кунини (1986 йил 26 апрель) келтириш мумкин ва ҳ.к.; мамлакат ҳудудида маълум фактлар; маҳаллий тусга эга бўлиб, иш кўрилаётган муайян бир вилоят ёки туман ҳудудида маълум фактлар.

Тарқатилганлик даражасига кўра, ҳаммага маълум фактлар исботлашга муҳтож эмас, бироқ тарқатилганлик даражаси билан қуйидаги ҳуқуқий оқибатлар боғлиқ: мамлакат доирасида ҳаммага маълум бўлган фактни суд қатъий тартибда ўзининг қарори билан ҳал қилиши мумкин. Агар факт, масалан, битта туман доирасида маълум бўлса, бу факт далиллар билан тасдиқланмайди ва шу сабабли суд ўз қарорида бу ҳолат шу жойда яшовчи ҳамма аҳолига маълум бўлиши ва шу туфайли бу ҳолатнинг даъвогар ёки жавобгар томонидан далиллар билан исботланиши зарур бўлмаслигини кўрсатади.

Исботлашдан озод қилишнинг иккинчи асоси фактнинг преюдициаллиги (муқаддам ҳал этилганлиги) ҳисобланиб, унга кўра, бир фуқаролик иши бўйича қонуний кучга кирган суд қарори билан аниқланган фактлар, айнан шу шахслар иштирок этаётган бошқа фуқаролик иши кўрилишида қайта исботланмайди.

ФПКнинг 60-моддасига мувофиқ, жиноят иши бўйича қонуний кучга кирган суд ҳукми суд томонидан ҳукм этилган шахс ҳаракатларининг фуқаролик-ҳуқуқий оқибатлари тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётган суд учун фақат шу ҳаракатлар содир этилган ёки содир этилмаганлиги ва улар мазкур шахс томонидан содир этилган ёки этилмаганлиги масалалари юзасидангина мажбурийдир. Суд жиноят ишидан келиб чиқувчи даъвони кўришда жавобгарнинг айбдорлиги масаласини муҳокама қилишга ҳақли эмас, балки фақат фуқаровий низони ҳал қилиши мумкин. Суднинг ҳулосасида ҳукмнинг мавжудлигидан ташқари, тарафлар томонидан тақдим этилган ёки фуқаролик ишини кўриш жараёнида суд томонидан тўпланган далиллар кўрсатилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Фуқаролик ишларини кўришда судлар томонидан далилларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарори 4-бандида кўрсатилишича, маъмурий ҳуқуқбузарлик иши бўйича суднинг қонуний кучга кирган қарори ҳамда жиноят ишини реабилитация асосларисиз тугатиш ҳақидаги тергов органи ва суд ажримида қайд этилган ҳолатлар шу билан боғлиқ фуқаролик иши кўриб чиқилишида қайта исботлашни талаб қилмайди.

ФПКнинг 60-моддаси иккинчи қисмида аввал кўрилган фуқаролик иши бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан аниқланган фактлар ўша шахслар иштирок этаётган бошқа фуқаролик ишларини кўраётганда янгидан исбот қилинмаслиги ва бу фактлар суд учун мажбурий тусга эгаллиги белгиланган. ФПКнинг 217-моддаси иккинчи қисмида белгиланишича, ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин тарафлар ва ишда иштирок этган бошқа шахслар, шунингдек уларнинг ҳуқуқий ворислари судга ўша талаблар билан, ўша асослар бўйича янгидан арз қилишлари, шунингдек бошқа процессда суд аниқлаган фактлар ва ҳуқуқий муносабатлар ҳақида низолашишлари мумкин эмаслигига оид оқибатларни келтириб чиқаради.

Преюдициал фактлар билан амалиётда кўпроқ регресс даъволарни кўриб чиқишда тўқнаш келинади. Масалан, мулкни ин-

софсиз ёки инсофли эгалловчидан олиб берилиши тўғрисида даъво (виндикацион даъво) қўзғатилганида, суд низони ҳал қила туриб, ашёнинг муқаддам даъвогар томонидан ўғирлатилганлигини аниқласа, кейинчалик ашёни сотиб олувчининг сотувчига нисбатан регресс (қайтарма) даъво қилинишида мазкур факт исботланиши талаб қилинмайди, чунки бундай факт муқаддам биринчи ишнинг қўрилишида исботланган ҳисобланади. Шундай қилиб, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича судларнинг ҳукм ва қарорлари билан белгиланган фактлар преюдициал аҳамиятта эга ҳисобланади. Прокурор-тергов ва маъмурий органларнинг қарорлари исботлашдан озод қилиш асоси бўлиб хизмат қилмайди.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқ назариясида баъзан низосиз ва юридик фаразли (презюмпция) фактлар ҳам исботлашдан озод қиладиган асослар ҳисобланади. Исботлашдан озод қиладиган асосларнинг ушбу тури ҳуқуқ фанида белгиланган юридик фараз деб аталади. Юридик (ҳуқуқий) фараз деганда, ҳуқуқ нормаси билан белгиланган, муайян ҳуқуқий оқибатлар тўғридадиган ва тарафлардан бирини фараз қилинган фактик исботлашдан озод қиладиган асос тушунилади.¹ Презюмпция ишда иштирок этувчи тарафлардан бирини ишга оид маълум бир фактларни исботлашдан озод қилади. Масалан, Фуқаролик кодексининг 260-моддасига кўра, қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси неустойка ҳисобланади. Неустойка тўлаш ҳақидаги талаб бўйича кредитор ўзига етказилган зарарни исботлаш мажбуриятидан озод бўлади. Фараз қилинадиган фактларни исботлашдан тарафлардан бирининг озод этилиши туфайли суд фаолияти бирмунча ихчамлаштирилади ва шу билан ҳуқуқий фараз фуқаро ва ташилотларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни осонлаштиради.

13.5. Далилларнинг дахлдорлиги ва исботлаш воситаларига йўл қўйилиши

Фуқаролик процессуал қонун нормалари билан белгиланган исботлаш қоидаларига мувофиқ, суд муайян фуқаролик ишлари бўйича далиллар дахлдорлиги ва йўл қўйилган исботлаш воситаларидан келиб чиқиши лозим бўлади. Суд фақат иш учун аҳами-

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик, –Тошкент, Адолат, 2001. –Б. 175-176.

ятта эга бўлган далилларнигина кўришга қабул қилади (ФПКнинг 58-моддаси).

Далилларнинг дахлдорлик қондаси судга ишга дахлдор бўлган барча фактлар ва ҳолатларни аниқлаш ва текшириш мажбуриятини юклайди. Далиллар дахлдорлиги суд томонидан кўрилатган ишдаги мавжуд материалларни таҳлил қилиш асосида судьянинг ишончига кўра аниқланади.

Далилларнинг дахлдорлиги ҳақидаги масалани ҳал қилиш жараёнида қуйидагилар муҳим ҳисобланади:

1) тақдим этилган далиллар иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни исботлашга қаратилганлигини;

2) тақдим этилган далиллар ишга дахлдор бўлган ҳолатларни тасдиқлаши ёки рад этишини аниқлаш керак.

Шу ўринда қуйидаги мисолни келтирамиз. С. судга даъво билан мурожаат, қилиб, К., Д. ва М.лар нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига асосан ўзига тегишли бўлган уйни бўшатмаётганликларини кўрсатиб, уларни оила аъзолари билан уйдан кўчиришни сўраган.

Суд С. нинг даъво талабини қаноатлантириб, К., Л. ва М.ларни оила аъзолари билан низоли уйдан бошқа турар жой бермасдан кўчириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарган. К., Л., М.ларнинг низоли уйнинг олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги қарши даъво талабларини рад қилган. Аниқланишича, суд ишда иштирок этиши мумкин бўлган шахслар таркиби масаласини ҳал қилмаган, қарши даъво аризаси бўйича олди-сотди шартномасини тасдиқлаган нотариус А. ни жавобгар сифатида ишга жалб қилмаган, унга ФПКнинг 40-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирмаган, даъво аризалари билан таништирмаган. Шунингдек, суд тарафларнинг ҳуқуқий муносабатларини етарли даражада аниқламаган, олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги қарши даъво бўйича мулкдор бўлмаган М. ни даъвогар сифатида иштироки, Фуқаролик кодексининг 140-моддаси тартибида ишончнома билан К. номидан ҳаракат қилган Г.нинг жавобгар сифатида ишда иштироки қонун нормаларига қай даражада мослигини муҳокама қилмаган, ФПКнинг 42-моддаси тартибида ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш масаласини ҳал қилмаган.

Суд К. нинг қарши даъвосининг асосини аниқлаштирмаган, чунончи олди-сотди шартномаси бўйича пул суммасини олиш шартлари бузилганлиги ҳақидаги даъво талаби С.га қаратилганми ёки ўзининг вакили Г.га нисбатан қўйилганлик ҳолатини текширмаган. Агар бу даъво талаби Г.га нисбатан бўлса, бу алоҳида даъво тартибида кўрилишини эътиборга олмаган.¹

Далилларнинг дахлдорлиги нуқтаи назаридан, фотосуратлар ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаб ва эътирозларини

¹ 4| -04-2002-сонли қарор

асословчи ҳолатларни тасвирлагандагина далил бўлиши мумкин. Гувоҳларнинг кўрсатувлари, шунингдек ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим қилинаётган ёзма ва ашёвий далиллар иш учун аҳамиятга эга бўлишини назарда тутиб, суд барча ҳолатларда уларга ушбу далиллар ва гувоҳлар кўрсатмаси айнан қайси ҳолатларни тасдиқлаши мумкинлигини кўрсатишни тақлиф қилиши лозим.

Иш учун аҳамиятга эга бўлмаган далилларни қабул қилишга, шунингдек келиб чиққан низо бўйича исботлаш воситалари бўла олмайдиган маълумотлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Ҳар бир далилнинг ишга тегишлилиги суд томонидан белгиланади. Суд ўзи иш ҳолати тўғрисидаги маълумотни қайси далил исботлаш воситаси ҳисобланиши, қайси далил исботлаш воситаси ҳисобланмаслигини ҳал қилади. Исботлаш воситаларига йўл қўйилиши қондаси ишга тегишли бўлмаган материални процессдан четлатишга имкон беради. Йўл қўйиш қондаси процессни далилнинг керакли турлари билан таъминлашга имкон беради.

Исботлаш воситаларига йўл қўйилиши тўғрисида ФПКнинг 59-моддасида кўрсатма берилади. Бунда қонун бўйича муайян исботлаш воситалари билан боғлиқ бўлган ҳолатларни ҳеч қандай исботлаш воситалар билан тасдиқлаш мумкин эмаслиги тушунилади.

Масалан, уй-жойнинг олинган-сотилган бўлиши Фуқаролик кодексининг 112 ва 488-моддаларига мувофиқ, нотариал тартибда гувоҳлантирилган ва тегишли давлат рўйхатидан ўтказилган шартнома билангина тасдиқланиши мумкин. Энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ суммага тузилдиган қарз шартномаси оддий ёзма формада тузилиши лозим. Ахс ҳолда шартномани тузилганлигини (арз берилганлигини) ёки шартноманинг ижро этилганлигини (қарзнинг тўланганлигини) гувоҳларнинг кўрсатмалари билан исботлаб бўлмайди. Аммо жиноий жазага тортиладиган хатти-ҳаракатлар рўй берганда, чунончи, қарз олган шахс бировларнинг ишончидан фойдаланиб, бир неча фуқаронинг ҳақиға жиҳнат қилса (олган қарзини тан олмаса), яъни фирибгарлик қилса, умумий қондадан (ФКнинг 733-моддасидан) мустасно тариқасида даъво гувоҳларнинг кўрсатмалари билан исботланиши мумкин (ФКнинг 737-моддаси).

Юридик адабиётларда таъкидланишича, агар битим белгиланган нотариал шаклга риоя этиб тузилса, бироқ ҳамма шартноманинг нусхалари йўқотилган бўлса ёки бу шартномани расмийлаштирган нотариусни сўроқ қилиб тарафлар ўртасида шартноманинг тасдиқлаганини эслаш учун далил сифатида битим тўғрисида нотариуснинг реестридаги ёзувини ишлатиш мумкин эмас.

Агар битимнинг ёзма нотариал шакли бузилган бўлса, унда салбий оқибатлар вужудга келади ва у ёки бу далил туридан фойдаланиш мумкин бўлмайди. Бундай битим қонунга кўра судда исботланса ҳам ҳақиқий эмас.¹

13.6. Тарафлар ўртасида исботлаш бурчини тақсимлаш

Исботлаш мажбуриятининг тақсимланиши тўғрисидаги ФПКнинг 57-моддасига биноан, ҳар бир тараф ўзининг талаб ва эътирозларини асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт.

Таъкидлаш керакки, қонун нормасида белгиланган умумий қоида, яъни ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шартлиги фақат фуқаролик процессидагина мавжуд бўлмай, балки процессуал ҳуқуқнинг бошқа соҳаларига ҳам тааллуқли бўлади. Маълумки, исботлаш мажбуриятининг тақсимланишига доир умумий қоидалар процессуал қонунларда, махсус қоидалар эса моддий ҳуқуқ нормалари асосида белгиланади. Тарафларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нуктаи назаридан моддий ҳуқуқ нормалари умумий қоидадан фарқли равишда ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаш мажбуриятини унинг мавжудлигини таъкидлаётган шахсга эмас, балки қарама-қарши томон зиммасига юклайди. Таъкидлаш жоизки, махсус нормалар умумий нормаларга қараганда устуворлик касб этади. Шундай экан, процессуал қонунда белгиланган умумий қоида, агар исботлаш мажбуриятининг юклатилишига доир моддий ҳуқуқ нормасида махсус қоида белгиланмаган бўлсагина, амал қилиши юзасидан юридик адабиётларда билдирилган фикр-мулоҳазаларга кўшилиш мумкин.² Шундай қилиб, исботлаш жараёнида судлар бирмунча мураккаб масалани, яъни исботлаш мажбурияти қайси тарафнинг зиммасига юклатилишини тўғри ҳал қилишлари талаб этилади.

Узоқ вақт мобайнида процессуал ҳуқуқ назариясида "исботлаш мажбурияти" эмас, балки "исботлаш юки" тушунчасининг қўлланиши тўғри бўлиши таъкидлаб келинган. Мазкур нуктаи назарни илгари сурган олимларнинг фикрича, қонунчиликда исботлаш мажбуриятини бажармаслик учун ҳеч қандай санкция назар-

¹ Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. –173 с.

² Трезубников М.К. Судебные доказательства. –М.: Городец, 2004. - 62 с.

да тutilмайди. Зеро, юридик мажбуриятнинг муҳим белгиларидан бири санкция (чора)нинг белгиланиши ҳисобланиб, ушбу ҳолатда тарафларни ўзлари манфаатдор бўлган иш юзасидан исботлашга мажбур қилишни санкция (чора) деб эътироф этиб бўлмайди. Бу ўзлари учун мақбул бўлган ҳал қилув қарори чиқарилишига эришиш манфаати ҳисобланади.¹

Шу ўринда исботлаш мажбуриятининг тушунчаси ва унинг қўлланиши борасида юридик адабиётларда турли нуқтаи назарлар илгари сурилади. Хусусан, Ш.Ш.Шорахметовнинг фикрича, исботлаш мажбурияти деганда, ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган маълумотларни бериш тушунилиб, ушбу мажбурият ишда иштирок этувчи тарафлар зиммасига юклатилади.² Шунингдек, қўлаб олимлар фуқаролик процессида исботлаш юридик мажбурият эканлигини таъкидлаб келганлар.³ Лекин сўнги вақтларда олимлар томонидан олиб борилаётган тадқиқот ишларида исботлаш мажбурияти махсус процессуал санкциялар орқали, хусусан манфаатдор шахсга мақбул бўлмайдиган ҳал қилув қарори чиқарилиши, асоссиз суд ҳал қилув қарорининг бекор қилиниши ва тарафлар учун наф келтирмайдиган бошқа процессуал оқибатларнинг юзага келиши орқали таъминланиши таъкидланади.⁴ З.Н.Эсанова ҳам ўз асарларида исботлаш мажбурияти тушунчаси ўрнига "исботлаш бурчи" тушунчасини қўллаб, исботлаш бурчи тарафлар ўртасида тенг тақсимланишини, ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлашини таъкидлайди.⁵

Шу ўринда исботлаш мажбуриятини бурч деб талқин қилган З.Н.Эсанованинг фикрига қўшилган ҳолда шуни таъкидлаш керак-ки, қонун ҳужжатларида тарафларга нисбатан ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботламаганлиги учун бирон-бир чора назарда тutilмаган. Тарафларнинг ўз зиммасидаги исботлаш бурчини бажармаганлиги ўзлари учун мақбул бўлмаган оқибатларнинг юзага келиши билан тугалланади. Шун-

¹ Гурвич М.А. Лекции по советскому гражданскому процессу. —М., 1950. -106 б.; Гражданский процесс / Под ред. С.Н.Абрамова. —М., 1948 —197 с.; Курылев С.В. Основы теории доказывания в советском правосудии. —Минск, 1969. —С. 97-115.

² Шорахметов Ш.Ш. Узбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи / Дарслик. —Тошкент: Адолат, 2001. -173 б.

³ Гурвич М.А. Является ли доказывание в гражданском процессе юридической обязанностью? // Сов.юстиция. 1975. №5. -17 с.; Бутнев В.В. Характер обязанности по доказыванию в гражданском судопроизводстве и арбитражном процессе // Теория и практика установления истины в правоприменительной деятельности. —Иркутск, 1985. —С. 57-62.

⁴ Решетникова И.В. Курс доказательственного права в российском гражданском судопроизводстве. —М., 2000. -155 с.

⁵ Эсанова З.Н. Отагики белгилаш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Монография / Масъул муҳаррир проф. Ш.Ш.Шорахметов. —Тошкент: ТДЮИ. 2005. -78 б.

дай экан, фикримизча, ФПКнинг 57-моддасида тарафларнинг исботлаш мажбуриятини назарда тутувчи нормага ўзгартиш ва қўшимча киритиш талаб этилади.¹ Бу борада ўрганилган МДХга аъзо давлатлар, хусусан Беларусь Республикаси ГПКнинг 179-моддасида тарафлар ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлашлари баён этилса-да, лекин исботлашнинг мажбурий эканлигини белгиловчи норма мавжуд эмас.²

Тарафлар ўртасида исботлаш мажбурияти тақсимланишининг махсус қоидалари ичида нисбатан кенг тарқалган тури далиллар презумпцияси, яъни муайян фактнинг мавжуд бўлиши ёки бўлмаслигини унинг акси исботланмагунга қадар тахмин қилишдир. Мазкур қоида меҳнатга оид низоли ишларда кўп учрайди. Масалан, ходимга меҳнатда майиб бўлганлиги натижасида зарар етказилса, ходим зарар учун жавобгар бўладиган шахс ҳаракатида айб бўлиш-бўлмаслигини исботлашдан озод этилади. Ушбу ҳолатда зарар етказилишида айби йўқлигини иккинчи тараф (иш берувчи) исботлаб бериши керак. То иш берувчи буни исботламагунча – у зарар етказишда айбли деб фараз қилинади. Масалан, МКнинг 189-моддаси учинчи қисмига кўра, меҳнатда майиб бўлиш оқибатида ёки ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли ходимга етказилган зарарни иш берувчи, башарти зарар унинг айби билан келиб чиқмаганлигини исботлаб беролмаса, тўлаши шартлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, ўз меҳнат вазифаларини бажараётган вақтида юқори хавф манбаи натижасида ходимнинг соғлиғига етказилган зарарни иш берувчи, башарти зарар уни бартараф қилиш мумкин бўлмаган кучлар туфайли ёки жабрланувчи қасддан қилганлиги оқибатида келиб чиққанлигини исботлаб беролмаса, тўлаши шарт.

Юридик адабиётларда ҳам етказилган зарарни ундириш ҳақидаги ишларда исботлаш мажбуриятининг тарафлар ўртасида тақсимланишида ўзига хос хусусиятлар мавжудлиги таъкидланади. Масалан, М.К.Треушниковнинг фикрича, етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги ишларда даъвогар жавобгарнинг айби

¹ *Батафсил қаранг:* Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид етказилган моддий ва маънавий зарарни судда ундиришнинг назарий ва амалий муаммолари / Монография. Масьул муҳаррир ю.ф.д., проф. Ш.Ш.Шорахметов. –Тошкент, АҚҲМИ, 2008, - Б. 156-157.

² Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь от 11 января 1999 года, Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь, 1999 г., № 18-19, 2/13.

мавжудлигини таъкидласа-да, лекин исботлашнинг умумий қоидаларидан фарқли равишда уни исботлашга мажбур эмас.¹

13.7. Далилларнинг таснифи

Далиллар ҳақида чуқур билимга эга бўлиш мақсадида улар таснифланади (классификацияланади).

Далиллар турли белгиларига қараб таснифланади, шунинг учун процессуал ҳуқуқ назариясида далиллар таснифининг бир нечта турлари мавжуд. Шу ўринда таъкидлаш керакки, далиллар таснифи фақат назарий эмас, балки муҳим амалий аҳамиятга ҳам эга ҳисобланади. Айнан далилларни таснифлаш айрим далиллар гуруҳларининг хусусиятларини аниқлашга ва ушбу хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда амалиётда фойдаланишнинг энг яхши усулларини белгилашга замин яратади.

Ш.Ш.Шорахметов ўз дарслигида судга оид далиллар таснифи (классификация) қилиниши юзасидан вужудга келиш манбаларига шаклига, тузилиши (пайдо бўлиши) далил билан аниқланиши лозим бўлган фактнинг узвий боғланишига қараб туркумларга бўлинишини таъкидлайди.²

Фуқаролик процессуал ҳуқуқ назариясида далилларнинг иккита умум эътироф этилган таснифи мавжуд:

биринчидан, дастлабки ва ҳосила;
иккинчидан, тўғри ва эгри.³

Далилни дастлабки ва ҳосила турларига бўлиш шу ва бошқа далилларнинг шаклланиш жараёнига асосланган. Дастлабки далил бевосита биринчи манбадан олинган далил бўлади. Дастлабки далил ўз кўзи билан кўрган гувоҳнинг кўрсатмаси бўлади, бошқа шахсдан фактлар тўғрисида билиб олган гувоҳнинг кўрсатмаси ҳосила далил бўлади. Хужжатнинг асл нусхаси (масалан, никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома) – дастлабки далил; ундан олинган нусха – ҳосила. Ҳодиса жойида қолган излар ёки қандайдир предметда қолган излар – дастлабки далил; излардан олинган нусха, қайта ишланган бармоқ излари пленкалари – ҳосила далил ҳисобланади.

¹ Треушников М.К. Судебные доказательства. –М.: Городец, 2004. –65 с.

² Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи / Дарслик. –Тошкент: Адолат. 2001. –178 б.

³ Власов А.А. Гражданское процессуальное право. Верховный суд Российской Федерации, Высший Арбитражный Суд Российской Федерации, Российская Академия правосудия. Учебник. –М.: 2003. –93 с.; Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шахарян. –М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. –192 с.

Ҳосила далиллар дастлабки далилнинг мазмунини акс эттиради, улар кўпинча, дастлабки далилга кўра чалкашроқ, янглишроқ бўлади. Шунинг учун суд бевоситалик принципига мувофиқ, дастлабки манба бўйича иш ҳолатини текшириши керак, ҳосила далилларни эса дастлабки манбани топиш учун қўллаш керак. Ш.Ш.Шорахметов ҳам ҳосила далилларни текшириш ва баҳолаш кўпроқ диққат ва эҳтиёткорлик кўрсатилиши, хусусан дастлабки далилнинг қанчалик тўғри акс эттирилишини аниқлаш лозим бўлиши ҳақида таъкидлаган.¹

Далилнинг тўғри ва эгрига бўлиниши далилнинг номаълум факт тўғрисида битта маълум хулосани бериш имкониятига – унинг борлиги ёки йўқлиги – ёки тасодифий хулосанинг бир нечталигига асосланган. Ҳаттоки алоҳида олинган, тўғри далил деб, номаълум факт бўйича битта маълум хулосани олишга имкон берадиган фактга айтилади. Алоҳида олинган эгри далил номаълум фактга нисбатан бир нечта фикрлар, тахмин қилинган хулосаларга асос бўлади. Шунинг учун битта эгри далил номаълум факт бўйича хулоса чиқариш учун етарли эмас. Агар эгри далил алоҳида эмас, бошқа иш бўйича бошқа далиллар билан олинса, унда уларни таққослаб туриб, асосланмаган фикрларни чиқариб юбориш керак ва битта хулосага келиш керак.

Масалан, жавобгар даъвогардан қарзга пул сўраётган хатнинг судга тақдим этилиши, тарафлар ўртасидаги қарз шартномасининг келишуви эгри ҳисобланади. У албатта, жавобгар сўраган пулни даъвогар берган тахминни беради, бироқ бошқа тахмин ҳам бундан мустасно эмас – яъни, ушбу хатта рад жавоби бериш. Агар жавобгар олган пулни белгиланган муддат ичида топшира олмаслигини ва даъвогарни келиб туришини сўраса, энди бу эгри ҳисобланмайди, балки қарз шартномаси бўйича тўғри далил бўлади, чунки бошқа ҳеч қандай фикрлар (тахминлар) учун асос қолмайди. Эгри далиллар фуқаролик иши бўйича тўғри далиллар йўқ бўлганда ишлатилади. Айниқса, тўғри далиллар ёлгон маълумотларга эга бўлган категориядаги ишларда кўпинча эгри далилларга мурожаат қилишга тўғри келади. Мулкни ҳисобга олишдан озод қилиш тўғрисидаги ишларда мулкнинг ҳақиқатан тегишли эканлигини аниқлаш учун кўпинча эгри далилларга мурожаат қилишга тўғри келади.

¹ Шорахметов Ш.Ш. Қайд этилган асар. -178 б.

Эгри далиллардан фойдаланиш тўғри далилларга қараганда қийинроқ. Тўғри далилга нисбатан суднинг асосий вазифаси уларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш; агар ҳақиқийлиги аниқланса, унда тўғри далилдан кейинчалик фойдаланиш қийинчилик тўтдирмайди, чунки номаълум фактлар тўғридан тўғри тасдиқланади ва рад этилади. Эгри далилнинг ҳақиқийлигини текшириб бўлгандан кейин, барча фикрларни, тахмин қилинган барча таклифларни текшириш вазифаси пайдо бўлади. Бунинг учун вазиятнинг ҳолатини тикловчи барча фактларни бир тизимга солиш учун ёки эгри далилнинг чигал завожирини ечиш учун эгри далилли иш бўйича барча далилларнинг мажмуаси ва ҳолатларини текшириш керак. Бу суддан барча иш материалларини синчиклаб текширишни талаб қилади.

Адабиётларда далилнинг манбасига қараб таснифлаш ҳам мавжуд. Одатда, олинган манбаси бўйича далиллар икки турга бўлинади – шахсий ва ашёвий. Шахсий далилларга тарафлар ва учинчи шахсларнинг тилхати, гувоҳларнинг кўрсатмаси, экспертларнинг хулосаси; ашёвий далилларга: турли шаклдаги буюмлар киради. Ёзма далилга келсак, айрим муаллифлар уларни шахсий далилга киритади, чунки улар инсон томонидан тузилади. Бошқалар эса, ҳужжатлар кенг маънода буюмлар, моддий дунёнинг объекти ҳисобланар экан, демак, уларни ашёвий далилларга Киритиш мумкин. Баъзан олинган манбасига қараб, далилни 2 турга эмас, балки 3 турга бўлиш ҳам учрайди (кенг ёйилган) – шахсий, ёзма ва ашёвий. Бундай таснифлашнинг бошқача усули – шахсий, ашёвий (буюм ва ҳужжатлар) ва аралаш (эксперт хулосаси) турларга бўлишдир. Аралаш далилни ажратишнинг асоси шундаки, улар ўз мустақил табиатига эга ва суд томонидан иккита далил манбасидан (шахсий ва ашёвий) ажратилади Маълумот олиш манбаси бўлиб, бир тарафдан уни текшираётган эксперт, бошқа тарафдан эса буюмлар ҳисобланади.¹

13.8. Исботлаш воситалари ва уларнинг турлари

Судда низоли фуқаролик даъвоси кўзғатилганида, аввало тарафлардан исбот келтириш, яъни даъво талабининг асосли бўлиши ёинки унинг асоссизлигини исботлаш талаб қилинади. Фуқаролик процессида исботлаш воситалари далиллар бўлиб ҳи-

¹ Қаранг: Курылов С.В. Қайд этилган асар. –Б. 177-180.

собланади.¹ Иsobтлаш воситаларига Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорида қуйидагича тушунтириш берилади: исботлаш воситалари деганда, фуқаролик процессуал қонун нормаларида кўзда тутилган ишни ҳал қилиш учун аҳамиятта эга бўлган ҳолатлар ҳақидаги маълумотлар тушунилади.²



ФПКнинг 56-моддаси исботлаш воситаларининг қуйидаги бешта тури мавжудлигини кўрсатади:

биринчидан, тарафлар ва учинчи шахслар ҳамда уларнинг қонуний вакилларининг тушунтиришлари;

иккинчидан, гувоҳларнинг кўрсатувлари;

учинчидан, ёзма далиллар;

тўртинчидан, ашёвий далиллар;

бешинчидан, экспертларнинг хулосалари.

Иш бўйича ҳал қилув қарорини чиқаришда суд томонидан текширилмаган маълумотларга таяниш мумкин эмас, балки фақат қонунда белгиланган манбалардан исботлаш воситаси сифатида фойдаланилиши лозим.

Тарафлар ва учинчи шахслар ҳамда уларнинг қонуний вакилларининг тушунтиришлари. Тарафлар ва учинчи шахслар ҳамда уларнинг қонуний вакилларининг тушунтиришлари қонун томонидан йўл қўйилган далил турларидан бири ҳисобланади (ФПКнинг 56-моддаси биринчи қисми).

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент, Адолат. –168 б.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 2 октябрдаги “Фуқаролик ишларини кўришда судлар томонидан далилларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” ги қарори 19-банди.

Тарафлар ва учинчи шахсларнинг тушунтиришлари деганда, Фуқаролик процессуал кодекси мазмунидан келиб чиққан ҳолда, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни судга хабар қилиши назарда тутилади.

Исботлаш предметларининг фактлари ва фуқаролик ишини тўғри ҳал қилишда аҳамиятли бўлган бошқа фактлар даъвогар, жавобгар, шунингдек даъво предметиға нисбатан мустақил талаб билан арз қилувчи ёки арз қилмайдиган учинчи шахсларнинг ва уларнинг қонуний вакиллари берган тушунтиришлар асосида аниқланиши мумкин.

Қонун иш ҳолатларини аниқлашда ёрдам берадиган исботлаш воситалари ичида тарафлар ва учинчи шахсларнинг тушунтиришлари биринчи навбатта қўяди. Улар бошқа далиллар билан уйғунликда текширилиши, ўрганилиши ва баҳоланиши зарур. Тушунтиришлар оғзаки ёки ёзма тарзда берилиши мумкин. Тарафларнинг иш бўйича тушунтириш бериш ҳуқуқи қонун бўйича кафолатланади ва ҳимояланади. Масалан, агар иш ишда қатнашувчи шахслардан бирортаси суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинмаслиги натижасида келмаган ҳолда чиқарилган суд қарори апелляция, кассация ёки назорат тартибида бекор қилинишига асос бўлади (ФПКнинг 314-моддаси). Тарафлар ва учинчи шахслар тушунтиришларининг далилий аҳамиятини таҳлил қилганда шуни ҳисобга олиш керакки, улар тушунтиришларини изоҳловчи қоидалар алоҳида тартибга кўриладиган ишларга ва давлат органлари, бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича келиб чиқадиган ишлар бўйича аризачиларни ва шикоятчиларнинг тушунтиришларига ҳам тегишлидир. Даъвогар, жавобгар, шунингдек ишда иштирок этувчи учинчи шахсларнинг ва уларнинг қонуний вакиллари берган тушунтиришлар шахсий далилларнинг кўринишларидан бири ҳисобланади. Амалдаги фуқаролик процессуал қонунчилик бўйича тарафлар ва учинчи шахсларнинг тушунтиришлари исботлашнинг мустақил воситаси сифатида тан олинади. Бунда тарафларнинг тушунтиришлари бўйича фактларни тан олиш, уларни инкор қилиш ёки иш бўйича муҳим аҳамиятга эга бошқа фактлар ҳақидаги маълумотларнинг бўлиши аҳамиятли эмас.

Судья иш бўйича маъруза қилганидан сўнг тарафлар ва учин-

чи шахсларнинг тушунтиришларини эшитади. Улардан сўнг эса суднинг ҳақиқатни аниқлаш борасидаги фаолияти бошланади. Одатда, ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлиши, ўзгариши ва бекор бўлиши кўпроқ тарафларнинг ўз ҳаракатлари билан содир этиладиган воқеалар билан боғлиқдир. Тарафлар янглишишлари ва фактларга ўзларича йўналиш беришлари мумкин. Ҳар қандай шароитда улар факт ҳақидаги далилий маълумотнома ташувчилари ҳисобланади, чунки ҳуқуқий муносабатлар уларнинг ҳаракатсизлиги натижасида шунингдек, уларнинг ўзларига маълум фактлар билан боғлиқ ҳолда вужудга келади, ўзгаради ва бекор бўлади. Бошқа шахсларнинг манфаатлари йўлида даъво қўзғатиб, даъвогарнинг процессуал ҳолатини прокурор, давлат бошқарув органлари ҳам эгаллашлари мумкин. Бу ерда далилларнинг манбаи бўлиб, ушбу органлар чиқмайдилар, чунки улар бахсли моддий-ҳуқуқий муносабатларининг субектлари эмас, фактларни бевосита ўзлари қабул қилмайдилар, шунинг учун улар далилларни ташувчилар бўлиб ҳисобланмайди. Тарафлар, учинчи шахслар ўз тушунтиришларида илтимосномалар киритиш, ўз талабларини баён қилиш, уларни кўпайтириш ёки камайитириш, келишув битимлари тузиш тўғрисида таклифлар билан чиқиш, суд жараёнида пайдо бўлган барча мулоҳазалар бўйича ўз фикрларини билдириш, шунингдек далилий фактлар ҳақида маълумотлар бериш каби процессуал ҳуқуқлардан фойдаланишлари мумкин. Шу ўринда айтиш жоизки, исботлаш воситаси бўлиб, тарафларнинг фактлар ҳақидаги маълумотларигина ҳисобланади. Лекин тарафларнинг хоҳишлари, туйғулари ва кайфиятлари судга оид далиллар бўлиб ҳисобланмаслиги керак. Бошқача қилиб айтганда, тарафларнинг турли мазмундаги илтимосномаси, турли масалалар бўйича уларнинг фикри ва қарашлари далил бўлиб ҳисобланмайди. Тарафлар ва учинчи шахсларнинг тушунтиришлари ҳаққоний далилий маълумотлар олиш, қонун томонидан белгиланган исботлаш воситаларини олиш ва ўрганиш тартиби билан амалга оширилади. Тарафлар ва учинчи шахслар тушунтиришлари умумий қондага кўра, ишни мазмунан кўриб чиқаётган суд олдида берилади. Тарафлар бошқалардан кўра ишнинг ҳолати билан яхши танишиш ва улар ҳақида маълумот бериши мумкин. Бироқ ҳал қилув қарори улар фойдасига чиқарилишидан манфаатдордирлар ва шу сабабли ўзларининг фактлар тўғрисидаги маълумотларини бузиб кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Бу-

ларнинг ҳаммаси тарафларнинг тушунтиришларида ҳисобга олиниши керак. Тарафлар ва учинчи шахсларнинг ҳамда улар қонуний вакилларининг ўзларига маълум ва иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар тўғрисидаги тушунтиришлари иш юзасидан тўпланган бошқа далиллар қатори текширилиши ва баҳоланиши лозим (ФПКнинг 68-моддаси).

Тарафларнинг тушунтиришлари ёзма ва оғзаки бўлиши мумкин. Даъвогарнинг ишнинг ҳолати тўғрисидаги даъвоси даъво аризасида акс этади. Қонунга кўра даъвогар ўзининг талабларини асослаб бериши ва даъво аризасида асосланган ҳолатни кўрсатиб бериши керак. Бу фактлар тўғрисидаги биринчи маълумот. Агар жавобгар ёзма эътирозни даъвога қарши берса, унда ҳам маълум фактларга кўра тушунтиришлар берилиши керак. Суд мажлисида тарафларнинг тушунтириши оғзаки берилади. Суд уларни маърузадан кейин дарҳол эшитади. Агар ёзма тушунтиришлар бўлса, суд уларни ўқиб эшиттиради.

Гувоҳларнинг кўрсатувлари. Ишга доир бирор ҳолатдан хабардор бўлган ҳар қандай шахс гувоҳ бўла олади.

Фуқаролик процессида гувоҳ сифатида иштирок этиш учун қонун бир қатор талабларни илгари суради: гувоҳ бўладиган фуқаро рўй берган ҳодисаларни ўзлаштиришга, ёдда сақлашга ва сўнгра улар тўғрисида маълумотлар беришга қобилиятли бўлиши керак. Бирон-бир фактни, иш ҳолатини тўғри қабул қилиш, ёдда сақлаш ва бу тўғрида судда тўғри маълумотлар бериш учун гувоҳнинг сезги органлари нормал бўлиши керак. Аммо бу органлардан бирида нуқсон бўлиши, ҳодисани ўзлаштиришга яроқсиз бўлиши, унинг бошқа сезги органлари билан қабул қилинган фактлар тўғрисида маълумот беришга тўсқинлик қилмайди. Масалан, кўзи ожиз фуқаро кулоғи билан эшитганлари тўғрисида гувоҳлик бериши мумкин.

Фуқаролик процессуал кодексида гувоҳ сифатида чақирилиши ва сўроқ қилиниши мумкин бўлмаган шахслар рўйхати кўрсатилган. Улар жумласига қуйидагилар киради:

1) *вакил ёки ҳимоячи вазифаларини бажаришлари муносабати билан ўзларига маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида – фуқаролик ишлари бўйича вакиллар ёки жинойят ишлари бўйича ҳимоячилар;*

2) *jisмоний ёки руҳий нуқсонлари сабабли фактларни тўғри идрок қилишга ёки улар ҳақида тўғри кўрсатув беришга лаёқатсиз шахслар (ФПКнинг 69-моддаси).*

Фуқаронинг ишда иштирок этувчи шахсларга нисбатан қариндошлик муносабатларида бўлганлиги, хизмат юзасидан ёхуд бошқача тарзда қарам бўлганлиги ёки шахсий адовати бўлганлиги уни ишда гувоҳ сифатида иштирок этишига тўсқинлик қилмайди. Бироқ суд далилларни текшириш ва баҳолашда гувоҳнинг ишда иштирок этувчи шахсларга нисбатан муносабатини эътиборга олиши шарт. Гувоҳ чақириш ҳақида илтимоснома тақдим этувчи шахс гувоҳнинг иш учун аҳамиятли бўлган қандай ҳолатларни тасдиқлай олишини кўрсатиши, исми, отасининг исми ва фамилиясини ҳамда яшаш ёки ишлаш жойини судга маълум қилиши шарт. Суд гувоҳни сўроқлаш вақтида била туриб ёлғон кўрсатув берганлик, суд узрсиз деб тоған сабабларга кўра кўрсатув беришни рад этганлик ёки ундан бўйин товлаганлик учун гувоҳ ЖКнинг 238 ва 240-моддалари бўйича жавобгар бўлишини тушунтириши лозим. Шу билан бирга, судлар шуни назарда тутишлари лозимки, гувоҳ ўзига яқин қариндошларига қарши гувоҳлик кўрсатмаси беришдан бош тортишга ҳақли.

Ёзма далиллар сифатида иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар баён этилган ҳужжатлар, хизматга дахлдор ва шахсий ёзишмалар яъни, расмий ёки шахсий аҳамиятга эга бўлган хатлар эътироф этилади. Ёзма далилларнинг мазмуни сифатида, иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ёзма далилларнинг келтирилган белгиларига тарафларнинг ёзма тушунтиришлари ва экспертларнинг хулосалари ҳам киради, чунки улар маълум белгилар ёрдамида фикрни ифодалайди ва предметда (қоғозда) бажарилади. Бинобарин, исботланиш воситасининг манбаини кўрсатмай туриб, ёзма далилларни тўлиқ аниқлаб бўлмайди. Ёзма далиллар – ёзма белгилар ёрдамида судни қизиқтирувчи, маълумотларни тасдиқловчи ёки рад этувчи, моддий дунё предмети ҳисобланади. Аммо ушбу маълумотлар тарафларнинг биридан эмас балки, учинчи шахслар, экспертлар томонидан берилиши керак. Ёзма далилларнинг ашёвий асосини унинг объекти ва предметлари (қоғоз, дарахт, металл) ташкил этади. Улар ёзилган белгиларни ўзида сақлаб қолиши лозим. Ёзма далиллар ёзилиши кейинчалик сақланиши ва ўқилиши шартли билан амалга оширилади. Ёзувлар кимёвий моддалар билан ёзилиши мумкин.

Ўз навбатида, ёзма далиллар қуйидаги турларга бўлинади:

- 1) далолатномалар; 2) ҳужжатлар; 3) расмий хатлар;

4) шахсий маънодаги хатлар.

Ҳужжат шундай ёзма далилдирки, у маълум ҳуқуққа эга бўлган ваколатли орган томонидан берилиб, ўзида барча хусусиятларни акс эттиради (муддати, мансабдор шахс имзоси ва бошқалар). Ҳар бир ҳужжат (кино, фотоҳужжат, машинада ёзилган ҳужжат) ёзма далил бўла олмайди. Фуқаролик процессуал қонунчилигида ёзма далиллар қуйидаги 3 тоифа ёрдамида пайдо бўлади: 1) субъектнинг объектив ҳақиқатни қабул қилиши; 2) маълумотлар ўз хотирасида сақланиши; 3) маълумотларни предметларда шартли белгилар билан мустаҳкамлаш (ҳарф, сон, нома).

Юқоридаги уч тоифа масалан, тижорат далолатномаси тузишда қўлланилиши мумкин. Ёзма далилларнинг ҳақиқатга яқинлиги, субъектларнинг адолатли қарор чиқарилишини хоҳлаш ёки хоҳламасликларига ҳам боғлиқ бўлади. Айнан ҳужжатлар тузилишига қараб, ёзма далилларни бошқа далил турларидан (тарафларнинг ёзма тушунтиришлари, учинчи шахсларнинг баёнотларидан) фарқлаш лозим. Учинчи шахслар, экспертлар томонидан берилган далиллар ёзма шаклда судга маълум процессуал тартибда берилади, масалан мураккаб ишлар бўйича судья ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида жавобгарга ёзма тушунтиришлар беришни таклиф этади. Ёзма тушунтиришлар тарафлар, учинчи шахслар томонидан маълум мақсад учун судга, кейинчалик эса процесснинг бошқа иштирокчиларига ҳам берилади.

Ёзма далиллар шакл жиҳатдан 3 гуруҳга бўлинади:

– *оддий шаклдаги ёзма ҳужжатлар (масалан, давлат корхонасининг ҳаёда шартномаси);*


– *мажбурий шакл ва моҳиятдаги ёзма далиллар (тижорат далолатномаси, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги далолатнома);*

– *кейинчалик давлат бошқармаларида қайд қилиниши лозим бўлган, аммо нотариал тасдиқланадиган шартномалар (уйларни олди-сотди шартномалари);*

Юқорида баён этилган уч тоифадаги таснифлардан ташқари ҳуқуқшунос олим В.И.Коломыцев ёзма далилларнинг яна бошқа таснифини таклиф қилади: 1) ёзма далилларнинг ҳақиқийси; 2) ёзма далилларнинг нусхаси.¹

¹ Коломыцев В.И. Письменные доказательства по гражданскому делу. –М.: Юрлит. 1978. -10 с.

Ёзма далилларнинг бундай таснифланиши ҳам муҳим амалий аҳамият касб этади. Чунки айнан ҳужжатнинг асли ёки унинг нусхасига қараб фуқаролик процессуал қонунчилик суд томонидан баъзи бир процессуал ҳаракатлар қилинишини назарда тутлади. Одатда ёзма далилларнинг асл нусхаси берилади. Агар ҳужжатнинг нусхаси тақдим этилган бўлса, суд зарурат туғилса, ҳужжатнинг аслини тақдим этишни талаб қилишга ҳақлидир (ФПКнинг 76-моддаси). Чунки баъзан ёзма далилларнинг ҳақиқийсини нусхаларга кучириш вақтида хатоликларга йўл қўйилиши мумкин.



Умумий қоида бўйича, ёзма далиллар тарафлар ва бошқа шахслар томонидан, агар улар ушбу далилларни тақдим этиш имкони бўлгандагина тақдим этилиши лозим. Агар иштирокчилар далилларни тақдим эта олмасалар, суд ўз ташаббуси билан ёзма далилларни тўплайди. Шу билан бир қаторда судья процесс иштирокчиларидан ёки иштирокчи бўлмаган бошқа шахслардан ёзма далилларни талаб қилиб олиши лозим.

Ёзма далилларни тақдим этувчи шахс, биринчидан, ушбу далил ёрдамида иш учун аҳамиятли қандай ҳолатларни аниқлаш мумкин эканлигини кўрсатиши шарт. Иккинчидан эса, ёзма далилларни талаб қилувчи шахс бу ҳақда илтимоснома тақдим этганда, албатта унинг хусусиятларини ва белгиларини айтиб бериши ҳамда ёзма далил қаерда жойлашганлигини, муайян шахсда деб ҳисоблагудек бўлса, бунинг учун қандай асоси борлигини ҳам баён этиши шарт (ФПКнинг 74-моддаси).

Ҳуқуқшунос олим М.К.Треушников ёзма далилларни талаб қилиб олишнинг уч хил воситасини кўрсатади:

1) ёзма далилларни давлат ташкилотлари, корхоналари, жамоат ташкилотлари ёки фуқаролардан бевосита ишни кўраётган суд томонидан талаб қилиб олиниши;

2) процесс иштирокчисига ёзма далилларни тақдим қилиш учун суд томонидан талаб қўйилиши;

3) ёзма далилларни бошқа туман ва шаҳар судларидан талаб қилиб олиш.¹

Ёзма далилларни талаб қилиб олишнинг юқоридаги таснифи ҳар бир конкрет ишнинг тегишли шароит ва жойлашган жойида намоён бўлади. Баъзан ёзма далилларнинг барчаси ва ундан ҳам кўпроғи талаб қилинган ҳоллар учрайди, бунда ёзма далилларни талаб қилишнинг барча уч воситаси ҳам қўлланилиши мумкин. Ёзма далилларни текшириш жараёнида фуқаролик процессуал ҳуқуқининг айрим тамойиллари, яъни бевоситалик, оғзакилик ва ошкоралик тамойиллари амалда бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, ёзма далилларни асосий аниқловчи белгилар маълумотларнинг ёзма шаклда тасдиқланиши ҳисобланади. Агар ёзма далил ўқилиши қийин бўлган ёзишмалардан иборат бўлса, суд махсус билимга эга бўлган экспертларга мурожаат қилади. Текширув жараёнида ёзма далиллар бошқа исботланиш воситалари (тарафлар ва учинчи шахсларнинг тушунтиришлари, гувоҳлар кўрсатмалари, эксперт хулосалари ва бошқалар) билан текширилади. Суд гувоҳ сифатида ёзма далил тузган шахсни сўроқ қилиши ҳам мумкин. Маълумот ва фактларни ўзида акс эттирувчи ёзма далилларни баҳоламасдан туриб, уларни аниқлаш ва белгиларини ажратиб олиш мумкин эмас. Ёзма далилларни баҳолаш – ҳақиқатни аниқлаш мақсадида унинг белгиларини таҳлил қилиш демакдир. Ушбу белгилар жумласига, ишга тааллуқлилиги, ҳаққонийлик, далилларнинг етарлилиги кабиларни киритиш мумкин. Ёзма далиллар текширилгандан сўнг, исботлаш предметиға алоқадор бўлмаслиги, шунингдек ишга дахлдор бўлмаганлиги учун рад этилиши мумкин. Қонун судларға ёзма далилларнинг рад этилишини асослаб беришни талаб қилади. Масалан, биргаликда яшашнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги ишлар бўйича жавобгар ва даъвогарларнинг иш жойидан берилган тавсифномалар ишга тааллуқли эмас деб топилади. Агар даъво соғлиққа нисбатан етказилган зарарларни ундириш тўғрисида бўлса, хавф туғдирувчи манба эгасига нисбатан даъвогар талаб қўйса, суд жараёнида зарар даъвогарнинг суғуртачиси томонидан етказилганлиги аниқланса, суд тиббиёт экспертизасининг соғлиққа зарар етказиш тўғрисидаги хулосаси ишда аҳамият касб этмайди.

¹ Треушников М.К. Судебные доказательства. –М.: Городец, 1997. –40 с.

Ашёвий далиллар деб, ўзининг ташқи кўриниши ва бошқа хусусиятларига қараб, ишни тўғри ҳал этиш учун аҳамиятли бўлган фактларнинг мавжудлигини тасдиқловчи ёки рад этувчи нарсаларга айтилади.

Юридик адабиётларда ашёвий далиллар деб, ишни мазмунан ҳал қилиш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлаш воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган нарсаларга айтилади. Ашёвий далиллар ўзларининг ташқи кўриниши, сифати, хусусияти ва бошқа белгиларига кўра маълумот бера оладиган предметлар ва ашёлардан иборатдир. Улар ёрдамида суд фуқаролик ишларини кўришда отқазилган зарар ҳажми, маҳсулот сифати ва бошқаларни аниқлайди. Е.Ю.Новиковнинг фикрича, турли хил нарсалар ашёвий далил бўлиши мумкин. Булар қуйидагилардир: низоли ашёлар, зарар отқазилган мулк, экинлари пайҳон қилинган ер участкаси ва низоли иншоотлар қабилардир.¹ Унга баъзида ҳужжатлар ҳам кириши мумкин. Улар ўзидаги маълумоти билан эмас, балки ташқи кўриниши ва излари билан ашёвий далил бўла олади. Масалан, туғилганлик гувоҳномаси моҳиятига кўра ёзма далил, аммо унинг қалбакилик факти бўлса, ўзида қалбакилик изларини сақлаб қолганлиги учун ашёвий далил бўлади. Ашёвий далиллар суднинг ажримига асосан ишга кўшиб кўйилади ёки алоҳида рўйхат қилиниб, ашёвий далиллар сақланадиган юкхонада сақланади.

ЖПКнинг 203-моддаси ФПКнинг 79-моддасига қараганда ашёвий далилларнинг белгиларини кенгроқ таърифлайди. Унга кўра, келиб чиқишини, кимга тегишлилигини, маълум мақсадларда фойдаланилганлигини ёки фойдаланишга яроқлилигини, қўлдан-қўлга ўтганлиги ёки турган жойи ўзгарганлигини, у ёки бу моддалар, нарса, жараён ва ҳодисалар таъсир этганлигини аниқлаш мумкин бўлган физикавий аломатлар ёки белгиларга, шунингдек иш ҳолатларини аниқлашга хизмат қиладиган ҳар қандай бошқа аломатлар ва белгиларга эга бўлган нарса ашёвий далил ҳисобланади.²

Суддаги далилларнинг бошқа элементларига, хусусан, ашёвий далилларнинг процессуал шакли ва манбасига келсак, бу элементлар бир вақтнинг ўзида ашёвий далилларда мавжуд бўлади. Агарда, масалан, гувоҳнинг кўрсатмалари далилларнинг процессуал шакли бўлса, гувоҳ уларнинг манбаи ҳисобланади.

¹ Гражданский процесс. Коллектив авторов. Учебник. – М., 1998. – 208 с.

² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси. – Тошкент, Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги, "Адолат", 2011 й.

Ашёвий далилларда эса бундай фарқнинг бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ашёвий далилларда процессуал шакл ва манба ягона қилиб бирлаштирилган.

Ашёвий далиллар ФПКнинг 56-моддасида санаб ўтилган барча исботлаш воситалари билан бир хил ҳолатни эгаллайди.

Ашёвий мақсад ашёвий далилларни, ҳақиқатни аниқлашда ёрдами тегса, уларни ишлатиш ва ишнинг бошқа барча маълумотлари билан биргаликда баҳолашдан иборатдир.¹ Фуқаролик процессида, қоида бўйича, ашёвий далиллар сифатида низонинг предмети ҳисобланган ашёлар юзага чиқади ва табиийки, суд ашёнинг нухасини эмас, бевосита ўзини (асл ашёни) текширади. Агар мулкдорга бу ашё тарихий, маданий ва бошқа қийматга эга бўлгани ва уни сақлаш юзасидан огоҳлантиришдан кейин даъво кўзғатилган бўлса, ашёвий далил сифатида, масалан, тарих ва маданият ёдгорлиги ҳисобланиши мумкин (ФКнинг 190-моддаси).

Агар ашёвий далилларни талаб қилиш ҳақидаги илтимоснома ишни тайёрлаш босқичида келиб тушган бўлса, у ҳолда бу масала судья томонидан яқка тартибда ҳал этилади. Бу босқичда судья давлат корхоналари, муассасалар, жамоат бирлашмалари ёки фуқаролардан ашёвий далилларни судга тақдим қилишни талаб қилади ёхуд манфаатдор шахсларга ашёвий далилларни тақдим қилиш ҳуқуқини берадиган сўров хатни беради (ФПКнинг 80-моддаси). Ашёвий далилларни тақдим қилиш ҳақида илтимоснома суд муҳокамаси босқичида келиб тушса, бу масалани суд ишда иштирок этаётган шахсларнинг фикрларини ҳисобга олиб ҳал этади. Агар талаб қилинаётган ашёнинг қиймати паст бўлса ва бундай усул суд томонидан далилларни олишни тезлаштира, суд ашёвий далилни тақдим этиш учун олиш ҳуқуқини берадиган сўров хатини бериши мумкин.

Ишда иштирок этмаётган корхона, муассаса, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар суд томонидан талаб қилинган ашёвий далилларни ўз вақтида тақдим этишга мажбурдирлар. Бу мажбурият агарда талаб суднинг ажрими, суднинг хати ёки сўров хатига асосланган бўлса, вужудга келади. Ашёвий далилларни тақдим этиш мажбурияти бажарилмаса, бунда айбдор бўлган ташкилотларнинг мансабдор шахсларига ва фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш ба-

¹ Юдельсон К.С. Судебные доказательства в гражданском процессе. —М., 1956, стр. 220.

раваригача миқдорда жарима солиниши мумкин. Жарима солиш тегишли мансабдор шахсларни ва фуқароларни суд талаб қилаётган ашёни тақдим этиш мажбуриятидан озод қилмайди (ФПКнинг 81-моддаси). Агарда ФПКнинг 81-моддаси талаблари бузилса, суд мажбуриятни бажара олмаслик ҳақида хабар қилинмаганлигини аниқлайди ва уни бажармаслик сабабларини узрли ёки узрсиз деб топиш масаласини ҳал қилади ва шундан келиб чиқиб, суд жаримани қўллаш ёки қўлламаслик масаласини ҳал қилади.

Талаб қилинган ашёвий далилларни сақлаш турли йўллар билан амалга оширилади. ФПКнинг 83-моддасида талаб қилиб олинган ашёвий далилларни сақлаш тартиби белгиланган. Ашёвий далиллар ишга қўшиб қўйилади ва ишда сақланади ёки алоҳида рўйхат қилиниб, суднинг ашёвий далиллар сақланадиган хонасига топширилади. Судга келтирилиб бўлмайдиган ашёлар эса турган жойида сақланади. Улар албатта батафсил таърифланиши, суғурталанган, зарур ҳолларда эса, фото ёки видео суратга ҳам олинган бўлиши лозим. Суд ашёларни ўзгармаган ҳолда сақлаш чораларини кўриши лозим (ФПКнинг 83-моддаси). Агарда ашёвий далиллар низолашаётган мулклар бўлса, уни сақлаш юзасидан даъвони таъминлаш чораси сифатида мол-мулк хатланиши мумкин (ФПКнинг 249-моддаси). Тақдим этилган ёки суд томонидан талаб қилинган ашёвий далилларни қайтаришнинг процессуал тартиби қатор ҳолатлар билан: ашёнинг сифати (тез бузиладиган бўлса); фуқаролик муомаласидан чиқарилган ашёлар (олтин, платина, кумуш, олмос); ашёнинг тааллуқлилиги билан белгиланади. Озиқ-овқатлар ва тез бузиладиган бошқа ашёлар ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилинган ҳолатда даъвони таъминлаш ва ишни кўришга тайёрлаш тартибида дарҳол кўздан кечирилади, бу ҳақда баённома тузилиб, судни қизиқтирадиган фактик маълумотлар тавсифланади.

Юқоридаги процессуал ҳаракатлардан сўнг ашёлар кимдан олинган бўлса, шунга қайтарилади ёхуд улардан ўз ўрнида фойдаланиши мумкин бўлган бошқа шахсларга топширилади. Ашё бошқа шахсга берилган тақдирда унинг эгасига ўша хил ва ўша сифатидаги буюмлар ёки қайтариш вақтидаги баҳоси бўйича уларнинг қиймати қайтарилиб берилиши керак (ФПКнинг 82-моддаси). Фуқаролик ишида ашёни ўз ўрнида фойдаланиш учун топшириш ва уни қабул қилиш фактини тасдиқловчи ёзма хужжатлар сақланиши лозим. Бошқа турдаги ашёвий далиллар суднинг

ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин кимдан олинган бўлса, ўша шахсларга қайтарилиб берилади ёки суд шу ашёларга кимнинг ҳуқуқи бор деб топган бўлса, ўша шахсларга берилади. Қонун бўйича фуқароларнинг эгаллигида туриши мумкин бўлмаган буюмлар (олтин, платина, қумуш тангалар) тегишли ташкилотларга топширилади. Инсофли эгаллик қилувчиларга эса унинг қиймати тўланиши лозим.

Айрим ҳолларда суд ашёвий далилларни кўздан кечириб ва текшириб чиққанидан кейин башарти, ашёвий далилларни тақдим этган шахслар уларни қайтариб бериш ҳақида илтимоснома билан мурожаат этган бўлсалар ва бундай илтимосномани қаноатлантириш ишни кўриш ва ҳал қилув қарорини ижро этиш учун зарар келтирмаса, иш тамом бўлгунига қадар кимдан олинган бўлса, ўша шахсларга қайтариб берилиши мумкин.

Ҳар қандай ҳолда ҳам ашёвий далилларни ҳал қилув қарорини қонун кучга киргандан олдин қайтариб бериш агарда у далилларни ҳолисона текшириш ва ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаса, шунингдек апелляция, кассация ва назорат тартибида ишнинг фактик ҳолатлари текширилганда тўсқинлик қилмаса, ўринли бўлади. Фуқаролик процессида ҳам далиллар назариясидаги каби ашёвий далилларни баҳолаш бошқа исботлаш воситаларини баҳолаш нимага асосланса, шунга асосланади. Қоидага кўра, суд томонидан бевосита текширилган ашёвий далиллар баҳоланиши керак. Истисно сифатида далилларни таъминлаш тартибида ўтказилган ашёвий далилларни кўздан кечириш баённомасидаги фактик маълумотлар ҳам суд томонидан баҳоланади. Шундай қилиб, ашёвий далилларни баҳолаш уларнинг бошқа далиллар билан ички алоқадорлигини ёки алоқада эмаслигини белгилаш асосида ўтказилади.

Экспертнинг хулосаси. Ҳақиқатни аниқлаш зарурияти юзага келса, улар фақатгина махсус билимга эга бўлган эксперт (экспертлар) хулосаси билангина тасдиқланиши мумкин. Экспертлар фақат суд (судья) ажримига асосан тайинланадилар. Эксперт (экспертлар) хулосаси кўрилаётган иш бўйича асосий далиллар қаторига киради.

Суд экспертизаси деганда, фуқаролик суд ишларини юритишда иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлашга қаратилган ҳамда суд эксперти томонидан фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимлар асосида

текширишлар ўтказишдан ва хулоса беришдан иборат процессуал фаолият тушунилади.

Профессор Ш.Ш.Шорахметов экспертизани билимдон ёки хунарманд шахслар ёрдамида далилларни текшириш усули сифатида эътироф этади.¹ Баъзан, деярли кам учрайдиган ҳолларда иш бўйича мавжуд бўлган фактларнинг конкрет негизини аниқлаш лозим бўлганда, процессуал қонунчиликнинг ўзи суд экспертизасини тайинлаш шарт эканлигини ҳамда қайси фан соҳасидан ва экспертизанинг қайси турларидан фойдаланишни белгилаб ўтади. Бошқа барча ҳолатларда ишда қайси фан соҳаларидан фойдаланиш масаласини суд (судья)нинг ўзи ҳал қилади. Судлар фуқаролик иши бўйича суд экспертизаси тайинлаш ёки иш бўйича мавжуд ҳолатларни тўғри таҳлил қилиш мақсадида махсус билимга эга бўлган мутахассисларни жалб қилиш борасида мустақилдирлар.² Улар олдига қўйилган саволлар аниқ мақсадга йўналтирилган ва қонунда таъқиқланмаган бўлиши шарт.

Шу ўринда қуйидаги мисолни келтираемиз. Туман суднинг ҳал қилув қарори билан В.ларнинг уларнинг отаси В.ни муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақидаги аризалари қаноатлантирилган.

Иш ҳужжатларида В. руҳий касалликка чалинганлиги ёки ақли заифлиги ҳақида ҳеч қандай ҳужжат ёки маълумот бўлмаса-да, суд фақат аризаларнинг манфаатини кўзлаб ва уларнинг оғзаки кўрсатмалари асосида В.ни амбулатория тартибиде суд руҳий экспертизасини ўтказиш тўғрисида ақрим чиқарган. Бунинг устига, экспертлар олдига В. руҳий касалликка чалинганлиги (ёки чалинмаганлиги) ҳақидаги савол қўйиш ўрнига, руҳий касаллиги туфайли В. ўз ҳаракатларининг аҳамиятига тушунадими ва уларни бошқара оладими деган савол қўйиб, В.да руҳий касаллик мавжудлиги тўғрисида олдиндан хулоса қилган.³

Суд экспертиза ўтказиш жараёнида уни ўтказиш тартибини тўғри расмийлаштириши ва қонунийлаштириши иш юзасидан тўғри асосланган хулоса олишнинг ҳуқуқий кафолатидир.

Суд экспертизасини ўтказишнинг процессуал шаклини М.К.Треушников қуйидагича туслайди:

- 1) фуқаролик процессуал қонунчилик экспертиза ўтказувчи шахс бўлиши-экспертга аниқ талаблар қўяди;
- 2) эксперт тайинланган кундан бошлаб у билан суд ўртасида процес-

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. —Тошкент, Адолат, 2001 й. —151 б.

² Эйман А.А. Заключение эксперта. —М.: 1967, с. 91.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1999 йил 24 сентябрдаги Пленуми қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий суди. —Тошкент, 1999 й. —Б. 64-65..

суал алоқа ўрнатилди, яъни эксперт суд процессига алоқадор ва унинг иштирокчиси сифатида тан олинади;

3) эксперт ўзига юклатилган вазифаларни бажариш ҳамда фактлар бўйича тўлиқ маълумотлар олиш жараёнида бир қатор процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади;

4) экспертиза ўтказиш жараёнида эксперт фақатгина процессуал қонунчиликда кўрсатилган суд мажбуриятларинигина бажаришга ҳақли бўлади;

5) кўрилаётган иш бўйича процесс иштирокчилари экспертиза тайинлангандан бошлаб аниқ ҳуқуқларга, яъни экспертни рад этиш тўғрисида арз қилиш, экспертларга саволлар бериш, экспертни бошқаси билан алмаштириш тўғрисида илтимослар бериш ва бошқа шу каби ҳуқуқларга эга бўладилар;

6) эксперт хулосалари ёзма шаклда бўлиб, бу хулосаларга қўйилган талаблар қонун билан белгиланган бўлади.¹

Эксперт хулосаларининг ҳолислиги унинг ишни қандай ҳал қилинишидан манфаатдор эмаслиги, тарафларнинг бирортасига қариндошлик муносабатларида эмаслиги билан таъминланади. Ушбу талаблар бузилиши экспертга нисбатан рад этиш тўғрисида арз бериш учун асос бўлади. Хусусан, ФПКнинг 26-моддасига кўра, қуйидаги ҳолларда экспертнинг ишда иштирок этиши мумкин бўлмайди ва у рад қилинади:

- **агар эксперт ишнинг пировард натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг холислигига шубҳа тўғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса;**

- **агар эксперт ишда иштирок этувчи тарафнинг ёки бошқа шахсларнинг қариндоши бўлса;**

- **агар эксперт ишда иштирок этувчи тарафларга ёки бошқа шахсларга хизмат юзасидан ёхуд бошқача тарзда қарам бўлса;**

- **эксперт тафтиш ўтказган ёки хулоса ҳам берган бўлиб, уларнинг материаллари мазкур фуқаролик ишнинг кўзгатишга асос бўлиб хизмат қилган бўлса.**

Ўз вазифаларини бажариш жараёнида эксперт бир қатор зарур процессуал ҳуқуқларга эга бўлади. Фуқаролик иши бўйича конкрет фактлар юзасидан хулоса олиш учун эксперт тайинлаш шарт бўлса, эксперт иш материаллари билан танишишга, суд мажлисида қатнаша бориб, ишда иштирок этаётган шахсларга ва гувоҳларга саволлар бериш, жойга бориб кўздан кечиришда иштирок этишга ва эксперт сифатида ўзини қизиқтираётган ҳолат-

¹ Треушников М.К. Судебные доказательства. —М.: Городец, 1997. —40 с.

ларни аниқлаш учун ўзига қўшимча материаллар беришни суддан илтимос қилишга ҳақли бўлади. Эксперт, башарти ўзига берилган материаллар етарли бўлмаса ёки ўз зиммасига юклатилган мажбуриятни бажариш учун етарли билимга эга бўлмаса, хулоса беришдан бош тортишга ҳақли (ФПКнинг 87-моддаси). Агар эксперт процесс доирасидан ташқарида бўлса, у гувоҳ тариқасида қатнашиши мумкин. Бундай ҳолларда:

1) эксперт ўз хоҳиши билан қўшимча материаллар ва ҳужжатларни тўплашга ҳақли эмас;

2) иш кўзғатилмасдан олдин экспертиза ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Эксперт ишда ҳуқуқий муносабат субъекти ҳисобланиб, ўзига белгиланган аниқ процессуал вазифаларни бажаради. Суд томонидан қўйилган саволлар асосида тадқиқот ўтказиш ва асосли хулоса чиқариб судга тақдим қилиши шарт. Агарда экспертиза ўтказиш жараёнида эксперт ишга оид янги ҳолатларни аниқласа, бу ҳолатни ўз хулосаларига киритишга ҳақли. Экспертнинг қолган барча вазифалари унинг экспертиза тадқиқотини ўтказиш ва ўз ёзма хулосаларини судга топшириши ҳамда унинг умумий мажбуриятларидан келиб чиқади. Эксперт суд мажлисида ўз ёзма хулосаларига қўшимча киритишга ҳақли бўлиб, бу ишлар суд жараёнида амалга оширилади. Эксперт иш материаллари билан таънашиш, суд муҳокамасида қатнашиш, суддан ўзига қўшимча материаллар берилишини талаб қилишга, шунингдек ўзининг судда қатнашиш, ижарага туриш ва суткалик харажатларини қопланишини талаб қилишга ҳақли. Баъзи бир олимлар эксперт муайян иш бўйича ўзининг хизмат вазифасига кирмаган хулосаларни бергани учун иш ҳақини ўзида сақлаган ҳолда, ўз квалификацияси ва йўқотган вақти учун мукофот олиш ҳуқуқига ҳам эга эканлигини таъкидлайдилар.¹ Шунингдек, Россия Федерацияси ГПКнинг 85-моддасига кўра, эксперт экспертиза ўтказиш учун суд томонидан процессга бошқа экспертларнинг жалб этилиши тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилади.² Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 86-моддасида экспертнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги тўғрисидаги норма мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, унга кўра эксперт қилиб тайинланган

¹ Коллектив авторов. Гражданский процесс. Учебник. —М.: Изд-во БЕК., 1996. С.162.

² Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации. —Москва, Изд. "НОРМА". 2003. С.175.

шахс суднинг чақируви бўйича келиши ва ўз олдига қўйилган масалалар юзасидан хулоса бериши шарт. Агар эксперт суд узрсиз деб топган сабабларга кўра суднинг чақируви бўйича келмаса, унга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солинади. Била туриб ёлгон хулоса берганлик, суд узрсиз деб топган сабабга кўра хулоса беришдан бош тортганлик учун эксперт Жиноят кодексининг тегишинча 238 ва 240-моддалари бўйича жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексидан фарqli равишда айрим МДҲга аъзо давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилигида экспертларнинг мажбуриятлари тўғрисида батафсил маълумотлар берилди. Жумладан, Россия Федерацияси ГПКнинг 85-моддасига кўра, эксперт экспертиза ўтказиш учун керакли ҳужжатларни ўзи мустақил тўплашга, агар унинг ҳолислигига шубҳа туғилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолларда процесс иштирокчилари билан шахсий мулоқот (контакт)га киришишга, экспертиза ўтказиш натижасида ўзига маълум бўлган маълумотларни суднинг рұхсатисиз ошкор қилишга ҳақли эмас.

Экспертиза ўтказиш экспертиза ташкилотларига, шунингдек штатда бўлмаган шахс, яъни мутахассис шахсларга топширилади. Шунингдек, экспертиза ўтказиш иши экспертиза ташкилоти раҳбариятига топширилишидан ва эксперт буйруғи билан тайинланган бўлса-да, бундан қатъи назар, судга оид муносабатлар фақат эксперт ва суд ўртасида вужудга келади.

Фуқаролик процесси бўйича тайинланган эксперт хулосалари икки шаклда: оғзаки ёки ёзма шаклда бўлади. Эксперт хулосаларининг оғзаки ёки ёзма шакллари бир-бирини мазмунан тўлдирди. Амалдаги қонунлар асосида эксперт ўз хулосаларини фақат ёзма шаклда топширади. Ўтказилган экспертиза хулосаларида бажарилган тадқиқот, мазмуни, бажарилган текширув натижасида вужудга келган хулосалар ва суд томонидан қўйилган саволларга берилган асосли жавоблар кўрсатилиши ва эксперт суд мажлисида ўз хулосаларининг мазмунини суд ҳайъатига тушунтириб, оғзаки хулосалар бериши ҳам мумкин. Эксперт хулосаларида вужудга келган ҳақиқатнинг қонуний эканлиги ҳисобга олинади. Чунки бу хулосалар фан-техника ва экспертни ўз соҳасининг мутахассиси эканлигига таяниб, бажарилган экспертиза хулосаси ишдаги бошқа далиллар билан узвий боғлиқ эксперт

¹ Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации. -М.: НОРМА. 2003. -174 с.

хулосалари натижалари иш бўйича далилларнинг бошланғич далили ҳисобланади.

13.9. Далилларни таъминлаш

Суд амалиётида манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамиятта эгадир. Далилларни таъминлаш билан иш кўриш тезлашади, шу борадаги айрим тўсиқлар бартараф этилади. ФПКнинг 60-моддасида кўрсатилганидек, ўзлари учун зарур бўлган далилларни кейинчалик тақдим этиш мумкин бўлмай қолади ёки қийинлашади, деб хавотирланиш учун асоси бўлган шахслар иш кўриладиган вақтда суддан ёки даъво кўзгатилишидан олдин ва кейин судьядан уша далилларни таъминлашни илтимос қилишлари мумкин. Қонунга мувофиқ тарафлар, чунончи, бирон-бир гувоҳнинг бошқа жойга кетиб қолишини назарда тутиб, ундан сўроқ олиб қолинишини, бирон-бир ҳужжатнинг йўқотилиши тўғрисида хавотирланиш бўлганида, унинг асли ёки тасдиқланган кўчирмаси олинишини ва шу каби бошқа далилларнинг суд мажлисига қадар сақланишини таъминлаш тўғрисида илтимос қилишлари мумкин.

Далилларни таъминлаш деганда, иш учун муҳим аҳамиятта эга бўлган далилларни кейинчалик тақдим этиш мумкин бўлмай қолиши ёки қийинлашишининг олдини олиш мақсадида далилларни тўплаш ва текшириш қондалари бўйича суд томонидан амалга ошириладиган тарафларнинг, учинчи шахсларнинг тушунтиришлари эшитиш, гувоҳларни сўроқ қилиш, экспертиза тайинлаш, ёзма ва ашёвий далилларни талаб қилиб олиш ёки кўздан кечириш, жойга бориб кўздан кечиришга қаратилган процессуал ҳаракатларга айтилади.

Айрим МДХ таржибига кирувчи давлатлар, хусусан, Россия Федерацияси ГПКга кўра, далилларнинг таъминланиши нотариал идоралар, қонун йўл қўйган маъмурий ҳудудлардаги маҳаллий маъмуриятлар, шунингдек хориждаги фуқароларга нисбатан эса Россия Федерацияси консуллик муассасалари ваколатли бўлади.¹

Баъзи бир ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, далилларни таъминлаш бу бевосита ўзлари учун зарур, иш бўйича аҳамиятли бўлган айрим далилларни кейинчалик суд мажлиси бошлан-

¹ Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации. —М.: НОРМА. 2003. -101 с.

гунгача тақдим этиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолиш хавфи остида қолган тарафлар судга ариза билан мурожаат қилиб, бу далилларни таъминлашни илтимос қилишлари мумкин бўлган заруратдир. Далилларни таъминлаш ҳам қонунда белгиланган далилларни тўплаш ва текшириш қондаларига асосан суд томонидан амалга оширилади. Манфаатдор тарафлар судьяга қайси бир далилларни мустаҳкамлаш лозимлиги, улар тасдиқланиши учун керак бўлган ҳолатларни таъминлаш тўғрисида илтимос билан мурожаат қилиш, шунингдек ишнинг зарур бўлган ҳолатларини таъминлаш тўғрисида ариза билан мурожаат қиладилар. ФПКнинг 64-моддасига кўра, далилларни таъминлаш тўғрисидаги суд ажрими устидан шикоят қилишга йўл кўйилмайди. Ариза далилларни таъминлаш учун процессуал ҳаракатлар қилиниши лозим бўлган жойдаги судга топширилади. Далилларни таъминлаш тўғрисидаги аризаларда таъминлаш керак бўлган далиллар тасдиқланиши учун шу далиллар зарур бўлган ҳолатлар ариза берувчини далилларни таъминлаш тўғрисидаги илтимос билан мурожаат қилишга олиб келган сабаблар, шунингдек таъминланадиган далил зарур бўлган иш кўрилиши лозим (ФПКнинг 62-моддаси). Далилларни таъминлаш тўғрисидаги аризада юқорида кўрсатилганлардан ташқари, иш учун аҳамиятли бўлган бошқа маълумотлар ҳам кўрилиши мумкин.

Далилларни таъминлаш тартиби ФПКнинг 63-моддасида белгиланган. Бу қонунда айтилишича, далилларни таъминлаш судья томонидан Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган тартибда амалга оширилади. Ариза берувчига ва бошқа манфаатдор шахсларга далилларни таъминлаш вақти ва жойи ҳақида хабар қилинади, лекин уларнинг келмай қолиши далилларни таъминлаш ҳақидаги аризани кўришга тўсқинлик қилмайди. Кейинга қўлдириш мумкин бўлмаган ҳолларда, шунингдек оқибатда ариза берувчи билан кимнинг ўртасида низо келиб чиқишини аниқлаш мумкин бўлмаган ҳолларда, далилларни таъминлаш фақат биргина ариза берувчининг ўзини хабардор қилиш йўли билан амалга оширилади. Далилларни таъминлаш тартибида судьялар тарафларнинг, учинчи шахсларнинг баёнотларини эшитади, гувоҳларни сўроқ қилади, экспертиза тайинлайди, ёзма ва ашёвий далилларни талаб қилиб олади, кўриб чиқади ёки жойга бориб кўздан кечириш ўтказади. Далилларни таъминлаш тартибида тўп-ланган ҳамма материаллар ишни кўрадиган судга юборилади ёки

ариза берувчининг ўзига берилади. ФПКнинг 62-моддасида даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризининг судья томонидан кўрилиши ва тўпланган материалларнинг ишни кўрадиган судга юборилиши муддати кўрсатилмаган. Бундай ҳолларда суднинг процессуал ҳаракатлари мазмуни ва натижалари жиҳатидан суд топшириқларини бажариш ҳаракатларига ўхшаш бўлганлиги туфайли аналогия бўйича ФПКнинг 65-моддасида кўрсатилган ўн беш кунлик муддатда бажарилиши керак. Бу тўғрида тузилган баёнотлар эса – тузилган замон дарҳол юборилиши лозим. Далилларни таъминлаш тўғрисида чиқарилган ажрим устидан шикоят бериш мумкин эмас. Далилларни таъминлашни рад қилиш тўғрисидаги ажрим устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин (ФПКнинг 64-моддаси).

13.10. Суд топшириқлари

Суд топшириқларига юридик энциклопедияларда қуйидагича тушунтиришлар берилади:

СУД ТОПШИРИҒИ — 1) ишни кўриб чиқаётган суднинг бошқа судга (шу билан бирга, чет эл судига ҳам) ўз ҳудудида муайян процессуал ҳаракатларни олиб бориш ҳақида (хужжатларни топшириш, гувоҳни сўроқ қилиш, жиноят жойини кўздан кечириш) топшириқ бериш; 2) фуқаролик процессида далилларни йиғиш фаолиятида суднинг ҳамкорлик қилиш усули. Ишни кўраётган суд бошқа шаҳар ёки минтақада далиллар йиғиш эҳтиёжи туғилганда тегишли судларга маълум процессуал фаолиятни амалга оширишни топширади. Суд топшириқларига аниқлик киритиш мақсадида кўрилаётган ишнинг моҳияти қисқача баён этилади, аниқланиши лозим бўлган далиллар кўрсатиб ўтилади. Ушбу фаолиятни топшириқни бажарувчи суд амалга оширади. Бу кўрсатмалар номига йўлланган судлар томонидан ўн кунгача муддат давомида икром этилиши лозим. Топшириқни бажариш жараёнида тўпланган барча материаллар ишни муҳокама қилаётган судга зудлик билан юборилиши зарур. Ишда қатнашувчилар ёки топшириқни бажараётган, судга тушунтириш ёки кўрсатув берган гувоҳлар ишни кўраётган суд ҳузурига келадилар ва умумий тартибда кўрсатув берадилар.¹

Дарҳақиқат, фуқаролик процессуал қонунчиликда ишни кўраётган суднинг далиллар тўплаш мақсадларида бошқа судларга айрим топшириқлар бериши мумкинлиги ҳам назарда тутилган. ФПКнинг 65-моддасига кўра, ишни кўраётган суд далилларни бошқа туман ёки шаҳарда тўплаш зарур бўлган тақдирда, тегиш-

¹ Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У. Таджихановнинг умумий таҳририда. –Тошкент: «Шарқ», 2001. -339 б.

ли судга муайян процессуал ҳаракатларни амалга оширишни топширади. Суд топшириғи ажрим билан расмийлаштирилади ва унда кўрилатган ишнинг мазмуни, аниқланиши зарур бўлган ҳолатлар, топшириқни бажарувчи суд тўплаши лозим бўлган далиллар кўрсатилади. Бу ажрим қайси суд номига ёзилган бўлса, шу суд учун мажбурийдир ва ўш беш кунгача бўлган муддат ичида бажарилиши лозим.

Суд топшириғини бажариш тартиби ФПКнинг 66-моддасида белгиланган. Бу қонунда кўрсатилишича, суд топшириғини бажариш суд мажлисида белгиланган тартибда ўтказилади. Ишда иштирок этувчи шахслар мажлиснинг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинади, лекин уларнинг келмаслиғи топшириқни бажаришга тўсқинлик қилмайди. Топшириқни бажариш вақтида тузилган баённомалар ва йигилган ҳамма материаллар ишни кўраётган судга дарҳол юборилади. Агар ишда иштирок этувчи шахслар ёки топшириқни бажараётган судга кўрсатма берган гувоҳлар ишни кўраётган судга келиб қолсалар, улар умумий тартибда баёнот ёки кўрсатма берадилар.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Фуқаролик процессида исботлаш деганда нимани тушунасиз?
2. Исботлаш предмети деганда нимани тушунасиз?
3. Судга оид далилларга таъриф беринг.
4. Далилларнинг қандай белгилари мавжуд?
5. Исботлашдан озод қилишнинг қандай асослари мавжуд?
6. Далилларнинг дахлдорлиғи деганда нимани тушунасиз?
7. Исботлаш воситаларига йўл қўйилиши қондасини тушунтириб беринг.
8. Тарафлар ўртасида исботлаш бурчи қандай тақсимланади?
9. Далилларни таснифланг.
10. Исботлаш воситалари қандай турларга ажратилади?
11. Тарафлар ва учинчи шахслар ҳамда уларнинг қонуний вакилларининг тушунтиришлари ҳақида гапиринг.
12. Ёзма далиллар деганда нимани тушунасиз ва уларнинг қандай турлари мавжуд?
13. Ашёвий далиллар ҳақида гапиринг.
14. Суд экспертизасига таъриф беринг.
15. Далилларни таъминлашнинг қандай асослари мавжуд?
16. Суд топшириқлари деганда нимани тушунасиз?

17. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 2 октябрдаги “Фуқаролик ишларини кўришда судлар томонидан далилларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг аҳамияти ва моҳияти ҳақида гапиринг.

МАХСУС АДАБИЁТЛАР:

1. Берг О.В. Оптимизация процесса доказывания в арбитражном и гражданском процессе на основе применения методов формальной логики и теории классификации // Арбитражный и гражданский процесс. 1999. № 2.
2. Веденеев Е.Ю. Роль презумпций в гражданском праве, арбитражном и гражданском судопроизводстве // Государство и право. 1998. № 2.
3. Вершинин А.П. Доказывание в гражданском процессе: новые правила // Правоведение. 1995. № 6.
4. Гарибян А. Электронная цифровая подпись: правовые аспекты // Российская юстиция. 1996. № 11. -С. 12-13.
5. Громов И. Судебное доказательство в гражданском процессе // Законность. 1999. №1.
6. Жажицкий В. Доказательственное право в гражданском, арбитражном и уголовном процессе. Сравнительный анализ // Российская юстиция. 1993. №20.
7. Зайцев П.П. Допустимость в качестве судебных доказательств фактических данных, полученных с использованием электронных документов // Арбитражный и гражданский процесс. 2002. № 4.
8. Зайцев И., Афанасьев С. Бесспорные обстоятельства в гражданских делах // Российская юстиция. 1998. № 3.
9. Зайцев И., Фокина М. Отрицательные факты в гражданских делах // Российская юстиция. 2000. № 3.
10. Заман Ш., Лебедева Н. Место и роль психолога в гражданском процессе // Арбитражный и гражданский процесс. 2003. № 3.
11. Калпин А. Письменные доказательства в судебной практике по гражданским делам. –М.: Автореф. канд. дис. 1966.
12. Коваленко А.Г. Критерии оценки доказательств в гражданском и арбитражном процессе // Арбитражный и гражданский процесс. 2003. № 2.

13. Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации. –М.: НОРМА. 2003. -101 с.
14. Козырева Е.В. Процессуальные особенности рассмотрения судами гражданских дел о компенсации морального вреда: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. –Саратов, 2003. -17 с.
15. Лупинская П. Основания и порядок принятия решений о недопустимости доказательств // Российская юстиция. 1994. № 11.
16. Мамасиддиқов М.М. Меҳнат ишлари бўйича маънавий зарарни ундириш муаммолари // Ж. Қонун номи билан. 2001. № 1.
17. Мамасиддиқов М.М. Маънавий зарар миқдори // Ж. Қонун химоясида, 2003, № 6. –Б. 35-36.
18. Мамасиддиқов М.М. Меҳнатта оид низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Ўқув қўлланма. –Тошкент.: ТДЮИ. 2004.
19. Мамасиддиқов М.М. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Ўқув-услубий қўлланма. –Тошкент.: АҚҲМИ. - 2008. – 332 б.
20. Мамасиддиқов М.М. Меҳнатта оид отказилган моддий ва маънавий зарарни судда ундиришнинг назарий ва амалий муаммолари / Монография. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. Ш.Ш.Шорахметов. –Тошкент.: АҚҲМИ, 2008, - 296 б.
21. Мамасиддиқов М.М. Исботлаш тамойили: унинг меҳнат низоларини ҳал этишдаги ўрни. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси / Ж. 2008. № 2, -Б. 11-14.
22. Мамасиддиқов М.М. Исботлаш ва далиллар: меҳнатта оид отказилган зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар мисолида. Ж / “Huquq va burch”, 2008 № 10.-Б. 48-49.
23. Мамасиддиқов М.М. Исботлаш мажбуриятларининг айрим масалалари. Ж/ “Huquq va burch”. 2009. 9-сон. –Б. 47-48.
24. Михайлов С.В. Преюдициальная сила постановлений апелляционной, кассационной и надзорной инстанций // Арбитражный и гражданский процесс. 2002. № 8.
25. Мохов А.А. Подлежат ли доказыванию факты, не подлежащие доказыванию? // Арбитражный и гражданский процесс. 2002. № 11.
26. Олегов М. Д. Истина в гражданском процессе: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. М., 1999.
27. Орлов Ю., Шишкин С., Гришина Е. Оценка судом достоверности заключения эксперта // Российская юстиция. 1995. № 11.

28. Осипов Ю.К. Судебное доказывание и доказательства. –М.: Изд-во “БЕК”, 2000. -160 с.
29. Ракитина Л.Н. Участие специалистов в гражданском судопроизводстве: Автореф. дис. ...канд.юрид.наук. Саратов, 1985.
30. Решетникова И.В. Курс доказательственного права в российском гражданском судопроизводстве. –М., 2000. -155 с.
31. Решетникова И.В. Справочник по доказыванию в гражданском судопроизводстве. 4-е изд. Под ред. профессора И.В.Решетниковой. –М.: НОРМА, 2008. –С. 130-138.
32. Россинская Е.Р. Специальные познания и современные проблемы их использования в судопроизводстве // Журнал российского права. 2001. № 5.
33. Сахнова Т.В. Регламентация доказательств и доказывания в гражданском процессе // Государство и право. 1993. № 7.
34. Степанов М.А. Предмет доказывания по гражданским делам о компенсации морального вреда. // Закон и право. 2000. № 12, -35 с.
35. Треушников М.К. Судебные доказательства. –М.: ОАО Изд. дом “Городец”. 2004. -272 с.
36. Фокина М.А. Вопросы гармонизации публично-правового и частноправового начала в доказывании по гражданским делам // Арбитражный и гражданский процесс. 2004. № 12.
37. Холмұминов Ж.Т., Дусманов А.Х., Тиллаев Т.Н. Фуқаролик процесси: Маърузалар курси. –Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. -74 б.
38. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент.: Адолат. 2001. -512 б.
39. Шорахметов Ш.Ш. Фуқаролик ишларини судда кўришга оид процессуал ҳужжат намуналарига шарҳ. Дарслик. –Тошкент.: ТДҶОИ, 2005. -361 б.
40. Эрделевский А.М. Компенсация морального вреда в России и за рубежом. –М.: 1997. – 177 с.
41. Эсанова З.Н. Оталикни суд йўли билан белгилашда далилларнинг аҳамияти // Ж. Ҳаёт ва қонун. 1999. 9-сон.
42. Эсанова З.Н. Оталикни тан олиш-исботлаш воситаси // Ж. “Ҳаёт ва қонун”. 2003, 3-сон.
43. Эсанова З.Н. Оталикни белгилаш тўғрисидаги ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Монография / Масъул муҳаррир проф. Ш.Ш.Шорахметов. –Тошкент: ТДҶОИ. 2005. -78 б.

БУЙРУҚ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШ

Бобнинг мақсади фуқаролик процессида буйруқ тартибида иш юритишнинг аҳамияти ва ўзига хос жиҳатларини баён этишдан иборатдир. Мазкур бобда суд буйруғини чиқариш бўйича талаблар, буйруқ тартибида иш юритишни кўзгайтиш тартиби ва асослари, суд буйруғинининг мазмуни, суд буйруғини бекор қилиш ва суд буйруғини ижро этиш масалалари ёритилган. Ундан ташқари, хўжалик процессида суд буйруғини бериш тартиби, асослари ва унинг фуқаролик процессида буйруқ тартибида иш юритишдан фарқли жиҳатларига тўхталиб ўтилган.

14.1. Фуқаролик процессида буйруқ тартибида иш юритиш тушунчаси ва аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2000 йил 14 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони¹га асосан, судлар ихтисослашувининг жорий этилиши, яъни умумий юрисдикция судларининг фуқаролик ишларини ҳамда жиноят ишларини кўриб чиқадиган судларга ажратилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси кафолатларини янада кучайтиришга, судларда фуқаролик ишларининг қонунларга қатъий амал қилган ҳолда, сифатли, тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги Қонуни² эса мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасидаги орттирилган тажрибадан хулоса чиқарилган ҳолда судлар фаолиятининг янада демократлашуви ва такомиллашуви учун шароит яратиб берди. Лекин фуқаролик ишлари бўйича судларга келиб тушаётган ишлар ҳажмининг ортиб бориши фуқаролик ишлари бўйича суднинг судьялари олдида ҳам бир қатор муаммоларни вужудга келтирмоқда. Мавжуд муаммоларни фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш тартибини

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2000. № 3. 30-модда.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2000. № 11. 155-модда.

белгилловчи фуқаролик процессуал қонунчиликни янада такомиллаштириш ва бу борада хорижий ҳамда Ҳамдўстликдаги давлатларнинг қонунчилик тажрибасидан фойдаланган ҳолда ҳал қилишга эришиш лозим.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиз” деб номланган маърузасида биз бугун изчиллик билан амалга ошираётган тинч ва фаровон ҳаёт қуриш йўлининг асосий қонунчилик негизлари мезон-мақсадларидан бири сифатида юксак даражада тараққий топган демократик давлатларнинг ўзини ҳар томонлама оқлаган тажрибасини танқидий таҳлилдан ўтказиб, ўзимизга қабул қилиш ва жорий этиш, шу асосда ҳаётиямизни қуриш¹ эканлигини таъкидлаб ўтган.

Маълумки, 1997 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида давр талабидан келиб чиқиб, ҳозирга қадар бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Улардан бири 2003 йил 12 декабрдаги ўзгартириш ва қўшимчалар ҳисобланиб, фуқаролик ишларини кўриб чиқиш ва ҳал этишни соддалаштиришга қаратилган нормаларини фуқаролик процессуал қонунчиликда мустаҳкамлашга асос бўлди. Фуқароларнинг суд орқали ҳимояланишга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишлари учун қўшимча қулайликлар яратиш ҳамда даъво аризалари ва шикоятларни қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқиш борасидаги дастлабки жараёнларни янада соддалаштириш² мақсадида фуқаролик ишларини судда кўриш ва ҳал қилишнинг бир мунча соддалаштирилган тартиби - “Буйруқ тартибида иш юритиш” (ФПКнинг 20¹-боби) жорий этилди. Мазкур институт мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигига “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрдаги Қонуни билан киритилди³ ва ҳозирда суд

¹ Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиз. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // “Ўзбекистон овози” – 2006 - 8 декабрь. 145 (27.636)-сон.

² Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. –Тошкент: Ўзбекистон. -32 б.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004, № 1-2, -18-модда.

амалиётида самарали тарзда қўлланиб келинмоқда. Эндиликда фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари даъво тартибдаги ишлар, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ишлар ҳамда алоҳида тартибда юритиладиган ишлар билан бир вақтда буйруқ тартибдаги ишларни ҳам кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартибини белгилайди (ФПКнинг 2-моддаси).

Дарҳақиқат, фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш тартибини белгиловчи фуқаролик процессуал қонунчилиқни янада такомиллаштириш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича судларга келиб тушаётган даъво аризалари, ариза ва шикоятларни қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқиш борасидаги дастлабки жараёнларни имкони борича соддалаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши бежиз эмас. Зеро, фуқаролик ишларини кўриб чиқишнинг дастлабки жараёнларини соддалаштириш судьялар юритувидаги иш юкламаларининг камайишига олиб келади.

Ўз навбатида, амалиётчилар ҳам Фуқаролик процессуал кодексига киритилган янги қонданинг аҳамияти ҳақида гапириб, муқаддам ундирувчининг пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ёки кўчар мулкни низосиз талаблар бўйича қарздордан талаб қилиб олиш тўғрисидаги аризалари бўйича ҳам фуқаролик иши юритилган, ҳар иккала тараф суд мажлисига чақирилиб иш ҳал қилинган бўлса, қонун қабул қилинган мазкур тоифадаги аризалар бўйича судья ишни кўрмасдан суд буйруғи чиқариш ваколатига эга бўлганлигини, бу ўз навбатида, фуқаролар ўртасидаги низоли бўлмаган фуқаролик муносабатларини ортиқча сансалорликларсиз тартибга солиш имкониятини яратганлигини таъкидлайди.¹

Маълумки, суд тизимини молиялаштиришдаги ўзига хослик ҳамда штат бирлигининг белгиланганлиги муайян даражада судьяларнинг иш юкламаларининг кўпайишига ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Процессуал ҳуқуқ тизимида нисбатан янги институт бўлган суд буйруғи эса айнан судьянинг нисбатан юқори бўлган иш юкламаларини камайтиришга, бузилган ҳуқуқларнинг тез ва соддалаштирилган шаклда ҳимоя қилинишига эришиш учун хизмат қилади. Бинобарин, муқаддам ундирувчининг пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ёки кўчар мол-мулкни низосиз талаблар бўйича қарздордан талаб қилиб олиш тўғрисидаги ариза-

¹ Ёдгоров Х.Б. Суд буйруғи: суд ислохотлари самараси. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 2003 йил, 4-сон.

лари юзасидан ишлар суд мажлисида, алоҳида процессда ҳал қилинган бўлса, эндиликда нисосиз бўлган мазкур тоифадаги ишлар судья томонидан ишни мазмунан кўрмасдан, мавжуд ҳужжатлар асосида суд буйруғи чиқариш орқали ҳал этилмоқда. Бу эса, ўз навбатида фуқаролар ўртасидаги низоли бўлмаган фуқаролик муносабатларини ортиқча сансалорликларсиз тартибга солиш имкониятини яратади. Ш.Ш.Шорахметовнинг таъкидлашича, айрим ишлар бўйича суд амалиётини умумлаштириш шуни кўрсатмоқдаки, бир қанча фуқаролик ишларини, тарафлар ўртасида низо бўлмай ёки жавобгар талабни тан олса-да, судда кўзғатиш, процессуал қонунларда кўрсатилган қоидаларни татбиқ этиш каби талабларга риоя қилинган ҳолда кўришга тўғри келмоқда. Фуқаролик ишларининг юқорида кўрсатилган айрим турларини суд буйруғи тартибида кўриш манфаатдор шахсларнинг қонунларда белгиланган процессуал ҳуқуқларини поймол қилмаган ҳолда, иш кўзғатмасдан, аризани ҳал этиш имконини берди. Фуқаролик ишларини кўриб ҳал этишнинг бу тартиби иш кўришни осонлаштириш билан бир қаторда шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини кафолатлайди.¹

Таъкидлаш жоизки, буйруқ тартибида иш юритиш айрим ҳамдўстлик таркибидаги ва бир қатор хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасида қўлланилиб келинади. Суд буйруғининг аҳамияти тўғрисида Қозоғистон давлат юридик университети профессори З.Х.Баймолдина шундай дейди: "Аксарият фуқаролик ишлари соддалаштирилган тартибда кўриб чиқилмоқда. Амалда олтига фуқаролик ишининг биттаси буйруқ тартибидаги иш юритиш ҳисобланади. Бу тоифадаги ишлар фуқаролик суд ишларини юритишнинг (даъво тартибида юритиладиган ишлардан ташқари) анъанавий турларига мансуб бўлган ишларга қараганда кўпчиликни ташкил қилади. Шундай қилиб, Қозоғистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига 1999 йилда киритилган мазкур институт ўзини амалда оқламоқда".²

Шу ўринда суд буйруғини уни қўллаш тарихига муурожаат қи-

¹ Шорахметов Ш.Ш. Суд буйруғи институти самарали иш юритиш туридир.// Нуқуқ ва бурч. 2006. № 3. – 13 б.

² Баймолдина З.Х. Направления модернизации гражданского процессуального законодательства Республики Казахстан. Теоретические проблемы развития системы законодательства Республики Казахстан: тенденции и перспективы; Сборник материалов международной научно-практической конференции 12 апреля 2007 г. –Астана: ТОО «Институт законодательства РК»-2007. – 255 с.

ладиган бўлсак, қадимги рим ҳуқуқида, Австрия, Германия ҳамда Россия суд ишларини юритиш амалиётида ҳам кўришимиз мумкин. XIX асрда эса айрим Европа мамлакатларининг процессуал ҳуқуқида низосиз ҳужжатлар бўйича пул ундириш институтлари пайдо бўла бошлади. Манбааларда таъкидланишича, буйруқ тартибида иш юритиш мажбурий ижро этиш ишлари кўринишида XX аср бошларида Россияда ҳам мавжуд бўлган.¹

Адабиётларда буйруқ тартибида иш юритиш нисбатан қадимий институтлардан бири эканлиги эътироф этилса-да, бироқ суд буйруғи ва буйруқ тартибида иш юритишнинг моҳияти тўғрисидаги масала фуқаролик процессуал ҳуқуқ назариясида ҳозиргача баҳсли бўлиб келаётганлиги юридик адабиётларда алоҳида таъкидланади. Хусусан, В.И.Решетняк ва В.Н.Поляковлар буйруқ тартибида иш юритишни фуқаролик суд ишларини юритишнинг мустақил тури деб ҳисобласа², Н.А.Чечина ва М.А.Череминлар эса суд буйруғини “енгиллаштирилган иш юритиш” деб ҳисоблайдилар.³ В.В.Ярков эса аксинча, ушбу иш юритиш тартиби процессуал доирадан ташқарида, деган фикрни илгари суради.⁴

Бизнинг фикримизча, буйруқ тартибида иш юритишни талабнинг низоли ёки низосизлигини белгилаш орқали ундирувчининг ҳуқуқларини тез фурсатларда ҳимоя қилиш мақсадида судья томонидан амалга ошириладиган фуқаролик суд иш юритишнинг алоҳида тури сифатида кўриш лозим. Лекин ушбу суд ишларини юритиш турида чиқариладиган суд буйруғи ўзининг таркибий қисми, тузилиши ва мазмун-моҳияти билан одил судлов ҳужжати ҳисобланган суд ҳал қилув қарорларидан жиддий фарқ қилади. Бинобарин, буйруқ тартибидаги ишлардан ташқари бошқа барча суд ишларини юритиш турларида фуқаролик ишлари суд мажлисида мазмунан кўриб ҳал қилиниши ва одил судлов ҳужжати сифатида ҳал қилув қарорининг чиқарилиши мумкин бўлади.

Суд буйруғи суд қарорларининг тури сифатида эътироф этилиши ҳам юридик адабиётларда турли баҳс ва мунозаларга сабаб бўлмоқда. Хусусан, Н.А.Громошинанинг фикрича, суд буйруғи ҳал қилув қарори билан бир

¹ Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А. Алехина, В.В. Блажеев и др. Под ред. М.С.Шакарян. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. – 298 с.

² Қаранг: Решетняк В.И., Черных И.И. Заочное производство и судебный приказ в судебном процессе. М., 1997. –63 с.; Поляков И.Н. Приказное производство: понятие и правовая природа // Актуальные проблемы правопорядка. –М.; 2001.

³ Қаранг: Черемин М.А. Приказное производство в российском гражданском процессе. М.; 2001. –С. 77-78; Гражданский процесс: Учебник / Под ред. В.А. Мусина, Н.А. Чичериной, Д.М. Чечота. –М., 2001. –313 с.

⁴ Қаранг: Гражданский процесс Под ред. В.В. Яркова. –М., 1999. –С-212-213.

турда эмас, яъни суднинг қарори деб ҳисобланмайди.¹ Айрим ҳуқуқшунос олимлар эса бошқача нуқтаи назарни илғари сурадилар. В.И.Решетняк ва И.И.Черныхларнинг фикрича, суд буйруқлари суд қарорларининг турларига мансуб ҳисобланади.² Дарҳақиқат, суд буйруғи Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг "Суд қарори" деб номланадиган 18-моддасида кўрсатилган бўлиб, унга кўра, кўрилаётган ва ҳал этилаётган масалалар бўйича суд ҳал қилув қарори, ажрим, қарор ва буйруқ қабул қилади. Бу эса мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида суд буйруғи суд қарорлари турига мансуб эканлиги белгиланганлигидан далолат беради. Бинобарин, Ш.Ш.Шорахметов суд қарорлари тўғрисида гапирар экан, фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилишда суднинг мулоҳаза ва хулосалари муайян процессуал шаклда белгиланган тартибда чиқариладиган суд қарорлари тарзида ифода этилишини кўрсатади.³

Лекин шундай бўлса-да, суд буйруқлари ўзига хос бўлган куйидаги белгилари билан суд қарорларидан фарқланади:

биринчидан, суд буйруғи ишни мазмунан кўрмасдан, мавжуд ёзма ҳужжатлар асосида чиқарилади. Судья ушбу ҳолатда гувоҳ кўрсатмаларини, эксперт хулосаларини текширмайди, тарафларнинг тушунтиришлари ва учинчи шахсларнинг баёнотларини эшитмайди;

иккинчидан, арз қилинган талабнинг мазмуни бўйича суд буйруғи ариза судга келиб тушган кундан эътиборан уч кун ичида судья томонидан чиқарилади. Суд ҳал қилув қарори чиқарилиб, ҳал этиладиган фуқаролик ишлари эса судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўрилиши лозим;

учинчидан, буйруқ тартибида иш юритиш жараёнида тарафлар сифатида ундирувчи ва қарздор эътироф этилади;

тўртинчидан, суд буйруғи фақат қонунда белгиланган асослар (ФПКнинг 238²-моддаси) мавжуд бўлгандагина чиқарилади. Суд буйруғи низосиз талаблар юзасидан чиқарилиб, қонунда белгиланмаган асослар юзасидан чиқарилиши мумкин эмас;

бешинчидан, суд буйруғини чиқариш учун қатор шартлар мавжуд бўлиши талаб этилади. *Биринчи шарт* шундан иборатки, ундирувчи суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза билан бирга қарздорнинг ўз зиммасига олган мажбуриятини тасдиқлов-

¹ Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А. Алехина, В.В. Блажеев и др. Под ред. М.С. Шакарян. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. – 304 с.

² Решетняк В.И., Черных И.И. Заочное производство и судебный приказ в судебном процессе. – М., 1997, – с. 53.

³ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. – Тошкент: Адолат. 2001, – 231 б.

чи ҳужжатларни тақдим этиши шарт. *Иккинчи шарт* – тақдим этилган ҳужжатлар ишнинг моҳиятини ўзида тўлақонли акс эттириши лозим. *Учинчи шарт* – низонинг мавжуд бўлмаслиги;

олтинчидан, суд буйруғи ижро ҳужжати кучига эга бўлиб, суд ҳужжатларини ижро этиш учун қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар мамлакатимизда амалда бўлган қонун ҳужжатларига эътибор берадиган бўлсак, суд буйруғининг айрим органлар томонидан чиқарилган ҳужжатлар билан умумий ўхшашлик жиҳатларини ҳам кўришимиз мумкин. Хусусан, меҳнат низолари комиссиясининг қарорлари асосида берилган гувоҳнома ёки нотариус томонидан қарздордан пул суммаларини ундириш ёки мол-мулкни талаб қилиб олиш учун қарздорликни белгиловчи ҳужжатларга ёзадиган ижро хатлари шулар жумласидандир. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги” Қонунининг 7-моддасига кўра,¹ суд буйруғи билан бир қаторда алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувлар, нотариусларнинг ижро хатлари ва меҳнат низолари комиссиялари ўз қарорлари асосида берадиган гувоҳномалар ижро ҳужжатлари ҳисобланади. Шунингдек, юридик адабиётларда суд буйруқларини нотариуснинг ижро хатлари билан тенглаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилади ва ҳатто, суд буйруғининг қўлланилиши нотариуснинг ижро хати ўрнини эгаллаши ва уни сиқиб чиқаришини ҳам таъкидлайдилар. Ҳуқуқшунос олима Н.А.Чечина эса ушбу фикрларга қўшилмаган ҳолда, юқоридаги икки ҳуқуқий институт ўртасида умумийликлар мавжуд эканлигини, масалан, уларнинг умумий вазифаси бузилган ҳуқуқни тез фурсатларда ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборатлигини, талаб қилувчи субъектнинг, яъни ундирувчининг бир хиллигини шунингдек, ҳар иккала орган чиқарган ҳужжат ҳам бир хил юридик кучга эга эканлигини, яъни ижро ҳужжати ҳисобланишини таъкидлаб, уларнинг ўзаро ўхшашликлари шунинг билан якунланишини кўрсатади. Унинг фикрича, суд буйруғи нотариуснинг ижро ҳужжатидан қуйидагилар билан жиддий фарқланади: биринчидан, суд буйруғи суд фаолияти жараёнига якун ясайдиган суд қарорлари-

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2001 й. 9-10-сон, 169-модда.

нинг алоҳида тури ҳисобланади, иккинчидан, суд буйруғининг чиқарилиши маълум процессуал тартибларга амал қилинган ҳамда фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги каби муҳим принцип асосида қарздорнинг ҳам ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳолда чиқарилади.¹

Суд буйруғи ундирувчининг пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ёки кўчар мол мулкни нисосиз талаблар бўйича қарздордан талаб қилиб олиш тўғрисидаги аризаси юзасидан судьянинг судда ишни кўрмасдан чиқарган ҳужжатиدير.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Буйруқ тартибида иш юритишни тартибга солувчи қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2006 йил 3 февралдаги 4-сонли қарорининг 1-баъдида суд буйруғи биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг алоҳида бир тури бўлиб, ФПКнинг 238²-моддасида кўрсатилган талаблар юзасидан суд муҳокамаси талаб қилинмайдиган ишлар бўйича чиқарилади ва у ижро ҳужжати кучига эга эканлиги ҳақида тушунтириш берилади.²

Буйруқ тартибида иш юритиш манфаатдор шахс – қарз ундирувчининг ташаббуси билан бошланади. Талаб кимга нисбатан қаратилган бўлса, у қарздор деб эътироф этилади.

2. Суд буйруғини чиқариш бўйича талаблар

Фуқаролик ишлари бўйича суд буйруқлари қонунчиликда белгиланган қатъий қоидалар асосида, фақат мулкий тусдаги талаблар юзасидангина чиқарилади.

Мулкий тусда бўлмаган ёки кўчмас мол-мулкларни ундиришга қаратилган талаблар юзасидан суд буйруқлари чиқарилишига қонун йўл қўймайди.

Ш.Ш. Шорахметов суд буйруғини чиқаришга доир талабларни таҳлил қилиб, қуйидаги фикрларни илгари суради. Биринчидан, манфаатдор шахснинг суд буйруғини чиқаришни талаб қилиш ҳуқуқи фақат қонунда кўрсатилган ҳоллардагина амалга оширилади. Бунинг учун судга тақдим этиладиган ҳужжатлар, тарафлар ўртасида низо келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида, илгари нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак.

¹ Чечина Н.А. Тенденция развития гражданского процессуального законодательства. // Правоведение. -1995. - № 6. - С. 48 – 54.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси. 2006. № 1.

Иккинчидан, суд буйруғи тартибида иш юритиш учун талаб ёзма битимга асосланган ва қарздор томонидан тан олинган бўлиши лозим. Қонунларда нотариал тасдиқланиши талаб этиладиган битимлардан ташқари битимлар оддий ёзма шаклда тузилиши мумкинлиги белгиланган (Фуқаролик кодексининг 108-моддаси). Амалиётда тарафлар ўртасида тузилган битимлар, бир қарашда, қонун талаблари асосида ёзма тузилади, нотариал тасдиқланган бўлади. Бироқ кейинчалик аниқланишича, бундай битимлар янглишиш таъсирида ёки алдаш, зўрлик, кўрқитиш, бир тарафнинг иккинчи тарафга ғарази ёки шахснинг ҳаётида оғир ҳолатларнинг юз бериши таъсиридан фойдаланиб, шунингдек кўзбўямачилик йўли билан тузилган бўлади ва бундай битимлар ҳақиқий саналмаслиги керак (Фуқаролик кодексининг 116-125-моддалари). Шунинг учун ҳам ёзма битимнинг қарздор томонидан тан олинishi суд буйруғини чиқариш учун асосий ҳолатлардан бири ҳисобланади. Учинчидан, болаларни моддий томондан таъминлаш мақсадида ундириладиган алиментлар Оила кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси ва бошқа қонун ҳамда ҳуқуқий ҳужжатларда, ўзига хос хусусиятлари билан айрим туркумдаги ишларидан фарқланади.¹

Мамлакатимизнинг фуқаролик процессуал қонунчилигида, суд буйруқларини чиқаришнинг қуйидаги талаблари ўз ифодасини топган:

1) агар талаб нотариал тасдиқланган битимга асосланган бўлса;

2) агар талаб ёзма битимга асосланган ва қарздор томонидан тан олинган бўлса, шу жумладан, агар коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса;

3) агар вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш ҳақидаги, оталикни белгилаш билан ёки учинчи шахсларни жалб этиш зарурати билан боғлиқ бўлмаган талаб арз қилинган бўлса;

4) агар ҳисобланган, лекин ходимга тўланмаган иш ҳақини ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса.

5) агар фуқаролардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзларни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса (ФПКнинг 238²-моддаси).

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, вояга етмаган болалар учун алимент ундириш ҳақидаги талаб бўйича суд буйруғи арз қилинган

¹ Шорахметов Ш.Ш. Суд буйруғи институти самарали иш юритиш туридир.// Нуқуқ ва бurch. 2006. № 3. – 13 б.

талаб оталикни белгилаш ёки учинчи шахсларни жалб этиш зарурати билан боғлиқ бўлмаса, чиқарилади. Шунингдек, биргина оталикни белгилаш ҳақидаги талаб арз қилинган ҳолда эмас, балки шу билан биргаликда иккинчи тараф томонидан оталик (оналик)ка нисбатан эътироз билдирилган ҳолларда ҳам суд буйруғи чиқариш мумкин бўлмайди. Ушбу ҳолатларнинг барчаси низо мавжудлигидан далолат бериб, суд буйруғи чиқаришни истисно этади.

Оила кодексининг 102-моддаси иккинчи қисмига асосан, алимент тўлаши шарт бўлган ота-онанинг иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромади доимо бир хилда бўлмай, ўзгариб турса ёхуд даромадининг бир қисмини натура тарзида оладиган бўлса, шунингдек даромаддан улуш тарзида алимент ундириш имконияти бўлмаса ёинки ота-она расман белгиланган иш ҳақи ёки даромадга эга бўлмаса, вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун тўланиши лозим бўлган алимент миқдори ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши мумкин. Шунга асосан вояга етмаган фарзанд таъминоти учун қатъий суммада алимент ундириш ҳақидаги талаб ҳам суд буйруғи тартибида кўрилиши мумкин эмас. Чунки мазкур масаланинг ҳал этилиши қонунда бундай ундириш имконияти билан боғлиқ шароитларнинг бор ёки йўқлигини текшириш зарурияти билан боғлиқ бўлади.

Оила кодексининг 136-моддаси учинчи қисми талабига кўра, вояга етмаган болалар учун алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб ундирилишини эътиборга олиб, вояга етмаган болалар учун алимент ундириш тартибида ўтган давр учун ҳам алимент ундириш талаби кўйилган бўлса, ўтган давр учун алимент ундириш ҳақидаги талаб Оила кодексининг 136-моддаси тўртинчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар аниқлангандагина қаноатлантирилиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, суд талаб берилган кундан бошлаб алимент ундириш ҳақида суд буйруғи бериб, ўтган давр учун алимент ундириш қисми бўйича эса ундирувчига даъво тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиради.

Мамлакатимизнинг фуқаролик процессуал қонунчилигида суд буйруқларини чиқариш институти нисбатан янги институт ҳисобланади. Лекин шундай бўлса-да, мазкур институт хўжалик ишларини кўрувчи судларда бир неча йиллардан буён амалда қўлланилиб келинади ҳамда бу борада катта тажриба ва амалиёт шаклланган. Хусусан, 1997 йил 30 августда қабул қилинган ХПКнинг 14-боби "Суд буйруқлари" деб номланиб, унда суд буйруғи

асосида қарзни ундириш, суд буйруғи бериш бўйича талаблар, аризани қабул қилишни рад этиш асослари, суд буйруғини бериш тартиби ва уни беришни рад этиш асослари ва бошқалар ўз аксини топган.

Хўжалик процессуал кодексига кўра, суд буйруқларини бериш асослари фуқаролик ишлари юзасидан суд буйруқларини чиқариш асосларидан бирмунча фарқланади. Хусусан, ХПКнинг 103-моддасига кўра, суд буйруғи судья томонидан қуйидаги ҳолларда яқка тартибда берилади:

1) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича боқимондаларни ундиришни ташкилотлар ва фуқароларнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида талаб қўйилса;

1-¹) коммунал хизматлар ва алоқа хизматлари тўловлари бўйича қарздорликни ундириш тўғрисида тасдиқловчи ҳужжатларга асосланган талаб қўйилса;

2) ҳужжатлар асосида тан олинган дебиторлик қарзини ундириш тўғрисида талаб қўйилса;

3) талаб тўланмаган, акцептланмаган ва акцептга сана қўйилмаган вексель нотариус томонидан протест қилинишига асосланса;

4) лизинг берувчи томонидан лизинг олувчидан ўз мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисида талаб қўйилса.

Айтиш жоизки, суд томонидан чиқарилган буйруқлар нотариуснинг ижро хатиغا ўхшаб кетади. Чунки, "Нотариат тўғрисида"ги Қонуннинг 76-моддасига кўра, нотариус қарздордан пул суммаларини ундириш ёки мол-мулкни талаб қилиб олиш учун қарздорликни белгилловчи ҳужжатларга ижро хатларини ёзиш ҳуқуқига эга бўлади.¹

Нотариус томонидан ижро хатлари қуйидаги ҳолларда ёзилади:

— тақдим этилган ҳужжатлар қарздорнинг ундириб олувчидан қарздор эканлиги ёки бошқа мажбуриятини шубҳасиз тасдиқласа;

— даъво қилиш ҳуқуқи вужудга келган кундан кундан бошлаб ўтган вақт уч йилдан ортиқ бўлмаса. Агар ижро хати бериш ҳақидаги талаб учун қонун ҳужжатларида бошқа муддат белгиланган бўлса, ижро хати шу муддат ичида берилади.

Ижро хатида ижро хатини ёзаётган нотариус исм-шарифининг бош ҳарфлари, фамилияси, лавозими, ундириб олувчининг

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й, N 2-42-модда.

номи ва манзили, қарздорнинг номи ва манзили, ундириб олиш амалга ошириладиган муддат, ундириб олинishi керак бўлган суммалар ёки талаб қилиб олинishi керак бўлган нарсалар, шу жумладан тўланиши керак бўлган пеня, фоизлар, ундириб олувчи тўлаган ёки қарздордан ундирилиши керак бўлган давлат божи ёки тариф суммалари, ижро хати ёзилган сана (йил, ой, кун); ижро хатининг реестрда қайд этилган тартиб рақами, ижро хатини ёзган нотариуснинг имзоси ҳамда нотариуснинг муҳри бўлиши лозим.

14.3. Буйруқ тартибида иш юритишни кўзгатиш тартиби ва асослари

Судда буйруқ тартибида иш юритиш куйидаги тўрт босқичдан иборат бўлади:

- 1. Буйруқ тартибида иш юритишни кўзгатиш;**
- 2. Суд буйруғини чиқариш;**
- 3. Суд буйруғини бекор қилиш;**
- 4. Суд буйруғини ижро этиш.**

Иш юритишни кўзгатиш буйруқ тартибида иш юритишнинг дастлабки босқичи сифатида муҳим аҳамият касб этади. Мазкур босқичда, аввало, суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини белгилаб олиш лозим.

Ундирувчи иш кўзгатиш ҳуқуқига эга бўлади. Шу ўринда ундирувчи томонида бир неча шахслар иштирок этиши ҳам мумкин. Масалан, агар бир неча шахслар қарздор билан бир турдаги моддий ҳуқуқий муносабатда бўлсалар, улар биргаликда суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўладилар. Таъкидлаш жоизки, қарздорлар томонидан ҳам шерик иштирокчиликка йўл қўйилади.

Фуқаролик процессуал қонунчилик ундирувчи номидан унинг манфаатларини ҳимоя қилиб вакилнинг иштирок этишини истисно этмайди. Хусусан, вояга етмаган фарзандлар учун уларнинг қонуний вакиллари алимент ундириш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилишлари мумкин бўлади. Шунингдек, фарзанднинг манфаатларини кўзлаб прокурор, васийлик ва ҳомийлик органлари ҳам алимент ундириш бўйича суд буйруғини чиқариш юзасидан судга ариза билан мурожаат қилишлари мумкин. Суд буй-

руғини чиқариш бўйича бошқа талаблар билан тегишли давлат органлари ҳам судга мурожаат қилишлари мумкин.

Суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризалар ФПКнинг 145-моддасига кўра, судловга тааллуқлилиқнинг умумий қоидалари бўйича берилади. Унга кўра, суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризалар жавобгар доимий яшаб турган ёки доимий машғул бўлган жойдаги судга берилади. Ташкилотларга нисбатан суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризалар эса уларнинг органлари жойлашган ҳудуддаги судга берилади.

Шунингдек, процессуал қонунчилик суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризалар учун даъвогарнинг танлаши бўйича судловлик қоидаларини ҳам белгилайди. Хусусан, алимент ундириш ҳақидаги талаб билан арз қилинганда, аризалар ФПКнинг 241-моддасига кўра, аризачи яшаб турган жойдаги судга ҳам тақдим этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Буйруқ тартибида иш юритишни тартибга солувчи қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 4-сонли қарорида тушунтириш берилишича, суд буйруғи чиқариш ҳақидаги талаб ФПКнинг 145-моддасида белгиланган судловга тааллуқлилиқнинг умумий қоидаларига амал қилинган ҳолда судга берилади. Шу билан бирга, қандайдаям фарзанднинг таъминоти учун алимент ундириш ҳақидаги талаб ундирувчи яшаётган жойдаги судга, ижро қилиш жойи кўрсатилган нотариал тасдиқланган битимга асосланган талаб ушбу талаб бажарилиши лозим бўлган жойдаги судга тақдим қилиниши ҳам мумкин.

Суд буйруғи қонунда белгиланган тартибда, шунингдек аниқ рўйхатда кўрсатилган талаблар асосида амалга оширилади. Битимларнинг ёзма, нотариал тартибда тасдиқланган битимларга асосланганлигининг аҳамияти шундан иборатки, битимнинг бундай шакллари ундирувчи ва қарздор ўртасида мавжуд бўлган моддий ҳуқуқий муносабатларни тўлиқ намоён қилиб, уларни рўёбга чиқаришга имкон беради.

Суд буйруғини чиқариш тўғрисида судга ёзма шаклда ариза билан мурожаат қилиш талаб этилади. Ариза шакли, мазмуни ва матнига қўйилган талаблар даъво аризасига қўйилган талабларга ўхшаш бўлади. Шу билан бирга, буйруқ чиқариш жараёнининг ўзига хослигини ҳисобга олиб, унинг шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини соддалаштирилган тартибда ҳимоя қилишини кўзда тутати. Лекин даъво аризаси билан мурожаат қилишдаги жараёндан фарқли равишда буйруқ тартибида иш юритишда

низосиз ва тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган талаблар қўриб чиқилади. Демак, суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризада талаблар баён қилиниб, уни асословчи ҳолатлар ва тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиш билан кифояланади. Лекин шундай бўлса-да, суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризаларнинг мазмунига алоҳида эътибор бериш лозим. Унда ариза берилган суднинг номи, ундирувчи ва қарздор шахснинг аниқ манзили, жойлашган жойи ва агар улардан бири юридик шахс бўлса, унинг реквизитлари, ундирувчининг талаби ва талабга асос бўлган ҳолатлар, арз қилинган талабни тасдиқловчи ва илова этилган ҳужжатлар рўйхати кўрсатилиши лозим. Агар ундирувчи томонидан кўчар мол-мулк талаб қилинаётган бўлса, аризада ушбу мол-мулкнинг қиймати ҳам кўрсатилиши талаб этилади.

Суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза ундирувчи ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан берилган аризага унинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжат илова этилиши лозим. Буйруқ тартибида иш юритиш ундирувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг соддалаштирилган усули эканлигидан келиб чиқиб, судлар аризани қабул қилишда ундирувчининг вакили томонидан берилган аризада вакилнинг номи ва манзили кўрсатилиши шарт эмаслигини назарда тутишлари лозим. Ундирувчи томонидан вакилга суд буйруғини олиш ва ижрога қаратиш ваколати берилган ҳолатлар бундан мустасно (Пленум қарорининг 3-банди).

Юқорида баён этилганидек, суд буйруғини чиқариш ҳақидаги ариза билан прокурор ҳам судга мурожаат қилиши мумкин. Лекин Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Буйруқ тартибида иш юритишни тартибга солувчи қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 4-сонли қароридан тушунтириш берилишича, прокурор фуқаро соғлиги, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмасагина, фуқаро манфаати юзасидан суд буйруғи чиқариш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин бўлади. Бундай ҳолда, суд буйруғи чиқариш ҳақидаги прокурорнинг аризасига арз қилинган талабни тасдиқловчи ҳужжатлардан ташқари, фуқаронинг судга мурожаат қила олмаслигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам илова қилиниши лозим (Пленум қарорининг 4-банди). Бинобарин, Пленум қароридан белгиланган мазкур тушунтириш янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни-

нинг “Прокурорнинг судга даъвоси” деб номланган 26-моддаси талабларига мувофиқ келади. Унга кўра, фуқаронинг суд тартибида ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва эркинликлари бузилса, лекин фуқаро соғлиғига, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлма-са, даъвони прокурор тақдим этади ва судда қувватлайди деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган.¹

Оила қонунчилиги талабларига мувофиқ, вояга етмаган болалар учун ақиласидан, бошқа ота-оналар, фарзандликка олувчи, берилиши мумкинлиги сабабли, улар ҳам суд буйруғи чиқариш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўладилар. Судья ФПКнинг 238²-моддасида кўрсатилган талаблар бўйича фақатгина ушбу талаб ҳужжат асосида тасдиқланган ҳамда талаб юзасидан қарздор томонидан эътироз билдирилмаган тақдирда суд буйруғини чиқариши мумкин. Шунга кўра, ундирувчи тарафлар ўртасида даъво тартибида ҳал қилиниши лозим бўлган ҳуқуқ тўғрисида низо мавжуд эмаслиги ҳақидаги ўз талабини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилиши шарт.

Суд буйруғини чиқариш тўғрисида ариза берганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли “Давлат божи ставкалари ҳақида”ги қарори асосида тасдиқланган иловага кўра, даъво ишларини юритиш учун белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи ундирилади. Хусусан, агар пул маблағларини ундириш тўғрисидаги талабларнинг баҳоси энг кам иш ҳақининг 20 бараваригача бўлган аризалардан талаблар баҳосининг 5 фоизи миқдорида, талабларнинг баҳоси энг кам иш ҳақининг 20 дан 40 бараваригача бўлганда, талаблар баҳосининг 10 фоизи миқдорида, талабларнинг баҳоси энг кам иш ҳақининг 40 дан 80 бараваригача бўлганда, талаблар баҳосининг 15 фоизи миқдорида, талабларнинг баҳоси энг кам иш ҳақининг 80 бараваридан кўп бўлганда эса талаблар баҳосининг 20 фоизи миқдорида давлат божи ундирилади.² Аризани қабул қилиш рад этилган тақдирда ундирувчи томонидан тўланган

¹ “Прокуратура тўғрисида”ги (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикасининг 29.08.2001 й. 257-II-сон Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2001 й. 9-10-сон, 168-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари тўплами. 1994. 11-сон, 49-модда.

давлат божи қайтариб берилади. Суд буйруғи бекор қилинган тақдирда тўланган давлат божи қайтариб берилмайди, балки у ундирувчи қарздорга нисбатан даъво иши юритиш тартибида ариза билан судга мурожаат этган тақдирда тўланиши лозим бўлган бож ҳисобига ўтказилади. Шу ўринда айтиш жоизки, ХПКнинг 106-моддасига кўра, суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза учун судга даъво билан умумий тартибда мурожаат қилганда низолашилаётган сумма асосида ҳисоблаб чиқилган ставканинг эллик фоизи миқдорида давлат божи тўланиши белгиланган.

Умумий қоида бўйича суд мажлисида иштирок этишга жалб қилинмаган тарафга нисбатан чиқарилган суд қарорлари чет давлатлар томонидан, шунингдек чет давлатларнинг шу тартибда қабул қилинган суд қарорлари Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинмайди ва ижро қилинмайди. Бир вақтнинг ўзида юқро ҳужжати ҳам бўлган суд буйруғини чиқариш тарафларни суд мажлисига чақириб, уларнинг тушунтиришларини эшитиш имкониятидан маҳрум қилиши сабабли қарздорнинг яшаш жойи ёки жойлашган манзили Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида эканлиги суд буйруғини чиқариш ҳақидаги аризани қабул қилишни рад этиш учун ҳам асос бўлади. Бундай ҳолда, ундирувчининг ҳуқуқлари қарздорга суд мажлиси ўтказилиши вақти ва жойи тўғрисида хабар берилган ҳолда ишни суд муҳокамасида кўриш орқали ҳимоя қилинади.

Агар ариза ФПКнинг 238³-моддаси талабларига жавоб бермаса ёки давлат божи тўланмаган бўлса, судья суд буйруғини чиқариш ҳақидаги аризани қабул қилиб, ўз ажрими билан ундирувчига камчиликларни бартараф этиш ёхуд давлат божини тўлаш учун кўпи билан уч кун муҳлат бериши мумкин. Ундирувчи белгиланган муддатда камчиликларни бартараф этса, давлат божини тўласа, ариза судга дастлаб тақдим этилган кундан қабул қилинган ҳисобланади. Акс ҳолда, судья қонун талабига мувофиқ аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради. Суд буйруғи чиқариш ҳақидаги аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим уч кундан кечиктирилмай чиқарилади ва маъмуни бўйича ФПКнинг 153-моддаси талабига жавоб бериши лозим. Судлар суд буйруғи чиқариш ҳақидаги аризани қабул қилишни рад этиш асосларини суд буйруғи чиқаришни рад этиш асосларидан фарқлай билишлари керак. Чунки, ФПКнинг 238⁵-моддасида кўрсатилган суд буйруғи чиқариш ҳақидаги аризани қабул

қилишни рад этиш асосларидан фарқли равишда, суд буйруғи чиқаришни рад этиш учун ариза қабул қилинганидан кейин тарафлар ўртасида ҳуқуқ тўғрисидаги низо мавжудлиги, шунингдек арз қилинган талабнинг ФПКнинг 238²-моддасида назарда тутилмаганлиги асос бўлади. Суд буйруғи чиқаришни рад қилиш тўғрисида судья ажрим чиқаради.

Аризани қабул қилишни рад этиш ҳамда суд буйруғи чиқаришни рад этиш ундирувчини шу талаб бўйича даъво тартибида судга муурожаат қилиш ҳуқуқидан махрум қилмаслиги сабабли, шу тўғрида чиқарилган суд ажримлари устидан шикоят берилмайди. ФПКнинг 238²-моддасида назарда тутилган талаблар бўйича ундирувчи суд буйруғи чиқариш ҳақидаги ариза билан ёки даъво талаби тартибида муурожаат қилишга ҳақли. Мазкур ҳолатда суд даъво талабини қабул қилиш ва ишни даъво тартибида кўришни рад қилишга ҳақли бўлмайди.

Судья суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризани қабул қилишни ФПКнинг 152-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этади. Бундан ташқари судья куйидаги ҳолларда аризани қабул қилишни рад этишга ҳақли, агар:

- 1) *арз қилинган талаб ФПКнинг 238²-моддасида назарда тутилмаган бўлса;*
- 2) *қарздор Ўзбекистон Республикаси судлари юрисдикцияси доирасидан четда бўлса;*
- 3) *арз қилинган талабни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса;*
- 4) *ҳуқуқ тўғрисида низо мавжуд деб ҳисобланса;*
- 5) *аризанинг шакли ва мазмуни ФПКнинг 238³-моддаси талабларига жавоб бермаса;*
- 6) *ариза берганлик учун давлат божи тўланмаган бўлса.*

Аризани қабул қилишнинг рад этилиши ундирувчининг ушбу талаб бўйича даъво ишини юритиш тартибида даъво тақдим этишга тўсқинлик қилмайди. Агар ундирувчи судьянинг кўрсатмаларига мувофиқ, у белгиланган муддатда камчиликларни бартараф этса, давлат божини тўласа, ариза судга дастлаб тақдим этилган куни берилган ҳисобланади. Акс ҳолда, судья ФПКнинг 238⁵-моддасига мувофиқ аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради. Фуқаролик процессуал қонун талабларига жавоб берган ҳолда судга тақдим этилган буйруқ чиқариш тўғрисидаги ариза суд томонидан қабул қилинади.

14.4. Суд буйруғини чиқариш

Фуқаролик процессуал қонунчилиқда суд буйруғини чиқариш учун процессал муддат белгиланган бўлиб, унга кўра суд буйруғи ариза келиб тушган кундан эътиборан уч кун ичида судья томонидан чиқарилади. Суд буйруғини бериш тўғрисидаги масалани судья ундирувчи ва қарздорни чақирмасдан ҳал этади. Суд буйруғи ишни мазмунан кўрмасдан, судьянинг яққа ўзи томонидан чиқариладиган ҳужжат ҳисобланади. Ушбу ўринда судья гувоҳ кўрсатмаларини ва эксперт хулосаларини текширмайди, ундирувчи ва қарздорнинг тушунтиришларини эшитмайди, у мавжуд ҳужжатлар асосида ўз буйруғини чиқаради.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2006 йил 3 февралдаги "Буйруқ тартибида иш юритишни тартибга солувчи қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарорининг 19-бандида ФПКнинг 238^б-моддаси талабларига кўра, суд буйруғи ҳал қилув қароридан фарқ қилиб, унда баён ва асослантурувчи қисмлар мавжуд бўлмасдан, талабларни қаноатлантиришга асос бўлган моддий қонун нормасини кўрсатиш билан чегараланишига судларнинг эътибори қаратилиши юзасидан тушунтиришлар берилади.¹

Суд буйруғининг кириш қисмида қуйидагилар кўрсатилади:

- иш юритиш тартиб рақами ва буйруқ чиқарилган сана;
- суднинг номи, буйруқ чиқарган судьянинг фамилияси ҳамда исми, отасининг исми бош ҳарфлари;
- ундирувчининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), яшаш жойи ва жойлашган ери;
- қарздорнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), яшаш жойи ва жойлашган ери.

Судья ўз буйруғида ундирувчининг талабини қондириш учун асос бўлган қонунни кўрсатиши лозим бўлади. Бир қарашда бу суд буйруғининг асослантурувчи қисмига ўхшаса-да, лекин ушбу қисмда ҳужжатлар, бошқа фактик ҳолатлар текширилмайди ва ҳуқуқий таҳлил этилмайди.

Суд буйруғининг хулоса қисмида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- талабни қондириш учун асос бўлган қонун;

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси. 2006. № 1.

• ундирилиши лозим бўлган пул суммасининг миқдори ёки талаб қилиб олинishi лозим бўлган кўчар мол-мулкнинг қиймати ҳам кўрсатилган ҳолдаги белгиси;

• агар қонунда ёки шартномада неустойка ундириш назарда тутилган бўлса, неустойка миқдори;

• қарздордан ундирилиши лозим бўлган давлат божининг суммаси;

• арз қилинган талабга қарши қарздор томонидан эътироз билдириш муддати ва тартиби.

Вояга етмаган болалар учун алимент ундириш тўғрисидаги суд буйруғида ФПКнинг 238⁸-моддаси 1-5 ва 8-бандларида назарда тутилган маълумотлардан ташқари, шунингдек қарздорнинг туғилган санаси ва жойи, таъминоти учун алимент ундирилиши лозим бўлган боланинг исми ва туғилган санаси, қарздордан ҳар ойда ундирилаётган тўловлар миқдори ва уларнинг ундирилиш муддати ҳам кўрсатилиши лозим. Суд буйруғи судья томонидан имзоланади. Суд буйруғи суднинг муҳри билан тасдиқланган бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада чиқарилади. Ушбу асп нуханинг биттаси судда қолса, иккинчи нухаси ижро этишга тақдим қилиш учун ундирувчига берилади. Суд буйруғининг кўчирма нухаси у чиқарилганидан кейин дарҳол қарздорга юборилади.

14.5. Суд буйруғини бекор қилиш

Фуқаролик процессуал қонунчилик суд буйруғи чиқарилганидан кейин судьяга унинг кўчирма нухасини дарҳол қарздорга юбориш мажбуриятини юклайди. Суд буйруғининг кўчирма нухасини олган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида қарздор арз қилинган талабга қарши ўз эътирозларини буйруқни чиқарган судга юборишга ҳақли бўлади. Таъкидлаш жоизки, ФПКнинг 238⁹-моддасида назарда тутилган суд буйруғининг нухасини қарздорга дарҳол юбориш тартиби, шунингдек ФПКнинг 238¹⁰-моддасида кўрсатилган суд буйруғини бекор қилиш асослари қарздор ҳуқуқларининг кафолати ҳисобланади. Агар белгиланган муддатда қарздордан арз қилинган талабга қарши эътирозлар тушса, судья суд буйруғини бекор қилиб, бу ҳақда ажрим чиқаради. Суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги ажримда судья ундирувчига арз қилган талабни даъво ишларини юритиш тартибида тақдим этиш мумкинлигини тушунтиради. Суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги ажримнинг нухалари ажрим чиқарилганидан кейин уч

кундан кечиктирмай тарафларга юборилади. Агар белгиланган муддатда қарздордан судга эътироз тушмаса, судья суднинг муҳри билан тасдиқланган суд буйруғини ижро этишга тақдим қилиш учун ундирувчига беради. Ундирувчининг илтимосига кўра, суд буйруғи ижро этиш учун бевосита суд томонидан юборилиши ҳам мумкин. Қарздордан давлат божини ундириш мақсадида суднинг муҳри билан тасдиқланган суд буйруғининг алоҳида нусхаси ижро этиш учун бевосита суд томонидан юборилади. Қонун талабига кўра, қарздорнинг давлат божи миқдори юзасидан келтирган эътирозлари суд буйруғини бекор қилиш учун асос бўла олмайди, чунки давлат фойдасига давлат божи ундириш ундирувчи ва қарздор ўртасидаги муносабатларга дахлдор эмас. Фақат асосий талаблар юзасидан билдирилган эътирозларгина суд буйруғини бекор қилиш учун асос бўлади. Суд буйруғига нисбатан эътироз билдириш учун қонунда белгиланган ўн кунлик муддатнинг қарздор томонидан ўтказиб юборилганлиги суд томонидан узрли деб топилган тақдирда, суд унинг аризасига асосан ушбу муддатни тиклаши мумкин. Муддатни тиклаш ҳақида ариза билан муружаат қилинмасдан туриб, муддат ўтказилгандан сўнг берилган шикоятлар суд томонидан кўрилмайди ва муаллифга қайтарилади.

ФПКнинг 238⁹-моддасида кўрсатилган қарздор томонидан эътирозлар тақдим қилиниши мумкин бўлган ўн кунлик муддат процессуал муддатлар тоифасига кириши сабабли ушбу муддатларга нисбатан ФПКнинг 12-бобида кўрсатилган талаблар қўлланилиши, шу жумладан, ўтказилган муддатни тиклаш ҳақидаги аризани рад этиш тўғрисидаги ажримга нисбатан ФПКнинг 130-моддасига мувофиқ хусусий шикоят келтириш мумкин бўлади. Суд буйруғи шаклида қабул қилинадиган суд қарорлари барча субъектлар учун мажбурий ҳисобланади ва республика ҳудудида сўзсиз ижро этилиши лозим. Бунда суд буйруқлари бошқа суд ҳужжатларидан, уларни ижрога қаратишда, ижро варақасини беришни талаб қилишда фарқ қилади, чунки суд буйруғининг ўзи ижро ҳужжати бўлиб ҳисобланади ва бевосита ижро этилади.

14.6. Суд буйруғини ижро этиш

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 238¹-моддасига мувофиқ, суд буйруғи ижро ҳужжати кучига эга эканлиги белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш

тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасига кўра, суд буйруғи ижро хужжати ҳисобланади. Суд буйруғи бўйича ундирув буйруқ берилганидан кейин ва суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

14.7. Хўжалик процессида суд буйруғини бериш тартиби, асослари ва унинг фуқаролик процессида буйруқ тартибида иш юритишдан фарқли жиҳатлари

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш, судларнинг мустақиллигини, суд ишларининг ошкоралигини таъминлаш ҳамда суд ишларини соддалаштириш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, хўжалик юритувчи субъектларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини тез ва самарали ҳимоя қилишга қаратилган процессуал қонунчиликни такомиллаштиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилишнинг соддалаштирилган усулларида фойдаланишнинг долзарблиги ортиб бораётган бир пайтда хўжалик ишларини кам харажатли ҳамда тарафлар ўртасидаги низоли бўлмаган хўжалик муносабатларини ортиқча сансалорликларсиз тартибга солишга қаратилган нормалари қарийб ўн йил муқаддам ХПКда мустақамлаб қўйилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. нинг 1997 йил 30 августдаги Қонуни билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги Қарорига мувофиқ 1998 йил 1 январдан амалга киритилган ХПКнинг “Суд буйруғи” деб номланган 14-бобида суд буйруғи асосида қарзни ундириш, суд буйруғи бериш бўйича талаблар, аризининг шакли ва мазмуни, ариза қабул қилишни рад этиш асослари, суд буйруғи бериш тартиби ва уни беришни рад этиш асослари, суд буйруғининг мазмуни ва уни бекор қилиш каби масалалар ўз ифодасини топган.¹

Давр талабидан келиб чиқиб, хўжалик ишлари бўйича суд буйруқларини чиқариш такомиллашиб бормоқда. Бунинг натижаси сифатида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексига

¹ Ўзбекистон Республикасининг Ахборотномаси. 1997 йил, N 9, 234-модда; 1998 йил, N 5-6, 102-модда; 2001 йил, N 1-2, 11-модда; 2002 йил, N 9, 165-модда.

бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Адабиётларда ҳам хўжалик судининг иш юритувида соддалаштирилган ҳуқуқий жараёнлардан, хусусан суд буйруғига оид иш юритувидан фойдаланиш суд ҳимоясининг умумийлигини ва амалий натижасини оширишга олиб келиши, суд буйруқларининг мақсади – кредиторларга қарздорларнинг ўзи низосиз деб тан оладиган талаблари юзасидан ижро кучига эга бўлган қарорларни олишни соддалаштириш, ушбу низосиз ишларнинг ҳажмини умумий иш юритувидан ажратиш ва улар учун мажбурий ундирувнинг янада соддароқ, қисқароқ ва арзонроқ шаклини яратиш, шу билан бирга ушбу шакл қарздорга унинг мажбурияти ҳақида эслатиш, кредиторнинг асосланган талабларини ихтиёрий равишда қаноатлантиришга рағбатлантириш эканлиги баён этилади.¹

ХПКнинг 102-моддасида суд буйруғига таъриф бериб ўтилган бўлиб, унга кўра, суд буйруғи кредиторнинг пул суммасини ундириш ёки ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш ҳақидаги ёхуд қарздордан низосиз талаблар бўйича мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги аризаси бўйича судья чиқарган ҳужжатдир. Ушбу ўринда шуни таъкидлаш керакки, қонунда белгиланган мазкур таърифга Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ қўшимчалар киритилган. Унга кўра “Суд буйруғи кредиторнинг пул суммасини ундириш ёки ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш ҳақидаги” деган сўзлардан кейин “ёхуд қарздордан низосиз талаблар бўйича мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисидаги”, деган сўзлар билан тўлдирилган. Бу эса суд буйруғи тартибда қарздордан мол-мулкни талаб қилиб олиш низосиз бўлиши лозимлигидан далолат беради. Зеро, хўжалик ишлари бўйича суд буйруқлари низосиз ишларни ҳал этишнинг энг қулай ва самарали усулларидан биридир. ФПКнинг 238¹-моддасида белгилангани каби, хўжалик ишлари бўйича чиқарилган суд буйруқлари ҳам ижро ҳужжати кучига эга бўлади ва суд буйруғи бўйича ундирув буйруқ берилгандан сўнг ўн кунлик муддат ўтгач суд ҳужжатларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади (ХПКнинг 102-моддаси).

¹ Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексига шарҳлар / Муаллифлар жамоаси: М.Э.Абдусаломов, М.К.Азимов, Х.Бурхонходжаева ва бошқ. –Тошкент: “Иқтисодийёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2002. -185 б.

Судга буйруқни бериш ҳақидаги талаб билан бир вақтнинг ўзида бир неча ундирувчи мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин. Шунингдек, қарздор томонидан ҳам бир неча шахсларнинг жалб этилишига йўл қўйилади. Фуқаролик ишлари бўйича чиқариладиган суд буйруқларидан фарқли равишда хўжалик ишлари юзасидан кредитор суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризанинг нусхасини албатта қарздорга топшириши шарт бўлади. Лекин шундай бўлса-да, суд буйруғи тарафларни чиқармасдан ва суд муҳокамасини ўтказмасдан чиқарилади. Суд буйруқлари судья томонидан якка тартибда қонунда белгиланган талаблар асосида берилади. Суд буйруғи бериш бўйича талаблар ўз мазмун-моҳияти билан фуқаролик ишлари бўйича чиқариладиган суд буйруқларидан фарқланади. ХПКнинг 103-моддасига кўра, суд буйруғи судья томонидан қуйидаги ҳолларда якка тартибда берилади:

1) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича боқимондаларни ундиришни ташкилотлар ва фуқароларнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида талаб қўйилса;

1-¹) коммунал хизматлар ва алоқа хизматлари тўловлари бўйича қарздорликни ундириш тўғрисида тасдиқловчи ҳужжатларга асосланган талаб қўйилса;

2) ҳужжатлар асосида тан олинган дебиторлик қарзини ундириш тўғрисида талаб қўйилса;

3) талаб тўланмаган, акцептланмаган ва акцептга сана қўйилмаган вексель нотариус томонидан протест қилинишига асосланса;

4) лизинг берувчи томонидан лизинг олувчидан ўз мол-мулкани талаб қилиб олиш тўғрисида талаб қўйилса.

ХПКнинг 104-моддасига кўра, суд буйруғини бериш тўғрисида қарздор хўжалик судига ёзма шаклда ариза билан мурожаат қилиши лозим. Мазкур аризалар судловга тегишлиликнинг умумий қоидалари бўйича берилади. Унга кўра, даъволар жавобгар жойлашган ердаги хўжалик судига тақдим этилади. Юридик шахсга нисбатан унинг алоҳида бўлинмаси фаолиятдан келиб чиқадиган даъволар алоҳида бўлинма жойлашган ерда тақдим этилади. Суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза кредитор ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланадиган аризага ишончнома илова қилиниши лозим.

Аризада қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1) ариза берилётган хўжалик судининг номи;

- 2) кредиторнинг, қарздорнинг номи ва уларнинг манзиллари;
- 3) кредиторнинг қонун ҳужжатларига асосланган талаби;
- 4) талабга асос бўлган ҳолатлар ва уларни тасдиқловчи далиллар;
- 5) ундириладиган сумманинг ҳисоб-китоби, лизинг объекти талаб қилиб олинган тақдирда эса лизинг шартномасида белгиланган, тўланмаган тўловларнинг лизинг берувчининг лизинг шартномаси муддати тугагунига қадар қолган даврдаги даромадини чегириб ташлаган ҳолдаги сумманинг ҳисоб-китоби;
- 6) илова қилинган ҳужжатлар рўйхати.

Юқорида таъкидланганидек, кредитор суд буйруғини бериш тўғрисида ариза берганида қарздорга шу аризанинг нусхасини топшириши шарт бўлади. Қарздор томонида бир неча шахслар иштирок этадиган бўлса, у ҳолда ариза ҳамда унга илова қилинаётган ҳужжатлар ҳар битта қарздорга алоҳида-алоҳида юборилиши шарт. Суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза учун судга даъво билан умумий тартибда мурожаат қилинганда низолаштилаётган сумма асосида ҳисоблаб чиқилган ставканинг эллик фоизи миқдоридан давлат божи тўланади. Бу эса қарздорга бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишга имконият яратади. Адабиётларда ҳам давлат божи ставкасини кам белгиланганлиги, ишни кўриб чиқиш тартибини танлаш имкони мавжудлиги, бу қоида кредиторларнинг қарздорларга нисбатан талабларини буйруқ бериш тартибида кўриб чиқилишига рағбатлантириши кераклиги юзасидан фикрлар илгари сурилган.

Суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қабул қилиш рад этилган тақдирда ундирувчи тўлаган давлат божи ундирувчи томонидан қарздорга умумий тартибда даъво тақдим этилганда тўланиши лозим бўлган бож ҳисобига ўтказилади. ХПКнинг 107-моддасида суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этиш асослари кўрсатилган. Унга кўра, судья қуйидаги ҳолларда суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этади:

- 1) билдирилган талаб ХПКнинг 103-моддасида назарда тутилмаган бўлса;
- 2) ариза ХПКнинг 104-моддасида белгиланган талабларга риоя қилмаган ҳолда берилган бўлса;

¹ Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексига шарҳлар / Муаллифлар жамоаси: М.Э.Абдусаломов, М.К.Азимов, Х.Бурхонходжаева ва бошқ. –Тошкент: "Иқтисодийёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 2002. -189 б.

3) билдирилган талабни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса;

4) қарздорга ариза нусхаси топширилгани тўғрисидаги далиллар тақдим этилмаган бўлса;

5) билдирилган талаб учун давлат божи тўланмаган бўлса.

Судья аризани қабул этишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради, мазкур ажрим устидан апелляция инстанцияси судига шикоят қилиш мумкин. Ушбу ажрим буйруққа оид иш юритув бўйича судья томонидан чиқариладиган биринчи процессуал ҳужжат ҳисобланади. Аризани қабул қилишни рад этиш кредиторнинг ўша талаб бўйича умумий тартибда даъво тақдим этиш имкониятидан маҳрум қилмайди. Олий ҳўжалик суди Пленумининг "Ўзбекистон Республикаси Ҳўжалик процессуал кодексининг суднинг биринчи инстанциясида қўлланилиш амалиёти ҳақида"ги 2000 йил 28 январдаги 82-сонли қарорининг 4-бандига кўра, ХПКнинг 1-моддасига мувофиқ ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ёхуд қонун билан кўрикланаётган манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб ҳўжалик судига муурожаат қилишга ҳақли. Суд буйруғини бериш ҳақидаги ва даъво аризасини қабул қилишни рад этиш асослари рўйхати ХПКнинг 107, 117-моддаларида белгилаб қўйилган ва кенг талқин этилиши мумкин эмас.¹ Қарздор унга суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза нусхаси топширилган пайтдан бошлаб ўн кунлик муддатда ҳўжалик судига кредитор талабларига қарши эътирозларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган фикр-мулоҳазасини тақдим этишга ҳақли бўлади. Фикр-мулоҳаза қарздор ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган фикр-мулоҳазага ишончнома илова қилинади.

ХПКнинг 108-моддаси қиддасига биноан белгиланган муддатда қарздор томонидан ёзма фикрнинг берилмаслиги, шунингдек унинг билдирилган талабга розилиги суд буйруғини бериш учун асос бўлади, чунки суд буйруғи тарафларни қақиртирмасдан берилади ва бундай ишлар бўйича суд муҳокамаси (тортишуви) ўтказилмайди. ХПКнинг 109-моддасида суд буйруғини бериш тартиби ва уни беришни рад этиш асосларини мустаҳкамловчи нормалар баён этилган бўлиб, унга кўра, судья суд буй-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари тўплами 1993-2001 / Сборник Постановлений Пленума и Президиума Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан. – Тошкент: Адолат, 2001. –Б. 132-145.

руғини ишни судда муҳокама қилмасдан, қарздор ва ундирувчини чақирмасдан ҳамда уларнинг тушунтиришларини эшитмасдан беради. Лекин қонун судьяга суд буйруғини беришни рад этиш ваколатини беради. Унга кўра, агар қарздор билдирилган талабга рози бўлмаса, суд буйруғини бериш рад этилади. Қарздор билдирилган талабга нисбатан норозилиги ёзма шаклда бўлиб, у судга тақдим этилади. Ундирувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида ҳуқуқ тўғрисидаги мавжуд низони ҳал этиб бўлмайди, деб ҳисобланган тақдирда ҳам судья суд буйруғини чиқришни рад этади ва бу ҳақда ажрим чиқаради. Судьянинг суд буйруғини беришни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан апелляция ва кассация тартибда шикоят қилиниши мумкин. Суд буйруғини беришни рад этиш ўша талаб бўйича умумий тартибда даъво тақдим этиш имкониятидан маҳрум қилмайди.

Суд буйруғининг мазмунига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Суд буйруғининг мазмуни ХПКнинг 110-моддаси қоида-сида кўрсатилган бўлиб, унга кўра, суд буйруғида куйидагилар кўрсатилиши лозим: хўжалик судининг номи ва буйруқ берилган сана, ишнинг тартиб рақами, судьянинг фамилияси ва исм-шарифининг бош ҳарфлари, талаб нима ҳақда эканлиги, қарздор ва кредиторнинг номи, уларнинг манзиллари, ундирилиши лозим бўлган пул суммасининг миқдори ёки талаб қилиб олинishi лозим бўлган мол-мулк ва унинг қиймати, агар тўланиши лозим бўлса неустойка, қарздордан ундирувчи ёки давлат фойдасига ундирилиши лозим бўлган давлат божининг суммаси. Хўжалик ишлари бўйича бериладиган суд буйруғида ундирувчига тўланиши лозим бўлган неустойка кўрсатилиши мумкин. Шу ўринда Фуқаролик кодексининг 260-моддасида нестойкага таъриф берилган бўлиб, унга кўра, қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси неустойка ҳисобланади. Неустойка тўлаш ҳақидаги талаб бўйича кредитор ўзига ётказилган зарарни исботлашга мажбур эмас. Неустойка билан фақат ҳақиқий талаб таъминланади.

Агар қарздор мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлмаса, кредитор неустойка тўлашни талаб қилишга ҳақли эмас.¹ Суд буйруғи судья

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (2003 йил 24 июнча бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр. –Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2003 й. -496.

томонидан икки нусхада имзоланади, улардан бири ишда қолади, бошқаси хўжалик судининг гербли муҳри билан тасдиқланиб, ундирувчига берилади. Агар қарздор узрли сабаб билан кредиторнинг талабига қарши ўз вақтида эътироз билдириш имкониятига эга бўлмаган бўлса, суд буйруғи берилган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда ўша судга суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақли бўлади. Суд эса ўз навбатида қарздорнинг эътирозини қабул қилиш масаласини ҳал этар экан, унинг кредитор талабига қарши ўз вақтида эътироз билдирмаганлигининг сабабларини аниқлашга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириши керак. ХПКнинг 111-моддаси мазмунидан агар қарздор кредиторнинг талабига қарши эътироз билдириш имкониятига эга бўла туриб, ўз вақтида эътироз билдирмаган бўлса, унинг суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги аризаси қабул қилинмаслиги тушунилади. К.И.Убайдиллоев ҳам суд буйруғи уни берган суд томонидан қарздорнинг суд буйруғи берилганидан сўнг ўн кунлик муддатда берилган аризасига кўра бекор қилиниши мумкин, агарда қарздор аризачининг талабларига узрли сабабларга кўра эътироз билдириш имкониятига эга бўлмаганлигини исботлай олса, деган фикрни билдиради.¹

Бизнингча, ХПКнинг 111-моддасида агар қарздор кредиторнинг талабига қарши эътироз билдириш имкониятига эга бўла туриб, ўз вақтида эътироз билдирмаган бўлса, унинг суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги аризаси қабул қилиш ёки қабул қилмаслик масалалари ўз ифодасини топиши лозим.

Мазкур моддада судья қарздорнинг аризасини қабул қилгудек бўлса, бундай ҳолда буйруқни бекор қилиши, шундан кейин кредиторнинг талаби умумий тартибда кўриб чиқиши мумкинлиги ҳақидаги қоида белгиланган. Лекин судья қарздорнинг суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги аризасини қабул қилмаган тақдирда қандай ҳуқуқий оқибат келиб чиқишига оид қоида мазкур нормада назарда тутилмаган.

Беларусь Республикаси ХПКнинг 226-моддасида ҳам агар қарздор узрли сабаб билан кредиторнинг талабига қарши ўз вақтида эътироз билдириш имкониятига эга бўлмаган бўлса, суд буйруғи берилган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда ўша судга суд буйруғини бекор қилиш тўғрисида

¹ Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексига шарҳлар / Муаллифлар жамоаси: М.Э.Абдусаломов, М.К.Азимов, Х.Бурхонходжаева ва бошқ. –Тошкент: "Иқтисодийёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёт уйи, 2002. -194 б.

ариза беришга ҳақли эканлиги тўғрисида норма мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, ушбу Кодексда ҳам судья қарздорнинг суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги аризасини қабул қилмаган тақдирда қандай ҳуқуқий оқибат келиб чиқиши назарда тутилмаган.¹

Судьянинг суд буйруғини бекор қилиш тўғрисида ажрим чиқариши, кредитор талабининг умумий тартибда кўриб чиқилишига асос бўлиши мумкин. Хўжалик процессуал қонун суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилишни назарда тутмаган. Чунки мазкур ажрим ишнинг кейинчалик ҳаракатда бўлишига тўсқинлик қилмайди, манфаатдор шахсларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини чекламайди. Лекин суд буйруғини бекор қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши мумкин. Қарздор мазкур ажрим устидан апелляция ёки кассация тартибда шикоят қилишга ҳақли бўлади. Хўжалик ишлари юзасидан берилган суд буйруқларини ижро этиш Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуни билан тартибга солинади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хўжалик судлари қарорлари ижросини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳақида"ги 1997 йил 28 февралдаги 62-сонли қарорида хўжалик судлари томонидан бериладиган ижро варақалари ва суд буйруқлари ижро ҳужжатлари ҳисобланиши юзасидан тушунтириш берилган.² Унда пул маблағларини ундириш бўйича ижро варақалари ва суд буйруқлари беш кун муддат ичида ундирувчи, давлат бюджетига маблағ ундиришда эса солиқ идорасига юборилиши, солиқ идораси ўз навбатида ижро варақаларини ва суд буйруқларини белгиланган тартибда ижро этиш учун банкка юбориши белгиланади.

Мазкур Пленум қарорида, шунингдек хўжалик судининг бошқа ҳужжатлари каби суд буйруқларининг ҳам ижро этилиш тартиби кўрсатиб ўтилади. Унга кўра, мулкни асл ҳолида ундириш, бино ва бошқа объектларни бўшатиш ёки олиб бериш, пул ўтказиш билан боғлиқ бўлмаган маълум ҳаракатларни амалга оши-

¹ Хозяйственный процессуальный кодекс Республики Беларусь от 15 декабря 1998 г. № 219-З. Принят Палатой представителей 11 ноября 1998 года, Одобрен Советом Республики 26 ноября 1998 года. http://www.pravo.by/webnpa/text.asp?RN=НК_9800219#с24

² Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари тўплами 1993-2001 / Сборник Постановлений Пленума и Президиума Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан. -Ташкент.: Адолат, 2001. -Б. 75-80.

риш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги ижро варақалари ва суд буйруқлари ундирувчига берилади ёхуд унинг илтимосига асосан Фуқаролик процессуал кодексининг тегишли бўлим қондаларига мувофиқ ижро этиш бевосита суд ижрочиларига юборилиши кўрсатилган. Агар қарздор мазкур суд судловидаги ҳудудда бошқа жойга чиққан, лекин Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқмаган бўлса ва унинг манзили суд ижрочисига маълум бўлса, суд ижрочиси ундирувчини хабардор қилган ҳолда ижро варақаси ёки суд буйруғини қарздорнинг янги манзилида жойлашган суд ижрочисига жўнатади. Ижро юритиш тугатилган тақдирда бу ҳақдаги ижро варақаси ёки суд буйруғи тегишли ёзув (белги) билан ушбу ҳужжатни берган судга ёки ундирувчига жўнатилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Буйруқ тартибида иш юритиш тушунчаси, аҳамияти ва ўзига хос хусусиятларини тушунтириб беринг.
2. Суд буйруғини чиқариш асосларини баён этинг.
3. Хўжалик ишлари бўйича чиқарилган суд буйруқларининг фуқаролик ишлари юзасидан чиқарилган суд буйруғидан фарқли жиҳатлари нимада?
4. Буйруқ тартибида иш юритишни кўзғатиш тартиби қандай?
5. Суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги аризага қўйилган талаблар ва аризани суд томонидан қабул қилишни рад этиш асосларини баён этинг.
6. Суд буйруғининг суд ҳал қилув қароридан фарқи нималарда намоён бўлади?
7. Суд буйруғини бекор қилиш тартиби ҳақида гапиринг.
8. Фуқаролик процессуал қонунчилигидаги буйруқ тартибида иш юритишнинг Хўжалик процессуал кодексидagi буйруқ тартибида иш юритишдан қандай фарқли жиҳатлари мавжуд?
9. Мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигидаги буйруқ тартибида иш юритишнинг МДХга аъзо давлатларнинг шу ҳақдаги қонундаги буйруқ тартибида иш юритишдан фарқли томонлари нимада?
10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Буйруқ тартибида иш юритишни тартибга солувчи қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори ҳақида гапириб беринг.

МАХСУС АДАБИЁТЛАР:

- 1 Аргунов В. Судебный приказ и исполнительная надпись // Российская юстиция. – 1996. - № 7.
- 2 Аргунов В. Н. Заочное производство и судебное решение // Хозяйство и право. 1997. № 2.
- 3 Арипов А. Суд буйруғи институти: муаммо ва ечим // Ҳаёт ва қонун. 2004. № 3.
- 4 Айрим туркумдағи фуқаролик ишларини судда кўришнинг процессуал хусусиятлари /Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. Ш.Ш.Шорахметов. /Муаллифлар жамоаси. –Тошкент.: ТДЮИ нашриёти, 2006, -248 б.
- 5 Ахмедов А.А. Суд буйруғи институти амалда фуқаролар манфаатига хизмат қилмоқда // “Куч адолатда” газетаси, 2012 йил, 10 август 31 (388) сони.
- 6 Баймолдина З.Х. Направления модернизации гражданского процессуального законодательства Республики Казахстан. Теоретические проблемы развития системы законодательства Республики Казахстан: тенденции и перспективы: Сборник материалов международной научно-практической конференции 12 апреля 2007 г. –Астана: ТОО «Институт законодательства РК»-2007. – 255 с.
- 7 Елисеев Н.Г. Гражданское процессуальное право зарубежных стран: учеб. -2-е изд., прераб. и доп. –М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. -624 с.
- 8 Жуйков В. М. Проблемы гражданского процессуального права. –М.: 2001. С. 63–64.
- 9 Жамолов Б. Суд ислоҳотлари инсон манфаатлари ҳимоясида. // *Huquq va burch* . 2006. № 4-5. –Б. 2-3.
- 10 Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу. Под ред. М. К. Треушникова. –М.: Спарк. 1996.
- 11 Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации. –М.: БЕК. 1997.
- 12 Курас Т.Л. Вопросы заочного производства в гражданском процессе РФ // Сибирский юридический вестник. 2003 - № 4.
- 13 Курас Т.Л. Проблемы заочного производства в гражданском процессе РФ. Сибирский юридический вестник. 2004 - № 3.
- 14 Лонская С. Заочное решение в гражданском процессе: требуются уточнения // Рос. юстиция. 2002. № 3. -10 с.

- 15 Масленникова Н.И. Судебный приказ// Российский юридический журнал. –1996-№3 –39 с.
- 16 Мамасиддиқов М.М. Суд буйруғи институти // Инсон ва қонун. 2004 й. 14 декабрь сони.
- 17 Мамасиддиқов М.М., Хабибуллаев Д.Ю. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. (Схема ва жадваллар). Ўқув-услубий қўлланма. –Тошкент.: ТДЮИ, 2006. -168 б.
- 18 Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш масалалари хусусида. //Фалсафа ва ҳуқуқ. 2006 й. № 3. –Б. 60-63.
- 19 Мамасиддиқов М.М. “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал қонунчилигини ривожлантиришнинг замонавий йўналишлари”. ТДЮИ Ахборотномаси, 2007 йил № 2. –Б. 46-49.
- 20 Мамасиддиқов М.М. “Теоретические проблемы развития гражданского процессуального законодательства Республики Узбекистан”. Теоретические проблемы развития системы законодательства Республики Казахстан: тенденции и перспективы: Сборник материалов международной научно-практической конференции 12 апреля 2007 г. – Астана: ТОО «Институт законодательства РК»-2007. –С. 263-267.
- 21 Мамасиддиқов М.М. Буйруқ тартибида иш юритиш. Ўқув қўлланма. –Тошкент.: ТДЮИ. 2007. -117 б.
- 22 Мамасиддиқов М.М., Мирзаев У.С. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг “Буйруқ тартибида иш юритиш” номли 20¹-бобига шарҳ. Илмий-амалий қўлланма. –Тошкент.: “АЛ-ФАБА-СЕРВИС”. 2008. – 126 б.
- 23 Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик-процессуал қонунчилик: янгилашни омили. // Ж. «Huquq va burch», 2009 № 5 (41). –Б. 43-45.
- 24 Мамасиддиқов М.М., Мирзаев У.С. Фуқаролик процессида буйруқ тартибида иш юритишнинг ривожланиши ва уни янада такомиллаштириш масалалари // “Суд-ҳуқуқ ислохотлари шароитида фуқаролик суд ишларини юритишнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. II-қисм. –Тошкент, ТДЮИ. 2011 й. -Б. 3-7.
- 25 Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал қонун ҳужжаларининг ҳолати ва самарадорлигини ошириш истиқболла-

- ри. Монография. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О.Оқолов. –Тошкент, АҚҲМИ нашриёти. 2012. – 156 бет.
- 26 Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессида соддалаштирилган тартибда иш юритиш ва унинг шартлари // “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексини такомиллаштириш масалалари: муаммо ва ечим” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари (Тошкент, 2011 йил 24 февраль). –Тошкент: ТДЮИ. 2011. –Б. 20–30.
- 27 Нешатаева Т.Н. Международный гражданский процесс: Учеб. пособие. –М.: Дело, 2001. -504 с.
- 28 Решетняк В.И. Судебный приказ в гражданском судопроизводстве // Российская юстиция. –1995 – №12.
- 29 Решетняк В.И., Черных И.И. Заочное решение и судебный приказ в гражданском процессе. –М.: Юридическое бюро «Городец», 1997.
- 30 Решетникова И. В., Ярков В. В. Гражданское право и гражданский процесс в современной России. –М.: 1999.
- 31 Рўзиназаров Ш.Н., Мамасиддиқов М.М. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришни ҳуқуқий таъминлаш муаммолари. –Тошкент: АҚҲМИ, 2011. –180 б.
- 32 Уткина И. В. Заочное решение в гражданском процессе. –М.: 2003.
- 33 Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексига шарҳлар / Муаллифлар жамоаси: М.Э.Абдусаломов, М.К.Азимов, Х.Бурхонходжаева ва бошқалар –Тошкент.: “Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2002. -185 б.
- 34 Черных И.И. Заочное производство в гражданском процессе. –М.: 2000.
- 35 Черемин М.А. Приказное производство в проекте ГПК // Юрист. 1998.- №7.
- 36 Шорахметов Ш.Ш. Суд ислохотларини чуқурлаштириш // Ҳаёт ва қонун. - 2005. -1-сон.-Б.11.
- 37 Шорахметов Ш.Ш. Суд ислохотлари истиқболи // Инсон ва қонун. –Тошкент, 12 апрель. -2005.
- 38 Шорахметов Ш.Ш. Суд ислохотларини давр талаби асосида янада чуқурлаштириш йўлида // Илмий-назарий анжуман маъруза матн.31 март 2005. –Т.: ТДЮИ, 2005. –Б.5-15.

- 39 Шорахметов Ш.Ш. Суд бўйруғи институти самарали иш юритиш туридир.// *Нуқуқ ва бурч*. 2006. № 3.
- 40 Янков В. В. Современные проблемы доступа к правосудию в Российской Федерации // СНГ: реформа гражданского процессуального права: материалы международной конференции. –М.: 2002. -57с.
- 41 Ёдгоров Х.Б. Суд бўйруғи: суд ислухотлари самараси. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 2003 йил 4-сон.

15-БОБ

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ДАЪВО

Бобнинг мақсади судда даъво ишларини юритиш тартибида кўриладиган ишлар ҳамда фуқаролик процессининг муҳим институти бўлмиш даъво ҳақида батафсил маълумот беришдан иборатдир. Шунингдек, даъво тушунчаси, даъвонинг элементлари, турлари, даъвога бўлган ҳуқуқ ва даъво тақдим этишга бўлган ҳуқуқ масалалари баён этилган. Мазкур бобда даъвогарнинг даъво талаблари асосини ёки предметини ўзгартириш, даъво талабларидан воз кечиш ҳуқуқи, суднинг даъво талабларини бирлаштириш ва ажратиш ҳуқуқ ва уни амалга ошириш тартиби, даъвога қарши жавобгар ҳуқуқларини амалга оширишнинг процессуал воситалари, даъвони таъминлаш, жиноий ишларда фуқаровий даъволар билан боғлиқ масалалар ўз ифодасини топган.

15.1. Судда даъво ишларини юритиш тартибида кўриладиган ишлар

Умумий юрисдикция судидаги фуқаролик ишларининг асосий қисми даъво ишларини юритиш тартибида кўрилади. Судда даъво ишларини юритиш тартибида кўриладиган ишларга фуқаролик, меҳнатта доир, оиллага доир, уй-жойга доир, агар қонун ҳужжатларида кўришнинг ўзга тартиби белгиланган бўлмаса, бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган даъволар бўйича ишлар киради (ФПКнинг 239-моддаси).

Фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида буйруқ тартибидаги ишлар, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ишлар ҳамда алоҳида тартибда юритиладиган ишлар кўриб чиқилиши ва ҳал этилишини ҳам эътиборга оладиган бўлсак, судларда ушбу суд ишларини юритиш турларига қараганда даъво тартибидаги ишларни юритиш кўпчиликини ташкил қилишини кўрамиз.

Даъво тартибидаги ишларни юритиш суд ишларини юритишнинг бошқа турларига қараганда ўзига хос процессуал хусусиятлари билан ажралиб туради. Хусусан, даъво тартибидаги ишлардан фарқли равишда суд ишларини юритишнинг бошқа турларида иштирок этувчи шахслар ўзаро келишув битими туза олмайди.

лар, қарши даъво тақдим этиш ҳуқуқидан фойдалана олмайдилар.¹ Шунингдек, мазкур ишлар ҳакамлик суди муҳокамасига берилиши мумкин эмас, келишилган судловга тааллуқлилиқ қоидалари қўлланилмайди, даъводан воз кечиш ва уни тан олиш каби процессуал ҳаракатларга йўл қўйилмайди, иш сиртдан кўрилиши ҳам мумкин эмас.² Шундай қилиб, даъво тартибида кўриладиган ишлар – суд ишларини кўриб чиқишнинг умумий қоидаларини ўрнатувчи фуқаролик суд ишини юритишнинг асосий тури ҳисобланади. Даъво тартибидаги ишларда судга даъво тақдим этиш, судга даъво аризаси билан мурожаат қилиш шахсларнинг суд ҳимоясига бўлган конституциявий ҳуқуқининг таркибий элементи ҳисобланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига кўра, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

ФПКнинг 1-моддасида эса Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланиши, ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли эканлиги ҳамда судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақиқий эмаслиги ўз ифодасини топган. Шундай қилиб, даъво муайян иш бўйича фуқаролик процессини кўзғатишнинг асосий воситаларидан биридир. Мазкур ҳолатда суд фаолияти ва адолатни ўрнатиш механизмини ишга солишда даъво иши муҳим аҳамият касб этади. Даъво иши ўз ҳуқуқий табиатига кўра универсалдир. Даъво ишларини кўриб чиқишнинг процессуал тартиб-таомили нафақат суд ишларини юритишнинг мазкур турига киритилган ишлар, балки органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бў-

¹ Гражданский процесс / Под ред. В.В.Яркова. –М., 2000. –356 с.; Гражданский процесс: Учебник / Под ред. В.А.Мусина, Н.А.Чечиной, Д.М.Чечота. М., 2001. –339 с.; Гражданский процесс / Под ред. М.А.Треушников. –М., 2003. –С. 421—422; Комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу Российской Федерации. (Постатейный научно-практический) / Отв. ред. М.А.Викут. –М., 2003. –С. 443-444.

² Гражданский процесс / Учебник. Отв. Ред.проф.В. В. Ярков. –М.: Волтерс Клубер, 2004. –364 с.

йича ишлар ҳамда алоҳида тартибда юритиладиган ишларни кўрилишида ҳам муайян даражада қўлланилади. Масалан, ФПКнинг 265-моддасида белгиланишича, ушбу Кодекснинг 264-моддасида санаб ўтилган ишлар (ушбу ўринда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан берилган шикоятлар, нотариуснинг, фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш органларининг ҳаракатларни бажаришни рад этганлиги ёхуд уларни нотўғри бажарганлиги устидан берилган шикоятлар ҳамда прокурорнинг ҳуқуқий актни ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги аризаси бўйича ишлар назарда тутилмоқда. *Муаллиф изоҳи*) судлар томонидан мазкур Кодекснинг 26-29-бобларида кўрсатилган истисно ва қўшимчалар билан биргаликда фуқаролик суд ишлари юритишнинг умумий қоидаларига биноан кўрилади. Худди шунингдек, ФПКнинг 280-моддасига кўра, ушбу Кодекснинг 279-моддасида санаб ўтилган ишлар (юримдик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар, фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва фуқарони ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги ишлар, фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишлар, мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш тўғрисидаги ишлар, тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқолган тақдирда, улар бўйича ҳуқуқларни тиклаш тўғрисидаги ишлар (чақириб иш юритиш назарда тутилмоқда. *Муаллиф изоҳи*). Судларда ушбу Кодекснинг 30-35-бобларида кўрсатилган истисно ва қўшимчалар билан фуқаролик суд ишларини юритишнинг умумий қоидаларига мувофиқ кўрилиши белгиланган.

Шунинг учун даъво тартибидаги ишларни ўрганиш бир пайтнинг ўзида умумий юрисдикция судларига тегишли бўлган деярли барча ишларнинг асосий қоидаларини тушунтириш ва бир пайтда ахборот олиш имкониятини беради.

15.2. Даъво тушунчаси

Авваломбор, “даъво” асли арабча сўз бўлиб, у ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳақида суд орқали ёки бошқа йўллар билан кўйилган талабни англатади.¹ “Мухтасар”да эса, даъво сўзининг

¹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 1-жилд. М. «Рус тили» нашриёти. 1981. -215 б. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент: Адолат. 2001 й, -150 б.

луғавий маъноси “талаб қилмоқ”, деб талқин қилинади. Шариятда даъво бировнинг устида ҳақи борлигини қози ҳузурда ёки ҳукм арафасида хабар беришдир. Даъвогар шундай бир шахси, даъво қилиш учун мажбур қилинмайди. Жавобгар шундай бир шахси, у жавоб бериш учун мажбур қилинади.¹

Юридик адабиётларда ҳуқуқни судда ҳимоя қилиш ва судда иш кўзғатишнинг процессуал воситаси бўлган даъво тушунчасига турлича таъриф берилади. Айни бир пайтда кўпчилик процессуалист олимлар даъво бузилган ёки низоли ҳуқуқни судда ҳимоя қилишда ва судда иш кўзғатишда асосий процессуал восита эканлигини тан оладилар. Даъво тушунчаси юридик адабиётлардаги баҳсли масалалардан бири ҳисобланади. Адабиётларда даъво тушунчасининг бир нечта асосий концепциялари ҳақида сўз боради. Биринчидан, даъвога бўлган ҳуқуқнинг моддий-ҳуқуқий ва процессуал-ҳуқуқий мазмуни ажратилади.² Даъво процессуал маънода ўз ҳуқуқ ва мафаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб билан шахснинг биринчи инстанция судига мурожаат қилишидир. Бу борада даъво фуқаролик процессини кўзғатиш воситаси ҳисобланади. Моддий маънода даъво шахснинг ўз даъво талабларини қаноатлантиришга бўлган ҳуқуқидир. Айнан бу билан боғлиқ ФКнинг биринчи бўлим 2-бобида даъвога бўлган ҳуқуқ ва даъво муддати тушунчалари қўлланилади. Фуқаролик кодекси бўйича даъво деганда, суд орқали моддий субъектив ҳуқуқни амалга ошириш лаёқати тушунилади. Ўз навбатида, даъво муддатининг ўтказиб юборилиши (моддий-ҳуқуқий муддат фуқаролик ҳуқуқининг амалга оширилишида юридик факт ҳисобланади) моддий ҳуқуқий маънода даъвога бўлган ҳуқуқни бекор қилиниши каби оқибатларга олиб келади. Шундай қилиб, даъвога бўлган ҳуқуқ моддий-ҳуқуқий маънода мажбурий равишда амалга ошириладиган низоли субъектив ҳуқуқ ҳисобланади.

Иккинчидан, бир қатор муаллифлар (А.Ф.Клейнман, А.А.Добровольский ва бошқалар) даъвони икки томон, яъни моддий-ҳуқуқий ва процессуал-ҳуқуқий томондан иборат бўлган ягона тушунча сифатида эътироф этадилар.³ К.С.Юдельсон, В.М. Семенов

¹ Мухтасар (шарият қонунларига қисқача шарҳ). – Тошкент, “Чўлпон”. 1994. – 269 б.

² Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У. Тадриқовнинг умуллий таърифида. – Тошкент, «Шарқ», 2001. – 87 б. Гураич М. А. Право на иск М. –Л: 1948. – 45, – 145 с.

³ Клейнман А.Ф. Основные вопросы учения об иске в советском гражданском процессе. – М., 1950. – С.5-22.; Добровольский А.А. Исковая форма защиты права (основные вопросы учения об иске). – М., 1965. гл. 1.

ва К.И.Комиссаров даъвони фуқаролик процессуал ҳуқуқининг тоифаси сифатида эътироф этади. Бизнингча ҳам, даъво фуқаролик процессуал ҳуқуқига оид тушунча ва институт ҳисобланади, шунинг учун у бир вақтнинг ўзида ҳам моддий, ҳам процессуал ҳуқуқининг институти бўла олмайди.

Даъво мавзусида тадқиқот ишларини олиб борган процессуалист олим Э.Эгамбердиев даъвога батафсил таъриф берган. Унинг фикрича, даъво – бу бузилган ҳуқуқни ёки қонуний манфаатни ҳимоя қилишдан бевосита манфаатдор бўлган шахснинг ўз ҳуқуқини ёки қонуний манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида граждандлик ишини кўриб ҳал қилиш тўғрисидаги моддий-ҳуқуқий талаб билан судга қилган мурожаати, судда граждандлик ишини кўзғатиш асоси ва бузилган ҳуқуқни ҳамда қонуний манфаатни ҳимоя қилишнинг асосий процессуал воситаси ҳисобланади.¹

Даъвони аниқ тавсифлайдиган бўлсак, даъво даъвогарнинг жавобгарга нисбатан ўзининг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида биринчи инстанция судига қилган мурожаати ҳисобланади. Даъво даъвогарнинг манфаатларини ҳимоя қилишнинг процессуал воситаси ҳисобланиб, у ўз навбатида, судда даъво тартибида иш юритишни бошлаб беради ва шу орқали низонинг судда кўрилишини таъминлайди.

Даъвони тақдим этиш шартлари ва судда даъво тартибида фуқаролик ишларининг кўзғатилиши процессуал-ҳуқуқий тартиб орқали амалга оширилади, бу эса даъво феқатгина фуқаролик процессуал ҳуқуқининг тоифасига киришини англатади.

Юридик адабиётларда манфаатдор шахсларнинг юзага келган низони ҳал қилишни сўраб судга мурожаат қилишлари даъво тақдим этиш деб юритилади.² В.М.Семеновнинг фикрича, даъвога бўлган ҳуқуқ даъвогарнинг ўзи ёки у ваколат берган шахсларнинг судга даъво аризаси билан мурожаат қилиши орқали амалга оширилади.³

Юридик энциклопедияларда даъвога нисбатан қуйидагича таъриф берилади: даъво – бузилган ёки чекланган ҳуқуқни ёки қонун томонидан муҳофаза қилинадиган манфаатни суд (ҳўжалик суди) орқали ҳимоя қилиш воситаси. Даъвонинг икки томони фарқланади: моддий-ҳуқуқий ва процессуал-ҳуқуқий. Биринчи ҳолатда сўз талабнинг мазмуни бўйича аниқланган факт-

¹ Эгамбердиев Э. Фуқаролик жараёни ҳуқуқида даъво муаммолари. –Тошкент, Адолат, 1994. –8 бет.

² Власов А.А. Гражданское процессуальное право: Учебник. –М.: ТК Велби, 2004. –218 с.; Эгамбердиев Э. Фуқаролик жараёни ҳуқуқида даъво муаммолари. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. –Тошкент.: 2007. – 20 б.

³ Гражданское судопроизводство // Учебное пособие. Под ред. В.М. Семенова. –Свердловск. 1974. –152 с.

лар ва фуқаролик, меҳнат, оила ҳуқуқининг юридик нормалари асосида қондириш имконияти тўғрисида бормоқда. Иккинчисида эса, сўз судга, суд қарорини олиш мақсадида мурожаат қилиш қонунийлиги тўғрисида бормоқда. Қонунда суд даъвони қабул қилишни рад қилиши, ишни юритувдан тўхтатиши ва даъвони кўрмасдан қолдириши мотивлари аниқ кўрсатилган.¹

15.3. Даъвонинг элементлари

Юридик адабиётларда даъво элементларининг аҳамияти ҳақида қуйидагича фикр-мулоҳазалар илгари сурилади: даъвонинг турларини таҳлил қилишдан олдин, биринчи навбатда даъвонинг таркибий қисмларини ўрганиб чиқиш керак. Шундай қилинсагина, ҳар бир даъвонинг асл моҳиятини тушуниш мумкин бўлади. Чунки ҳар бир даъво ўз мазмунига эга бўлганлигидан унинг таркибий қисмларини ажрата билиш керак. Даъвонинг таркибий қисми бўлган унинг элементларини ажрата билиш нафақат назарий, шу билан бирга амалий аҳамиятга ҳам эга.

Даъвонинг элементлари тўғрисида фуқаролик процессуал ҳуқуқ назариясида турли қараш ва фикрлар илгари сурилади. Бир гуруҳ олимлар даъво уч элементдан: яъни предмет, асос ҳамда мазмундан иборат бўлади, деган фикрни билдирадилар.² Г.С.Осокина эса даъвонинг элементлари таркибига низоли ишда иштирок этувчи тарафларни ҳам киритади.³ Бошқалари эса, даъво икки элементдан предмет ҳамда асосдан иборат бўлади ва бу икки элемент биргаликда даъвонинг мазмунини ташкил қилади,⁴ деб фикр билдирадилар.

Бизнинг фикримизча ҳам, даъвонинг бир-биридан фарқ қиладиган қуйидаги икки элементи мавжуд:

- даъвонинг предмети;
- даъвонинг асоси.

Мазкур элементлар биргаликда даъвонинг мазмунини ташкил қилади ва айна пайтда ҳар бир аниқ даъвони индивидуаллаштириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Даъвонинг предмети. Даъво тузилмаси мураккаб ҳуқуқий

¹ Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У. Таджихановнинг умумий таҳририда. –Тошкент: «Шарқ», 2001. – 87 б.

² Ференц-Сороцкий А.А. Элементы иска. В кн: Гражданский процесс. (Учебник). –М.: "Проспект", 1998. –С. 155-158.

³ Осокина Г.Л. Проблемы иска и право на иск. –Томск, 1989. –С. 87-88.

⁴ Добровольский А.А., Иванова С.А. Основные проблемы исковой формы защиты права. МГУ, 1979. –С. 133-134.; Эгамбердиев Э. Фуқаролик суд ишларини юритиш турлари. –Тошкент, "Камалак", 1996.; Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент: Адолат. 2001. –152 б.

тузилма ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қонунчилик унда бир қатор элементларни ажратиш имкониятини беради.

Даъво элементлари деганда, даъво тузилмасини акс эттирувчи ички қисмлари тушунилади.

Даъвонинг биринчи элементи – бу даъво предмети ҳисобланиб, даъвогарнинг жавобгарга нисбатан билдирилган талаби тушунилади.

Масалан, муаллифлик ҳуқуқини тан олиш, ишга тиклаш, етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги даъволар.

ФПКнинг 149-моддаси биринчи қисми 4-бандида белгиланганидек, даъвогар даъво аризасида жавобгарга нисбатан билдириладиган ўз талабини кўрсатиши лозим. Даъво предметини аниқлаш ҳуқуқи фақат даъвогарга тегишлидир.

Профессор Ш.Шорахметовнинг фикрича, даъвонинг предмети даъвогарнинг талаби, яъни унинг жавобгардан суд орқали талаб қиладиган нарсаси бўлади. Даъво предмети бирон бир нарсани ундириш тўғрисидаги талабдир.

Даъвогарнинг моддий-ҳуқуқий талаби ўз-ўзидан келиб чиқмайди. Дарҳақиқат, даъво қандай турда бўлмасин, унда даъвогар томонидан кўрсатилган моддий-ҳуқуқий талаблар юридик фактларга асосланган ҳолда вужудга келади.

Даъвонинг таркибий қисми унинг предметини ташкил қиладиган даъвогарнинг жавобгарга бўладиган моддий-ҳуқуқий талаб билан бундай талабни келтириб чиқарадиган юридик фактлар (даъвонинг асоси) биргаликда иш бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни суд мажлисида кўриб чиқиш кўламини ва йўналишини маълум маънода аниқлаб беради.

Даъвонинг асоси деганда, даъвогарнинг талаб қилиш ҳуқуқини келтириб чиқарадиган юридик фактлар, даъвогар ўзининг талабларига асос қилиб кўрсатаётган ҳолатлар ва бу ҳолатларни тасдиқлайдиган далиллар тушунилади.

Даъво асосини бундай тушунишга ФПКнинг 149-моддаси биринчи қисми 6-банди хизмат қилади. Даъвогар даъво аризасида нафақат ўзининг талабларига асос қилиб кўрсатаётган ҳолатларни, балки юридик фактларни, яъни фуқаролар ёки ташкилотларнинг шахсий ёки мулкӣ ҳуқуқлари вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлишини белгилайдиган ҳолатларни ҳам келтириши лозим. Шу ўринда Э.Эгамбердиев ҳам фақат юридик аҳамиятга эга бўлган фактларгина даъвонинг асоси бўла олишини, бунинг са-

баби юридик аҳамиятга эга бўлган фактлар маълум ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириши, ўзгартириши ёки бекор қилишини, агар факт юридик аҳамиятга эга бўлмаса, ҳеч қандай ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармаслигини, шунинг учун даъвогар даъвонинг иккинчи элементи бўлмиш даъво асосини ташкил қиладиган, ўзининг моддий-ҳуқуқий талабларини келтириб чиқарадиган юридик фактларни даъво аризасида кўрсатиб бериши лозимлигини қайд қилиб ўтади.¹

15.4. Даъвонинг турлари (ундириш ва тан олиш даъволари)

Даъво илмий ва амалий томондан ҳам мураккаб юридик тоифа ҳисобланади. Шунинг учун ҳам даъво ҳақида тўлиқ ахборот олиш мақсадида даъвонинг алоҳида турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Юридик энциклопедияларда таъкидланишича, даъвогар томонидан жавобгарга қилинаётган даъво характеридан даъвонинг тури аниқланади: у жавобгарга маълум бир ҳаракатларни содир қилишни мажбур этишга ёки ноқонуний ҳаракатларни (мол-мулкни қайтариш, зиённи қоплаш, неустойка, алиментни тўлаш, мол-мулкдан фойдаланишга халақит бериш) содир қилишдан сақланиб туришга; томонлар ўртасида ҳуқуқий муносабатларнинг бор-йўқлигини (шартномани тасдиқлаш ёки уни ҳақиқий эмас деб топиш) аниқлашга, ўзгартиришга (умумий мол-мулкдан ўзининг ҳиссасини ажратиб олиш) ёки ҳуқуқий муносабатларни тугатишга (умумий мол-мулкни бўлиш) йўналтирилган бўлиши мумкин.²

Ш.Ш.Шорахметовнинг фикрича, даъво даъвогарнинг қандай мақсадни кўзлашига, нима тўғрисида қарор чиқарилишини суддан илтимос қилишига қараб икки турга: ундириш (олиб бериш) ва тан олиш тўғрисидаги даъволарга бўлинади.³

Фуқаролик процессуал ҳуқуқи назариясида даъвонинг предмети буйича унинг процессуал хусусиятларига қараб турларга бўлиш тан олинган умумий қоида ҳисобланади. Бунга кўра даъволар ўз процессуал хусусиятига қараб ундириш ва тан олиш тўғрисидаги даъволарга бўлинади.

¹ Эгамбердие Э. Фуқаролик жараёни ҳуқуқида даъво муаммолари. —Тошкент, Адолат, 1994. —51 б.

² Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У. Таджихановнинг умумий таҳририда. —Тошкент: «Шарқ», 2001. —87 б.

³ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. —Тошкент: Адолат. 2001. —154 б.

Ундириш тўғрисидаги даъвода судга мурожаат қилган даъвогар, биринчидан, низоли ҳуқуқни, унинг фойдасига ҳал қилиб беришни сўраса, иккинчидан, ҳуқуқни тиклашни ёки йўл қўйилган қонун бузилишини бартараф қилиш учун жавобгарни маълум ҳаракатларни қилишга мажбур этишни сўрайди. Бошқача қилиб айтганда, ундириш ҳақидаги даъво, даъвогар ўзига маълум субъектив ҳуқуқни тан олиншини, жавобгарни бу тан олинган ҳуқуққа мувофиқ маълум ҳаракатларни амалга оширишни – пул маблағлари, мулкни бериш, ер майдони, яшаш жойини озод этиш ҳаракатларини амалга оширишни талаб қилиши билан тавсифланади.

Ундириш ҳақидаги даъво юридик тавсифига кўра кенгрокдир. Чунки даъвогар суддан маълум ҳуқуқни тан олишни ва уни мажбурий амалга ошириш бўйича муайян ҳаракатларни амалга оширишни талаб қилади, масалан, пул маблағларини ундириш, зиённи қоплаш, мулкни олиш ва ҳоказо. Аксарият ҳолларда тан олиш ва ундириб бериш ҳақидаги даъво талаблари битта даъво аризасида бўлиши ҳам мумкин, масалан, турар жойнинг олди-сотди битимини тан олиш ҳақида ва турар-жойдан чиқариш ҳақидаги даъво. Ундириш тўғрисидаги даъволар баъзида ижро қилиш даъволари деб ҳам юритилади, яъни бунда жавобгар даъвогар фойдасига белгиланган ҳаракатларни бажаришга мажбур бўлади. Бундай даъволи ишлар юзасидан ижро варақаси берилади, яъни ижро тартибида иш юритиш қўзғатилади.

Тан олиш ҳақидаги даъволарда эса, даъвогар суддан низоли ҳуқуқий муносабатнинг мавжудлигини ёки йўқлигини тасдиқлашни ёхуд низоли ҳуқуқнинг ўзига тегишли эканлигини тан олишни сўрайди. Тан олиш ҳақидаги даъволар икки турга – ижобий ва салбий турларга бўлинади. Тан олиш ҳақидаги ижобий даъво даъвогар ўзига маълум бўлган ҳуқуқни тан олиш ҳақидаги талабни, масалан яшаш жойига мулк ҳуқуқини тан олиш ҳақидаги талабни асослаб беришдан иборатдир.

Тан олиш ҳақидаги салбий даъво бўйича даъвогар маълум ҳуқуқнинг мавжудлигини рад этади, даъвогар ўзининг бирон-бир мажбуриятта эга эмаслигини тасдиқлайди, масалан, оталик ҳақидаги акт ёзуви бўйича низолашиш ҳақидаги даъво шулар жумласидандир. Шундай қилиб, тан олиш ҳақидаги даъволарни умумий тавсифловчи характери даъвогар суддан ўзига бир нарсани олиб бериш ёки ундириб беришни эмас, балки субъектив ҳуқуқ, манфаатни тан олиш ёки уларни рад этишни талаб қилишидан иборат.

Юридик адабиётларда даъвонинг учинчи тури, яъни ҳуқуқни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги даъволарнинг мавжудлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар илгари сурилган.¹ Э.Эгамбердиевнинг фикрича, фуқаролик процессуал ҳуқуқи назариясида мавжуд бўлган ҳуқуқни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги даъво ханузгача баҳсли бўлиб, бу даъво ўз ечимини тўла маънода топмаган. Бундай даъвонинг предмети ҳам даъвогарнинг жавобгарга нисбатан билдирган моддий-ҳуқуқий талаби ташкил қилади. Шундай экан, бу даъво ўз хусусияти бўйича ундириш тўғрисидаги, яъни ижро этиладиган даъво таркибига кириб кетади.

Фуқаролик процессуал ҳуқуқида даъволар моддий-ҳуқуқий таснифига қараб турларга ажратилиши ҳам назарда тутилади. Фуқаролик, меҳнат, оила, уй-жой ва бошқа ҳуқуқ соҳаларининг низоли-моддий ҳуқуқий муносабатлар тусига боғлиқ равишда фуқаролик, меҳнат, оила, турар-жой ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган даъволар бўйича ишларга ажратилади.

Даъволарнинг моддий-ҳуқуқий таснифига қараб турларга ажратилишининг амалий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

биринчидан, бундай тартибда турларга ажратиш суд статистикаси асосида амалга оширилади ва судлардаги у ёки бу ишлар сонининг кўпайиши ёки камайишига қараб муайян ижтимоий жараёнларни кузатиш имконини беради;

иккинчидан, унинг асосида фуқаролик ишларининг айрим тоифалари бўйича суд амалиёти умумлаштирилади ва бунинг натижасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари қабул қилинади;

учинчидан, даъволарнинг моддий-ҳуқуқий таснифига қараб фуқаролик ишларининг алоҳида тоифаларини судда кўриб чиқиш хусусиятлари бўйича илмий ва амалий тадқиқотларни амалга оширишга имкон яратилади.

Юридик адабиётларда ҳимоя қилинадиган манфаатлар характери бўйича даъволарни таснифлашга ҳам эътибор бериб келинмоқда. Ҳимоя қилинадиган манфаатлар характери бўйича даъволарнинг турга ажратилиши ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг янги хусусий-ҳуқуқий услубларининг пайдо бўлиши билан изоҳланади. Бундай тасниф қуйидагича бўлиши мумкин:

- 1) шахсий даъволар;
- 2) жамоа ва давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи даъволар;
- 3) ўзга шахслар ҳуқуқини ҳимояловчи даъволар;

¹ Гурвич М.А. Учение об иске. М., 1981. -С. 21-25.

- 4) гуруҳ даъволари;
- 5) билвосита даъволар.¹

15.5. Даъвога бўлган ҳуқуқ ва даъво тақдим этишга бўлган ҳуқуқ

Фуқаролик процессида судга қилинган мурожаат қачонки, манфаатдор шахс даъво тақдим этиш ҳуқуқига (даъвога бўлган ҳуқуққа) эга бўлгандагина даъво деб қабул қилинади.

Шу ўринда даъвога бўлган ҳуқуқ борасидаги ҳуқуқий адабиётларда турли баҳо-мунозаралар юритилганлигини таъкидлаш лозим. Бу борада Э.Эгамбердиев даъвога бўлган ҳуқуқ процессуал қонунчиликда суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи, даъвога бўлган ҳуқуқ ҳамда даъво тушунчаси маъносидан ишлатиб келинганлиги, бу тушунчаларнинг амалдаги моддий ҳамда процессуал нормаларда аниқланмаганлигига эътиборни қаратади. Шу асосда даъвога бўлган ҳуқуқ олдиндан қонуний тарзда белгиланган кўйилган ва давлат томонидан қаролатилган шахсларнинг (жисмоний ва юридик) бузилган ҳуқуқ ёки қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш учун уларга берилган моддий характердаги ҳуқуқдир, деб таъриф беради.²

Юридик адабиётларда даъво тушунчасининг бир нечта асосий концепциялари ҳақида сўз боради. Биринчидан, даъвога бўлган ҳуқуқнинг моддий-ҳуқуқий ва процессуал-ҳуқуқий мазмуни ажратилади. Даъво процессуал маънода ўз ҳуқуқ ва мафаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб билан шахснинг биринчи инстанция судига мурожаат қилишидир. Бу борада даъво фуқаролик процессини кўзғатиш воситаси ҳисобланади.

Э.Эгамбердиев даъвога бўлган ҳуқуқ билан судга даъво тақдим этиш ҳуқуқи ўртасидаги ўзаро муносабатга тўхталиб, агарда даъвогарда даъвога бўлган ҳуқуқ бўлмаса, унинг судга даъво тақдим эта олмаслигини таъ-

¹ *Ҳимоя қилинадиган манфаатлар характери бўйича даъволарни таснифлаш масаласи юзасидан қуйидаги асарларга батафсил қараш тавсия этилади: Гражданский процесс. Общая часть. Учебник / Под ред. Т.А.Беловой, И.Н.Коплядко, Н.Г.Юркевича. – Минск, 2000. – С. 417; Чугунова Е.И. Производные иски в гражданском и арбитражном процессе. Автореф. дис. канд. юрид. наук. – Екатеринбург, 2003.; Аболонин Г.О. Групповые иски в законодательстве и судебной практике США // Российский юридический журнал, 1997. N 1. – С. 144-147; Аболонин Г.О. Групповые иски в гражданском процессе. – М., 2001.; Малышев П. Косвенные иски в судебной практике США // Российский юридический журнал, 1996. N 1. – С. 95-112; Ярков В.В. Особенности рассмотрения дел по косвенным искам // Гражданское судопроизводство: особенности рассмотрения отдельных категорий дел. – М., 2001. – С. 76-105.*

² Эгамбердиев Э. Фуқаролик жарайни ҳуқуқда даъво муаммолари. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2007. – 20 б.

қидлайди ва даъвои ҳам моддий-ҳуқуқий, ҳам процессуал-ҳуқуқий маънода тушуниш керак, деган фикрни илгари суради. Унинг фикрича, даъвогарнинг мажбурий тартибда амалга ошириш учун жавобгарга нисбатан билдирган моддий-ҳуқуқий талаби даъвонинг моддий-ҳуқуқий томонини белгилайди, процессуал-ҳуқуқий томонини эса, фуқаролик ишини процессуал қонунчиликда белгилаб қўйилган тартибда ҳал қилиб бериш учун даъвогарнинг судга нисбатан билдирган талаби ташкил этади.¹

Моддий маънода даъво шахснинг ўз даъво талабларини қаноатлантиришга бўлган ҳуқуқидир. Айнан бу билан боғлиқ Фуқаролик кодексининг биринчи бўлим 2-бобида даъвога бўлган ҳуқуқ ва даъво муддати тушунчалари қўлланилади. Фуқаролик кодексига даъво тушунчаси деганда суд орқали моддий субъектив ҳуқуқни амалга ошириш лаёқати тушунилади. Ўз навбатида, даъво муддатининг ўтказиб юборилиши (моддий-ҳуқуқий муддат фуқаролик ҳуқуқининг амалга оширилишида юридик факт ҳисобланади) моддий ҳуқуқий маънода даъвога бўлган ҳуқуқни бекор қилиниши каби оқибатларга олиб келади. Шундай қилиб, даъвога бўлган ҳуқуқ моддий-ҳуқуқий маънода мажбурий равишда амалга ошириладиган низоли субъектив ҳуқуқ ҳисобланади.

Бир қатор муаллифлар (А.Ф.Клейнман, А.А.Добровольский ва бошқалар) даъвои икки томон, яъни моддий-ҳуқуқий ва процессуал-ҳуқуқий томондан иборат бўлган ягона тушунча сифатида эътироф этадилар.²

Моддий маънода даъвога бўлган ҳуқуқ деганда, манфаатдор шахснинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқини суд орқали ҳимоя қилиш, яъни жавобгарнинг даъвогар олдидаги мажбуриятларини мажбурий ижро қилишни талаб қилиш ҳуқуқи тушунилади.

Процессуал маънода даъвога бўлган ҳуқуқ деганда, даъвогарнинг даъвои қаноатлантиришга бўлган субъектив процессуал ҳуқуқи тушунилади.

Даъвога бўлган ҳуқуқ судга даъво тақдим этиш орқали амалга оширилади.

Юридик адабиётларда манфаатдор шахсларнинг юзага келган низоли ҳал қилишни сўраб судга мурожаат қилишлари даъво тақдим этиш деб юритилади.³ В.М.Семеновнинг фикрича, даъвога бўлган ҳуқуқ даъвогар-

¹ Эгамбердиев Э. Ўша жойда -21 б.

² Клейнман А.Ф. Основные вопросы учения об иске в советском гражданском процессе. -М., 1959. -С.5-22.; Добровольский А. А. Исковая форма защиты права (основные вопросы учения об иске). -М., 1965. гл. 1.

³ Власов А.А. Гражданское процессуальное право: Учебник. -М.: ТК Велби, 2004. -218 с.; Эгамбердиев Э. Фуқаролик ҳаракати ҳуқуқида даъво муаммолари. - Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. Тошент, 2007. - 20 б.

нинг ўзи ёки у ваколат берган шахсларнинг судга даъво аризаси билан му-
рожаат қилиши орқали амалга оширилади.¹ А.А.Власов эса даъво тақдим
этиш ҳуқуқи – бу муайян фуқаролик иши бўйича одил судловга бўлган ҳу-
қуқдир, деган фикрни илгари суради.² Э.Эгамбердиевнинг фикрича, даъво
тақдим этиш ҳуқуқи – фуқаролик ишини кўриб ҳал қилиш билан боғлиқ бўл-
ган суд фаолиятини амалга оширишга қаратилган ҳуқуқдир. Бу ҳуқуқ фуқа-
ролик иши бўйича судда иш кўзғатиш, низолини кўриб ҳал қилишни суддан
талаб қилиш ҳуқуқидир.³

Фуқаролик процессуал ҳуқуқ назариясида даъво тақдим этишга
бўлган ҳуқуқнинг юзага келиши ва амалга оширилиши учун қонун
ҳужжатларида қуйидаги талаблар илгари сурилиши айтилади:

биринчи талаб: шахснинг фуқаролик процессуал ҳуқуқ лаёқ-
қатига эга бўлишидир. Ҳуқуқ лаёқати жисмоний шахсларнинг бар-
часига тегишли бўлиб, улар туғилишлари билан ушбу лаёқатга
эга бўладилар ва вафот этишлари билан тугалланади. Юридик
шахсларда ҳуқуқ лаёқати билан муомала лаёқати бир вақтнинг
ўзида улар устав ёки низомилари тасдиқланиб, рўйхатга олинган
пайтдан бошлаб вужудга келади;

иккинчи талаб: ФПКнинг 38-моддасига кўра, судда ўз ҳуқуқ
ва мажбуриятларини амалга ошириш лаёқати вояга етган фуқа-
ролар ва ташкилотларга тегишлидир. Демак, шахс даъво тақдим
этиши учун судда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш
лаёқатига (фуқаролик процессуал муомала лаёқатига) эга бўли-
ши лозим. Акс ҳолда суд ФПКнинг 152-моддаси талабларидан
келиб чиқиб, ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берил-
ган, деган асос билан аризани қабул қилишни рад этади;

учинчи талаб: иш судга тааллуқли бўлиши лозим. Судга
тааллуқли бўлмаган даъво ариза билан муурожаат қилиш ҳам суд
томонидан аризани қабул қилишни рад этишга сабаб бўлади;

тўртинчи талаб: суднинг айнан тарафлар ўртасида, айнан
бир нарса тўғрисида ва айнан бир асослар бўйича чиққан низо
юзасидан қабул қилиниб, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори
ёхуд даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлигини
қабул қилиш ёки тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш
тўғрисидаги ажримнинг мавжуд бўлмаслигидир.

¹ Гражданское судопроизводство // Учебное пособие. Под ред. В.М. Семенова. – Свердловск. 1974. –152 с.

² Власов А.А. Гражданское процессуальное право. Верховный суд Российской Федерации, Высший Арбитражный суд Российской Федерации, Российская Академия правосудия. Учебник. –М.: 2003. 117 с.

³ Эгамбердиев Э. Фуқаролик жараёни ҳуқуқида даъво муаммолари. –Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. –Тошкент, 2007. –22 б.

15.6. Даъво талабларининг асосини ёки предметини ўзгартириш, даъво талабларидан воз кечиш

Даъво аризаси билан судга мурожаат қилиш ҳар бир шахнинг ўз ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишнинг воситаси бўлиб, суд томонидан даъвонинг асоси ва предмети доирасида ҳимоя қилинади. Бироқ процессуал қонунчилик, даъвогарга ўз аризида баён қилинган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини оширишга ёки камайтиришга, улардан бутунлай ёки қисман воз кечишга ҳуқуқ беради. Бундай ҳолатнинг амалга оширилиши қонунда белгилаб қўйилган тартибда амалга оширилади. Даъвогарнинг даъво асоси ва предметини ўзгартиришидан кўзланган мақсад, бир даъвонинг иккинчи бошқа бир умуман тегишли бўлмаган даъво билан ўзгартирилишининг олдини олиш ҳисобланади. Даъво асосларидан бирининг ўзгариши аввал кўрсатилган ҳолатларни янги ҳолатлар билан алмаштириш ёки янги қўшимча далиллар қўшилиши ёхуд олиб ташланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ўзгаришлар киритиш билан эса даъво аризасининг асослари сақланиб қолинади.

Даъвогар ўз талабларининг асосларини даъво аризасида кўрсатиши ва уни бошқаси билан ўзгартириши мумкин. Айнан шундай мақсадни кўзлаб даъво аризасини ўзгартириш вақтида даъво асосларининг асосий қисмини сақлаб қолиш белгиланган. Ҳар бир ҳуқуқий муносабатлар турли хил усуллар билан қаноатлантирилиши мумкин бўлган муайян бир манфаатларни ҳимоя қилади. Масалан, харидор билан сотувчи ўртасида тузилган шартнома шартлари бузилган вақтда ФКнинг 401-моддасига мувофиқ, сотувчи олди-сотди шартномасида назарда тутилган товарларни шартномага мос келмайдиган ассортиментда топширган тақдирда сотиб олувчи уларни қабул қилишдан ва ҳақини тўлашдан бош тортишга, борди-ю, уларнинг ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган пул суммасини қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли.

Агар сотувчи сотиб олувчига ассортимент олди-сотди шартномасига мос келадиган товарлар билан бир қаторда ассортимент тўғрисидаги шартларга мос келмайдиган товарлар ҳам топширган бўлса, сотиб олувчи ўз ихтиёрига кўра: шартноманинг ассортимент тўғрисидаги шартларига мос бўлган товарларни қабул қилиш ва қолган товарларни қабул қилишдан бош тортиш; топ-

ширилган барча товарларни қабул қилишдан бош тортиш; шартноманинг асортимент тўғрисидаги шартларига мос бўлмаган товарларни шартномада назарда тутилган асортиментдаги товарларга алмаштириб беришни талаб қилиш; топширилган барча товарларни қабул қилиш ҳуқуқига эга. Сотиб олувчи асортименти олди-сотди шартномаси шартларига мос келмайдиган товарларни қабул қилишдан бош тортганида ёки асортимент тўғрисидаги шартларга мос келмайдиган товарларни алмаштиришни талаб қилганида бу товарлар ҳақини тўлашдан бош тортишга, борди-ю, уларнинг ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган пул суммасини қайтариб беришни талаб қилишга ҳам ҳақли.

Мазкур талабларнинг ҳаммаси бир асосдан келиб чиқади ва даъвогарнинг танлаши асосида ўзгартирилиши мумкин. Бунда даъвонинг предмети ўзгаради, лекин асоси сақланиб қолади. Бу ҳолатдан куйидаги умумий қоидалар келиб чиқади: агар даъвогарда бошқа муқобил талаблар юзага келса, уни бошқа талаблар билан алмаштириш мумкин. Шу билан бирга амалиётда турли хил ҳуқуқий муносабатлар ягона манфаат билан ҳимоя қилиниши учраб туради. Масалан, жавобгар тарафидан муайян нарсанинг қайтарилиб берилиши ва мулк ижараси билан боғлиқ ёки мулк ҳуқуқига оид ҳуқуқий муносабатлар ягона манфаат билан ҳимоя қилиниши мумкин. Бу ҳуқуқий муносабатларни тубдан ўзгартириш, яъни мазкур даъво билан ҳимоя қилинадиган манфаатлар ва асосларни ўзгартириш ҳисобланади, чунки улардан бири ҳар доим иккинчисини истисно этади. Масалан, талабга жавоб бермайдиган буюмнинг сотилиши оқибатида, бир вақтнинг ўзида бу буюмни бошқа сифатли буюмга алмаштириш ва шартномани бекор қилиш ёки сотув нархини камайтиришни талаб қилиш мумкин эмас. Ёки масалан, сотилган велосипеднинг тўловини ундириш ҳақидаги даъво аризасини, ижарага берилган уй ҳақини тўлаш (нархлар бир хил бўлсада) ҳақидаги даъво аризаси билан ўзгартириш мумкин эмас. Чунки бунда даъвонинг предметлари бошқа-бошқа, шунинг учун буни бир вақтнинг ўзида кўриш мумкин эмас. Даъво предметининг ўзгартирилиши даъво асосининг тўла ёки қисман ўзгаришига сабаб бўлади. Даъвогар даъво талабларини кўпайтириш ёки камайтириш ҳуқуқига эга. Қонун ўзгартиришнинг ҳажмини чекламаган. Суд даъвогарнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилув қарори чиқаради. Қонун судга даъво аризасининг асосини ва предметини суднинг ташаббуси билан ўзгарти-

риш ҳуқуқини бермаган. Лекин суд келтирилган талаблар чегарасидан чиқиши мумкин. Даъво талабларининг чегаралари даъвонинг асоси ва предметига боғлиқлигини ҳисобга олиб, белгиланган чегаралардан чиқиш куйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- даъво асоси этиб олинган ҳолатлар чегараларидан чиқиш;
- даъво предмети ва у билан боғлиқ даъво талаблари чегарасидан четга чиқиш мумкин.

Ишнинг кўрилиши вақтида суд даъвогарга даъво предмети ёки асосини ўзгартиришга бўлган ҳуқуқларини эслатиб ўтиши лозим. Суд баённомасида даъвогарнинг аризасига ўзгартиришлар киритилганлиги ҳақида маълумот берилиши керак.

Даъво аризаси ўзгаришининг ҳар қандай кўриниши (қонун бўйича) нафақат талабларни қаноатлантириш вазифасини, балки иш жараёнини қисқартириш вазифасини ҳам бажаради. Масалан, молиявий жиҳатдан тарафларнинг меҳнати ва вақти тежалади, даъвогар қайтадан янги даъво (шу ишни кўриш учун) беришдан озод этилади. Агарда қонунга зид бўлмаса ва даъвогарнинг манфаатларига мос келса, даъвогар даъводан воз кечиши мумкин ва даъводан воз кечиш суд процессини тугатишга олиб келади.

Тарафларнинг процессда суд ҳимоясидан воз кечишлари куйидаги шаклда амалга оширилади:

- даъвогар томонидан – даъводан воз кечиш,
- жавобгар томонидан – даъвони тан олиш.

Даъводан воз кечиш – даъвогарнинг суд процессида олиб борилаётган ишни тугатишга қаратилган даъводан воз кечишини билдирувчи маълумоти. Даъвогар агарда унинг даъвоси бир неча қисмдан иборат бўлса, даъвонинг бир қисмидан воз кечишга ҳам ҳақли. Даъводан воз кечиш даъвогарнинг бир тарафлама ҳаракати бўлиб, ҳар хил ҳолатдан келиб чиқиши мумкин. Бунда иш асосан жавобгарнинг фойдасига ҳал бўлади, чунки унинг даъвогарнинг ҳуқуқларини бузишдаги айбларини оқлашига ҳожат қолмайди ва иш тугатилади.

Агар даъвогар асоссиз даъво билан мурожаат қилганлигини тушуниб етса ёки даъво аризаси берилганидан сўнг тақдим этилаётган даъво жавобгар томонидан қаноатлантирилса, даъво аризасини қайтариб олиши мумкин. Даъво аризаси қайтариб олинишидан олдин суд бунинг сабабларини кўриб чиқиши ва оқибатларини даъвогарга тушунтириши керак. Бу талабларнинг бажарилмаслиги, қонун бузилиши деб қабул қилинади ва суднинг иш-

ни тугатиш ҳақидаги қарори бекор қилиниши ҳам мумкин. Лекин прокурор, давлат бошқарув органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар томонидан берилган даъво аризасининг қайтариб олинishi шахснинг ишни мазмунан кўриб чиқилишини талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги "Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари айрим нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида"ги 19-сонли қарори 7-бандига кўра, даъводан воз кечилганлиги тўғрисидаги, даъвонинг тан олинганлиги тўғрисидаги, шунингдек келишув битимига эришилганлиги тўғрисидаги арзлар суд мажлиси баённомасига киритилади ва тегишинча, даъвогар, жавобгар ёки иккала тараф томонидан имзоланади. Агар бундай арзлар ёзма шаклда тақдим этилган бўлса, мазкур арзалар ишга қўшиб қўйилиб, бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатилади. Суд мажлиси баённомасига киритилган тушунтиришлар, кўрсатувлар ва хулосалар, агар суд зарур деб топса, суд процесси иштирокчилари (тарафлар, гувоҳлар, экспертлар) томонидан имзоланиши мумкин.

Даъвони тан олиш – жавобгар томонидан судда даъвогар талабларининг қаноатлантирилишига розилик билдириши ишнинг даъвогар фойдасига ҳал бўлишига олиб келади. Даъвони тан олиш ҳеч қандай тазйиқ остида бўлмаслиги, яъни жавобгарнинг ўз хоҳиши билан амалга оширилиши керак. Агарда қонунга зид бўлмаса ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузмаса, суд жавобгарнинг даъвони тан олиш ҳақидаги аризасини қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги "Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари айрим нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида"ги 19-сонли қарори 7-бандига кўра, жавобгар арз қилинган талабларни судда иш кўрилаётганда тан олиши иш юритишни тугатишга асос бўла олмайди. Суд тан олишни қабул қилса, арз қилинган талабларни қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилади.

Шу ўринда бир мисол келтирамиз. С. етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақида К.га нисбатан даъво аризаси билан судга мурожаат қилган. Суднинг ажрими билан жавобгар арз қилинган талабларни тан олганлиги сабабли иш юритиш тугатилган.

Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раёсати суд ажримини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборган. Аниқланишича, С. Эрон давлатидан К.га тегишли бўлган пластмассадан ясалган стол ва стулларни олиб келган. Каримов ушбу товарларни олиб келиш учун сарфланган харажатларни С. га тўлашдан бош тортганлиги сабабли тарафлар ўртасида низо келиб чиққан. Ишни судда кўриш жараёнида жавобгар К. арз қилинган талабларни тан олиб, даъвогар сарфлаган харажатларни тўлиқ тўлашга розилиги баён қилинган аризани тақдим қилган.

Бундай ҳолатда суд арз қилинган талабларни қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариши лозим бўлса-да, қайд этилган қонун талабларига зид равишда иш юритишни тугатиш ҳақида ажрим чиқарган.

Суд ҳал қилув қарори чиқариш вақтида даъво тан олинганлигини ҳисобга олади. Даъвонинг тан олинганлигини суд текшириб кўриши керак. Агарда даъвони тан олиш қонунга зид ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқларига зид бўлса, суд даъвони тан олишни рад этади. Жавобгарнинг даъвони тан олганлиги суд томонидан мустақамланганидан сўнг, барча талаблар қаноатлантирилган ҳисобланади.

Ишнинг келишув битими билан тугатилиши фуқаролик ишида тарафларнинг моддий ва процессуал ҳуқуқлардан тўла фойдаланишга ҳақлилиги тўғрисидаги диспозитив принципларда ўз аксини топган. Тарафлар ўртасидаги келишмовчилик судга мурожаат этмасдан ҳам келишув битими асосида ҳал қилиниши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бундай келишув ҳуқуқий алоқаларни ўзгартиришга ёки тасдиқлашга қаратилган бўлади. Шунинг учун келишув битими тарафлар орасидаги муроа, яъни фуқаролик ҳуқуқидаги шартнома бўлиб хизмат қилади. Судга мурожаат этмай тузилган келишув битими суддан ташқари ҳисобланади. Суддан ташқари тузилган келишув битими агарда тарафлардан бири шартномани бажаришдан бош тортса ёки бажармаса, иккинчи тарафни шу муносабат билан судга мурожаат этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Бирор келишмовчилик юзасидан суддан ташқари ҳам битим тузилишига йўл қўйилади. Бундай битим суд тарафидан тасдиқланганидан сўнггина юридик кучга эга бўлади.

ФПКнинг 40-моддасига биноан тарафлар ишни келишув битими билан яқунлашлари мумкин. Бунда келишув битими қуйидаги талабларга жавоб бериши керак.

- бу битим суд ишининг тугашига қаратилган бўлиши лозим.
- баённомада кўрсатилган келишув битими тарафларнинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.
- Битим суд томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

Келишув битими суд қарори билан тасдиқланади ва иш тугатилади. Келишув битимининг суд томонидан тасдиқланиши келишув битимига юридик куч беришнинг энг асосий омилдир. Агар суд келишув битимини тасдиқламаса, бу битим юридик кучга эга бўлмайди.

**Судга тегишли келишув битими – бу тарафларнинг келиш-
мовчиликларни ўзаро ҳал этиб тузган шартномасидир.**

Келишув битимига кўра, даъвогар ва жавобгар ўз ҳуқуқлари-
ни келишув йўли билан белгилашади ва бу битим суд томонидан
тасдиқланади. Келишув битими – фақатгина тарафлар ўртасида
тузилади, бунда учинчи шахс иштирок этмайди. Суд келишув би-
тимини тасдиқлашдан олдин иккала тарафнинг розилигини тек-
шириб кўриши, келишув битимининг қонунийлигига ишонч ҳосил
қилиши керак.

Судга тегишли келишув битими қуйидаги талабларга жавоб
бериши керак:

– битим фуқаролик ҳуқуқий шартнома сифатида фуқаролик
ху-қуқининг барча қоидаларига мос келиши лозим. Агарда бирор-
та қонунга тўғри келмаса, битим ҳақиқий эмас деб топилади;

– шартноманинг асосий мақсади тарафлар ўртасидаги кел-
ишмовчиликни бартараф этиш бўлиб, бунда тарафларнинг ҳуқуқ
ва мажбурятлари аниқ қилиб белгилаб берилади.

Келишув битимининг шартлари аниқ ва тушунарли қилиб бел-
гиланиб берилиши керак. Келишув битимини тузиш муносабати
билан суд ишни тугатгандан кейин, ҳудди шундай даъво билан
судга қайта мурожаат қилишга йўл қўйилмайди (ФПКнинг 100,
102-моддалари). Агар келишув битими тарафларнинг ўз хоҳиши-
га кўра бажарилмаса, унинг ижроси мажбурий тартибда амалга
оширилади.

15.7. Даъвони бирлаштириш ва ажратиш

ФПКнинг 155-моддасига кўра, даъвогар бир аризада ўзаро
боғлиқ бўлган бир неча талабни бирлаштиришга ҳақли бўлади.
Бундай ҳолларда даъво асослари ва предметлари умумий бир-
бири билан боғлиқ бўлганида, талаблар ҳам бир турда бўлгани-
да даъволарнинг объект сифатида бирлаштирилиши тўғрисида
сўз боради. Бир неча талабларни бирлаштириш ишда иштирок
этувчи тарафлар бир хил бўлганлиги, далиллар умумий бўлган-
лиги муносабати билан бир неча фуқаролик ишининг тез ва ўз
вақтида самарали кўрилишини таъминлайди. Буларнинг барча-
си судьянинг, ишда иштирок этувчи шахсларнинг вақтини тежай-

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи.
Дарслик. –Тошкент: Адолат. 2001 й, -158 б.

ди, суд харажатлари кўпайишининг олдини олади. Суд амалиётида меҳнат, турар-жой, оила ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ишлар бўйича даъвогарлар бир-бири билан боғлиқ бўлган талабларни ўзаро бирлаштиришлари мумкин. Масалан, ишга тиклаш, мажбур бекор юрган вақт учун иш ҳақини ундириш ва маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ёки никоҳдан ажратиш ва алимент ундириш ҳақидаги талаблар шулар жумласидандир.

ФПКнинг 156-моддасига кўра, судья шу судда айнан бир тарафлар иштирок этаётган бир турдаги бир неча иш юритилаётганлигини ёхуд бир шахснинг турли жавобгарларга ёки бир неча даъвогарнинг айнан битта жавобгарга нисбатан аризалари бўйича бир неча иш юритилаётганлигини аниқласа, агар бу ишларни бирлаштириш ишнинг ўз вақтида ва тўғри ҳал қилинишига ёрдам берса, уларни биргаликда кўриш учун битта ишга бирлаштиришга ҳақли бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 августдаги "Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги қарорида тушунтириш берилишича суд бир иш юритишда бир-бирига боғлиқ бўлган никоҳдан ажратиш ва никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъволарни ҳал қилишга ҳақли.

Судья бир неча талабларни бирлаштириш ҳуқуқига эга бўлганидек, унга бундай талабларни ажратиш ҳуқуқи ҳам берилади. ФПКнинг 157-моддасига кўра, агар аризани қабул қилаётган судья талабларни алоҳида кўришни мақсадга мувофиқ деб топса, бирлаштирилган талаблардан бирини ёки бир нечасини алоҳида иш юритиш учун ажратишга ҳақли. Бир неча даъвогар томонидан ёки бир неча жавобгарга нисбатан талаблар кўзгатилса, аризани қабул қилаётган судья, агар талабларни алоҳида кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб топса, улардан бири ёки бир нечасини алоҳида иш юритиш учун ажратишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 августдаги "Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги қарорининг 17-бандида тушунтириш берилишича, болалар таъминоти учун нафақа ундириш тўғрисидаги даъво кўзгатилганда, иккинчи томон тугилиш тўғрисидаги ёзувларни қайд қилиш дафтаридagi ёзувда отаси ёки онаси деб ёзилганига эътироз билдирса, бу икки талаб никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишдан алоҳида иш юритишда биргаликда кўриш учун ажратилиши лозим.

15.8. Даъвога қарши жавобгар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг процессуал воситалари

Фуқаролик процессуал қонунчилик даъвогар ва жавобгарга суд ишини юритишда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда тенг имкониятлар беради. Шунга мувофиқ қонун жавобгарга даъвога қарши эътироз билдириш имконини беради. Жавобгарнинг даъвога қарши ҳимояланиши даъвога қарши эътирознинг моддий-ҳуқуқий ва процессуал-ҳуқуқий воситаларини қўллаш ҳамда қарши даъво бериш йўли билан амалга оширилади. Авваламбор, жавобгар даъвога қарши эътироз билдириши мумкин.

Жавобгар ўзига нисбатан қўзғатилган даъвони инкор этиши ва бунинг сабаблари (важлари)ни кўрсатиши мумкин. Даъвони бундай асослангандирган равишда инкор этишга эътироз деб айтилади.

Эътироз ўзининг соҳавий тавсифи ва мазмуни бўйича моддий-ҳуқуқий ва процессуал-ҳуқуқий жиҳатларга ажратилади.

Даъвога қарши жавобгарнинг моддий-ҳуқуқий ҳимояси моддий ҳуқуқ борасида мазкур даъвонинг моҳияти бўйича тан олмасликда намоён бўлади. Масалан, жавобгар даъвогарнинг талаби асосланган қонун ёки ўзга норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мавжуд эмаслигини ёхуд мазкур қонун ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўз кучини йўқотган, деб таъкидлаши ва ушбу ҳолатни исботлаши мумкин. Жавобгар моддий ҳуқуқ меъёрлари назарда тутган даъвонинг барча ёки алоҳида асосларининг йўқлигига даъво муддати ўтганлигини кўрсатиши мумкин.

Даъвога қарши моддий ҳуқуқий эътирозларнинг мазмуни даъвогар суддан талаб қилган субъектив моддий ҳуқуқ турли сабабларга кўра мавжуд эмаслиги ҳақидаги далилларни келтиришдан иборатдир.

Даъвога қарши эътирозларнинг суд томонидан эътиборга олинishi охир-оқибат даъвогарнинг даъво талаблари қаноатлантирилишини рад этишга, жавобгарнинг манфаатларига хизмат қилувчи ҳал қилув қарорининг чиқарилишиги хизмат қилади.

Даъвога қарши процессуал ҳуқуқий эътироз – бу мазкур суд жараёнининг ҳақиқий эмаслигини исботлашга қаратилган жавобгар томонидан билдирилган далилдир.

Масалан, жавобгар умумий юрисдикция судига фуқаролик ишининг тегишли эмаслигини кўрсатиб, уни тегишлича исботлаши мумкин. Бу эса суд томонидан иш юритилишини тугатилишига олиб келади. Жавобгар манфаатини ҳимоя қилишнинг иккинчи процессуал воситаси қарши даъводир. Қарши даъво – жавобгар даъвогарга асосий процессда биргаликда кўриб чиқиш учун берган даъвосидир.

Эътироздан қарши даъвонинг фарқи шундаки, бунда даъвогарнинг талабига қарши бошқа бирон-бир моддий-ҳуқуқ талаб кўйилади.

ФПКнинг 246-моддасига мувофиқ, суд иш юзасидан ҳал қилув қарори чиқаргунига қадар жавобгар дастлабки даъво билан бирга кўриб чиқилиши учун даъвогарга нисбатан қарши даъво тақдим этишга ҳақли. Қарши даъво тақдим этиш даъво тақдим этиш тўғрисидаги умумий қоидаларга биноан амалга оширилади, яъни у ФПКнинг 149-моддасига мувофиқ расмийлаштирилиши, у бўйича давлат божи тўланиши, жавобгарлар (яъни биринчи даъво бўйича даъвогарлар) сонига мувофиқ нусхалар илова қилиниши лозим.

Қарши даъвони қабул қилиш шартлари ФПКнинг 247-моддасида белгиланган. Қуйидаги ҳолларда судья қарши даъвони қабул қилиши шарт:

- 1) қарши даъво дастлабки даъвони қўллашга қаратилган бўлса;
- 2) қарши даъвонинг қаноатлантирилиши дастлабки даъво қаноатлантирилишини бутунлай ёки қисман истисно этса;
- 3) қарши ва дастлабки даъво ўртасида ўзаро боғланиш мавжуд бўлиб, уларни бирга кўриш низо тезроқ ва тўғри ҳал қилинишига ёрдам берса.

15.9. Даъвони таъминлаш тушунчаси, даъвони таъминлаш чоралари

Даъво аризаси билан мурожаат қилган даъвогарнинг асосий мақсади ўз талаблари жавобгар тарафидан ихтиёрий бажарилмаса, уларнинг мажбурий ижро этилишини таъминлашдан иборат бўлади. Баъзи ҳолларда даъвогарнинг фойдасига қабул қилинган қарор бажарилиши жуда қийин бўлиши ёки уни умуман бажариб бўлмаслиги мумкин. Мазкур ҳолатнинг олдини олиш мақсадида даъвони таъминлаш институти жорий қилинган.

Даъвони таъминлаш чораларини кўрмаслик суднинг ҳал қилув қарорининг ижросини қийинлаштирадиган ёки унинг бажарилмаслигига сабаб бўладиган бўлса, ишнинг ҳар қандай ҳолатида ҳам даъвони таъминлашга йўл қўйилади.

Даъвони таъминлаш учун бўлган асослар ФПКнинг 248-моддасида белгиланган. Унда кўрсатилишича, суд ёки судья ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимоси бўйича ёки ўз ташаббуси билан даъвони таъминлаш чораларини кўра олади.

Умумий қоида бўйича даъвони таъминлаш чораси даъво кўзғатилганидан сўнггина кўрилади. Бу қоидадан айрим истиснолар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси қоидалари билан белгиланган бўлиб, баъзи шароитларда ҳали кўзғатилмаган даъволарни ҳам таъминлаш чоралари кўрилиши назарда тутилади. Хусусан, ЖПКнинг 57-моддаси биринчи қисмига кўра, фуқаровий даъвогар суриштирувчидан, терговчидан, прокурордан ёки суддан даъвони таъминлаш чораларини кўриш ҳақида илтимос қилиш ҳуқуқига эгадир.

Ҳакамлик судида кўриб чиқиладиган даъвони таъминлаш чоралари ҳакамлик муҳокамаси тарафининг даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризасига биноан ҳакамлик суди жойлашган ердаги ёхуд жавобгар жойлашган ердаги ёки яшайдиган жойдаги ёнги жавобгарнинг мол-мулки турган жойдаги ваколатли суд томонидан кўрилиши мумкин. Даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризага даъвонинг ҳакамлик судига тақдим этилганлигини исботловчи далиллар, ҳакамлик судининг даъвони таъминлаш чораларини кўриш ҳақидаги ажрими илова қилинади.

Қуйидагилар даъвони таъминлаш чоралари бўлиши мумкин:

- жавобгарга тегишли бўлган ва унинг ўзида ёки бошқа шахсда турган мол-мулк ёхуд пул суммасини хатлаш;
- жавобгарнинг муайян ҳаракатларни амалга оширишини тақиқлаш;
- бошқа шахсларнинг жавобгарга мол-мулк беришини ёки унга нисбатан бошқа мажбуриятларни бажаришини тақиқлаш;
- мол-мулкни хатлашдан чиқариш тўғрисида даъво тақдим этилган тақдирда, уни сотишни тўхтатиш;
- агар қарздор ижро ҳужжати юзасидан даъво тартибида низоллашган бўлса ва бундай низолашишга қонун ҳужжатларида йўл қўйилса, бу ҳужжат бўйича ундирувни тўхтатиш.

Одатда, даъволарнинг иш ҳақини, даромадни, пенсия ва стипендияни хатлаш йўли билан таъминланишига йўл қўйилмайди. Бироқ айрим тоифадаги ишлар, хусусан алимент ундириш тўғрисидаги, майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлик, шунингдек боқувчининг ўлими оқибатида кўрилган зарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги, ўзгалар мол-мулкни талон-торож қилганлик натижасида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар бўйича қонун даъвои таъминлаш чоралари сифатида иш ҳақини, даромадни, пенсия ва стипендияни хатлашга йўл қўяди. Жавобгарнинг моддий аҳволидан келиб чиққан ҳолда, даъвонинг бажарилишини таъминлашда, бир вақтнинг ўзида бир нечта чора қўлланиши мумкин. Бироқ уларнинг умумий суммаси даъвонинг баҳосидан ошиб кетмаслиги керак.

Даъвои таъминлаш тўғрисидаги ариза далилларни таъминлаш ҳақидаги масалани ҳал қилишдан фарқли равишда ишни кўраётган судья (суд) томонидан ариза тушган кунгек жавобгарни ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларни хабардор қилмаган ҳолда ҳал қилинади. Иш давомида даъвои таъминлаш чораларининг қўлланиши ҳақида судья ажрим чиқаради ва шу ажримнинг ижро варақасини даъвогарга топширади ва нусхасини жавобгарга юборади.

Даъвои таъминлаш чораларини кўришда қонун жавобгарнинг ҳам манфаатларини кўзлаб суд ишида иштирок этувчи шахсларнинг баёнотларини эшитиб, даъвои таъмин қилишнинг бир турини бошқа тури билан алмаштиришга йўл қўйиш мумкинлигини белгилайди. Даъвои таъминлашнинг бир турини бошқа тури билан алмаштириш масаласи ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилиниб, суд мажлисида ҳал этилади. Лекин бу шахсларнинг келмаслиги даъвои таъминлашнинг бир турини бошқа тури билан алмаштириш масаласини кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди. Пул суммасини ундириш тўғрисидаги даъвои таъминлашда жавобгар қўлланилган таъминлаш чоралари ўрнига даъвогар талаб қилаётган суммани суднинг депозит ҳисобварағига ўтказишга ҳақли (ФПКнинг 257-моддаси). Даъвои таъминлаш тўғрисидаги ажрим суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш учун белгиланган тартибда дарҳол ижро қилинади.

Даъвои таъминлаш юзасидан хатланган (арест солинган) мулк нобуд қилинмаслиги (сотилмаслиги, бекитилмаслиги, умуман, бирон-бир усулда сақлаш кафилини олган шахс кўлидан чи-

қарилмаслиги) керак. Акс ҳолда айбли шахсларга суднинг ажрими бўйича энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдориди жарима солинади. Бундан ташқари даъвогар мазкур шахслардан суднинг даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажримини бажармаганлиқдан келган зарарларни ундиришга ҳақли бўлади (ФПКнинг 253-моддаси). Даъвони таъминлаш чоралари ишни кўраётган суд томонидан бекор қилиниши мумкин. Даъвони таъминлашни бекор қилиш масаласи ишда иштирок этаётган шахслар хабардор қилинган ҳолда суд мажлисида ҳал этилади. Бироқ, бу шахсларнинг келмаслиги даъвони таъминлашни бекор қилиш масаласини кўриб чиқиш учун тўқтинлик қилмайди.

Ҳакамлик судининг даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ҳал қилув қарори даъвони таъминлаш чоралари суд томонидан бекор қилиниши учун асос бўлади. Даъво рад этилган тақдирда йўл қўйилган таъминлаш чоралари ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунга қадар сақланади. Лекин суд ҳал қилув қарори билан бир вақтда ёки шундай қарор чиқаргандан сўнг даъвони таъминлашни бекор қилиш тўғрисидаги ажрим чиқара олади.

Қонун даъвонинг таъминланиши натижасида жавобгарнинг маълум ҳуқуқлари чекланишини ҳисобга олади. Шунинг учун тарафларнинг тенг ҳуқуқлиги асосида жавобгарнинг манфаатларини ҳам кафолатлайди. Даъво аризасининг таъминланиши борасидаги ҳар қандай ажримга хусусий шикоят билан муурожаат қилиш мумкин. Даъвони таъминлаш тўғрисидаги илтимосни қаноатлантириш ёки уни рад этиш ҳақидаги ажрим, шунингдек даъвони таъминлаш чорасини бекор қилиш ёки таъминлаш чорасининг бир турини бошқаси билан алмаштириш тўғрисидаги ажрим устидан хусусий шикоят қилиниши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин. Агар даъвони таъминлаш тўғрисидаги хусусий ажрим шикоят қилган шахсни хабардор қилмасдан чиқарилган бўлса, шикоят қилиш муддати бу ажримнинг нусхаси топширилган ёки шикоят берган шахсга суд ажрими маълум бўлган кундан бошлаб ҳисобланади. Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш ёки протест келтириш оқибатлари ФПКнинг 257-моддасида кўрсатилган. Бу қонунда айтилишича, даъвони таъминлаш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиш ёки протест келтириш бу ажримнинг ижросини тўхтатмайди. Аммо даъвони таъминлашни бекор қилиш тўғрисидаги ёки даъвони таъминлашнинг бир турини бошқа тури билан алмаштириш тўғрисидаги

ажрим устидан хусусий шикоят бериш ёки протест келтириш бу ажримнинг ижросини тўхтатади.

Бундай ажримлар хусусий шикоят бериш учун белгиланган муддат ўтиши билан ёки унинг апелляция инстанцияси суди томонидан оқибатсиз қолдирилганлигидан сўнг ижро этилади.

Даъвони таъминлаш чорасининг кўрилиши жавобгарнинг ўз мулкани тасарруф этишини маълум даражада чеклаб қўйиши билан бирга унга баъзи ҳолларда мулкий зарар етказиши мумкин. Жавобгар даъво рад қилиниб чиқарилган ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан сўнг даъвогардан унинг илтимоси билан даъвони таъминлаш бўйича кўрилган чоралар натижасида ўзига келган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли бўлади. Агар даъвони таъминлаш чоралари суднинг ташаббуси билан ёки прокурорнинг аризаси бўйича кўрилган бўлса, даъво рад қилинганидан сўнг жавобгар бундай ҳуқуққа эга бўлмайди, яъни кўрган зарарларининг тўлатилишини талаб қила олмайди.

15.10. Жиноий ишларда фуқаровий даъволар

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 56-моддасига мувофиқ, жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг жамоат учун хавфли қилмиши шахсга, корхонага, муассасага ёки ташкилотта мулкий зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлса, улар **фуқаровий даъвогар** деб эътироф этилади. Фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Вояга етмаганларнинг, шунингдек муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун фуқаровий даъво уларнинг қонуний вакиллари ва прокурор томонидан кўзғатилиши мумкин.

Жиноят ишидаги фуқаролик даъвоси деб, жиноят туфайли кўрилган мулкий зарар тўғрисидаги жабрланувчининг жиноят ишида айбланувчига ёки унинг ҳаракатлари учун моддий жавобгар бўлган шахсга нисбатан қилган талабига айтилади.

Адабиётларда таъкидланишича, фуқаролик даъвосининг жиноят иши кўрилишида кўзғатилиши жабрланувчининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун қўшимча имкониятлар яратади: у давлат божини тўлашдан озод қилинади, даъво жиноят ишини кўзғатган орган томонидан исботланади. Бундан ташқари,

фуқаролик даъвосининг жиноят ишида кўрилиши иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни қайта-қайта, такрор текширишдан судни озод қилади.¹

Фуқаровий даъвогар қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

- фуқаровий даъво тақдим этиш ва уни қувватлаш;
 - далиллар тақдим қилиш; кўзғатилган даъво бўйича тушунтиришлар бериш;
 - ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил олиш;
 - илтимоснома бериш ва рад қилиш;
 - суриштирувчидан, терговчидан, прокурордан ёки суддан даъвони таъминлаш чораларини кўриш ҳақида илтимос қилиш;
 - дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш;
 - биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш;
 - суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш;
 - суд ҳукми ва ажримининг фуқаровий даъвога тегишли қисми устидан шикоят қилиш;
 - иш бўйича келтирилган шикоятлар, протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш.
- Шунингдек, фуқаровий даъвогар қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олиши талаб этилади:
- суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши ва уларнинг талабларига асосан фуқаровий даъвога тегишли бўлган далиллар тақдим этиш;
 - ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслик;
 - ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Фуқаровий даъвогар деб эътироф этилган шахс айни вақтда жабрланувчининг барча ҳуқуқларидан фойдаланади ва унинг мажбуриятларини бажаради (ЖПКнинг 57-моддаси).

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент: Адолат. 2001 й. -165 б.

Прокурор фуқаровий даъвони кўзгатиши ёки кўзгатилган фуқаровий даъвони қувватлаши ёхуд башарти, давлат ёки жамият манфаатларини ёхуд фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тақозо этса, даъвога қарши эътироз билдириши шартлиги назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги "Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида"ги қарориди, айрим судлар ҳар доим ҳам фуқаровий даъвони таъминлаш чораларини кўрмасликлари, тергов органлари томонидан мол-мулкни ўз вақтида хатламаслик ҳолларига баъзан тегишли муносабат билдирмасликлари, зарарнинг миқдори ва хусусияти тўғрисидаги далилларни тўлиқ текширмасликлари, фуқаровий даъволарни етарли асосларсиз кўрмасдан қолдиришлари, фуқаровий даъво кўзгатилмаган ҳолларда етказилган мулкий зарарни ундириш масаласини ўз ташаббуслари билан ҳал қилмасликлари танқид остига олинди. Мазкур Пленум қарорининг 4-бандида тушунтириш берилишича, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш жараёнида суд фуқаровий даъво кўзгатилгани ва жиноий ҳаракат оқибатида етказилган моддий зарарнинг ундирилишини таъминловчи чоралар кўрилгани ҳақидаги масалаларни аниқлаши зарур. Агар суриштирувчи ёки терговчи фуқаровий даъвони таъминлаш чораларини кўрмаган бўлса, суд ЖПКнинг 290-моддаси талабига биноан ўз ташаббуси билан бу чораларни кўради ёки тегишли органлар зиммасига моддий зарарнинг қопланишини таъминлаш чораларини кўриш мажбуриятини юклайди ва бу ҳақда ажрим чиқаради.

Айбдор шахсларнинг мол-мулкни хатлаш мулкий зарар қопланишини таъминлашнинг муҳим шаклларида ҳисобланади. Иш материалларида мол-мулк рўйхатининг йўқлиги мулкий зарарни қоплаш тўғрисидаги масалани кўрмасдан қолдиришга асос бўла олмайди, чунки бундай мол-мулк ҳўм ижроси жараёнида ҳам аниқланиши мумкин. Шу билан бирга, судлар хусусий ажрим чиқариш йўли билан суриштирув ва тергов органлари томонидан айбдор шахсларнинг мол-мулкни хатлаш чорасини кўрмаганлиги ёки ўз вақтида кўрмаганлиги тўғрисидаги ҳар бир ҳолатта муносабат билдиришлари лозим.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Судда даъво ишларини юритиш тартибида кўриладиган қандай ишларни биласиз?
2. Даъво деганда нимани тушунасиз?
3. Даъвонинг қандай элементлари бор?
4. Даъво қандай турларга ажратилади?
5. Даъвога бўлган ҳуқуқ деганда нимани тушунасиз?
6. Даъво тақдим этишга бўлган ҳуқуқ деганда нимани тушунасиз?

7. Даъво талабларнинг асосини ёки предмети́ни ўзгартириш, даъво талабларидан воз кечиш ҳақида гапиринг.
8. Даъвони бирлаштириш ва ажратишнинг асослари ҳамда тартиби қандай?
9. Даъвога қарши жавобгар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қандай процессуал воситалари мавжуд?
10. Даъвога қарши эътироз билдиришнинг қандай томонлари мавжуд?
11. Қарши даъво нима ва уни кўзғатишнинг тартиби қандай?
12. Даъвони таъминлаш деганда нимани тушунаси́з ва уни таъминлашдан мақсад нима?
13. Даъвони таъминлашнинг қандай чоралари мавжуд?
14. Жиноий ишларда фуқаровий даъволар деганда нимани тушунаси́з?

МАХСУС АДАБИЁТЛАР:

1. Аболонин Г.О. Групповые иски в законодательстве и судебной практике США // Российский юридический журнал. 1997. N 1. -С. 144-147;
2. Аболонин Г. О. Об общих вопросах развития современного искового производства // Арбитражный и гражданский процесс. 2000. № 4.
3. Батаева Н. Необходимо ввести институт группового иска// Российская юстиция. 1998. № 10.
4. Батаева Н. С. Судебная защита прав и интересов неопределенного круга лиц: Автореф.дисс.....канд.юр.наук. М, 1999.
5. Гаврилов Э. Взыскание убытков, причиненных мерами по обеспечению иска // Российская юстиция, 1997. № 1.
6. Зайцев И. М. Функции иска в судопроизводстве // Государство и право. 1996. № 7.
7. Зайцев И. Административные иски // Российская юстиция. 1996. № 4. С. 23.
8. Имомов Н.Ф. Фуқаролик ҳуқуқида муддатлар ва даъво муддати. –Тошкент.: ТДҶОИ. 2005. -122 б.
9. Малышев П. Косвенные иски в судебной практике США // Российский юридический журнал. 1996. N 1. -С. 95-11.2
10. Мамасиддиқов М.М., Хабибуллаев Д.Ю. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. (Схема ва жадваллар). Ўқув услубий қўлланма. –Тошкент.: ТДҶОИ, 2006. -168 б.

11. Мурадян Э. М. Preventивные иски // Государство и право. 2001. № 4.
12. Мухтасар (шариат қонунларига қисқача шарҳ). –Тошкент.: “Чўлпон”. 1994. -269 б.
13. Мясникова Н. К. Новые виды исков в российском гражданском судопроизводстве // Вестник Саратовской Государственной академии права. 1999. №1.
14. Осокина Г. Понятие, виды и значение тождества иска (исков) // Российская юстиция. 1995. № 3.
15. Осокина Г. Чьи права защищаются косвенными исками? // Российская юстиция. 1999. № 10.
16. Ференц-Сороцкий А.А. Элементы иска. В кн: Гражданский процесс. (Учебник). –М.: “Проспект”, 1998. –С. 155-158.
17. Эгамбердие Э. Фуқаролик жараёни ҳуқуқида даъво муаммолари. –Тошкент.: Адолат, 1994. -8 бет.
18. Эгамбердиев Э. Фуқаролик суд ишларини юритиш турлари. –Тошкент, “Камалак”, 1996.
19. Эгамбердиев Э. Даъво ва унинг элементлари. –Тошкент.: Адолат. Ўқув қўлланма. 2000.
20. Эгамбердиев Э. Фуқаролик жараёни ҳуқуқида даъво муаммолари. Юрид. фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. –Тошкент.: 2007. -20 б.
21. Янков В. В. Особенности рассмотрения дел по косвенным искам // Юрист. 2000. №№ 11,12.
22. Янков В. В. Новые формы исковой защиты в гражданском процессе (групповые и косвенные иски) // Государство и право. 1999. № 9.
23. Янков В. Б. Судебная защита интересов акционерного общества и его акционеров // Экономика и жизнь. 1996. № 20.
24. Чугунова Е.И. Производные иски в гражданском и арбитражном процессе. Автореф. дис. канд. юрид. наук. –Екатеринбург, 2003.

СУДДА ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ КЎЗГАТИШ

Бобнинг мақсади судга мурожаат қилишнинг асосий талаблари ва унга риоя қилмаслик оқибатлари ҳақида тушунтириш беришдан иборатдир. Мазкур бобда даъво аризалари, унинг тузилиши ва мазмуни, аризани ҳаракатсиз қолдириш асослари ва тартиби, аризани қабул қилиш уни рад қилиш асослари ва уни расмийлаштириш тартиби, фуқаролик ишини кўзгатишнинг ҳуқуқий оқибатлари назарда тутилган.

16.1. Судга мурожаат қилишнинг асосий талаблари ва унга риоя қилмаслик оқибатлари

Фуқаролик процессининг босқичлари ҳақида фикр билдирган ҳуқуқшунос олимларнинг аксарияти фуқаролик ишларини кўзгатиш фуқаролик процессининг дастлабки ва мустақил босқичи эканлигини эътироф этадилар. Фуқаролик процессуал қонунчилик судда иш кўзгатиш босқичида бир қатор шартлар ва талабларни белгилайди. Ушбу талаблар фуқаролик суд ишларини юритишнинг вазифаларини тўлиқ амалга оширилишида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, фуқаролик ишлари қонунда белгиланган тартибда кўзгатиlmас экан, судлар ўз зиммаларидаги муҳим вазифани, яъни фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклашиш (ФПКнинг 4-моддаси) кабиларни амалга ошириш имкониятидан маҳрум бўладилар.

Судга мурожаат қилаётган шахслар фуқаролик процессуал қонунчиликда белгиланган шартлар ва тартибга риоя қилишлари талаб этилади. Зеро, ФПКнинг 1-моддасида ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқи ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонунда белги-

ланган тартибда судга муурожаат қилишга ҳақли эканлиги белгиланган бўлиб, бу ўз навбатида, судга муурожаат қилаётган шахсларга қонунда белгиланган тартибда судга муурожаат қилиш мажбуриятини ҳам юклайди.

Судда даъво ишларини кўзғатишнинг асосий шартларидан бири судга муурожаат қилувчи шахслар доирасини тўғри аниқлашдан иборатдир.

ФПКнинг 5-моддасига мувофиқ, суд фуқаролик ишини куйидаги ҳолларда кўзғатади:

1) ўзининг ҳуқуқи ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилишни сўраб муурожаат қилган шахснинг аризаси бўйича;

2) прокурорнинг аризаси бўйича;

3) агар давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар қонунга мувофиқ бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга муурожаат этишга ҳақли бўлсалар, уларнинг берган аризалари бўйича.

Фуқаролик ишларини судда кўзғатиш куйидаги процессуал ҳаракатларни амалга ошириш оқибатида рўй беради:

– манфаатдор шахсларнинг судга муурожаат қилиши;

– берилган аризанинг суд томонидан қабул қилиниши.

Судья шахснинг судга муурожаат этиш ҳуқуқи борлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг, судга муурожаат этиш қоидалари бузилмаганлигини текшириши лозим. Бундай қоидалар куйидагилардан иборатдир:

– мазкур низони судгача бўлган тартибда ҳал қилиш қоидаларига риоя қилганлигини аниқлаш;

– судга бу ишнинг тегишлилигини аниқлаш;

– вакилнинг мазкур ишда қатнашишга ваколатли эканлиги аниқлаш;

– аризанинг шакли ва мазмунига оид процессуал қонун талабларига риоя қилинганлигини текшириш;

– давлат божининг тўланганлиги аниқлаш.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларида, хусусан, 1991 йил 20 декабрдаги "Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарорининг 4-бандида тушунтириш берилишича, фактни белгилаш тўғрисидаги аризалар ФПКнинг 280, 283-моддаларига биноан алоҳида иш юритиш тартибидан кўришда куйидаги шартларга риоя қилинган тақдирдагина суд томонидан қабул қилиниши мумкин:

а) агар бу фактни белгилаш фуқаролар ёки ташкилотларнинг шахсий ёки мулкӣ ҳуқуқларини бевосита келтириб чиқарса, ўзгартирса ёки тугатса;

б) агар манфаатдор шахслар ўртасида ҳуқуқ ҳақида судга тааллуқли низо бўлмаса, фактни белгилаш шу фактдан келиб чиқадиган (фуқаронинг насабини, келиб чиқиши, меросни қабул қилиш муддатини узайтириш, мерос ҳақидаги гувоҳнома берилишининг асослиги, шартномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида) ҳуқуқ ҳақидаги низони келгусида ҳал қилиш билан боғлиқ бўлмаса, қачонки манфаатдор шахсларда тегишли даъво билан судга муружаат қилиш имконияти бўлса;

в) агар ариза берувчи шу фактни тасдиқлайдиган тегишли ҳужжатларни бошқача йўл билан олиш ёки тиклаш имкониятига эга бўлмаса.

Судья фақат қонунда назарда тутилган асослар бўйича аризани қабул қилишни рад этишга ҳақли бўлади. Келтирилган талабларнинг исботланмаганлиги, даъво муддатини ўтказиб юборилганлиги ва бошқа, қонунда назарда тутилмаган асослар бўйича аризани қабул қилиш ва фуқаролик ишини кўзғатиш рад этилишига йўл қўйилмайди.

Даъво аризаси ФПКнинг 149 ва 150-моддалари талабларига риоя қилинмай берилган ҳолларда ҳаракатсиз қолдирилади ва ФПКнинг 154-моддасига асосан камчиликларни бартараф этиш муддати кўрсатилади. Кўрсатилган муддатда камчиликлар бартараф этилмаса, ариза берилмаган ҳисобланиб, даъвогарга қайтарилади ва бу ҳақда ажрим чиқарилади. Судья томонидан аризани кўриб чиқиш ва қабул қилиш тўғрисида қониқарли хулосалар қабул қилинганидан сўнг, фуқаролик иши кўзғатилган ҳисобланади. Фуқаролик ишининг кўзғатилиши оқибатида фуқаролик ишининг ҳаракати бошланади. Суднинг тарафлар ўртасидаги низони кўриш ва бу тўғрида қарор чиқариш бурчи вужудга келади.

16.2. Даъво аризалари, унинг тузилиши ва мазмуни

Даъво аризасида даъвогарнинг талаблари ва илтимослари кўрсатиб ўтилган бўлади. Тарафлар ўртасида келиб чиққан моддий-ҳуқуқий низони судда кўриб ҳал қилиш мақсадида судга тақдим этилган даъвогарнинг даъво аризаси судда бир вақтнинг ўзида ҳуқуқ ҳимоясининг процессуал воситаси бўлиш билан бирга судда иш кўзғатишнинг процессуал воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади.

Юридик энциклопедияларда даъво аризасига қуйидагича таъриф берилади: даъво аризаси – даъво билдиришнинг ташқи шакли. Даъво аризаси қуйидаги белгиланган реқвизитларга эга бўлиши керак: Қўлланмада суднинг номи, томонлар номи ва манзиллари, даъвонинг фактик асослари ва уларни тасдиқловчи далиллар, даъвонинг мазмуни ва нархи, илова

қилинаётган ҳужжатлар рўйхати. Ариза жавобгарларнинг сони бўйича нухсалар билан берилади.¹

Юридик адабиётларда даъво аризаси давогарнинг даъво талаблари ва фуқаролик ишини кўзгатиш учун асос бўладиган бошқа ҳолатлар баён этиладиган ҳужжат эканлиги ҳақида фикрлар илгари сурилади.² Даъво аризасида ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилган манфаатдор шахснинг хоҳишистаги баён этилади.³

Даъво аризаси – субъектив ҳуқуқ тўғрисидаги низони ҳал қилиш учун судга мурожаат қилишнинг қонун билан белгилаб қўйилган шаклидир.

ФПКнинг 148-моддасига кўра судда фуқаролик ишлари ёзма шаклда ариза бериш йўли билан кўзгатилиши белгилаб қўйилган бўлиб, процессуал қонунчилик фуқаролик ишини бошқа шаклда кўзгатилишини назарда тутмайди.

ФПКнинг 149-моддасида аризининг мазмуни ўз ифодасини топган бўлиб, унга кўра, авваламбор аризада ариза берилаётган суднинг номи кўрсатилади. Ундан кейин даъвогарнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва яшаш жойи, агар даъвогар ташкилот бўлса, унинг қаерда жойлашганлиги, шунингдек агар ариза вакил томонидан берилаётган бўлса, вакилнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) аниқ кўрсатилади. Ундан сўнг, жавобгарнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), яшаш жойи ёки агар жавобгар ташкилот бўлса, унинг қаерда жойлашганлиги баён этилиши лозим. Тарафларнинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг манзиллари уларга иш кўзгатирилганлиги ҳақидаги қарор нухасини жўнатиш учун ҳам керак бўлади.

ФПКнинг 149-моддасида кўрсатилишича, аризада даъвогарнинг талаби, бошқача қилиб айтганда даъвогарнинг ҳуқуқ ва манфаатларининг жавобгар томонидан бузилган ҳоллари аниқ қилиб кўрсатилган бўлиши керак. Бундан келиб чиқиб, даъвогар судга уни ҳимоя қилиш қай даражада ва кўринишда бўлишини кўрса-

¹ Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳририда. –Т ошкент: «Шарқ», 2001. — 87 б.

² Гражданский процесс // Учебник. Под ред. д.ю.н, проф М.К. Треушников. –М.: Юриспруденция. 2001. -156 с.

³ Гражданское процессуальное право России: Учебник для вузов. П.В.Алексий, Н. Д. Эрвили, В. Н.Гулузо и др. Под ред. проф П.В.Алексия, проф. Н.Д.Амаглобели. – М.: ЮНИТИДАНА, 2005. - 166 с.

тиши керак. Судга берилган даъвонинг мазмуни, жавобгарнинг айрим ҳаракатларини тўхтатиш, ҳуқуқий алоқаларнинг ўзгартирилиши ёки ҳуқуқ ва эркинликни тан олиш тўғрисида бўлиши мумкин. Даъво аризасида даъвонинг баҳоси ҳам кўрсатилиши керак. Даъвонинг баҳоси ФПКнинг 105-моддасига биноан аниқланади. Даъвонинг баҳоси даъвогар томонидан кўрсатилади. Даъвогар кўрсатган баҳо даъво қилинаётган мулкнинг ҳақиқий қийматиға мувофиқ эмаслиги яққол бўлса, даъвонинг баҳосини судья белгилайди. Агарда даъво айнан пул билан боғлиқ бўлса, ундирилиши керак бўлган пул аниқ қилиб кўрсатилади. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ёки айрим фуқаролар томонидан бериладиган аризалар, шунингдек прокурорнинг ҳуқуқий хужжатни ғайриқонуний деб топиш ҳақидаги аризаси ФПКнинг 149-моддаси талабларига жавоб бериши лозим.

Агар қонунда ёки шартномада тарафларнинг низоларни судгача ҳал қилиш тартиби кўрсатилган бўлса, даъвогарнинг аризасида бу ҳақида маълумот берилиши керак. Даъво аризасида аризага илова қилинган хужжатлар ҳақида ҳам айтиб ўтилиши керак. Даъвогар ўзининг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, жавобгарнинг телефон рақамини, факсини, электрон почтасини ва ишни кўриб чиқишда муҳим аҳамият касб этади. Даъво аризаси даъвогар томонидан имзоланади. Лекин, даъвогар номидан бошқа шахс иш олиб бориш ҳуқуқиға эга бўлса, ўша шахс имзолаши мумкин.

16.3. Аризани ҳаракатсиз қолдириш

Юридик адабиётларда таъкидланишича, аризани ҳаракатсиз қолдириш имтиёз тусига эга бўлган процессуал ҳаракат ҳисобланиб, барча суд ишларини юритиш турлари учун татбиқ этилади.¹ Дарҳақиқат, аризачининг аризаси ҳаракатсиз қолдирилганида аризани қабул қилишни рад этишнинг айрим асосларидан фарқли равишда аризадаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш имконияти берилади. Масалан, агар ариза судда кўришга тегишли бўлмаганлиги учун ёки суднинг айнан тарафлар ўртасида, айнан бир нарса тўғрисида ва айнан бир асослар бўйича

¹ Гражданский процесс / Учебник. Отв. ред. проф. В.В. Ярков. –М.: Волтерс Клувер, 2004. –250 с.

чиққан низо юзасидан қабул қилиниб, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёхуд даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлигини қабул қилиш ёки тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрими мавжуд бўлган тақдирда аризачи томонидан йўл қўйилган хатоларни бартараф этиш имкони мавжуд бўлмайди ва шу иш бўйича судга иккинчи марта ариза билан муурожаат этишга йўл қўйилмайди.

Ариза ҳаракатсиз қолдирилганда эса суд даъвогарни бу ҳақда хабардор қилиб, аризадаги камчиликларни тузатиш учун унга муҳлат беради. Агар даъвогар белгиланган муддатда судьянинг кўрсатмаларига мувофиқ аризадаги мавжуд камчиликларни бартараф этса, ариза судга дастлаб тақдим этилган куни берилган ҳисобланади. Акс ҳолда, ариза берилмаган ҳисобланиб, даъвогарга қайтарилади ва бу ҳақда ажрим чиқарилади.

Аризани ҳаракатсиз қолдириш асослари ФПКнинг 154-моддасида баён этилган бўлиб, унга кўра қуйидаги ҳолларда ариза ҳаракатсиз қолдирилади:

- ариза ФПКнинг 149-моддасида баён этилган талабларга риоя қилинмай берилган бўлса;
- судга ариза жавобгарларнинг сонига мутаносиб миқдорда нусхалари билан берилмаган бўлса;
- даъвогар аризага илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаларини жавобгарларнинг сонига мутаносиб миқдорда тақдим этиш бўйича судьянинг кўрсатмаларини бажармаган бўлса;
- давлат божи тўлашдан озод этилмаган даъвогар ариза тақдим этганлиги учун давлат божини тўланмаган бўлса.

Ундан ташқари, Фуқаролик процессуал кодексининг бошқа бир қатор моддаларида назарда тутилган маълумотларни судга муурожаат қилган шахслар томонидан тақдим этилмаслиги ҳам аризани ҳаракатсиз қолдирилишига сабаб бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1992 йил 13 ноябрдаги "Тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқолган тақдирда уларга бўлган ҳуқуқларни тиклаш (чақириб иш юргизиш) ҳақидаги аризаларнинг судлар томонидан кўрилиши тўғрисида"ги қарорининг 2-бандида тушунтириш берилишича, тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқолган тақдирда уларга бўлган ҳуқуқни тиклаш ҳақидаги ишлар алоҳида тартибда кўрилади, шунинг учун аризада ФПКнинг 149-моддасида кўрсатилган умумий талаблардан ташқари ФПКнинг 301-моддасида белгиланган маълумотлар қайд этилиши лозим. Аризачи мазкур шартларни бажармаса, судья аризани ҳаракатсиз қолдириб, аризачига бу ҳақда хабар бериб, камчилик-

ларни тугатишга муддат беради. Агарда аризачи камчиликларни белгиланган муддатда бартараф этмаса, ариза қабул қилинмаган деб ҳисобланади ва аризачига қайтарилади.¹

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги "Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида"ги қарорининг 11-бандида тушунтириш берилишича, судья фуқароларни қонунда кўзда тутилган асослар бўйича (Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 27-28, 71-73 моддалари) бошқа уй-жой бериш билан уй-жойдан кўчириш тўғрисида даъво аризани қабул қилишда уйдан кўчирилаётган фуқароларга тақдим қилинадиган уй-жойнинг аниқ манзили кўрсатилганлигини текшириши шарт. Агарда даъво аризада манзил кўрсатилмаган бўлса, бундай ҳолат ФПК нормаларига мувофиқ аризани ҳаракатсиз қолдириш ҳақида ажрим чиқаришга асос бўлади. Бу хусусда даъвогарга маълум қилинади ва унга аризада мавжуд бўлган камчиликларни бартараф этиш учун муддат белгилайди. Судьянинг талаби бажарилмаган тақдирда ариза тақдим қилинмаган, деб ҳисобланиб даъвогарга қайтарилади.²

Судья юқоридаги асослардан бири мавжуд бўлган тақдирда, аризани ҳаракатсиз қолдириш тўғрисида ажрим чиқариб, бундан даъвогарни хабардор қилади ва камчиликларни тузатиш учун унга муҳлат беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги "Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари айрим нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида"ги 19-сонли қарорида тушунтириш берилишича, бериладиган муҳлат чегараси ҳар бир муайян ҳолатда аризадаги камчиликлар хусусияти ва уларни бартараф этишнинг реал имкониятларини инобатга олган ҳолда белгиланади.³

Шу ўринда таъкидлаш керакки, аризани ҳаракатсиз қолдириш учун асос бўладиган ҳолатлар рўйхати тугал ҳисобланади ва уни кенгайтириб шарҳлаш, қонунда кўрсатилмаган асослар бўйича аризани ҳаракатсиз қолдирилишига йўл қўйилмайди.

16.4. Аризани қабул қилиш, уни рад қилиш асослари ва уни расмийлаштириш тартиби

Аризалар судларда суднинг раиси, унинг ўринбосари ёки судья томонидан қабул қилинади. Фуқаролик иши кўзғатиш масаласини судья ҳал қилади ва бу ҳақда суд ажрим чиқаради.

Судья фуқаролик ишини кўзғатиш босқичида қуйидаги ажримлардан бирини чиқариш ҳуқуқига эга бўлади:

¹ "NORMA" ахборот-ҳуқуқий тизими.

² "NORMA" ахборот-ҳуқуқий тизими.

³ "NORMA" ахборот-ҳуқуқий тизими.

- аризани иш юритувга қабул қилиш тўғрисидаги ажрим;
- аризани ҳаракатсиз қолдириш тўғрисидаги ажрим;
- аризани даъвогарга қайтариш тўғрисидаги ажрим;
- аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим.

Аризани қабул қилишни рад этиш асослари ФПКнинг 152-моддасида кўрсатилган. Суд қуйидаги ҳолларда аризани қабул қилишни рад этади, агар:

- 1) *ариза судда кўришга тегишли бўлмаса;*
- 2) *суднинг айнан тарафлар ўртасида, айнан бир нарса тўғрисида ва айнан бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан қабул қилиниб, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёхуд даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлигини қабул қилиш ёки тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрими мавжуд бўлса;*
- 3) *суд айнан бир тарафлар ўртасида, айнан бир нарса тўғрисида ва айнан бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан иш юритаётган бўлса;*
- 4) *тарафлар ўртасида ушбу низо ҳал қилиш учун ҳакамлик судига топшириш ҳақида ҳакамлик битими тузилган бўлса;*
- 5) *иш шу суднинг судловига тааллуқли бўлмаса;*
- 6) *ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса;*
- 7) *манфаатдор шахс номидан аризани иш юритиш ваколатига эга бўлмаган шахс берган бўлса.*

Судьянинг ушбу модда 5, 6 ва 7-бандларида назарда тутилган асослар бўйича аризани қабул қилишни рад этиши, башарти йўл қўйилган хатолар бартараф этилса, шу иш бўйича судга иккинчи марта ариза билан мурожаат этишга тўқтинлик қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1992 йил 13 ноябрдаги "Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларидаги хатоликларни белгилашни тартибга солувчи қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланиши ҳақида"ги қарорининг 8-бандига кўра, агар фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларидаги хатоларни белгилаш ҳақидаги аризани суд иш юргизишига қабул қилиш ёки алоҳида тартибда судда кўриш вақтида судга тааллуқли ҳуқуқ бўйича (мерос, мулк ҳуқуқи ва ҳоказо) низо аниқланса, судья аризани қабул қилишни рад этади ёки суд аризани кўрмасдан қолдиради ва манфаатдор шахсларга умумий асосларда даъво тақдим этиш мумкинлигини тушунтиради. Бундай ҳолларда фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларидаги хатоликларни тузатиш ва ўзгартишлар ёхуд қў-

шимчалар киритиш масаласи суд томонидан даъво ишини юргизиш тартибда даъво аризаси билан бирга ҳал этилади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, аризани қабул қилишни рад этиш учун асос бўладиган ҳолатлар рўйхати тугал ҳисобланади ва уни кенгайтириб шарҳлаш, қонунда кўрсатилмаган асослар бўйича аризани қабул қилишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг бир қатор қарорларида бу билан боғлиқ тушунтиришлар бериб борилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1993 йил 16 апрелдаги "Судлар томонидан мулкни рўйхат (арест)дан чиқариш ҳақидаги ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланиши тўғрисида"ги қарорининг 1-бандига кўра, ҳал қилув қарори ёки ҳукми ижро қилиш учун мулкнинг сотиб юборилганлиги, ушбу мулкка нисбатан эгаллик ҳуқуқини белгилаш тўғрисидаги даъво аризасини қабул қилишни рад этиш учун асос бўла олмайди. Шунингдек, мулкни рўйхатта олиш билан боғлиқ бўлган иш ҳал этилмаган бўлса-да, суд шу мулкни рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги даъво аризасини қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас. Бундай ишни бошқа иш ҳал этилмасдан олдин кўриш мумкин эмас деб топса, у ҳолда суд ФПКнинг 92-моддаси 4-бандига кўра мулкни рўйхатдан чиқариш ҳақидаги даъво бўйича иш юргизишни тўхтатади (Пленум қарорининг 4-банди).

Бироқ айрим қонун ҳужжатларида ФПКнинг 152-моддасида кўрсатилган асослардан ташқари аризани қабул қилишни рад этишга асос бўладиган ҳолатлар ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, Оила кодексининг 39-моддасига биноан эр хотинининг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида хотинининг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш кўзғатишга ҳақли эмас. Боланинг отаси деб қайд этилмаган ҳолларда ҳам эр бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида хотинининг розилигисиз никоҳдан ажралиш тўғрисида даъво кўзғатишга ҳақли эмас. Ушбу қоида бола ўлик туғилган ёки 1 ёшгача яшамай, вафот этган ҳолларга ҳам татбиқ қилиниши лозим. Никоҳдан ажралиш тўғрисидаги ишни кўзғатиш учун хотинининг розилиги бўлмаса, суд эридан даъво аризасини қабул қилишни рад этади, агар қабул қилинган бўлса, иш юргизишни тугатади. Хотин судда иш кўзғатишдан олдин эрининг аризаси бўйича никоҳдан ажралишга розилик бериб, ишни кўришда унга қаршилиқ билдирса ҳам иш юргизишни тугатиш лозим бўлади. Кўрсатилган ҳолатлар хотиннинг ўзи никоҳдан ажратиш масаласини қўйишига тўсқинлик қилмайди (*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда*

қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 1998 йил 11 сентябрдаги қарори 3-банди).

Судья ФПКнинг 152-моддасида кўрсатилган асосларга кўра аризани қабул қилишни рад этар экан, бу ҳақда ариза тушган кундан эътиборан ўн кун ичида асослантирилган ажрим чиқаради. Башарти иш судга тааллуқли бўлмаса, судья ажримда аризачи қайси органга мурожаат қилиши кераклигини ёки иш кўзгатишга тўқинлик қилаётган ҳолатларни қандай бартараф этишни кўрсатиши шарт. Ариза иловалар ва ажримнинг нусхаси билан бирга, лиқда даъвогарга қайтарилади.

16.5. Фуқаролик ишини кўзгатишнинг ҳуқуқий оқибатлари

Судга даъво тақдим этиш ва судда фуқаролик ишининг кўзгатилиши бир қатор ҳуқуқий оқибатларни юзага келтиради. Адабиётларда эътироф этилишича, фуқаролик ишларининг кўзгатилиши анъанавий равишда қуйидаги икки хил ҳуқуқий оқибатни юзага келтиради: – **процессуал-ҳуқуқий**; – **моддий-ҳуқуқий**.¹

Процессуал-ҳуқуқий оқибатлар қуйидагилардан иборат:

биринчидан, даъво аризаси, ариза ва шикоятларнинг қабул қилиниши билан фуқаролик процесси кўзгатирилган ҳисобланади;
иккинчидан, ФПКнинг 246, 247-моддаларига мувофиқ, жавобгарда даъвогарнинг талабларига нисбатан қарши даъво тақдим этиш ҳуқуқи вужудга келади;

учинчидан, даъвогар худди шундай талаб ва айнан бир асослар бўйича бошқа судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади;

тўртинчидан, ФПКнинг 138-моддасига биноан, ишда иштирок этувчи шахслар иш юритилаётган вақтда ўз манзили ўзгаргани ҳақида судга маълум қилишлари шарт. Акс ҳолда, чақирув қоғози судга маълум бўлган охириги манзил бўйича юборилади ва чақирилувчи бу манзилда яшамаётган бўлса-да, чақирув қоғози унга топширилган ҳисобланади.

Моддий-ҳуқуқий оқибатлар асосан қуйидагилардан иборат бўлади:

биринчидан, ФКнинг 157-моддасига мувофиқ, даъво муддатининг ўтиши белгиланган тартибда даъво кўзгатилиши билан, шунингдек мажбур шахс қарзни тан олганлигини кўрсатувчи ҳаракатларни қилиши билан узилади;

¹ Гражданский процесс / Учебник. Отв. ред. проф. В.В. Яков. – М.: Волтерс Клувер, 2004. – 253 с.

иккинчидан, ФКнинг 1028-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, мол-мулкни асоссиз олган ёки тежаб қолган шахс бойлигининг асоссиз орттирилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган вақтдан бошлаб ана шу мол-мулкдан чиқариб олган ёки чиқариб олиши лозим бўлган барча даромадларни жабрланувчига қайтариши ёки тўлаши шарт;

учинчидан, судга даъво тақдим этилган вақтдан эътиборан даъвогарга ўз томонидан амалга оширилган суд харажатларини жавобгардан ундириб олиш ҳуқуқи вужудга келади. Шунингдек, агар талаб қўйилгандан сўнг уларни жавобгар ихтиёрий равишда қаноатлантирганлиги натижасида даъвогар ўз талабларидан воз кечган бўлса, суд даъвогарнинг илтимоси бўйича унинг иш юзасидан қилган ҳамма суд харажатларини жавобгардан ундириб беради (ФПКнинг 118-моддаси биринчи қисми). Ҳал қилув қарори қайси тарафнинг фойдасига чиқарилган бўлса, суд шу тарафга иккинчи тарафдан вакилнинг ёрдами учун тўлашга кетган харажатларни оқилона миқдорларда ундириб беради (ФПКнинг 114-моддаси биринчи қисми). Шунингдек, суд инсофсизлик билан асоссиз талабларни қўйган ёки арз қилинган талабларга қарши низолашган ёхуд ишнинг тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқирилиши ва ҳал этилишига мунтазам қаршилиқ қилиб келган тараф зиммасига амалда йўқотилган вақт учун иккинчи тараф фойдасига ҳақ тўлаш мажбуриятини юклаши мумкин (ФПКнинг 115-моддаси).

Шу ўринда таъкидлаш керакки, фуқаролик ишларини кўзга-тишнинг юқорида назарда тутилган процессуал-ҳуқуқий ва моддий-ҳуқуқий оқибатлари яқунланган ҳисобланмайди, зеро қонунчилик фуқаролик ишларини кўзғатишнинг бошқа оқибатларини ҳам назарда тутиши мумкин.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Судга мурожаат қилишнинг асосий талаблари нималардан иборат?
2. Ушбу талабларга риоя қилмаслиқнинг оқибатлари қандай?
3. Даъво аризаси нима?
4. Даъво аризасининг тузилиши ва мазмуни ҳақида гапиринг.
5. Аризани ҳаракатсиз қолдиришнинг қандай асослари мавжуд?
6. Аризани қабул қилишни рад қилишнинг қандай асослари мавжуд?

7. Фуқаролик ишини кўзга тишининг қандай ҳуқуқий оқибатлари мавжуд?

МАХСУС АДАБИЁТЛАР:

1. Гусев В.Г. Защиты права на правосудие в стадии обращения с иском и заявлением. // Журнал российского права. 2004. №2. -68 с.
2. Жилин Г. Условия реализации права на обращение за судебной защитой // Российская юстиция. 1999. № 5.
3. Замахшарий ўғитлари. // Ж. "Ҳаёт ва қонун", № 5. 1995.
4. Имомов Н.Ф. Фуқаролик ҳуқуқида муддатлар ва даъво муддати. –Тошкент.: ТДЮИ. 2005. 122-б.
5. Колесов П.П. К развитию учения о процессуальных средствах защиты права и об иске // Заметки о современном гражданском и арбитражном процессуальном праве / Под ред. М.К. Треушникова. М., 2004.
6. Колесов П.П. Процессуальные средства защиты групповых интересов в гражданском процессе США // Журнал российского права. 2001. № 1.
7. Мамасиддиқов М.М. Меҳнат ишлари бўйича судга мурожаат қилишга бўлган ҳуқуқи // Илмий-назарий анжуман маъруза матн. 24-25 май 2002. - Самарқанд., 2002. -Б.85-90.
8. Мамасиддиқов М.М. Судга мурожаат қилиш ҳуқуқи // Ж. Ҳаёт ва қонун. -2003. -6-сон, -Б.50-51.
9. Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид низоли ишларни судда кўришининг процессуал хусусиятлари. Ўқув қўлланма. –Тошкент.: ТДЮИ. 2004.
10. Мамасиддиқов М.М. Судга мурожаат қилиш ҳуқуқи // Ж. Ҳаёт ва қонун. 2003. 6-сон. -Б. 50-51.
11. Мамасиддиқов М.М. Судга мурожаат қилиш ҳуқуқи: у меҳнат ишлари юзасидан қандай амалга оширилади? «Инсон ва қонун» газ. 2004 йил 20 январь, 3-сон.
12. Решетникова И.В., Ярков В.В. В защиту прав неопределенного круга лиц // Журнал для акционеров. 1995. № 12.
13. Чугунова Е.И. Производные иски в гражданском и арбитражном процессе: Автореф. дисс....канд. юрид. наук. –Екатеринбург, 2003.
14. Шевчук А. Гражданско-процессуальные средства защиты прав военнослужащих // Законность. 1998. № 5.

15. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент.: Адолат. 2001. –512 б.
16. Эгамбердиев Э. Фуқаролик жараёни ҳуқуқида даъво муаммолари. –Тошкент.: Адолат. 1994.
17. Эгамбердиев Э. Фуқаролик суд ишларини юритиш турлари. –Тошкент.: Камалак. 1997.
18. Эгамбердиев Э. Даъво ва унинг элементлари. –Тошкент.: Адолат. Ўқув кўлланма. 2000.
19. Эгамбердиев Э. Судга мурожаат қилиш ҳуқуқи. // Ж. Ҳаёт ва қонун, 1996. 3-сон, -57 б.
20. Эгамбердиев Э. Судга мурожаат қилиш ҳуқуқи // Ж. Ҳаёт ва қонун 1996. 4-сон,
21. Эгамбердиев Э. Судга мурожаат қилиш ҳуқуқи // Ж. Ҳаёт ва қонун, 1996. 6-сон.
22. Эгамбердиев Э. Жавобгар манфаатини судда ҳимоя қилишни процессуал воситалари // Ж. Ҳаёт ва қонун. 1997.
23. Эгамбердиев Э. Жавобгар манфаатини ҳимоя қилиш // Ж. Ҳаёт ва қонун, 2-сон, 1997.
24. Эгамбердиев Э. Ҳимоянинг процессуал воситалари // Ж. Ҳаёт ва қонун. 2000, 9-сон. -Б. 19-23.
25. Эгамбердиев Э. Суд ишларини юритиш бўйича ҳимоя воситалари // Ж. Хўжалик ва ҳуқуқ. 2000, -Б. 37-40.

17-БОБ

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ СУДДА КЎРИШГА ТАЙЁРЛАШ

Бобнинг мақсади фуқаролик процессининг муҳим босқичи бўлмиш ишни судда кўришга тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари, ушбу босқичда судья томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифа ва процессуал ҳаракатлар ҳақида батафсил маълумот беришдан иборат ҳисобланади. Мазкур бобда шунингдек, ишни судда кўришга тайёрлаш муддатлари, суд чақириқлари ва суд хабарлари, суд чақирув хатининг мазмуни ва уни топшириш тартиби, суд чақирув хатини қабул қилиб олишдан бош тортиш оқибатлари ҳамда жавобгарни қидириш учун асослар баён этилади.

17.1. Ишни судда кўришга тайёрлашнинг тушунчаси ва аҳамияти

Ишни судда кўришга тайёрлаш – фуқаролик ишларини ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилишни таъминлаш мақсадида суд ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг процессуал ҳаракатларининг мажмуини ўзида ифода этувчи биринчи инстанция судида иш юритишнинг мустақил босқичи ҳисобланади.

Ишни судда кўришга тайёрлаш институтининг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, 1927 йилда қабул қилинган Ўзбекистоннинг Гражданлик процессуал кодексига ишни судда кўришга тайёрлаш фуқаролик процессининг мажбурий босқичи сифатида алоҳида ажратилмаган. Унда судларга ишни кўриш учун зарур бўлганда ва даъвогарнинг илтимоси билан (ушбу ҳолатда жавобгарнинг бунга нисбатан эътирози бўлмаслиги шarti белгиланган) иш учун аҳамиятга эга бўлган далилларни тўплаш имконияти берилган. 1964 йилдаги Ўзбекистон Гражданлик процессуал кодексига ҳам фуқаролик ишини судда кўришга тайёрлашнинг мажбурий эканлиги ҳақидаги қоида мавжуд бўлмаган.¹ Ҳатто айрим юридик адабиётларда ҳам ишни судда кўришга тайёрлаш босқичи мураккаб бўлган ишлар бўйичагина ўтказилиши лозимлиги юзасидан нуқтаи назарлар илгари сурилиб келинган.² Лекин фуқаролик процессуал ҳуқуқининг ривожланиш тарихи шуни

¹ Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик кодекси, Ўзбекистон ССРнинг Гражданлик процессуал кодекси (1986 йил 1 январгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). – Тошкент: Ўзбекистон, 1986. – 456 б.

² Бачшёнко И.М. Строго соблюдать закон в стадии предварительной подготовки гражданских дел // Соц. законность. 1955. № 7. – 65 с.

кўрсатадики, ишни судда кўришга тайёрлаш ишнинг мураккаблиги, ижтимоий аҳамияти, далилларнинг ҳажми ва бошқа жиҳатларидан қатъи назар, барча фуқаролик ишлари учун мажбурий ҳисобланади. Мазкур босқич ўтказилмаган тақдирда суд томонидан иш учун аҳамиятга эга ҳолатлар тўлиқ аниқланмай қолиши ва оқибатда суд ҳал қилув қарорлари бекор қилиниши мумкин. Ш.Ш.Шораҳметов ҳам иш кўрилишининг сифати, фуқаролик процессининг тез ва аниқ бўлиши кўп жиҳатдан фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлашга боғлиқ эканлигини, судда тайёрлаш ишларини олиб боришда судьянинг фаолиятида нуқсон ва камчилик бўлмаслиги кераклигини алоҳида таъкидлайди.¹ Шунингдек, Е.Н.Губина ҳам, агар апелляция ва кассация инстанцияси биринчи инстанция суди томонидан ишни судда кўришга тайёрлаш ўтказилмаганлигини аниқласа, мазкур суд ҳал қилув қарори бекор қилиниши лозимлигини қайд этади.²

Ишни судда кўришга тайёрлаш барча суд муҳокамасининг асоси ҳисобланади. Суд муҳокамасининг якуний натижаси кўп жиҳатдан ушбу босқичнинг сифатига боғлиқ бўлади. Ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида судья ва процесс иштирокчиларининг процессуал фаолиятларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, мазкур жараёнда энг аввало тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги принципига қатъий амал қилиш лозим бўлади. Зеро, ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида ўзларининг талаб ва эътирозларини асословчи фактларни, шунингдек низони тўғри ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа фактларни судга тақдим этади. Судга тақдим этилаётган ҳужжатлар ҳажми ва доирасини тарафлар ўзлари мустақил белгилайдилар. Қонун тарафларнинг иш учун аҳамиятга эга бўлган далилларни судга тақдим этиш мажбуриятини белгиламайди. Фуқаролик ишининг қайси тараф фойдасига ҳал этилиши кўп жиҳатдан тарафларнинг қайси бири ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида ўзига берилган имкониятлардан, хусусан, далилларни тақдим этиш каби процессуал ҳаракатлардан самарали фойдаланишига ҳам боғлиқ. Шунинг учун ҳам Е.Н. Губина ишни судда кўришга тайёрлаш ҳозирги шароитда нафақат судьянинг, балки тарафларнинг фаолияти ҳисобланишини эътироф этади.³ Дарҳақиқат, ишни судда кўриш-

¹ Шораҳметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент: Адолат, 2001, -199 б.

² Губина Е.Н. О некоторых вопросах возникающих при подготовке гражданского дела к судебному разбирательству. // Юридический аналитический журнал. 2005, № 3-4. (15-16), - 109 с.

³ Губина Е.Н. О некоторых вопросах возникающих при подготовке гражданского дела к судебному разбирательству // Юридический аналитический журнал. 2005, № 3-4 (15-16), - 109 с.

га тайёрлаш босқичи тарафлар учун берилган имкониятдир. Мазкур босқичда қайсидир тараф фаоллик кўрсатмаса, иш учун муҳим бўлган далилларни йиға олмайди, унинг судда муваффақият қозониши имкониятиларини камайтиради. Зеро, суд фуқаролик процессида тортишувлик принципи талабларидан келиб чиқиб, тарафларга улар манфаатлари учун далиллар йиғиши мумкин эмас. Юридик адабиётларда тўғри таъкидланганидек, тайёрлаш босқичида суд процессуал фаолиятининг муҳим йўналишлари қонунда белгилаб қўйилган ишни судда кўришга тайёрлаш вазифалари тўлиқ қамраб ололмайди. Мазкур йўналишларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- тарафларни келиштириш;
- келажақда чиқариладиган суднинг ҳал қилув қароринининг ижросини таъминлаш.

Таъкидлаш кераки, ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида судья томонидан амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлар изчилликда, кетма-кетликда амалга оширилиши лозим. Бу борада В. Жуйковнинг фикри эътиборга лойиқ. Унинг фикрича, суд ишни судда кўришга тайёрлаш вазифасини қуйидагича амалга оширади:

- судья даъво аризасининг мазмунидан келиб чиқиб (биринчи ҳалда даъво аризасида кўрсатилган даъвонинг предмети ва асосини кўрсатган ҳолда) ҳуқуқий муносабатни тартибга соладиган қонунни аниқлайди;

- моддий ҳуқуқ нормаларини таҳлил қилиш асосида мазкур иш бўйича тезкорлик билан иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлаши лозим;

- фуқаролик процессуал қонунчилигидаги исботлаш ва далилларни тақдим қилиш тўғрисидаги умумий қоидалар асосида (ФПКнинг 57-моддаси биринчи қисми) ёки низоли ҳуқуқий муносабат бўйича исботлаш қоидаларини белгиловчи маҳсус моддий ҳуқуқ нормалари қоидаларидан келиб чиқиб, тарафлар ўртасидаги исботлаш бучини тақсимлайди;

- тарафлар ўртасидаги исботлаш бурчи тақсимлангандан кейин судья ишни ҳал этиш учун зурур бўлган далилларни суд мажлисига тақдим этилиши учун муддат белгилайди¹.

Ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида қонун талабларининг аниқ бажарилиши суд ишларини юритишдаги турли санса-

¹ Жилин Г.А. Цели гражданского судопроизводства и их реализациях в суде первой инстанции // ЭЖ – Юрист. -2002. №6. – 33 с.

порликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, судлар томонидан йўл қўйилаётган асосий камчиликларни исботлаш предметини тарафлар ҳуқуқий муносабатларини ва ишни кўришда амал қилиши лозим бўлган қонунни нотўғри қўллаш, иш учун аҳамиятга эга бўлган далилларни хатолик билан ҳал қилиш кабилар ташкил этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан ўтказилган суд амалиётини умумлаштириш шуни кўрсатадики, фуқаролик ишларини кўриш муддатларини бузишга маълум миқдорда ишни кўришга тайинлашда иш ҳужжатларининг чуқур ўрганилмагани, ишни кўришга тайёрлаш вақтида айрим хатоларга йўл қўйишлар, судда иш юритиш иштирокчиларини ўз вақтида хабардор қилмаслик, суд процессини ўйла-масдан ташкил қилиш ва бошқа субъектив характерга эга бўлган асослар сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги "Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатлари тўғрисида"ги қарорида такидланишича, ишни кўришга тайёрлашда йўл қўйилган камчиликларни ҳамма вақт ҳам судда кўришда тўлдириб бўлмайди ва бу тўлиқ текширилмаган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарори чиқаришга олиб келади. Натижада бундай ишлар бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари апелляция, кассация ва нозорат инстанцияларида бекор қилинади, бу ҳам сансалорликни келтириб чиқаради. Бундай ҳал қилув қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган ҳолатларда ҳам ишни судда кўришга тайёрлаш жараёни юзаки олиб борилиши ёки умуман, бу жараёни ўтказмаслик ҳолатлари ҳам мавжуд.¹

ФПКнинг 158-моддасида судья аризани қабул қилиб, фуқаролик иши кўзгатишидан сўнг, ишни ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш мақсадида уни судда кўришга тайёрлаши белгиланган. Лекин мазкур қоида ҳар бир фуқаролик иши юзасидан тайёрлаш босқичининг мажбурий эканлигини тўғридан-тўғри белгиламайди. Ушбу қоидадан фарқли равишда МДХга аъзо давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигида ишни судда кўришга тайёрлашнинг мажбурий эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, Россия Федерацияси ГПКнинг 147-моддаси иккинчи қисмига кўра, ишни судда кўришга тайёрлаш ҳар қандай фуқаролик ишлари бўйича ўтказилиши шарт.² Адабиётларда ҳам фуқаролик

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги 18-сонли қарори. –Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Олий суди. 1999.

² Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации (по состоянию на 20 сентября 2008 года) –Новосибирск.: Сиб. унив. Изд-во, 2008.-89 с.

ишини судда кўриш фуқаролик процессининг мажбурий босқичи эканлиги ҳақида таъкидланади.¹

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатлари тўғрисида"ги қарорининг 8-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги "Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари айрим нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида"ги 19-сонли қарори 8-бандига мувофиқ, ишларни судда кўришга тайёрлаш фуқаролик процессининг мустақил, барча фуқаролик ишлари учун мажбурий босқич бўлиб, у ҳар бир фуқаролик ишининг хусусияти ва тоифасига қараб амалга оширилиши шартлиги тўғрисидаги тушунтириш берилади.

17.2. Ишни судда кўришга тайёрлашнинг мақсади ва вазифалари

Иш юзасидан қонуний, асосли ва адолатли суд қарорларининг чиқарилиши кўп жиҳатдан ишни судда кўришга тайёрлаш вазифаларининг қай даражада амалга оширилишига ҳам боғлиқ бўлади. ФПКнинг 158-моддасида ишни судда кўришга тайёрлаш вазифалари сифатида қуйидагилар кўрсатилади:

тарафларнинг ҳуқуқий муносабатларини ва ишни кўришда амал қилиниши лозим бўлган қонунни аниқлаш;

тарафларнинг талаб ва эътирозларини асословчи фактларни, шунингдек низони тўғри ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа фактларни аниқлаш;

ишни ҳал этиш учун зарур бўлган далиллар доирасини аниқлаш ва уларнинг ўз вақтида суд мажлисига тақдим этилишини таъминлаш;

ишда иштирок этиши мумкин бўлган шахслар таркиби масаласини ҳал этиш.

Ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида суднинг процессуал фаолиятининг барча йўналишларини қонунда белгилаб қўйилган ишни судда кўришга тайёрлаш вазифалари тўлиқ қамраб ололмайди. Масалан, тарафларни келиштириш, келажакда чиқариладиган суд ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлашга қаратилган фаолият шулар жумласидандир. Шунинг учун ҳам мазкур вазифалар ишни судда кўришга тайёрлаш тартибида судьянинг процессуал ҳаракатларининг изчилликда, кетма-кетликда

¹ Юридический энциклопедический словарь. Под ред. М.Н.Марченко. —М.: ТК "Велби", издательство "Проспект", 2006. -66 с.

амалга оширилишини таъминлашга қаратилиши муҳим аҳамият касб этади. Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш жараёнида ФПКнинг 158-моддасида назарда тутилган тарафларнинг ҳуқуқий муносабатларини ва ишни кўришда амал қилиниши лозим бўлган қонунни аниқлаш каби вазифани тўғри амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бунга амал қилмаслик суд томонидан ишни кўришда амал қилиниши лозим бўлган қонунларнинг нотўғри қўлланилиши, ишга ишга дахлдор бўлмаган тарафларнинг жалб этилиши каби оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Масалан, даъвогар – И. туманлараро судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, иш жойи – Дағлат банкнинг Пойтўғ бўлимига кетаётиб, поездга урилиши натижасида тан жароҳати олиб, ноғирон бўлиб қолганлигини ва олаётган нафақаси билан иш ҳақи ўртасидаги фарқи соғлиғига етказилган зарар сифатида жавобгар – Марказий банкнинг вилоят бўлимидан ундириб беришни сўраган. Туманлараро суднинг ҳал қилув қарорига кўра даъвогарнинг даъвоси қаноатлантирилиб, банкдан унинг фойдасига 510.216 сўм ундирилган. Даъвогарнинг даъвосини қаноатлантиришда суд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги “Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш Қоидалари” қўллаганлигини кўрсатсада, лекин ўз хулосаларини низо моҳияти бўйича тегишли асослантира олмаган. Дарҳақиқат, Қоидаларнинг 2, 3-бандларида иш берувчи унинг айби билан иш берувчининг ҳудудида ва унинг ташқарисида, шунингдек иш берувчининг таранспортарида ишга келиш ва ишдан кетиш вақтида ходимларнинг саломатлиғига етказилган меҳнат жароҳати учун моддий жавобгар бўлиши, иш берувчи етказилган зарарда ўзининг айбдор эмаслигини исботлаб берса, зарарни тўлашдан озод қилиниши кўрсатилган.¹

Туманлараро суд иш ҳолатларини ҳар тарафлама ва чуқур текширмаган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган қарорига тўғри баҳо бермаган ҳамда даъвогарга жароҳат етказилишида жавобгарнинг айби бор ёки йўқлигини аниқламаган. Қолаверса, ишдаги мавжуд ҳужжатлар даъвогар ўзининг шахсий мотоциклида ишга кетаётганида поездга урилиб, жароҳат олганлигидан далолат беради. Бундай ҳолларда суд ишни теварак-атрофдагиларга ортикча хавф туғдирадиган фаолият туфайли етказилган зарар учун жавобгарлики Назарда тутовчи ФКнинг 999-моддаси ҳамда юқорида қайд этилган қоидалар талабларига эътибор бериши ва шу асосда ФПКнинг 42-моддасига биноан ишга дахлдор бўлмаган жавобгарни процессга жалб этиш масаласини муҳокама қилиши лозим эди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси томонидан

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й. 5-6-сон, 34-модда.

вилоят суди раёсатига киритилган протест қаноатлантирилган ва ушбу суд ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янғидан кўриш учун юборилган.¹

Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш жараёнида судья ишга дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш, шерик иштирокчилик масалаларига алоҳида эътибор бериши талаб этилади. Зеро, ФПКнинг 158-моддасида ишни судда кўришга тайёрлашнинг муҳим вазифалари сифатида ишда иштирок этиши мумкин бўлган шахслар таркиби масаласини ҳал этиш белгилаб қўйилган. Масалан, суд меҳнатта оид низоли ишларни, хусусан етказилган зарарни ундириш ҳақидаги ишларни судда кўришга тайёрлашда жамоанинг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги ишлар бўйича жамоанинг барча аъзоларини шерик жавобгар сифатида процессга жалб қилиш чораларини кўриши лозим. Шунингдек, айрим ҳолларда ходимга етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги ишларни судда кўришга тайёрлаш жараёнида зарар етказилишига сабаб бўлган мансабдор шахснинг ғайриқонуний хатти-ҳаракат (ҳаракатсизлик)лар содир этганлиги аниқ бўлиб қолади. Бундай ҳолларда судья мазкур шахсни албатта шерик жавобгар сифатида ишда иштирок этиш учун жалб этиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, бу иккинчи жавобгар сифатида тегишли жавобгарнинг процессуал ҳолатини аниқлаб олишга ҳам имкон яратади.

Амалиётда шундай ҳолатлар учрайдики, ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида жавобгар ишга дахлдор бўлмаган тараф бўлиб чиқиши ҳам мумкин. Бизнинг фикримизча, судьянинг тегишли жавобгарни ишда иштирок этиш учун тайёрлов босқичидаёқ жалб қилиши мақсадга мувофиқ. Чунки иш кўрилиши вақтида ишга дахлдор бўлмаган тарафнинг алмаштирилиши суд мажлисининг чўзилиб кетишига сабаб бўлади.

Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш босқичида судья тарафларни яраштириш чораларини кўриши муҳим ҳисобланади. Юридик адабиётларда ҳам даъво тартибида иш юритишда тарафларни келиштириш ва келишув битимига эришиш муайян бир фуқаролик ишлари бўйича иш юритиш тугатилишининг аъло даражадаги натижаси ҳисобланиши қайд этилади. Айрим ривожланган демократик мамлакатларнинг суд тажрибаси шундан далолат берадики, уларда фуқаролик ишларини келишув битими тузиш йўли билан якунлаш масаласига алоҳида эътибор

¹ Қонун номи билан. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 1997. -3 сон.

берилади. Хусусан, Францияда меҳнатга оид ишларни кўрувчи махсус судлар ташкил этилган бўлиб, ушбу судлар икки бўлимдан: **келишув бўлими; судлов бўлимидан иборат.**

Судга келиб тушган даъво аризалари даставвал мажбурий тартибда келишув бўлимига берилади ва мазкур низо ёпиқ суд мажлисида келишув асосида ҳал қилинади. Келишув бўлимида иш кўришнинг муҳим процессуал хусусиятлари сифатида ушбу босқичда иккала томондан сайланган судьяларнинг иштирок этишини эътироф этиш мумкин. Ушбу босқичда ҳар икки судья тарафларни ишни келишув асосида тугатишга чақирадилар. Ўз навбатида, келишувга эришиш бир томоннинг даъводан воз кечиши ёки иккала томоннинг ҳам ўзаро тенг манфаатлари асосида келишув битимини туишларида ўз аксини топади. Фуқаролик ишлари юзасидан тузилган келишув битимини расмийлаштиришнинг соддалаштирилган усулининг қўлланилиши алоҳида эътиборга лойиқдир. Жумладан, ушбу босқичда иш бўйича гувоҳлар жалб этилмайди ҳамда ишдаги мавжуд далиллар суд томонидан текширилмайди ва баҳоланмайди. Шунингдек, тарафларнинг келишув битими суд ҳал қилув қарорлари каби кучга эга бўлган баённома билан рас мийлаштирилади. Иш юзасидан келишувга эришилмаган тақдирдагина иш судлов бўлимида мазмунан ҳал қилинади.¹

Тарафлар ўртасида келишув битимини тузиш эҳтимолининг мавжудлигини аниқлаш ва унинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтириш ишларини амалга оширишда судья томонидан ишни тайёрлаш тартибида тарафларни сўроқлаш муҳим аҳамият касб этади. Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, айрим судьялар ишни судда кўриш учун тайёрлаш тартибида тарафларни сўроқлаш масаласига етарлича эътибор бермайдилар. Бунинг асосий сабабларидан бири ФПКнинг 159-моддасида тарафларни сўроқлашнинг процессуал тартиби ва уни расмийлаштириш, сўроқ жараёнига тарафларни чақириш тартиби ва унга риоя қилмаслик оқибатлари, шунингдек сўроқлаш муддати ўз ифодасини топмаган. ФПКнинг 159-моддасида судьянинг келишув битимининг ҳуқуқий оқибатларини тарафларга тушунтириши ҳақидаги тегишли норма мавжуд бўлса-да, лекин мазкур моддада судьянинг ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида келишув битимини тасдиқлаш ҳақида ажрим чиқариши мумкинлиги ҳақида норма киритилмаган.

¹ Оробец В.М. Специализированные трудовые суды: зарубежный опыт и российское законодательство // Журнал российского права. 2003. -№ 9.

Айрим ҳуқуқшунос олимлар, хусусан Б.Н.Лапин ва Н.А.Чечина ишни судда кўриш учун тайёрлаш босқичида тарафларнинг адвокатлари иштирокида уларни келиштиришга қаратилган мажлис ўтказиш таклифини илгари суради¹. Шу ўринда ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида тарафларни келиштириш ишларини самарали йўлга қўйиш борасида айрим МДХ давлатлари фуқаролик процессуал қонунчилигидаги баъзи ижобий жиҳатлар ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Россия Федерацияси ГПКнинг "Дастлабки суд мажлиси" деб номланган 152-моддасига² кўра, дастлабки суд мажлислари ишни судда кўришга тайёрлаш босқичининг таркибий қисми ҳисобланиб, тарафлар томонидан ушбу босқичда амалга ошириладиган хатти-ҳаракатларни процессуал жиҳатдан мустаҳкамлаш каби мақсадларни кўзлайди. Мазкур жараёнда суд фуқаролик ишини мазмунан ҳал этиш учун зарур ҳолатларни ҳамда иш юзасидан далилларнинг етарли эканлигини аниқлайди, судга мурожаат қилиш муддатининг ўтказиб юборилганлиги билан боғлиқ масалаларни текширади.

Дастлабки суд мажлиси фақат даъво тартибидаги ишлар учун характерли ҳисобланиб, унда икки тараф: даъвогар ва жавобгар иштирок этади. Тарафлар дастлабки суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишлича хабардор қилинадилар. Улар суд мажлиси давомида далиллар тақдим этиш, важларини баён қилиш, илтимосномалар тақдим этиш каби процессуал ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Дастлабки суд мажлиси тўғрисида баённома юритилиб, унда суд мажлисида амалга оширилган барча муҳим жиҳатлар акс эттирилади.

ФПКнинг 160-моддасига кўра, судья суд мажлисида давлат бошқаруви органлари, меҳнат жамоаси ва жамоат ташкилотлари вакилларининг иштирок этиши масаласини ҳал қилади. Шу ўринда, меҳнат интизомини бузиш, иш берувчининг мол-мулкига зарар етказиш тўғрисидаги меҳнат низолари бўйича меҳнат жамоасининг вакилини жалб этиш алоҳида аҳамият касб этади. Меҳнат жамоалари ва жамоат ташкилотлари вакилларини суд мажлисига жалб қилиш судьянинг ажрими асосида ҳал қилинади. Мазкур ажримда юзага келган низоининг мазмуни, иштирок этиш мақсади, келишмовчиликнинг суд мажлисигача меҳнат жамоаларида ҳал қилиниши ҳамда вакил ваколатини расмийлаштириш тартиби кўрсатилиши мумкин. Шунингдек, мазкур ажрим билан бирга даъво аризани ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар нусхасини ташишиш учун меҳнат жамоаларига юборадиган судьяларнинг таж-

¹ Лапин Б.Н., Чечина Н.А. О проблемах реформирования гражданского в странах Содружества Независимых Государств // Правоведение. 2000. № 4. - 140 с.

² Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации. -М.: Юристъ, 2003. -151 с.

рибаси алоҳида эътиборга лойиқдир. Судлар томонидан меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар юзасидан чиқарилаётган ҳал қилув қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишининг энг муҳим шартларидан бири иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг тўлиқ аниқланиши ва ушбу ҳолатларнинг исботланишидир. Мазкур шартларни тўғри бажармай туриб, низоли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи меҳнат ҳуқуқи нормаларини тўғри қўллаш мумкин бўлмайди.

Бизга маълумки, судья арз қилинган талабларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, ҳар бир фуқаролик иши бўйича далиллар доирасини белгилайди. Фуқаролик ишларини ҳал этиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган далиллар асосан ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида аниқланиши ва уларнинг ўз вақтида суд мажлисига тақдим этилиши таъминланиши лозим бўлади. Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш вазифаларидан бири ҳам айнан судларнинг ишни ҳал этиш учун зарур бўлган далиллар доирасини аниқлаш ва уларнинг ўз вақтида суд мажлисига тақдим этилишини таъминлашдан иборатдир. Фуқаролик ишлари бўйича тарафлар ва процесснинг бошқа иштирокчилари томонидан тақдим этилган далилларнинг дахлдорлиги масаласини ҳал қилар экан, судья ушбу шахсларга айнан қайси ҳолат мазкур далиллар билан исботланиши мумкинлигини кўрсатишларини таклиф қилади. Ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида судья ФПКнинг 249-моддасида кўрсатилган даъвони таъминлаш чораларини кўриш ҳуқуқига эга. Даъвони таъминлаш чораларини кўрмаслик иш юзасидан чиқарилган суд ҳал қилув қарорларининг ижросини қийинлаштириши ёки уни бажариб бўлмайдиган қилиб қўйиши мумкин. Даъвони таъминлаш чораларини кўриш ходимнинг иш берувчига етказган зарари учун моддий жавобгарлиги тўғрисидаги ишларда жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунончи, ходим томонидан мулкка хўжасизларча муносабатда бўлиш, ўғрилиқ ва камомад туфайли зарар етказилганида суд дарҳол даъвони таъминлаш мақсадида ходимнинг мулкига ёки пул маблағларига арест (хатлаш) солиш каби чораларни кўриши шарт.

Даъвони таъминлаш чоралари суд ёки судья томонидан ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига биноан ёхуд суднинг ўз ташаббуси билан кўрилиши мумкин. Чунончи, даъвони таъминлашга иш кўришнинг ҳар қандай босқичида йўл қўйилади. Даъвони таъминлаш тўғрисидаги масала судья томонидан жавобгар

ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларни хабардор қилмаган ҳолда ҳал қилинади. Маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талаблар мавжуд бўлган фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу тоифадаги ишларни судда кўришга тайёрлаш жараёнида судья далилларни таъминлаш чораларини кўришга алоҳида эътибор бериши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатлари тўғрисида”ги қароридан судья ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида далилларни таъминлаш бўйича чоралар кўриши мумкинлиги ва судга ариза берилган вақтдан бошлаб даъво таъминланишини назарда тутиши таъкидланган.¹

Шу ўринда, ишни кўришга тайёрлаётган судья бошқа судга суд топшириқларини юбориш йўли билан далилларни таъминлаш масаласини ҳал қилиши алоҳида эътиборга лойиқдир. Лекин суд амалиётида ФПКнинг 61-моддаси қоидаларини ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида асоссиз равишда қўллаш ҳоллари ҳам учраб туради. Хусусан бошқа шаҳар ёки туманда яшовчи тарафларни сўроқ қилиш учун асоссиз суд топшириқларини юбориш ҳоллари шулар жумласидандир. Ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида бошқа шаҳар ёки туманда яшовчи тарафлардан суд топшириқлари юбориш асосида ёзма шаклда тушунтириш талаб қилишнинг зарурияти йўқ. Чунки ишни судда кўришга тайёрлаётган суднинг ўзи бевосита ушбу тарафлардан ёзма тушунтиришларни сўраб олиши мақсадга мувофиқдир.

17.3. Ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича судья томонидан амалга ошириладиган процессуал ҳаракатларнинг ҳажми ва мазмуни

Ҳар бир фуқаролик ишларини келгусида суд муҳокамасига тайёрлаш биринчи инстанция судининг шартли босқичи ҳисобланади. Ушбу босқич фуқаролик суд жараёнининг вазифаларини тегишли тартибда бажарилишини таъминлаш учун суд ва ишда иштирок этувчи шахслар ва бошқа субъектлар киришадиган бир қатор фуқаролик процессуал фаолиятлар тизимини ўзида мужассамлаштиради. қуйида кўрсатилган вазифаларни ҳал қилиш учун керакли шароитларни таъминлаш фуқаролик ишларини суд

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги қарорлари. “Ўзбекистон Республикаси Олий суди”. Тўплам. –Тошкент: 1999. –Б. 48-49, 11-модда.

муҳакомасига тайёрлашнинг асл мақсадини ташкил қилади. Фуқаролик процесси ҳуқуқининг олдида тўрган асосий вазифаларига кенгроқ доирада тўхталиб ўтишдан аввал, фуқаролик процесси ҳуқуқий муносабатларида янги ташкил топган кўшма корхоналар, концернлар, акциядорлик жамиятлари, тадбиркорлар фаолиятларига мустақил республикамизда ҳуқуқий давлат кўришнинг ҳозирги босқичида ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи корхона, муассаса ва улар фаолият кўрсатишлари фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинадиган фуқаролик муносабатлар доирасини ниҳоятда кенгайтириб юборди. Бу эса ўз навбатида давлатнинг ҳуқуқий муҳофаза қилиш фаолиятини амалга оширишни такомиллаштиришни тақозо этади.

Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ишнинг мураккаблиги ва ҳажми жиҳатидан қатъи назар судьяларнинг процессуал ҳаракатлари ҳисобланиб, бу ҳаракатлар процесснинг нафақат мажбурий, балки мустақил босқичи ҳамдир. Судья аризани қабул қилиб, фуқаролик ишни кўзғатганидан сўнг, ишни ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш мақсадида уни судда кўришга тайёрлайди. Қонунда белгиланганидек, судья ишни судда кўришга тайёрлашга аризани қабул қилиб олганидан сўнг киришади.

Ишга тайёргарлик кўриш босқичи процесснинг муҳим босқичи сифатида судья томонидан махсус ажрим чиқарилганидан сўнг, яъни ишни суд мажлисида кўриш учун тайинлашдан аввал бошланади ва у ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарулгунга қадар давом этади. Ишни суд муҳокамасига тайёрлашда барча процессуал ҳаракатлар яқка судья томонидан амалга оширилади ва ишни ўз вақтида, тўғри кўриб чиқиш ва биринчи инстанция суд мажлисида ҳал қилинишини белгилайди. Қонунда ишларни судда кўришга тайёрлашда ишни чўзилишини олдини олишни огоҳлантиради. Судья томонидан чиқарилган ажрим ишни тайёрлаш учун расмий равишда киришилганини ва тамомланишинигина билдирса ҳам, аммо ишни кўришга оид баъзи ҳаракатлар олдин ҳам, кейинчалик ҳам қилиниши мумкин. Чунончи, давогарнинг низосини ҳал қилиниши учун ҳолислар судига мурожаат қилишга ҳуқуқли бўлиши тўғрисида тушунтиришлар бериш юзасидан судьянинг қилган ҳаракатлари даъво аризаси қабул қилингунга қадар ҳам бўлиши мумкин. Маълумки, судья даъво аризасини қабул қилиб олганидан сўнг ишни суд муҳокамасига тайёрлашни бошлайди. Шу вақтдан бошлаб судья ўзи-

нинг ягона мақсадига эришиши учун қаратилган жами процессуал ҳаракатларни амалга оширади, яъни – биринчи суд муҳокамасида ишни тўғри ҳал қилинишини таъминлайди. Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш фуқаролик процессининг мустақил мажбурий босқичи бўлиб, процесснинг бошқа босқичларидан ўзининг услублари жиҳатидан фарқланади.

Юридик адабиётларда ишларни судда кўришга тайёрлаш босқичи айрим ҳолларда ишни кўзғатиш учун зарур шароитларни (судда тааллуқли ишлар ва судловга тааллуқлилигини текширади, тарафлар ва учинчи шахсларни ҳуқуқ ва муомала лаёқатини текширади ва ҳоказо) ёки суд муҳокамасига киришишда суд ҳайъати томонидан амалга оширилган ҳаракат: гувоҳларни сўроқ қилиш тартибини аниқлайди, ишга тегишсиз тарафни тегишли тарафга алмаштириш, иш юритишни тўхтатиб аниқлашни тақозо этади.

Амалиётда айрим судьялар ҳам даъвогар томонидан тақдим этилган аризаларни иш юритишга қабул қилишни рад этади, сабаби даъвогар ўзининг даъво аризасида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар бўйича керакли далилларни тақдим этмайди. Қонун эса бу ҳолатни даъво аризасини иш юритишга қабул қилишни рад этиш учун асос деб ҳисобламайди. Далил бўлиб хизмат қиладиган маълумотлар ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичида тўлдирилиши мумкин. Аризани қабул қилгач судья даъвогарнинг талаби бўйича сўроқ қилинади. Агар судга ариза билан шахсан тарафлардан бирдан келса, бу судьянинг мажбурий процессуал ҳаракати ҳисобланади.

Суҳбат чоғида судья даъвогардан жавобгар тарафга эътирози бўлиши мумкинлигини аниқлайди, зарур бўлиб қолганда кўрсатиш учун қўшимча далилларни тақдим этишни таъкидлайди. Агар даъвогар юридик билимга етарли даражада эга бўлмаса судья унга даъво предмети ва асосини аниқлашда ёрдам беради. Зарур ҳолларда (далилларни етарли эмаслигини, ишни мураккаблигида ва ҳоказо.) судья жавобгарни иш ҳолатлари бўйича сўроқ қилади, даъвога қарши эътирози бўлиши мумкинлигини ва ўз талабларини асослашини аниқлайди. Айрим мураккаб ишлар бўйича судья жавобгардан ёзма тушунтириш беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Суҳбат чоғида судья ишда иштирок этувчи шахсларга ФПКнинг 34-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради ва айни иш суд муҳокамасига тайёрлаш босқичида улар шу ҳуқуқ ва мажбуриятлардан фойдалана олаёт-

ганини таъкидлаш мумкин. Тайёргарлик ҳажми ва содир этиладиган процессуал ҳаракатлар хусусияти ҳар бир аниқ ишнинг ҳолати ва мураккаблигига боғлиқ бўлади. Судья тайёргарлик даврида кўйидагиларни бажа-риши керак:

а) низоли ҳуқуқий муносабатлар хусусиятини иш бўйича исботланиши керак бўлган ҳолатлар доирасини аниқлаши;

б) ишда қатнашувчи шахслар таркиби ҳақидаги масалани ҳал этиши;

в) ишда қатнашувчи шахслар тақдим этиши лозим бўлган далилларни аниқлаши.

Судья низони тўғри ва ўз вақтида ҳал этилишини таъминлаш учун турли процессуал ҳаракатларни содир этишга ҳақлидир. Уларнинг энг муҳимлари ФПКнинг 160-моддасида белгиланган. Унга мувофиқ, судья ишни судда кўришга тайёрлаш вақтида кўйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

1. Ишни учинчи шахсларнинг жалб этилиши ёки киришиш масаласини ҳал қилади ва ишда иштирок этишга йўл кўйилган учинчи шахсларни ФПКнинг 159-моддасига мувофиқ сўроқ қилади.

2. Ишни кўришда вакилларнинг қатнашиш масаласини ҳал қилади.

3. Ишда прокурорнинг иштирок этиши тўғрисидаги ва тегишли давлат бошқаруви органини суд процессида қатнашишга жалб этиш ҳақидаги масалани ҳал қилади.

4. Ишда иштирок этишга жалб қилинмаган ташкилот ёки фуқаронинг иш якунидан манфаатдорлигини аниқласа, уларга шунингдек прокурорга юритилаётган ишни ва уни кўриш вақтини маълум қилади.

5. Гувоҳларни суд мажлисига чиқариш ёки уларни ФПКнинг 72-моддасида назарда тутилган тартибда сўроқ қилиш масаласини ҳал қилади.

6. Ташкилотлар ёки фуқаролардан ёзма ва ашёвий далилларни олиб, судга тақдим этиш учун ишда иштирок этувчи шахсларга талабнома беради.

7. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг фикрларини ҳисобга олиб, экспертиза тайинлаш ва мутахассис жалб қилиш масаласини ҳал этади.

8. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилиб, жойда кўздан кечириш ўтказди;

9. Бошқа судларга суд топшириқлари юборади.

10. Ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради.

Судья ишда иштирок этувчи шахсларни чақирмасдан туриб, ишни судда кўришга тайёрлаш юзасидан қилган ҳаракатларини ажрим шаклида расмийлаштиради. Бу ажрим устидан кассация шикоятидан алоҳида тартибда шикоят қилиниши мумкин эмас.

Суд амалиётида даъво материалларини таҳлил қилишда судьяда даъво талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахсдан бошқа шахсдан бошқа шахсга нисбатан берилганлиги ҳақида фикр туғилиши мумкин. Бундан ташқари, судья кўзғатилган ишда даъво аризасида кўрсатилмаган бошқа шахсларнинг манфаатдорлигини мавжудлиги ҳақидаги ҳулосага келиш мумкин. Ушбу ҳолларда судья ФПКнинг 44, 45-моддалари талабларини ҳисобга олиб, ишда бошқа жавобгар ёки учинчи шахснинг қатнашиши мумкинлиги ҳақидаги масалани кўриб чиқади.

ФПКнинг 42-моддасига мувофиқ, бошқа жавобгарни жалб қилиш учун даъвогарнинг розилиги талаб қилинади. Шу сабабли судья агар даъвогар бунга рози бўлсагина, жавобгарни ишга жалб қилиш тўғрисида ажрим чиқаради. Низо предметиға нисбатан мустақил талаб билан чиқувчи учинчи шахсларнинг ишда иштирок этиш асаласи бошқача ҳал этилади. ФПКнинг 44-моддасига мувофиқ, ишга киришиш масаласини ушбу шахслар мустақил ҳал этадилар. Шу сабабли зарурият бўлса, судья иш кўзғатилганлиги уларни хабардор ва Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган тартибда ишга киришиш ҳуқуқини тушунтиришга ҳақлидир. Низони предметиға нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслар ишда қатнашувчи шахсларнинг илтимосномасига биноан ишга киришиши мумкин. Учинчи шахслар ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномаси билан ҳам ишда иштирок этишга жалб қилинадилар. Далилларнинг дахлдорлиги қондасига амал қилиб, судья фақат исбот қилиш предметиға кирувчи фактларни аниқлаш учун ҳақиқатдан ҳам зарур бўлган исботларни танлаб олади ва ишга дахли бўлмаган барча көраксиз нарсаларни четлатади. Судья гувоҳларни чақиртиради. Гувоҳлик кўрсатмаларида суд бошқа исботлар билан аниқлаш мумкин бўлмаган ишнинг ҳолатлари тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлади. Ишни тўғри ҳал этиш учун аҳамиятли бўлган далиллар ҳақидаги бирон маълумотга эга бўлган исталган шахс гувоҳ бўлиши мумкин. Процессда мансабдор шахслар, ташкилотларнинг

бошқа ходимлари, фуқаролар гувоҳ сифатида жалб қилиниши мумкин. Ишни суд муҳокамасига тайёрлаш босқичида судья гувоҳлар доирасини, улар турган жойи, гувоҳларнинг ишнинг ҳолати билан боғлиқ қандай маълумотлар бериши мумкинлигини аниқлайди, шунингдек уларнинг суд муҳокамасига келишларини таъминлаш чораларини кўради. Судья ишнинг мазмуни бўйича тўғри ҳал этилишида ёрдам кўрсатадиган гувоҳларнигина суд мажлисига чақиради.

Судья бошқа судларга суд топшириқларини юборади. Ушбу ҳаракат бошқа суд юрисдикциясидаги ҳудудда далилларни олиш зарур бўлганда амалга оширилади. Ушбу ҳолларда суд муҳокамасига тайёрловчи судья ажрим чиқаради. Унга кўра тегишли судга муайян процессуал ҳаракатларни бажаришни топширади, масалан ашёвий ёки ёзма далилларни кўриб чиқишни, яшаш жойи узоқ бўлганлиги ёки бошқа объектив сабабларга кўра ишни ишни кўриб чикувчи судга келиши қийин бўлган гувоҳни чақиришни ва сўроқ қилишни топшириши мумкин. Баъзи ҳолларда, ишнинг судда кўрилишига қадар ишни судга кўришга тайёрлаш билан боғлиқ бўлмаган бошқа ҳаракатларни ҳам қилишга тўғри келади. Чунончи, судья даъвони таяминлаш тўғрисидаги масалани (ФПКнинг 248-моддаси) суд харажатларни тўлашдан озод қилиш масаласини (ФПКнинг 110-моддаси) ва Фуқаролик процессуал кодексда назарда тўтилган бошқа баъзи масалаларни ишнинг судда кўрилишига қадар ҳал қилади. Ўзлари учун зарур бўлган далилларни кейинчалик тақдим этиш мумкин бўлмай ёки қийинлашади дейишга асос бўлган шахслар ариза беришдан олдин ҳам, кейин ҳам судьядан бу далилларни таъминлашни илтимос қилишлари мумкин. Хорижий давлатларнинг органларида иш юритиш учун зарур далиллар билан таъминлаш давлат нотариал идоралари томонидан амалга оширилади. Далилларни таъминлаш тўғрисидаги ариза далилларни таъминлаш билан процессуал ҳаракатлар амалга оширилиши керак бўлган ҳудудда фаолият олиб бораётган судга берилади. Аризада таъминланиши зарур бўлган далиллар, бу далилар билан тасдиқланиши лозим бўлган ҳолатлар далилларни таъминлаш тўғрисида аризачини илтимоси билан мурожаат қилишга ундаган сабаблар, шунингдек таъминланадиган далиллар зарур бўлган ёки уларни кейинчалик керак бўлиб қолган иш кўрсатилиши керак. Судья экспертиза тайинлаш масаласини кўриб чиқади. Бунда ФПКнинг 84-мод-

даси талабларига амал қилади. Ишни кўриш вақтида келиб чиққан фан, санъат, техника ёки хунар соҳасидаги махсус билим талаб қиладиган масалаларни тушунтириш учун суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан экспертиза тайинлаши мумкин. Шу сабабли агар ишда қатнашувчи шахслардан ҳеч бири бундай илтимоснома билан мурожаат қилмаган бўлса, келиб тушган материалларни ўрганиш эса эксперт хулосаси берилишини тақозо этса, судья уларга экспертиза ўтказиш зарурлигини тушунтириши ҳамда уларга тегишли бўлганлиги билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга эканлигини айтиши, эксперт хулосаси олиниши керак бўлган масалаларни таклиф қилиши, эксперт ролига мутахассис тавсия этиши лозим.

Судья тарафларни мурасага келтириш чораларини кўради. Тарафларнинг келишув битими тузиш ҳуқуқи ФПКнинг 159-моддаси учинчи қисмида белгиланган. Келишув битимининг моҳияти шундаки, томонлар ўзаро ёнбошишлар йўли билан низони келишувчилик билан ҳал этилишига эришадилар ва бу билан иш юриштишни тугатишга асос яратадилар. ФПКнинг 180-моддасига мувофиқ, келишув битими томонлар ўртасида тузилади суд муҳокамаси босқичида суд томонидан тасдиқланади. Бироқ ишни суда кўришга тайёрлаш вақтида судья томонларга уларнинг келишув битими тузиш ҳуқуқини тушунтириши лозим. Суд низони тинч ҳал қилиниши учун шарт-шароитлар мавжуд бўлган тақдирда томонлар процессни айнан қандай шартлар билан тамомлаш ниятида эканлигини аниқлаши керак. Судья ишда иштирок этувчи ташкилотлар раҳбарларини тушунтириш хатини бериш учун судга чақириш масаласини ҳал қилади. Судья ушбу масалани ҳал этар экан аниқ бир ишнинг хусусиятидан ва исботланиши лозим бўлган ҳолатлардан келиб чиқиши керак.

Агар раҳбарлар низони тўғри ҳал этиш учун аҳамиятли маълумотларга эга бўлсалар-у, бироқ уларнинг ўзлари юридик орган сифатида ташкилотнинг манфаатларини судда ифодалаш ниятида бўлмасалар, улар судга гувоҳ сифатида чақириладилар. Юқорида кўриб ўтилган ишни суд муҳокамасига тайёрлаш бўйича процессуал ҳаракатлар шу билан тугамайди. Судья низо тўғри ва ўз вақтида ҳал этилишини таъминлашга қаратилаган бошқа ҳаракатларни содир этишга ҳақлидир. Судья ишни судга кўришга тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқаради, ажримда ишни тайёрлашга оид ҳаракатлар, ишни судда кўришга тайинлаш, уни ўтказиш вақ-

ти ва жойи кўрсатилиши керак. Ишни судда кўришга тайёрлаш ҳақидаги ажримда мазкур ишга тадбикан тайёргарлик ҳаракатлари мазмуни аниқлаштирилади. Бу ишни тайёрлашнинг тўлиқлиги ва изчиллигини таъминлайди, процессуал ҳаракатлар бажарилишини назорат қилишни енгиллаштиради, судьяни ва суд ишининг бошқа қатнашчиларини интизомга ўргатади. Судья агар ишни тайёрлаш жараёнида зарур бўлса, ажримда кўрсатилганларидан ташқари тайёргарлик ишларини бажаришга ҳақлидир. Шунини таъкидлаш лозимки, ажрим ишни тайёрлаш бўйича судья томонидан мўлжалланадиган ҳаракатлар доирасини қайд этади, бироқ уларнинг мазмунини акс эттирмайди, яъни ушбу масалаларни ҳал этмайди. Судья томонидан мўлжалланадиган деярли ҳар бир тайёргарлик ҳаракати бошқа ажримда, масалан экспертиза тайинлаш тўғрисидаги ажримларда ўз ифодасини топади.

Юқорида кўрсатилган ҳаракатлар судьянинг ўзи томонидан қилинса хат, аммо улар суд номидан амалга оширилади. Ишни судда кўришга тайёрлаш юзасидан амалга ошириладиган ҳаракатлар судья томонидан амалга оширилади. Бошқа суднинг топширигини бажариш тартибида қилинадиган ҳаракатлар шу тарзда судья томонидан бажарилади. Бироқ айрим ҳолларда суд амалиётида ишни судда кўришга тайёрлаш юзасидан баъзи ҳаракатлар суднинг тўлиқ ҳайъати иштирокида амалга оширилади. Жумладан, бошқа суднинг топширигини бажариш тартибида қилинадиган ҳаракатлар судья ва суд хайатида бажарилади. Судья ҳар ҳолда ишнинг бир суд мажлисида кўрилиб ҳал қилиниши учун барча тайёргарликни кўради. У шу мақсадда тарафларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўла тушунтиришга, баъзи фуқаролик ишларини, чунончи, турар-жойдан фойдаланиш, мулкни тақсимлаш ва шу каби бошқа даъволарнинг ўзаро келишув бўйича тамомланиши мумкинлигини тушунтиришга ҳаракат қилади.

Ишни кўришга тайёрлашга йўл қўйилган камчиликларни ҳамма вақт ҳам судда кўришда тўлдириб бўлмайди ва бу тўлиқ текширилмаган ҳолатлар бўйича ҳал қилув қарори чиқаришга олиб келади. Натижада бундай ишлар бўйича чиқарилаган ҳал қилув қарорлари апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида бекор қилинади, бу ҳам сансоларликни келтириб чиқаради. Бундай ҳал қилув қарорлари бекор қилиниб, иш янғидан кўриш учун юборилган ҳолатларда ҳам ишни суда кўришга тайёрлаш жараёни юзаки олиб борилиши ёки умуман бу жараёни ўтказмаслик ҳо-

латлари ҳам мавжуд. Ишни судда кўришга тайёрлаш босқичида шунингдек, ишни кўриш жараёнида аниқланган далиллар тўлиқ ва ҳолисона текширилишини, ишни тез ва сифатли кўрилишини таъминлаш лозим. ФПКнинг 160-моддасига мувофиқ, судья қилиниши лозим бўлган ҳаракатларни тўлиқ кўрсатиб, ишни судда кўришга тайёрлаш ҳақида ажрим чиқаришга мажбур. Судья бу моддада кўрсатиб ўтилган процессуал ҳаракатлардан ташқари яна бир қатор процессуал ҳаракатларни амалга оширади. Ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида судья:

– ишда иштирок этувчи шахсларга ФПКнинг 35-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларни тушунтириш;

– даъвогардан даъволарни ажратиш (ФПКнинг 159-моддаси), ёхуд уларни бирлаштириш ёки уларни биргаликда кўриш (ФПКнинг 155, 156-моддалари) мақсадида шу ёки бошқа жавобгарга нисбатан бир-биридан боғлиқ бошқа талаблари бор-йўқлигини аниқлаши;

– жавобгардан даъвогарнинг талабларига қандай эътирозлари борлигини ва бу эътирозлар қандай далиллар билан исботланиши мумкинлигини аниқлаши, ФПКнинг 246-247-моддалари қоидалари бўйича унга қарши даъво талаблари тақдим этиш ҳуқуқини тушунтриш;

– ФПКнинг 180-моддалари талабларига биноан суд мажлисида амалга оширган ҳолда ҳал қилиш учун тарафлардан келишув битимини тузиш эҳтимолини аниқлаши лозим.

Агар даъвони таъминлаш бўйича чораларини кўрмаслик ҳал қилган қарори ижросини қийинлаштирадиган ёки уни бажариб бўлмайдиган қилиб кўядиган бўлса, судья ФПКнинг 248-моддасига биноан ишни судда кўришга тайёрлаш давомида даъвони таъминлаш бўйича чоралар қўллашга ҳақли эканлиги судларга тушунтирилсин. Иш жараёнида судья далилларни таъминлаш бўйича чоралар кўриши мумкин. Чунки ФПКнинг 61-моддасида судга ариза берилган вақтдан бошлаб судга ариза берилган вақтидан бошлаб судья уларни таъминланишини назарда тутди. Бизга маълумки, фуқорлик ишларни кўришда суд мажлисида иккита тараф иштирок этади: даъвогар ва жавобгар.

Фуқаролик ишларини судда кўрилиши ва ҳал қилинишида тарафларнинг тенг ҳуқуқли бўлиб кўрилишлари:

– фуқароларнинг тенг ҳуқуқлиги тўғрисидаги Конституциявий принципнинг ифодасидир. Шундай экан, фуқаролик ишларини

судда кўриш учун тайёрлаш босқичида тарафларни сўроқ қилиш тартиби ҳам бир хилда амалга оширилади. Судья дастлаб даъвогарни сўроқ қилади, ариза биришдан кўзланган мақсадини билиб олади. Сўнгра жавобгарни сўроқ қилади, зарур бўлган саволларига жавобини олиб сўроқ қилиш баёномасига киритиб куяди. Бундан ташқари судья бир вақтнинг ўзида даъвогар ва жавобгарни сўроқ қилиш ҳуқуқига эга.

Сўроқ қилишдан мақсад даъвогар томонидан берилган даъво аризасидаги асослар мавжудлиги ёки мавжуд эмасми, санаб ўтилган сабаблар ўринлими, шуларни аниқлайди.

Фуқаролик процессуал кодексида белгиланишича, ишни судда кўришга тайёрлашда судья:

1) даъвогарни арз қилган талабларининг моҳияти бўйича сўроқ қилади, ундан жавобгар билдириш мумкин бўлган эътирозларини аниқлайди ва агар зарур бўлса. Даъвогарга қўшимча далиллар тақдим этишни таклиф этади, шунингдек унинг арз қилган талабларидан воз кечишининг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиради;

2) қоида тариқасида, жавобгарни чақиради, ишнинг ҳолатлари бўйича уни сўроқ қилади, даъвогарнинг талабига қарши қандай далиллар билан исботланиши мумкинлигини аниқлайди, шунингдек унга даъвогарнинг талабларини тан олиш ёхуд қарши тақдим этиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиради, алоҳида мураккаб ишлар бўйича эса, жавобгарга ишюзасидан ёзма тушунтиришлар тақдим этишини таклиф этади.

Жавобгар суд мажлисига келмаганлиги ҳақида ёзма тушунтиришлар ва далиллар тақдим этмаганлигини ишдаги мавжуд далиллар асосида ишни кўриш учун тўсқинлик қилмайди;

3) тарафлардан келишув битими тузиш эҳтимолини аниқлайди ва келишув битимнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиради.

Суд ишда қатнашишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир масала юзасидан қарор чиқаришга ҳақли эмас.

М. Жиззах вилояти Халқ банки бошқармасига нисбатан ишга тиклаш ва мажбурий прогул вақти учун иш ҳақи ундириб бериш ҳақида судга даъво билан мурожаат қилган. Суд М. нинг даъвосини қаноатлантирган. Апелляция инстанцияси судининг ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгитдан кўриш учун юборилган. Вилоят суди раёсатининг қарори билан апелляция инстанцияси ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган. Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати 2002 йил 15 февралда вилоят су-

ди раёсати қарорини бекор қилиб, куйидаги асосларга кўра апелляция инстанцияси судининг ажримини ўз кучида қолдирди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2000 йил 12 декабрдаги 474-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат – тижорат Халқ банки уставининг 29-бандида банкнинг ҳудудий бошқармаларива бўлинмалари раҳбарлари Республика Давлат – тижорат Халқ банки бошқаруви томонидан тайинланиши кўрсатилган.

М. Республика Давлат – тижорат Халқ банки бошқаруви раисининг буйруғи билан Халқ банки туман бўлинмаси бошқарувчиси ловозимидан озод қилинган бўлсада, биринчи инстанция суди ишни кўришда Республика Давлат – тижорат Халқ банки бошқаруви вакилини жавобгар сифатида ишга жалб қилмасдан, Фуқаролик процессуал кодекси 314-моддасида кўрсатилган ҳал қилув қарорининг бекор қилинишига асос бўладиган хатоликка йўл қўйган ва шунга кўра апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янғидан кўриш учун юбориш ҳақида қонуний ҳулосага келган.¹

17.4. Ишни судда кўришга тайёрлаш муддатлари

Ишни судда кўришга тайёрлаш ФПКнинг 158-моддасига кўра, даъво аризаси ҳал қилингандан кейин бошланади. Мазкур босқич бошлангунига қадар судья даъво аризасини қабул қилишни рад этиш; даъво аризасини ҳаракатсиз қолдириш; даъво аризасини даъвогарга қайтариш каби ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли бўлади.²

ФПКнинг 131-моддаси иккинчи қисмида ишни судда кўришга тайёрлаш муддатлари мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра, фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ариза қабул қилинган кундан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай амалга оширилиши лозим. Ундан ташқари, фуқаролик ишлари судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўрилиши умумий муддатларга мисол бўлади. Шунингдек, мазкур моддада ишни судда кўришга тайёрлаш ва кўриш учун махсус муддатлар белгиланган. Унга кўра, фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш муддати алоҳида ҳолларда ўта мураккаб ишлар бўйича судьянинг асослантирилган ажримига биноан кечиктирилиб, йигирма кунга етказилиши мумкин. Бироқ алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлиги, шунингдек боқувчининг ўлими натижасида кўрилган

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди суд амалиёти. 1-сон. 2002 йил. 16-бет.

² Гувев А.Н. Постатейный комментарий к ГПК РФ. –М.: Экзэмен. 2003. –С. 290-291.

зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ишлар ҳамда меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича кўзғатилган ишлар бўйича ушбу муддатни узайтиришга қонун йўл қўймайди.

Судларда кўришга тайёрланаётган барча фуқаролик ишлари учун ҳам қонунда маълум процессуал муддатлар ўрнатилган. Бу эса ўз навбатида амалга оширувчи шахслар учун ҳам, ушбу ишда иштирок этувчи шахслар учун ҳам жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Судларга келиб тушган барча фуқаролик ишларининг ҳар бирини ўзига хос судда кўриб ҳал қилиш муддатлари мавжуд. Фуқаролик ишларини кўриш муддатлари республика судлари томонидан риоя қилиниш амалиётини умумлаштириш натижаларини судда ишларнинг маълум қисми белгиланган муддатларни бузиб кўрилишини кўрсатди.¹ Фуқаролик ишларини мазмунан кўриб ҳал қилиш учун жорий этиладиган муддатлар Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган ва шу тартибда амалга оширилади. ФПКнинг 131-моддасида фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва кўриш муддатлари белгиланган бўлиб унга мувофиқ фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ариза қабул қилинган кундан бошлаб ун кунлик муддатдан кечиктирмай амалга оширилиши лозим. Бу муддат алоҳида ҳолларда ўта мурраккаб ишлар бўйича судьянинг асослантирилган ажримига биноан кечиктирилиб, йигирма кунга етказилиши мумкин, ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ишлар бундан мустасно. Алимент ундириш ҳақидаги, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлиги, шунингдек боқувчининг ўлими натижасида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ишлар ҳамда меросга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича кўзғатилган ишлар, башарти тарафлар бир туман ёки шаҳарда жойлашган бўлса, биринчи инстанция суди томонидан судда кўришга тайёрлаб бўлинган эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўрилиши лозим. Процессуал муддатлар деб қонун ёки суд томонидан белгиланган вақтга айтилади, бу вақт давомида фуқаролик иши кўрилади, суд ҳал қилув қарорининг ижроси бажарилади ёки бошқа процессуал ҳаракатлар амалга оширилади. Фуқаролик процессуал қонунчилиги судларга нафақат ишни тўғри ҳал қилиш вазифасини, балки ишни тез кўриб ҳал қилиш вазифасини

¹ Қаранг: Ўша қарор.

фасини ҳам белгилайди. Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш учун киришиш бу ҳақда судья ажрим чиқаргандан сўнг бошланади. Судья томонидан чиқарилган ажрим ишни тайёрлаш учун киришилганлигини билдиради ва шу пайтдан бошлаб муддатнинг ўтиши бошланади. Бу қоида меҳнат, никоҳни бекор қилиш, алимент ундириш ва ҳоказо фуқаролик ишлари учун ҳам бевосита тааллуқлидир.

17.5. Ишни судда кўришга тайинлаш

Судья ишни етарли даражада тайёрланган деб топгач, уни суд мажлисида кўришга тайинлаш тўғрисида ажрим чиқаради, тарафлар ва процесснинг бошқа иштирокчиларига ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида маълум қилади.

17.6. Суд чақириқлари ва суд хабарлари

Судда ишни муҳокама қилинишининг вақти ва жойи ҳақида ёки суднинг қандай процессуал ҳаракатни амалга ошириш ҳақидаги ахборотлар билан манфаатдор шахсларни бохабар қилиш – суд мажлисида манфаатдор шахсларнинг шахсан иштирок этиш ҳуқуқини амалга ошириш кафолатидир. Ишда иштирок этувчи шахсларга хабар бериш суднинг мажбурияти ва судда ишни муҳокама қилишни амалга оширишнинг зарур шarti ҳисобланади. Қонунга мувофиқ суд чақирув қоғозидан фойдаланади. У хабар беришнинг шартлар мажмуасига риоя қилишни назарда тутлади:

1) Суд чақирув қоғози судда иштирок этаётган тарафларга судга келиши учун етарли асослар мавжуд бўлган тақдирдагина жўнатилади.

2) Судда иштирок этаётган шахсларга хабар бериш учун суд, суд чақирув қоғозидан фойдаланади. Шахсларнинг келиши қонун ёки суд тарафидан назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно. Ҳақиқатнинг қарор топишида иш учун аҳамиятга молик бўлган ҳолларда шахсларга, гувоҳ, эксперт, таржимон, мутахассисларга чақириқлар жўнатилади. Уларга суд мажлисига ёки алоҳида процессуал ҳаракатни амалга ошириш жойига келиш талаби кўрсатилган. Бу шахсларнинг барчаси учун судга келиш мажбурийдир.

Ишда иштирок этувчи шахсларга суд чақирув қоғози ёки ФПК-нинг 132-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган бошқа суд суд чақирув қоғозилари жўнатилади. Суд чақирув қоғози ёки бошқа

чақириқнинг мазмуни ФПКнинг 133-моддасида белгиланган. Ҳақиқатнинг қарор топишида иш учун аҳамиятта молик бўлган ҳолларда шахсларни чақириш учун фақатгина ўрнатилган шаклдаги суд суд чақирув қоғозларидан фойдаланилади.

3) Суд чақирув қоғозларнинг етказиб берилиши лозим бўлган манзиллар судга берилган аризада кўрсатилиши шарт. Фуқаролик иши кўзғатилганидан сўнг ўз манзили ўзгарганлиги ҳақидаги маълумот ишда иштирок этувчи ҳар бир шахснинг мажбурияти бўлиб қолади (ФПКнинг 138 ва 148-моддалари). Судга ўз манзили ўзгарганлиги ҳақидаги маълумотни тақдим этмаган ёки ўз манзилини нотўғри кўрсатган шахсларга тегишли жавобгарлик белгиланган.

4) Даъвогар ва жавобгарнинг ишлаётган манзили аниқ кўрсатилган бўлса, суд қонунда назарда тутилган ҳолатларда хабар бериши лозим бўлган шахсларга, кўрсатилган манзилга суд чақирув қоғозини жўнатиши мумкин. Гувоҳларни, учинчи шахс ва суд жараёнининг бошқа иштирокчиларини чақириш зарурияти бўлганида, уларнинг манзили бўйича суд тарафидан берилади. Суд чақирув қоғозини етказиб берилиши суд тарафидан белгиланади. Суд чақирув қоғозларни етказишнинг бир неча яъни, почта бўйича, ишда иштирок этувчи шахслар орқали, суд суд чақирув қоғозисини етказиб берилиши буюрилган бошқа шахслар орқали, телефонограмма ёки телеграмма жўнатиш орқали бўлиши мумкин.

Амалиётда суд чақирув қоғозларини ишда иштирок этувчи шахслар орқали юбориш кенг тарқалган. Бунда суд чақирув қоғозини етказиб беришга рози бўлган шахс судга хабардор қилинганлиги ҳақида имзоланган ҳужжатни қайтариб бериши лозим бўлади. Агарда суд мажлиси вақти ва жойи ҳақида хабар берилиши лозим бўлган шахслар ишни кўриш санасидан хабардор бўлсалар, иш ҳолати билан таништирилади ва имзо олинади. Бу ҳолатда суд чақирув қоғози жўнатилмайди, аммо шахснинг илтимосига кўра суд чақирув қоғози шу ерда шахсга берилиши мумкин.

Суд чақирув қоғозида қайси шахснинг исми кўрсатилган бўлса, уша шахсга берилади. Агарда шахснинг ўзи бўлмаса, унинг яқин қариндошларига бериши ҳам мумкин. Суд чақирув қоғозини қабул қилган шахс уни олганлиги ҳақида имзо қўйиши лозим. Шахснинг суд чақирув қоғозини олганлиги ҳақида имзо қўйишдан бош тортиши суд чақирув қоғозини қўлга берилганлиги билан тенг ҳисобланади (ФПКнинг 137-моддаси). Шахснинг яшаш ман-

зили номалум бўлса, яшаш манзилини аниқлаши лозим. Унинг жойи ҳақидаги ва йўқ бўлганлик даври ҳақидаги маълумотни олган, суд чақирув қоғозини етказиб берувчи шахс бу ҳақда суд чақирув қоғозига белги қўйиши лозим. Қонунда олинган маълумотнинг тасдиқланишини талаб қилмайди. Агарда амалга оширилган ҳаракатлар натижасида шахснинг жойи ҳақидаги маълумот олинмаган бўлса, суд чақирув қоғозида шахснинг жойлашган манзили номаълумлиги, сўроқ қилинган шахслар сўроқ санаси ва вақти суд чақирув қоғозига ёзилади. Ишда иштирок этувчи шахснинг яшаш жойи номаълум бўлганида суд ФПКнинг 139-моддасига мувофиқ иш тутади. Жойлашган манзили номаълум бўлган жавобгарга нисбатан қонунда алоҳида ҳолатлар кўзда тутилган. ФПКнинг 139-моддасига жавобгарнинг амалдаги яшаш жойи номаълум бўлган тақдирда, жавобгарнинг охириги яшаш жойидаги алоқа ташкилоти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёхуд охириги иш жойидаги иш берувчи (маъмуриятнинг мансабдор шахси) чақирув қоғозининг иккинчи нусхасига чақирув қоғози олинганлиги ва чақирилувчининг қаердалиги маълум эмаслиги сабабли уни топширишнинг имкони бўлмаганлиги ҳақида ёзиб юборган маълумот судга келиб тушгач, суд ишни кўришга киришади. Мазкур қоида ҳуқуқий функциядир. Суд шахснинг маълум тартибда хабардор қилинганидан келиб чиқади, аммо ҳақиқатда суд жавобгар суд чақирув қоғозини олмаганлигини аниқлаши лозим. Чунки жавобгарнинг жойлашган манзили номаълум бўлган тақдирда ишни муҳокама қилиши мумкин эмас. ФПКнинг 140-моддасида рўйхати келтирилган бир қатор ҳолатларда суд жавобгарни ички ишлар органлари орқали қидирувини эълон қилади. Суд қидирувни ўз ташаббусига кўра, яъни манфаатдор шахсларни бу ҳақда илтимосидан қатъи назар эълон қилади.

Фуқарони ёки ташкилотни қидириш ички ишлар органи орқали амалга оширилади. Ишни муҳокама қилишга қабул қилган суд қидирув эълон қилиш ҳақидаги ахримни чиқаради. У ижро этиш учун жавобгарнинг ёки унинг мулкни охириги жойи бўйича иш тутади.

4) Хабар берилганлик ҳақидаги суд чақирув қоғозини қайд этиш муҳимдир. Бу суд чақирув қоғозининг тасдиғи сифатида хизмат қилади (телеграммани жўнатиш ҳақидаги қвитанция, телефонограмма, факсограмма журналидан кўчирма). Шундай қилиб, шахс қуйидаги шартларга риоя қилинган тақдирда, яъни хабар беришнинг ўз вақтидалиги, суд чақирув қоғозиси шаклига риоя қилиш, унинг етқа-

зиб берилиши ва қўлга топширилиши қоидаларига риоя қилиш, суд чақирув қогози берилганининг қайд этилганлиги натижасида хабардор қилган ҳисобланади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Ишни судда кўришга тайёрлаш деганда нимани тушунасиз?
2. Ишни судда кўришга тайёрлаш қандай мақсадни кўзлайди?
3. Ишни судда кўришга тайёрлашнинг қандай вазифалари мавжуд?
4. Ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича судья томонидан амалга ошириладиган процессуал ҳаракатларнинг нималардан иборат?
5. Ишни судда кўришга тайёрлаш қанча муддатда амалга оширилади?
6. Суд чақириқлари ва суд хабарлари ҳақида гапиринг.
7. Судга чақириш тўғрисидаги суд чақирув хатининг мазмуни нималардан иборат?
8. Судга чақириш тўғрисидаги чақирув хатини топширишнинг тартиби қандай?
9. Суд чақирув хатини қабул қилиб олишдан бош тортишнинг қандай оқибатлари мавжуд?
10. Жавобгарни қидириш учун қандай асослар бор?
11. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Фуқарулик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш муддатлари тўғрисида"ги қарорининг аҳамияти ва моҳияти ҳақида гапиринг.

МАХСУС АДАБИЁТЛАР:

1. Богомолов А.А. Некоторые проблемы подготовки гражданских дел к судебному разбирательству // Вестник Саратовской Государственной академии права. 2002. № 2.
2. Бороздина М. А. Предварительное судебное заседание – как новелла ГПК РФ // Проблемы гражданской юрисдикции в свете нового законодательства / Под ред. А.И. Зайцева, Т.А.Савельевой. –Саратов, 2003. -С. 125-134.
3. Бороздина М.А. Предварительное судебное заседание в Российском и Американском законодательстве (сравнительный анализ) // Проблемы гражданской юрисдикции в свете

- нового законодательства / Под ред. А.И.Зайцева, Т.А.Савельевой. –Саратов, 2003. –С. 134-143.
4. Справочник по подготовке гражданских дел к судебному разбирательству. Под ред. Н.М.Гурбатова. –М.: Юрлит. 1989
 5. Жамолов Б., Бобоқулов А. Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш // Амалий қўлланма. –Тошкент.: Адолат. 2002. –Б 206-207.
 6. Носырева Е. И. Примирение сторон в стадии подготовки дела к судебному разбирательству // Актуальные проблемы гражданского процесса / Под ред. В.А. Мусина. СПб, 2002.
 7. Мамасиддиқов М.М. Меҳнат ишлари бўйича етказилган зарарни судда ундириш. Ўқув қўлланма. –Тошкент.: Адолат. 2001.
 8. Мамасиддиқов М.М. Меҳнат ишлари бўйича келишув битими // Ж. Қонун химоясида. 2002. 5-сон, -Б. 40-41.
 9. Мамасиддиқов М.М.. Меҳнатга оид низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Ўқув қўлланма. –Тошкент.: ТДЮИ. 2004.
 10. Мамасиддиқов М.М., Қўчқоров Х. Меҳнат ишлари бўйича маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишларни судда кўришга тайёрлаш. ТДЮИ “Фуқаролик процессуал қонунчилиги ва суд ислохотлари” мавзусидаги конференция материаллари, 2005 йил 30 март. –Тошкент.: ТДЮИ. 2005.
 11. Мамасиддиқов М.М. Меҳнат ишлари бўйича маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишларни судда кўришга тайёрлаш // Ж. ТДЮИ Ахборотномаси. –Тошкент.: ТДЮИ.-2005. -1-сон. –Б.37-40.
 12. Ташназаров С.А. Подготовка гражданских дел к судебному разбирательству: Автореф. дисс....канд.юрид.наук. М., 1988.
 13. Улетова Г.Д. Эволюция норм о подготовке дела к судебному разбирательству в гражданском процессе // Законодательство. 2004. № 6.
 14. Шумейко Е.С. Подготовка гражданских дел к судебному разбирательству: Автореф.дисс....канд.юрид.наук.–Саратов, 2000.
 15. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент.: Адолат. 2001.
 16. Шорахметов Ш.Ш. Фуқаролик ишларини судда кўришга оид процессуал ҳужжат намуналарига шарҳ. –Тошкент: ТДЮИ, 2005. -361 б.
 17. Эсанова З.Н. Фуқаролик процессуал ҳуқуқини ўрганиш бўйича масалалар тўплами. –Тошкент.: Кухинур. 2004 .

18-БОБ

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ СУДДА МУҲОКАМА ҚИЛИШ

Бобнинг мақсади фуқаролик процессининг асосий босқичи бўлиши судда иш кўришнинг аҳамияти ва ушбу босқичда амалга оширилиши лозим бўлган процессуал ҳаракатлар ҳақида маълумот беришдан иборат ҳисобланади. Мазкур бобда суд мажлиси ва унинг қисмлари ҳақида батафсил тўхталиб ўтилади. Шунингдек, иш кўришни кейинга қолдириш, судда иш юритишни тўхтатиш, аризани кўрмасдан қолдириш ҳамда ҳал қилув қарорини чиқармасдан туриб иш юритишни тугатиш асослари ва тартиби баён этилади. Ушбу бобда суд мажлисининг “кўзгуси” ҳисобланган суд мажлиси баённомаси ва унинг мазмунига оид масалалар ўрин олган.

18.1. Судда иш кўриш тушунчаси ва унинг аҳамияти

Судда ишни кўриш фуқаролик процессининг асосий босқичи ҳисобланади. Ушбу жараёнда одил судловнинг барча демократик принциплари тўлалигича ҳаракатда бўлади.

Далилларни ҳар томонлама ва холисона ўрганиш асосида ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган аниқ ҳолатлар юзага келади; муайян ҳуқуқий муносабатлар доирасида тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланади ва республика номидан низони мазмунан ҳал қилувчи суд ҳал қилув қарори чиқарилади. Айнан ушбу босқичда одил судлов амалга оширилади. Бошқа босқичларда эса одил судловни амалга ошириш учун тайёргарлик кўрилади ёки ишни судда кўришнинг қонунийлиги текширилади ёхуд суд чиқарган қарор ижро этилади. Ва ниҳоят, судда иш кўриш босқичда фуқароларнинг қонунларни оғишмай бажариш ва ахлоқ қоидаларини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш мақсадиди уларнинг онгига таъсир ўтказилади. Бу борада Ш.Ш. Шорахметов шундай ёзади: судда ишнинг кўрилишида давлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш, қонунни оғишмай бажариш ва халқимизнинг урф-одатлари, турмуш тарзи қоидаларига риоя қилиш руҳида тарбиялаш мақсадлари кўзланади.¹

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент: Адолат. 2001. -208 б.

Бинобарин, фуқаролик ишларининг суд мажлисида кўрилиши ва ҳал қилиниши фуқаролик процессининг муҳим босқичи бўлиб, сиёсий ва процессуал аҳамиятга эга. О.П.Чистякова тўғри таъкидлаганидек, мазкур босқичда фуқаролик процессининг деярли барча тамойиллари амал қилади, суд биринчи инстанция тариқасида ишни мазмунан кўради, тўпланган далилларнинг қанчалик тўғри бўлишини аниқлайди, тарафларнинг ҳақиқий ҳуқуқий муносабатларини текширади ва ишнинг ҳолатига қараб, қонунга риоя қилган ҳолда ҳал қилув қарори чиқаради.¹

Фуқаролик процессуал ҳуқуқ назариясида *“судда ишни кўриш”* ва *“суд мажлиси”* атамалари ўртасидаги нисбат ҳақида турли тортишувлар кўзга ташланади. Бир гуруҳ муаллифлар суд мажлисини биринчи инстанция судларида фуқаролик ишларини кўришнинг шакли сифатида эътироф этсалар,² айрим олимлар эса, судда иш кўриш суд мажлисисиз мавжуд бўлиши мумкин эмаслигини кўрсатиб, уларни бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган тушунчалар, деб эътироф этадилар.³ Ш.Ш.Шорахметовнинг фикрича, судда ишни кўриш деганда, фақат ваколатига, яъни судда кўрилишига тегишли бўлган фуқаролик ишларининггина (ФПКнинг 31 ва 239-моддалари) суд мажлисида кўрилиши назарда тутилади.⁴ И.П.Гришин эса, судда иш кўришга фуқаролик суд ишларини юритишнинг барча принциплари амал қиладиган фуқаролик процессининг асосий босқичи, деб таъриф беради.⁵

Бизнингча эса, судда иш кўриш суд процессининг мазмунини ташкил этади, суд мажлиси эса судда иш кўришнинг шаклини англатиб, шуниси билан мазкур тушунчалар бир-биридан фарқланади. Зеро, муайян фуқаролик иши бир неча суд мажлисларида кўрилиши мумкин. Ундан ташқари, суд мажлислари нафақат

¹ Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А. Алехина, В. В. Блажеев и др.; Под ред. М. С. Шакарян. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. – 263 с.

² Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. – М.: ТК Велби, Проспект, 2004. – 263 с.

³ Гуреев П.П. Судебное разбирательство гражданских дел. М., 1958.; Трубников П.Я. Судебное разбирательство гражданских дел. –М., 1962.; Власов А.А. Гражданское процессуальное право. Верховный суд Российской Федерации, Высший Арбитражный суд Российской Федерации, Российская Академия правосудия. Учебник. –М.: 2003. –С. 236-242.

⁴ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент: Адолат. 2001. –208 б.

⁵ Гражданский процесс: Учебник для юридических вузов / Под ред. М.К.Треушников. –3-е изд., испр. и доп. – М.: Юриспруденция, 2001. – 400 с.

судда иш кўриш, балки айрим процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун ҳам ўтказилади (масалан, даъвони таъминлаш, суд харажатларини камайтириш, уни тўлашдан озод қилиш, суд топшириқларини бажариш ва ҳ.к.).

Юқоридагиларга асосланиб қуйидаги хулосага келиш мумкин, фуқаролик суд ишларини юритиш жараёнида судда иш кўриш суд процессининг таркибий қисми ҳисобланиб, унинг асосий вазифаси биринчи инстанция судларида фуқаролик ишларини мазмунан кўриш ва ҳал этишдан иборатдир. Суд мажлиси эса судда иш кўришнинг шакли ҳисобланиб, ўз навбатида, судда иш кўриш суд мажлисисиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Чунки фуқаролик процессуал қонунчилик суд мажлиси ўтказмасдан туриб, низоли ишларни мазмунан кўриш ҳамда ҳал қилиш тартибини белгиламайди.

Суд мажлисида шу суднинг раиси, унинг ўринбосари ёки судья раислик қилади. Фуқаролик суд ишларини юритишнинг вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш, асосан суднинг, энг аввало суд процессига раислик қилаётган судьянинг билим, малака ва маҳоратига боғлиқ бўлади. Раислик қилувчи суд мажлисини бошқариб, ишнинг барча ҳолатлари, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ, ҳар тарафлама ва холисона аниқланишини, суд процессининг тарбиявий таъсирини таъминлайди, кўрилаётган ишга алоқаси бўлмаган ҳамма нарсани суд муҳокамасидан четлатади. Ишда иштирок этувчи шахслар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, гувоҳлардан бирортаси раислик қилувчининг хатти-ҳаракатига эътироз билдирса, бу эътирозлар суд мажлисининг баённомасига киритилади ва масала суд томонидан ҳал қилинади. Раислик қилувчи суд мажлисида тегишли тартибни таъминлаш учун зарур чора-тадбирлар кўради (ФПКнинг 164-моддаси). Ишда иштирок этувчи шахслар ва гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, шунингдек суд мажлиси залида ҳозир бўлган ҳамма фуқаролар суд мажлисида белгиланган тартибга риоя қилишлари ва раислик қилувчининг фармойишларига сўзсиз итоат этишга мажбурдирлар.

ФПКнинг 6-моддасига асосан раислик қилувчи фуқаролик ишлари бўйича одил судловни барча фуқароларнинг жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, шунингдек бошқа ҳолатлардан қатъи назар, қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширади. Шунингдек, суд ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқ

ва мажбуриятларини тушунтириши, уларни процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ёки амалга оширмасликнинг оқибатлари тўғрисида огоҳлантириши ҳамда уларга ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришларида ёрдам кўрсатиши лозим (ФПКнинг 15-моддаси иккинчи қисми).

Раислик қилувчига, шунингдек суд мажлисида зарур бўлган тартибни сақлаб туриш мажбурияти ҳам юкланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 12 январдаги 2/2, 3-сонли қарори билан тасдиқланган "Судлар, суд процесслари ва улар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисида"ги йўриқномага асосан, судлар, суд процесслари ва суд процесслари иштирокчилари ҳамда уларнинг яқин қариндошлари хавфсизлигини таъминлаш ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади. Йўриқноманинг 22-бандига кўра, суд процесслари хавфсизлигини таъминлаш учун ички ишлар органлари ходимлари томонидан қуйидаги чоралар амалга оширилади:

– раислик қилувчи ёки суд раиси билан келишувга биноан суд мажлиси хонаси ва маслаҳатхона хавфсизлиги таъминланади;

– суд мажлисидан олдин суд мажлиси хоналари ва маслаҳатхонанинг уларда эгасиз ашёлар, ёнғувчи, портловчи, заҳарловчи ва бошқа хавфли буюмларни аниқлаш юзасидан текшируви ташкиллаштирилади;

– ташқи кўриниши ёки юриш-туришидан шубҳа туғдирувчи шахсларни текшириш ташкил этилади. Кўрсатилган шахслар ётарли асослар мавжуд бўлганда ушланиши ва юқорида санаб ўтилган буюм ва ашёлар юборилдиган туман (шаҳар) ички ишлар бўлимларига топширилиши мумкин.

Ички ишлар органлари ходими суд мажлиси вақтида доимий равишда суд мажлиси залида бўлади. Суд мажлиси залини тарқ этишга фақатгина раислик қилувчининг фармойиши билан рухсат этилади.¹

ФПКнинг 165-моддасига асосан, судья (судьялар) мажлис залига кириб келганида ва ундан чиқиб кетаётганида суд мажлиси залида ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси ўрнидан туради. Ишда иштирок этувчи шахслар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар судга мурожаат қилишда, ўзларининг кўрсатув ва тушунтиришларини баён қилишда тик туриб гапирадилар. Бу қоидадан узрли сабабга кўра четта чиқишга фақат раислик қилувчининг рухсати билангина йўл қўйилиши мумкин. Ишда иштирок этувчи шахслар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, шунингдек суд мажлиси залида ҳозир бўлган ҳамма фуқаролар суд мажлисида белгиланган тартибга риоя қилишлари

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 3-сон, 31-модда.

ва раислик қилувчининг фармойишларига сўзсиз итоат этишлари шарт. Суднинг алоҳида хонада (маслаҳатхонада) чиқарган қарорларини суд мажлиси залида ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси тик туриб эшитади.

Ишни кўриш вақтида тартибни бузган шахсни раислик қилувчи суд номидан огоҳлантиради. Ишда қатнашаётган шахслар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар тартибни такроран бузган тақдирда суднинг ажримига биноан, ишни кўришда ҳозир бўлган фуқаролар эса, раислик қилувчининг фармойиши билан суд мажлиси залидан чиқариб юборилиши мумкин. Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича судларда суд мажлисида тартибни бузган ёки судга нисбатан бошқа тарздаги ҳурматсизлик қилган шахсларга нисбатан маъмурий жазо чорасини белгиловчи қоида назарда тутилди (ФПКнинг 166-моддаси).

Фуқаролар оммавий тарзда тартибни бузган тақдирда суд ишни кўришни кейинга қолдириши мумкин. Прокурор ёки адвокат раислик қилувчининг фармойишларига итоат қилмасалар, улар огоҳлантирилади. Мазкур шахслар раислик қилувчининг фармойишларига яна итоат этмасалар, агар уларни ишга зарар етказмаган ҳолда бошқа шахс билан алмаштиришнинг имкони бўлмаса, суднинг ажримига биноан ишни кўриш кейинга қолдирилиши мумкин. Айтилган суд бу ҳақда тегишлича юқори турувчи прокурорга ёки адвокатлар малака комиссиясига маълум қилади.

Суд мажлисида тараф ёки учинчи шахс тартибни бузса, суд тартиббузарни иш кўриладиган ҳамма вақтга ёки унинг бир қисмига мажлис залидан чиқариб юборади. Вақтинча чиқариб юборилган шахс суд мажлиси залига қайтадан кўйилганда раислик қилувчи уни залда бўлмаган вақтида қилingan процессуал ҳаракатлар билан таништиради. Суд мажлисида ҳар икки тараф (учинчи шахслар) тартибни бузса, суд ишни кўришни кейинга қолдириши мумкин.

Бу борада ўрганилган халқаро қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, кўпчилик хорижий давлатлар қонунчилик амалиётида судга нисбатан ҳурматсизлик қилиш жиддий жавобгарликни келтириб чиқаради. Агар айрим мамлакатларда (АҚШ, Буюк Британия, Канада, Франция) судга ҳурматсизлик фақатгина жиноий жавобгарликни келтириб чиқарса, бошқа мамлакатларда (Россия, Қозғоғистон, Озарбойжон, Арманистон, Беларусь) судга ҳурматсизлик сифатида квалификация қилинадиган ҳаракатлар икки тоифага бўлинади: маъмурий жа-

вобгарликни келтириб чиқарувчи судга ҳурматсизлик қилиш (одатда, судга ҳозир бўлмаслик, раислик этувчининг фармойишига бўйсунмаслик, суд мажлиси вақтида тартибни бузиш) ҳамда жиноий жавобгарликни келтириб чиқарувчи судга ҳурматсизлик қилиш (судья ва суд маслаҳатчиси ёхуд халқ маслаҳатчиси ҳамда бошқа процесс иштирокчиларини ҳақоратлаш). Масалан, Беларусь Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 272-моддасига кўра, фуқаролик суд ишларини юритиш иштирокчилари (прокурор ва адвокатлардан ташқари) ва суд мажлисида ҳозир бўлган фуқаролар раислик қилувчи фармойишига бўйсунмаслигида ёхуд суд мажлиси пайтида тартибни бузишда ўз ифодасини топган судга ҳурматсизлик учун Беларусь Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексидан назарда тутилган маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Беларусь Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 24-моддасига кўра, судга келишдан қасддан бўйин товлашда ёки раислик қилувчи фармойишига бўйсунмасликда ёхуд суд мажлиси пайтида тартибни бузишда ўз ифодасини топган судга ҳурматсизлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз бараваридан то эллик бараваригача миқдорда жарима ёки маъмурий қамоқ жазоси белгиланиши мумкин. Шунингдек, Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодексининг 159-моддасига кўра, суд суд мажлисида ўрнатилган тартибни бузишда айбдор бўлган шахсларга миң рублгача миқдорда жарима солиш ҳуқуқига эга. Россия Федерацияси Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексининг 17.3-моддасига кўра, судда белгиланган тартибни бузишга қаратилган ҳаракатларни тугатишга қаратилган суднинг қонунинг фармойишини бажармаслик беш юздан то миң рублгача миқдорда маъмурий жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоқ жазосига тортилишга сабаб бўлади. Озорбайжон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 177-моддасига кўра, раислик қилувчи суд мажлисида ўрнатилган тартибни бузишда айбдор бўлган шахсларга энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача жарима ёки уч соатдан то йигирма тўрт соатгача қамоқ жазосини белгилашга ҳақли бўлади.

Фуқаролик ишларини кўриб чиқиш процессуал қонунчилик белгилаб берган қатъий тартибда ўтказилади. Суд жараёнининг бошқа энг муҳим босқичини бажариладиган ишлар ҳажмига қараб қуйидаги қисмларга бўлиш мумкин:

- *тайёргарлик қисми;*
- *иш ҳолатларини ўрганиш ёки ишни мазмунан кўришни бошлаш қисми;*
- *суд музокаралари қисми;*
- *ишнинг моҳияти бўйича прокурор фикрини баён этиш қисми;*
- *суд ҳал қилув қарори чиқариш ва эълон қилиш қисми.*

18.2. Фуқаролик ишлари бўйича суд мажлиси ва унинг қисмлари

Суд ишининг тайёргарлик қисми. Суд ишининг тайёргарлик қисми ишни мазмунан кўриб чиқиш имкониятининг мавжудлигини аниқлашга қаратилган процессуал ҳаракатлар тизимини ташкил этади. Ишни кўриш учун тайинланган вақтда судья (судьялар) мажлис залига киради, суд мажлисини очиб, қандай иш кўрилишини эълон қилади. Сўнгра суд мажлисининг котиби иш бўйича чақирилганлардан кимлар келганлигини, келмаганларга чақирув қоғози топширилган-топширилмаганлигини, уларнинг келмаганлик сабаблари тўғрисида қандай маълумотлар борлигини судга маълум қилади.

Суд келганларнинг шахсини аниқлайди, шунингдек мансабдор шахслар ва вакиллар, шу жумладан адвокатнинг ҳам ваколатини текширади. Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги Қонуни 4-моддасига кўра, адвокатнинг муайян ишни олиб боришга ваколатли эканлиги ордер билан тасдиқланади. Адвокатнинг ишда иштирок этишга у адвокат гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан кейин йўл қўйилади.¹ ФПКнинг 53-моддасига кўра, вакилнинг ваколатлари қонунга мувофиқ берилган ва расмийлаштирилган ишончномада ифода этилган бўлиши лозим. Агар ишончномалар фуқаролар томонидан бериладиган бўлса ишончномаларни нотариуслар ёки нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахслар тасдиқлайдилар.

Фуқаролар вакилларининг судда иш юритиш ваколатлари ишонч билдираётган шахснинг оғзаки аризаси билан ҳам тасдиқланиши мумкин, бу ҳол суд мажлисининг баённомасига киритилиши лозим. Давлат бошқаруви органларининг, мансабдор шахсларнинг вакиллари тегишли орган раҳбарининг ёки мансабдор шахснинг имзоси билан бериладиган ишончнома бўйича иш юритадилар. Ташкилот номидан бериладиган ишончнома ташкилот раҳбари томонидан имзоланиб, имзо ташкилот муҳри билан тасдиқланади. Раислик қилувчи таржимонга унинг вазифаси суд иш юритаётган тилни билмайдиган шахсларнинг тушунтиришлари-

¹ Ўзбекистон юридик энциклопедияси. –Тошкент, Адолат, 2008. – 354 б.

ни, кўрсатувларини, арзларини, бу шахсларга эса, тушунтиришларнинг, кўрсатувларнинг, арзларнинг, ўқиб эшиттириладиган ҳужжатларнинг мазмунини, шунингдек раислик қилувчининг фармойишларини, иш бўйича суднинг ҳал қилув қарори ва ажримини таржима қилиб беришдан иборат эканлигини тушунтиради. Раислик қилувчи таржимонни била туриб, ёлгон таржима қилса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 238-моддаси бўйича жавобгар бўлиши тўғрисида огоҳлантиради. Ўз навбатида, бу иш суд мажлисининг тайёргарлик қисмида амалга оширилиши судда тил билмаслик оқибатида келиб чиқувчи салбий оқибатларининг ҳамда қонунбузилишининг олдини олишга қаратилади.

Суд мажлисининг тайёргарлик қисмидаги навбатдаги ҳаракат гувоҳларнинг келган-келмаганлиги текширилгач, суд мажлисида ҳозир бўлган гувоҳларни суд мажлиси залидан чиқариш ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида раислик қилувчи сўроқ қилинган гувоҳларнинг сўроқ қилинмаган гувоҳлар билан муомалада бўлмаслиги учун чоралар кўради. Гувоҳлар суд залидан чиқариб юборилганларидан сўнг раислик қилувчи суднинг таркибини (судьяни) эълон қилади, прокурор, эксперт, мутахассис, суд мажлисининг котиби сифатида қимлар қатнашаётганлигини маълум қилади ва ишда иштирок этаётган шахсларга уларни рад қилиш тўғрисида арз қилиш ҳуқуқларини тушунтиради.

Қуйидаги ҳолларда судья ишни кўриши мумкин бўлмайди ва у рад қилинади, агар:

1) ишнинг пировард натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг ҳолислигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса;

2) шу иш илгари кўрилганида гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон, вакил, прокурор, суд мажлисининг котиби сифатида қатнашган бўлса;

3) ишда иштирок этувчи тарафнинг ёки бошқа шахсларнинг қариндоши бўлса.

Шунингдек, бир-бирига қариндош шахслар суд таркибига кириши мумкин эмас.

Юқорида баён этилган 1 ва 3-бандларида кўрсатилган рад қилиш асослари прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон ва суд мажлисининг котибига нисбатан ҳам қўлланилади (ФПКнинг 26-моддаси). Агар эксперт, мутахассис ва таржимон ишда иштирок этувчи тарафларга ёки бошқа шахсларга хизмат юзасидан ёхуд бошқача

тарзда қарам бўлса, эксперт ва мутахассис эса шунингдек, тафтиш ўтказган ёки хулоса ҳам берган бўлиб, уларнинг материаллари мазкур фуқаролик иштини кўзгатишга асос бўлиб хизмат қилган бўлса, уларни рад қилиш тўғрисида арз қилиниши мумкин.

ФПКнинг 27-моддасига мувофиқ, фуқаролик иштини биринчи инстанция судида кўрган судья, агар суднинг ҳал қилув қарори апелляция ёки кассация инстанцияси томонидан ёхуд суд назорати тартибида бекор қилинган бўлса, бу ишни такрор кўриши мумкин эмас. Фуқаролик иштини биринчи инстанция судида кўрган судья шу ишни апелляция ёки кассация инстанцияси судида ёхуд суд назорати тартибида кўришда иштирок этиши мумкин бўлмайди. Ишни апелляция инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция судида ёки кассация инстанцияси судида ёхуд суд назорати тартибида кўришда иштирок этиши мумкин эмас. Ундан ташқари, ишни кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция судида ёки апелляция инстанцияси судида ёхуд суд назорати тартибида кўришда иштирок этишига йўл қўйилмайди. Ишни суд назорати тартибида кўришда иштирок этган судья шу ишни биринчи инстанция, апелляция ва кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этиши мумкин эмас. Суд мажлисининг тайёргарлик қисмидаги навбатдаги процессуал ҳаракат – ишда иштирок этаётган шахсларга уларнинг ФПКнинг 34-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб бериш ҳисобланади. Бу ҳақда суд мажлисининг баённомасида кўрсатиб ўтилади.

ФПКнинг 161-моддасига кўра, судья тарафлар ва процесснинг бошқа иштирокчиларига ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида маълум қилади. Демак, иш процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг барча субъектлари иштирокида кўриб чиқишлари керак. Бироқ суд процессида барча шахсларнинг ҳам иштирокини тўла таъминлашнинг ҳар доим иложи бўлмаганлиги сабабли фуқаролик процессуал қонунчилик уларнинг суд мажлисига келмаганликлари оқибатини назарда тутади.

Унга кўра, ФПКнинг 177-моддасига асосан суд куйидаги икки ҳолатда ишни кўришни кейинга қолдиради:

- *Фуқаролик процессуал кодексига назарда тутилган ҳолларда;*
- *муайян суд мажлисида ишни кўришнинг имкони бўлмаган бошқа ҳолларда.*

Ишда иштирок этувчи шахслардан бирортаси суд мажлисига келмаган тақдирда, унга чақирув қоғози топширилганлиги тўғрисида маълумот бўлмаса, суд ишни кўришни кейинга қолдиради. Агар ишда иштирок этувчи шахслар тегишли тартибда суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинган бўлиб, суд узрли деб топган сабабларга кўра суд мажлисига келмаган бўлсалар, суд ишни кўришни кейинга қолдиради.

Тарафлар судга келмаслик сабаблари ҳақида маълумот беришлари ва бу сабабларнинг узрлилигига далиллар тақдим этишлари шарт. Башарти жавобгарнинг келмаганлик сабаблари ҳақида маълумот бўлмаса ёки суд келмаганлик сабабларини узрсиз деб топса ёхуд жавобгар иш юритилишини қасддан чўзаётган бўлса, суд ишни кўришга ҳақли. Суд ишни кўришни кейинга қолдирар экан, навбатдаги суд мажлисининг вақтини белгилайди ва бу ҳақда ҳозир бўлган шахсларга эълон қилиб, уларнинг имзосини кўйдириб олади. Судга келмаган ва процессда иштирок этишга янги жалб қилинадиган шахслар навбатдаги суд мажлисининг вақти тўғрисида чақирув қоғози орқали хабардор қилинадилар.

Кейинга қолдирилган ишни кўриш келган жойидан давом эттирилади. Бироқ, агар иш ФПКнинг 33-моддасида санаб ўтилган янги шахсларни жалб қилиш учун кейинга қолдирилган бўлса, ишни кўриш янгидан бошланади. Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаган тақдирда, даъвогар эътироз билдирмаса, иш сиртдан иш юритиш тартибида кўрилиши мумкин. Ишни бундай тартибда кўриш ҳақида суд ажрим чиқаради. Жавобгар тегишли тартибда хабардор қилинганлиги ҳақида ишда маълумот бўлиши лозим. Ишда иштирок этувчи шахснинг вакили ишни судда кўриш вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинган бўлишига қарамай, судга келмаганлиги ишни кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди. Прокурор ёки адвокатнинг узрсиз сабаблар билан келмаганлиги тўғрисида суд хусусий ажрим чиқаради ва бу ҳақда тегишли юқори турувчи прокурорга ёки адвокатлар малака комиссиясига маълум қилади.

Иш ҳолатларини ўрганиш ёки ишни мазмунан кўришни бошлаш қисми. Ишни мазмунан кўришни бошлаш қисми раислик қилувчининг иш тўғрисидаги маърузасидан бошланади. Сўнг-ра раислик қилувчи даъвогардан ўз талабларини қувватлаш-қувватламаслигини, жавобгардан даъвогарнинг талабларини тан

олиш-олмаслигини ва тарафларнинг ишни келишув битими билан тамомлашни иташ-истамасликларини сўрайди.

Даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлиги, жавобгарнинг даъвогар талабларини тан олганлиги ёки тарафлар эришган келишув битимининг шартлари суд мажлиси баённомасига киритилади ва тегишлича, даъвогар, жавобгар ёки иккала тараф томонидан имзоланади. Агар даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлиги, жавобгарнинг даъвогар арз қилган талабларни тан олганлиги ёки тарафларнинг келишув битими уларнинг судга юборган ёзма аризаларида ифодаланган бўлса, мазкур аризалар ишга кўшиб кўйилиб, бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатилади.

Даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлигини қабул қилишдан ёки тарафларнинг келишув битимини тасдиқлашдан олдин суд даъвогарга ёки тарафларга тегишли процессуал ҳаракатлар қилишнинг оқибатларини тушунтиради.

Имом Ғаззолий ўзининг "Айюҳал валад" асарида шундай дейди: "Ҳакам ҳузурида қарши тараф билан уришма. Келишишга ҳаракат қил. Пайгамбаримиз (с.а.в.) бир ҳидиси шарифларида марҳамат этадилар: "Бир киши аввал даъво қилиб, сўнгра даъвосидан воз кечса, Аглюҳ тасло ўша кишига жаннатда бир кўшк ҳозирлайди ва даражасини ҳам кўтаради".¹

Шундай экан, судья ишни кўриш жараёнида тарафларни яраштириш чораларини кўриши муҳим аҳамият касб этади. Даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлигини қабул қилиш ёки тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида суд ажрим чиқаради ва шу ажрим билан иш юритишни ҳам тугатади. Ажримда тарафларнинг келишув битимидаги шартлар кўрсатилиши керак. Жавобгар арз қилинган талабларни тан олса ва суд тан олишни қабул қилса, арз қилинган талабларни қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилади. Агар суд жавобгарнинг арз қилинган талабларни тан олишини қабул қилмаса ёки тарафларнинг келишув битимини тасдиқламаса, бу ҳақда асослантирилган ажрим чиқаради ва ишни мазмунан кўради.

Иш тўғрисида маъруза қилинганидан сўнг, суд даъвогар ва унинг томонида иштирок этувчи учинчи шахснинг, жавобгар ва унинг томонида иштирок этувчи учинчи шахснинг, шунингдек ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг тушунтиришларини эши-

¹ Имом Ғаззолий. Эй фарзанд. "Айюҳал валад" асарининг ўзбек тилидаги таржимаси. –Тошкент, Мовароҳуннаҳр, 2005. -85 б.

тади. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ариза берган прокурор, шунингдек бошқа шахслар арз қилган талаблари бўйича тушунтиришлар бериш ёки уларни асослаш учун биринчи бўлиб сўзга чиқадилар. Ишда иштирок этувчи шахслар бир-бирларига саволлар беришга ҳақлидирлар. Суд тарафларнинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг тушунтиришларини эшитиб, гувоҳларни, экспертларни сўроқ қилиш ҳамда бошқа далилларни текшириш тартибини белгилайди.

Ҳар бир гувоҳ суд мажлисида алоҳида сўроқ қилинади ва сўроқдан сўнг, агар суд унга илгарироқ кетишга рухсат бермаса, то ишни кўриб чиқиш тамом бўлгунча суд мажлиси залида қолади. Раислик қилувчи гувоҳни сўроқ қилишдан олдин унинг шахсини, ёшини, машғулот турини, шу ишга алоқасини ҳамда тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар билан ўзаро муносабатини аниқлайди, шунингдек уни била туриб ёлгон кўрсатув берганлик, кўрсатув беришдан бош тортганлик ёки бўйин товлаганлик учун Жиноят кодексининг 238 ва 240-моддаларига мувофиқ жавобгар бўлиши тўғрисида огоҳлантиради. Шундан кейингина гувоҳга саволлар берилиши мумкин, чунончи гувоҳ кимнинг аризаси бўйича чақирилган бўлса, ана шу шахс ва унинг вакили биринчи бўлиб, сўнгра эса, ишда иштирок этаётган бошқа шахслар гувоҳга саволлар беради. Суднинг ташаббуси билан чақирилган гувоҳга саволларни биринчи бўлиб даъвогар беради.

ФПКнинг 69-моддасига кўра, суддаги вакиллар ўз вазифаларини бажаришлари муносабати билан ўзларига маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида гувоҳ сифатида чақирилиши ва сўроқ қилиниши мумкин эмас. Ундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 9-моддасига кўра, адвокат адвокатлик сирини сақлаши шарт. Адвокатлик сирини жумласига ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) адвокатдан ёрдам сўраб мурожаат этганлигининг ўзи, ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) ёрдам сўраб мурожаат этган масалалар, адвокатдан ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) олган маслаҳатлар, насиҳатлар ва тушунтиришларнинг моҳияти, адвокатнинг ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) билан ўтказган суҳбатида тўхтаб ўтилган барча масалалар киради. Адвокат, адвокат ёрдамчиси, адвокат стажёри, адвокатлар бюrolари, ҳайъатлари ва фирмалари мансабдор шахслари ва техник

ҳодимларининг адвокатлик сири бўлмиш маълумотларни ошкор этиши ва бу маълумотлардан ўз манфаатлари ёки учинчи шахслар манфаатлари йўлида фойдаланиши ман этилади.¹

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилиги гувоҳларга айрим ҳуқуқлардан фойдаланиш имконини беради. Масалан, гувоҳ кўрсатув беришда кўрсатув бирон-бир ҳисоблар ёки хотирада сақлаб қолиш қийин бошқа маълумотлар билан боғлиқ бўлган ҳолларда, ёзма хотиралардан фойдаланиши мумкин. Бу ёзма хотиралар судга ва ишда иштирок этувчи шахсларга кўрсатилади ва суднинг ажрими билан ишга қўшиб қўйилиши мумкин. Шунингдек, қонун гувоҳ сифатида чақирилиши ва сўроқ қилиниши мумкин бўлмаган шахслар рўйхатини белгилайди. Унга кўра, вакил ёки ҳимоячи вазифаларини бажаришлари муносабати билан ўзларига маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида – фуқаролик ишлари бўйича вакиллар ёки жиноят ишлари бўйича ҳимоячилар; жисмоний ёки руҳий нуқсонлари сабабли фактларни тўғри идрок қилишга ёки улар ҳақида тўғри кўрсатув беришга лаёқатсиз шахслар гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмас (ФПКнинг 69-моддаси).

Гувоҳ сифатида чақирилиши ва сўроқ қилиниши мумкин бўлмаган шахслар масаласи бошқа давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилигида ҳам белгиланган. Масалан, Россия Федерацияси ГПКнинг 69-моддасига кўра, қуйидагилар гувоҳ сифатида чақирилиши ва сўроқ қилиниши мумкин эмас:

1) фуқаролик ишлари бўйича вакиллар ёки жиноят ишлари бўйича, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича адвокатлар – вакил ёки ҳимоячи вазифаларини бажаришлари муносабати билан ўзларига маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида;

2) судьялар, присяжные, ("присяжные" ўзбек тилидаги таржимаси "қасамёд қилган", "онт ичган" маъносини англатади),² халқ ва арбитраж

¹ Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги 1996 й. 27 декабрдаги Қонуни.
// Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1997 й. 2-сон, 48-модда.

² Присяжнийлар (қасамёд қилганлар) суди – суд тизими ва берча давлат ҳокимияти органлари тизимининг энг демократик институтларидан бири бўлиб, у адولاتли судни амалга оширишда халқнинг бевосита иштирокини ўзида муҳасам этган. XII–XV асрларда Англияда пайдо бўлган ва Буюк Француз инқилобидан кейин Европада, дунёнинг айрим бошқа қисмларида кенг қулоч ёйган. Узининг классик вариантыда у олти ёки ўн икки нафар маслаҳатчи кенгашичлар курсиси ёки бошқа миқдордаги тасодифий усул билан фақат муайян кўриб чиқиш ва фактик масалаларни ҳал этиш учун танлаб олинган ҳайъатдан ва ҳуқуқий масалаларни ҳал этувчи бир ёки бир неча профессионал судьядан иборат бўлади. Қонда бўйича П.с. биринчи инстанцияда мураккаб жиноий ишларни кўриб чиқади ва унинг қарори апелляция шикоятига дахлдор бўлмайди. Ҳозирги вақтда П. с. АҚШ, Буюк Британия, Канада, Ирландия, Швейцария ва бошқа бир қатор мамлакатларда мавжуд. Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У. Таджихановнинг умумий таҳририда. –Тошкент: «Шарқ», 2001. -338 б.

масла-ҳатчилари – суд ҳал қилув қарорлари ва ҳукмлар қабул қилиш вақтида маслаҳатхонада муҳокама қилган иш ҳолатлари юзасидан;

3) давлат рўйхатидан ўтган диний ташкилотларнинг руҳонийлари, тавба қилиб келган шахс орқали аниқланган ҳолатлар бўйича.

Шунингдек, мазкур моддада гувоҳлик кўрсатмаларини беришдан бош тортиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати ҳам берилган. Унга кўра,

1) фуқаро ўз-ўзига қарши;

2) эр-хотин бир-бирига, фарзандлар, шу жумладан фарзандликка олинганлар ота-оналарига, фарзандликка олганларга нисбатан, ота-оналар, фарзандликка олганлар фарзандларига, шу жумладан фарзандликка олинганларга нисбатан;

3) ака-укалар, опа-сингиллар бир-бирига, бобо, буви невараларига ва неваралар бобо, бувиларига қарши;

4) қонунчилик органлари депутатлари – депутатлик вазифасини бажариши давомида ўзига аниқ бўлган маълумотлар юзасидан;

5) Россия Федерациясининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ўз вазифасини бажариш давомида ўзига аниқ бўлган маълумотлар юзасидан кўрсатма беришдан бош тортиши мумкин.¹

Дарҳақиқат, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқини (25-модда)² кўшимча равишда кафолатлаш мақсадида юқоридаги нормалар ФПКнинг 69-моддасида ўз ифодасини топиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фуқаролик процессуал кодексида гувоҳлар учун белгиланган муҳим ҳуқуқлар қаторида уларга ўзлари қилган харажатларни бошқа шахслар томонидан қопланишини кўрсатишимиз мумкин. Масалан, ФПКнинг 112-моддасига кўра, гувоҳлар экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар каби уларга тегишли бўлган суммалар улар ўз вазифаларини бажариб бўлганларидан сўнг, харажат тарафлардан ундириб олинган-олинмаганидан қатъи назар, суд томонидан тўланади.

Гувоҳларнинг судга бориши муносабати билан ишда бўлмаган вақтида иш жойидаги ўртача иш ҳақи қонунда белгиланган тартибда сақланади. Меҳнат муносабатларига киришмаган гувоҳларга одатдаги машғулотларидан қолдирилганликлари учун амалда сарфлаган вақтларини ва жорий этилган энг кам иш ҳақини ҳисобга олиб ҳақ тўланади.

Ушбу ўринда гувоҳларни, умуман одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар томонидан қилинган харажатлар-

¹ Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации. – М.: Юристь, 2003. –46 с.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент, Ўзбекистон. 2011. –7 б.

ни қўллашга оид алоҳида қонун ҳужжати қабул қилинганлигини таъкидлаш керак. Масалан, 1992 йил 3 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва ҳолисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида"ги Қонуни шулар жумласидандир. Мазкур Қонуннинг 2-моддасига кўра, гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва ҳолислар ўзларининг доимий яшаш жойларидан ташқаридаги суриштирув органига, терговчи, прокурор ҳузурига ёки судга чақирилганда ва улар шу чақирилган жойда бир суткадан ортиқ туришлари лозим бўлганда, уларга турар жой биносини ижарага олганлик учун қилинган харажатлар ва суткалик харажатлар, шунингдек хизмат сафари билан боғлиқ кўшимча харажатлар корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг хизмат сафари билан боғлиқ бўлган харажатларни қўллаш учун белгиланган тартибда ва миқдорда тўланади.¹

Шунингдек, экспертлар, мутахассислар бажарган иш учун энг кам иш ҳақига нисбатан – ишнинг бир соатига 0,015 - 0,020 коэффициенти бўйича ҳақ тўланади. Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва ҳолисларга ҳақ уларни чақирган орган томонидан бу шахслар ўз вазифаларини бажариб бўлганларидан кейин, тегишли пуллар иш юзасидан қилинган харажатлар тарзида ёки ҳукм этилганлардан суд харажатлари тарзида ташқаридан олинган ва ундириб олинган ёки олинмаганлигидан қатъи назар дарҳол тўланиши керак.

Одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар ўз зиммаларига юклатилган процессуал мажбуриятларни бажаришлари лозим. Масалан, гувоҳ, эксперт ёки мутахассис суд мажлисига келиш мажбурияти шулар жумласидандир. Агар ушбу шахслар суд мажлисига суд узрсиз деб топган сабабларга кўра келмаган тақдирда, суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг ишни гувоҳ, эксперт ёки мутахассис келмаса ҳам кўриш мумкинлиги ҳақидаги фикрини эшитиб, ишни судда кўришни давом эттириш ёки ишни кўришни кейинга қолдириш тўғрисида ажрим чиқаради. Агар чақирилган гувоҳ суд узрсиз деб топган сабабларга кўра суд маж-

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган "Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва ҳолисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида"ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Аҳборотномаси. 1992 й. 9-сон, 359-модда.

лисига келмаса, у судга хурматсизлик қилганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 180-моддасига асосан жавобгарликка тортилиши мумкин.

Агар чақирилган гувоҳ иккинчи чақирув бўйича ҳам суд мажлисига келмаса, у суднинг ажримига биноан мажбурий тартибда келтирилиши мумкин. Эксперт ёки мутахассиснинг суд мажлисига келмаганлиги ФПКнинг 86 ва 91-моддаларида назарда тутилган оқибатларга сабаб бўлади (ФПКнинг 176-моддаси).

Иш бўйича тўпланган ҳамма далиллар текшириб бўлинганидан кейин раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахслардан иш материалларини бирор тарзда тўлдириш истаклари бор-йўқлигини сўрайди. Бундай арзлар бўлмаса, раислик қилувчи ишни мазмунан кўриш тамом бўлганлигини эълон қилади ва суд музокараларини эшитишга ўтади.

Суд музокаралари. Суд музокаралари ишда иштирок этувчи шахсларнинг нутқларидан иборат бўлади. Суд музокарасида қатнашувчилар ўз нутқларида суд аниқламаган ҳолатларни, шунингдек суд мажлисида текширилмаган далилларни важ қилиб келтиришга ҳақли эмаслар.

ФПКнинг 198-моддаси суд музокараларида сўзга чиқувчилар учун қатъий тартибни белгилайди. Унга кўра, дастлаб даъвогар ва унинг вакили, кейин жавобгар ва унинг вакили сўзлайди. Бошланган процессда низо предметиға нисбатан мустақил талаби борлигини арз қилган учинчи шахс ва унинг вакили тарафлардан кейин сўзлайди. Низо предметиға нисбатан мустақил талаби борлигини арз қилмаган учинчи шахс ва унинг вакили шу учинчи шахс ишда қайси даъвогар ёки жавобгар томонида иштирок этувчи бўлса, ана шу даъвогар ёки жавобгардан кейин сўзлайди. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этган прокурор, шунингдек давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ёки айрим фуқаролар суд музокараларида биринчи бўлиб сўзлайдилар. Суд томонидан процессда иштирок қилишга жалб этилган ёки процессга ўз ташаббуси билан киришган давлат бошқаруви органларининг вакиллари суд музокараларида тарафлар ва учинчи шахслардан кейин сўзлайдилар. Музокара иштирокчилари бир-бирларига луқма ташлашлари мумкин. Охири луқма ҳуқуқиға доимо жавобгар ва унинг вакили эга бўлади. Расмий ҳижатдан суд музокаралардаги чиқишларнинг давомийлигини

чеклай олмайди. Бироқ ФПКнинг 164-моддасига кўра, раислик қилувчи кўрилайётган ишга алоқаси бўлмаган ҳамма нарсани суд муҳокамасидан четлатиш ҳуқуқига эга. Шунинг учун судья агар нотик иш моҳиятидан четга чиқса, уни тўхтатиш ҳуқуқига эга.

Суд музокараларидан сўнг бошқа шахслар томонидан бошланган процессда иштирок этаётган прокурор ишнинг моҳияти бўйича ўз фикрини баён этади. Агар суд музокараларини эшитгач, судья иш учун аҳамиятга эга бўлган янги ҳолатларни аниқлаш ёки янги далилларни текширишни зарур деб топса, ишни мазмунан кўришни тиклаш тўғрисида ажрим чиқаради. Ишни мазмунан кўриш тамом бўлганидан кейин, суд музокаралари умумий тартибда ўтказилади. Суд музокараларини эшитгач, суд ҳал қилув қарори чиқариш учун алоҳида хонага (маслаҳатхонага) чиқади, бу ҳақда раислик қилувчи суд мажлисида ҳозир бўлганларга эълон қилади.

Суд ҳал қилув қарорини чиқариш ва уни эълон қилиш қисми суд мажлисининг якунловчи қисми ҳисобланади. Мазкур қисмда ишни мазмунан кўришнинг якуни суднинг ҳал қилув қарори тарзида расмийлаштирилади ва эълон қилинади.

Суд музокараларини эшитгач, суд ҳал қилув қарори чиқариш учун алоҳида хонага (маслаҳатхонага) чиқади, бу ҳақда раислик қилувчи суд мажлисида ҳозир бўлганларга эълон қилади.

Ҳал қилув қарори судья томонидан алоҳида хонада (маслаҳатхонада) қабул қилинади, ёзма равишда тузилади ва судья томонидан имзоланади. Судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунушига доир конституциявий принципнинг энг муҳим кафолатларидан бири – ҳал қилув қарори, ажрим, қарор чиқаришда суд маслаҳатининг сир сақланишидир. Муҳокама хонасида фақат ишда иштирок этган судьяларгина бўлиши талаб этилади. Ҳал қилув қарорини қабул қилиш вақтида бошқа шахсларнинг ҳозир бўлишига йўл қўйилмайди. Агар ҳал қилув қарори, ажрим, қарор чиқаришда суд маслаҳатининг сир сақланишига доир қондалар бузилган бўлса, ушбу ҳолат процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши, деб баҳоланади ва ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарорнинг бекор қилинишига асос бўлади (ФПКнинг 314-моддаси 5-банди).

Ишни кўриш чоғида келиб чиқадиган ҳамма масалалар судьянинг яқка ўзи томонидан, ишни судьялар ҳайъати кўраётган ҳолларда эса, судьяларнинг кўпчилик овози билан ҳал этилади. Суд

қарорлари маслаҳатхонада чиқарилади ва ёзма равишда тузилади. Ҳар бир масала ҳайъат томонидан ҳал қилинаётганида судьяларнинг бирортаси ҳам овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас. Раислик қилувчи ҳаммадан кейин овоз беради. Озчилик томонида қолган судья ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён қилишга ҳақли, унинг бу фикри ишга кўшиб кўйилади, бироқ эълон қилинмайди. Ишда иштирок этувчи шахслар судьянинг алоҳида фикри билан таништирилмайди.

Агар алоҳида фикр баён қилинган суд қарори юқори суд инстанциясида кўрилмаган бўлса, у қонуний кучга кирганидан кейин иш билан бирга кўшиб қарорга нисбатан протест келтириш масаласини ҳал қилиш учун тегишли суд раисига юборилади.

Муҳокамалар хонасида судьялардан ташқари ҳеч ким бўлмаслиги сабабли у ерда қабул қилинган қарор уларнинг бири томонидан ёзма шаклда баён қилинади. Бундай ҳолда қарор матни албатта қўлда ёзилган бўлиши керак, деган маънони англатмайди. Ҳозирги шароитда маслаҳат хонасида судьяларнинг машина ёзувчи техникаларидан воз кечишлари барча нуқтаи назарларига кўра нотўғридир. Қўлда ёзилмаган қарор матнининг ҳақиқий эмаслигига шубҳаларнинг бўлиши ҳеч қандай жиддий асосга эга эмас. Кейинги йиллар амалиёти шуни кўрсатадики, кўп судьялар муҳокама хоналарида ёзув техникаларидан фойдалана бошладилар. Ва шу билан боғлиқ ҳеч қандай англашилмовчиликлар пайдо бўлмайди. Бундан суд ишининг самараси ва маданияти сезиларли даражада ўсмоқда.

18.3. Иш кўришни кейинга қолдириш

Адабиётларда қайд этилишича, суд ишининг кейинга қолдирилиши ишни кўриб чиқилишига тайёргарликнинг лозим даражада ўтказилмаганлиги ёки суд мажлиси уларнинг иштирокисиз ўтмайдиган шахсларнинг келмаслиги оқибатида юз беради.¹ Бироқ иш кўришни кейинга қолдирилиши ҳар доим ҳам суд йўл қўйган камчиликлар натижасидир, дейиш тўғри бўлавермайди. Масалан, суд никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларда эр-хотинни яраштириш чораларини кўриш мақсадида тарафларнинг ёки улардан бирининг илтимосига ёхуд ўз ташаббусига кўра ишнинг кўрили-

¹ Гражданский процесс / Учебник. Отв. ред. проф. В.В. Ярков. – М.: Волтерс Клувер, 2004. – 290 с.

шини бошқа вақтга қолдиришга ва эр-хотинга ярашишлари учун Оила кодексининг 40-моддасида кўрсатилган доирада муҳлат белгилашга ҳақли бўлади. Бу ерда суд ишини орқага суришни салбий ҳолат ёки суд томонидан ишни кўришга тайёргарлик лозим даражада амалга оширилмаган, деб баҳолаш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги "Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги 19-сонли қарорининг 15-бандида қуйидагича тушунтиришлар берилади: "Судларга тушунтирилсинки, ОК 1-моддаси иккинчи қисми талабига мувофиқ никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишни кўришда суд оилани сақлаб қолиш юзасидан чоралар кўриши лозим. Шу мақсадда суд мажлисида оилани сақлаб қолиш мумкинлигини тасдиқловчи ҳолатлар (болалар борлиги, никоҳнинг давомийлиги, оиладаги муносабатларнинг хусусиятлари ва бошқа ҳолатлар) аниқланса, суд ҳар иккала тарафнинг ёки улардан бирининг илтимосига биноан ёхуд ўз ташаббуси билан никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш кўрилишини кейинга қолдиришга ҳақли. Ишнинг кўрилиши кейинга қолдирилганда, суд ОК 40-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ эр-хотинга ярашишлари учун олти ойгача муддат тайинлашга ҳақли. Бунда шунини эътиборга олиш лозимки, ОК 218-моддаси талабларини инобатга олган ҳолда ярашиш учун бериладиган муддат уч ойдан кам бўлиши самарасиз ҳисобланади. Эр-хотин ярашиши мақсадида олти ойлик муддат ичида ишнинг кўрилиши бир неча марта кейинга қолдирилиши мумкин.

Эр-хотинга ярашиш учун муддат берилиши муносабати билан ишнинг кўрилишини кейинга қолдириш тўғрисидаги суд ажрими тарафларнинг тушунтиришлари тинглангандан сўнг, зарур ҳолларда эса, бошқа далиллар текширилганидан сўнг чиқарилади. Суд эр ва хотиннинг ёки улардан бирининг аризасига кўра, ярашиш учун берилган муддатни бунга жиддий асослар мавжуд бўлган ҳолларда қисқартиришга ва ишни бу муддат тутагунга қадар кўришга ҳақли. Ярашиш учун берилган муддатни қисқартириш тўғрисидаги масала суд мажлисида тарафларни хабардор қилган ҳолда ва ажрим чиқариш йўли билан ҳал этилади.

Эр-хотин ярашиши учун ишнинг кўрилишини кейинга қолдириш тўғрисидаги ажрим алоҳида хонада (маслаҳатхонада) чиқарилади ва бундай ажрим келгусида ишнинг ҳаракатига тўсқинлик қилмаслиги сабабли, унинг устидан апелляция, кассация тартибида шикоят қилиниши ёки протест келтирилиши мумкин эмас (ФПК 346, 348-16-моддалари). Ишнинг кўрилиши кейинга қолдирилиб, эр-хотинга ярашиш учун муддат берилганда, суд ОК 112-моддаси ва ФПК 263-моддасига мувофиқ, болалар таъминоти учун алимент ундириш масаласини муҳокама қилишга ҳақли".

Иш кўришни кейинга қолдириш бир қатор оқибатларни юзага келтиради. Хусусан, ишни кўриш кейинга қолдирилган тақдирда, кейинга қолдирилган ишни кўриш қолган жойидан давом эттири-

лади. Бироқ, ФПКнинг 33-моддасида санаб ўтилган янги шахсларни, хусусан, тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, процессда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда иштирок этадиган прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар жалб қилиш учун кейинга қолдирилган ишлар бундан мустасно. Чунки бундай ҳолда ишни кўриш янгидан бошланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги "Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари айрим нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида"ги 19-сонли қарорининг 16-бандида куйидагича тушунтиришлар берилади: "Ишни кўриш кейинга қолдирилган тақдирда, кейинга қолдирилган ишни кўриш қолган жойидан давом этирилади. ФПКнинг 33-моддасида санаб ўтилган янги шахсларни жалб қилиш учун кейинга қолдирилган ишлар бундан мустасно. Зотан, бундай ҳолда ишни кўриш янгидан бошланади. Аввалги суд мажлисларида ФПКнинг 63, 65, 66 ва 72-моддаларида назарда тутилган тартибда олинган ёзма далиллар ва гувоҳларнинг кўрсатувлари ишни мазмунан ҳал қилинаётган суд мажлисида ўқиб эшиттирилиши лозим.

Аввал чиқарилган ҳал қилув қарори бекор бўлганидан сўнг, судья ишни янгидан кўришда, бекор бўлган ҳал қилув қарори чиқарилган суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳларнинг кўрсатувларини, агар янги суд мажлисида гувоҳларнинг иштирок этиши мумкин бўлмаса (касаллиги, узоқ муддатли хизмат сафариди бўлганлиги туфайли ва ҳоказо), ўқиб эшиттиришга ҳамда иш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа далиллар билан биргаликда баҳо беришга ҳақли".

Иш кўришни кейинга қолдиришда мураккаб бўлмаган масалалар ҳал этилиши боис (эр-хотинни яраштириш мақсадида муҳлат белгилаш ва иш кўрилишини бошқа вақтга қолдириш ҳақидаги ажрим бундан мустасно), суд ўз жойида ажрим чиқариши мумкин. Бундай ажрим суд мажлисининг баённомасига киритилади. Ажримлар чиқарилиши билан дарҳол эълон қилинади. Ундан ташқари, иш кўришни кейинга қолдириш тўғрисидаги ажрим куйидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим: низо предмети ва ажрим билан ҳал қилинаётган масаланинг моҳияти; суднинг ҳулоасига олиб келган асослар ва суд қўллаган қонунлар; суднинг ҳал этилаётган масала юзасидан ҳулоаси. Шундай экан, бундай туркумдаги ажримларда унинг устидан шикоят бериш (протест келтириш) тартиби ва муддати кўрсатилиши назарда тутилмаган (ФПКнинг 237-моддаси).

Иш кўришни кейинга қолдиришни суд мажлисидаги танаффус ёки иш юритишни тўхтатиб туришдан фарқлай билиш керак.

Иш кўришни кейинга қолдириш суд муҳокамасини бошқа муддатга қолдириш ҳисобланиб, ораликдаги муддат давомида бошқа ишни кўриш имконияти мавжуд бўлади. Шунинг учун, қоидаги кўра, иш кўриш кейинга қолдирилганидан сўнг иш кўриш вақти янгидан тайинланади. Агар иш кўриш вақтида танаффус эълон қилингудек бўлса, иш кўриш танаффусдан сўнг давом эттирилади. Танаффус – бу суд мажлисининг нисбатан қисқа вақтга кейинга сурилишидир. Бунга асосий сабаб судьяларнинг дам олишларига, тушлик қилишлари учун зарурат ёки суд мажлисининг давом эттирилишига тўсқинлик қилувчи, аммо тез ва осон бартараф қилиниши мумкин бўлган вазиятларнинг пайдо бўлишидир.

Иш кўришни кейинга қолдириш, шунингдек иш юритишни тўхтатиб туришдан ўзининг асоси, ҳуқуқий оқибати, муддати ва шикоят бериш тартиби билан ўзаро фарқланади (*мазкур бобнинг 4-параграфига қаранг*).

18.4. Судда иш юритишни тўхтатиш

Ҳар қандай фуқаролик ишини ҳам бир кунда, бир процесснинг ўзида кўриб чиқиш мумкин бўлмайди (сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бундан мустасно). Кўпинча кутилмаган сабабларга кўра суд мажлисини тўхтатиш зарурати юзага келади.

Иш юритишни тўхтатиб туриш қонун билан белгиланадиган ва кенг изоҳлашга муҳтож бўлмаган асосларга боғлиқ ҳолда мажбурий ва факультатив асосларга ажратилади.

Суд ФПКнинг 92-моддасига мувофиқ, қуйидаги ҳолларда иш юритишни тўхтатиб туриши шарт:

- *агар ишда тараф бўлган фуқаро вафот этиб, низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўйса ёки ишда тараф бўлган юридик шахс қайта ташкил этилса;*

- *фуқаро (тараф) муомала лаёқатини йўқотса;*

- *жавобгар Куролли Кучларнинг ҳаракатдаги қисмида бўлса ёки Куролли Кучларнинг ҳаракатдаги қисмида бўлган даъвогар илтимос қилса;*

- *фуқаровий, жиноий ёки маъмурий суд ишларини юритиш тартибида кўрилаётган бошқа иш ҳал қилинмасдан олдин кўришнинг имкони бўлмаса.*

ФПКнинг 93-моддасида суднинг ташаббуси ёки ишда иштирок

этувчи шахсларнинг илтимосига биноан иш юритишни тўхтатиб туриш асослари санаб ўтилган. Унга кўра:

• **тараф Қуролли Кучлар таркибида муддатли ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган бўлса ёки мазкур шахслар давлатнинг бирорта мажбуриятини бажариш учун жалб қилинган бўлса;**

• **тараф даволаш муассасасида бўлса, шунингдек тарафлардан бирида судга келишга тўсқинлик қиладиган, тиббиёт муассасасининг маълумотномаси билан тасдиқланган касаллик мавжуд бўлса;**

• **ушбу Кодекснинг 140-моддасида назарда тутилган ҳолларда жавобгар қидирилаётган бўлса;**

• **тараф узоқ муддатли хизмат сафарида бўлса ёки бошқа узрли сабабга кўра йўқ бўлса;**

• **суд томонидан экспертиза тайинланган бўлса.**

Судда иш юритишни тўхтатиб туриш муддатлари ФПКнинг 94-моддаси билан тартибга солинади. Унга кўра, иш юритиш куйидаги вақтга қадар тўхтатиб турилади:

1) ФПКнинг 92-моддаси 1 ва 2-бандларида назарда тутилган ҳолларда – ҳуқуқий ворис ишга киришгунига ёки ишга жалб қилингунига қадар ёхуд муомалага лаёқатсиз шахсга қонуний вакил тайинлангунига қадар;

2) ФПКнинг 92-моддаси 3-бандида назарда тутилган ҳолларда – тараф Қуролли Кучларнинг ҳаракатдаги қисмида бўлиши тугагунига қадар;

3) ФПКнинг 92-моддаси 4-бандида назарда тутилган ҳолларда – суднинг ҳал қилув қарори ёки ҳукми қонуний кучга киргунига қадар ёки маъмурий тартибда кўрилаётган иш бўйича қарор чиқарилгунига қадар;

4) ФПКнинг 93-моддаси 1-бандида назарда тутилган ҳолларда – тегишлича, тарафнинг Қуролли Кучлар таркибида муддатли ҳақиқий ҳарбий хизматда бўлиши тугагунига ёки мазкур шахслар давлат мажбуриятини бажариб бўлгунига қадар;

5) ФПКнинг 93-моддаси 2-бандида назарда тутилган ҳолларда – тараф даволаш муассасасидан чиққунига ёки тарафнинг судга келишига тўсқинлик қиладиган касаллик тузалгунига қадар;

6) ФПКнинг 93-моддаси 3-бандида назарда тутилган ҳолларда – жавобгарни қидириш тамом бўлгунига қадар;

7) ФПКнинг 93-моддаси 4-бандида назарда тутилган ҳолларда – тараф қайтуғунига қадар;

8) ФПКнинг 93-моддаси 5-бандида назарда тутилган ҳолларда – экспертиза ўтказиш тугағунига қадар.

Суднинг иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ажрими устидан хусусий шикоят қилиниши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин. Иш юритиш уни тўхтатиб туришга сабаб бўлган ҳолатлар барҳам топгач, ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига мувофиқ ёки суднинг ташаббуси билан тикланади.

Иш юритиш тикланганида суд ишда иштирок этувчи шахсларни умумий асосларда чақиради. Суд ишини тўхтатиш суд қарорига кўра амалга ошади ва юқоридаги судларга шикоят аризаси билан муружат қилиш мумкин. Тўхтатилган суд иши яна суднинг ўз ташаббуси ёки ишда иштирок қилаётган шахсларнинг илтимосларига кўра қайта давом қилдирилади.

18.5. Аризани кўрмасдан қолдириш

ФПКнинг 97-моддасига мувофиқ, суд қуйидаги ҳолларда аризани кўрмасдан қолдиради:

- *ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса;*

- *манфаатдор шахс номидан аризани иш юритишга ваколати бўлмаган шахс берган бўлса;*

- *суд айни бир тарафлар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан иш юритаётган бўлса;*

- *ишни ўзларининг иштирокисиз кўришни илтимос қилмаган тарафлар иккинчи чақирув бўйича ҳам узрли сабабларсиз судга келмасалар, суд эса ишга оид маъжуд материаллар асосида ишни ҳал қилиш мумкин эмас, деб ҳисобласа;*

- *ишни ўзининг иштирокисиз кўришни илтимос қилмаган даъвогар иккинчи чақирув бўйича судга келмаса, жавобгар эса, ишни мазмунан кўришни талаб қилмаса.*

Юқорида кўрсатилган асослардан ташқари бошқа баъзи ҳолларда ҳам ариза кўрмасдан қолдирилиши мумкин. Хусусан, ФПКнинг 282-моддасига кўра, агар алоҳида тартибда юритиладиган ишни кўриш вақтида судга тааллуқли ҳуқуқ тўғрисида низо келиб чиқса, суд аризани кўрмасдан қолдириб, ишда иштирок этувчи

шахсларга умумий тартибда даъво тақдим этишни таклиф қилади. Ариза кўрмасдан қолдирилган ҳолларда иш юритиш суднинг ажримига биноан тамомланади. Бу ажримда суд ишнинг ҳал этилишига тўсқинлик қилаётган, ФПКнинг 97-моддасида санаб ўтилган ҳолатларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиши шарт.

Суд қонунда кўрсатилган ҳолларда аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажримни бекор қилиши мумкин. Масалан, агар тарафлар суд мажлисига узрли сабабларга кўра кела олмаганликларини тасдиқловчи далилларни тақдим этсалар, даъвогар ёки жавобгарнинг илтимосномасига биноан суд ФПКнинг 97-моддаси 4 ва 5-бандларига асосан аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида чиқарган ўз ажримини бекор қилади. Суднинг бундай илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ва хусусий протест келтирилиши мумкин (ФПКнинг 99-моддаси).

Суднинг аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажрими ишнинг илгарилашига кейинги ҳаракатланишига тўсқинлик қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам мазкур ажримлар суд томонидан ажрим топширилган кундан эътиборан ўн кун ичида тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар апелляция инстанцияси судига суднинг ҳал қилув қароридан алоҳида шикоят беришлари, прокурор эса, протест келтирилиши мумкин. Аризани кўрмасдан қолдиришга асос бўлган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин манфаатдор шахс судга ариза билан яна умумий тартибда мурожаат қилишга ҳақли.

18.6. Ҳал қилув қарорини чиқармасдан туриб иш юритишни тугатиш

Одатда, судда иш кўриш суднинг ишни мазмуни бўйича ҳал қилув қарорининг чиқарилиши билан якунланади. Бироқ, айрим истисно ҳолатларда суд ушбу қоидадан четга чиқиб, иш юзасидан ҳал қилув қарори чиқармасдан иш юритишни тугатишга ҳам ҳақли бўлади. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи процессни ушбу тартибда тугатишнинг икки шаклини назарда тутади:

- *иш юритишни тугатиш;*
- *аризани кўрмасдан қолдириш.*

Иш юзасидан ҳал қилув қарори чиқармасдан иш юритишни тугатишнинг мазкур шакллари йўл қўйиш асослари, ҳуқуқий оқибатлари ва қўллаш борасида ўзаро фарқланади. Масалан, иш-

нинг судга тааллуқли бўлмаслиги иш юритишни тугатишга асос бўлади ва судга тааллуқли бўлмаган иш бўйича тақдоран ўша судга мурожаат қилиш мумкин эмас. Аризани кўрмасдан қолдиришда эса унга асос бўлган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин манфаатдор шахс судга ариза билан яна умумий тартибда мурожаат қилишга ҳақли бўлади.

Шундай қилиб, суд қуйидаги ҳолларда иш юритишни тугатади:

1) иш судга тааллуқли бўлмаса;
2) айти бир тарафлар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечишини қабул қилиш тўғрисидаги ёхуд тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрими мавжуд бўлса;

3) даъвогар арз қилган талабларидан воз кечган ва суд бу воз кечишни қабул қилган бўлса;

4) тарафлар келишув битими тузган бўлсалар ва у суд томонидан тасдиқланган бўлса;

5) ишни судда кўришга тайёрлаш вақтида жавобгар даъвогарнинг талабларини тан олган бўлса ва бу тан олиш судья томонидан қабул қилинган бўлса;

6) тарафлар ўртасида ушбу низоли ҳал қилиш учун ҳакамлик судига топшириш ҳақида ҳакамлик битими тузилган бўлса;

7) иш бўйича тарафлардан бири бўлган фуқаронинг вафотидан сўнг низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўй-маса (ФПКнинг 100-моддаси).

Иш юритиш суднинг ажримига биноан тугатилади. Агар иш юритиш ишнинг судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли тугатилса, суд аризачи қайси органга мурожаат қилиши кераклигини кўрсатиши шарт бўлади. Иш юритиш тугатилган тақдирда, айти бир тарафлар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича низо юзасидан судга иккинчи марта мурожаат қилишга йўл қўйилмайди.

7. Суд мажлисининг баённомаси

Суднинг ҳар бир суд мажлиси тўғрисида, шунингдек суд мажлисидан ташқари қилинган ҳар бир алоҳида процессуал ҳаракат тўғрисида баённома тузилади (ФПКнинг 20-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг бир неча қарорларида суд мажлисининг баённомаси асосий процессуал ҳужжатлардан бири эканлиги, унинг аҳамияти суд амалиётида етарлича баҳоламаслик ҳолатлари кузатилаётганлиги баён этилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентбрдаги "Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш уларни кўриш муддатлари тўғрисида"ги қарорининг 14-бандига кўра, суд мажлиси баённомасининг тўла ва ўз вақтида тузилишига, шунингдек унинг тўғрилигига раислик этувчи ва суд мажлиси котиби масъуллигини назарда тутиб, судлар котиблар малакаси ва ишни ташкил қилиш даражасини оширишлари зарур. ФПКнинг 22-моддасига биноан баённома раислик этувчи ва суд мажлиси котиби томонидан суд мажлиси тугагач, уч кундан кечиктирмай имзоланиши лозим. Суд мажлиси баённомасини тузиш ва имзолашга муддат белгиланиши суд процесси иштирокчилари ўз вақтида баённома юзасидан эътироз келтиришлари ҳамда суд қарори устидан шикоят қилишларида муҳим аҳамиятта эгадир.

Баённомада барча муҳим ҳаракатлар тўлиқ ва аниқ акс эттирилади, чунончи уларнинг амалга ошиш тартиби қандай бўлса, баённомада ҳам шундай бўлади.

Суд мажлисининг баённомасида ишни кўришнинг ёки алоҳида процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг барча муҳим жиҳатлари акс эттирилиши лозим. Суд мажлисининг баённомасида, хусусан, қуйидагилар кўрсатилади:

- 1) суд мажлиси бўлиб ўтган йил, ой, кун ва жой;
- 2) суд мажлиси бошланган ва тамомланган вақт;
- 3) ишни кўраётган суднинг номи, суд таркиби ва суд мажлисининг котиби;
- 4) ишнинг номи;
- 5) ишда иштирок этувчи шахсларнинг ва одил судловга кўмаклашаётган шахсларнинг келган-келмаганлиги тўғрисидаги маълумотлар;
- 6) суднинг тарафлар ва процесснинг бошқа иштирокчиларига уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирганлиги;
- 7) ишда иштирок этувчи шахсларнинг ва одил судловга кўмаклашаётган шахсларга чақирув қоғози топширилганлиги тўғрисидаги ва улар суд мажлисига келмаганлигининг сабаблари ҳақидаги маълумотлар;
- 8) раислик қилувчининг барча фармойишлари ва суднинг алоҳида хонага (маспаҳатхонага) чиқмасдан чиқарган аҳримлари;
- 9) ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризалари;
- 10) судга тақдим этилган ҳамма ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг ёзма хулосалари тўғрисидаги маълумотлар;

11) ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертларнинг ўз хулосаларини оғзаки тушунтиришлари, мутахассисларнинг фикрлари, ашёвий ва ёзма далилларни кўздан кечиришга тааллуқли маълумотлар;

12) суд музокараларининг мазмуни ва прокурорнинг фикри;

13) суднинг ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарори ўқиб эшиттирилганлиги тўғрисидаги маълумотлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги "Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари айрим нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида"ги қарорининг 7-бандига кўра, даъводан воз кечилганлиги тўғрисидаги, даъвонинг тан олинганлиги тўғрисидаги, шунингдек келишув битимига эришилганлиги тўғрисидаги арзлар суд мажлиси баённомасига киритилади ва тегишинча, даъвогар, жавобгар ёки иккала тараф томонидан имзоланади. Агар бундай арзлар ёзма шаклда тақдим этилган бўлса, мазкур арзлар ишга қўшиб қўйилиб, бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатилади. Суд мажлиси баённомасига киритилган тушунтиришлар, кўрсатувлар ва хулосалар, агар суд зарур деб топса, суд процесси иштирокчилари (тарафлар, гувоҳлар, экспертлар) томонидан имзоланиши мумкин. Жавобгар арз қилинган талабларни судда иш қўрилаётганда тан олиши иш юритишни тугатишга асос бўла олмайди. Суд тан олишни қабул қилса, арз қилинган талабларни қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилади.

Баённома котиби томонидан суд мажлисининг ўзида ёки алоҳида процессуал ҳаракат амалга оширилганида мажлисдан ташқарида тузилади. Ишда иштирок этувчи шахслар ўзлари иш учун аҳамиятли деб ҳисоблаган ҳолатларни баённомага киритиш тўғрисида илтимосномалар тақдим этишга ҳақлидирлар. Тарафларнинг, учинчи шахсларнинг ўзлари қўйган талаблардан бутунлай ёки қисман воз кечганлиги, қўйилган талабларга иқдорлиги, ишни келишув битими билан тамомлаш тўғрисидаги арзалари баённомага киритилиб, тегишли бўлишига қараб, тарафларнинг бири ёки иккаласи томонидан имзоланади. Баённома суд мажлиси тамом бўлганидан ёки алоҳида процессуал ҳаракат амалга оширилганидан кейин кечи билан уч кунда раислик қилувчи ва суд мажлисининг котиби томонидан имзоланиши керак. Киритилган барча ўзгаришлар, тузатишлар, қўшимчалар ҳақида баённомада изоҳ берилиши лозим.

Шу ўринда суд мажлиси баённомасини имзолаш муддати билан боғлиқ МДҲга аъзо давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилигини таҳлили шуни кўрсатадики, Россия Федерацияси ГПКнинг 230-моддасига кўра,

баённома раислик қилувчи ва суд мажлисининг котиби томонидан суд мажлиси тамом бўлганидан кейин *кечи билан уч кунда*, алоҳида процесуал ҳаракат амалга оширилганида эса *дарҳол* имзоланиши кераклиги кўрсатилган. Беларусь Республкаси ГПКнинг 175-моддасига кўра, баённома суд мажлиси тамом бўлганидан ёки алоҳида процесуал ҳаракатлар амалга оширилганидан кейин *эртаси кундан* кечиктирмай, мураккаб бўлган ишлар бўйича *беш кун ичида* имзоланиши керак. Украина ГПКнинг 200-моддасига кўра эса, баённома суд мажлиси тамом бўлганидан ёки алоҳида процесуал ҳаракатлар амалга оширилганидан кейин *эртаси кундан* кечиктирмай имзоланиши лозим. Озарбойжон Республкаси ГПКнинг 272-моддасига кўра, баённома суд мажлиси тамом бўлганидан кейин *ўн кундан* кечиктирмай тайёрланиши ва имзоланиши, алоҳида процесуал ҳаракатлар амалга оширилганида эса *эртаси кундан* кечиктирмай имзоланади. Қозоғистон Республкаси ГПКнинг 257-моддасига кўра, баённома раислик қилувчи ва суд мажлисининг котиби томонидан суд мажлиси тамом бўлганидан кейин *кечи билан уч кунда*, алоҳида процесуал ҳаракат амалга оширилганида эса *дарҳол* имзоланиши керак. Мураккаб ишлар бўйича суд мажлиси баённомасини тайёрлаш ва имзолаш нисбатан узоқ муддатда, бироқ суд мажлиси тамомланган кундан эътиборан *ўн кундан* кечиктирмай амалга оширилиши лозим.

Мажлис баённомасида суд ишининг бориши тўла ва холис ўз аксини топиши учун жавобгарликни қонун суд мажлисларида раислик қилувчилар зиммаларига юклайди. Баённомага имзо чекишдан олдин раислик қилувчи унинг мазмуни билан диққат билан танишиши ва котибга зарур ўзгартиришларни киритишни таклиф қилиши лозим.

ФПКнинг 23-моддасида ишда иштирок этувчи шахсларнинг баённома билан танишишга ҳуқуқлари мавжудлиги ва унда йўл қўйилган хатоликлар ва камчиликларни кўрсата олишлари кўзда тутилган. Ишда иштирок этувчи шахслар суд мажлисининг баённомаси билан танишиб чиқишга ва у имзоланган кундан эътиборан беш кун ичида унда йўл қўйилган нотўғриликларни ёки унинг тўлиқ эмаслигини кўрсатиб, баённома юзасидан ёзма равишда фикр-мулоҳаза билдиришга ҳақлидирлар. Баённома юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазаларни раислик қилувчи кўриб чиқиб, уларга қўшилса, бу фикр-мулоҳазаларнинг тўғрилигини тасдиқлайди ва суд мажлисининг баённомасига қўшиб қўяди. Раислик қилувчи билдирилган фикр-мулоҳазаларга қўшилмаса, улар суд мажлисида кўриб чиқилади. Билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамма ҳолларда ҳам ишга қўшиб қўйилиши керак. Баённома юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар улар топширилган кундан

эътиборан етти кун ичида ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилган ҳолда кўриб чиқилиши керак. Бироқ ишда иштирок этувчи шахсларнинг келмаслиги баённома юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар тўғрисидаги аризани кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Судда иш кўриш дегаңда нимани тушунасиз ва унинг аҳамияти қандай?
2. Фуқаролик ишлари бўйича суд мажлиси қандай қисмларга бўлинади?
3. Суд мажлисининг тайёргарлик қисмида амалга ошириладиган ҳаракатлар нималардан иборат бўлади?
4. Ишнинг мазмуни бўйича прокурорнинг фикрини ёзинг.
5. Иш кўришни кейинга қолдиришнинг қандай асослари мавжуд?
6. Қайси ҳолларда судда иш юритиш тўхтатилиши мумкин?
7. Аризани кўрмасдан қолдиришнинг қандай асослари мавжуд?
8. Иш юритишни тугатишнинг аризани кўрмасдан қолдиришдан қандай фарқи бор?
9. Суд мажлиси баённомасининг мазмуни ҳақида гапиринг.

МАХСУС АДАБИЁТЛАР:

1. Баймолдина З.Х. Окончание гражданского дела без вынесения судебного решения: проблемы теории и законодательного регулирования // Арбитражный и гражданский процесс. 2001. № 3.
2. Борлаков М., Шкобенева Г. Замена мирового судьи на время его отсутствия // Российская юстиция. 2001. № 6.
3. Гаврилов Э. Замена судьи в гражданском и арбитражном процессе // Российская юстиция. 2001. № 7.
4. Давтян А. Гражданское процессуальное право Германии. —М.: Городец. 2000.
5. Елисейкин Н.. Гражданское процессуальное право зарубежных стран. Источники, судопроизводство, подсудность. —М.: Статус, 2000.
6. Козлова Н.В. Полномочия суда в исковом производстве: основания и условия реализации // Вестник Саратовской Государственной академии права. 1999. №1.

7. Куссмауль Р. Процессуальные вопросы применения исковой давности. // Российская юстиция. 2000. № 2.
8. Мамасиддиқов М.М., Хабибуллаев Д.Ю. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. (Схема ва жадваллар). Ўқув услубий қўлланма. –Тошкент.: ТДЮИ, 2006. -168 б.
9. Осокина Г.Л. О праве суда выйти за пределы исковых требований // Российская юстиция. 1998. № 6.
10. Панкратова Н.А. Особенности рассмотрения дел о защите чести и достоинства // Арбитражный и гражданский процесс. 2001. № 2.
11. Панкратова Н.А. Особенности рассмотрения дел о расторжении брака // Арбитражный и гражданский процесс. 2001. № 1.
12. Плюхина М.А. Особенности совершения отдельных процессуальных действий // Арбитражный и гражданский процесс. 2000. № 2.
13. Руднев В.И. Некомпетентность судьи как основание для его отвода и прекращения полномочий // Журнал российского права. 2003. № 7.
14. Телятникова Н.В. Проблемы окончания гражданского дела в суде без вынесения судебного решения // Российский судья. 2000. № 1.
15. Текеев А. Особенности судебного разбирательства дел с участием несовершеннолетних // Российская юстиция. 2003. № 5.
16. Форматов И. Дела об утрате права на жилое помещение // Российская юстиция. 1997. № 8.
17. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент.: Адолат. 2001. -512 б.
18. Шорахметов Ш.Ш. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини процессуал воситалар билан судда ҳимоялаш. Рисола. –Тошкент.: ТДЮИ . 2002.
19. Шорахметов Ш.Ш. Фуқаролик ишларини судда кўришга оид процессуал ҳужжат намуналарига шарҳ. Дарслик. –Тошкент.: ТДЮИ, 2005. -361 б.
20. Эсанова З.Н. Фуқаролик ишлари бўйича келишув битими. // Ж. Ҳаёт ва қонун . 2001, 2-3-сонлари. –Б .81-86.

БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

Бобнинг мақсади биринчи инстанция судининг қарорлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари, турлари ва улар ўртасидаги фарқлар билан боғлиқ масалаларни атрофлича баён этишдан иборатдир. Мазкур бобда одил судлов ҳужжати бўлмиш суд ҳал қилув қарорининг тушунчаси, аҳамияти ва ҳуқуқий белгилари, унга нисбатан қўйиладиган талаблар, унинг мазмуни, ҳал қилув қарорини чиқарган суд томонидан ундаги камчиликларини тузатиш, ҳал қилув қарорининг ёзувидаги хатолар ва очиқ кўриниб турган арифметик хатоларни тузатиш, қўшимча ҳал қилув қарори, ҳал қилув қарорини тушунтириш, унинг ижросини кечиктириш ва уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ҳал қилув қарорини ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш билан боғлиқ масалаларга кенг ўрин берилган. Ушбу бобда шунингдек, биринчи инстанция судининг ажримлари, унинг турлари, қонуний кучи, суднинг хусусий ажрими ва унинг аҳамиятига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилади.

19.1. Суд қарорларининг тушунчаси, турлари ва улар ўртасидаги фарқлар

Фуқаролар ва ташкилотларнинг субъектив ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида суд процессида турли хил фуқаролик ишлари ҳал қилинади. Ўз навбатида, фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш жараёнида суднинг хулосалари муайян процессуал шаклда белгиланган тартибда чиқарилади-ган суд қарорлари тарзида ифода этилади.

Биринчи инстанция судининг қарорлари унинг мазмунини тавсифловчи қуйидаги жиҳатларга эга:

Биринчидан, биринчи инстанция судининг қарорлари одил судловни амалга ошириш ваколатига эга бўлган орган – суд томонидан чиқарилади ва барча давлат органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилади.

Иккинчидан, биринчи инстанция судининг қарорлари амалдаги қонун ҳужжатлари асосида чиқарилиб, ҳуқуқни қўллаш ҳужжати ҳисобланади. Биринчи инстанция судининг қарорларини

чиқариш фуқаролик процессуал қонунчиликда назарда тутилган процессуал шаклда амалга оширилади. Бу эса унинг процессуал тусга эга эканлигини кўрсатади.

Учинчидан, суд муайян шахсларга қаратилган ва аниқ фактларга асосланган ҳуқуқни қўллаш актини қабул қилади.

Тўртинчидан, биринчи инстанция судининг қарорлари ёзма равишда расмийлаштирилиши талаб этилади. Биринчи инстанция судининг қарорлари қандай турга мансуб бўлишига қараб, расмийлаштирилиши ҳам турлича бўлади (алоҳида ҳужжат сифатида маслаҳатхонада (алоҳида хонада) чиқариладиган қарор ҳамда суд мажлиси баённомасида қайд этиш билан чекланадиган қарор).

Бешинчидан, биринчи инстанция судининг қарорлари мажбурий равишда ижро этилиши талаб этилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биринчи инстанция судининг қарорига қуйидагича таъриф бериш мумкин бўлади:

Биринчи инстанция судининг қарорлари – бу фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш натижасида умумий юрисдикция судлари томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари асосида ёзма шаклда чиқариладиган ва ижро этилиши мажбурий бўлган процессуал ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги "Суднинг ҳал қилув қарорлари ҳақида"ги қарорида ҳам таъкидланишича, суднинг ҳал қилув қарори низолашаётган тарафларнинг шахсий ҳуқуқлари ва қонун билан ҳимояланаётган манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим акти ҳисобланади. Бу эса судларга ҳал қилув қарорини қабул қилиш масаласига алоҳида масъулият ва эътибор билан ёндашиш лозимлиги мажбуриятини юклайди. Ҳар бир иш бўйича ҳал қилув қарори қонуний ва асослантирилган бўлиши лозим.

Юридик адабиётларда таъкидланишича, фуқаролик ишлари бўйича ҳал этиладиган масалаларга кўра суд қарорлари анъанавий равишда қуйидаги икки турга: – ҳал қилув қарорлари; – ажримларга бўлинади.

Биринчи инстанция судининг ишни мазмунан ҳал қиладиган қарорига ҳал қилув қарори деб айтилади (ФПКнинг 203-моддаси). Бундай ҳал қилув қарори суд томонидан кўрилаётган асосий масалаларга жавоб тариқасида – тарафлардан даъво талаблари бўйича, давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек ман-

сабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича, алоҳида тартибда кўриладиган ишлар бўйича қабул қилинади. Биринчи инстанция судининг ишни мазмунан ҳал қилмайдиган қарорига ажрим деб айтилади (ФПКнинг 237-моддаси). Биринчи инстанция судида фуқаролик ишларини кўриш, одатда ҳал қилув қарори қабул қилиш билан тасом бўлади. Ажрим эса, фуқаролик процессининг юритилиши ёки унинг тўхтатилиши, тугатилиши масалалари бўйича, далилларни тўplash, процессга янги шахсларни жалб қилиш, суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш бўйича, шунингдек ташкилотларнинг ишларидаги жиддий камчиликлар ҳамда фуқаролар томонидан қонуннинг бузилиши масалалари ва бошқа баъзи масалалар бўйича чиқарилади.¹ Биринчи инстанция суди томонидан ҳал қилув қарори ва ажримдан ташқари суд буйруғи ҳам қабул қилиниши мумкин. ФПКнинг 18-моддасига кўра, кўрилаётган ва ҳал этилаётган масалалари бўйича суд ҳал қилув қарори, ажрим, қарор ва буйруқ қабул қилиши назарда тутилган. Бундан кўриниб турибдики, суд буйруғи суд қарорларининг алоҳида тури сифатида эътироф этилмоқда.

Биринчи инстанция судининг суд буйруғи ўз мазмун-моҳиятига кўра, ҳал қилув қарори билан бир турда бўлиб, у орқали ишнинг ҳал этилишидан бевосита манфаатдор бўлган ундирувчи ва қарздорнинг моддий-ҳуқуқий ҳолати қатъий белгиланади. Бироқ, моддий ҳуқуқнинг низосиз бўлишини талаб қилувчи иш юритишнинг соддалаштирилган мазкур шакли бузилган ҳуқуқларни тезкорлик билан ҳимоя қилиш заруратидан келиб чиқиб, мазкур кўринишдаги суд қарорининг юзага келишини тақозо этган эди. Шунинг учун ҳам бизнинг назаримизда, суд буйруғида баён ва асослантирувчи қисмлар мавжуд бўлмасдан, судья талабларни қаноатлантиришга асос бўлган моддий қонун нормасини кўрсатиш билан чекланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Буйруқ тартибда иш юритишни тартибга солувчи қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 2006 йил 3 февралдаги 4-сонли қарорининг 19-бандида ФПКнинг 238^б-моддаси талабларига кўра, суд буйруғи ҳал қилув қароридан фарқ қилиб, унда баён ва асослантирувчи қисмлар мавжуд бўлмасдан, талабларни қаноатлантиришга асос бўлган моддий қонун нормасини кўрсатиш билан чегараланишига суд-

¹ Шораҳметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. —Тошкент, Адолат. 2001. —231 бет.

ларнинг эътибори қаратилсин, деб тушунтириш берилади.¹ (Суд бўйруғининг суд қарорлари тури сифатида эътироф этилиши билан боғлиқ масалалар дарсликнинг 14-боби 1-параграфиди илгари сурилган).

19.2. Суд ҳал қилув қарорининг тушунчаси, аҳамияти ва ҳуқуқий белгилари

Ҳал қилув қарорининг моҳияти унинг моддий-ҳуқуқий муносабатларга таъсирида намоён бўлиб, моддий-ҳуқуқий (ҳуқуқий муносабатнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, унинг ўзгариши) муносабат субъектларининг ўзаро муносабатларини ёки даъвосиз ишлардаги бошқа ҳуқуқий жиҳатларни қатъий тасдиқлайди, улардаги низога барҳам беради, ҳуқуқ ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларни ҳеч қандай монеликсиз амалга ошириш имкониятини туғдиради ва шу орқали уларга ҳимоя кўрсатади.² Шу маънода суднинг ҳал қилув қарори ишни мазмунан ҳал қилувчи, одил судловнинг жуда муҳим ҳужжати ҳисобланади.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори юқорида қайд этилган биринчи инстанция судининг қарорлари мазмунини тавсифловчи жиҳатлардан ташқари қуйидаги ўзига хос белгиларга ҳам эга ҳисобланади:

Биринчидан, суд ҳал қилув қарори – одил судловни амалга оширувчи органнинг қарори ҳисобланади. Мазкур белги биринчи инстанция судининг барча қарорлари учун характерли бўлса-да, бироқ мазкур хусусият ҳал қилув қарори учун алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, ҳал қилув қарори низои мазмунан ҳал қиладиган суднинг процессуал ҳужжати ҳисобланади. Бошқа суд қарорларидан фарқли равишда ҳал қилув қарорлари Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилади (ФПКнинг 203-моддаси иккинчи қисми).

Иккинчидан, суд ҳал қилув қарори ҳуқуқни қўллаш акти сифатида суд муҳокамасига яқун ясайди, тарафлар ўртасидаги низоли моддий-ҳуқуқий низои ҳал қилади, қонун билан кўриқланадиган манфаатларни ва бузилган ҳуқуқларни тиклайди. Бошқа ҳужжатлар каби суд ҳал қилув қарори ҳам амалдаги қонун ҳужжатлари асосида қабул қилинади ва ҳуқуқ нормасини яратмайди.

Учинчидан, суд ҳал қилув қарори ишни мазмунан кўриш натижасида ва процессуал шаклда чиқарилади. Суд бевосита суд мажлисида иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқ-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси. 2006. № 1.

² Гурвич М.А. Судебное решение (теоретические проблемы). –М.: Юрлит, 1976. –С.14-15.

лайди ва унинг якунида низони мазмунан ҳал қилади. Фуқаролик процессуал қонунчилик суд ҳал қилув қарорларини чиқариш тартиби ва ушбу жараёнда ечиладиган масалаларга оид нормаларни белгилайди. Қонун билан ҳал қилув қарорининг мазмуни, ҳал қилув қарорининг ёзувидаги хатолар ва очиқ кўриниб турган арифметик хатоларни тузатиш, уни тушунтириш, ижросини кечиктириш ва уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ҳал қилув қарорини ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш, ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши ва ижро этиш масалалари мустақамлаб қўйилган.

Суднинг ҳал қилув қарори – бу низони мазмунан ҳал қилувчи ва бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлар ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларни тикловчи, ишни мазмунан кўриш асосида суд томонидан қонунда назарда тутилган процессуал шаклда қабул қилинадиган процессуал ҳужжат ҳисобланади.

Ҳар бир фуқаролик иши бўйича битта ҳал қилув қарори чиқарилади. Ҳал қилув қарори суд ишларини юритиш турларининг буйруқ тартибида иш юритиш туридан бошқа барча турларида чиқарилиши мумкин. Булар даъво тартибидаги ишлар, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракат-лари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ишлар ҳамда алоҳида тартибда юритиладиган ишлардир. Мазкур суд ишларини юритиш давомида фуқаролик процессуал қонунда назарда тутилган умумий қоидаларга риоя қилган ҳолда ҳал қилув қарори чиқарилади. Лекин шу билан бирга қонунда ушбу тоифадаги ишлар учун айрим истисно ва қўшимча қоидаларни ҳам назарда тутиши мумкин.

Суд ҳал қилув қарорининг тарбиявий аҳамияти ҳақида Ш.Ш. Шорахметов ўз дарслигида шундай дейди: “Судда ҳозир бўлган фуқаролар суднинг ҳал қилув қароридан мамнун бўлиб, бу қарорнинг тўғрилигига тушунсалар, унинг тўғрилиги ҳақида уларда шубҳа туғилмаса, суд мақсадига эришган бўлади. Суд қарорининг мамнуният билан қабул қилиниши фуқароларда қонунларга риоя қилиш, уларнинг хоҳ ўзаро, хоҳ давлат ва жамоат ташкилотлари билан бўлган муносабатлар қонунларнинг ва жамият қоидаларининг талабларига мувофиқ тарзда тузилиши кераклиги тўғрисида фикр туғдиради”.¹ Суд ҳал қилув қарори фуқароларни

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент, Адolat. 2001. -232 бет.

қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашга, ҳуқуқий нигилизмга барҳам беришга, ҳуқуқни тарғиб қилишга ёрдам беради. Суднинг ҳал қилув қарори далиллардан фойдаланган ҳолда ишнинг ҳақиқий ҳолатини белгилашга, моддий ва процессуал ҳуқуқ меъёрларини тадбиқ этиш билан фуқароларнинг ва юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган ташкилотлар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгандир.

19.3. Суднинг ҳал қилув қарорига нисбатан кўйиладиган талаблар

Суднинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари қонуний, асосли ва адолатли бўлиши лозим (ФПКнинг 18-моддаси учинчи қисми). Суд ҳал қилув қарорига нисбатан белгиланган ушбу талабларга риоя этмаслик қарорнинг юқори турувчи судлар томонидан бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига олиб келади.

Суднинг ҳал қилув қарорига нисбатан кўйилган муҳим талаб унинг қонуний бўлиши ҳисобланади. Суд ишда талаб қилинаётган ҳолатлардан қатъи назар, моддий ҳуқуқ нормасини қўлаш ёки қўллашни рад этиш ҳақида қарор чиқаради, лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳуқуқий норманинг мазмунини изоҳлайди ва уни иш ҳолатларига нисбатан тадбиқ этади. Фуқаролик ишлари юритилаётганда жараёнинг барча босқичида, бузилганлиги ёки нотўғри қўлланганлиги ҳал қилув қарорининг бекор қилинишига асос бўладиган процессуал нормаларга қатъий ва аниқ риоя қилиниши лозим (ФПКнинг 314-моддаси).

Моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормалари қўлланилаётганда суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига асосланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасида Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси устунлиги сўзсиз тан олинади ўз ифодасини топган. 2000 йил 14 декабрдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси олий юридик кучга эга ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қўлланилади. Ўзбекистон Республикасида қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади ҳамда унинг нормалари ва принципларига зид келиши мумкин эмас.

Ҳуқуққа, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига даҳлдор, уларга таъсир курсатувчи ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжат жамоатчилик эътибори учун расмий равишда нашр этилмаса, қўлланилиши мумкин эмас. Шундай қилиб, суд ишларни Ўзбекистон Республикасининг қонунлари асосида ҳал қилиши шарт. Суд, агар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларига зид бўлмаса, бошқа норматив ҳужжатларни ҳам қўллаши мумкин. Чунки низоли муносабатни тартибга соладиган қонун бўлмаган тақдирда, суд шунга ўхшаш муносабатларни тартибга соладиган қонунни татбиқ этади, борди-но, бундай қонун ҳам бўлмаса, республика қонун ҳужжатларининг умумий асослари ва маъносига таяниши қонунда назарда тутилган (ФПКнинг 12-моддаси).

Суд Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига мувофиқ чет давлатнинг ҳуқуқ нормаларини ҳам қўллайди. Зеро, ҳал қилув қарорининг қонунийлиги судлар томонидан умум эътироф этилган принцип ва нормаларга, мамлакат халқаро шартномаларига риоя этилишини англатади. Шунинг учун ҳам, башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилиши назарда тутилган (ФПКнинг 3-моддаси).

Бу қоида, биринчи навбатда халқаро пакт ва келишувларда: 1948 йил 10 декабрда БМТ томонидан қабул қилинган инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, 1950 йил 4 ноябрда қабул қилинган "Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари муҳофазаси ҳақида"ги Европа Конвенцияси, БМТнинг Бош Ассамблеясида 1966 йил 1 декабрда қабул қилинган "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро пакт ва "Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро пакт ва бошқа шартномаларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқларига нисбатан тadbик этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида"ги 13-сонли қарорида ҳал қилув қарорининг қонуний бўлиши ҳақидаги талаблар ҳақида тегишли тушунтиришлар берилади. Унга кўра, ҳал қилув қарори процессуал ҳуқуқ меъёрларига қатъий риоя қилинган ва шу ҳуқуқий муносабатларга татбиқ қилиниши лозим бўлган моддий ҳуқуқ меъёрларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда чиқарилгандагина қонуний бўлиб ҳисобланишини судлар назарда тутмоқлари лозим. Ҳал қилув қарори зарур ҳолларда ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи иш муомаласи одатлари, маҳаллий одат ва анъаналарда

вужудга келган қонун меъёрлари ёхуд фуқаролик қонунчилигининг умумий асослари ва маъносидан келиб чиққан ҳолда асосланиши мумкин (ФКнинг 5, 6-моддалари, ФПКнинг 12-моддаси). Фуқароларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ва жавобгарлик белгилайдиган меъёрларнинг ўхшашлик бўйича қўлланишига йўл қўйилмайди (Пленум қарорининг 3-банди).

Ҳал қилув қарорига нисбатан қўйилган навбатдаги талаб – унинг асосли бўлишидир. ФПКнинг 18-моддаси иккинчи қисмида асослилик тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра, суд ҳал қилув қарорини фақат суд мажлисида текширилган материаллар билан асослаши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида"ги 13-сонли қарорида ҳал қилув қарорининг асосли бўлиши ҳақидаги талаблар ҳақида тегишли тушунтиришлар берилади. Унга кўра, суд иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун қонунда кўрсатилган барча чораларни кўрилиши мажбур, ҳал қилув қарорида ишнинг ҳолатлари ҳақида баён этилган суднинг хулосалари, тарафларнинг ҳақиқий ўзаро муносабатларига тўғри келмоғи лозим. Ҳал қилув қарорида иш учун ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳамма ҳолатлар баён этилган, тегишли далиллар келтирилган ва иш бўйича аниқланган ҳолатлар ҳамда тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари бўйича тўғри хулосага келинган тақдирдагина, у асосли бўлиб ҳисобланади. Ишнинг ҳақиқий ҳолатлари тўғрисидаги суднинг хулосаси ҳал қилув қарорида ФПКнинг 56-моддасида кўзда тутилган исботлаш воситаларига кўра асослантирилади. Ҳал қилув қарори ФПКнинг 58, 59-моддаларида белгиланган далилларнинг дахлдорлиги ва исботлаш воситаларига йўл қўйиши ҳақидаги қондалар эътиборга олинган ҳолда асослантирилади (Пленум қарорининг 4-банди).

Ҳал қилув қарорининг асослилиги унинг қонунийлиги билан узвий боғлиқ. Агар суд ҳал қилув қарорига нисбатан қўйилган биринчи талаб, яъни унинг қонуний бўлиши ҳал қилув қарорининг ҳуқуқий томони бўлса, асослилик эса унинг фактологик томони ҳисобланади. Дарҳақиқат, моддий ҳуқуқ нормаларини тўғри тадбиқ этиш учун юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаб олиш талаб этилади. Ҳал қилув қарорида суд муҳокамасида иштирок этган тарафлар томонидан тўлиқ баён қилинган, ишни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этган ҳолатларнинг барчаси баён этилса ҳамда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи ҳолатларни тасдиқловчи далиллар келтирилса асосли, деб ҳисобланади. Исботлаш учун исботлаш предметини ташкил қилувчи фактлар тегишли бўлиб, улар охир оқибат тегишли моддий ҳуқуқ нормаларини қўллаш билан аниқланади. Агар иш бўйича юридик аҳамиятга эга бўлган фактлар белгиланмаса, қарор

асосли эмас, деб топилади ва юқори инстанция судлари томонидан бекор қилинади. Шунинг учун ҳам суд ҳал қилув қарориди қарор билан белгиланган фактларни тасдиқловчи далиллар кўрсатилмоғи лозим. Фактларни исботланмаслиғи қарорнинг асосли эмаслиғидан дарак беради. Суд ҳал қилув қарори билан тан олинган ҳолатлар агар белгиланган тартибда тасдиқланган ва исботлаш воситалари орқали тасдиқланган бўлса, у исботланган, дейилади. Агар жавобгар арз қилинган талабни тан олса, суд ҳал қилув қарорининг асослантириш қисмида фақат арз қилинган талабнинг тан олинганлиғи ва унинг суд томонидан қабул қилинганлиғи кўрсатилиш билан чекланади. Арз қилинган талаблар тан олинса, бошқа ҳолатлар қайд этилмайди (ФПКнинг 206-моддаси тўртинчи қисми).

Суднинг ҳал қилув қарорига қўйилган навбатдаги талаб – унинг адолатли бўлиши ҳисобланади (ФПКнинг 18-моддаси учинчи қисми). Таъкидлаш жоизки, фуқаролик процессуал қонунчиликда ҳал қилув қарорининг адолатли бўлиши, деганда нима англашилиши тўғрисида норма мустаҳкамланмаган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”ги 13-сонли қарориди ҳам мазкур талаб ҳақида ҳеч қандай тушунтириш берилмаган. Бироқ, ҳал қилув қарорларига қўйилган мазкур талаб, аynиқса, масалан, маънавий зарарни ундириш, моддий зарар ёки бошқа мол-мулкни ундиришга оид фуқаролик ишлари бўйича даъво талабларини қаноатлантиришда тарафларнинг, хусусан жавобгарнинг иқтисодий имкониятларига ва бошқа иш ҳолатларига мувофиқ бўлиши кабиларда кўпроқ намоён бўлади.

Юридик адабиётларда маънавий зарар миқдорини аниқлашдаги оқилоналик ва адолатлилик талаблари нималарда намоён бўлиши юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилган. Хусусан, О.Оқолов оқилоналик деганда, ушбу ҳолатда белгиланадиган товон пули миқдорини ҳуқуқбузарнинг мулкӣ ҳолатига, унинг имкониятларига қай даражада мослиғи нуқтаи назаридан талқин этиш мақсадга мувофиқлигини, адолатлилик эса товон пули миқдорини белгилашда унинг маънавий зарар ҳажмига, оқибатларига муносабати, жабрланувчига нисбатан компенсация (қоплаш) функциясини баҳара олиш хусусиятларида намоён бўлишини таъкидлайди.

Аҳолининг турли қатламлари манфаатлари, уларнинг жамият манфаатлари билан ўзаро алоқаси қонун ижодкори бўлган ор-

¹ Оқолов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари / Суз боши, масъул муҳаррир акад. Ҳ.Р.Раҳмонқулов. –Тошкент, ТДЮИ, 2004. – Б. 307-308.

ганлар томонидан ҳал этилади. Суд бундай органлар қаторига кирмайди. Бироқ суд ҳуқуқ нормаларини қўллайдиган органдир. Шундай экан, суд ҳуқуқни қўллаш фаолиятини амалга ошириш учун ўзига берилган ваколатлар доирасида адолатлилик талабига риоя қилган ҳолда ҳуқуқий муносабатларни аниқлаштириши мумкин бўлади. Суд ҳал қилув қарорига янада аниқ талаблар ҳам қўйилган. Хусусан, ҳал қилув қарори тўлиқ бўлиши, даъвогар томонидан даъво аризасида илгари сурилган талабларга тўлиқ жавоб бериши керак. **Ҳал қилув қарорининг аниқлиги деганда**, судда илгари сурилган талабларга аниқ жавоб бериш билан бирга низолашаётган тарафлар ўртасидаги низоли-ҳуқуқий муносабатнинг мавжудлигини аниқлаштириш ва кейинчалик унинг ижросида турли тушунмовчиликларнинг бўлишини олдини олиш тушунилади. Шунинг учун ҳам ҳал қилув қарорини ижро қилиш маълум шартларнинг келиб чиқиши ёки келиб чиқмаслигига боғлиқ қилиб қўядиган бўлса, бундай ҳал қилув қарорини чиқаришга йўл қўйилмаслиги лозим.

Ҳал қилув қарори даъвогарнинг барча даъво талаблари бўйича чиқарилиши керак. Бир иш юритишда бир неча даъво талаблари бирлаштирилганда ёки суд қарши даъвони кўриш учун қабул қилганида ёхуд низо предметида нисбатан мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахснинг даъвосини қабул қилишда ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида суд ҳар бир даъво юзасидан қабул қилган қарорини аниқ кўрсатиши лозим. Шу билан бирга суд ишда иштирок этиш учун жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масалани ҳал қилишга ҳақли бўлмайди. Шундай қилиб, қонун билан ҳал қилув қарорларига нисбатан қўйилган барча талабларга жавоб берадиган ҳал қилув қароригина судларнинг одил судловни амалга оширишга қаратилган вазифасини тўлиқ рўёбга чиқара олади.

19.4. Ҳал қилув қарорининг мазмуни

Суднинг ҳал қилув қарори процессуал ҳужжат сифатида аниқ ва равшан ифодаланган куйидаги тўрт қисмдан: – кириш; – баён; – асослантирувчи; – хулоса қисмларидан иборат бўлади.

Ҳар бир қисм ўзининг матни ва мазмунига эга бўлиб, улар биргаликда суд ҳал қилув қарорини ташкил қилади. Шунинг учун ҳал қилув қарорини ёзишда судлар ФПКнинг 206-моддаси билан белгиланган бирин-кетинликка риоя қилишлари талаб этилади.

Ҳал қилув қарорининг кириш қисми. Суд ҳал қилув қарори чиқарилаётган қарорнинг номи, яъни “Ҳал қилув қарори” деган ёзув билан бошланади. Кириш қисмида суд ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариши албатта кўрсатилиши шарт.

Ҳал қилув қарорининг кириш қисмида, шунингдек қуйидагилар кўрсатилиши талаб этилади:

– ҳал қилув қарорининг чиқарилган вақти ва жойи. Адабиётларда таъкидланишича, ҳал қилув қарорининг чиқарилган вақти уни қабул қилган судья (судьялар) томонидан имзоланган кун ҳисобланади;¹

– ҳал қилув қарори чиқарган суднинг номи;

– судьянинг фамилияси (суд таркиби), суд мажлисининг котиби;

– тарафлар, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар;

– низо предмети.

Суд ҳал қилув қарорининг баён қисми ишнинг аниқ ҳолатларига кўра анча кенг ҳажмли бўлади.

Ҳал қилув қарорининг баён қисми тарафлар ва бошқа шахслар иш ҳолатларини қандай баён қилган бўлсалар шундай тузилади. Ушбу қисмда даъво талабларини, жавобгар эътирозларининг қисқача мазмуни ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг тушунтиришлари акс эттирилади. Даъвогарнинг даъвони ўзгартирилганлиги (даъвонинг асосини ёки предметини ўзгартириш), даъво талабларининг миқдорини ошириш ёки камайтириш, даъводан воз кечиш) шу ерда кўрсатилмоғи керак. Ушбу маълумотлар қаноатлантириш керак бўлган даъво предметини аниқлашда керак бўлади. Суд ўзгартирилган талаблар юзасидан қарор чиқариши лозим. Аммо даъводан тўлиқ воз кечилиши суд томонидан қабул қилинса, суд қарор эмас, балки иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажримни қабул қилади. Ҳал қилув қарорининг баён қилиш қисмида, шунингдек тарафлар ва ишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг процессуал аҳамият касб этувчи арзлари ҳам кўрсатилиши мумкин.

Ш.Ш.Шорахметовнинг ёзишича, ҳал қилув қарорининг баён қилиш қисми мумкин қадар қисқа ёзилиб, низонинг нимадан иборат экани тўла баён қилинмоғи лозим. Бу қисмда даъвогарнинг талаблари ва уларнинг асослари, шунингдек даъвогарнинг талабига қарши жавобгарнинг эътирозлари ва бу эътирозларга асос бўлган материаллар баён қилинади. Агар учинчи

¹ Гражданский процесс / Учебник. Отв. ред. проф. В.В. Ярков. – М.: Волтерс Клувер, 2004. –307 с.

шахс мустақил талаб билан арз қилган бўлса, бу қисмда учинчи шахсларнинг ҳам иштирок этганлари ва уларнинг талабларини кўрсатиш лозим. Агар иш юзасидан бир марта ҳал қилув қарори чиқарилиб, апелляция, кассация ёки назорат тартибида иш бекор қилинган бўлса, муқаддам қарорлар чиқарилганлиги ва юқори суд ўзининг ажримда қандай кўрсатмалар бергани кўрсатилиши керак.¹

Ҳал қилув қарорининг асослантириш қисмида суднинг иш бўйича чиқарган хулосасининг фактик ва ҳуқуқий асослари баён этилиши лозим. Жумладан, ҳал қилув қарорининг ушбу қисмида ишнинг суд томонидан аниқланган ҳолатлари, ишнинг ҳолатлари тўғрисидаги суд хулосаларига асос бўлган далиллар, суд у ёки бу далилни рад қилишда асосланган хулосалар, шунингдек, низоли муносабатни тартибга солувчи моддий ҳуқуқ меъёрлари (фуқаролик, оила, ер, меҳнат, уй-жой тўғрисидаги ва бошқа қонунлар) келтирилмоғи, қонуннинг номи, моддаси, банди, бошқа қонун ҳужжатларининг сони ва қабул қилинган санаси ҳамда процессуал ҳуқуқий меъёрлари кўрсатилмоғи лозим.

Ҳал қилув қарорининг асослантириш қисмида суд тарафлар топширган ҳужжатларни, суд мажлисида аниқланган фактларни таҳлил қилиб, тарафлар ўртасидаги муносабатлар тўғрисида чиқарилган хулоса ва бу муносабатларга берилган юридик баҳони кўрсатади. Бошқача айтганда, суд ҳал қилув қарорининг ушбу қисмида далилларга баҳо берилади, қандай фактлар аниқланган деб ҳисоблангани ва даъвогарнинг қандай талаблари ёки жавобгарнинг қандай эътирозларини тўғри деб топилгани ва қандай қонунларга биноан тўғри деб ҳисоблангани кўрсатиб ўтилади.

Ҳал қилув қарорининг асослантириш қисмида иш ҳолатлари суд томонидан қандай белгиланган бўлса, шундай ёзилади, иш бўйича далиллар таҳлил қилинади, иш бўйича қўлланиладиган моддий ҳуқуқ нормалари аниқлаб олиниб, уларнинг изоҳи берилади. Суд ўз хулосаларини суд муҳокамасида ўрганилган иш ҳолатлари, тасдиқланган далиллар билан асослайди. Агар жавобгар даъвони тўлиқ тан олса ва бу қонунга зид бўлмаса, ҳеч кимнинг қонуний манфаатларини бузмаса, суд тан олишни тасдиқлаш билан чекланади. Акс ҳолатда эса, даъвони тан олиш суд томонидан тасдиқланмайди. Агар даъво даъво қилиш муддати ёки судга мурожаат қилиш муддатини узрсиз сабабларга кўра

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. —Тошкент, Адолат. 2001. —Б. 236-237.

Ўтказиб юборганлиги учун рад этилса, ҳал қилув қарорининг асослантириш қисмида бошқа иш ҳолатлари кўрсатилмайди. Агар процессуал масалалар юзасидан аризалар берилган бўлса, суд бу масалалар юзасидан қабул қилган қарорини асослантириб беради. Зарур ҳолатларда суд Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарорларини ҳам қўллаши лозим. Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида тегишли меъёрларнинг мазмуни баён этилганда бу талабга риоя қилинмоғи лозим (масалан, ҳал қилув қарорининг дарҳол ижро этилишга қаратилган ҳолларда ФПКнинг 220-моддасига қўлланиши). Агар жавобгар даъво ни тан олса, асослантириш қисмида фақат даъво талабининг тан олинганлиги ва унинг суд томонидан қабул қилинганлиги кўрсатилиши мумкин.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида тарафларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва юридик шахснинг номи тўлиқ келтирилиши, даъво талабларининг қаноатлантилганлиги (тўлиқ ёки қисман) ёки бутунлай ёхуд қисман рад этиш ҳақидаги суднинг хулосаси аниқ акс эттирилган бўлиши лозим. Шунингдек, суд харажатларининг тақсимланиши, ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш муддати ва тартиби кўрсатилиши шарт. Ҳал қилув қарорининг хулоса қисми қарорни ижро этиш чоғида тушунмовчиликлар ва низолар вужудга келмаслиги учун тушунарли ва аниқ тарзда ифода этилмоғи керак.

Моддий-ҳуқуқий муносабатларнинг хусусиятига қараб ҳал қилув қарорларининг хулоса қисмлари бир биридан сезиларли фарқ қилади. Агар суд мол-мулкни натура тарзида ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарган тақдирда, ҳал қилув қарорини ижро этиш вақтида мазкур мулк нақд бўлмаса, жавобгардан ундириб олинishi лозим бўлган мулк қийматини кўрсатади (ФПКнинг 210-моддаси). Агар суд жавобгар зиммасига мол-мулк ёки пул бериш билан боғлиқ бўлмаган муайян ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юклайдиган ҳал қилув қарори қабул қилаётганда, агар жавобгар ҳал қилув қарорини белгиланган муддатда бажара олмаса, даъвогар бу ҳаракатларни жавобгарнинг ҳисобидан бажариб, қилган харажатларини кейинчалик жавобгардан ундириб олишга ҳақли бўлади (ФПКнинг 211-моддаси). Суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида, шунингдек қарорни ижро қилиш учун қабул қилинган чоралар кўрсатилади. Масалан, қонунда белгиланган алоҳида ҳолларда иш ҳолатларига қараб, ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб ижро

этиш, уни ижро этиш муддати ва қарорни дарҳол ижро этиш шартлари кўрсатилиши мумкин. ФПКнинг 203-моддасига кўра судья ёки суд ишни мазмунан кўриб бўлганидан сўнг шу суд мажлисининг ўзидаёқ дарҳол узил-кесил қарор шаклида ҳал қилув қарори чиқаради. Айрим ҳолларда алоҳида мураккаб ишлар юзасидан асослантирилган ҳал қилув қарорини тайёрлаш кўпи билан уч кунга кечиктирилиши мумкин. Ҳал қилув қарорининг кириш ва хулоса қисми эълон қилинганидан сўнг, суд ишда иштирок этаётган шахслар, шунингдек уларнинг вакилларига асослантирилган ҳал қилув қарори билан қачон танишиб чиқишлари мумкинлиги ҳақида маълум қилади. Танишиш куни суд баённомасига ёзиб қўйилади. Асослантирилган ҳал қилув қарорининг кириш ва хулоса қисми ишни кўриш тугалланган куни эълон қилинган ҳал қилув қарорининг кириш ва хулоса қисмига сўзма-сўз тўғри келмоғи лозим. Ишни кўриш тугатилган куни ҳал қилув қарорининг эълон қилинган кундаги каби асослантирилган ҳал қилув қарори чиқарилган кун деб кўрсатилади. Ҳал қилув қарорининг эълон қилинган хулоса қисми ҳамда асослантирилган ҳал қилув қарори судья (суд таркиби) томонидан имзоланиб, ишга қўшилади. Асослантирилган ҳал қилув қарорига нисбатан апелляция шикоятни ёки протест келтириш муддати ҳал қилув қарори билан танишиш учун белгиланган куннинг эртасидан бошлаб ҳисобланади.

Ҳал қилув қарорининг мазмунини ақс эттирувчи масалалар ФПКнинг 206-211-моддаларида белгиланган. Шунинг учун ҳам даъво талабларининг мазмунан қарор қабул қилинмаган қисми бўйича суднинг хулосаси ҳал қилув қарорининг хулоса қисмига киритилиши мумкин эмас (ФПКнинг 92, 93, 97, 99, 100-моддалари). Бу хулосалар ажрим шаклида ифодаланиб (ФПКнинг 237, 238-моддалари), ҳал қилув қароридан алоҳида ҳолда чиқарилади.

19.5. Ҳал қилув қарорини чиқарган суд томонидан ундаги камчиликларни тузатиш

Иш бўйича ҳал қилув қарори ўқиб эшиттирилганидан кейин шу қарорни чиқарган суднинг ўзи уни бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақли эмас, сиртдан чиқарилган қарор бундан мустасно (ФПКнинг 212-моддаси). Бу ҳал қилув қарорининг ўзгармаслигини, қатъийлигини кафолатловчи қоида ҳисобланади. Шу билан бирга фуқаролик процессуал қонун қарорни чиқарган судга қарорни тўлдириш, унга изоҳ бериш, қонун билан қатъий чекланган

ҳолларда қарорнинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда унга ўзгартириш киритиш мумкинлигини назарда тутати.

Фуқаролик процессуал кодекси ҳал қилув қарорини чиқарган суд томонидан ундаги камчиликларни тузатишнинг қуйидаги усуллари белгилайди:

1) **Ҳал қилув қарорининг ёзувидаги хатолар ва очиқ кўри-ниб турган арифметик хатоларни тузатиш.** ФПКнинг 213-моддасига биноан, суд ҳал қилув қарорининг ёзувидаги хатоларни ва очиқ кўри-ниб турган арифметик хатоларни ўз ташаббуси билан ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига кўра тузатиши мумкин. Тузатиш киритиш масаласи ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинган ҳолда суд мажлисида ҳал этилади. Бу шахсларнинг судга келмаганликлари тузатиш киритиш масаласини кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

2) **Кўшимча ҳал қилув қарори чиқариш.** Суд ҳал қилув қароридан арз қилинган даъво талабларига тўлиқ ва асослантирилган жавоб берилиши керак ҳамда суд харажатлари масалалари ҳал этилиши лозим. Агар бундай талаблар қондирилмаган бўлса, суд кўшимча ҳал қилув қарори қабул қилиш орқали ушбу камчиликларни бартараф этади (ФПКнинг 214-моддаси).

Иш бўйича ҳал қилув қарори чиқарган суд ишда иштирок этаётган шахсларнинг аризаларига кўра ёки ўз ташаббуси билан қуйидаги ҳолларда кўшимча ҳал қилув қарори чиқариши мумкин:

а) ҳуқуқ тўғрисидаги масалани ҳал қилиб, ундириладиган сумма миқдорини, топширилиши лозим бўлган мулкни ёки жавобгар бажариши лозим бўлган ҳаракатларни кўрсатмаган бўлса. Масалан, эр-хотиннинг умумий мулкни бўлиш ҳақидаги ҳал қилув қароридан умумий мол-мулк тенг миқдорларда бўлиниши кўрсатилган, лекин айнан қайси мол-мулк даъвогарга, қайсиниси жавобгарга ажратилиши белгиланмаган, ваҳоланки, даъвогар нафақат ўзининг эгаллик ҳуқуқидаги қисмини аниқлашни, балки айнан қайси мол-мулк унинг эгаллигига ўтишини белгилашни сўраган. Тарафлар ўртасида бўлинадиган мол-мулкнинг аниқ рўйхати кўшимча ҳал қилув қарори чиқариш орқали ҳал этилади.

б) арз қилинган талабларнинг бирортаси бўйича ишда иштирок этувчи шахслар далиллар келтирган ва тушунтиришлар берган бўлсалар-у, лекин бу хусусда ҳал қилув қарори чиқарилмаган бўлса. Масалан, оталикни белгилаш ва алимент ундириш ҳақида даъво кўзғатилган. Суд ҳал қилув қаро-

рида оталиқни белгилади, лекин алимент ундириш масаласи ҳал этилмай қолди. Бундай ҳолатда алимент ундириш тўғрисида қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилиниши мумкин. Аммо бундай қарорни қабул қилиш учун тарафлар томонидан алимент ундириш масаласида далиллар келтирилиши ва тушунтиришлар берилган бўлиши керак

е) ҳал қилув қарорида суд харажатларини тақсимлаш кўрсатилмаган бўлса. Суд агар ҳал қилув қарорида суд харажатларини тақсимлаш масалаларига ойдинлик киритилмаган бўлса, қўшимча ҳал қилув қарори чиқаради.

Иш бўйича қўшимча ҳал қилув қарори ФПКнинг 214-моддасида белгиланган ҳолатлардагина ва фақат ишни кўриш чоғида аниқланган ҳақиқий ҳолатлар асосида чиқарилиши мумкин. Қўшимча ҳал қилув қарори чиқариш масаласи ҳал қилув қарори чиқарилган кундан эътиборан ўн кундан кечикмай кўзгатилиши мумкин. Агар суднинг ҳал қилув қарорига апелляция, кассация шикоятлари берилган ёки протест келтирилган ва шу билан бир вақтда қўшимча ҳал қилув қарори чиқариш масаласи ҳам қўйилган бўлса, суд аввал қўшимча ҳал қилув қарори чиқариш масаласини ҳал қилиб, кейин ишни юқори босқич судига кўриш учун юборади.

Қўшимча ҳал қилув қарори чиқариш масаласини қўйиш билан боғлиқ муддат узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган ҳолда у ФПКнинг 130-моддасида белгиланган тартибда суд томонидан тикланиши мумкин. Қўшимча ҳал қилув қарори иш юзасидан ҳал қилув қарори чиқарган судья (судьялар) таркибида, ҳал қилув қарорларига нисбатан қўйилган талаблар асосида чиқарилади. Суд қўшимча ҳал қилув қарори чиқариши чоғида ҳал қилув қарорининг мазмунини ўзгартиришга ёки суд мажлисида текширилмаган янги масалаларни ҳал қилишга ҳақли эмас.

Қўшимча ҳал қилув қарори устидан апелляция тартибида шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин. Қўшимча ҳал қилув қарори чиқариш тўғрисидаги талабни рад этиш ҳақидаги суднинг ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

3) Ҳал қилув қарорини тушунтириш. Чиқарилган ҳал қилув қарори тушунарсиз бўлган тақдирда, ишни ҳал қилган суд ўз ташаббуси билан ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг, шунингдек суд ижрочисининг аризасига кўра ҳал қилув қарорини унинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда ФПКнинг 215-моддасида белги-

ланган қоидаларга кўра тушунтириши мумкин. Агар ҳал қилув қарори ижро қилинмаган ва уни мажбурий ижро қилдириш мумкин бўлган муддат ўтмаган бўлсагина, уни тушунтиришга йўл қўйилади. Ҳал қилув қарорини тушуниш қийин бўлган қисмларини тўлиқроқ ва тушунарли баён этиш мақсадида суд унинг мазмунини ўзгартиришга ва ҳал қилув қарорида баён этилмаган масалаларни ҳал қилишга ҳақли эмас. Ҳал қилув қарорини тушунтириш масаласи ишда иштирок этаётган шахслар хабардор қилинган ҳолда суд мажлисида кўриб чиқилади. Бироқ бу шахсларнинг судга келмаслиги ҳал қилув қарорини тушунтириш масаласини кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди. Суд ҳал қилув қарорини тушунтириб бериш тўғрисидаги аризани у келиб тушган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда кўриб чиқади. Ҳал қилув қарорини тушунтириш масаласи юзасидан суднинг чиқарган ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

4) Ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ва уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ҳал қилув қарорини ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш. ФПКнинг 216-моддасига биноан иш бўйича ҳал қилув қарори чиқарган суд ёки ҳал қилув қарорини ижро этиш жойидаги суд ишда иштирок этаётган шахсларнинг аризасига кўра алоҳида ҳолларда, тарафларнинг мулкӣ аҳволи, қарздорнинг касаллиги ёки бошқа эътиборга молик ҳолатларни ҳисобга олиб, ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктиришга ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этишга йўл қўйиш, шунингдек уни ижро этиш усули ва тартибини ўзгартиришга ҳақли.

Шу ўринда **ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш** – бу унинг ижро қилиш вақтини ўзгартириш ҳисобланиб, **бўлиб-бўлиб ижро этиш эса** – қарзнинг маълум қисмларга бўлиб-бўлиб тўланадиган даврини белгилашга айтилади ва улар суд қарори ёки ажрими билан ўрнатилади. Ижрони кечиктириш одатда, ижро предмети бўлинмас бўлганда қўлланилади. Бўлиб-бўлиб ижро этиш эса ижро предметини бўлиш имконияти бўлгандагина қўлланилади.

Ҳал қилув қарорининг ижро этиш усули ва тартиби – жуда кўп жиҳатдан бир-бирига яқин тушунчалар бўлгани учун ажратиб кўрсатилмайди. Бироқ “усул” атамаси ҳал қилув қарорини ижро этиш пайтининг аниқлигида кўпроқ қўлланилади, масалан, бир ижро предмети бошқаси билан алмаштирилса ҳам, қарор мазмуни ўзгармайди, чунки пул қийматидаги эквивалент сақланади. Шу сабабли ашёлар ўрнига унинг қиймати тўланиши, тўловлар учун

пул суммалари ундирилиши мумкин. Ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ва уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ҳал қилув қарорини ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш ҳал қилув қарори чиқарилгунга қадар ёки чиқарилаётган вақтдаги ва чиқарилганидан кейинги ҳолатларда ҳам қўлланилади. Мазкур аризалар ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинган ҳолда суд мажлисида кўриб чиқилади. Бироқ бу шахсларнинг келмаслиги суд олдига қўйилган масалани ҳал этишга тўсқинлик қилмайди. Ҳал қилув қарори ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш, ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш тўғрисидаги ариза у берилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай кўриб чиқилади. Аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим чиқарилиб, у ундирувчи ҳамда қарздорга, шунингдек суд хужжатини ижро этиш суд ижрочисининг иш юритувида бўлса, суд ижрочисига юборилади.

Ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ёки уни бўлиб-бўлиб ижро этиш тўғрисидаги, шунингдек ижро этиш усули ва тартибини ўзгартириш ҳақидаги масала бўйича суднинг чиқарган ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

19.6. Суднинг ҳал қилув қарорини қонуний кучи

Суднинг ҳал қилув қарорини қонуний кучи деганда, иш бўйича чиқарилган суд ҳал қилув қарорининг ишда иштирок этувчи шахслар учун, шунингдек ишни кўрган суднинг ўзи учун ҳамда ишда иштирок этган-элмаганидан қатъи назар фуқаро ва корхоналар учун мажбурий эканлиги назарда тутилади.

Суднинг ҳал қилув қарори, агар унинг устидан шикоят берилмаган ёки протест келтирилмаган бўлса, апелляция шикояти бериш ва протест келтириш муддати ўтганидан кейин қонуний кучга киради. ФПКнинг 320-моддасига кўра, суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан йигирма кун ичида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти беришлари, прокурор протест келтириши мумкин. Ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти берилган ёки апелляция протести келтирилган тақдирда, ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаган бўлса, ишни юқори инстанция суди кўриб чиқанидан кейин қонуний кучга киради. Суднинг ҳал қилув

қарори қонуний кучга киргандан сўнг ижро этилади, дарҳол ижро этиш ҳсллари бундан мустасно. Чунки ФПКнинг 219-моддасида ҳали қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорлари ҳам ижро этилиши мумкинлиги назарда тутилади.

Суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, бир қатор ҳуқуқий оқибатларни юзага келтиради. Хусусан, ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин тарафлар ва ишда иштирок этган бошқа шахслар, шунингдек уларнинг ҳуқуқий ворислари судга ўша талаблар билан, ўша асослар бўйича янгидан арз қилишлари, шунингдек бошқа процесда суд аниқлаган фактлар ва ҳуқуқий муносабатлар ҳақида низолашишлари мумкин эмас. Акс ҳолда суд уларнинг аризаларини ФПКнинг 152-моддасига мувофиқ қабул қилишни рад этади. Юридик адабиётларда қайд этилишича, ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши муайян ҳуқуқий оқибатларга, чунончи: ижронинг муқаррарлиги, рад қилиб бўлмаслик, яғоналик, преюдициаллик каби оқибатларга сабаб бўлади.¹ Ижронинг муқаррарлиги. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Судлар тўғрисида"ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ, суд ҳужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шарт.²

Шундай қилиб, суд ҳал қилув қарори бўйича ижронинг муқаррарлиги қуйидагиларни билдиради:

1) ҳал қилув қарори ишда иштирок этган-эتماганлигидан қатъи назар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурийдир. Ишда иштирок этувчи шахслар учун суд ҳал қилув қарори юзасидан ижронинг муқаррарлиги шундан иборатки, унга кўра, ушбу шахслар ҳал қилув қарорида назарда тутилган барча талабларни бажаришлари шарт бўлади. Шунингдек, шахслар қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорининг ижро этилиши юзасидан муайян ҳаракатларни амалга оширишга ёки монелик қилмасликка мажбур бўладилар. Масалан, ФХДЁ идоралари суд ҳал қилув қарори асосида никоҳнинг бекор қилин-

¹ Шораҳметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. —Тошкент, Адолат. 2001. —231 бет.; Гражданский процесс / Учебник. Отв. ред. проф. В.В. Ярков. — М.: Волтерс Клувер, 2004. —С. 316-317.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, N 1-2, 10-модда.

ганлиги тўғрисида гувоҳнома берадилар, васийлик ва хомийлик органлари эса суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан васий тайинлайдилар ва ҳоказо.

2) Суд ҳал қилув қарори Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шарт. Агар тегишли тараф уни ўз ихтиёри билан ижро этмаса, у давлат ҳокимияти органлари томонидан мажбуран бажартирилади. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунига кўра, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти органларининг суд ижрочилари зиммасига юклатилган. Суд ижрочиси ижро иши юритишни кўзғатиш тўғрисидаги қарорда ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажариш учун ижро иши юритиш кўзғатилган кундан эътиборан кўпи билан беш кун муддат белгилайди ва қарздорни мазкур муддат тугаганидан кейин ижро ҳужжатидаги талаблар ундан ижро йиғими, суд ижрочиси томонидан қарздорга солинган жарималар, шунингдек ижро харажатлари ундирилган ҳолда мажбурий ижро этилиши тўғрисида хабардор қилади (Қонуннинг 23-моддаси). Ихтиёрий равишда ижро этиш учун суд ижрочиси томонидан белгиланган муддатнинг ўтганлиги мажбурий ижро этиш чораларини қўллаш учун асос бўлади.

Рад қилиб бўлмаслик. Фуқаролик процессуал қонунчиликда суд ҳал қилув қарорлари устидан шикоят бериш ва протест келтириш учун муддат белгиланган. Мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигининг ривожланиши натижаси сифатида ишда иштирок этувчи шахсларга суд қарорлари устидан шикоят қилиш учун қўшимча имкониятлар яратилди. Хусусан, ФПКнинг 348¹-моддасига кўра, қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарорлари устидан суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан бир йил ичида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар томонидан кассация шикояти берилиши ва прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин. Бироқ мазкур муддатнинг ўтиши ишда иштирок этувчи шахсларни унинг устидан шикоят қилиш имкониятидан маҳрум қилади.

Суд ҳал қилув қарорининг ягоналиги. Айрим адабиётларда ушбу хусусият “мустаснолик” тарзида баён этилади. Ўз навбатида, суд ҳал қилув қарорининг ягоналиги худди шу фуқаролик

ишининг иккинчи маротаба қайта кўрилмаслигини англатади. Бошқача айтганда, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан ҳал қилинган фуқаролик иши ишда иштирок этувчи шахслар ўртасидаги худди ўша ишни яна судда кўриш имконини бермайди. ФПКнинг 152-моддасига кўра, суднинг айнан тарафлар ўртасида, айнан бир нарса тўғрисида ва айнан бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан қабул қилиниб, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёхуд даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлигини қабул қилиш ёки тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрими мавжуд бўлса, суд аризани қабул қилишни рад этади. Агар суд ушбу аризани қабул қилиб, иш юриштишни бошлаган бўлса, у ҳолда ФПКнинг 100-моддасига кўра, иш юриштиш тугатилиши талаб этилади.

Суд ҳал қилув қарорининг преюдициаллиги. Суд ҳал қилув қарорининг преюдициаллиги деганда, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳолатларнинг ишда иштирок этувчи ўша шахслар иштирокидаги янги процессда исботланишининг талаб этилмаслиги тушунилади. Юридик адабиётларда қайд этилишича, масалани олдиндан ҳал қилиб кўйиш преюдициал – лотин сўзининг мазмунида суднинг чиқарган қарори шу тарафлар иштирок этаётган бошқа ишлар учун аҳамиятли бўлиб чиқарилган бу қарор шахслар ўртасида шубҳа туғдирмаслик тушунилади.¹ Суднинг қарори нафақат ишда иштирок этувчи шахслар учун, балки бошқа ишни кўраётган суд учун ҳам мажбурий ҳисобланади. Бу қоида ФПКнинг 60-моддасида ўз ифодасини топган. Унга кўра, суд фуқаролик иши бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан аниқланган фактлар ўша шахслар иштирок этаётган бошқа фуқаролик ишларини текширишга янгидан исбот қилинмайди.

19.7. Дарҳол ижро қилинадиган суд ҳал қилув қарорлари

Фуқаролик процессуал қонун дарҳол ижро этиладиган ҳал қилув қарорининг куйидаги икки шаклини белгилайди: **мажбурий;** **ихтиёрий.**

Мажбурий шаклда дарҳол ижро этиладиган ҳал қилув қарорларини суд алоҳида муҳокама этмай туриб, дарҳол ижрога қаратади.

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент, Адолат. 2001. –231 б.

Суднинг қуйидаги ҳал қилув қарорлари дарҳол ижро этилиши шарт:

- 1) алиментлар ундириш тўғрисидаги;
- 2) ходимга уч ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган иш ҳақини ундириб бериш тўғрисидаги;
- 3) майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етиши, шунингдек боқувчисининг ўлими натижасида кўрилган зарарни қоплаш учун тўловлар ундириш тўғрисидаги;
- 4) меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ходимни ёки ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходимни аввалги ишига тиклаш тўғрисидаги, шунингдек меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларининг таърифини ўзгартириш тўғрисидаги;
- 5) судда ишни кўриш вақтида жавобгар даъвои бутунлай ёки қисман тан олганлигига қараб, тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилган талаблар бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари.

Маълумки, ФПКнинг 352-моддасига кўра, назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқи берилган прокурор ва унинг ўринбосарларидан ташқари мансабдор шахслар тегишли ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг ижросини назорат тартибида иш юритиш тамом бўлгунига қадар тўхтатиб туришлари мумкин. Бироқ юқорида қайд этилган суд ҳал қилув қарорларининг ижроси тўхатилишига йўл қўйилмайди.

Ихтиёрий шаклда эса дарҳол ижрога қаратиш масаласи суд муҳокамасида кўрилиши ва бу ҳал қилув қарорининг нафақат қарор қисмида, балки баён қисмида ҳам ўз аксини топиши керак.

Суд қуйидаги ҳал қилув қарорлари бутунлай ёки қисман дарҳол ижро этилишига йўл қўйиши мумкин:

- 1) даъвогар ва жавобгар суднинг чиқарган ҳал қилув қарорига ва унинг дарҳол ижро этилишига рози бўлганда;
- 2) муаллифнинг интеллектуал фаолияти натижасидан фойдаланганлик учун унга ҳақ ундириб бериш тўғрисидаги ҳал қилув қарори;
- 3) алоҳида ҳолатлар натижасида ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ундирувчи учун кўп зарар келтириши мумкин бўлган ёки ижронинг бажарилиши мумкин бўлмай қолган ҳамма бошқа ишлар бўйича.

Ҳал қилув қарорини дарҳол ижро этиш масаласи қарор чиқарилаётганда ёки қарор чиқарилгандан кейин ҳам кўрилиши мум-

кин. Масалан, ҳал қилув қарори чиқарилгунига қадар мазкур масалани ҳал қилиш талаб этилганида, яъни суд ҳал қилув қарорининг дарҳол ижро этилишига йўл қўйилган тақдирда, тарафларнинг розилиги суд мажлисининг баённомасига киритилади ва тарафлар томонидан имзоланади. Агар тарафларнинг розилиги суд номига юборилган ёзма аризаларда ифодаланган бўлса, бу аризалар ишга қўшиб қўйилади, бу ҳақда суд мажлисининг баённомасида кўрсатилади.

Алоҳида ҳолатлар натижасида ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ундирувчи учун кўп зарар келтириши мумкин бўлган ёки ижронинг бажарилиши мумкин бўлмайдиган ҳал қилув қарорининг дарҳол ижро этилишига йўл қўйилган тақдирда суд даъвогардан суднинг қарори бекор қилинган тақдирда, ундирилган нарсалар қайтарилишини таъминлашни талаб қилиши мумкин.

Ҳал қилув қарори чиқарилгандан сўнг апелляция шикоятлари берилши ва протест келтириши муддати ичида ҳал қилув қарорининг дарҳол ижро этилишига йўл қўйиш масаласи ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинган ҳолда суд мажлисида кўриб чиқилади. Бироқ, бу шахсларнинг келмаслиги дарҳол ижро этиш масаласини ҳал қилишга тўсқинлик қилмайди. Ҳал қилув қарорини дарҳол ижро этиш масаласи бўйича суднинг чиқарган ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин. Ҳал қилув қарорини дарҳол ижро этиш тўғрисидаги ажрим устидан берилган хусусий шикоят ёки келтирилган протест бу ажримнинг ижросини тўхтатмайди. Ҳал қилув қарорининг қайтарма ижроси тўғрисидаги қоидалар ФПКнинг 382-385-моддаларида берилган.

19.8. Биринчи инстанция судининг ажримлари, унинг турлари (мазмуни, шакли, чиқариш тартиби) ва қонуний кучи

Суд ажримлари ҳал қилув қарорларидан фарқли ўлароқ, суд муҳокамаси даврида, қарор чиқарилганидан кейин, ҳатто ижро босқичидаги турли процессуал масалаларни ҳал қилиш бўйича чиқарилиши мумкин. Ундан ташқари, чет давлатга нисбатан даъво тақдим этиш, даъво таъминланиши ва ундирув (ФПКнинг 389-моддаси), чет давлат судларининг судга доир топшириқларини ижро этиш ва Ўзбекистон Республикаси судларининг чет давлат

судларига топшириқ билан муружаат қилиш (ФПКнинг 390-моддаси), чет давлат судлари ва арбит-ражларининг ҳал қилув қарорларини ижро этиш (ФПКнинг 391-моддаси) масалалари ҳам суд ажримлари билан ҳал этилади.

Шундай қилиб, биринчи инстанция суди томонидан чиқариладиган ажрим ишни мазмунан ҳал қилмайдиган қарор ҳисобланади.

Суд ажримларининг ўзига хос жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

– одил судлов ҳужжати сифатида суд ажримлари ҳам ишда иштирок этувчи шахслар ва суд (судья) учун, шунингдек ишда иштирок этувчи шахс бўлмаган бошқа шахслар учун мажбурий ҳисобланади. Масалан, ФПКнинг 81-моддасига кўра, ишда иштирок этмаётган ташкилотлар ва фуқаролар талаб қилинаётган ашёни тақдим этиш ёки суд белгиллаган муддатда келтириш имконига эга бўлмасалар, буни судга маълум қилиб, сабабини кўрсатишлари шарт. Судга маълум қилинмаган тақдирда, шунингдек суднинг ашёни тақдим этиш тўғрисидаги талаби суд узрсиз деб топган сабабларга кўра бажарилмаган тақдирда, бунда айбдор бўлган ташкилотларнинг мансабдор шахсларига ва фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин.

– Суд ҳал қилув қароридан фарқли равишда ажримлар рад қилиб бўлмаслик хусусиятига эга эмас. Бошқача айтганда, суд ўз ажримини бекор қилиш ваколатига эга бўлади;

– суд ҳал қилув қарорига хос бўлган ягоналик (мустаснолик) хусусияти айрим истесно ҳолатларни эътиборга олган ҳолда аризани қабул қилишни рад этиш ёки иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажримларгагина хос бўлади;

– суд ажримлари преюдициаллик хусусиятига эга бўлмайди.

Юридик адабиётларда қайд этилишича, биринчи инстанция судининг ажримлари қуйидаги турларга ажратилади:

• **Тайёрлов ажримлари** – бу фуқаролик суд ишларини юритишнинг барча босқичларига нисбатан татбиқ этилиб, фуқаролик ишларининг ҳаракатга келишини ва ҳал этилишини таъминлайди. Мазкур тоифадаги ажримларга мисол сифатида ишни судда қуришга тайёрлаш тўғрисидаги, дахлдор бўлмаган тарафни алмаштириш ҳақидаги ажримларни кўрсатиш мумкин бўлади.¹ Р.Е.Гукасяннинг фикрича ҳам суд ажримларининг сезиларли

¹ Гражданский процесс / Учебник. Отв. ред. проф. В.В. Ярков. – М.: Волтерс Клувер, 2004. – С. 316-317.

қисмини тайёрлов ажримлари ташкил этади. Булар фуқаролик ишларини муҳокамага тайёрлаш ҳақидаги, экспертиза тайинлаш ҳақидаги, манфаатдор шахсларни ишда иштирок этиш учун жалб қилиш ҳақидаги, далилларни талаб қилиб олиш ҳақидаги ажримлардир. Уларни умумий мақсад, яъни дастлабки суд мажлисиданоқ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун зарур шароитларни яратиш мақсади боғлаб туради.¹

• **Тўққинлик қилувчи ажримлар** деганда, процесснинг бошланишига тўққинлик қилувчи ёки ишни қўзғатиш ёхуд ишни судда мазмунан кўриш учун қонуний асос мавжуд бўлмаган ҳолларда иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажримлар тушунилади. Бу ҳилдаги ажримларга мисол сифатида даъво аризасини қабул қилишни рад этиш ҳақидаги, аризани ҳаракатсиз қолдириш ҳақидаги, иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажримларни келтириш мумкин.

• **Яқунловчи ажримларга** ишни ҳал қилув қарори чиқармасдан яқунлашга қаратилган ажримлар, масалан, келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажримларни киритиш мумкин бўлади.

• **Тўлдирувчи ажримлар** деганда, суд томонидан йўл қўйилган ва очиқ кўришиб турган процессуал хатоликларни бартараф этишга қаратилган ажримлар тушунилади. Хусусан, суд ҳал қилув қарорининг ёзувидаги хатоларни ва очиқ кўришиб турган арифметик хатоларни бартараф этиб, ҳал қилув қарорига тузатиш киритиш тўғрисидаги, ҳал қилув қарорини тушунтириш масаласи юзасидан суднинг чиқарган ажрими шулар жумласидандир.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг мазмунидан (237-238-моддалари) келиб чиқиб, биринчи инстанция судининг ажримлари қуйидаги турга ажратиш мумкин:

• **суд томонидан алоҳида хонада (маслаҳатхонада) чиқариладиган ажримлар;**

• **суд томонидан мураккаб бўлмаган масалалар ҳал этилганида ўз жойида чиқариладиган ажримлар.**

Мазкур ажримларнинг турлари бир-биридан мазмуни, шакли, чиқариш тартиби ва шикоят қилиш усуллари билан фарқланади. Масалан, суд томонидан алоҳида хонада (маслаҳатхонада) чиқариладиган ажримлар алоҳида процессуал хужжат шаклида чиқарилади. Суд томонидан мураккаб бўлмаган ва ҳар томонлама муҳокама қилишни талаб этилмайдиган масалалар юзасидан ўз жойида чиқариладиган ажримлар эса суд мажлисининг баённомасига қайд қилинади. Масалан, суд мажлисини бошқа кунга қолдириш, далилларни текшириш тартиби, қўшимча далиллар талаб қилиб олиш ва бошқа масалалар тўғрисидаги ажримлар суд то-

¹ Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. – С. 310-311.

монидан ишнинг аҳволига қараб, ё юқорида кўрсатилган тартибда ёки алоҳида хона (маслаҳатхона)га кирмасдан мажлиснинг ўзидаёқ кенгашиб, айрим ҳужжат сифатида эмас, балки суд мажлисининг баённомасига ёзиш йўли билан чиқарилади.¹

Бироқ иш юритишни тўхтатиш, аризани кўрмасдан қолдириш, келишув битимини тасдиқлаш ва иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажримлар алоҳида процессуал ҳужжат сифатида чиқарилади. Чунки ушбу ажримлар орқали мураккаб масалалар ҳал қилинади ва улар устидан шикоят қилиниши мумкин. Суд мажлиси баённомасига қайд қилиб қўйиладиган ажримлар суднинг алоҳида хонаси (маслаҳатхонаси)га кирмасдан, ўз жойида чиқарилади. Бошқа барча ҳолатларда ажримлар суднинг алоҳида хонаси (маслаҳатхона)да алоҳида процессуал ҳужжат шаклида чиқарилади.

Алоҳида процессуал ҳужжат шаклида чиқариладиган ажримлар суд ҳал қилув қарорлари каби тўрт қисмдан:

- кириш;
- баён;
- асослантириш;
- хулоса қисмларидан иборат бўлади.

Суд ажримларининг кириш қисмида ажримнинг чиқарилган вақти ва жойи, суднинг номи, судьянинг фамилияси (суд таркиби), суд мажлисининг котиби, ишда иштирок этувчи шахслар ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади. Баён қисмида низо предмети ва ажрим билан ҳал қилинаётган масаланинг моҳияти, ишда иштирок этаётган шахсларнинг фикрлари кўрсатилади. Асослантириш қисмида суднинг хулосасига олиб келган асослар ва суд қўллаган қонунлар келтирилади. Хулоса қисмида эса, суднинг ҳал этилаётган масала юзасидан хулосаси, ажрим устидан шикоят бериш (протест келтириш) тартиби ва муддати кўрсатилади.

Суд томонидан ўз жойида чиқариладиган ажримда юқоридаги ажримлардан фарқли равишда кириш қисми ва шикоят қилиш тартиби ва муддати кўрсатилмайди (ФПКнинг 238-моддаси).

Суд ажримлари шикоят қилинадиган (протест келтириладиган) ва шикоят қилинмайдиган (протест келтирилмайдиган) ажримларга ҳам бўлинади. Қонун буйича қатъий ва шикоят қилиб бўлмайдиган (протест келтирилмайдиган) ажримлар чиқарилиши биланоқ қонуний кучга киради. Масалан, суднинг низо предмети-

¹ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Тошкент, Адолат. 2001. -252 бет.

га нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахсларни процессга жалб этиш ҳақидаги ажрим устидан шикоят қилинмайди ва улар чиқарилиши билан дарҳол ижро этилади. Шунингдек, ҳал қилув қарори чиқарилгунига қадар алиментлар ундириш тўғрисидаги суднинг ажрими дарҳол ижро этилади (ФПКнинг 263-моддаси).

ФПКнинг 346-моддасига кўра, биринчи инстанция судининг ажримлари устидан ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда ҳамда суднинг ажрими ишнинг илгарилашига тўқинлик қиладиган ҳолларда, суд томонидан ажрим топширилган кундан эътиборан ўн кун ичида тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар апелляция инстанцияси судига суднинг ҳал қилув қароридан алоҳида шикоят беришлари, прокурор эса, протест келтириши мумкин. Шикоят қилинадиган (протест келтириладиган) ажримлар шикоят қилиш (протест келтириш) учун белгиланган муддат ўтгандан кейин ёки шикоят (протест) юқори суд томонидан рад қилингандан кейин қонуний кучга киради. Бошқа ажримлар эса, иш юзасидан чиқарилган ҳал қилув қарори билан бирга қонуний кучга киради.

19.9. Хусусий ажримлар, уларнинг мазмуни ва аҳамияти

Маълумки, ФПКнинг 4-моддаси иккинчи қисмига кўра, фуқаролик суд ишларини юритиш қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклашиши лозимлиги назарда тутилган. Фуқаролик суд ишларини юритишнинг ушбу вазифалари, аввало иш юзасидан қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилув қарорлари, қарор ва ажримлар чиқариш орқали амалга оширилса-да, лекин процессуал қонунчилик фуқаролик ишлари бўйича қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш мақсадида кўшимча процессуал чораларни белгилайди. Хусусан, фуқаролик ишлари бўйича хусусий ажрим шулар жумласидандир.

Хусусий ажримлар суднинг бошқа ажримларидан ўзининг мақсади билан алоҳида ажралиб туради. Суд фуқаролик ишини кўраётганида айрим мансабдор шахслар ёки фуқаролар томонидан қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот бузилганлигини аниқласа, ФПКнинг 19-моддасига кўра, хусусий ажрим (қарор) чиқариб, уни тегишли органлар ва мансабдор шахсларга юборади. Ушбу

шахслар хусусий ажримнинг (қарорнинг) нухасини олган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичида ўзлари кўрган чоралар тўғрисида судга хабар қилишлари талаб этилади.

Айтиш жоизки, хусусий ажримлар суднинг бошқа ажримлари каби расмийлаштирилса-да, лекин ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Хусусий ажримларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири – у қонунчиликнинг бузилиши ва низоларнинг юзага келишини олдини олиш масалалари юзасидан чиқарилиб, суд органларининг фуқаролик ишларини мазмунан кўриб, ҳал қилиш давомида қонунчиликнинг бузилишини олдини олиш бўйича процессуал қонунчиликда мустаҳкамлаб кўйилган вазифаларини амалга оширишнинг муҳим процессуал воситаларидан бири сифатида эътироф этилади. Чунки суд органлари фуқаролик ишлари юзасидан одил судловни амалга ошириш билан бир қаторда иш юзасидан муайян қонунбузилишининг олдини олиш ишларини олиб бориш имкониятига ҳам эга бўладилар ва бу имконият хусусий ажрим чиқариш орқали рўёбга чиқади.

Хусусий ажрим ҳам бошқа ажримлар каби тўрт қисмдан иборат бўлади. Кириш қисмида суд томонидан кўрилган ишнинг мазмуни, баён қисмида ташкилот фаолиятидаги қонун бузилишлари, бошқа ноқонуний ҳаракатлари ҳақида гувоҳлик берувчи ҳолатлар ва уларни тасдиқловчи далиллар келтирилади, асослан-тириш қисмида қоида тариқасида, йўл кўйилган қонунбузарликларни олдини олишнинг зарурияти ҳақидаги суд хулосалари ва бир ойлик муддат ичида кўрилган чоралар ҳақида судга хабар қилиш мажбурияти ва бу мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик қайд қилинади. Биринчи инстанция судининг хусусий ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, суд томонидан ҳар қандай иш бўйича ҳам хусусий ажрим чиқарилавермайди. Масалан, агар низо ҳуқуқ нормаларини тушунмаганлиги оқибатида юзага келган бўлса ёки тегишли шахслар томонидан қонунбузилишининг олди олинган бўлса, у ҳолда суднинг иш бўйича хусусий ажрим чиқариши мақсадга мувофиқ эмас.

Суд хусусий ажримларининг фуқаролик ишларини юзага келишининг олдини олишдаги аҳамияти муҳим бўлганлиги боис, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг бир қатор қарорларида, хусусан 1996 йил 19 майдаги “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарор-

лар устидан келтирилган шикоятларни судларда кўриш амалиёти тўғрисида"ги, 1998 йил 17 апрелдаги "Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида"ги ҳамда 1998 йил 11 сентябрдаги "Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги ва бошқа қарорларида иш юзасидан хусусий ажрим чиқаришнинг муҳимлиги алоҳида таъкидланиб, судларга ушбу юзасидан тегишли тушунтиришлар бериб ўтилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Суд қарорлари деганда нимани тушунасиз ва унинг мазмунини тавсифловчи қандай жиҳатлар мавжуд?
2. Суд қарорларининг турлари ҳақида гапиринг.
3. Суд қарорларини ўзаро фарқловчи жиҳатлари нимада?
4. Суд ҳал қилув қарорларининг ўзига хос белгилари нималарда намоён бўлади?
5. Суд ҳал қилув қарорларининг тарбиявий аҳамияти ҳақида гапиринг.
6. Суднинг ҳал қилув қарорига нисбатан қандай талаблар қўйилади?
7. Суд ҳал қилув қарорининг таркибий қисми ҳақида гапиринг.
8. Ҳал қилув қарорини чиқарган суд томонидан ундаги камчиликларини тузатишнинг қандай тартиблари мавжуд?
9. Кўшимча ҳал қилув қарори чиқариш учун нималар асос бўлади?
10. Суднинг ҳал қилув қарорини қонуний кучи деганда нимани тушунасиз?
11. Ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келади?
12. Суднинг қайси ҳал қилув қарорлари дарҳол ижро этилади?
13. Биринчи инстанция судининг ажримлари деганда нимани тушунасиз ва унинг қандай турлари бор?
14. Хусусий ажрим нима ва унинг бошқа ажримлардан қандай фарқи мавжуд?

МАХСУС АДАБИЁТЛАР:

1. Аргунов В. Н. Заочное производство и судебное решение // *Хозяйство и право*. 1997. № 2. –С. 15-18.
2. Гусев О.Б. Ошибки и погрешности судебного решения как причина совершения ряда преступлений // *Российский судья*. 2000. № 2.
3. Зайцев И. М. Судебное решение как процессуальный документ // *Российская юстиция*. 1995. № 4.
4. Мамасиддиқов М.М. Хусусий ажрим нима? «Инсон ва қонун» газ. 2003 йил 29 апрел № 17.
5. Мамасиддиқов М.М., Хабибуллаев Д.Ю. Суднинг ҳал қилув қарори: У меҳнатта оид низоларда қандай аҳамиятга эга? // «Инсон ва қонун» газ. 2004 йил 27 июль сони.
6. Тожибоев М.М. Фуқаролик процессида суд ҳал қилув қарорлари ва уларнинг умумий тавсифи // «Суд-ҳуқуқ ислохотларининг истиқболлари: кеча ва бугун» мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. 2010 йил 27 май. –Тошкент: ТДЮИ. 2010 й. – Б. 90-95.
7. Тожибоев М.М. Конституциявий ҳуқуқлар ҳимоясининг муҳим кафолати сифатида суд қарорларининг тутган ўрни Судга муружаат қилиш ҳуқуқи. Рисола. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О.Ф.Зокирова. –Тошкент: ТДЮИ, 2010. -154 бет. – Б. 141-145.
8. Тожибоев М.М. Фуқаролик ишлари бўйича суд қарорларининг очиклигини таъминлаш масалалари// «Суд-ҳуқуқ ислохотлари шароитида фуқаролик суд ишларини юритишнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. 2011 йил ноябрь. –Тошкент: ТДЮИ. 2011 й. – Б. 203-209.
9. Новое в гражданском процессальном праве. Ком-рий закон-ва // *БВС РФ*. 1996 №4. –С. 13-16.
10. Папкова О.А. Судейское усмотрение в гражданском процессе: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. –М., 1997.
11. Решетняк В. И. Постановления суда первой инстанции по гражданским делам: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. –М., 1996.
12. Чуйков Ю.Н. Частное определение в гражданском судопроизводстве. –М.: Юрлит. 1974.

СИРТДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ЧИҚАРИШ

Бобнинг мақсади сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш асослари ва шартларини тушунтириш, сиртдан иш кўришнинг мазмун-моҳиятини баён этишдан иборат. Мазкур бобда сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш тўғрисидаги аризанинг мазмуни, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорларини бекор қилиш ва иш кўришни тиклаш учун асослар, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорлари устидан шикоят бериш, протест келтириш асослари ва тартиби, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг қонуний кучи ва ижроси билан боғлиқ масалалар ўз ифодасини топган.

20.1. Сиртдан иш кўришнинг моҳияти

Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси қабул қилингунга қадар суд амалиётида фуқаролик ишларини сиртдан кўриш ва ҳал қилиш институти мавжуд бўлмаган. Ўзбекистон мустақилликка эришиб, дунё ҳамжамиятлари ўртасида муносиб ўрин эгаллаши туфайли қонун ижодкорлигида тараққий этган давлатларнинг тажрибаларидан фойдаланиш долзарб масалалардан бири сифатида эътироф этилди. Шу маънода фуқаролик ишларини сиртдан кўриш институти илк бора фуқаролик процессул қонунчилигимизда ўз аксини топди.

Сиртдан иш кўришнинг асосий мақсади фуқаролик процессида тарафларнинг, айниқса жавобгарнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) учун процессуал жавобгарликни ошириш, низоли масалани ҳал этишни тезлаштириш, шунингдек судьяларнинг ихтиёрида бўлган ишларнинг мазмун-моҳиятини йўқотмасдан, ўз вақтида кўриш ва ҳал этиш орқали манфаатдор шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Адабиётларда ҳам сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорларини судга келиш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган, судни кўлолмаслик сабаблари тўғрисида огоҳлантирмаган жавобгарга нисбатан қўлланиладиган жавобгарлик сифатида эътироф этилади.¹

Сиртдан иш кўриш ва ҳал қилув қарорини чиқариш учун оддий ва ихчам процессуал ҳаракатларни амалга ошириш имкониятидан

¹ Гражданский процесс / Учебник. Отв. ред. проф. В.В. Ярков. – М.: Востокс Клувер, 2004. – С. 331-332.

фойдаланиш вужудга келади. Олимлар ҳам сиртдан қарор чиқариш институтининг амалга оширилиши фуқаролик процессида даъвогарларнинг ҳуқуқларини кўшимча кафолатлар билан мустаҳкамлаш, тарафларнинг, айниқса жавобгар шахсларнинг ўз ҳаракат ёки ҳаракатсизликлари учун жавобгарлик меъёрларини ошириш, низолабга рухсат берилишини тезлатиш, шунингдек суд иш юритувида бўлган фуқаролик ишларини бирмунча қисқартириш ва уларни суд иш юритувида тўпланиб қолишини олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилишини алоҳида таъкидлаб ўтадилар.¹

Маълумки, суд мажлисига жавобгар тарафнинг келмаслиги ишни кўриб чиқиш жараёнини кечиктиради ва даъвогарларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қайта тикланишига тўсқинлик қилади. Бу даъвогарнинг манфаатларига қайсидир маънода қарши чиқиш ва маълум бир мажбуриятларнинг бажарилишидан ҳимояланишнинг қонунда назарда тутилмаган шакли сифатида ҳам эътироф этилади. Ўз навбатида, жавобгарнинг суд процессига узрли сабабларсиз келмаслиги ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилган тарафнинг суд ҳимоясидан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириш жараёнини кечиктиради.

Ҳозирда сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш институти дунёнинг жуда кўплаб ҳуқуқ тизимларида амал қилиб келмоқда. Масалан, Ангияда Олий суд, шунингдек графлик судларида кўриладиган оддий ишлардан кўра, ишларни сиртдан кўриб ҳал қилиш сон жиҳатидан бирмунча устунлик қилади. Худди шунга ўхшаш ҳолат АҚШ, Франция, Германия фуқаролик процессуал ҳуқуқида ҳам мавжуд. Сиртдан иш юритиш институтининг амал қилиб келиш сабаблари, *биринчидан*, инсон ҳуқуқларининг устуворлиги ҳисобланса, *иккинчидан*, "вақт – бу пул" деган тамойилга қатъий амал қилинишидир. Зеро, ҳар бир бекор ўтган дақиқалар катта йўқотишларга олиб келиши мумкин.²

Сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш – бу суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишлича хабардор қилинган жавобгарнинг суд процессига узрли сабабларга кўра келмаслиги ва унинг иштирокисиз, даъвогарнинг албатта розилиги билан ишни мазмунан кўриб чиқишдир.

¹ Шорахметов Ш.Ш. Инсон манфаатларига қаратилган кодекс // Ж. Қонун ҳимоясида 2-сон, 1998 йил.

² Решетняк В.И. Черных И.И. Заочное производства и судебный приказ в гражданском процессе. –М.: 1997. –С. 5-8.

20.2. Сиртдан иш юритиш учун асослар

Фуқаролик ишларини сиртдан кўриб чиқиш жараёнида қонунда назарда тутилган тартиб ва шартлар мавжуд бўлиб, ўз навбатида уларга риоя қилиниши иш юзасидан чиқарилажак ҳал қилув қарорининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишининг кафолати ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида"ги 13-сонли қарорининг 14-бандида тушунтириш берилишича, суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаган тақдирда, даъвогар ишнинг кўрилишига эътироз билдирмаган бўлса, суд иш бўйича сиртдан ҳал қилув қарори чиқариши мумкинлигига судларнинг эътибори қаратилсин (ФПКнинг 224-моддаси). ФПКнинг 225-моддасига мувофиқ даъвогар ишни жавобгар иштирокисиз сиртдан кўришга рози бўлмаса, суд ишни кўришни кейинга қолдириши ва келмаган жавобгарга ишнинг янгидан кўрилиш вақти ва жойи ҳақида қайта хабар юбориши лозим.

Шундай қилиб, ФПКнинг 224-моддасида сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш учун бир қатор асослар назарда тутилган. Қуйида ушбу асосларга бирма-бир тўхталиб ўтамиз.

• Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгарнинг суд мажлисига узрсиз сабабларга кўра келмаслиги.

Шу ўринда, тегишли тартибда хабардор қилиш деганда, ФПКнинг 13-бобида назарда тутилган қоидаларга риоя қилган ҳолда ишда иштирок этувчи шахсларни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилиш тушунилади. Сиртдан иш юритишнинг биринчи асоси ҳақида шуни айтиш жоизки, суд ишда жавобгарга чақирув қоғози топширилганлиги тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлмаса, сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш мумкин эмаслигига судлар эътибор беришлари лозим. ФПКнинг 224-моддасида ҳам жавобгар тегишли тартибда хабардор қилинганлиги ҳақида ишда маълумот бўлиши лозимлиги қайд этилади.

Агарда жавобгарнинг судга кела олмаслигининг узрли сабаблари бўлса ва бу ҳақда судни хабардор қилган бўлса, шунингдек агар жавобгар ўзининг иштирокисиз иш кўришни илтимос қилса, агар ўзининг иштирокисиз ишни судда кўрилишига розилик бермаган тарафлар иккинчи мартаба узрли сабабларсиз судга келмасалар, бундай ҳолатларда ҳам сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш мумкин бўлмайди.

• Даъвогарнинг ҳал қилув қарори чиқаришга бўлган розилиги.

Ушбу розилик, албатта даъвогарнинг ёзма аризаси билан ёки суд мажлиси баённомасида даъвогарнинг розилигини билдирувчи унинг имзоси билан тасдиқланиши керак. Бундан ташқари, даъвонинг ўзида даъвогарнинг талабларини қондириш билан бирга жавобгар келмаган тақдирда “сиртдан ҳал қилув қарори чиқаришингизни сўрайман” деган мазмундаги сўзларнинг киритилиши мақсадга мувофиқ.

Агар суд мажлисига келган даъвогар ишни жавобгар иштирокисиз сиртдан иш юритиш тартибида кўришга рози бўлмаса, суд ишни кўришни кейинга қолдиради ва келмаган жавобгарга ишни судда такрор кўриладиган вақти ва жойи ҳақида қайта хабар юборади. Бундай ҳолларда ҳам даъвогарнинг сиртдан ҳал қилув қарори чиқарилишини талаб қилиш ҳуқуқи сақланади. Бу эса сиртдан иш юритишнинг муҳим процессуал хусусиятларидан бири ҳисобланиб, ҳар қандай ҳолатда ҳам қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилган шахснинг ҳуқуқларини ўз вақтида ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Даъвогар ўз талабларини асослайдиган далилларни судга тақдим этиши сиртдан иш юритишда ҳам рухсат этилади. Суд ҳам ўз навбатида даъвогарга иш юзасидан қўшимча далиллар тақдим этишни таклиф этади. Агар бу ишни кейинга қолдиришга олиб келса, у ҳолда ишни кўриш Фуқаролик процессуал кодексининг умумий қоидалари асосида амалга оширилади. Кейинга қолдирилган иш агар янгидан бошланганда жавобгар ишда иштирок этса ёки даъвогар сиртдан иш кўришга ўз норозилигини билдирса, у ҳолда бу сиртдан иш кўриш дёб юритилмайди.

• Суд мажлисига барча жавобгарларнинг келмаслиги.

ФПКнинг 224-моддасида назарда тутилган мазкур шарт фуқаролик процессуал қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан бирмунча ўзгартирилганлигини таъкидлаш ўринли бўлади. Хусусан, 1997 йил 30 августда қабул қилинган Фуқаролик процессуал кодексининг 224-моддаси иккинчи қисмига кўра, агар ишда бир неча жавобгар иштирок этувчи бўлса, суд мажлисига улардан бири ёки айримлари келмаган тақдирда, келмаган жавобгарга нисбатан сиртдан ҳал қилув қарори чиқарилишига йўл қўйилган. Бироқ мазкур қоидага ўзгариш киритилиб, эндиликда суд мажлисига барча жавобгарлар келмаган тақдирда иш сиртдан

иш юритиш тартибида кўрилиши мумкинлиги белгиланди. Мазкур ўзгартиш Фуқаролик процессуал кодексининг 224-моддасига Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан киритилди.¹ Ушбу ўзгартишнинг моҳияти шундан иборатки, агар ишда иштирок этмаган жавобгар сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақида ариза берса ва шу асосда иш қайтадан кўриладиган бўлса, бу аввал умумий асосда чиқарилган ҳал қилув қарорига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Киритилган ўзгартиш бунинг натижасида келиб чиқадиган турли сарсонгарчиликларни ва бир-бирини рад этувчи ҳал қилув қарорларининг чиқарилишини олдини олади. Сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш учун юқорида кўрсатилган асослардан лоақал бирининг мавжуд бўлмаслиги ишни сиртдан кўрилишига тўсқинлик қилади. Адабиётларда ҳам юқоридаги шартнинг ҳаммаси мавжуд бўлгандагина суд ишни сиртдан кўришга ҳақли бўлиши ҳақида фикрлар илгари сурилган.²

Қонун сиртдан иш кўриш жараёнида даъвогарнинг бир қатор процессуал ҳуқуқларини чеклайди, чунончи, сиртдан ҳал қилув қарори чиқарилишига розилик бирдирган даъвогар суд процессида даъвонинг асоси ёки предметини ўзгартириши ёки даъво талабларининг миқдорини кўпайтириши мумкин эмас. Ушбу процессуал ҳуқуқларнинг даъвогар томонидан иш кўриш жараёнида фойдаланиши, ўз навбатида ушбу ҳолатдан бехабар бўлган жавобгарнинг ҳуқуқларини бузиш, деб ҳисобланади.

20.3. Сиртдан ҳал қилув қарорини чиқариш тартиби

Сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш жараёни ўзининг моҳияти ва содир қилинадиган процессуал ҳаракатларнинг кетма-кетлиги нуқтаи назаридан оддий суд процессидаги иш юритиш тартиби билан бир хилда бўлади. Сиртдан иш юритиш ФПКнинг 17-бобида назарда тутилган умумий қоидалар асосида амалга оширилади. Бирдан-бир фарқ – бу икки процессда жавобгар билан боғлиқ бўлган ҳолатлар турлича бўлишидадир. Суд мажлисининг тайёрлов босқичида процесс иштирокчиларининг келган-келмаганлиги

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 37-сон, 408-модда.

² Уткина И. Заочное решение в гражданском процессе: вопросы и ответы / Ж. Российская юстиция. 1997 г. № 10. –С. 16-17.

аниқланганидан сўнг, судья ишни сиртдан олиб бориш масаласини ҳал қилади. Сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш билан боғлиқ процесснинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда далилларни ўрганиб, текшириб чиқиш чегараланган бўлади, яъни суд ишда маъжуд далилларни текшириш билан кифояланади. Сиртдан иш юритиш тартибда кўрилганида даъвонинг асоси ёки предмети ўзгартирилиши ёки даъво талабларининг миқдори кўпайтирилиши мумкин бўлмайди. Чунки сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш жараёнида даъвогарнинг ўз даъвосини асослайдиган далиллар доираси, даъво предмети, талабларининг миқдори жавобгарга топширилган даъво аризасининг нусхаси ва чақирув қоғозида аниқ белгилаб кўйилган бўлади.

Агар жавобгар тарафга даъво талаблари ўзгарганлиги ҳақида эълон қилинса ва улар эътироз билдириш ҳуқуқини амалга ошириб, ўзларининг эътирозларини билдирсалар, даъвогар томонидан даъво талаблари ўзгартирилиши мумкин бўлади. Бу жараён тарафларнинг процессуал ҳуқуқлари тенглиги тамойили асосида амалга оширилади. Жавобгар ёзма тушунтиришлар ва далилларни судга тақдим этган бўлса, улар судья томонидан оддий тартибда ўқиб эшиттирилади ҳамда ўрганиб чиқилади. Лекин бу маълумотлар юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган тушунмовчиликлар, келишмовчилик ва шубҳалар, ўз навбатида даъвогар фойдасига ҳал қилинади. Сиртдан иш юритишнинг якуни сифатида суд ҳал қилув қарори чиқаради. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг мазмуни ФПКнинг 206-моддаси қоидалари билан белгиланади.

Умумий асосларда чиқарилган ҳал қилув қарорларидан фарқли равишда сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг баён ва асослантириш қисмларида жавобгарнинг эътирозлари ва бошқа шу кабилар бўлмайди. Шунингдек, энг муҳим фарқ – сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида бу ҳал қилув қарорини қайта кўриб чиқиш ҳақида ариза бериш муддати ва тартиби кўрсатилган бўлиши талаб этилади. ФПКнинг 229-моддасига кўра, жавобгар ҳал қилув қарорини сиртдан чиқарган судга шу ҳал қилув қарори чиқарилганидан кейин ўн беш кун ичида уни қайта кўриш ҳақида ариза беришга ҳақли бўлади.

20.4. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш тўғрисидаги аризанинг мазмуни

Фуқаролик процессуал қонунчилик сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмунига оид талабларни белгиллаган (ФПКнинг 230-моддаси).

Ариза судга ёзма равишда тақдим этилиши ва унда куйидагилар бўлиши талаб этилади:

- 1) сиртдан ҳал қилув қарори чиқарган суднинг номи;
- 2) ариза бераётган тарафнинг номи;
- 3) суд мажлисига узрли сабабларга кўра келмаганликдан далолат берувчи ҳолатлар рўйхати ва уларни тасдиқловчи далиллар, шунингдек, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг мазмунига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган далиллар рўйхати;
- 4) ариза берувчи тарафнинг илтимоси;
- 5) аризага илова қилинган материалларнинг рўйхати.

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги ариза тараф ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги ариза ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига мутаносиб миқдорда нусхалари билан судга тақдим этилади. Суд ҳал қилув қарорлари устидан бериладиган апелляция ёки кассация шикоятларидан фарқли равишда сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги ариза берганлик учун давлат божи тўланмайди.

Таъкидлаш жоизки, қонун суд қарорларини қайта кўришни талаб қилиш борасида даъвогарга қараганда жавобгарга бир қатор имтиёزلарни назарда тутати. Бу жавобгарнинг суд қарорини қайта кўришнинг икки хил воситасидан бирини танлаш имкониятига эга бўлиши, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилишда давлат божи тўланмаслиги кабиларда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам юридик адабиётларда айрим олимлар, хусусан, И.В.Уткина амалиётда жавобгарлар ўзларига берилган ушбу ҳуқуқларни суистеъмол қилиш ҳолатлари кузатилиши мумкинлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтган.¹

Фуқаролик процессуал қонунчиликда сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризага қўйилган талаб-

¹ Гражданское процессуальное право: Учебник / С.А.Алехина, В.В.Блажеев и др.; Под ред. М.С.Шакарян. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. – 319 с.

ларга риоя қилмаслик оқибатлари назарда тутилмаган. Ушбу ҳолатда, фикримизча, қонун аналогияси қоидаларидан келиб чиқиб, суд ушбу аризани ҳаракатсиз қолдириши ва ундаги камчиликларни бартараф этиш учун муҳлат бериши лозим. Акс ҳолда, ариза берилмаган ҳисобланиб, даъвоарга қайтарилади ва бу ҳақда ажрим чиқарилади.

Шунингдек, қонун сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризани қабул қилишни рад этиш асосларини ҳам назарда тутмайди. Фикримизча, агар ариза судловлик қоидаларига зид равишда ёки ариза билан мурожаат қилиш ваколатига эга бўлмаган шахслар томонидан тақдим этилган бўлса ёхуд белгиланган муддатни ўтказиб мурожаат қилиниб, ушбу муддатни тиклаш ҳақидаги талаб мавжуд бўлмаса, суд аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим қабул қилиши лозим бўлади. Қонун талабларига риоя қилиниб берилган сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги ариза суд томонидан қабул қилинади. Суд ишда иштирок этувчи шахсларни сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризани кўриш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилади, уларга шу ариза ва унга илова қилинган материалларнинг нусхаларини юборади. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги ариза Фуқаролик процессуал кодексида назарда тутилган умумий муддатларга нисбатан қисқа муддатларда кўрилади. Хусусан, суд сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризани ариза тушган пайтдан эътиборан ўн кун ичида суд мажлисида кўриб чиқади. Бу эса ушбу тоифадаги ишларнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинган шахсларнинг келмаслиги аризани кўриш учун тўсқинлик қилмайди.

20.5. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорларини бекор қилиш ва иш кўришни тиклаш учун асослар

Суд сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризани кўриб, қуйидаги мазмундаги ажримларни чиқаришга ҳақли бўлади:

- 1) аризани қаноатлантирмай қолдириш;**
- 2) сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва аввалги таркибдаги ёки бошқа таркибдаги суд томонидан ишни мазмунан кўришни тиклаш.**

Таъқидлаш жоизки, суднинг аризани қаноатлантирмаслик ҳақида чиқарган ажрими ишнинг илгарилашига тўсқинлик қилади. Шунинг учун қонун суднинг аризани қаноатлантирмаслик ҳақида чиқарган ажрими устидан хусусий шикоят берилиши мумкинлигини назарда тутган (ФПКнинг 232-моддаси).

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани кўриш вақтида суд тарафнинг суд мажлисига келмаганлигига узрли сабаблар борлигини ва бу ҳақда судни ўз вақтида хабардор қилиш имконияти бўлмаганлигини ҳамда тараф сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорининг мазмунига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган далилларни тақдим қилаётганини аниқласа, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори бекор қилиниб, ишни мазмунан кўриш тикланиши лозим. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва аввалги таркибдаги ёки бошқа таркибдаги суд томонидан ишни мазмунан кўришни тиклаш ҳақида чиқарилган ажрим қайғий бўлиб, шикоят қилинмайди. Ишни мазмунан кўриш тиклангудек бўлса, иш Фуқаролик процессуал кодексда назарда тутилган қоидалар асосида олиб борилади. Агар ФПКнинг 132-139-моддаларида назарда тутилган қоидаларга биноан хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаса ҳам, иш бўйича чиқарилган ҳал қилув қарори сиртдан чиқарилган ҳисобланмайди. Жавобгар бу ҳал қилув қарорини сиртдан чиқарилган қарор сифатида қайта кўрилишини сўраб, ариза беришга ҳақли эмас.

20.6. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорлари устидан шикоят бериш, протест келтириш учун асослар

Юқорида таъқидланганидек, фуқаролик процессуал қонун суд қарорларини қайта кўришни талаб қилиш борасида даъвогарга қараганда жавобгарга бир қатор имтиёзларни назарда тутати. Бу имтиёзлардан бири жавобгарнинг сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўришнинг икки хил воситасини танлаш имкониятига эга бўлиши ҳисобланади. Биринчи имконият сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш бўлса, иккинчиси сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори устидан ФПКнинг 37-бобида назарда тутилган қоидалар асосида апелляция тартибида шикоят беришдир.

ФПКнинг 229-моддаси жавобгар мазкур ҳуқуқларни қандай шартлар мавжуд бўлганида амалга оширишини назарда тутма-

ган. Бу эса юридик адабиётларда юқоридаги икки шартдан қайси бирини танлаш жавобгарнинг ихтиёрига берилади, деган фикрни юзага келтирмоқда.¹ Бироқ мазкур фикр бирмунча баҳсли ҳисобланади. Бизнингча, ФПКнинг 312-моддасида назарда тутилган суд қарорларини бекор қилиш учун асослари мавжуд бўлса, жавобгарнинг сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризаси сиртдан ҳал қилув қарори чиқарган суд томонидан қабул қилинмаслиги лозим. Зеро, ҳал қилув қарорини чиқарган суд ўзи йўл қўйган хато ва камчиликларни, ФПКнинг 213-моддасида назарда тутилган ҳоллардан ташқари ўзи барта раф этиши мумкин эмас. Мазкур ҳолларда жавобгар сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори устидан ФПКнинг 37-бобида назарда тутилган қоидалар асосида апелляция тартибида шикоят бериши талаб этилади.

ФПКнинг 312-моддасига кўра, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори устидан апелляция тартибида шикоят бериш, протест келтиришга қуйидагилар асос бўлади:

- 1) иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги;
- 2) суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги;
- 3) суднинг ҳал қилув қарорида баён қилинган ҳулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги;
- 4) моддий ҳуқуқ нормалари ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланганлиги.

20.7. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг қонуний кучи ва ижроси

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори, агар унинг устидан шикоят берилмаган ёки протест келтирилмаган бўлса, апелляция шикояти бериш ва протест келтириш муддати ўтганидан кейин қонуний кучга киради. ФПКнинг 320-моддасига кўра, суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан йигирма кун ичида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти беришлари, прокурор протест келтириши мумкин. Ҳал қилув қарори устидан апелляция

¹ Гражданский процесс // Учебник. Под ред. д.ю.н., проф., заслуженного деятеля науки РФ М.К. Треушникова. –М.: Юриспруденция. 2001. –201 с.

шикоятти берилган ёки апелляция протести келтирилган тақдирда, ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаган бўлса, ишни юқори инстанция суди кўриб чиққанидан кейин қонуний кучга киради. Суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан сўнг ижро этилади, дарҳол ижро этиш ҳоллари бундан мустасно.

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши умумий асосларда чиқариладиган ҳал қилув қарори каби муайян ҳуқуқий оқибатларни, хусусан, ижронинг муқаррарлиги, рад қилиб бўлмастик, ягоналик, преюдициаллик каби оқибатларни юзага келтиради.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Сиртдан иш кўриш деганда нимани тушунасиш?
2. Сиртдан иш кўришнинг асосий мақсади нимада?
3. Сиртдан иш юритиш учун қандай асослар мавжуд?
4. Сиртдан ҳал қилув қарорини чиқаришнинг процессуал тартиби ҳақида гапиринг.
5. “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2004 йил 27 августдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан ФПКнинг 224-моддасига киритилган ўзгартишлар ҳақида нималар биласиз?
6. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш тўғрисидаги аризада нималар кўрсатилади?
7. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорларини бекор қилиш ва иш кўришни тиклаш учун нималар асос бўлади?
8. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорлари устидан шикоят бериш, протест келтириш учун нималар асос бўлади?
9. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори қандай тартибда ижро қилинади?

МАХСУС АДАБИЁТЛАР:

1. Аргунов В. Н. Заочное производство и судебное решение // Хозяйство и право. 1997. № 2. -С. 15-18.
2. Курас Т.Л. Вопросы заочного производство в гражданском процессе РФ // Сибирский Юридический Вестник. 2003. № 4. -С. 61-62.

3. Лонская С. Заочное решение в гражданском процессе: требуются уточнения // Российская Юстиция. 2002. № 3. -10 с.
4. Мамасиддиқов М.М. Ишни сиртдан кўриш институти: у фуқаролик процессуал қонунчилиқда қандай ҳал этилган? // "Инсон ва қонун" газ. 2004 йил 10 феврал № 6-сони.
5. Мамасиддиқов М.М., Хабибуллаев Д.Ю. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. (Схема ва жадваллар). Ўқув услубий қўлланма. –Тошкент.: ТДЮИ, 2006. -168 бет.
6. Новое в гражданском процессальном праве. Комментарий законодательства // БВС РФ 1996 №4. стр 13-16.
7. Решетняк В.И. Черных И.И. Заочное производства и судебный приказ в гражданском процессе. –М. 1997.
8. Семенова А. Нотариальные и судебные акты // Ж. Российская юстиция. 1998. №11.
9. Уткина И. Заочное решение в гражданском процессе: Вопросы и ответы // Ж. Российская Юстиция. № 10. 1997. –С. 16-17.
10. Уткина И.В. Заочное решение в гражданском процессе. –М., 2003.;
11. Черных И.И. Заочное производство в гражданском процессе. –М., 2000.
12. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи: Дарслик. –Тошкент.: Адолат, 2001. - 512 б.
13. Шорахметов Ш.Ш. Фуқаролик ишларини судда кўришга оид процессуал хужжат намуналарига шарҳ. Дарслик. –Тошкент: ТДЮИ, 2005. -361 б.
14. Эсанова З.Н. Сиртдан иш юритиш // Ж. Ҳаёт ва қонун. -2004. -4-сон. –Б.31-33.
15. Эсанова З.Н., Собирова С.И. Фуқаролик ишлари бўйича сиртдан иш юритиш. Рисола. –Тошкент.: МЧЖ ношир босмаҳонаси. 2007. –Б. 48.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
1-Боб. ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИНИНГ ТУШУНЧАСИ ВА ТИЗИМИ	
1.1. Суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи.....	5
1.2. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи тушунчаси ва педмети.....	9
1.3. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг тизими.....	12
1.4. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг конституциявий, фуқаролик, оила, меҳнат, маъмурий ҳуқуқ, хўжалик процессуал ва жиноят процессуал ҳуқуқи ҳамда бошқа ҳуқуқ соҳалари билан алоқадорлиги.....	14
1.5. Фуқаролик суд ишларини юритиш тушунчаси ва унинг вазифалари.....	17
1.6. Фуқаролик процессининг манбалари.....	20
1.7. Фуқаролик суд ишларини юритиш турлари.....	29
1.8. Фуқаролик процессининг босқичлари.....	38
1.9. Назорат саволлари.....	41
1.10. Махсус адабиётлар	41
2-Боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ	
2.1. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг принциплари тушунчаси ва моҳияти.....	46
2.2. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи принциплари тизими ва таснифи.....	49
2.3. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг ташқилий-функционал принциплари.....	51
2.4. Фуқаролик процессуал ҳуқуқининг функционал принциплари.....	65
2.5. Назорат саволлари	72
2.6. Махсус адабиётлар	73
3-Боб. ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИГА ОИД ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР ВА УЛАРНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ	
3.1. Фуқаролик процессига оид ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси.....	78
3.2. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиш асослари.....	81
3.3. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат субъектлари ва уларнинг таснифи.....	85
3.4. Ишда иштирок этувчи шахслар тушунчаси, таркиби ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	88

3.5. Одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар, уларнинг процессуал ҳуқуқий ҳолати.....	92
3.6. Назорат саволлари	95
3.7. Махсус адабиётлар	96

4-Боб. ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ТАРАФЛАР

4.1. Фуқаролик процессида тарафлар тушунчаси ва турлари.....	98
4.2. Тарафларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	104
4.3. Фуқаролик процессида биргаликда иштирок этишнинг мақсади, асослари ва унинг турлари.....	106
4.4. Ишга дахлдор бўлмаган тараф тушунчаси ва уни алмаштириш тартиби.....	111
4.5. Процессуал ҳуқуқий ворислик тушунчаси, асослари ва процессга киришиш тартиби.....	114
4.6. Назорат саволлари	116
4.7. Махсус адабиётлар	117

5-Боб ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА УЧИНЧИ ШАХСЛАРНИНГ ИШТИРОКИ

5.1. Фуқаролик процессида учинчи шахслар тушунчаси ва уларнинг турлари.....	120
5.2. Мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахслар.....	123
5.3. Мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслар.....	127
5.4. Ишга тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича учинчи шахсларнинг судда иштирок этиш хусусиятлари.....	131
5.5. Назорат саволлари	133
5.6. Махсус адабиётлар	133

6-Боб ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИ

6.1. Фуқаролик процессида прокурорнинг вазифалари.....	135
6.2. Прокурорнинг биринчи инстанция судида иштирок этиш асослари.....	141
6.3. Фуқаролик процессида прокурор иштирокининг шакллари.....	148
6.4. Прокурорнинг фуқаролик процессидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	150
6.5. Назорат саволлари	158
6.6. Махсус адабиётлар	159

7-Боб ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА БОШҚА ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ, ТАШКИЛОТЛАР ВА АЙРИМ ФУҚАРОЛАРНИНГ ИШТИРОКИ

7.1. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессида иштирокининг аҳамияти.....	162
---	-----

7.2. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва айрим фуқароларнинг фуқаролик процессида иштирок этиши асослари ва мақсади...	166
7.3. Давлат бошқаруви органларининг фуқаролик процессида иштирок этиш шакллари.....	170
7.4. Назорат саволлари	180
7.5. Махсус адабиётлар	180

8-Боб СУДДА ВАКИЛЛИК ҚИЛИШ

8.1. Суддаги вакиллик тушунчаси, аҳамияти ва асослари.....	183
8.2. Судда вакиллик қилиш турлари.....	187
8.3. Суддаги вакилнинг ваколатлари (ҳажми ва уни расмийлаштириш тартиби).....	196
8.4. Судда вакил бўла олмайдиган шахслар.....	201
8.5. Назорат саволлари	203
8.6. Махсус адабиётлар	203

9-Боб ПРОЦЕССУАЛ МУДДАТЛАР

9.1. Фуқаролик процессида муддатлар тушунчаси ва аҳамияти.....	206
9.2. Фуқаролик процессида муддатларнинг турлари.....	208
9.3. Процессуал муддатларни ҳисоблаш, тўхтатиб туриш, кечиктириш ва тиклаш, ўтказиб юбориш оқибатлари.....	210
9.4. Назорат саволлари	213
9.5. Махсус адабиётлар	213

10-Боб СУД ХАРАЖАТЛАРИ. СУД ЖАРИМАЛАРИ

10.1. Фуқаролик процессида суд харажатлари тушунчаси ва турлари.....	215
10.2. Давлат божи ва унинг турлари: оддий ва пропорционал давлат божлари.....	217
10.3. Даъвонинг баҳоси.....	222
10.4. Иш юритиш билан боғлиқ бўлган чиқимлар.....	225
10.5. Суд харажатларини тўлашдан озод қилиш ва унинг асослари.....	230
10.6. Суд харажатларини қайтариш учун асослар.....	234
10.7. Тарафлар ўртасида суд харажатларини тақсимлаш.....	236
10.8. Суд жарималари, уларини солиш асослари ва тартиби.....	238
10.9. Назорат саволлари	240
10.10. Махсус адабиётлар	240

11-Боб ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИНГ ТААЛЛУҚЛИЛИГИ

11.1. Тааллуқлилик тушунчаси ва турлари.....	242
11.2. Фуқароларнинг ва ташкилотларнинг субъектив ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи идоралар.....	248

11.3. Фуқаролик ишларининг тааллуқчилигини белгилаш қоидалари ва умумий мезонлари.....	249
11.4. Фуқаролик, меҳнат, оила, турар-жой ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг судга тааллуқчилиги.....	255
11.5. Давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят, аризалар бўйича юритиладиган ишларнинг судга тааллуқчилиги.....	262
11.6. Алоҳида тартибда кўриладиган ишларнинг судга тааллуқчилиги.....	266
11.7. Бир-бири билан боғлиқ бир қанча талабларнинг судга тааллуқчилиги.....	269
11.8. Назорат саволлари	270
11.9. Махсус адабиётлар	271
12-Боб ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИНГ СУДЛОВЛИЛИГИ	
12.1. Фуқаролик ишларининг судловлилиги тушунчаси.....	274
12.2. Судловликнинг турлари: турдош ва ҳудудий.....	275
12.3. Ишни бир суддан бошқа судга ўтказиш асослари ва тартиби...280	
12.4. Фуқаролик ишлари судловлилигининг ҳўжалик ва жинсий ишларнинг судловлилигидан фарқи.....	281
12.5. Фуқаролик ишлари бўйича судловлик ҳақидаги қоидаларга риоя қилмаслик оқибатлари.....	284
12.6. Назорат саволлари	285
12.7. Махсус адабиётлар	285
13-Боб ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ИСБОТЛАШ ВА ДАЛИЛЛАР	
13.1. Фуқаролик процессида исботлаш тушунчаси.....	288
13.2. Исботлаш предмети.....	291
13.3. Судга оид далиллар.....	295
13.4. Исботлашдан озод қилиш асослари.....	296
13.5. Далилларнинг дахлдорлиги ва исботлаш воситаларига йўл қўйилиши.....	299
13.6. Тарафлар ўртасида исботлаш бурчини тақсимлаш.....	302
13.7. Далилларнинг таснифи.....	305
13.8. Исботлаш воситалари ва уларнинг турлари.....	307
13.9. Далилларни таъминлаш.....	324
13.10. Суд топшириқлари	326
13.11. Назорат саволлари.....	327
13.12. Махсус адабиётлар	328
14-Боб БУЙРУҚ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШ	
14.1. Фуқаролик процессида буйруқ тартибда иш юритиш тушунчаси ва аҳамияти.....	331

14.2. Суд буйруғини чиқариш бўйича талаблар.....	338
14.3. Буйруқ тартибида иш юритишни кўзгатиш тартиби ва асослари.....	342
14.4. Суд буйруғини чиқариш.....	348
14.5. Суд буйруғини бекор қилиш.....	349
14.6. Суд буйруғини юқро этиш.....	350
14.7. Хўжалик процессида суд буйруғини бериш тартиби, асослари ва унинг фуқаролик процессида буйруқ тартибида иш юритишдан фарқли жиҳатлари.....	351
14.8. Назорат саволлари	359
14.9. Махсус адабиётлар	360

15-Боб ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ДАЪВО

15.1. Судда даъво ишларини юритиш тартибида кўриладиган ишлар.....	364
15.2. Даъво тушунчаси.....	366
15.3. Даъвонинг элементлари.....	369
15.4. Даъвонинг турлари (ундириш ва тан олиш даъволари).....	371
15.5. Даъвога бўлган ҳуқуқ ва даъво тақдим этишга бўлган ҳуқуқ.....	374
15.6. Даъво талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартириш, даъво талабларидан воз кечиш.....	377
15.7. Даъвони бирлаштириш ва ажратиш.....	382
15.8. Даъвога қарши жавобгар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг процессуал воситалари.....	384
15.9. Даъвони таъминлаш тушунчаси, даъвони таъминлаш чоралари.....	385
15.10. Жинорий ишларда фуқаровий даъволар.....	389
15.11. Назорат саволлари	391
15.12. Махсус адабиётлар	392

16-Боб СУДДА ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ КЎЗГАТИШ

16.1. Судга мурожаат қилишнинг асосий талаблари ва унга риоя қилмаслик оқибатлари.....	394
16.2. Даъво аризалари, унинг тузилиши ва мазмуни.....	396
16.3. Аризани ҳаракатсиз қолдириш.....	398
16.4. Аризани қабул қилиш уни рад қилиш асослари ва уни расмийлаштириш тартиби.....	400
16.5. Фуқаролик ишини кўзгатишнинг ҳуқуқий оқибатлари.....	403
16.6. Назорат саволлари	404
16.7. Махсус адабиётлар	405

17-Боб ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ СУДДА КЎРИШГА ТАЙЁРЛАШ

17.1. Ишни судда кўришга тайёрлаш тушунчаси ва аҳамияти.....	407
17.2. Ишни судда кўришга тайёрлашнинг мақсади ва вазифалари.....	411
17.3. Ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича судья томонидан амалга ошириладиган процессуал ҳаракатларнинг ҳажми ва мазмуни.....	417

17.4. Ишни судда кўришга тайёрлаш муддатлари.....	427
17.5. Ишни судда кўришга тайинлаш.....	429
17.6. Суд қақриқлари ва суд хабарлари.....	429
17.7. Назорат саволлари	432
17.8. Махсус адабиётлар	432

18-Боб. ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ СУДДА МУҲОКАМА ҚИЛИШ

18.1. Судда иш кўриш тушунчаси ва унинг аҳамияти.....	434
18.2. Фуқаролик ишлари бўйича суд мажлиси ва унинг қисмлари...	440
18.3. Иш кўришни кейинга қолдириш.....	451
18.4. Судда иш юритишни тўхтатиш.....	454
18.5. Аризани кўрмасдан қолдириш.....	456
18.6. Ҳал қилув қарорини чиқармасдан туриб иш юритишни тугатиш.....	457
18.7. Суд мажлисининг баённомаси.....	458
18.8. Назорат саволлари	462
18.9. Махсус адабиётлар.....	462

19-Боб. БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

19.1. Суд қарорларининг тушунчаси, турлари ва улар ўртасидаги фарқлар	464
19.2. Суднинг ҳал қилув қарорининг тушунчаси, аҳамияти ва ҳуқуқий белгилари.....	467
19.3. Суднинг ҳал қилув қарорига нисбатан қўйиладиган талаблар.....	469
19.4. Ҳал қилув қарорининг мазмуни.....	473
19.5. Ҳал қилув қарорини чиқарган суд томонидан ундаги камчиликларини тузатиш.....	477
а) ҳал қилув қарорининг ёзувидаги хатолар ва очиқ кўриниб турган арифметик хатоларни тузатиш;	
б) қўшимча ҳал қилув қарори;	
в) ҳал қилув қарорини тушунтириш;	
г) ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ва уни бўлиб-бўлиб ижро этиш.	
19.6. Суднинг ҳал қилув қарорини қонуний кучи.....	481
19.7. Дарҳол ижро қилинадиган суд ҳал қилув қарорлари.....	484
19.8. Биринчи инстанция судининг ажримлари, унинг турлари (мазмуни, шакли, чиқариш тартиби) ва қонуний кучи.....	486
19.9. Хусусий ажримлар, уларнинг мазмуни ва аҳамияти.....	490
19.10. Назорат саволлари.....	492
19.11. Махсус адабиётлар.....	493

20-Боб. СИРТДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ЧИҚАРИШ

20.1. Сиртдан иш кўришнинг моҳияти.....	494
20.2. Сиртдан иш юритиш учун асослар.....	496

20.3. Сиртдан ҳал қилув қарорини чиқариш тартиби.....	498
20.4. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш тўғрисидаги аризанинг мазуни.....	500
20.5. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорларини бекор қилиш ва иш кўришни тиклаш учун асослар.....	501
20.6. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорлари устидан шикоят бериш, протест келтириш учун асослар.....	502
20.7. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг қонуний кучи ва ижроси.....	503
20.8. Назорат саволлари.....	504
20.9. Махсус адабиётлар.....	504

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА



Мамасиддиков Музаффаржон Мўсажонович — 1974 йил 26 январда Фарғона вилояти Риштон туманининг Зоҳидон шаҳарчасида туғилган.

1980 йилда: Риштон туманидаги Ю.А.Гагарин номидаги 3-ўрта мактабга ўқишга кириб, уни 1990 йилда “аъло” баҳо-ларга тамомлаган.

1991 йилда Тошкент давлат юридик институтига ўқишга қабул қилинган ва 1996 йилда мазкур институтни “Имтиёзли диплом” билан тамомлаган. Диплом бўйича мутахассислиги “ҳуқуқшунос”. Давлат имти-хон комиссиясининг тавсиясига кўра, 1991 йилда Тошкент давлат юридик институти-

нинг “Фуқаролик процессуал ҳуқуқи” кафедрасига ўқитувчи лавозимига ишга қабул қилинган. 2006 йилгача мазкур кафедрада ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент вазифасини бажарувчи, доцент, кафедра мудирининг ўринбосари лавозимларида ишлаб келган.

2004–2006 йиллар мобайнида бир вақтнинг ўзида ТДЮИнинг Илмий кенгаши котиби лавозимида меҳнат фаолиятини олиб борган.

2002 йилнинг 28 декабрида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар доктори, профессор Ш.Ш.Шорахметовнинг илмий раҳбарлигида “Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ни-золи ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари” мавзусида юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ишини муваффақиятли ҳимоя қилган.

2003 йилнинг 22 майида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясининг қарори (диплом 01 № 009599) билан юридик фанлар номзоди илмий даражасини олган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттес-тация комиссиясининг 2006 йил 25 майдаги қарорига кўра, доцент илмий лавозимига эга бўлган (03 № 005221).

2006 йилнинг март ойидан эътиборан ҳозирги кунгача Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мо-ниторинг институтида бўлим бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда. Бир вақтнинг ўзида ўриндошлик асосида Ўзбекистон Республикаси Ад-лия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш марказининг “Фуқаролик-ҳуқуқий фанлар” кафедраси мудирининг лавозимида ҳам меҳнат фаолиятини амалга ошириб келмоқда.

2009 йилнинг март ойида "Меҳнатта оид етказилган моддий ва маънавий зарарни судда ундиришни назарий ва амалий муаммолари" мавзусида юридик фанлар доктори илмий даражасни олиш учун диссертация ишини муваффақиятли ҳимоя қилган ва 2009 йилнинг 29 октябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясининг қарорига кўра, унга юридик фанлар доктори илмий даражаси берилган (диплом №004140).

М.М.Мамасиддиқов томонидан 300 га яқин илмий, илмий-оммабоп мақолалар, ўқув, ўқув-услубий қўлланмалар, монография ва рисоалар чоп этилган. Хусусан, "Меҳнатта оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари", "Меҳнатта оид етказилган моддий ва маънавий зарарни судда ундиришнинг назарий ва амалий муаммолари" ва "Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришни ҳуқуқий таъминлаш муаммолари" мавзусидаги монографиялар, "Меҳнат ишлари бўйича етказилган зарарни судда ундириш", "Меҳнатта оид низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари", "Буйруқ тартибида иш юритиш", "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг "Буйруқ тартибида иш юритиш" номли 20¹-бобиға шарҳ", "Фуқаролик процессида прокурор иштироки", "Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал қонунчилигининг ривожланиши" номли ўқув-амалий ва ўқув-илмий қўлланмалари, "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи (Схема ва жадваллар)", "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи" номли ўқув-услубий қўлланмалари шулар жумласидандир. Шунингдек, 2010 йилда мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда давлат таълим стандарти, фан дастурида белгиланган талаблар асосида "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи" номли дарслиги чоп этилган.

Ҳозирги кунда унинг илмий раҳбарлигида 10 га яқин тадқиқотчилар юридик фанлари бўйича илмий даража олиш учун диссертация тадқиқотлари устида илмий изланиш олиб бормоқдалар.

Оилали, бир нафар ўғли ва уч қизи бор.

**МАМАСИДДИҚОВ
МУЗАФФАРЖОН МУСАЖОНОВИЧ**

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ

**ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ
УЧУН ДАРСЛИК**

УМУМИЙ ҚИСМ

Техник муҳаррир: Ш.Ҳ.Раҳимов
Компьютерда саҳифаловчи: О.И.Мирзаев

Босишга рухсат этилди: 08.08.2012.
Бичими 60x84 1/32 Офсет босма. Шартли 32,5. б.т.
Адади: 1000 нусха. Буюртма: № 64/2012

Баҳоси шартнома асосида.

«АЛ-ФАБА-СЕРВИС» босмаҳонасида чоп этилди.
100047, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 23 А уй.

ISBN 978-9943-380-08-0



9 789943 380080